

ЎЗБЕКИСТОН ССР
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЙ ТАНҚИДИ ТАРИХИ




ИККИ ТОМЛИК

*ЎзССР Фанлар академияси
мухбир аъзоси И. СУЛТОНОВ
тахрири остида*

ЎЗБЕКИСТОН ССР
«ФАН» НАШРИЕТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК
СОВЕТ
АДАБИЙ
ТАНҚИДИ
ТАРИХИ



БИРИНЧИ ТОМ

002.36.4-

ТОШКЕНТ — 1987

Ушбу томда Ўзбекистонда 1917—1956 йилларда марксча-ленинча адабий танқиднинг туғилиши ва ривожига жараёни тадқиқ этилади. Унда ўзбек адабий танқиднинг манбалари, унинг ривожига асосий босқичлар, уни шакллантирувчи асосий омиллар, адабиётга марксча-ленинча таълимотнинг татбиқи этилиши, социалистик реализм танқидий эстетикасини ҳар тарафлама ўзлаштиришнинг йўллари таҳлил этилган.

Асар адабиётшуносларга, аспирантларга, шунингдек, олий ўқув юртлари филология факультетининг ўқитувчи ва студентларига мўлжалланган.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори С. МАМАЖОНОВ,
профессор О. ШАРАФИДДИНОВ

У $\frac{4603010202-3584}{M355(04)-87}$ 179—87

© Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти, 1987 й.

1987 йил — совет халқи учун жуда муҳим сана. Бу йилнинг ноябрида Улуғ Октябрь социалистик революциясига етмиш йил тўлади.

«Бу ... кўп миллатли социалистик давлатимиз халқларининг тақдири учун бурилиш аҳамиятига эга бўлган умумий тарихимизнинг катта воқеасидир. Бу — XX асрнинг бутун жаҳон жараёнига жуда катта таъсир ўтказган энг буюк воқеасидир.

Мамлакатларимиз халқлари ўз курашини якунлар экан, дунёга айта оладиган гаплари бор, таъкидлай оладиган, фахрлана оладиган, тарих тарозусига қўя оладиган ишлари бор, бу — аввало ҳаммамизнинг муштарак қудратли замонавий давлатимиз, социалистик йўлни танлаб олиб, эришган сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ютуқларимиздир»¹.

Шубҳасизки, СССРнинг биродар халқлари иттифоқида яшаётган ва ривож топаётган ўзбек халқининг совет даврида эришган улуғ маданий ютуқларидан бири — ўзбек социалистик реализм адабиёти ва марксча-ленинча адабий танқиддир.

Шу вақтгача ўзбек совет адабиётининг тараққиёт йўлларини ва унинг оламшумул ютуқларини ёритувчи бир қанча илмий тадқиқотлар яратилгани совет жамоатчилигига яхши маълум. Тўрт томдан иборат «Ўзбек совет адабиёти тарихи» шулар жумласидандир.

Аммо адабий-тарихий жараённинг ажралмас бир қисми бўлган адабий танқиднинг туғилиши, ривож тарихи ва якунларига бағишланган яхлит асар ҳануз яратилмаган эди.

Ушбу икки томлик «Ўзбек адабий танқиди тарихи» маданий ҳаётимиздаги шу камчиликка барҳам бериш

¹ Латвия ССР партия, совет ва хўжалик активлари билан учрашувда М. С. Горбачев нутқи//Совет Ўзбекистони. 1987. 21 февраль.

йўлидаги биринчи қадамдир. Асар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг адабиёт назарияси ва адабий танқид бўлими илмий ходимлари томонидан ёзилди.

Янги ва масъулиятли вазифани адо этиш йўлидаги биринчи қадамнинг баъзи камчиликлардан холи бўлмаслиги табиийдир. Шу билан бирга, юртимизнинг муборак юбилеи йилида ўтмиш самарали тарихий йўлнинг энг муҳим якунларини ясаш ҳам катта аҳамиятга эга. Бу якунларнинг бири — Ўзбекистонда марксча-ленинча адабий танқиднинг энди мавжудлигидир. Бу асарнинг мақсади — ана шу жуда муҳим маданий ҳодисанинг энг муҳим қирраларини ёритиб беришдир. Буни эса совет жамоатчилиги, айниқса ўрта ва олий мактаб ходимлари интизорлик билан кутмоқда.

Институт ушбу «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»ни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиш йўли билан яна ҳам мукамаллаштириш ниятида чоп этади.

УЗБЕК
СОВЕТ

АДАБИЙ

ТАНҚИДИНИНГ

ТУҒИЛИШИ

ВА

ШАКЛЛАНИШИ



КИРИШ

АДАБИЙ ТАНҚИД ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ МАСАЛАЛАРИ

Адабий танқид тарихини ўрганишнинг методологиясига доир. Совет жамиятининг тарихида янги даврни очган КПСС XXVII съезди бундан кейин тез ривожимизда ижтимоий фанларнинг, санъат ва адабиётнинг катта роль ўйнаши лозимлигини уқтириб ўтди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида қайд қилинишича, «Партия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун маркса-ленинча идеологиянинг ўзгартрувчи кучидан тўла-тўқис фойдаланиш, совет кишиларини ғоявий-сиёсий, меҳнат билан ва ахлокий тарбиялаш, ўзида маънавий бойликни, ахлокий покликни ва жисмоний мукамалликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий жиҳатдан фаол шахсни шакллантириш йўлида собитқадам иш олиб бориш учун барча зарур чораларни кўради»¹.

Совет жамиятининг ҳаракатини жадаллаштириш учун ишчанлик айниқса зарур эканини қайта-қайта уқтирган XXVII съезд ижтимоий фанлар олдига ҳам конкрет амалий вазифалар қўйди. XXVII съезднинг КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади юзасидан резолюциясида айтилишича, жамиятшунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг марказига жамиятимиз тараққиётини тезлаштиришдан, уни сифат жиҳатидан янги ҳолатга эриштиришдан иборат туб вазифалар қўйилиши зарур. Ҳаётнинг талабларига ижтимоий фанларнинг дарҳол жавоб бериши, практика учун асослаб берилган прогнозлар ва конструктив тавсиялар ишлаб чиқиш таъминланиши керак.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай муҳим вазифалар совет маданияти, фани, адабиёти ва санъати тарихини тубли

¹ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси (Янги таҳрири). Тошкент. 1986. 60-бет.

Ўрганиш, ундан бугунги кун учун амалий аҳамиятли хулосалар чиқара билиш асосидагина тўла муваффақиятли бажарилиши мумкин. Совет даври адабий танқиди тарихини ўрганиш ҳам, шубҳасиз, бу вазифанинг тўла адосига хизмат этади.

Ҳамма ижтимоий фанлардек, адабий танқид тарихи ҳам (агар у ҳақиқий фан бўлишни истаса), марксизм-ленинизмнинг инсоният жамияти, унинг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги, шў жумладан, жамият ҳаётида инсон онги ва унинг бадний ижоди маҳсулотлари роли ҳақидаги таълимотига асосланиши керак.

Бу умумий қондани адабиётшунослик илмининг ажралмас бир қисми бўлган адабий танқидга, унинг тарихига татбиқ этиш пайтида қуйидаги жуда муҳим моментларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Бадний адабиёт жамиятнинг конкрет тарихий шароитда ривож маҳсулоти сифатида туғилади. Бу шароитлар орасида моддий ишлаб чиқариш усули ҳал этувчи роль ўйнайди. «Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётни белгилайди. Кишиларнинг онги уларнинг борлигини белгиламайди, балки, аксинча, уларнинг ижтимоий борлиги уларнинг онгини белгилайди»². Бу фикрни, демак, ҳамма нарсани жамиятнинг моддий бойликларни ишлаб чиқариш усули ҳал этар экан, деган маънода тушуниш хатодир. Бундай тушуниш—вульгарлаштириш, бачканалаштириш, саёз фикрлаш натижаси бўлиб, аслида марксизм-ленинизмга тамоман зиддир. «... Тарихни материалистик тушунишга мувофиқ, ҳақиқий тарихий процесс (жараён)да ҳал қилувчи момент *оқибат натижасида* ҳаётни ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришдир,— деб ёзган эди Ф. Энгельс.— На мен, на Маркс ҳеч қачон бундан ортиқ фикрни айтганимиз йўқ. Агар бирор киши бу фикрни гўё иқтисодий момент — бирдан-бир ҳал этувчи моментдир, деган маънода бузиб тушунтирса, у вақтда бу фикр ҳеч қандай нарсани англатмайдиган, абстракт, маъносиз иборага айланиб қолади»³.

Марксизмнинг бу қондаси адабий танқид ва унинг тарихчиси зиммасига бадний ижоднинг ҳамма масалаларини жамиятнинг ҳаёти, унинг моддий ва маънавий бойликларни яратиш йўлидаги кураши билан боғлаб

² К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. Икки томлик. Тошкент, 1975. 1-том. 85-бет.

³ Уша асар, ўша том. 93-бет.

ўрганиш ва тушунтириш вазифасини юклайди. Бинобарин, ўзбек совет адабий танқиди СССР халқларининг коммунизм учун кураши жараёнида, коммунистик меҳнатнинг ғалабаси жараёнида эришилган ютуқлар билан узвий алоқада, уларнинг оқибат натижасида туғилган ва ривож топган катта маданий ҳодиса сифатида таҳлил этилиши лозим.

Марксизмнинг бу қондаси адабий танқид ва унинг тарихчиси зиммасига маданий ҳодисаларни вульгарлаштиришдан қочиш, жамиятнинг иқтисодий аҳволи билан унинг маънавий бойликлари орасида бевосита алоқа ахтаришдек хатога йўл қўймаслик вазифасини ҳам юклайди. Марксизм асосчиларининг фикрича, жамият ҳаётидаги моддий базис билан унинг маънавий устқурмалари орасидаги алоқа бевосита эмас, балки жамиятдаги синфий кураш жараёни орқали, билвосита намоён бўлади: «Иқтисодий аҳвол — базисдир, лекин устқурманинг турли моментлари, яъни синфий курашнинг сиёсий формалари ва бу курашнинг натижалари... тарихий курашнинг боришига таъсир қилади ва кўпинча бу курашнинг формасини асосан белгилаб беради. Ана шу моментлар ҳаммаси бир-бирига таъсир этади»⁴.

Демак, адабий танқид тарихи ҳам жамият тараққиётининг турли босқичларида бадий адабиётнинг ва адабий танқиднинг синфлар курашида, идеологик соҳада қандай роль ўйнаганига алоҳида эътибор бериши керак.

Бадий адабиётнинг жамият ҳаётида актив роль ўйнаши ҳақидаги марксча-ленинча таълимот адабий танқид тарихини ўрганишнинг энг муҳим дастуриламалларидан биридир. К. Маркс ва Ф. Энгельс бадий ижоднинг жамият тараққиётида катта роль ўйнашини доимо уқтириб борганлар. Бадий ижоднинг ижтимоий роли айниқса ижодкорларнинг жамият ҳаётида ўйнаган ролида жуда яққол намоён бўлади. К. Маркс ва Ф. Энгельс бу ҳодисани, Европада Уйғониш даврида етишган буюк сиймолар мисолида жуда яққол кўрсатиб берган эдилар. Бу буюк сиймолар фаолияти ўз даврининг маҳсулоти бўлибгина қолмасдан, шу даврда жамият тараққиётида жуда катта ўрин тутди. «.... Улар учун энг характерли нарса шуки, уларнинг деярли ҳаммалари ўз замонларининг ғиж-ғиж манфаатлари орасида ҳаёт кечирадилар, амалий курашда қизғин иштирок қиладилар, у ёки бу партия томонига ўтиб, бири сўз ва

⁴ Уша жойда.

қалам билан, бири бўлса ҳам қалам, ҳам қилич билан кураш олиб боради»⁵. В. И. Ленин Лев Толстойнинг асарларини «Рус революциясининг кўзгуси»⁶ деб аташ билан бадиий ижоднинг инсоният ҳаётида ўйнаган ролини жуда ҳам аниқ ва мукаммал таърифлаб берган эди. Адабий танқид тарихи фақат адабиётнинггина эмас, адабий танқиднинг ҳам жамият ҳаётининг ҳар босқичида қандай роль ўйнаганига эътибор беради. Бунда ҳар бир танқидчида гражданлик бурчи ҳисси қай даражада эканини аниқлаш ва унинг адабий жараёнда иштирок даражасига баҳо бериш ҳам жуда муҳимдир. Шунинг ҳам эсда тутиш керакки, жамият ҳаётида актив роль ўйнаш ёзувчи ва танқидчининг адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссасини тайин этибгина қолмасдан, балки ёзувчи ва танқидчини ўз соҳасининг баркамол вакили қилиб етиштиради. Ахир, Уйғониш даври чамояндаларининг жамият ҳаётига «ҳам қилич билан, ҳам қалам билан» аралашуви уларнинг маданий арбоблар сифатида шаклланишини таъмин этган эмасми? «Уларни баркамол кишилар даражасига етказган характер етуклиги ва кучи шундан иборат».

Бадиий адабиётнинг (демак, адабий танқиднинг ҳам) ижтимоий ҳаётда жуда катта роль ўйнашини тан олиш ва янги, революцион воқеликнинг актив иштирокчиларига бунини тушунтириш зарурлиги В. И. Ленин томонидан «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» каби гениал асарнинг ёзилишига сабаб бўлди. Октябрь социалистик революциясидан анча илгари ёзилган бу асарда В. И. Ленин социализм ва коммунизмнинг ғалабаси учун кураш даврида яратилиши лозим бўлган адабиётнинг хусусиятлари ва вазифаларини гениал равишда олдиндан тайинлаб берди.

Аслини олганда, кўп миллатли совет миллий адабиётларининг ва унинг ажралмас қисми бўлган адабий танқиднинг тарихи — совет ижодкорлари фаолиятида маркса-ленинча принципларнинг шаклланиши ва ғалабаси тарихи демакдир. Шунинг учун ҳам совет даврининг адабий танқиди тарихи адабиёт тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг ва бу таълимот асосида КПСС томонидан ўтказилган сиёсатнинг ижодкорлар томонидан ўзлаштирилиши даражасига қараб, адабиётнинг ва адабий танқиднинг ютуқларига ва камчиликларига баҳо беради. Бундай баҳолаш жараёнида маркс-

⁵ Уша асар. 129-бет.

⁶ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 17-том. 235-бет.

ча-ленинча таълимотнинг бадий ижодкорлар олдига қўйган вазифалари доимо мезон тарзида кўз ўнгиде тўтилади. Бу вазифалар айниқса В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» (1905) асарида ва КПСС нинг идеологик масалалар ҳамда бадий ижодга оид ҳужжатларида жуда аниқ ифода этиб берилган.

«Адабиёт партиявий бўлиши керак,— деб ёзган эди В. И. Ленин.— Буржуа ахлоқига қарши, буржуазиянинг таъмагир, сотқин матбуотига қарши, адабиётда буржуа шухратпарастларига ва шахсиятпарастликка қарши, социалистик пролетариат **адабиёт партиявийдир** деган принципти олға суриши, бу принципти кенгайтириши ва уни мумкин қадар тўла ҳамда яхлит формада амалга ошириши керак.

Партиявий адабиётнинг бу принципи нимадан иборат? Шундан иборатки, адабиёт иши социалистик пролетариат қўлида айрим шахс ва группаларнинг бойиши учун қурол бўлмаслигидан ташқари, умуман адабиёт иши умумпролетар ишига боғлиқ бўлмаган хусусий иш бўлиши мумкин эмас. Битсин партиясиз адабиётчилар! Битсин ўзини кишилардан юқори тутган адабиётчилар! Адабиёт иши — умумпролетар ишининг **бир қисми** бўлиши керак...»⁷.

В. И. Ленин бадий адабиётни яратувчиларнинг фаолиятини халқ ҳаёти билан, унинг коммунизм учун кураши билан чамбарчас боғлаш зарурлигини тушунтирди. Унинг фикрича, янги даврда — коммунизм учун кураш даврида адабиёт ва санъат халқ оммасининг коммунизм тантанаси учун курашнинг ойнаси бўлиб қолиши ва бу курашга мадад берувчи зўр куч бўлиб хизмат этиши керак. «Бу адабиёт бутун инсониятнинг революцион фикрининг энг сўнгги ижодини социалистик пролетариат тажрибаси ва жонли иши билан бойитиб, унга ҳаёт бахш этадиган, ўтмиш тажрибаси (нотидоний, ҳаёлий формадаги социализмни охирига етказган илмий социализм) билан ҳозирги замон тажрибаси (ишчи ўртоқларнинг ҳозирги курашлари)ни доим бир-бирига боғлайдиган адабиёт бўлади»⁸.

Бу янги давр адабиёти (бизнинг кунлардаги терминология билан айтганда, социалистик реализм адабиёти) фақат мазмуни жиҳатидангина эмас, балки руҳи, пафоси, шакли билан ҳам меҳнаткаш халққа яқин, унга

⁷ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 12-том. 107—108-бетлар.

⁸ Ўша асар, 112-бет.

тушунарли бўлиши керак. В. И. Ленин фикрича, «Санъат халқники. Санъат кенг меҳнаткашлар оммаси ичида чуқур илдиз отиши керак. Санъат шу оммага тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим. У омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши керак»⁹.

Адабиёт ва санъат ривожининг бутун мамлакат ва давлат миқёсидаги ишга айлантирилиши бу ишга Коммунистик партия раҳбарлигини зарурий шарт қилиб қўяди. В. И. Ленин бадий ижоднинг мураккаб жараёнини кўзда тутиб туриб, деган эди: «Равшанки, бизлар — коммунистлармиз. Биз қўлни қовуштириб туриб, чалкашликнинг хоҳлаганча авж олиб кетишига йўл қўймаслигимиз керак. Биз бу процессга батамом планли суратда раҳбарлик қилишимиз ва унинг натижаларини тартибга солиб боришимиз керак»¹⁰.

Бу ленинча кўрсатмаларни тарихимизнинг турли босқичларида бадий ижод ва адабий танқид соҳасида қандай амалга оширила борганини ўрганувчи тарихчи шунини эсда тутиши керакки, В. И. Ленин адабиёт ишини социализм ва коммунизм учун кураш ишининг ажралмас бир қисми деб эълон этиш билан бирга, доимо унинг спецификаси (ўзига хослиги)ни эсда тутишга, уни сиёсатнинг бошқа соҳалари билан аралаштириб юбормасликка чақирди, ижодкорнинг эркини чегаралаш мумкин эмаслигини доим уқдириб борди: «Ҳеч шак-шубҳа йўқки, адабиётни шунчаки бир андозага, бир қолипга солиб бараварлаш, унда озчиликни кўпчиликка бўйсундириш ҳаммадан қийин. Бу ишда шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга кенг майдон очиб бериш мутлақо лозимлигида ҳам шак-шубҳа йўқ»¹¹.

Бадий адабиётни яратувчиларга баланд баҳо бериш, уларни эъзозлаш ленинча таълимотнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. «Талантни қўллаб-қўлтикламоқ керак» деб¹² қайта-қайта уқтирар эди Ленин. КПСС ҳужжатларида ижодкорнинг таланти — халқ мулки деб эълон этилди.

Талантнинг қадри у эришган ғоявий-эстетик чўққилар билан тайин этилади. Ғоявийлик ва бадийлик соҳасида адабиёт олдига энг баланд талаблар қўйиш — ленинча таълимотнинг характерли хусусияти ва КПСС

⁹ Ленин маданият ва санъат тўғрисида. Тошкент. 1962. 577-бет.

¹⁰ Уша жойда.

¹¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 12-том. 108-бет.

¹² Ленин В. И. Уша асар, ўша том. 375-бет.

маданий сиёсатининг марказий масалаларидан биридир. Маълумки, В. И. Ленин, масалан, Лев Толстой каби буюқ ёзувчининг ижодини инсониятнинг бадий ривожига олға томон босилган бир қадам тариқасида тавсифлар экан, буюқ ёзувчи ижодининг бир-биридан ажралмас икки фазилатига — замонанинг энг буюқ социал проблемаларини энг баланд бадий савияда акс эттиришга — урғу қилади. КПСС ўзининг назарий ҳужжатларида ва практик фаолиятида совет адабиётини юксак ғоявий-бадий савияга кўтаришга алоҳида аҳамият беради. Масалан, КПСС нинг Янги Программасида дейилади: «Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч, илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаш, уларнинг ғоявий баркамол бўлиши ва маънавий тарбияланишига актив ёрдам бериши зарур.

Халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадий савияда акс эттириш, янги, илғор нарсаларни жўшқинлик билан ёрқин очиб бериш ва жамиятнинг олға қараб ҳаракат қилишига ҳалақит бераётган барча нарсаларни эҳтирос билан фош қилиш — адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўналишдир»¹³.

Маданий ва адабий меросга муносабат масаласи — совет адабиёти ва совет танқидчилиги тарихида катта ўрин тутган жуда муҳим масалалардан биридир. Адабий танқид тарихчиси бу борада ўтилган тарихий йўлни кўздан кечиран экан, бу йўлдаги ютуқларга, камчилик ва хатоларга марксча-ленинча таълимот нуқтани назаридан баҳо бериши керак. Бу таълимотнинг маъзини В. И. Лениннинг қуйидаги фикри тугал ифода этади: «Революцион пролетариатнинг идеологияси бўлган марксизм ўзининг оламшумул-тарихий аҳамиятини шу билан қозондики, марксизм буржуа даврининг энг қимматли ютуқларини асло улоқтириб ташламади, балки, аксинча, инсон тафаккури ва маданиятининг икки минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ривожланиши натижасида вужудга келган қимматли нарсаларнинг ҳаммасини ўзлаштирди ва қайтадан ишлади. Фақат шу асосда ва шу йўлда олиб борилаётган ва пролетариатнинг ҳар қандай эксплуатацияга қарши сўнги курашидан иборат бўлган пролетариат диктатурасининг амалий

¹³ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Тошкент. 1986. 191-бет.

тажрибаси билан камолотга етказиладиган ишнинггина чинакам пролетариат маданиятининг ривожига деб билиш мумкин»¹⁴. Тарихий ўтмиш, унинг маданияти ва адабиёти совет адабиёти учун энг камида икки жиҳатдан катта қимматга эга бўлади: ўтмишнинг энг яхши, илғор анъана (традиция)лари (ғоявийлик, халқчиллик, юқори бадиий савия) янги, социалистик реализм адабиётининг ғоявий-эстетик арсеналини бойитади. Халқ ҳаётининг энг ёрқин саҳифалари эса социалистик реализм адабиёти асарларида ҳаққоний акс эттирилганда катта тарбиявий аҳамият касб этадилар, тарихий воқелик коммунистик тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб қолади.

Юқорида айтилганидек, адабий танқид тарихини ўрганишга аҳд этган ҳар бир тадқиқотчи бадиий адабиёт ва адабий танқид томонидан ўтилган тарихий йўлни кўздан кечириш экан, ана шу муҳим илмий ҳақиқатларга изчил равишда суяниб, иш кўриши керак.

Юқорида айтилганлардан адабий танқиднинг тарихий-адабий жараёнда тутган ўрни масаласи ҳам анча аён бўлади, аммо бу масаланинг «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»да марказий ўрин тутишини эътиборга олиб, адабий танқидчиликнинг ўрганилишига доир баъзи масалаларга алоҳида тўхтаб ўтиш зарурияти бор.

Адабий танқид тарихини яратишнинг актуаллиги. Марксистик адабиётшуносликнинг бир отряди сифатида ўзбек совет адабиётшунослигининг туғилиши ва балоғатга етиши — ўзбек халқининг буюк Октябрь революцияси туфайли эришган тарихий ютуқларидан биридир. Ўзбек совет адабиётшунослигининг туғилиши ва балоғату билан бирга ривожланиб келган ўзбек адабиётшунослиги, айниқса, сўнгги чорак аср давомида ўзининг юксак савиясини намоён этадиган асарлар ярата олди. Аввал икки томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерк»нинг босилиб чиқиши (1961—1962), кейин Москвада М. Горький номи Жаҳон адабиёти институти билан ҳамкорликда рус тилида «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг (1967) эълон этилиши, 1968—1972 йиллар давомида уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» ва сўнгги йилларда беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи» (Қадимги давлардан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача)нинг яратилиши, шунингдек классик ва совет адабиёти тарихининг турли давларига, уларнинг энг йирик вакилларининг ижодига ҳамда адабиётшуносликнинг айрим назарий масалаларига бағишланган

¹⁴ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 41-том. 376-бет.

кўпгина монографияларнинг ўқувчилар оммасига ҳада этилиши ўзбек адабиётшунослигининг ютуқларидир. Ниҳоят, икки томлик академик «Адабиёт назарияси»нинг яратилиши (1978—1979 йиллар) ҳамда республикамиз ўрта ва олий мактабларининг адабиёт тарихи ва назариясидан ёзилган махсус дарсликлари билан таъмин этилганлиги — ўзбек адабиётшунослиги фанининг янги парвозидан гувоҳлик беради, унинг назарий изланишларини якунлайди.

Ўзбек адабиётшунослигидаги бу ютуқларнинг ва кўтарилган баланд савиянинг яна бир аҳамияти шундаки, бу ютуқлар капиталистик мамлакатлардаги ғоявий оппонентларимизнинг ўзбек маданиятининг бугунги янги, юқори савиясини кўролмай тарқатаётган бўҳтонларини чиппакка чиқаради. Бизнинг бугун ўз ўтмишимиздаги маданиятимизни ва шу жумладан миллий адабиётимизнинг Буюк Октябрь революциясидан аввалги тараққиёт йўллариини ўрганишга қодирлигимизга, унинг ютуқларининг қадрига ета олишимизга ва миллий адабиётимизнинг совет даврида эришган оламшумул ютуқларини баҳолай олишимизга боис шуки, ўзбек халқи коммунизм учун кураш даврида иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки маданий жиҳатдан ҳам аввал кўрилмаган даражага кўтарилиб, дунёдаги энг маданий халқларнинг бири бўлиб қолди.

Совет жамоатчилиги томонидан кўп мартаба қайд этилганидек, маданиятимиз тарихини ўрганишдаги баъзи камчиликлардан бири — ҳануз адабий танқид тарихи мавжуд эмаслигидир. Ваҳолонки, ўзбек совет адабий танқидининг бой ва самарали тарихий йўли — бундай тарихнинг яратилишига тўла асос беради. Адабий танқид тарихини ўрганиш юзасидан шу вақтгача қилинган баъзи илмий ишлар бу соҳада олға босилган дадил қадамлар бўлди ва адабий танқид тарихининг тўлиқ манзарасини яратишга бугун маълум даражада тиргак бўла оладилар¹⁵. Аммо танқид тарихидан ҳозиргача ёзилган илмий ишлар ҳали адабий танқид тарихи манзарасини бутунлигича яратишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган эмас. Ушбу «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» ана

¹⁵ Биз бу ерда биринчи навбатда Х. Ғабдуловнинг «Танқид ва адабиётшунослик тарихига бир назар» (Адабиётимизнинг ярим асри. Тўплам. 1-китоб. Тошкент. 1967), Б. Назаровнинг «Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик, метод, қаҳрамон» (Тошкент. 1979), Х. Уму-ровнинг «Ўзбек адабий танқидида маҳорат проблемаси» мавзудаги кандидатлик диссертацияси (1970) каби илмий ишларни кўзда тутамиз.

шу камчиликка барҳам беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу китоб танқидчилигимизниг ривожланиш йўллариغا ва айрим проблемаларига бағишланган асарларнинг ютуқларини ҳисобга олиш билан бирга, биринчи марта ўзбек совет адабий танқидчилигининг тараққиёт йўлларини мумкин қадар тўла ёритишни ва ундан бугунги адабий ривожимиз учун зарур бўлган назарий хулосаларни чиқаришни кўзда тутди.

Бу вазифани қаноатланарли даражада бажариш учун даставвал қуйидаги масалаларни аниқлаб олиш лозим: адабий-тарихий жараёнда адабий танқиднинг ўрни; адабий танқид предмети ва спецификаси; адабий танқид тарихини ўрганишнинг вазифалари; адабий танқидни ўрганиш методикаси; адабий танқид тарихига бағишланган асарнинг структураси.

Адабий-тарихий жараёнда танқиднинг ўрни. «Адабиёт ва санъат танқид билан қўл ушлашиб боради ва бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатади»¹⁶,— деб ёзган эди В. Г. Белинский. Дарҳақиқат, ҳеч бир халқ ва ҳеч бир даврнинг адабий-тарихий процесси (жараёни)ни адабий танқиднинг иштирокисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳатто айрим халқларда айрим тарихий даврларда адабий танқиднинг ютуқлари адабиёт ва санъатнинг ютуқларидан аввал майдонга келади, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари учун назарий замин ҳозирлайди. Масалан, В. Г. Белинский фикрича (бу фикр унинг машҳур «Танқид ҳақида нутқ» мақоласида айтилган), XVIII—XIX аср немис адабиётида танқидий фикрнинг ривожини кўп жиҳатдан бадиий адабиёт ва санъатнинг тараққиёт йўллари аввалдан тайёрлаб берган. И. С. Тургенев жуда тўғри эътироф этишича, XIX аср рус адабиёти тараққиётида танқидчи В. Г. Белинский шу адабиётнинг энг кўзга кўринган вакиллари қаторида катта роль ўйнади.

Социалистик реализм адабиётининг тарихи ҳам буюк мутафаккирнинг ана шу ажойиб фикрини тасдиқ этади. К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг адабиёт ва санъатнинг жуда муҳим масалаларига бағишланган ва аслида адабий танқиднинг олий намуналари бўлган асарлари жаҳон танқидий реализмининг энг тўғри, мукаммал тавсифини бериш билан бирга, санъат ва адабиётнинг янги тарихий шароитдаги тараққиёт йўлларини олдиндан тайинлаб қўйдилар ва социалистик реализм адабиёти ва санъатининг туғилиши ва ривожла-

¹⁶ Белинский В. Г. Танланган асарлар. Тошкент. 1954. 143—144-бетлар.

нишини кўп жиҳатдан олдиндан аниқлаб, ҳозирлаб бердилар; жаҳон адабий-тарихий процессини тўғри тушунишда ва янги, социалистик давр адабиётининг туғилишида Россиянинг илк марксистик олими Г. В. Плехановнинг асарлари ҳам катта роль ўйнади.

Шуни қайд этиш мумкинки, адабий танқиднинг узоқ ва яқин ўтмиш ижтимоий ҳаёти ва адабий-тарихий жараёнида катта ижобий ролини тушуниш ҳозирги замон ўзбек адабий танқидчилигининг муҳим хусусиятларидан биридир. «Ижтимоий ҳаёт ва адабий жараённинг шаклланишида адабий танқид тутадиган мавқеи — унинг гражданлик позицияси барқарор хусусиятларидан ҳисобланади. Танқид муҳокамалари, хулосалари ижтимоий онгга, адабий тараққиётга муайян шаклда, муайян йўналишда ҳамisha таъсир ўтказди. Бунга энг қадимги ва энг янги тарихдан, ўтмишдан ва бугундан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Башарти, тарихда бир қатор бадий ёдгорликлар танқид туфайли абдий яшаб қолди, десак, муболаға бўлмайди»¹⁷. Бу фикрнинг тасдиқи учун муаллиф томонидан келтирилган мисоллар шунчалик ёрқинки, уларни бу ерда албатта келтириб ўтиш жоиздир. Масалан, Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» деган ажойиб асари бор. Улуғ санъаткор унда замонасининг шоирлари, ўз устодлари ва издошлари тўғрисида ҳикоя қилади.. Навоий бу асарда ҳар бир шоирга алоҳида тўхталади, унинг ижодий ўзига хослиги ҳақида сўзлайди. Ушбу шоирлар асарларининг муайян бадий нуқсонлари хусусидаги ўз танқидий мулоҳазаларини айтади, бир сўз билан айтганда, уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида қомусий маълумот беради. Бу асарнинг яратилганига беш аср тўлди, лекин у ўзбек классик адабиётининг у ёки бу даврини тадқиқ этиш, у ёки бу шоирнинг ижодини ўрганишда ягона манба бўлиб хизмат қилади. Муаллиф Ҳамза Ҳакимзоданинг бизгача етиб келмаган асари «Қаҳрамон Ўғуз» драмаси ҳақида 1922 йилда «Қизил байроқ» газетасида пайдо бўлган қисқа тақризнинг ёки Машраб ижоди атрофида қизғин мунозаралар бораётган пайтда Ғафур Ғуломнинг «Совет Ўзбекистони»да пайдо бўлган мақоласининг катта ижобий роли ҳақида гапириб келиб, жуда тўғри хулосага келади: «Шундай, вақтида айтилган битта сўз қалин илмий китобларга қараганда кўпроқ иш қила

¹⁷ Қ а ю м о в Л. Адабий танқид ва ижодий жараён//Шарқ юлдузи. 1972. № 3. 149-бет.

олади»¹⁸. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, Ҳамза, Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва улар қаторидаги кўпгина ёзувчиларимизнинг ижоди ҳақида асримизнинг 20—30-йилларида танқидчилар (масалан, Отажон Ҳошим, Олим Шарафутдинов, Сотти Ҳусайн) томонидан у вақтда ҳали кўзга кўринмаган ёзувчиларнинг таланти ва ижодий хизматларига муносиб равишда, «вақтида айтилган сўз» бу ёзувчиларни адабиётимиз тарихида абадий сақлаб қолди. Етук адабий танқиднинг бу ижобий роли адабиёт тарихининг ҳар бир босқичи мисоллари билан қайта-қайта тасдиқ этилиши мумкин.

Адабий танқид бизнинг кунларимизда ҳам адабий-тарихий жараёнда катта роль ўйновчи факторлардан бири сифатида ўз аҳамиятини сақламоқда. КПСС Марказий Комитетининг XXIV съездга ҳисоботида совет кишиларининг коммунистик руҳда тарбияланишида совет бадий адабиёти ва санъатининг катта ҳисса қўшганини таъкидлаш билан бирга, адабий-бадий танқиднинг санъат ва адабиёт тараққиётида алоҳида роли борлиги уқтириб ўтилди. Бу докладда бундай дейилган эди: «Шубҳасизки, агар бизнинг адабий-бадий танқидчилигимиз партиянинг линиясини яна ҳам активроқ амалга ошира борса эди, талабчанликни такт билан, бадий бойликларни майдонга келтирувчиларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб, яна ҳам ортиқроқ принципиаллик билан майдонга чиқса эди, совет адабиёти ва санъатининг ютуқлари яна ҳам ортиқроқ бўлар эди, камчиликлари эса яна ҳам тезроқ йўқола борар эди»¹⁹. Партия матбуоти доимо адабий танқиднинг ана шу катта ижобий роли ва вазифасини маданият ходимлари эсига солиб боради. Масалан, «Правда» ёзган эди: «Танқидчиликнинг бурчи ҳозирги замон бадий жараёнидаги ҳодисаларни, тенденцияларни ва қонуниятларни чуқур таҳлил этиб беришдан, ленинча партиявийлик ва халқчиллик принципларининг мустаҳкамланишига ҳар тарафлама кўмаклашишдан, совет санъатининг юксак ғоявий-эстетик савияси учун курашишдан, буржуа мафкурасига қарши изчиллик билан кураш олиб боришдан иборатдир.

Адабий-бадий танқидчилик санъаткорнинг ғоявий фикр доирасини кенгайтиришга ва унинг маҳоратини

¹⁸ Уша мақола. 150-бет.

¹⁹ КПСС XXIV съезди материаллари. Тошкент. 1972. 78-бет.

такомиллашишига кўмаклашуви керак. Совет адабий-бадий танқидчилиги марксча-ленинча эстетика анъаналарини ривожлантириш билан бирга, ғоявий жиҳатдан бериладиган баҳоларнинг аниқ бўлишини, эстетик талабчанликни чуқур ижтимоий таҳлил билан, истеъдодга нисбатан, унинг самарали изланишларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш билан қўшиб олиб бориш керак»²⁰.

Адабий танқид — адабиётнинг ўзи каби идеологик ҳодисадир. Идеологик ҳодисалар эса жамият тараққиётида катта ижобий ёки салбий роль ўйнайдилар. Бу ҳоида бизнинг кунларимизда ҳам ўз кучини сақлайди. Чунки, коммунизм ғалабаси учун курашда идеология иши кучли фактордир. Шу сабабли танқид тарихини ўрганиш фақат тарихий-маърифий аҳамиятгагина эга бўлмасдан, актуал аҳамиятга ҳам моликдир: адабий-бадий танқид тарихи сабоқлари санъат ва адабиётнинг бугунги ва эртанги тараққиёти вазифалари ва йўллари тайинлашга ёрдам беради. «Правда» қайд этганидек, совет адабий-бадий танқидчилиги олдида марксча-ленинча эстетика анъаналарини ривожлантириш вазифаси туради.

Адабий танқиднинг спецификаси. Маълумки, адабиётшунослик уч асосий қисмдан иборатдир: адабиёт тарихи, адабий танқид ва адабиёт назарияси (эстетиканинг бадий адабиётга оид қисми).

Адабиёт тарихи — бадий адабиётни ретроспектив равишда, яъни «орқага назар ташлаб туриб», ўтмишнинг бўлиб ўтган ҳодисаси сифатида текширади. Бошқача қилиб айтганда, адабиёт тарихи (уни кўпроқ қисқача «адабиётшунослик» деб ҳам атайдилар) бадий ижоднинг тарихга мансуб бўлиб қолган ёки тарихга мансуб бўлиб қолаётган қисмини текширади.

Адабий танқид эса адабий ижод оқимининг боришига бевосита аралашади, унинг ҳамма ҳодисаларида иштирок этади, адабиётнинг асосий хусусиятлари шаклланишига таъсир этади.

Адабиёт назарияси ўтмиш ва бугунги кун адабий-тарихий жараёнидан назарий хулосалар чиқаради.

Шундай қилиб, адабиёт тарихи (ёки тор маънодаги адабиётшунослик), адабий танқид ва адабиёт назариясининг тадқиқот принциплари битта, аммо предмети бир-биридан фарқ қилади. Адабий танқиднинг предмети — бугунги адабиёт, унинг конкрет намуналари ва

²⁰ Правда. 1972. 25 февраля.

кенгроқ маънода олганда — жорий адабий-тарихий процессдир.

Танқид жорий адабий-тарихий жараён ҳақида ва унинг конкрет маҳсулоти — адабий асар ҳақида ҳукм чиқарганда маълум даражада адабиёт тарихининг хулосаларига суянади, ундан келиб чиқадиган хулосаларни, конкрет тарихий давр хусусиятларига қараб, адабий ҳодисаларга баҳо беради ва шу адабий-тарихий жараённинг янги ижобий ҳодисалари асосида гўзаллик ҳақидаги тасаввурларимизни, эстетикани бойитиб боради. «Танқид нима?» — деб ёзган эди Белинский. — Бадий асарга фақат баҳо беришми, назарияни практикага (амалияга) жорий қилишми ёки маълум фактлардан назария яратишга уринишми? Баъзан униси ва баъзан буниси, кўпинча — иккаласи ҳам»²¹.

Шундай қилиб, танқид адабиёт тарихи билан адабиёт назарияси орасида кўприк ролини ўйнайди, бу учала фан (адабиёт тарихи, танқид ва адабиёт назарияси) биргалашиб, бадий адабиёт ҳақидаги ягона фанни ташкил этади. Танқид (юқорида қайд этилганидек) айрим пайтларда ўз даври учун тамоман янги бўлган ҳақиқатларни кашф этиб, ўз даврининг санъат ва адабиёти ривожига янги даврнинг бошланишига асос солиши мумкин. Аммо бу ҳодиса, Белинский таъбири билан айтганда, «буюк ва нодир ҳодисадир»²². Танқид кўпинча «ўз замонасининг гўзаллик ҳақидаги ҳукмдор тушунчаларини аниқлаш ва оммалаштириш»²³ни ўз олдига вазифа қилиб олади. «Ижоднинг асосий қонунлари энди топилиб бўлган бизнинг замонамизда бу (яъни замонасининг гўзаллик ҳақидаги ҳукмдор илғор тушунчаларини аниқлаш ва оммалаштириш — И. С.) танқидчининг бирдан-бир мақсадидир, — деб ёзган эди Белинский. — Бу қонуниятларни назарий аниқлай бориш, уларнинг ҳаққоний эканини тасдиқлаб бориш, бу — танқиднинг бирдан-бир вазифасидир». Буюк адабиётшуноснинг бу фикри адабий танқид спецификаси масаласига яна ҳам кўпроқ аниқлик киритади. «Назария гўзаллик қонунларининг системали ва гармоник бирлигидир; аммо унинг бир кемтик томони бор — у маълум вақт доирасида қолиб кетади, танқид эса бетўхтов ҳаракат этади, олға бо-

²¹ Белинский В. Г. Собрание сочинений. В девяти томах. Т. I. М., 1976. С. 258.

²² Уша жойда.

²³ Уша жойда.

ради, фан учун янги материаллар, янги маълумотлар йиғади. Бу ҳаракатдаги эстетикадир...»²⁴.

Танқиднинг яна бир хусусияти — унинг публицистика билан чамбарчас алоқасидир. Жорий адабий жараённинг ҳодисаларини ва бадий ижоднинг айрим асарларини таҳлил этиб, уларнинг қимматини кенг оммага тушунтириб беришга ва бу омманинг эстетик дидини тарбиялашга мўлжалланган танқид ўз ўқувчисига матбуот — журнал ва газеталар орқали мурожаат этади. Бу айниқса халқ ва унинг адабиёти тарихида янги давр бошланаётган даврларга оиддир. XIX асрнинг биринчи ярмида Белинский: «Танқид аллақачон бизнинг публиканинг (ўқувчилар ва томошабинлар оммасининг — И. С.) эҳтиёжи бўлиб қолди. Хеч бир журнал ёки газета танқид ва библиография бўлимисиз яшай олмайди»²⁵, — деб ёзган эди. Бу ҳол ҳамма маданий халқлар тарихи, шу жумладан, Улуғ Октябрь революцияси арафаси ва ундан кейинги даврдаги Ўрта Осиё тарихи фактлари билан ҳам тасдиқ этилади. Шунинг ҳам эса тутиш керакки, танқиднинг адабиётшуносликдан унинг мустақил қисми сифатида ажралиб чиқиши ҳамма халқлар тарихида ҳам XIX асрнинг иккинчи чораги ҳодисасидир. Масалан, Белинский замонида ва, шу жумладан, буюк танқидчининг асарларида адабиётшунослик кўпинча бир бутун ҳодиса сифатида майдонга чиққан: Белинскийнинг илғор журналлар (масалан, «Отечественные записки») саҳифаларида адабиётга оид босилган асарлари кўпинча рус адабиётининг ўтмишини анализ қилиш билан бошланар эди. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам публицистика билан чамбарчас алоқа адабий танқиднинг специфик хусусиятларидан бири бўлиб қолади. Совет Ўзбекистонидан танқиднинг илк қадамлари ҳам маҳаллий матбуот билан боғлангандир.

Адабий танқиднинг моҳияти унга айниқса яқин бўлган соҳа — адабиётшунослик билан қиёсланганда, яққол кўзга ташланади. Чунончи: адабиётшунослик — илмий тафаккур майдони, адабий танқид — илмий ва бадий тафаккурнинг қўшилиш майдони; адабиётшунослик ўтмиш адабий мерос устида сўзлайди, адабий танқид жонли адабий жараён устида сўз юритади; адабиётшунослик ўтмиш адабий жараёнга, адабий танқид эса конкрет асарга кўпроқ урғу беради; ада-

²⁴ Уша жойда.

²⁵ Белинский В. Г. Уша асар. 7-бет.

биётшунослик «яхши маънодаги академизм»га ва билвосита актуалликка таянади, адабий танқид оперативликка ва бевосита актуалликка суянади; адабиётшунослик асосан мутахассисларга қарата сўзлайди, адабий танқид оммага, ҳаммага қараб сўзлайди; адабиётшунослик эстетикани бойитади, адабий танқид адабиётшуносликни ва ҳоказо²⁶.

Танқид тарихини ўрганишнинг вазифалари. Адабиёт ва санъат ривожининг танқид ривожини билан чамбарчас боғлиқлиги фанда ҳамма томонидан тан олинган фактдир. Адабиёт ҳам, танқид ҳам ҳаётдаги гўзалликни ифода этадилар, аммо улар бунинг учун фақат турлича шаклда истифода этадилар. Ҳукм чиқаришдан иборат бўлган танқиднинг мазмуни ҳукм қилинувчидан иборат бўлган адабиёт мазмунининг худди ўзидир; бугун фарқ шаклдадир. «Санъаткор ва адабиётчи ўзларининг санъат ва адабиёт ҳақидаги тушунчасини бевосита яратган асарларининг ўзлари билан ифода этадилар; танқидчи эса ўзининг санъат ва адабиёт ҳақидаги тушунчасини фикр воситаси билан онгли равишда ифода этади. Бу ҳолда санъат ва адабиёт танқид билан қўлга қўл беришиб борадилар ва бир-бирларига ўзаро таъсир этадилар»²⁷. Буюк танқидчи томонидан қайта-қайта қайд этилган бу ҳодиса адабий танқид тарихи ўрганилмагунча бадний адабиёт тарихининг ҳаққоний ва тўлиқ манзараси яратилиши мумкин эмаслигидан гувоҳлик беради. Бу ҳол эса танқид тарихини ўрганишни адабиёт ва санъат тарихини ўрганишнинг ажралмас бир қисми қилиб қўяди. Шу сабабли Ўзбекистонда Октябрь революциясидан аввалги ва совет давридаги ўзбек адабиёт тарихини ўрганиш юзасидан анча ишлар қилингани ҳолда, ҳали ўзбек адабий танқид тарихининг ўрганилмаганлиги — фанимизнинг бугунги катта ва тез тугатилиши лозим бўлган камчиликларидан бири бўлиб қолади.

Танқид тарихи фақат ўтмиш адабиёти тарихининг тўла ва ҳаққоний манзарасини яратиш учунгина ўрганилмайди. «Ҳаракатдаги эстетика» бўлган танқид тарихи марксистик эстетика хазинасини бойитиш учун ҳам катта материал бериши мумкин ва лозим. Маълумки, предметнинг назариясиз унинг тарихи бўлмагани каби, предметнинг тарихисиз ҳам унинг назария-

²⁶ Қаранг: Современная литературная критика//Вопросы теории и методологии. М., 1977. С. 212—214.

²⁷ Белинский В. Г. Избранные сочинения. М., 1949. С. 383.

си бўлиши мумкин эмас. Шу вақтгача ўрганилмаган танқид тарихи эстетик назарияни бойитиш учун янги материал бериши мумкин.

Ҳар қандай танқид тарихининг биринчи вазифаси, албатта, танқиднинг ҳар бир конкрет тарихий шароитда ўйнаган ижтимоий ролини, унинг изланишлари ва топилмаларини баҳолаб беришдир. Шу билан бирга, танқид тарихини яратувчилар танқидга энди худди ўтмиш адабиётига назар ташлагандек, ретроспектив равишда назар ташлайдилар, яъни танқид ҳодисалари уларнинг назаридан энди ўтмишнинг ҳодисаларига, тарихга мансуб фактлар тарзида ўтади. Бу ҳол танқид тарихчиларидан ҳар бир ҳодисага марксистик таълимотнинг жуда муҳим талабларидан бири бўлган историзм принципи асосида яқинлашишни талаб этади. Совет адабиётшунослигида чуқур ўрин олган қуйидаги қоида фақат танқидчигагина эмас, балки танқид тарихчисига ҳам тааллуқлидир: «Танқидчи Белинскийга мансуб бўлган историзм қобилиятига эга бўлиши лозим. Тафаккур историзми — фақат талантнинг хусусиятигина эмас, балки фикр савиясининг сифат хараakterистикасидир. Танқидчининг партиявийлиги унинг тафаккуридаги историзмнинг чуқурлигида ўз ифодасини топади. Танқидчи муҳокамасининг заковати фақат аниқ илмий пойдеворгагина асосланиши мумкин»²⁸.

Танқид тарихининг методикаси ва структураси. Совет адабиётшунослиги, айниқса унинг энг илғор отряди бўлган рус адабиётшунослигида танқид тарихи юзасидан кўпгина асарлар яратилган бўлса ҳам, бу соҳада ҳамма адабиётлар учун маъқул ва манзур тушган бир методика ҳали майдонга келган эмас. Ҳозирча илмда ҳамма учун манзур тушган бирдан-бир қоида (бу қоида ҳақиқатан ҳам илмда ўзини оқлаган) танқид тарихини адабиёт тарихининг асосий босқичлари билан боғлаган ҳолда ўрганишдир. Бу қонданинг илмийлиги шундаки, у адабий-тарихий жараёнда адабиёт ва санъатнинг танқид билан (юқорида қайд этилгандек) «қўлга қўл бериб ривожланиши» фактини доимо кўзда тутаяди. Шу билан бирга, танқид тарихи адабиёт тарихининг такрори бўлиши керак эмас, албатта. Адабиёт ва санъат тарихида танқидга онд материал иккинчи ўрнида тургани каби, танқид тарихида ҳам адабиёт тарихининг материали фақат ёрдамчи ўринни

²⁸ Қаранг: Якименко Л. Г. Методологические проблемы современной литературной критики. М., 1975. С. 4.

эгаллаши мумкин. Адабий танқид тарихига бағишланган ҳар қандай илмий ишда бўлганидек, ушбу «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»да ҳам адабиёт тарихига оид асосий фактларнинг ўқувчига маълумлиги кўзда тутилади ва ҳар давр адабиётининг фақат энг умумий тавсифигина берилади.

Ушбу китобда танқид тарихининг бадний адабиёт тарихи билан чамбарчас алоқаси ва танқид тарихининг нисбатан мустақиллиги, совет адабий танқидчилигининг ривожини тайин этувчи шароитнинг ўзига хос хусусияти ҳам эътиборга олинади. Бу ўзига хослик шундан иборатки, ўзбек совет адабий танқиди, Белинский сўзлари билан айтганда, санъат ва адабиёт тараққиётининг асосий қонунлари аллақачон кашф этилган даврда ривож топди. Бундай даврларда танқидчининг вазифаси ана шу кашф этилган қоидаларни оммалаштириш ва адабий-тарихий жараёнда намён бўлаётган янги ҳодисаларни умумлаштиришдир. Коммунистик жамиятни қуриш учун кураш даврида санъат ва адабиётнинг вазифалари ва тараққиёт йўллари марксизм-ленинизм асосчилари томонидан белгилаб берилган. Санъат ва адабиёт ҳақидаги марксча-ленинча таълимот КПССнинг умуман идеологияга, қисман санъат ва адабиётга оид ҳужжатларида ривожлантира борилади. Коммунистик партиянинг санъат ва адабиёт соҳасидаги сиёсатининг амалга оширилишига эришиш (юқорида қайд этилганидек) — совет адабий танқидининг асосий вазифаси бўлиб қолади. «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»нинг бош вазифаси — танқиднинг ана шу ижтимоий бурчи ҳар даврда қай даражада адо этилганини аниқлаб боришдир.

Бу ерда шунини алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, ўзбек совет адабий танқидчилиги санъат ва адабиёт тараққиётининг асосий қонунлари аллақачон кашф этилган даврда ривож топгани ҳақида гапирганда бу қонунларни кашф этишда жаҳон ва, биринчи навбатда, рус эстетикаси ютуқлари кўзда тутилади. Ўзбек совет танқидчилиги асримизнинг 20-йилларида шакллана бошлаган экан, у асосан жаҳон ва, биринчи навбатда, рус эстетикаси ва танқидчилиги тажрибасига асосланди. Чунки адабий танқид соҳасида ўзбек халқининг социалистик революциядан аввалги ютуқлари илмий асосда (айниқса, марксча-ленинча илмий асосда) янги, совет танқидчилигини яратишга ва ривожлантиришга замин бўлолмас эди. Ўзбек классик адабиёти адабий танқидчиликнинг фақат бир шаклини — тазкирани би-

лади. Тазкирада (масалан, Алишер Навоийнинг машҳур «Мажолисун-нафоис» тазкирасида) муаллифнинг (танқидчининг) вазифаси — талантли шоир ва адиб ҳақида қисқа маълумотлар беришдир (бу жиҳатдан тазкира ҳозирги замон адабиётшунослигида антология номи билан юрувчи жанрга жуда яқиндир). Тазкира — танқидчиликнинг илк куртак шаклидир. Аммо ўзбек классик адабиёти даврида адабиётшунослик адабиётнинг ижтимоий роли, ёзувчи шахсининг адабий жараёнда ва жамиятнинг маънавий ҳаётида тутган ўрни, адабий асарда мазмун билан шакл муносабатлари каби жуда муҳим масалалар ҳақида кенг ва чуқур илмий таълимот яратиш даражасига кўтарилмади; адабиётнинг энг буюк вакиллари асарларида (масалан, Алишер Навоийнинг «Хамса»сида) адабий ижоднинг муҳим масалалари юзасидан йўл-йўлакай жуда муҳим фикрлар айтилган бўлса ҳам, улар системали илмий таълимот шаклини олмаган эдилар.

Маълумки, тазкирачилик ўзбек адабиёти тарихида то XIX асргача давом этди, аммо унинг мазмунида жиддий ўзгаришлар юзага келмади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россияга қўшилишнинг прогрессив оқибати ўлароқ, Туркистонда маҳаллий матбуот пайдо бўлди. Бу матбуотда адабий асарлар ҳақида баъзи мақолаларнинг босилиши натижасида танқид публицистика билан боғланди. Публицистик руҳда ёзилган, адабиёт ва санъат масалаларига бағишланган мақолалар айниқса Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида (1914—1917 йилларда) аввалгига нисбатан кўпроқ пайдо бўлди. Аммо улар, биринчидан, жуда оз сонлидир ва, иккинчидан, ўз олдиларига асосан маърифий вазифаларни қўйдилар (масалан, адабиётнинг нима эканини тушунтириш каби) ёки ўзбек адабиётида илк маротаба пайдо бўлган драматик асар — «Падаркуш» (Беҳбудий асари)нинг турли шаҳарларда саҳнага қўйилиши ҳақидаги оддий ахборотдан иборатдир²⁹. Улар том маънода адабий-танқидий мақолалар деб

²⁹ Қаранг: Туркистонда биринчи миллий театр//Ойина. 1914. № 15; Акбар Мансурий. Қўқон театрусида//Ойина. 1914. № 21; Тошкентда миллий театр//Ойина. 1914. № 22; Бухорода миллий театр//Ойина. 1914. № 22.; Маҳмуд Беҳбудий. Театр надур?//Ойина. 1914. № 29.; Индамас «Театр хусусида мунозара»//Садойи Туркистон. 1914. № 2; Аҳудулло Хайрулло ўғли. Танқид//Садойи Туркистон. 1914. 19 ноябрь ва 3 декабрь; Чўлпон. Адабиёт надур?//Садойи Туркистон. 1914. № 15; Бизда миллий шоирлар//Садойи Туркистон. 1914. 22 ва 31 декабрь; Чўлпон. Муҳтарам ёзувчиларимизга//Садойи Туркистон. 1915. 6 февраль.

аталиши мумкин эмас, чунки уларда адабий асарлар таҳлил этилмайди, адабий-тарихий жараёнга алоқадор бирор муҳим масала ўртага қўйилмайди³⁰. Фақат Туркистонда рус матбуотида босилган ва ерли халқлар адабиётига бағишланган баъзи мақолаларда³¹ адабий-танқидий жанр талабларига яқинлашиш бор: уларда адабий асарга бир даража баҳо берилади, муаллиф фақат оддий ахборот билан чекланмайди. Мана шу фактларнинг ҳаммаси Улуғ Октябрдан аввалги адабий-тарихий жараёнда адабий танқид фақат куртак ҳолда мавжуд эканини ва танқид адабиётшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида шаклланмаганини айтишни тақозо этади.

Туркистондан ташқарида чиққан ва ўлканинг саводли аҳолиси орасида анча кенг тарқалган маҳаллий матбуотда (масалан, Оренбургда чиққан «Шўро» журнаlining 1912 йил, 5, 11, 17-сонларида) адабиётшунослик ва адабий танқиднинг айрим масалалари баъзан ёритилиб турган бўлса ҳам, бу фактнинг Туркистонда адабий танқид ҳақидаги маълумотларнинг тарқалишида ижобий роль ўйнаганинигина қайд этиш мумкин; аммо уни ўлкада адабий танқиднинг туғилгани аломати деб баҳолашга асос йўқ, албатта. 1913 йилда чиқа бошлаган «Ойина» журнаlining 32-сонида айтилган қуйидаги сўзлар Туркистонда Октябрю революцияси арафасида адабий танқиднинг аҳволи ҳақида тўғри гувоҳлик беради: «Ўқилган китобларни маънан тафтиш этиб, ундаги нуқсонларни баён этмак танқиддур, таарруз ва душманлик эмас. Бизни Туркистонда янги мактаблар анча бордур, янги рисолалар хийла босилиб турибдур, жаридаларда мақола ва ашъорлар ўқилиб турибдур, аммо ҳануз танқид даврига етушганимиз йўқ» («Танқид — сараламоқдур» мақоласи).

Куртак ҳолда мавжуд бу адабий танқиднинг Октябрдан аввалги ўзбек адабиёти тарихида ўзига яраша ижобий роль ўйнаганини тан олиш билан бирга, шуни таъкид этиш керакки, ривожланган илмий, етук

³⁰ Бу мақолалар орасида фақат Аҳудулло Хайрулло ўғли мақоласи Туркистон матбуотида илк мартаба «танқид» терминини қўлаши ва танқиднинг вазифалари ҳақидаги тўғри фикрлар айтиши билан мароқлидир. Аммо муаллифнинг конкрет танқиди бадий адабиётга алоқаси йўқ асарга тааллуқлидир.

³¹ Андреев В. Б. Бахтсиз кияв//Туркистанские ведомости. 1915. 23 сентябрь; Уша муаллиф. Новые течения в Бухаре (О книге Фитрата «Мунозара») //Туркистанские ведомости, 1916. 13, 15, 20 октябрия.

адабий танқид³² Ўзбекистонда фақат Улуғ Октябрь революциясидан кейинги даврда, ўзбек халқи маданиятининг аввал сира кўрилмаган янги, юқори босқичга кўтарилгани самараси ва кўрсаткичи бўлиб майдонга келди; у марксча-ленинча материалистик эстетиканинг мустақкам илмий заминиди ривож топди.

Танқид тарихининг вазифалари ва структураси масаласига қайтайлик. Адабий танқид ривожланган сари унда тасдиқ топган эстетик принциплар хазинаси бойиб боради. Танқидчи ҳар даврда шу соҳада эришилган ижобий яқунларга эътибор бериши лозим. Шу сабабларга биноан, бу «Тарих»да бутун танқидчилар коллективи ишига урғу қилинди, айрим танқидчилар фаолиятига махсус боблар бағишланмади. Бу адабий-тарихий жараёнда кўзга кўринарли ижобий роль ўйнаган шахслар ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихида учрамайди, деган сўз эмас, албатта. Бундай йирик ўзбек совет танқидчи ва адабиётшуносларининг хизматларини тавсифловчи махсус асарлар ҳам яратилиши лозим. Аммо адабий танқидчилигимиз тарихини ўрганишнинг ҳозирги босқичида айрим адабиётшунос ва танқидчиларнинг хизматига эмас, балки бутун адабиётшунослар ва танқидчилар коллективининг адабий-тарихий жараёндаги ролига урғу қилмоқ мақсадга мувофиқдир. Йирик ўзбек танқидчи ва адабиётшуносларининг ижодий портретларини яратиш ва уларда ҳар йирик арбоб фаолиятининг ўзига хослигини ҳам ёритиш бундан кейинги илмий тадқиқотларнинг вазифасидир.

Юқорида айтилган мулоҳазалар ушбу «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи» структурасини тайин этдилар. Унда адабиётнинг асосий тараққиёт тенденцияларини ёритиш фонида адабий танқиднинг туғилиши ва ривожланиши жараёнига эътибор берилди, бу жараёнда принципиал масалаларни ўртага ташлаган ва озми-кўпми ҳал этиб берган мақола ва тақризлар қадрланди.

Адабий танқидчининг ҳар конкрет тарихий шароитда адабий-тарихий жараённинг қандай масалаларига

³² Русча «критика» термини ўзбек тилида икки шаклда — «танқид» ва «танқидчилик» шаклларида қўлланилади (Масалан, «Шарқ юлдузи» журнали (1972 йил, № 3) КПСС Марказий Комитетининг адабий танқид ҳақидаги қарорида бу терминни «танқидчилик» тарзида таржима этган, журналнинг шу сонидagi мақолаларда эса «танқидчилик» термини кенг ишлатилган). Бу китобда ҳам бу икки термин тенг ҳуқуқли сўзлар сифатида қаралади.

алоҳида аҳамият берганлигини уқтириш ва бу масалалар юзасидан эришилган ижобий якун ва хулосаларнинг бугунги қимматини тайин этиш мақсадида ҳар тарихий давр доирасида адабий танқид томонидан диққат марказига қўйилган масалалар (Масалан, 20-йиллар ўзбек адабиётида замонавий тематика учун кураш) ажратиб олиниб, ёритилади. Табиийки, адабиёт ва танқид ривожининг турли даврларида айнан бир масалага қайтиш рўй бергани каби, ушбу танқид тарихида ҳам ўша масалаларга такрор қайтилади, аммо бу ҳолда ўша масалаларнинг янги шароитда қандай янгича ҳал этилганлигини аниқлашга эътибор қилинади. Масалан, асримизнинг йигирманчи йилларида бизнинг адабий танқидчилигимиз учун адабий меросга лойиқ баҳо беролмаслик характерлидир; 30-йилларнинг иккинчи ярмида эса адабий меросга муносабат изчил ижобий тус ола бошлайди ва Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда бу ижобий муносабат яна ҳам чуқурлашади. Иккинчи мисол: адабиётда замонавийлик учун кураш проблемаси ҳам совет адабиёти ва танқидчилигининг олтмиш йилдан ортиқ ривож жараёнида турли даврларда ўзига хос мазмун ва шаклларда ҳал этилади. Айнан бир ижодий проблеманинг ҳал этилишида адабий-тарихий жараёнинг турли даврларида юзага чиққан бундай фарқлар сабоқлидир ва шу сабабли улар ҳар давр доирасида ўз хусусиятлари билан ёритилиши лозим.

Шу билан бирга, ушбу китоб муаллифлари «Ўзбек совет адабиёти тарихи» учун танланган ушбу методика ва структурани бирдан-бир маъқул структура ва методика деб ҳисобламайдилар. Шубҳасиз, танқид тарихини ўрганиш соҳасидаги бундан кейинги изланишлар бу ишнинг методикасига ва танқид тарихига оид китобларнинг структурасига лозимий ўзгаришларни киргизажак.

Совет адабиёти тарихини даврлаштириш (периодизация) масаласи каби, танқид тарихини даврлаштириш масаласи ҳам ҳали умумсовет адабиётшунослигида ҳал бўлмаган масаладир. Бу китобда ўзбек совет танқиди тарихи материали шартли равишда икки катта даврга бўлиб берилади. Биринчи давр 1917—1956 йилларни, яъни совет тузумининг барпо бўлиши, социализм қурилиши, совет мамлакатини фашизм ҳужумидан ҳимоя этиш ва Улуғ Ватан урушидан кейинги тикланиш жараёнини (биринчи том) ва иккинчи

давр ривожланган социализмнинг илк босқичи адабий танқиди жараёнини акс эттиради.

Бу икки катта давр ичида ҳам турлича босқичлар бор. Бу босқичларни тайинлашда адабий танқид ривождаги айрим хусусиятлар эътиборга олинади. Бу босқичлар ҳам маълум даражада шартлидир.

«Ўзбек совет адабий танқиди тарихи»нинг турли боблари қуйидаги муаллифлар томонидан ёзилган:

Биринчи том — «Кириш» (Адабий танқид тарихини ўрганишнинг методологик ва методик масалалари) — И. Султонов; «Ўзбек совет адабий танқидининг вужудга келиши ва илк қадамлари» (1917—1932) — М. Юнусов; «Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан қуролланиш йўлида» (1932—1941) — Т. Расулев; «Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танқиди» (1941—1945) — Б. Назаров; «Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек танқиди» (1945—1956) — М. Қўшжонов, А. Қулжонов ва С. Мелиев;

Иккинчи том — «Адабий танқид тарихида янги босқичнинг бошланиши» (1956—1962) — П. Қодиров; «Адабий танқиднинг тез ва кенг ривожланиш йўлига кириши» (1962—1972) — У. Тўйчиев; «Ўзбек адабий танқиди янги босқичда» (1972—1980) — Ж. Камолов; «Хотима» — И. Султонов.

Ўзбек адабиётшунослиги тарихини ўрганиш алоҳида вазифа бўлиб, икки томлик муаллифлари бу вазифани ўз олдиларига қўймайдилар. Аммо адабий танқиднинг тарихи умумий адабиётшуносликнинг ривож билан чамбарчас алоқадор эканини эътиборга олиб, бу икки томлик охирида ўзбек адабиётшунослиги сўнгги босқичининг қисқача образини бериш лозим топилди. «Ҳозирги замон ўзбек адабиётшунослиги» деб номланган тўққизинчи (қўшимча) боб Н. Раҳимжонов томонидан ёзилган.

Ишни илмий ходимлардан С. Мелиев, А. Багиров, Х. Лутфиддинова, лаборантлардан С. Жумабоева ва М. Олимовлар нашрга тайёрладилар.

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЙ ТАНКИДИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ИЛК ҚАДАМЛАРИ (1917—1932 йиллар)

РЕВОЛЮЦИОН ВОҚЕЛИК ВА АДАБИЁТ

Ўзбек совет адабий танқиди ўзининг ўрганиш объекти — бадий адабиёт сингари Октябрь инқилоби самарасидир. Унинг вужудга келиши ва дастлабки қадамлари қийин ва мураккаб бўлди. Адабий танқид сўз санъати билан узвий алоқада ҳаракат қилиб, социалистик жамиятимизнинг тонгидаёқ ўз вазифаларини тўғри белгилаб олишга уринди. Бу борадаги илк маҳсулотларнинг кучли ва заиф томонлари ўша даврдаги синфий кураш, ижтимоий ва идеологик ҳаётдаги зиддиятлар билан изоҳланадиган ҳодисалар эди.

Адабиётимизнинг Октябрдан кейинги бошланғич даври ва йигирманчи йиллар турли хил ижодий изланишлар билан характерланади. Ёзувчиларимиз зулм ва асорат тўла ўтмишни фош этиб, янги инқилобий воқеликни илҳом билан тасвирлаётган асарлар адабий танқид олдиға қатор жиддий масалаларни қўйди. Улар: салафларимиздан фарқли равишда совет ёзувчиси қандай бўлиши керак? Совет адабиётининг ижодий методи қанақа бўлади? Замонавийлик ва замонавий мавзу ўртасидаги алоқа нимада? Маданий меросға қандай муносабатда бўлиш лозим? Адабиётда янги инсон образи қандай яратилади? Адабий турлар ва жанрларнинг ривожида классиклардан нимани ўрганамиз? ва шунинг кабилар эди.

Бу масалаларни имкони етганча ечишға уринаётган танқид кундалик адабий жараёнға актив аралашадиган, конкрет асарларни таҳлил қилиш йўли билан жамоатчилик эътиборини актуал замонавий проблемаларға тортадиган бўлди. Танқид чинакам ижтимоий фикр даражасиға кўтарилиши учун ҳаётға адабиётнинг ўзидан ҳам чуқур кириб боришни ва бадий асарлар

тимсолида воқеликнинг етакчи тенденцияларини аниқлаб беришни ўргана бошлади.

Ҳаёт ва адабиётга янгича нуқтаи назар билан қарашга даъват этилган танқид воқеликда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ҳам маданий ўзгаришлар билан узвий алоқада эди. Бинобарин, даврнинг умумий манзарасини, яъни ижтимоий базисда нималар содир бўлаётганини кўз олдимизга келтирмай туриб, устқурма бўлган адабий танқид хусусиятларини тўғри белгилаб бўлмади.

Хўш, ижтимоий базисда қандай ўзгаришлар бўлаётган эди? Маълумки, Октябрь қуролли қўзғолони ғалаба қозониши биланоқ чақирилган Советларнинг Бутун Россия Иккинчи съезди Россия давлати қўл остидаги барча миллатларга ўзини белгилаш ҳуқуқини берди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил топди ва ихтиёрий равишда РСФСР составига кирди.

1918 йил апрель ойининг сўнгги ўн кунлигида бўлиб ўтган Автоном республиканинг съезди Туркистон республикасининг суверен ҳукумат сифатидаги ҳуқуқларини белгилаб берди.

РКП(б) Марказий Комитети ва РСФСР ҳукумати-нинг партия ва совет органларига, шунингдек хўжалик ва ҳарбий шохобчаларига кўрсатган ғоят катта ёрдами туфайли Туркистон республикаси Советларнинг душмани бўлган интервентларга, оқ гвардиячилар ва босмачиларга қарши мардона кураш олиб борди.

Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун ҳаёт-мамонт жанглари давом этаётган ташвишли кунларда Владимир Ильич «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» махсус хат билан мурожаат қилди. Ўз моҳияти эътибори билан ғоят катта аҳамиятга эга бўлган бу машҳур хатда доҳий, жумладан, ёзган эди:

«Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир»¹.

Иттифоқ Совнархози 1919 йилнинг сўнгги чорагида, В. И. Ленин кўрсатмасига биноан, Туркистонга моддий-техника ёрдами юбориш масаласини кўриб чиқди. Туркистон нон, металл, мануфактура билан таъминлана бошлади. Фарғона водийсида тўқимачилик саноати-га асос солинди. Бундай дўстона ёрдам бошқа шаҳар-

¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 39-том. 349-бет.

ларга ҳам келиб турди. Масалан, 1923 йилнинг декабрида Бухорога бир гуруҳ москвалик меҳмонлар келиб, халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида ишни янгича ташкил қилиш йўлларини кўрсатдилар. Меҳмонлар орасида Москва шаҳар Краснопресня район Совети ходимлари ва бир неча завод ва фабрика ишчилари, шу жумладан, «Трехгорная мануфактура» фабрикасининг зарбдори Морозкин, «Борец» заводи илғор ишчиси Андреев, собиқ темир йўл ишчиси, рабфак талабаси Родионовлар бор эди. Москваликлар Бухоро меҳнаткашлари билан дўстона алоқа боғлаб уларни маданий оталиққа олдилар².

РКП(б)нинг X съезди (1921 й.) барча совет халқларининг, айниқса ўтмишда қолоқ бўлган халқларнинг миллий маданиятини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Съезд резолюциясида ижтимоий-маданий жиҳатдан олдинга ўтиб кетган Марказий Россияга етиб олиш учун маҳаллий меҳнаткаш оммага ёрдам бериш лозимлиги айtilган эди. Маданий қурилиш борасида эса матбуот, клуб ишлари, театр ва саводсизликни битириш курслари ҳамда мактаблар муҳим роль ўйнаши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ингирманчи йилларнинг бошида Туркистонда маданий қурилиш ишлари, бир томондан, халқ хўжалиги жуда оғир аҳволни бошидан кечираётган, иккинчидан, антагонистик синфлар мавжуд бўлиб, кескин синфий ва идеологик кураш давом этаётган ғоят қийин шароитда олиб борилди. Эксплуататор синфларнинг турли табақага мансуб қолдиқлари маданий-маориф соҳасидаги ҳар қандай янгиликка тўсқинлик қилишга киришдилар. Республикамизнинг қатор шаҳарлари, айниқса қишлоқларида маданий инқилоб душманлари мактабларни вайрон қилиб, ўқитувчиларни ўлдирдилар. Лекин нурга интилган оммани бу хуружлар ҳақ йўлдан қайтаролмади. Маърифат учун бошланган умумхалқ юришига Иттифоқ ҳукумати яқиндан ёрдам берди.

Социалистик маданият ғалабаси учун курашда аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ишларни ривожлантиришда Совет ҳокимияти билан бирга ишлаш учун унинг томонига ўтган эски ўқитувчилар ва ёш совет педагоглари зиммасига катта вазифалар юклатилган эди. В. И. Лениннинг интернационалист ўқитувчиларнинг

² Озод Бухоро. 1924. 9 январь.

Бутун Россия Биринчи съездда сўзлаган нутқида шундай кўрсатмалар бор:

«Ўқитувчилар армияси ўз олдига жуда катта оқартув вазифаларини қўймоғи ва аввало социалистик маорифнинг асосий армияси бўлмоғи лозим. Турмушни, билимни капиталга итоат қилишдан, буржуазия зулмидан қутқариш лозим. Тор ўқитувчилик фаолияти доираси билан кифояланиш ярамайди. Ўқитувчилар курашаётган бутун меҳнаткашлар оммаси билан қўшилиб кетишлари керак. Янги педагогиканинг вазифаси — ўқитувчилик фаолиятини жамиятнинг социалистик асосда ташкил этиш вазифаси билан боғлашдан иборат»³.

Йигирманчи йилларда совет матбуоти, журналист зиёлилар социализмнинг ғалабаси учун курашувчи катта куч эди.

Республикада янги типдаги совет матбуотига асос солган «Иштирокиюн» («Коммунист») газетасидан кейин «Меҳнаткашлар товуши» (1918), «Қизил байроқ» (1920), «Фарғона» (1921), «Озод Бухоро» (1922), «Зарафшон» (1922), «Қизил Ўзбекистон» (1925), «Ёш ленинчи» (1925), «Шарқ ҳақиқати» (1928) сингари газеталар мунтазам чиқиб турди ва ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-адабий ҳаётда социализмнинг коллектив тарғиботчиси вазифасини бажарди⁴.

Бу даврда кундалик матбуотдан ташқари ўзбек тилида нашр этиладиган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадний журналларга ҳам эҳтиёж катта эди. Бинобарин, омманинг талабини қондириш йўлидаги дастлабки қадам бўлган «Қизил Хоразм» (1921), «Инқилоб» (1922), «Билим ўчоғи» (1922), «Учқун» (1923), «Маориф ва маданият» (1923), «Ўзгаришчи ёшлар» (1923) каби илк журналлар тўплаган тажрибалар асосида яна «Маориф ва ўқитғувчи» (1925), «Ер юзи» (1925), «Янги йўл» (1925), «Аланга» (1928), болалар адабиёти номуналарини мактаб ўқувчиларига етказадиган «Ёш куч» (1929) журналлари чиқа бошлади.

Журналлар халқни, зиёлиларни социализм ишига садоқат руҳида, қийинчиликларни матонат билан енгиш ва революция ғалабаларини мустаҳкамлаш, қўл-

³ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 36-том. 478-бет.

⁴ Маданий ва адабий ҳаётда вақтли матбуотнинг роли нақадар катта бўлгани З. Баширнинг «Октябрь адабиёти ҳам вақтли матбуот» (Туркистон. 1922. 29 сентябрь), Ш. Сулаймоннинг «Ўн йиллик матбуот тўйи» («Иштирокиюн» чиқа бошлаганига 10 йил тўлди. Ер юзи. 1929. 22—23-сонлари), Элбекнинг «Ўзнашр ва унинг навбатдаги вазифалари» (Шарқ ҳақиқати. 1929. 9 апрель) ва бошқа шуларга ўхшаш мақолаларда кўрсатиб берилган.

га киритилган ютуқларни янада кўпайтириш руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Акмал Икромов «Ўзбекистон Марказий фирқа қўмитаси» номидан «Маориф ва ўқитғувчи» редакциясига йўллаган табрик хатида, жумладан, қуйидагиларни ёзган эди:

«...Ўзбекистон Коммунистлар партиясининг олдидаги зўр ишлардан бўлган мафкура майдонидаги кураш, хотин-қизлар масаласи, иқтисодий фронтда муваффақият ва музаффариятнинг аҳамиятини юзаки суратдагина тасдиқ этмасдан жиддий таҳлил қилиш ҳар бир коммунистнинг, шўролар ҳукуматининг дўсти бўлган ҳар бир зиёлининг вазифасидир. Партиямиз мафкура фронтида ҳам душманларга омонлик бермайди, йўлдан адашганларга кўмакни аямайди..., уларнинг самимий муҳаббатини жалб қилишга партия ҳаракат қилади...»⁵.

Биз характерлаётган даврнинг ниҳоятда муҳим маданий янгиликлардан яна бири Иттифоқ миқёсида, шунингдек республикамизда радиоэшиттиришнинг йўлга қўйилиши бўлди. Радио коммунистик тарбия ва тарғибот соҳасида партия қўлидаги кучли воситалардан бирига айланди. Радио, айни вақтда адабиётнинг ташвиқотига ҳам сезиларли ҳисса қўша бошлади. Адабий-драматик эшиттиришлар, социалистик қурилишнинг бориши ҳақидаги бадий репортажлар, очерк ва ҳикоялар радио программасидан салмоқли ўрин оладиган бўлди.

Инқилобдан кейинги биринчи ўн йиллик тарихига қилинган қисқача экскурс кўрсатадики, ҳаётни социалистик асосда қайта қуриш осонликча амалга оширилмади. Аммо шу жуда қисқа муддат ичида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткаш омма ташаббусига таяниб, ақлни ҳайрон қолдирадиган жаҳоншумул тарихий ишларни қилдилар. Ижтимоий ҳаётдаги ажойиб ўзгаришлар кетидан маданиятда ҳам тараққиёт сари гигант қадамлар қўйилди. Эски ҳаётдан мерос бўлиб ўтган қолоқлик тез суръатлар билан тугатила бошлади. Амин Умарий айтгандек, бир вақтлар «Алифни билишга кўзи оч ўлка», «оми» деб ном олган батрақлар, чўпонлар маданиятнинг «тоғдай остонасига қадамлар» қўя бошлади. Ўзбекистонда рўй берган ленинча маданий инқилобнинг дастлабки ғалабаси зўр тарихий аҳамиятга эга бўлган сиёсий воқеа бўлди. Бунинг ёрқин далилларида бири ўзбек совет адабиё-

⁵ Маориф ва ўқитғувчи. 1927. 1-сон. 3-бет.

тининг юзага келиши ва янги ҳаётини, ғоявий мазмун асосида шаклланиш йўлига кириши эди.

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётида В. И. Ленин кўрсатган «хилма-хил бўлаклардан тузилган воқелик»⁶нинг ҳали давом этаётгани, идеология соҳасидаги синфий кураш йигирманчи йилларнинг ўртасида ҳам тўхтамагани даврнинг асосий манзараси эди. Бу ҳолат, шубҳасиз, санъат ва адабиётда акс этмаслиги мумкин эмасди. Адабиёт ва санъатнинг йўналишидаги турли-туманлик, бир томондан, матбуотда эълон қилинаётган асарларнинг ғоявий мазмунида ўз аксини топаётган бўлса, иккинчидан, юзага келган ва бир-бирига ўхшамаган адабий ташкилотларнинг программаси (платформаси)да сезилиб турарди.

Партия В. И. Ленин традицияларини давом эттирган ҳолда матбуот эркинлигига кенг йўл қўйиб берди. Маълумки, Октябрга қадар Ленин раҳбарлик қилган нашрларда инқилобий пролетариатнинг курашидан четда турган декадент — символист шоирларнинг (К. Бальмонт, Н. Минский) шеърлари ҳам босилган эди. Нима учун? Аввало, 1905 йил инқилобидан кейин бошланган умумий ижтимоий кўтаринкилик даврида ишчилар ҳаракатидан узоқ баъзи шоирлар ҳам воқеаларга аралашиб, самодержавиега танқид қилувчи асарлар эълон қиладилар. Сўнгра, шуни унутмаслик керакки, Лениннинг ижодкор зиёлиларга, адабиётга муносабати догматизмдан (ақидапарастликдан) узоқ эди. Доҳий масалага шароитни, вазиятни ҳисобга олиб ёндашар, хато қилганларни ўрни билан принципиал равишда танқид қиларди. Қайфияти ўзгариб турадиганларга нисбатан доимо ҳушёр бўлишга чақирарди⁷.

Худди шунга ўхшаш, гражданилар уруши ва НЭП даврида, ҳатто йигирманчи йилларнинг ўрталарида ўзбек матбуотида босилган адабий материаллар ҳам турли ғоявий қайфиятдаги ёзувчилар қаламига мансуб эди. Газета ва журналлар саҳифасида Ҳамза ва Айнийнинг инқилобий шеърлари қаторида ижоди бир қадар мураккаб ва зиддиятли бўлган қалам аҳллариининг асарлари ҳам босилиб турди. Октябрь туфайли юзага келган мазлумлар ҳуқуқининг тикланиши ва руҳий эркинлик учун кураш тўлқинлари уларни ҳам ўзига тортди. Улар амирлик, хонлик зулмини қораловчи асарлар ёздилар.

⁶ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 38-том. 183-бет.

⁷ Қаранг: Эвентов И. Пробуждение новых сил. В. И. Ленин о поэзии. Л., 1977. С. 156—159.

Йигирманчи йиллардаги умумадабий ҳаёт учун муштарак хусусиятлардан яна бири ҳар хил адабий ташкилотларнинг мавжудлиги ва бир-бирига ўхшамаслиги эди. Инқилоб арафасида ташкил топиб, ишга киришган ҳамда йигирманчи йилларнинг бошида фаолият кўрсатган Пролеткультдан кейин МАПП (1923), РАПП (1925), ВОАПП (1929) қаторида Марказий Россияда яна Леф («Санъатнинг сўл fronti»), «Кузница» («Темирчилик ишхонаси»), «Перевал» («Довон»), «Опояз» («Поэтик тилни ўрганиш жамияти») ва бошқа гуруҳлар юзага келди. Шу даврдаги адабий тўдалар ичида имажинистлар, акмаистлар, футуристлар, серапион муридлар оқимларига мансуб ёзувчилар бор эди. Номлари эслатилган адабий ташкилотлар, гуруҳларнинг ўз программаси ва тутган йўли (платформаси) бўлиб, ўзаро келишолмас, натижада мамлакатдаги ягона адабиётни майда бўлакларга ажратиб юборган эдилар.

Ўзбекистонда ҳам инқилобнинг бошларидаёқ пролеткульт тузилган эди. 1924 йили Тошкентда иш бошлаган ТАПП (Тошкент пролетар ёзувчилари ассоциацияси) ва 1926 йили Самарқандда тузилган «Қизил қалам» жамияти барча пролетар ва совет ёзувчиларини ўз атрофига уюштирди. Кейинчалик улар ЎзАПП (Ўзбекистон пролетар ёзувчилари ассоциацияси) (1930) доирасида бирлашдилар.

Биз кўздан кечираётган даврда адабиёт намояндларини пролетар ва деҳқон ёзувчиси, инқилобий ёзувчи ва попутчик (йўловчи) каби тоифаларга ажратиш одат бўлган эди. Агар ўша даврдаги адабий-танқидий мақолаларга назар ташласак Ғайратий, У. Исмоилов, Ғ. Ғулом пролетар ёзувчилари деб, Ҳ. Олимжон, Ойдин, Ш. Сулаймон, С. Абдулла инқилобий ёзувчилар деб, Элбек ва Ойбек попутчиклар деб баҳоланганини кўрамиз.

«Попутчиклар» инқилобий ўзгаришларнинг маъносини тушуниб олишга интилаётган, имкониятига қараб янги ҳаётга қўшилиб, унинг ривожига таъсир кўрсатётган санъаткорлар эдилар.

Москвада чиқадиган «На посту» журнали редакцияси «попутчиклар»га нисбатан сўллик йўлини тутиб, соф кўнгил билан ижод қилаётган А. Толстой, Н. Тихонов, С. Есенин, М. Пришвин каби ёзувчиларга ҳар хил салбий ном тақиб, ҳужум қилганда партия уларни бу нотўғри ҳуружлардан ҳимоя қилди. РКП(б)нинг XIII съезди (1924 йил, май) Марказий Комитетнинг матбуот бўлими тавсия қилган ва партия аъзоси бўл-

маган соф ниятли ёзувчиларга ўз устларида ишлаш-ларига кўмаклашув лозимлиги ҳақидаги резолюцияни маъқуллади ва ўз қарорида: «...Коммунистлар билан бирга ўртоқлашиб ишлаб, уларнинг тарбия мактабини ўтаётган ва «попутчиклар» деб юритиладиган ёзувчилардан истеъдодлироқларига системали равишда кўрсатиб келинаётган ёрдамни давом эттириш керак»⁸, деб таъкидлади.

Ўзбекистондаги адабий танқиднинг бир гуруҳ на-мояндалари фаолиятида ҳам «На посту» группасининг усули қўлланганини кўрамиз. Улар на шахсий ижти-моний ҳаракати билан, на бадий асарлари билан со-циалистик тузумга қарши бўлмаган, фақат муайян вақтлар тараддулланиб юрган ва ижодида ҳорғин кайфиятлар акс этиб, символистик образлар орқали дудмол фикрларни ифодалаган шоирларни ҳаддан таш-қари қоралар эдилар. Эндиликда ҳадеб уларни «ватан-параст бадбин зиёлилар» деб сўка бериш, шунингдек, Элбекни «йўлдан озган муртад» деб ҳақорат қилиш, Ойбекка қараб «асарларингиздаги мафқурани ленин-чи комсомол номига жавоб берадиган вазиятга кел-тирсангиз сизга — нажот, бўлмаса — ҳалокат»⁹ қаби-лидаги ҳуружлар умумий ишимизга зарар келтирар, ижодкорларнинг руҳий тушкунлигига сабаб бўларди.

Шу муносабат билан Илья Эренбургнинг совет ёзувчилари кекса авлодига тааллуқли бўлган қуйида-ги сўзларини эслаш ўринлидир: «Мен (ўша чоқларда) ёш партиясиз ёзувчи эдим; бировлар учун «попутчик», бошқа бировлар учун «душман», аслида эса инқилоб йилларигача шаклланган оддий совет зиёлиси эдим. Бизни қанчалик уришмасинлар, бизнинг эрта оқарган сочинимизга қанча хўмрайиб қарамасинлар, биз совет халқининг йўли — бизнинг йўлимиз эканини билар-дик»¹⁰.

Адабиётшунос ва танқидчи, қатор дарсликлар муаллифи А. Саъдийни «синфий душман» ёки «ада-биётдаги меньшевик» деб таърифлаш, О. Ҳошимни миллий буржуазия зиёлиларининг маслакдоши қилиб қўйиш сингари ўта сўллик фактлари И. Эренбург тил-га олган ҳодисаларнинг биздаги кўринишлари эди.

Ўзбек адабий танқидида учраган вульгар социоло-гизм руҳидаги қўпол чиқишлар рус танқидчилигидаги

⁸ Вопросы культуры при диктатуре пролетариата. М.—Л., 1926. С. 116.

⁹ Қизил Ўзбекистон. 1928. 5 июль.

¹⁰ Новый мир. 1961. № 9. С. 129.

ашаддий РАППчиларнинг юқорида номлари эслатилган кекса авлодга мансуб ёзувчиларга қарши уюштирган ҳужумларининг акс садосига ўхшайди.

Совет бадий адабиётининг янги босқичга кўтарилишида, шу жумладан, адабий танқиднинг ижодий жараёнида жанговар ролни оширишда, танқид соҳасида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишда РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнда «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида» чиқарган резолюцияси катта аҳамиятга эга бўлди.

Резолюцияда Коммунистик партия Улуғ Октябрь инқилоби туфайли жуда кенг меҳнаткашлар оммасининг инсоният маданиятини эгаллаш йўлига тушганлиги каби тарихий ҳодисани қайд этди: «Шундай қилиб, биз маданий инқилоб даврига кирдикки, бу коммунистик жамиятга томон бундан кейинги ҳаракатнинг заминини ташкил этади»¹¹. Резолюцияда бадий адабиётнинг бу даврда жуда катта тарбиявий роль ўйнаши алоҳида уқтирилган. Адабиётнинг ижтимоий роли шунинг учун ҳам ошадики, жамиятда манфаатлари бир-бирига зид синфлар ҳали тугатилган эмас, эксплуататор синфларнинг социализм қурилишига актив қаршилиги давом этмоқда: «Шундай қилиб, бизда синфий кураш тўхтамагани каби, у адабиёт фронтида ҳам тўхтамайди». Бу шароитда ижодий интеллигенцияни буржуа идеологияси таъсиридан сақлаб қолиш вазифаси алоҳида актуаллик ва ўткирлик касб этади. Коммунистик партия пролетар ғоявий позициясида турган ёзувчилардан идеология соҳасида гегемонияга эришишни талаб этди. Коммунистик партия бу тарихий вазифани бажариш жараёнида «эски маданий меросга, шунингдек, бадий сўз мутахассисларига енгилтаклик ва менсимаслик билан муносабатда бўлишга қарши ҳар тарафлама курашиш»га даъват этди. Марказий Комитет резолюциясида: «Иттифоқимизнинг кўп сонли республикалари ва областларида миллий адабиётларнинг тараққиётига ҳам кучли эътибор бериш зарур»лиги таъкидлаб ўтилган эди.

Коммунистик партия томонидан совет адабиёти олдига қўйилган ҳамма вазифалар совет танқидчилигига ҳам тааллуқли эди, албатта. РКП(б) Марказий Коми-

¹¹ Бу резолюция илк марта Москвада чиқадиган «Справочник партийного работника» тўпламида эълон этилган (вып. V. 1926. С. 349—352).

тети резолюциясида адабий танқид «асосий тарбиявий қурооллардан бири» тарзида баҳоланди: «Коммунистик танқид адабиётда буйруқбозлик расмини мутлақо чиқариб ташлаши керак. Бу танқид фақат ўз ғоявий устунлигига суянсагина чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бўлади. Марксистик танқид ўз орасидан коммунистликни пеш қилиб, мағрурланишнинг ҳар қандайини, даъвоси баланд ва лекин чаласавод манманлик кўринишларининг ҳар қандайини тамомила кескин суратда чиқариб ташлаши керак. Марксистик танқид ўз олдига ўқиш, ўрганиш шиорини қўймоғи лозим...».

* * *

Умуман совет адабиёти сингари унинг таркибий қисми бўлган ўзбек совет адабиётининг майдонга келиши ва ривожланиши тарихи диалектик, зиддиятли жараёндир. Унинг босиб ўтган йўли узоқ ва жиддий изланишлар, ғоявий-эстетик курашлар йўли, нуқсонлар ва ғалабалар йўлидир. Ўзбек совет адабиётининг илк қадамлари республикада ўтказилган маданий революция билан узвий боғлангандир.

Ўзбек совет адабиётининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган бир қанча омиллар бор эди. Уларнинг энг муҳимлари: социалистик воқеликнинг мавжудлиги; партиянинг талантларни вояга етказиш соҳасидаги оталарча раҳбарлиги ва ижод эркинлиги; миллий адабий мерос ҳамда халқ оғзаки бадий ижодини танқидий ўрганиш; рус ва жаҳон адабиёти классиклари тўплаган бой бадий тажрибалардан баҳраманд бўлиш; қардош ёзувчилар билан ижодий алоқалардир.

Бадий ва танқидий фикрнинг ўсишида ҳал қилувчи роль ўйнаган уч факторни алоҳида қайд этиб кўрсатиш лозим. Булардан бири, ишлаб чиқариш воситаларининг социалистик мулклиги заминида ишлаб чиқарувчи кучларнинг равнақи туфайли эришилган меҳнаткаш халқнинг моддий фаровонлиги — иқтисодий фактор; иккинчи, кейинчалик ўз вазифасини умумхалқ социалистик давлатига топширган пролетар диктатураси — сиёсий фактор; ниҳоят, учинчиси, жаҳонда энг илғор революцион дунёқараш — марксизм-ленинизм назарияси — идеологик фактор. Ана шу факторларсиз социалистик реализм адабиётининг муваффақиятларини таъминлаш мумкин бўлмасди.

Совет адабиётшунослари кейинги йилларда илмий тадқиқотнинг ижтимоий-тарихий методи йўлидан бориб, маънавий маданият ҳодисалари ва жараёнини чуқурроқ англашга интиломоқдалар. Адабий жараёни яхлит тарихий давр, яъни кенгроқ вақт кўлами билан ўлчаганда ҳар қайси даврнинг сифат жиҳатидан бири-бирига ўхшамаган ўзига хослиги яққол кўринади.

Сўнги йилларга қадар биз ўзбек совет адабиётини даврлаштиришга календарь маъносида ёндашиб: «Социалистик революция давридаги адабиёт», «Гражданлар уруши йилларида адабиёт», «Халқ хўжалигини тиклаш ва индустрлаштириш даври адабиёти» тарзида кичик-кичик даврларга бўлиб текширдик. Адабий танқид ҳам ана шундай даврлаштириш асосида ўрганилар эди. Агар биз бошқа адабиётшунослар томонидан ҳам маъқулланаётган юқоридаги яхлит даврлаштиришни қабул қилсак, у тадқиқотнинг тўғри усули сифатида кўп масалаларнинг илмий ҳал қилиниши учун калит вазифасини бажаради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек совет адабиётининг биринчи даврини «социализмга ўтиш ва унинг ғалабаси даври» деб олсак, унинг асосий пафоси эски дунёга — эксплуататорлик тузумига қарши кескин синфий кураш ва янги дунёни, янги совет кишисини тарбиялаш экани яққол сезилиб қолади.

Социализмга ўтиш даври умуман сиёсатда, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ашаддий синфий кураш даври бўлгани учун бу кураш ҳаёт ойнаси бўлган адабиётда акс этмаслиги мумкин эмасди. 20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларнинг бошидаги адабий ҳаракатни кузатган Отажон Ҳошим бу ҳақда ёзган эди: «...Умуман тарих, қисман адабиёт тарихи кўрсатадики, синфий жамиятда ҳар бир адабиёт синфий бўлиб, унинг ёзувчи-шоирлари у синфнинг вакиллари бўлиб хизмат қилганлар ва қиладилар. Социализм қурилиши даврида, синфий кураш шароитида туғилиб ўсмакда бўлган ўзбек шўро адабиёти ҳам истисно бўла олмайди... Мана бу ҳол ўзбек шўро ёзувчиларидан, шоирларидан, онгли суратда шўро, социализм қурилишининг ёзувчилари, шоирлари бўлишни талаб қилади»¹²⁻¹³. Адабиётимизнинг биринчи авлоди замон руҳини яхши тўшунди. Бунинг энг яққол исботи шўки, Ҳамза, Айний,

¹²⁻¹³ Ҳошим Отажон. Ўзбек шўро адабиётининг бир неча асосий ижодий масалалари//Ўзбекистон шўро адабиёти. 1932, 4—5-сонлар. 35-бет.

А. Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ғайратий, Уйғун, Яшин, А. Қаҳҳор ва уларга ўхшаш ёзувчилар ўз асарларида Октябрь революциясининг ютуқлари ва совет ҳаётини мадҳ этдилар.

Ёзувчилар ва танқидчилар адабиётга оид мақола-ларда социалистик идеология ва совет воқелигини тас-диқ этувчилар сифатида майдонга чиқдилар. Масалан, Ойбек ўша йилларда: «Курашади икки тўлқин, қараб турайми? Йўқ! Болғалар, ўроқ сафи ила бораман!» — деган бўлса, Ҳамид Олимжон бир танқидий мақоласи-да ёзган эди: «Биз лаззатларга бой, завқларга тўла бир даврда яшаймиз. Янги қурилишнинг темир йўлла-рига қўйилган ҳар полвон қадам, турмушимиздаги ҳар қизгин ҳодиса ўзи билан бирга янги завқ, янги-янги нашидалар яратади. Ана шу нашидаларни тўймак... самимий бир шаклда санъаткорона тасвир этмак шўро санъатининг постовойларига юклатилгандир... Шоир, адибларимиздан замоннинг тўлқинларини тингламоқ, тўйғу ва ҳисларимизни ташкил этмоқ, янги қурилиш-даги курашга (таъкид бизники — М. Ю.) кенг оммани яна илгарига ундамоқ талаб қилинади¹⁴.

Уйғун учун комсомол «кураш боласи», шоир «кураш қизининг ёлқин кўзидан» илҳомланади, «кураш нур-ларига муштоқ эрларни» куйлайди. «Давримизнинг юраги кескин кураш-ла сапчиб тепади». «Кескин ку-раш, жанг гардиши давримизни шундай айланган»и учун «янги ҳаёт қураётирмиз. Зиёд Саид «Кураш мад-ҳияси учун» мақоласида: «Бизда ҳозирги жараён эски-ни синдириш, кураш, ҳамма соҳада беш йиллик план учун кураш жараёни бораётир...»,— деб ёзди.

Қисқаси, дунёни қайтадан яратиш, кураш пафоси ўзбек совет шоирлари, прозаиклари ва драматурглари ижодидаги бош ғоя эди.

Янги, совет адабиёти ва танқидининг эстетик прин-циплари бир қанча ҳолларда махсус танқидий мақола-ларда эмас, балки бадий асарларда ифода этилар эди. Масалан, Ойбекнинг юқоридаги шеъри ёки Ғ. Ғу-ломнинг «Гўзаллик нимада?», Ғайратийнинг «Тузалган ўлкага» шеърлари — шоирларнинг ғоявий-эстетик про-граммаларидир.

Бутун мамлакат тарихда мисли кўрилмаган ижодий жараёнга, ҳамма соҳада янгиланиш жараёнига катта ғайрат билан киришган даврда адабиёт ва санъат на-мояндалари ҳам инқилобий ғояларни акс эттирувчи

¹⁴ Ер юзи. 1929. № 12, 2—3-бетлар.

янги — социалистик маънавий бойликларни яратиш ҳаракатидан четда туришлари мумкин эмасди. Чунки улар янги совет кишилари ва новатор ёзувчилар эдилар.

Ўзбек совет адабиётининг бешиги ҳисобланган инқилобдан кейинги бошланғич давр ва 20-йиллар хусусида гапирганда янги замон ҳақида ёзилган асарларнинг кўпчилиги шеърият бўлганини, бошқа адабий турларга қараганда поэзия етакчи роль ўйнаганини таъкидлаш лозим.

Турли халқлар тарихида бўлиб ўтадиган кескин ижтимоий ўзгаришлар, сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги бурилиш пайтлари билан танишиш шуни кўрсатадики, ҳар бир янги, ёш жамиятнинг ривожланиши жараёнида прозага нисбатан поэзия аввалроқ ва кўпроқ хизмат қилади, тезроқ ривожланади. Бу ҳолни социалистик жамият билан бирга майдонга келиб, у билан бирга камол топган адабиётимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Поэзия Октябрь инқилобининг дастлабки кунларида, 20-йилларда, ниҳоят, Улуғ Ватан уруши йилларида олдинда борди, разведкачи бурчини ўтади.

Совет адабиётининг кўп овозли оркестрида жаранглаб эшитилиб турадиган созлардан бўлган ўзбек адабиёти ҳам, бир томондан, узоқ асрлик поэтик традицияга эга бўлгани, иккинчидан, даврнинг жўшқин руҳини акс эттириш тақозоси билан илк қадамларини Ҳамза ва Айний асарларидан бошлади. Улар бошчилик қилган адабий жараёнга Авлоний ва Сўфизода, Фақирий ва Оразийлар шеърияти келиб қўшилди. Ҳамзанинг «Атиргул» (1919) китобидаги бош мотив янги совет кишиси қалбида уйғонган озодлик ва социалистик воқеликдан мамнунлик ҳиссидир.

Садриддин Айнийнинг «Инқилоб учқунлари» (1923) тўпламига кирган, кўпчилиги 1919—1920 йилларда ёзилган шеърлари мазмунан Ҳамза асарларига оҳангдошдир. Шоир Айний «Хуррият марши» (Марсельеза)да инқилобчи йўлдошларни илгарига қараб қадам босишга, дунёдан зулмни қувиб, адолат ўрнатишга, бирлашишга чақирса, «Байналмилал марши» (Интернационал)да эса «Ишчи, аскар, деҳқон, қўзғалин!» дейди.

Абдулла Авлоний 1919 йили «Иштирокиюн» газетаси саҳифаларида босилган «Хуррият марши», «Фирқа олойларина» (дружиналарига — М. Ю.), «Изчиларга (пионерларга — М. Ю.) тортиқ», «Ишчилар қулоғина» («Қасабачилар ҳаракати» журнали. 1920, № 4) каби

шеърларида Ҳамза ва Айний шеърларидаги сингари чақириқлар бор.

Октябрь ниқилобидан кейин шу нарса ғоят равшан бўлиб қолдики, фақат социализм кенг омманинг руҳий ва граждандлик ҳаётини таъминлайди. Дилдаги реал мақсадларни, эҳтиёж ва ҳавасларни амалга ошириш йўлларини очади. СССР Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездида Лидия Сайфуллинанинг партия ва ҳукумат «бизларни жуда тез ва бажонидил ёзувчи қилиб етиштирдилар» деган сўзлари М. Горькийга ғоят манзур бўлган эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди.

Йигирманчи йиллар ўзбек совет поэзиясининг шаклланишида ижоди Октябрдан олдин бошланган шоирлар кетидан тезгина қўлига қалам олган Ғайратий, Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғун, Боту, Ҳ. Олимжон, Ш. Сулаймон, Миртемир, Ойдин, Ҳ. Шамс, Элбек яхши фаолият кўрсатдилар. Бу даврда уларнинг илк шеърий тўпламлари босилди.

Октябрдан кейинги тожик, туркман, қozoқ ва ўзбек совет прозаси илк қадамларини новелладан бошлади. Абдулла Қодирийнинг «кичик асарлар»и тушунчасига кирадиган қатор лавҳа, новелла, ҳажвия ва ҳикоялари; Элбекнинг «Машоқчи Эрбўта», «Келгусининг кўёши», «Қўшчи Турғун»; Ботунинг «Янги қишлоқ», «Ҳошимжон», «Турсун»; Ғайратийнинг «Иккинчи пичоқ», «Яширин тилаклар», «Омонат домла»; Ғ. Ғуломнинг бир қатор ҳажвий ҳикоялари ва «Ҳикоялар», «Жўра бўза», «Кулгили ҳикоялар» тўпламлари; Абдулла Қаҳҳорнинг «Бошсиз одам», «Гумроҳ», «Рақиб», «Тангрининг кулгиси»; Уйғуннинг «Ҳикоялар» китоби; Ш. Сулаймоннинг «Лолазордан шумғия», «Хитой зонтиги», «Паразитлар», «Қотил» каби асарлари ва яна неча ўнлаб ҳикоялар йигирманчи йиллар ва ўттизинчи йилларнинг бошидаги «кичик проза» намуналари эди.

Ёзувчиларимиз кичик жанрларда орттирган тажрибалари асосида повесть ва роман яратишга киришдилар. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина», «Қулбобо» повестлари ҳамда «Дохунда» романи; Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари ўзбек прозаси катта ҳажмли бадий асарларда тарихий воқеаларнинг кўп планли тўла тасвирини бера олиш даражасига кўтарилаётганлигидан дарак бериб туради.

Ўзбек прозаси ва поэзиясидан фарқли равишда драматургия узоқ асрлик ёзма традицияга эга эмасди. Миллий ўзбек театрининг майдонга келишида, бир

томондан, халқ демократик театрининг (масхарабозлик, қизикчилик, қўғирчоқбозлик) — халқ оғзаки драмсининг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган традицияси муҳим роль ўйнаган бўлса, иккинчидан, рус классик драматургияси билан қардош Озарбайжон ва татар драматургияси қўлга киритган ютуқлардан ижодий фойдаланиш тажриба мактаби бурчини ўтади.

Туркистон партия ва совет ташкилотлари театр санъатини ривожлантириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширдилар. 1921 йил май ойида Туркистон Халқ Комиссарлари Совети намунавий ўзбек Давлат труппасини тузиш тўғрисида махсус қарор чиқарди. Маннон Уйғур раҳбар қилиб белгиланган бу труппа 1924 йили Москвага ўқишга юборилди. Труппа аъзолари ёзда Тошкентга келган чоғларда рус ва Ғарбий Европа драматургларининг асарларини саҳналаштириб, кўрсатар эдилар.

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи»си илк совет пьесаси сифатида драматургиямизнинг катта ютуғи бўлди. Унинг «Тухматчилар жазоси» (1918), «Қармоқ» (1919), «Бурунги қозилар ёхуд Майсаранинг иши» (1926), «Ер ислохоти» (1925), «Паранжи сирларидан бир лавҳа...» каби асарлари майдонда келди. Ҳамзадан кейин ўзбек совет драматургиясига кириб келган ёшлар — Яшин, Ойдин, Зиё Санд, Собир Абдулла, Назир Сафаров, С. Ҳусайн ва бошқалар қаторида уларнинг катта замондошлари ҳам замонавий мавзуларда ижод қилишга киришдилар.

Инқилобнинг дастлабки йилларидан бошлаб болалар адабиёти ҳам юзага кела бошлади. 1919 йили Самарқандда «Болалар йўлдоши» журнали таъсис этилиб, унда болалар учун махсус ёзилган асарлар эълон қилинди. 1921 йили Тошкентда «Болалар дунёси» журнали иш бошлади. Кейинроқ «Шарқ чечаги» (1921), «Ўзгариш болалари», «Ёш куч» чиқадиган бўлди. Бу журналлар ҳали болалар учун яратилган бадий асарлар оз бўлган бир вақтда ахлоқий-тарбиявий, ўқиш ва меҳнат мавзуларида эълон қилиб борган кичик-кичик шеър ва ҳикоялари билан анча фойдали иш қилди. Йигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб болалар адабиётининг аҳволи ҳамда вазифаларини характерловчи мақолалар кўрина бошлади. Ўттизинчи йилларнинг бошидан «Ёш ленинчи» газетаси, шунингдек

«Вожатий», «Ёш куч» журналлари қатор мақолалар эълон қилди.

Поэзия, проза ва драматургия соҳасида яратилган бадий маҳсулот ана шу даврдаги адабий ҳаётнинг умумий манзарасини ўзида маълум даражада акс эттириб турарди.

СССР ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездида тайёргарлик бошланган йилларда М. Горький бошчилигида совет адабиётининг барча миллий отрядлари билан алоқа қиладиган бригадалар тузилгани маълум. Ўзбекистонга келган бригаданинг раҳбари В. Ермилов 1934 йили шундай ёзган эди: «Ўзбекистон адабиёти билан алоқа қилиш учун тузилган бригада ўз ишини ўзбек адабиётини ўрганишдан бошлади. Бу ерда жуда жиддий ютуқлар бор... Кенг ишчи ва колхозчи томошабинларнинг севиши ва шуҳрати билан фойдаланадиган ўзбек драматургиясига эгамиз. Яшин, Анқабой, Исмоилов, Фатхуллин, Зиё Санд ва Сафаровнинг пьесалари ва бошқалар социалистик тарбияда катта иш қилмоқдалар.

Ўзбек наср ва назмининг ўсиши Ғафур Ғулом, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойбек, Ҳасан Пўлат, Ойдин, Абдулла Қаҳҳор, А. Қодирий, Ҳусайн Шамс ва бошқалар билан бўлди... Уларнинг ижодларини Совет Иттифоқи ва бутун адабий жамоатчилик муҳокамасига қўйиш зарур; уларнинг ижодий тажрибаларини совет адабиёти бутун бошқа отрядларининг мулки қилиш керак...»¹⁵.

Номларини В. Ермилов санаб ўтган ёзувчилар ҳали етук сўз санъаткори даражасига кўтарилиб улгурмаган бўлсалар-да, эришган дастлабки ютуқлари билан, социализмни қўйлаганликлари билан бахтли эдилар. Бу туйғуни А. Фадеев жуда яхши ифодалаган: «Биз одамларга социалистик ҳаёт ҳақида, унга қандай қилиб эришганимиз тўғрисида биринчи бўлиб ҳикоя қилиш бахтига муяссар бўлдик. Утмишнинг энг йирик санъаткорларидан биронтаси ҳам инсониятнинг бадий тараққиётида айтолмаган сўзларни гўдак лабларимиз билан айтиш бахти бизга насиб қилди... Жаҳон санъатида биринчи марта тарихнинг янги қаҳрамони — социалистик жамият кишиси намоён бўлди ва тилга кирди...»¹⁶.

¹⁵ Ўзбекистон шўро адабиёти. 1934. № 1. 29—31-бетлар.

¹⁶ Фадеев А. За тридцать лет. М., 1959. С. 199.

Шундай қилиб, йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошига келганда қувонишга лойиқ ютуқлар қўлга киритилган, энг муҳими янги совет кишиси образи асосий қаҳрамон сифатида давр адабиётига кира бошлаган эди. Энди ана шу қилиб улгурилган ишларни чуқур таҳлил этадиган, илмий-назарий жиҳатдан принципиал тўғри баҳолайдиган ҳамда ёзувчиларнинг ўсишига ёрдам берадиган танқид керак эди. Совет адабиёти янги типдаги бадий тафаккур бўлгани сингари у янги типдаги танқидий тафаккур бўлиб, ёзувчи билан китобхонлар оммаси ўртасига воситачи ва объектив ҳакам бўлмоғи, кишиларда ҳақиқий эстетик дидни тарбиялашга хизмат қилиши лозим эди.

ЯНГИ АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ИЛК ҚАДАМЛАРИ¹⁷

Адабий танқид бадий ижоднинг замонавий конкрет асарлари тўғрисида муҳокама юритиб, инсон ва жамият ўртасидаги мураккаб ижтимоий, ахлоқий, тарбиявий масалалардан баҳс очади. Воқеликни илмий-назарий ҳамда эстетик-ҳиссий идрок этишга хизмат қилади. Бинобарин, у санъатга ҳам, илмга ҳам дахлдордир. Унда ақлий хулосалар билан руҳий ҳаяжон, мантикий тафаккур билан образли фикрлаш мужассам ҳолда намён бўлади. У илмий-адабий ижоднинг мустақил соҳасига айланиши билан ижтимоий воқелик ҳамда адабиёт ўртасидаги специфик алоқа шакллари-дан бири сифатида ривожланган ва инсон зеҳний олами-нинг тақомилида актив роль ўйнаган.

В. Г. Белинский илк мақолаларидан бирида «танқид нима?» деган саволга жавоб бериб: у ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан жамиятни вояга етказувчи, янги эстетик тушунчаларни устувор этиб, китобхонда чинакам инсоний фазилатларни тарбияловчи «ҳаракатдаги эстетика», дейди. Танқид мафҳумини нотўғри ва тор маънода тушунувчилар ҳақида гапирар экан: «...кўпчилик учун танқид қилиш — сўкиш, танқид — ҳақорат

¹⁷ Бизнинг ўзбек совет адабий танқидига доир ушбу ишми-зага қадар майдонда «Адабиёт ҳақида илмий текширишлар» (1934), «15 йил ичида ўзбек совет адабиёти» (1939) каби мақолалар тўпламлари, Ҳомил Ёқубовнинг «Танқид ва адабиётшуносликка бир назар» («Адабиётимизнинг ярим асри» тўплами, 1967) сарлавҳали салмоқли мақоласи, шунингдек Бахтиёр Назаровнинг «Ўзбек адабий танқидчилиги (ғоявийлик, метод, қаҳрамон)» китоби бор эди (1979). Мазкур ишда биздан аввал эълон этилган ҳамма асарларнинг мазмунини эътиборга олинади.

қилиб ёзилган мақоладан бошқа нарса эмас... Танқид «ҳукм қилмоқ» деган маънони ифодаловчи грек сўзидан келиб чиққандир; демак, унинг кенг маъноси «ҳукм қилмоқ», «фикр юритмоқ» демакдир»¹⁸.

Ўзбекистонда ана шу фазилатга эга адабий танқид юзага кела бошлади. Адабий танқид олим ва ёзувчига хос истёдод бир шахсда умумлашуви туфайли юзага чиқадиган ижод туридир. Танқидчининг бадий асарларга оид юритаётган ҳар бир мулоҳазаси ҳаёт фактларидан келиб чиқадиган аниқ мантиққа эга бўлиши, баён қилаётган фикрларининг услуби раво ва ҳажми ихчам бўлиши лозим. Танқидчи ўз даврининг фарзанди сифатида жўшқин ҳаётнинг катта ва кичик воқеаларига актив аралашади. Ёзувчи конкрет бадий образлар билан тасвирлаган ғоявий-бадий ниятни, турмуш манзараларини, ҳис-ҳаяжонни танқидчи осон тилда изоҳлаб беради. У китобхон билан ёзувчи ўртасидаги объектив, пок ниятли, ҳалол воситачи ролини ўйнайди. Танқидчи зиммасига ғамхўр мураббий масъулияти юклатилгани ҳолда, умуман танқиднинг ўзи жамият аъзоларининг тарбиячисидир. Айниқса бизнинг социалистик жамиятимизда унинг тарбиявий моҳияти ниҳоятда ўсди.

РКП(б) Марказий Комитети «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида» (1925 йил 18 июнь) қабул қилган резолюциясида адабий танқиднинг пролетар революцияси ва социализм қурилиши давридаги йўналиши ва мазмуни бундай таърифлаб берилган эди: «Коммунистик танқид коммунизм позицияларини бир минут ҳам қўлдан бермай, пролетар идеологиясидан заррача ҳам чекинмай, турли адабий асарларнинг мазмунидаги объектив синфий маънони очиб беришга даъват этилгани, пролетариат билан бирликда бора оладиган ва албатта борадиган адабий табақаларнинг барчаси билан муомалада ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, сабр-тоқат кўрсатиб, ётиғи билан иш кўрмоғи керак»-лиги айтилади. Резолюцияда танқид буйруқбозликдан йироқ бўлиши лозимлиги таъкидланиб, у «фақат ўз ғоявий устунлигига суянсагина чуқур тарбиявий аҳамиятга эга бўла олади»¹⁹,— дейилади.

Бу талабларга жавоб бериш учун адабий танқиднинг савияси юксак бўлиб, даврнинг бадий тенденция-

¹⁸ Белинский В. Г. Танланган асарлар. Тошкент. 1955. 219—220-бетлар.

¹⁹ О партийной и советской печати. М., 1954. С. 346.

сини тўғри тушуниши, адабий ҳодисаларга ҳолисона: ёндашиб, ўтмиш билан ҳозирги замон орасидаги ғоявий-бадний алоқаларни тўғри белгилашга ёрдам берадиган тарихийлик принципига риоя қилиши ва, ниҳоят, алоҳида ёзувчилар ҳақида гапирганда улар ижодининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериши ҳамда ёшларни эҳтиёткорлик билан тарбиялаб катта ижодий йўлга солиб юбориши зарур эди.

РКП(б) Марказий Комитетининг резолюцияси жамоатчилик эътиборини адабий танқидга янада кўпроқ жалб эта бошлади. Ингирманчи йилларнинг иккинчи ярми ва ўттизинчи йилларнинг бошида адабий ҳаётда актив иштирок этган ва Ўзбекистон ёзувчилари союзининг биринчи секретари бўлган Раҳмат Мажидий танқидчи кадрларни етиштириш ва уларнинг ёзувчиларга амалий ёрдами ғоят зарурлиги тўғрисида қуйидагиларни айтган эди:

«...ёзувчиларнинг асарларига чуқур таҳлил асосида: принципаал юксакликда турган большевик танқиди зарур дастакдир. Умуман адабий ҳаракатнинг адабий танқиддан бошқа яшови, ўсуви мумкин эмас. Бизда ёзувчилар, шоирларнинг кундан-кунга кўпайиб ва тараққий қилиб турган бир даврда танқидчи кадрлар масаласи ва танқиднинг сифати учун кураш жуда кескин суратда туради... Ҳозир ёзувчилардан социализм даврининг мафкуравий соғлом ва бадний кучли асарлар яратиш талаб қилинса, адабий танқидчилар олди-га қўйилган талаб ҳам бундан кам эмас...»²⁰.

Ўзбекистондаги адабий танқиднинг майдонга келиши ва шаклланиши йўлларини кузатар эканмиз, танқид ўзининг илк қадамларини асосан тақриздан бошлаганига ишонч ҳосил қиламиз. Яна шу факт эътиборга лойиқки, инқилобдан кейинги дастлабки йиллардаги адабий тақризлар кўпроқ спектаклларга ёзилган ҳамда вақтли матбуот саҳифаларида босилиб турган²¹.

²⁰ Ўзбекистон шўро адабиёти. 1932. 1—2-сонлар. 29-бет.

²¹ Мисол учун Хуршиднинг «Шоҳнома»дан олиб инсценировка қилинган «Заҳҳоки морон» (Иштирокиюн. 1919. 9 октябрь). Шафақ Махдумнинг «Ёрқиной» ва «Ҳеч ким билмасин: (Қизил байроқ. 1921. 17 сентябрь), Мирмулланинг «Фарғона фожиасидан 3-бўлим» (Қизил байроқ. 1921. 9 октябрь), фамилияси номаълум авторнинг Ҳ. Жовид асари «Шайх Санъон» (Туркистон. 1929. 6 июнь), Турғунбойнинг «Лайли ва Мажнун» (Туркистон 1924, 13 май), «Сергак» тахаллусли тақризчининг «Аршин мололон» (Қизил Ўзбекистон. 1925. 11 май) каби саҳна асарлари ҳақидаги ўнлаб тақризларни кўрсатиш мумкин.

Эҳтимол, театр тақризларидан орттирилган тажриба натижаси бўлса керак, секин-аста алоҳида бадий асарлар, тўпламларга ёзилган тақризлар ҳам кўрина бошлайди. «За-най» имзоли авторнинг «Халил фаранг» (Қизил Байроқ. 1921. 3 февраль), «Чўл боласи» тахаллуси муаллифнинг «Ер юлдузлари» (Зарафшон. 1926. 13 август), С. Айнийнинг повестлари, А. Қодирийнинг романларига ёзилган ва турли адабиётчилар қаламига мансуб бошқа тақризлар фикримизнинг далилидир.

Булардан кейин бизнинг салафларимиз ва замондошларимизнинг ҳаёти ҳамда адабий фаолиятига бағишланган мақолалар юзага келади. Тўғрулнинг «Эски шоирларимиздан Муқимий» (Фарғона. 1923. 17 март), Л. Олимийнинг «Унутилган шоир» (Сўфизода ҳақида. Фарғона. 1925. 30 март), Фитратнинг «Муқаддиматуладаб» («Маориф ва ўқитғувчи». 1926. 7—8-сонлари) ва «Бедил» (брошюра, Москва, 1923), А. Сулаймоннинг «Тагор ва тагоршунослик (Маориф ва ўқитғувчи, 1926. 11—12-сонлари) ва «500 йил» (Навоий ҳақида. Туркистон. 1924. 23 сентябрь) каби мақолалари Октябргача бўлган бадий ҳазинамизнинг биз учун қимматини йўқотмаган ва янги авлодга хизмат қиладиган томонларини ўз илмий савиялари даражасида очиб беришга интилади. Уларнинг ҳар бири қисман ўз фазилати, шунингдек нуқсонларига эга эканини, айниқса салафларимиз ижодини синфийлик нуқтаи назаридан баҳолаш етишмаслигини айтиш лозим.

Ёзувчи ва танқидчиларнинг бир қисми ўзбек совет адабиётининг ривожига ёрдам берадиган актуал масалалар билан шуғулландилар. Кундалик жараёнга оид танқидий ва илмий-маърифий ишлари билан газета ва журналлар саҳифаларида тез-тез кўриниб турган ёзувчи ва адабиётшунослардан Абдулла Қодирий, Лутфулла Олимий, Абдурахмон Саъдий, Элбек, ёшлардан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Миртемир, Уйғун, Шокир Сулаймон, Боту, Кашшоф Триғулов, Сотти Ҳусайн, Абдулла Қаҳҳор, Олтой, Отажон Ҳошим, Юнус Латиф ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар ўзбек совет адабиётининг шаклланишига доир энг актуал проблемалар устида баҳс юритганлар.

Октябрь инқилобигача бўлган ўзбек матбуотида «танқид» рубрикаси остида асосан турли ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний мавзудаги баъзи бир адабий, илмий мақолалар, фельетон ва очерклар, ҳикоялар, тил ва тафаккурга оид ҳар хил мунозаралар ҳамда публицистик мақолалар босилган бўлса, инқилобдан

кейинги ўзбек совет матбуоти саҳифаларида энди «Танқид ва адабий муҳофазалар», «Фанний текширишлар», «Матбуот ва адабиёт», «Санойи нафиса оламида», «Театр ва концерт» каби янги рубрикалар остида турли адабий-бадий тўпламлар, саҳна асарлари, спектакллар, концертлар, дарсликлар, нашриёт ҳам матбуот ишларига оид обзорлар эълон қилинди. Адабий жараёнга доир оригинал мақолалар, танқид ва тақризлар билан бирга қардош халқлар адабиёти, айниқса, рус, татар, озарбайжон ва бошқа халқларнинг сўз санъаткорлари, олимлари, адабиётшунос ва санъатшунослари ҳақида ҳам мақолалар босилиб турди.

Шарқ ва Ғарбнинг санъат назарияси, гўзаллик ҳақидаги қарашлари хусусида, шунингдек, В. И. Ленин, Г. В. Плеханов, В. Г. Белинский, Н. Г. Чернишевский, А. Луначарскийнинг эстетик қарашлари тўғрисида мақолалар берилиб борди²². Марксча-ленинча эстетика ва адабиётшунослик тарихига оид ишлар ва В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асридан таржималар қилина бошлади. В. И. Лениннинг адабиётнинг коммунистик партиявийлиги, Пролеткульт ва ҳар хил формалистик оқимларга қарши ёзилган мақолалари янги туғилиб келаётган пролетар адабиёти ва танқидининг ғоявий-эстетик жиҳатдан тўғри йўлдан бориб ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбек адабий танқидининг шаклланишида Озарбайжон инқилобий публицисти Н. Наримонов, татар совет адиби О. Иброҳимов қаламига мансуб илмий-назарий мақолаларнинг таъсирини ҳам қайд қилиш керак²³. Ўзбек матбуотида мазкур мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида материаллар босилиши ўша даврда катта ижобий ҳодиса эди. Бу даврда турли адабий тур ва жанрлардаги асарларни баҳолаш зарурати адабий-танқидий фикрнинг жонланишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда яшаган рус ёзувчи ва танқидчилари Ф. Оликов, Б. Пестовский, М. Гаврилов, М. Шевердин, А. Аршируний, М. Алексеев²⁴ ва бошқаларнинг ўзбек

²² Инқилобчи ёзувчи Николай Гаврил ўғли Чернышевский. Аланга. 1929. № 2—3.

²³ Наримонов Н. Ленин ва Шарқ. Тошкент. 1925; Наримон Наримонов (1870—1925). Тошкент. 1924.

²⁴ Пестовский Б. А. Ўзбек театрининг тарихи//Инқилоб. 1923. № 3; Аршируний А. Заметки о художественной литературе Средней Азии//Новый Восток. 1929. № 26—27; Шевер-

совет адабиётида юзага келган роман (А. Қодирий), повесть (С. Айний) ва театр санъати масалаларига бағишланган чиқишлари ҳам адабий танқид активлашиб бораётганидан дарак бериб турарди.

Ўлкада чиқиб турган рус тилидаги матбуот Туркистонда маҳаллий тилларда чиқа бошлаган янги матбуотнинг ютуқларидан қувониб, матбуот — «инқилобнинг энг катта ютуғи»²⁵ эканлигини қайд қилди. «Красная печать» ўзининг 6-сонида «Газета-журналларнинг бу даврдаги асосий ғоявий-сиёсий вазифаси чоризмнинг Туркистондаги эски мустамлакачилик сарқитлари ва шу билан бирга маҳаллий миллатчилик оғишларига қарши кураш»,— деб ёзди.

Йигирманчи йилларда адабий танқиднинг вужудга келиши жараёнида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки тенденция равшан кўзга ташланиб туради. Улардан бири — илмий изланишлар йўлидан бориш: Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий, Лутфулла Олимий, Олим Шарафиддинов, Отажон Ҳошим, Аъзам Айюб каби танқидчи ва адабиётшуносларнинг ҳар бири ўзига хос ғоявий-услубий нуқсонлари, адабий фактларни изоҳлашда учрайдиган чигалликларига қарамай, илмий фикрлашга интилдилар. Бу қаторда танқидчилик фаолиятини эндигина бошлаган Ҳомил Ёқубов, Ойбек, Юнус Латиф, Шокир Сулаймонлар ҳам бор эди.

Иккинчи тенденция вакилларининг фаолияти учун характерли белги Пролеткульт ва РАПЧиларнинг маълум даражада таъсири, шунингдек, вульгар социологизм руҳи сезилиб туришидир. Бу гуруҳга мансуб кишилар маданий меросга нигилистик муносабатда бўладилар, адабий фактларни талқин қилишда схематизмга йўл қўядилар. Масалан, талантли танқидчи Сотти Ҳусайн ўзбек совет адабиётининг ёш кадрларини тарбиялашда, истеъдодларни пайқаб адабиётга олиб киришда яхши ташаббус кўрсатди. Аммо А. Қодирий ижодини вульгар социологизм нуқтаи назарида туриб схематик тарзда анализ қилди. Шундай нуқсонлар Зиё Санд, Умаржон Исмоилов, Юнус Латиф фаолиятида ҳам бор. Жалил Бойбўлатов ва Миёнбузрук Солиҳов эса вульгар социологизмнинг энг катта муридлари эди.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнь резолюциясида: «...Бизда умуман синфий кураш тўхтамаганидек, бу кураш адабиёт фронтида ҳам тўхтагани

дин М. Первый узбекский роман (А. Кадыри «Прошлые дни»)// За партию. 1928. № 3 (7) и др.

²⁵ Красная печать. Ташкент. 1928. № 6. С. 8.

йўқ...», — дейилган эди. Шунинг учун бадий адабиётда акс этаётган синфий кураш масаласига, жумладан, партиявийлик масаласига юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, танқид алоҳида эътибор берди. Бу соҳада Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ойбек, О. Ҳошим ва, айрим хато-ларидан қатъи назар, С. Ҳусайн, З. Саид, Ю. Латиф анча фойдали ишлар қилдилар.

* * *

Шуни қайд қилиш керакки. Ўзбекистонда адабий танқиднинг туғилиши биринчи навбатда «танқид нима?» саволига жавоб излашдан бошланди. Танқидий тафаккурнинг Октябрдан кейинги бошланғич йиллари ҳали анча ибтидоий бўлишига қарамай, юқоридаги саволга берилган жавоблар (содда бўлса-да) асосан тўғри эди.

Чунончи, танқид ҳақида ҳаммадан аввал гап бошлаган Элбек бўлди. Элбек танқид деганда ҳар қандай соҳада ишловчи кишиларнинг ўз касби бўйича яратилган асарларнинг ютуқ ва камчиликларини шахсий ғараз ёки мақтовларсиз, ҳолисона айтиб, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатишни тушунди ва танқидни объектив, самимий ва изчил бўлиши кераклигини тўғри қайд қилди. Унинг фикрича, «Танқид демак, бир ишда ва ё нарасада бўлатурғон камчиликларни шул ишнинг ишловчиларига кўрсатиб, тузатдирув ва тўлдирув учун айтиладурғон сўз демакдир. Буни ишлатувчи ўртоқларнинг-да танқид деган нарсани ўртага қўйиб, истар яхшилик, истар ёмонлик-да бир томонга оғдирмасдан ишлатувлари тегишдир.

Ўз ғаразимиз учун танқидни ишлатувимиз ярашмайди. Чунки бу чоқ танқид деган нарсамиз танқидликдан чиқиб, оддий бир сўз ҳолини оладир. Яъни танқидчи ўртоқларнинг кайфларина қарашли бўлиб, аларнинг яхши кўрган кишига яхши, ёмон кўрган кишига ёмон йўл ила юргизилади. Шунинг учун-да танқидни ўз йўлида ишлатув керакдир. Бу кун бир кишининг мавқеига қараб мақтов, эртаси бирининг ёмонлавиға қараб, ёки олдоғи бўлғонға қараб танқид юритув танқидни қурбон этув демакдир»²⁶.

Қисқаси, танқиднинг руҳи танқидчининг кайфиятига қараб эмас, ҳолисона бўлиши керак.

²⁶ Элбек. Бизда танқидчилик//Иштирокиюн. 1920. 2 май.

Элбек В. Г. Белинский асарлари билан таниш бўлганми, йўқми, бунни айтиш қийин. Аммо унинг, бир қадар ибтидоий услуб билан бўлса-да, танқиднинг объектив бўлиши ва у танқидчининг шахсий ғаразидан, субъектив кайфиятидан холи бўлиши лозимлиги, ниҳоят танқидчи ёзувчининг ижодий ҳамкори экани тўғрисидаги фикрлари юқорида биз келтирган В. Г. Белинский фикрларига мантиқан яқиндир.

Неъмат Ҳаким эса Элбекдан фарқли ўлароқ фанний (илмий) танқид, шунингдек, турмушдаги турли камчиликларни кўрсатувчи сатирик танқид адабий-бадий танқидга ўхшамаслигини айтиб, адабий танқид хусусидаги мавжуд тушунчаларни бирмунча кенгайтиришга ҳаракат қилади. У турмушдаги ҳар хил камчиликларни танқид қилувчи сатирик асарлардан ҳамда турли ижтимоий, табиий фанлар танқидидан бошқача бўлган адабий танқиднинг хусусиятлари ҳақида гапиради: «Танқид нима?» — дейди у ва давом этиб ёзади: «Бу сўроққа ҳар ким жавоб бера олса ҳам, лекин унинг маъносини тил билан айтмак бошқа, амал билан кўрсатиш бошқадир». «...Менинг танқид тўғрисида айтатурғон нарсам... турмушдаги воқеаларни[нг] танқиди эмас, балки ўзбек матбуотидаги китоб ва мақолаларни[нг] танқид қисмигинадир. Агар турмушдаги воқеаларнинг танқиди ҳақида бўлса, сўзнинг кўп узайиши ҳам мумкин бўлар эди...

Танқид ва адабий муҳокамаларнинг кўпи нафис асарларга тушадилар. Баъзи бир дарсликларга бўлиб турадир...»²⁷.

Неъмат Ҳаким шу тариқа танқиднинг доирасини белгилаб олгандан кейин бу соҳада кимлар қандай мақолалари билан иштирок этаётганлари, уларнинг савияси устида қисқача тўхтар экан, айниқса А. Саъдий активлигини, кўпинча жиддий масалалар ҳақида биринчи бўлиб фикр юритишини маъқуллайди. «Муштум» саҳифаларидаги танқидга ижобий баҳо беради. Неъмат Ҳаким адабий танқиднинг ростгўй ва холисона бўлишини истайди. Унингча «танқидга аралашаётганлар шахсий нарсаларни ташласалар жуда яхши бўларди». Адабий ҳаёт тўғри йўлдан бориб ривожланиши учун танқиддан чекинмаслик керак. Агар танқид қилинган шахс «ранжиса ранжий берсин. Бир неча йиллар ўтгандан кейин ўзи ҳам раҳмат ўқийди...» (ўша жойда).

²⁷ Неъмат Ҳаким. Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар. Танқид нима?//Туркистон. 1924. 25 июнь.

Муаллиф адабий танқид спецификаси, унинг бошқа фан соҳасидаги танқид ва матбуотдаги сатирик жанрлардан фарқлари, танқид ва танқидчининг ижтимоий бурчи ва вазифалари, танқидда объективлик ва принципиаллик, таҳлил усуллари (ғоявий, бадий ва тил жиҳатдан таҳлил), сатирик матбуотда адабий танқидга хос формалар ҳақида (ибтидоий тарзда бўлса-да) тўғри фикр юритади.

Абдураҳмон Саъдийнинг мулоҳазасига кўра: «Танқид — агар бир фикр иккинчи бир фикр ишчанлигининг етишган ва етишмаган ёқларини очмоқ ҳам ажратмоқ, буларга бир қиймат қўймоқ томонига жўнатилса, бу вақтда танқид деб аталган бир фикрий ишчанлик туғилган бўлади. Танқид фикр ишчанлигининг қийин бўлгонларидан биридир. Бу ҳар кимнинг кучидан келмай-дир. Керак фалсафий, керак фанний, керак ижтимоий ва турли асарлар, ижодлар бўлсин, уларни чин маъноси билан танқид қилмоқ учун махсус бир танқидчилик истеъдоди лозим... Санъаткорона ва шеърый бир асарнинг танқиди учун, айниқса санъат ва шеърый назариялардан, гўзал санъат ва адабиёт тарихидан, шу туғдирилган давр ва муҳитнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолларидан ва шу жамоатнинг умумий ҳолати руҳиясидан, умуман шу жамият ва шу синфнинг бутун идеологияси, идеалидан яхши хабарланган бўлмоғи тегишдир»²⁸.

А. Саъдий танқид ва унинг жамиятдаги бурчи ҳақида (фикр ифодасининг бир қадар нотекислигидан қатъи назар) илмий мулоҳаза юритади. У, танқид бадий адабиёт сингари ижтимоий ҳаёт билан мустаҳкам алоқада эканини, у ҳам синфийлигини, муайян синф идеологиясини ўзида акс эттиражагини тўғри тушунади. Зотан, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида, сиёсатда рўй бераётган воқеаларнинг ижтимоий онгдаги акси билан адабиёт ва танқид ўртасида узвий алоқа мавжуд. Ёзувчининг асарини мамлакатдаги ўзгаришларга қиёс қилмай туриб анализ қилиш мумкин эмаслигини танқид яхши англаши лозим. А. Саъдий ҳукмрон синф идеологияси, ҳолати руҳияси билан адабий танқид ўртасида диалектик алоқа бор, демаса ҳам унинг фикрларидан келиб чиқадиган хулоса шудир.

Муаллиф танқид осон ҳунар эмаслигини таъкидлар экан, танқидчи олдида турган масъулиятни алоҳида

²⁸ Саъдий Абдураҳмон. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. Ўрта мактаблар учун дарслик. Иккинчи босмаси. Тошкент. 1925. 192—193-бетлар.

кўрсатади. Танқидчи нозик адабий дид, туйғу эгаси бўлишдан ташқари адабиёт тарихини, назариясини, тадқиқот методикасини билиши даркор.

А. Саъдийнинг кўчириб келтирилган фикрларини ўқиганда беихтиёр В. Г. Белинскийнинг: «Танқидчининг ихтисоси осон деб ҳисоблайдиган, танқид озми-кўпми ҳамманинг қўлидан келади, деб ўйлайдиганлар хато қилади; танқидчининг таланти оз учрайди. Унинг йўли эса қалтис ва хавфли. Дарҳақиқат, бир томондан, чуқур ҳис-туйғулар, санъатга қизғин муҳаббат, объектни жиддий ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, ақл-идрокнинг объективлиги каби қатор шартларнинг бир талантда мавжудлиги, ҳолисона муҳокама юритиш зарурлиги ва, инкинчи томондан, зиммага олинган вазифа нақадар юксак»²⁹, — деган сўзлари эсга келади.

Иигирманчи йиллар адабий танқиди бутун бир жараён бўлгани ҳолда танқидий асарлар яратилишида бир-биридан хиёл фарқ қиладиган уч усул бор эди: танқидчининг ёзувчи ижоди ҳақидаги кузатишлари; ёзувчининг асарларга баҳоси ва танқидчининг танқидчи мақолаларига муносабати. Ҳар уч усул билан яратилган маҳсулот ичида объектив, соғлом фикр натижаси бўлган ишлар қаторида фактларни бузиб кўрсатадиган субъективизм намуналари ҳам учрайди. Бу хилдаги танқид адабиётнинг тўғри ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Адабий танқиднинг жонланишида ижобий роль ўйнаган усул, шубҳасиз, соғлом позицияда туриб ёзилган танқидчининг ёзувчи ижоди ҳақидаги ҳолисона фикридир. Шунини мамнуният билан қайд қилиш жоизки, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, инқилобчи шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳамда биринчи ўзбек совет романининг муаллифи Абдулла Қодирий ижоди дастлабки илмий мақолаларнинг объекти бўлди. Адабиётимиз Октябрдан сўнг босиб ўтган 6 йиллик йўлни кўздан кечирган А. Саъдий Ҳамза тўғрисида ёзган эди: «Ҳамза Ҳакимзода инқилобдан кейин ўзбек ишчилари, меҳнаткашлари, мазлумлари қайғуси билан ёзган синфий руҳдаги турли шеърлари, ашулалари билан ўзбек шеъри ва шеърий адабиётининг фаол омилларидан эканини очиқ кўрсатди». Танқидчи Ҳамзанинг инқилобий шеърларидан айрим мисоллар келтириб фикрини тасдиқлагач, шоирни Октябрдан кейинги инқилобий

²⁹ Белинский В. Г. Собрание сочинений. В 3-х томах. Т. I. М., 1948. С. 225.

руҳдаги талант деб баҳолайди ва унинг пьесалари сахналарда аллақачонлардан бери ўйналиб келаётган бўлса-да, босилмагани сабабли биз уларни кўра олмадик,— деб ачинади.

Яна: «Хусусан асарларининг кўпи ўзбекларнинг замонадаги ўз турмушларидан, шу вақтдаги турли ижтимоий ҳаёт воқеаларидан олиниб ёзилган бўлмоқлари айрим диққатни жалб этиб турадир. Ўзида юрак шоири (яъни лирик шоир — М. Ю.) бўлиш, музикачилик ва турли куйлар ихтиро этиш, драматурглик ҳам артистлик йиғилган бир шахсни ҳам биз ҳали ёлғиз Ҳакимзода ўртоқда кўра оламиз»³⁰.

А. Саъдийнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги мулоҳазалари ҳам ҳақиқий аҳволни тўғри ифодалайди. Қодирийни ҳикоялар, айниқса ҳажвий ҳикоялар устаси бўлган ёш ва кучли адиб сифатида характерлайди. Ўзбек совет бадий адабиётининг юксалишида катта хизмат қилган «бу шеърый (яъни бадий — М. Ю.) талант «Инқилоб» журналида босилган «Ўтган кунлар» романи билан ўзбек адабиёти майдонида роман ёзувчилигининг биринчи қадамини босиб юборди»³¹.

Шу мақолада Боту «қизил шеърый адабиётда ҳамон очилиб, гуриллаб турган, ўзига кўп умид боғлатган кучли талант»,— деб таърифланса, Элбек ишчи-деҳқон турмушидан, қишлоқ болалари ҳаётидан ёзадиган сермахсул шоир экани айтилади. Адабиёт майдонида ягона масалчи ҳозирча фақат шу, лекин «унинг лирик шеърлар ёзишдаги кучи ҳали унча юқорилаб кета олмагани» таъкидланади.

Йигирманчи йилларда ҳам ёзувчи, ҳам танқидчи ўлароқ активлик кўрсатган Зариф Баширнинг Элбек ижодига берган баҳоси А. Саъдийникига мазмунан яқиндир. Зариф Башир Элбекнинг «Армуғон» (1921) масаллар тўплами чиқиши ва «Ўзбек ёш шоирлари» (1922)да босилган шеърлари муносабати билан ёзган мақоласида қуйидаги фикрни баён қилади: «...Элбек ўзбек шоирларининг энг кўп ёзувчиларидан бўлиб, унинг ёзган шеърлари ўзга шоирларга қараганда таъмоман бошқа бир ўринни тутади». Хўш, бу ўриннинг бошқачалиги нимада? Маълум бўлишича, шоир узун-узун дostonлар ёзмаса-да, унинг яратган шеърлари «Элбек — дostonчи» деган эътиқодни ўқувчиларга синг-

³⁰ Саъдий А. Олти йил ичида ўзбек шеърый адабиёти//Туркистон. 1924. 21 июнь.

³¹ Уша жойда.

дирган. Достончи бўлганда ҳам идеалист зиёлилар учун ёзмайди. Унинг бармоқда ёзган шеърлари халққа яқин. «Элбек халқ шоири бўлганлигини, турмушга очиқ қараш йўлини тутганлигини унинг шеърлари очиқ кўрсатиб турадир...»³². З. Башир яна унда лириклик этишмаслигини айтади.

Шуни уқтириш керакки, номлари зикр қилинган ҳар иккала танқидчи ҳам Элбек ижодини асосан тўғри таърифлаганлари ҳолда, шоир анча мураккаб йўлни босиб ўтгани, ҳамма асарлари ҳам давр талабига тўла жавоб бера олмаганини кўрсатмайдилар. Элбек шеърлари ва масаллари орасида дудмол, ғоявий ноаниқ, мубҳам асарлар ҳам борки, уларни турлича талқин қилиш мумкин.

«Элбек «Меҳнат куйлари»да бир қанча муҳим масалаларни, хусусан камбағал деҳқонлар, батракларга ва қишлоқ турмушига бағишланган шеърларида олинган темани тўғри ҳал қилади. Шу сабабли Элбекнинг бир қадар сўллашиб, бизга яқин келаётганини кўрсатиб ўтиш керакдир»³³,— дейди Анқабой.

Танқидчилар орасида совет давридаги алоҳида ёзувчи ижодида бағишланган мақолалар ёзганлар қаторида XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаган шоирларни тилга оладиганлари ҳам бор. Масалан, Тўхтамурод Аълам ўғли (Тўғрул) «Эски шоирларимиздан Муқимий» сарлавҳали мақоласида Муқимий ўша замонда ўз теварагидаги ҳақсизлик ва адолатсизликдан норози ҳамда юрагида ўз ватани — юрти учун самимий ва пок муҳаббат сақлаган шоир сифатида таърифланади. Афсуски, охирида: «унинг баъзи шеърлари шу қадар очиқ, баситки, уни авом шоири»,— деса бўлади, тарзида хато хулоса чиқаради. Л. Олимий эса ижоди инқилобдан аввал бошланган Сўфизоданинг адабий фаолияти ҳақида «Унутилган шоир» номли адабий портрет яратган. «Истеъдод, қобилият, талант деган нарсa табиатнинг дунёда мисли йўқ жавҳаридирки, бу «аксири аъзам» жуда оз кишиларгагина муяссар бўладур» жумлалари билан бошланадиган бу портретда шоирнинг узоқ йиллик ҳаётий ва ижодий йўли кузатилади. Муаллиф Сўфизода шеърлари илгари «Шўро», «Ойина», «Садойи Туркистон» газеталарида босилгани, Афғонистонда бўлганида «Сирожул ахбор» газетаси

³² Башир З. Ўзбек шоири Элбек. Туркистон. 1923. 3 октябрь.

³³ Анқабой. Ўзбек пролетар ёзувчиларининг ижодий юзи// Қурилиш. 1931. № 3. 17-бет.

бир қанча ғазал ва мухаммасларини эълон қилгани, унинг ижоди чуқур халқчиллик руҳи билан сугорилгани хусусида муфассал гапиради³⁴.

20-йилларнинг муҳим хусусияти адабиётнинг ва адабий танқиднинг кескин синфий кураш шароитида ривожланишидир. Бу ҳодисани конкрет тасаввур қилиш учун аксилинқилобий миллатчилик ғояларини ўз ижодида ифода этган Чўлпон асарлари ва мақолаларида адабий танқидда муносабат қандай бўлганини кўрсатиш кифоя. Чўлпоннинг³⁵ поэзия ва драматургия соҳасидаги асарлари адабий танқидда жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Шоирнинг «Уйғониш» (1922) тўплами нашр этилиши муносабати билан Э. Башир ёзди: «Чўлпон ўртоқ хаёлга жуда бой бўлгани ҳолда ...унинг хаёли табиатда ва кишилик дунёсида бор ва бўлиши мумкин бўлган доиралардагина учадир». Тақризчининг фикрича, шоир асарлари бадий тасвирга бой, оз сўзлаб (оз ёзиб), кўп мазмунни ифодалайди, тили соф ўзбек тилидир... 3. Башир кейин Чўлпон асарларининг ғоявий мавқеи масаласига ўтар экан, у «эл», «халқ» сўзларини қанча кўп ёзса ва сўзласа ҳам халқ шоири эмас, халққа яқин бўлган зиёлилар шоиридир...»³⁶, дейди.

3. Баширнинг бу чалкаш фикрлари 20-йилларда кўпгина танқидчиларнинг методологик жиҳатидан етарли қуролланмаганини кўрсатади. Чунки, Чўлпоннинг «Уйғониш» тўпламига кирган асарлари муаллифнинг совет воқелигига салбий муносабатини ифода этар эди. Танқиднинг биринчи вазифаси — муаллифнинг дунёқарашини, воқеликка муносабатини тайин этиш эканлигини 3. Башир эътиборга олмаган эди.

Аммо танқид соҳасида марксча-ленинча методологияни муваффақиятли равишда эгаллаётган кадрлар ҳам бор эди. Айн (Олим Шарафуддинов)нинг «Ўзбек шоирлари. Чўлпон»³⁷ мақоласи шундан далолат берар эди. Ижодкор сифатида ўша кезларда дурустгина нуфузга эга бўлган Чўлпон тўғрисида Айн билдирган жиддий ва дадил танқидий мулоҳазалар адабий жа-

³⁴ Фарғона. 1925. 30 март.

³⁵ Ўнгирманчи йилларнинг биринчи ярмида аксилинқилобий миллатчилик позицияларида турган баъзи ёзувчилар (Чўлпон ва Фитрат) ижодининг тавсифи бу китобнинг вазифасига кирмайди. Улар ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: История узбекской советской литературы. Т. I. Ташкент. 1987.

³⁶ Туркистон. 1923. 4 май.

³⁷ Қизил Ўзбекистон. 1927. 14 февраль.

моатчиликда катта таассурот қолдирди. Уша даврда ёш танқидчи сифатида сафга кирган Ҳомил Ёқубов кейинчалик (олтмишинчи йилларга келиб) хотирлайди: «...Айн мақоласи адабий ҳаётда ва танқидчиликда муҳим воқеа бўлди. У материалистик танқид принципларига амал қилиб, асар анализини ғоявий мазмундан келтириб чиқарди. Лекин Айн бадий тил, форма масаласини четлаб ўтмайди. Ҳатто у Чўлпон ҳам адабий тилни ишлаш ва бадий тилни мукаммаллаштиришда катта иш қилганини қайд этиб ўтади»³⁸.

Айн Чўлпонни инқилобгача, ундан сўнг ҳам энг кўп ёзаётганлар қаторига қўяди ва классикларнинг «тор рамкасини бузиб», уларнинг стили ва тилини соддалаштиргани ҳақида гапирди. Шоирнинг ғоявий нуқсонлари, «хусусан мафкураси, адабий таъсири устида» тўхталиб, уни мақтаганларга қарши эътироз билдириб, «Чўлпон миллатчи, ватанпараст (яъни ўта тор миллатчи — М. Ю.) бадбин зиёлилар шоиридир», — деган асосли, тўғри хулоса чиқаради, Чўлпонни ҳаёлпараст, замон ва муҳитдан узоқ деб характерлайди.

Орадан икки ой ўтгач, Ойбекнинг «Чўлпон шоирни қандай текшириш керак»³⁹ мақоласи пайдо бўлди. Муаллиф Айн билан мунозарага киришар экан, шоирнинг ғоявий нуқсонлари ҳақидаги фикрларга қўшилади: «Чўлпонда миллий парчалар йўқ, деб ҳеч ким айта олмас, бу факт», — дейди. Унингча, «Айн каби масалага юзаки» қарамай, «ижтимоий (социологический) метод билан қурулгани» нима учун шоирнинг «кўнглига миллий туйғулар» ўрнашиб қолганини, масаланинг синфий моҳиятини очиб бериш керак. «Чўлпон бир шахсдир. Шахс ижтимоий муҳит чизгиларининг кесишган нуқтасидир. Шундай экан, у пролетариат шоири бўла олармиди? Албатта бўлолмайди».

Ойбек Чўлпон ижодининг синфий моҳиятини очиб беришни ҳақли равишда талаб этгани ҳолда, унинг асарларидаги формал фазилатларнинг ролини ўша асарлардаги мазмундан ажратиб баҳолади ва натижада Чўлпон маҳоратининг сабоқлари ҳақида муболағали, нотўғри хулосаларга келди. Ойбекка кўра «Пушкин йўқсил учун ёнган бир шахс эмас... Лекин уни рус ишчиси, комсомоли, фирқаси, олими севади. Чунки, у кўп гўзал асарлар яратди, рус шеърининг бадий намуна-

³⁸ Қаранг: Адабаётимизнинг ярим асри (мақолалар тўплами). Тошкент. 1967. 355-бет.

³⁹ Қизил Ўзбекистон. 1927. 17 май.

ларини берди. Биз ҳам худди ана шу сабабларга биноан Чўлпондан қўл торта олмаймиз».

Ойбекнинг хатоси шундан иборат эдики, у Пушкиннинг чуқур гуманистик мазмунли асарлари билан Чўлпоннинг тор миллатчилик билан суғорилган асарларининг мазмуни орасидаги жуда катта фарқни эътиборга олмайди, Чўлпон асарларидаги бадий воситалар реакцион ғояларга хизмат этганини пайқаймайди. Сўзни яна танқидчи Ҳ. Ёқубовга берайлик: «Ойбек мақоласининг ижобий томони шунда кўринадики, у ўзбек адабиётшунослигига социологик текшириш методини киритишга, адабий процессни белгиловчи ва ҳаракатга келтирувчи объектив ижтимоий синфий қонуният борлигини таъкидлашга уриниб кўрди... Аммо у шакл ва мазмун ўртасидаги диалектик бирликни кўра олмади...»⁴⁰.

Айн ва Ойбек изидан бориб, «Мунаққиднинг мунаққиди»⁴¹ мақоласини ёзган Усмонхон (Эшонхўжаев)нинг чиқиши мунозара қизиб бораётганидан, баъзан кескин тус олаётганидан дарак берарди. Усмонхон Ойбекни бирёқлама танқид қилиб, Чўлпон ижодида мазмун билан шакл алоқаларини нотўғри тушунганликда айблади. Чўлпоннинг бадий шаклидан фойдаланамиз, дегани учун Ойбекни адабиётга «буржуача қарайди»ганлар сирасига қўшади. Шунга айтиш керакки, Ойбек Усмонхонга жавобида⁴² аввал бадий асарнинг мазмуни билан шаклини бир-биридан ажратиб иш кўргани «зўр хато» эканини бўйнига олгани ҳолда, адабиётни марксистик нуқтаи назаридан текшириш — «бадий асарлар ичига кўмилган ҳис ва фикрларни санъат тилидан социология тилига» кўчиришдир, деган тўғри эътиқодида қолади.

Адабий танқиднинг Чўлпон ижодига берган баҳоси у ғоявий-эстетик жиҳатдан анча етилиб қолгани аломатидир. Чунки Чўлпоннинг «Уйғониш» шеърий тўплами ва ундан кейинги бир қанча шеърий асарлари учун (юқорида қайд этилгандек) замонанинг муҳим ижтимоий ҳодисаларидан четда туриш, шахсий кечинмалар доирасидан чиқа олмаслик, Октябрь революциясининг оламшумул тарихий аҳамиятини тушунмаслик характерли эди. Ёш совет адабий танқидчилиги шоир ижоди-

⁴⁰ Адабиётимизнинг ярим асри (мақолалар тўплами). Тошкент. 1967. 356-бет.

⁴¹ Қизил Ўзбекистон. 1927. 22 ва 23 июнь.

⁴² Қизил Ўзбекистон. 1927. 28 август.

даги ана шу салбий томонларнинг адабиёт учун зарарини очиб берди. Шу билан бирга, Чўлпон ҳақида танқидда айтилган фикрлар 20-йиллар ўзбек адабий танқидининг ожиз томонидан ҳам далолат беради. Бу ожиз томон шундан иборатки, адабий танқид (унинг ҳатто марксизм-ленинизм позицияларида туришга интилган кадрлари ҳам) Чўлпон ижодининг бу даврда мамлакатда Октябрь революциясидан норози эксплуататор синфларнинг кайфиятларини акс эттирганини изчил равишда очиб беролмади, шоир асарлари ҳақидаги мунозарада идеологик моментга биринчи навбатда урғу қилиш ўрнига бадий маҳорат, тил ва стиль масалаларига урғу қилди.

Чўлпоннинг адабий жараёнга қараши ҳам тўғри эмас эди. «Улуғ ҳинди» номли Тагорга бағишланган мақоласида классик ва совет адабиёти ўртасидаги мерос ва ворислик алоқаларини тушунмай шундай ёзган эди: «Эски адабиёт билан янги адабиёт ўртасида қолган шарқли ёш чинакам чучмал вазиятдадир. Ўзбеклар эскидан ҳеч сабабсиз аразлаган, хафа, янгига эндигина суқилиб кирмоқда. У адабиёт майдонида янгилликка нисбатан ёш бола, гўдак, чақалоқ. Эскиликка нисбатан етим, кимсасиз...» (Маориф ва ўқитғувчи. 1925. № 7—8. 75-бет). Унинг фикрича, Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Муқимийлар бир хил эмиш. Ғайратий, Боту, Ойбек, Авлоний, Ҳамза каби шоирлар эса уни «йўлсиз қолдирган» эмишлар. Мана, унинг боши берк кўчага кириб қолгани.

1927 йил 4—5 октябрда Самарқандда ўтган Ўзбекистон маданиятчиларининг Иккинчи қурултойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Акмал Икромов ўз докладида адабиёт атрофидаги мунозараларга тўхтаб, шундай деган эди: «Айн томонидан Чўлпонни танқид қилиб ёзилган мақола муносабати билан бизда бир қанча мубоҳасалар бўлиб ўтди. Айн Чўлпонни мафкура жиҳатидан тўғри танқид қилди... Қайтариб айтаманки, мафкура жиҳатидан шундай танқиднинг бўлиши керак эди... Ёш шоиримиз Ойбек эса масалани мафкура жиҳатидан кўра олмай, фақат тил, услуб, ифода ёғини кўрди...»⁴³. Докладда айтилган бу гаплар Айн қарашларини маъқуллаш ва, умуман, Чўлпон тўғрисидаги баҳсларга яқун эди.

⁴³ Қизил Ўзбекистон. 1927. 10 октябрь.

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб ёш совет шоирларининг китоблари бирин-кетин нашр этила бошлади ва танқид уларга ўз муносабатини билдира борди. 1925 йили Олтойнинг «Ер юлдузлари» тўплами нашр этилди. Китобнинг охирида муаллифнинг сўнг сўзи бор эди: унда, жумладан, шундай мулоҳазаларни ўқиймиз: «Октябрь ўзгариши... инқилобий адабиёт туғдирди. Бу адабиёт ҳали ёш, бунинг асоси — кучли инқилобий руҳ билан суғорилган ёш адабиётчиларнинг ҳаммалари «пролетариат адабиётининг хизматчилари» отини олиш ҳақида бутунлай муваффақ бўла олмаган бўлсалар ҳам, ораларида шунга интилувчилар йўқ эмас».

Бу ўринда Олтой ҳали бизда пролетар адабиёти юзага келгани йўқ демоқчи. «Ер юлдузлари»да баён қилинган бу нотўғри фикр муносабати билан пролетар адабиёти атрофида жиддий мунозара бўлиб ўтди. Китобга ёзилган биринчи тақризнинг⁴⁴ автори «Чўл боласи» тўпламини умуман маъқуллагани ва шоир мавҳум нарсалар тўғрисида ёзмасдан, «кўзига кўринган нарсаларнигина олгани, шунинг учун ҳам нима демоқчи экани очиқ»лигини таъкидлагани ҳолда бизда пролетар адабиёти бор ёки йўқлиги масаласини четлаб ўтади. Фақат Олтой шеърлари «ўзбек адабиётига пойдевор бўладир... меҳнаткаш адабиётини қуришда катта хизмат кўрсатадир...»,— дейиш билан чегараланади.

Олтой 1928 йилга келиб аввалги фикрларини яна такрорлайди. «Нафис адабиётда соғлом мафкура ва соғлом танқид керак»⁴⁵ номли мақоласида ёзади: «...Ҳали бизда айтишга лойиқ пролетар адабиёти йўқ, унинг маълум шакли, тузилган фундаменти йўқ, энди тузилиб боради... Унинг мустаҳкам шакл-қиёфаси ва шакли билан боғланган мундарижаси ҳам йўқ...». Олтойга кўра, пролетар адабиётини вужудга келтиришга майл, интилиш бўлса-да, ҳали у муайян эмас ва қандай бўлишини ҳеч ким билмайди. Ваҳолонки, «Ер юлдузлари» нашр қилинган вақтдаёқ, пролетар ва деҳқон адабиёти номи билан юритилган ўзбек совет адабиёти бир қанча яхши асарлар яратиб улгурган, ўз янги мазмунига мувофиқ янги форма ҳам ярата бошлаган эди. Ғайратий, Боту, Уйғун, Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ойдин,

⁴⁴ Зарафшон. 1926. 13 август.

⁴⁵ Қизил Ўзбекистон. 1928. 7 август.

У. Носир яратган ва кейинчалик уларнинг биринчи китобларига кирган шеърлар (айрим нуқсонларидан қатъи назар) **пролетар адабиётининг** намуналари эди.

Олтойнинг фақат ижтимоий чиқиши пролетар бўлган ёзувчигина пролетар ёзувчиси бўлади, деб масалага схематик равишда тор қараши танқидчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Сотти Ҳусайн «Ўзбек адабиётининг ҳозирги муҳим масалалари» мақоласида: «Бизда пролетар адабиёти борми?» саволини ўртага қўяди ҳамда ўзи жавоб беради: «...Пролетариат ҳокимиятга чиқиши билан ўз вақтида маданий-маориф иши билан шугулланиши лозим. Шу йўсинда санъат ва адабиётни ҳам янгидан қургусидир. ...Иттифоқ пролетар ёзувчилар қурултойи чор даврида мустамлака бўлган жойларда ҳам пролетар адабиёти бор, дейди. Ҳозир бизда ўзбек пролетар адабиёти ва унинг вакиллари бор. Буни инкор қилиш пролетар мавзуидаги миллий маданиятни инкор қилиш бўлади»⁴⁶.

Тематикаси, ғоявий йўналиши ва мундарижаси жиҳатидан янги адабиёт туғилгани, у социалистик ҳаётни қўйлаб, ҳоким пролетариат синфининг мафкурасига айлангани хусусида гапирган. С. Ҳусайн бу адабиётнинг бир қанча вакиллари ижоди ҳали «санъатча заиф» эканини тўғри қайд қилади.

1929 йили «Ёш ленинчи» газетаси қошидаги ёш пролетар адиб, шоирлар тўгараги нашр этган «Кўрмана» тўпламига йигирмага яқин ижодкорнинг шеър ва ҳикоялари киритилган. Улар орасида Миртемир, Юнус Латиф, Қомил Нуъмон (Яшин), Собир Абдулла, Эргаш, Ҳасан Пўлатлар бор. С. Ҳусайн «Кўрмана» эгалари тўғрисида» номли кириш сўзида ана шу ёшларни пролетар ёзувчилари деб таърифлайди ва «тўғаракдаги ўртоқларнинг барчаси деярли пролетариатнинг синфий мақсадларини ўз олдига қўйган ёшлардир...»⁴⁷,— дейди.

Танқидчи ва ёзувчилар пролетар адабиёти мафҳумини тор тушунмаслик лозимлиги тўғрисида ҳам фикр юритадилар. Боту «Пролетариат адабиёти тўғрисида бир неча сўз» мақоласида бу адабиётни пролетариат синфининг болалари яратсагина, у пролетариатнинг нафис адабиёти ҳисобланади,— дегувчиларни танқид қилади. «Агар қўлининг қадоғи йўқолмаган пролетарлардан бошқаларнинг пролетариат синфи манфаати

⁴⁶ Қизил Ўзбекистон. 1929. 25 ва 28 январь.

⁴⁷ Кўрмана. Шеър ва ҳикоялар тўплами. Самарқанд—Тошкент, 1929.

учунгина хизмат қиладиган асарлари ҳам пролетариат адабиётига кирмаса пролетар адабиётининг тараққиёти қандай бўлиши мумкин?..»⁴⁸, — сўрайди у. Агар ёзувчи завод, машина, болға, омочларни мақтаб асар ёзса, у пролетар ёзувчиси ҳисобланиши, бўлмаса бу сифатдан маҳрум этилишини совет адабиёти доирасини торайтиш, миллионлар адабиёти бўлишига халақит бериш, деб тушунади Боту.

Танқидчи Анқабой ҳам Ўзбекистонда пролетариат диктатурасининг мавжудлиги албатта пролетар адабиётининг замни бўлажагини айтар экан, ёзади: «Бизнинг пролетар адабиётимиз, пролетариатнинг ўз маданияти биргина ўзининг кучи билангина қурилмайди»⁴⁹. Унингча, пролетар адабиёти меросдан ҳам фойдаланади, пролетар бўлмаган ёзувчилар билан ҳамкорлик қилади. Ғафур Ғулом, Уйғун, Умаржон Исмоилов, Ғайратий, Зиё Саид пролетар ёзувчилари, Ҳ. Олимжон, Ш. Сулаймон, Миртемир, Ойдин, Яшин инқилобий ёзувчилар деб таърифланади. Пролетар адабиётининг кучайиши, гегемонликни қўлга олиши билан инқилобий ёзувчилар пролетар ёзувчилари қаторига ўтар эмиш.

Иигирманчи йиллар адабий танқидида жиддий мунозарага сабаб бўлган мавзулардан яна бири **футуризм** эди. Гарчи бу ҳақдаги дастлабки мулоҳазалар 1923 йилнинг охири ва 1924 йилнинг бошида А. Саъдий томонидан айтилган бўлса-да, футуризм кўпчиликнинг эътиборини тортишига сабаб яна «Ер юлдузлари» бўлди.

А. Саъдий 1923 йил сўнгида Тошкентдаги татар-бошқирд ёшларининг «Билик» номли тўғарагида футуризм тўғрисида лекция ўқийди ва ҳозирги ўзбек адабиётида (яъни инқилобдан кейинги 6—7 йиллик адабиётда) футуризм оқим сифатида йўқ, деган фикрни айтади. «Эшитувчи» имзоли муаллиф лекцияда баён этилганларни «Туркистон» газетасида нотўғри талқин қилиб, А. Саъдий «ўзбекларда адабиёт йўқ», — деб айтди дейиш даражасига боради.

А. Саъдий «Эшитувчи»га жавобан ёзган «Юзим очиқ, ниқоблантирмангиз» номли эътирозида фақат футуризм хусусида сўзлаганини, у оқим сифатида йўқлигини билдирганини такрор айтади: «Умуман Шарқда футуризм оқими ҳали туғилгани йўқ. Кейинги янги

⁴⁸ Коммунист. 1928. 3-сон. 48-бет.

⁴⁹ Анқабой. Ўзбек пролетар ёзувчиларининг ижодий юзи// Қурилиш. 1931. 3-сон. 11-бет.

усмонли адабиётидан яхши хабарим бўлмаса-да, уларда ҳам бу оқим туғилгондир, деб билмайман... Ўзбек ва қозоқ адабиётига келсак, буларда унинг аломати ҳали кўринмайди. Тезлик билан кўринар, деб ҳам айта олмайман...»⁵⁰. Кўриниб турибдики, муаллиф масалага илмий нуқтаи назардан ёндашади. Футуризм учун муайян иқтисодий-техникавий шароитлар талаб қилинажagini, унинг ўзига хос тили, услуби борлигини таъкидлайди.

Орадан икки йил ўтгач, футуризм баҳси (юқорида қайд қилганимиздек), Олтой туфайли қайта бошланди. У ёзган эди: «...Бизнинг адабиётимизда футуризм оқими худди Ғарбагидек бўлиб туғилмайдир. Бизда ишчи йўқ бўлса, деҳқон бор. Мана шунинг турмушида, тирикчилигида футуризм учун манба йўқ, деб ҳеч ким айта олмайдир...»⁵¹. Олтойга кўра, ҳар бир миллатнинг футуризми бир-бирига ўхшамайди. Ҳар миллатнинг турмуш шароити, одати, интилиши айрим хусусиятлари билан фарқ қилади. Футуризмнинг асоси, замини турмуш бўлгани сабабли турмуш жараёнини тасвирлайди. Бинобарин, хулоса қилади у: «Биринчи бўлган бу йўлдаги тажрибамни оммага таниш учун тақдим этаман».

Маълумки, лотинча «футурум» (келажак) сўзидан олинган футуризм оқими дастлаб XX аср бошида «Италияда, буржуа маданиятининг инқирозга учраши оқибатида юзага келди. Футуристлар ўтмишни рад этиб, ҳамма нарсани келажакдан кутишга чақирдилар. Класик эстетик принципларга қарши суръат, тезлик эстетикасини ташвиқ қилиб, машиналарни, электрни, локомотивларни тасвирлашни одамлардан ҳам афзалроқ кўриб, биринчи ўринга қўйдилар. Сунъий неологизмлар ўйлаб чиқара бошладилар, формани мазмундан устун ҳисобладилар.

Бир оз вақтдан кейин Россияда ҳам бир гуруҳ шоирлар ўзларини футуристлар деб атаб, футуризмга тақлид қила бошладилар. Аммо улар Италия футуристларига ўхшамасди. А. М. Горький 1915 йили «Рус футуризми тўғрисида»ги мақоласида илк вакили Маринетти бўлган футуризм, шубҳасиз, «Россияда йўқ»лиги ва ана шу футуристлар орасида талантили ёшлар борлигини, агар улар «кулгили ва бақироқ» бўлмасалар, ҳақиқий ижодий изланишлар йўлидан борсалар ўсиш-

⁵⁰ Туркистон. 1924. 9 январь.

⁵¹ Ер юлдузлари. 92—93-бетлар.

ларига имкон бериш лозим бўларди, — дейди. Бир вақтлар ҳатто Маяковский ҳам футуристлар таъсирида бўлгани Горький фикрларини қувватлайди.

Ўзбек адабиётида футуризм оқим сифатида шаклландими ёки шаклланмадими? саволи атрофидаги мунозараларда кўпчилик салбий жавоб бергани тўғри бўлди. Ёзувчи ва танқидчи З. Башир «Ер юлдузлари» ва футуризм» деган мақоласида Олтойни танқид қилади. Айниқса китоб муқовасига «Футуризм ва замон адабиётлари» деб ёзилиши, Ўзбекистон Давлат нашриёти мажмуа тўғрисидаги эълонида: «Футуризм шеърлари босилиб чиқди, тездан олиб қолингиз» дегани З. Баширни таажжублантиради. Муаллиф футуризм қачон, қаерда ва қандай шароитда пайдо бўлганини муфассал изоҳлагач, бизнинг давримизда у «қандай қилиб деҳқонларнинг, йўқсилларнинг замон адабиёти бўла олади? Бу фикрга қўшила олмаймиз», — дейди. Шоирнинг асарлари ғоявий жиҳатдан пухта, лекин сўзни кўпайтириб, шеърнинг адабий қимматини йўқотади... мазмун шеър охирига келиб «думи хуржунда»⁵² бўлиб қолади, деб хулоса қилади у.

Кашшоф Треғуловнинг фикрича⁵³, Олтойнинг мажмуаси ва унинг охиридаги «Бир-икки сўз» шундан гувоҳлик берадики, «гарчи муваффақиятсизлик билан бўлса ҳам, футуристликка қараб йўл солган». Футуристликни беҳуда уриниш тарзида баҳолаган Треғулов «Бир-икки сўз»да баён қилинган: «Бизда ишчи йўқ бўлса, деҳқонлар бор. Мана шунинг турмушида, тирикчилигида футуризм учун манба йўқ деб ҳеч ким айта олмайди» каби даъволарни «музга ёзилган» кераксиз гаплар қаторига киритади. Шоирни бу йўлдан қайтиб, ишчи-деҳқон оммаси тушунадиган асарлар яратишга чақиради.

«Нафис адабиёт тўғрисидаги мунозарага»⁵⁴ мақоласининг муаллифи Ботир ҳам юқоридаги «Бир-икки сўз»да айтилган: футуризм ўзбек адабиётининг «сўл жабҳаси», «озод тасвир қилиш оқими» сингари гапларни қоралади. Ўзбек поэзияси учун бегона бу усулни танқид қиларкан «Олтойнинг футуристча ёзилган шеърини ўқиб бир маъно чиқариш... сувсиз чўлдан балиқ излаш билан баробар», — дейди.

⁵² Маориф ва ўқитувчи. 1927. 3—4-сонлари (битта муқовада). 46—52-бетлар.

⁵³ Треғулов К. Нафис адабиёт жабҳасини соғломлаштириш йўлида//Қизил Ўзбекистон. 1928. 4—5 июль.

⁵⁴ Қизил Ўзбекистон. 1928. 5 октябрь.

Танқидчи Юнус Латиф бу қарашларга мутлақо қўшилгани ҳолда адабиётдаги шаклий изланишлар масаласига тўхтаганда ёзади: «Олтой янги шакл қилиб (гарчи футуризмнинг ўзи бўлмаса ҳам) футуризм шаклини қўллаши биз учун қулайсиз ва керак эмас»⁵⁵.

Эҳтимол, бўлиб ўтган баҳслар Олтойни аввалгисидан бошқача ҳулосага келишига таъсир этгандир, ҳар ҳолда, у қуйидагиларни айтишга мажбур бўлди: «...Бизнинг ўзбек адабиётимизда футуризм тўғрисида кўп шов-шув бўлиб ўтди... Китоб устига ёзилган — футуризм деб аталгани Ўзнашрнинг айби. Китоб эгаси бундан беҳабар». Шундан кейин «биздаги футуризм янги даврга, унинг мазмунига мувофиқ шакл излашга интилишдир, аммо у ҳали маррасига бориб етгани йўқ», — деб яқун қилади: «Демак, бизда футуризм оқими йўқ, унга интилиш ҳам йўқ»⁵⁶...

Адабий танқид кундалик умумий жараён билан чегараланмай, муҳим назарий масалаларни ҳам ўртага қўйиб, уларни ечишга ҳаракат қилди. Ижтимоий онг формаларидан бўлган санъат ва адабиёт, унинг синфий характери, жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида кекса авлодга мансуб танқидчи ва адабиётшунослар биринчи бўлиб фикр юрита бошладилар. Бу ўринда адабиётнинг синфийлиги хусусидаги А. Саъдий қарашларини хотирлаш тўғри бўлур эди. У ёзади: «...Ўғзаллик ҳақидаги онг ва тасаввурлар замон ўтиши билан турли... ўзгаришларга қараб ўзгаратурғон бир нарсадир. Ўғзаллик ўз-ўзича бир равишда борлиққа молик ўлғон тамом мустақил бир нарса эмас, балки бизнинг шууримизнинг ва ёки... тушунча ва ҳукмларимизнинг натижасидан иборатдир»⁵⁷.

Танқидчи «Санъат — ахлоқий ғоянинг ифодасидир», деган таъриф «эски замоннинг» таърифи бўлиб, санъатнинг асл моҳиятини очиб бермаслигини айтади. Санъат асарлари унингча «замоннинг, муҳитнинг, муҳитдаги

⁵⁵ Латиф Ю. Янги адабиёт атрофида//Еш ленинчи. 1928. 13 июнь.

⁵⁶ Олтой. Нафис адабиётда соғлам мафкура ва соғлам танқид керак//Қизил Ўзбекистон. 1928. 10 август. Эслатиб ўтиш жонзидрки, Олтой 1924 йилдан бошлаб «Туркистон» газетасида эълон қилишга киришган «футуристча» шеърлар ёзувчиларнинг пародиясига сабаб бўлди. Абдулла Қодирий («Овсар») Москвадан «Муштум»га юборган пародиясида («Муштум». 1924. 17-сон), С. Айний «Машраб» журналиндаги (1925. 21-сон) ҳажвий шеърда футуристликни поэзиядаги тутуриқсизлик сифатида масхара қиладилар.

⁵⁷ Саъдий Абдураҳмон. Ўғзал санъат дунёсида//Илқи-лоб. 1922. № 2. 39—41-бетлар.

урф ва одатларнинг, фикр ва туйғуларнинг... руҳий ва ижтимоий ҳолларнинг равишига мувофиқ» тарзда зухур этади ва ривожланади. Даврнинг иқтисодий ва ижтимоий асослари «ўзгариши билан гўзал санъат асарлари ҳам ўзгарадир». А. Саъдий фикрича, жамиятдаги ана шундай ўзгаришлар таъсирида аввалги урф-одатлар, ахлоқ ҳис-туйғулар уларни вужудга келтирган асослар билан бирга тугайди ва «иккинчи турлик санъат асарларига ўринларини беришга мажбур» бўладилар. Янги туғилган санъат асарлари янги давр руҳини, янги фикрларни ифодалайди.

«Гўзал санъат дунёсида» мақоласининг эътиборга лойиқ жиҳатлари шундаки, муаллиф гўзаллик ҳақидаги тасаввур қотиб қолган нарса эмаслигини, санъат кишиликнинг тарихий тараққиёт жараёнини акс эттиражagini тўғри тушунади: санъат ижтимоий-иқтисодий ҳаётдан сиртда, мустақил яшамайди, унинг тарихий тараққиёти ташқи ўзгаришлар билан боғлиқ; жамиятнинг иқтисодий тузумидаги эволюциядан тортиб унинг моддий ишлаб чиқариши ва ижтимоий онгида рўй берадиган эволюциягача барчаси санъатда ўз аксини топади. Санъатнинг конкрет тарихий давр билан боғлиқлигини айтиш билан бирга унинг эстетик, идеологик ва руҳий моҳиятини ҳам унутмайди. Фақат бир масала, прогрессив инсоний ғоялари, гуманистик ва халқчиллик оҳангларини акс эттирган юксак баъдий асарларгина эски жамиятнинг емирилиши билан ўтмишга айланмайди, деган эътиқод тўғри ҳал этилмай қолади.

Иигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб, Фитрат ҳам «Санъат нима?» саволига жавоб беришга ҳаракат қилди. Унинг «Адабиёт қоидалари» қўлланмаси «санъат» сўзига умумий ёки кенг таъриф беришдан бошланади: «Санъат — луғатда ҳунар демакдирким, бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бир киши бир ишни ўзига касб қилиб олиб, шунга берилиб, яхши ишлаб чиқарадирган бўлса, шу иш унинг санъати бўладир...»⁵⁸. Инсон амалий фаоллятининг ҳамма томонларига мансуб бўлган, фақат технологик жиҳатдан эмас, эстетик жиҳатдан кўринган иштиёқ, моҳирлик, усталлик — санъаткорлик ҳисобланади. Санъати танбур чалиш бўлган кишининг «Ироқ» куйини яхши-

⁵⁸ Фитрат. Адабиёт қоидалари (адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма). Самарқанд—Тошкент. 1926. 3-бет.

лаб чалиши билан чиройли танбур ясаган ёки чиройли тобоқ ясаган ҳунарманднинг санъати бир хил эмас. Тобоқ, танбур материалга кўчган маҳорат. «Ироқ» куйи эса «кишига маънавий таъсир» этади, унинг «миясини тўлқинлантириб», руҳий озик беради.

Технологик ва эстетик санъатни шу йўсинда тушунтирган Фитрат, инсонга руҳий-маънавий таъсир кўрсатувчи, қалбини тўлқинлантирувчи санъатни «гўзал санъат» мафҳумига киритади. Гўзал санъатда кишиларнинг турли хил кайфиятлари акс этажаги хусусида гапириб, хулоса қилади: «Юрак, фикр, туйғу тўлқинларини сўз, товуш, бўёв, шакл, ҳарф, ҳаракат каби товарлар (материаллар)⁵⁹ ёрдами билан жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқинни яратмоқ ҳунарига гўзал санъат дейилади». Бу силсилада сўз — адабиёт, товуш — музыка, бўёқ — рассомлик, шакл — меъморлик, ҳаракат — рақс тарзида талқин қилинади.

Бадий адабиётга берилган таъриф ҳам санъат таърифига ўхшайди: «Адабиёт — фикр туйғуларимиздаги тўлқинларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқинларни яратмоқдалар»⁶⁰.

Шоир Ойбек «Адабиёт қоидалари»га ёзган тақризда⁶¹ китобни «ҳозирги адабий ҳаётимизнинг султонидаги муҳим бир нарсаси», — деб баҳолайди ва ундаги материаллар системали тузилганини, қоидаларни тушунтиришга ҳозирги замон шоирларининг асарлари билан чекланмай, салафларимиз асарларидан ҳам мисоллар берилганини маъқуллайди. Асарнинг яна бир хусусияти — «адиб Фитратнинг жозиб, гўзал услуби» эканини таъкидлайди. Кейин «китобнинг кўпгина камчиликлари»га тўхтайдди.

Бу ўринда биз асосий эътиборни санъат таърифи устидаги масалага қаратмоқчимиз. Ойбек Фитратнинг таърифидаги жиддий нуқсон «санъат ва адабиётга бу кунги кўз билан (марксчиларча) қарамаган»ликда, марксистча ижтимоий таҳлил йўқлигида, деб тўғри танқид қилади. Фитрат адабиётга ҳам, санъатга ҳам ёндашганда улар «синфларнинг мафкуравий бир қуроли» эканини, улар доимо «синфий муносабатларнинг тарихи билан бирга такомил» этишини аниқ кўрсатайди. Бу жиҳатдан Ойбек ҳақли. Давом этиб, уни

⁵⁹ Турғи роғи воситалар. — М. Ю., Фитрат. Уша асар. 3—4-бетлар.

⁶⁰ Уша асар. 5-бет.

⁶¹ Қизил Ўзбекистон. 1926. 8 декабръ.

«санъат — санъат учун» назарияси тарафдори қилиб кўрсатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги чала, бир томонлама таърифдан «санъат — санъат учун» назариясини келтириб чиқариш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки, Фитрат санъатни бутунлай ҳаётдан ажратиб, фақат гўзаллик туфайли яшайди, деб тасаввур қилмайдди. Қисқача таърифга кириш қисмида у ёзади: «...Одам ўзининг теграсидаги турли воқеалардан, бўлиб турган ишлардан, турли кўринишлардан, бошқа кишиларнинг бошига тушган бахтли-бахтсиз воқеалардан ҳам таъсirlанадир...» (Ўша китоб. 4-бет). Кўриниб турибдики, бир оз туманли бўлса ҳам инсон қалбида уйғонадиган ҳис-туйғулар ҳаётда рўй бераётган воқеалар билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Фитрат санъат ва адабиёт муайян фикрни турли бадний воситалар орқали ифодалайди, дейди, аммо ўша фикр бирор ижтимоий синф ёки гуруҳники бўлажagini уқтирмайди, холос.

Бизнинг мулоҳазамизга кўра, Фитрат Л. Н. Толстойнинг санъатга берган таърифидан, Ойбек Г. В. Плехановнинг Толстойни танқидидан хабардор бўлганлар. Буни исботлаш қийин эмас. Масалан, Лев Толстой «Санъат нима?» номли трактатида ёзади: «Санъат — кишиларнинг ўзаро алоқа воситаларидан биридир... Бу алоқанинг сўз воситаси билан бўладиган алоқадан фарқ қиладиган ўзига хос хусусияти шуидаки, сўз билан бир шахс иккинчисига ўз фикрини етказди, санъат билан эса одамлар бир-бирига ҳис-туйғуларини етказадилар... Бир бор ўзида сезилган туйғунини бошқалар ҳам ўзида сезадиган қилиб етказиш — санъатнинг фаолияти ана шундан иборат»⁶².

Келтирилган парча шундан далолат берадики, Лев Толстой сўз — фикрни, санъат — ҳис-туйғунини одамларга етказди деб, кейин гўё ўзини-ўзи тузатгандек бўлиб, «сўзларда ифодаланган» туйғу иборасини қўшади. Демак, сўзни алоҳида олиб санъатдан ажратиш мумкин эмас экан. Энди Фитратнинг юқорида келтирилган фикрига яна қулоқ солайлик: «Юрак, фикр, туйғу тўлқинларини сўз, товуш, бўёқ, шакл, ҳарф, ҳаракат каби» воситалар ёрдамида ифодалаб, «бошқаларда ҳам шу тўлқинни яратмоқ...» санъатдир. Л. Толстойдаги ҳаракат, ранглар, шакл (чизик)лар бу ерда ҳам тилга олинади. Фақат фикр, сўз, товуш кабилар билан тўл-

⁶² Кўчирма Плехановдан олинди. Қаранг: Плеханов Г. В. Избр. философ. произведения. Т. V. М., 1958. С. 284—285.

дирилган. Ёзувчи қалбида уйғонган ҳаяжон китобхонга ўтиши ҳар икки муаллифда ҳам бир хил.

Хўш, Плеханов Л. Толстойнинг санъат ҳақидаги таърифига қандай ёндашади? Сўзни санъатдан хориждаги алоқа воситаси тарзида кўрсатишга Плеханов қўшилмайди. Шунингдек, унингча, «санъат одамларнинг фақат ҳис-туйғуларини ифодалайди, дейиш ҳам нотўғри. Йўқ, у одамларнинг ҳис-туйғуларини ҳам, фикрларини ҳам ифодалайди, аммо мавҳум равишда эмас, жонли образларда ифодалайди. Унинг асосий бош хусусияти ана шундан иборат»⁶³. Плеханов ҳар қандай ҳаяжон, эмоция кишини ўраб олган ташқи воқеалик таъсирида пайдо бўлажagini, «санъат — ижтимоий ҳодиса» эканини, унинг тарих тараққиётидаги ролини материалистик нуқтан назардан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Санъат ҳар бир даврнинг, халқнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётидан ўсиб чиқажагини кўрсатади. Шулардан кўриниб турибдики, Фитратни танқид қилишда Ойбек Плеханов изидан борган.

Ўзбек адабий танқидининг майдонга келиши ва илк фаолиятининг тўғри изга тушиб олишида республика партия ташкилотининг ҳамда партия ва ҳукумат раҳбарлари Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевнинг адабиётга кўрсатган йўл-йўриқлари, танқидий мулоҳазалари муҳим роль ўйнади. Ёшликдан бадий ижодга руҳан яқин бўлган А. Икромов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари лавозимига кўтарилгач, маданий-адабий ҳаётга бевосита аралашиб, раҳбарлик қила бошлади. Кучли ғоявий-синфий кураш давом этаётган адабий ҳаётни ташкил қилишдаги кўп масалалар ҳали барча учун ҳам аниқ бўлмаган бир шароитда А. Икромов бу соҳадаги Ленин кўрсатмаларига амал қилиб иш кўрди.

Катта сиёсий ва назарий тайёргарликка эга бўлган А. Икромов ёзувчилар билан шахсий учрашувларида уларга давр руҳини тўғри тушунтирар, оқилона маслаҳатлар берарди. Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин каби санъаткорлар билан бўлган суҳбатларда ўзбек совет адабиётининг аҳволи ҳамда вазифаларига оид қимматли фикрлар баён қиларди. Садриддин Айний А. Икромов билан бўлган бир суҳбатни хотирлаб, ёзади: «...1932 йилнинг ок-

⁶³ Плеханов Г. В. Уша асар. 285-бет.

тябрида Иттифоқ совет ёзувчилари союзининг Ташкилот Комитетига кетаётиб, Тошкентга тушдим. У ерда Узкомпартия раҳбари Акмал Икромов билан учрашув имкониятига эга бўлдим. Суҳбат вақтида ўртоқ Икромов 1928 йили нашр этилган «Қулбобо» повестимни кенгайтиб, қайта ишлашга маслаҳат берди. Шу маслаҳатдан фойдаланиб, янги куч билан икки қиш ва бир ёз давомида шу асар устида ишладим. Натижада «Қулбобо» романга айланди»⁶⁴. 1926 йили Самарқандда иш бошлаган «Қизил қалам» адабий ташкилотининг таъсис мажлисида Файзулла Хўжаев билан бирга Акмал Икромов ҳам иштирок этди. Кейинчалик бу ташкилот ишини кузатиб борди.

Акмал Икромов социалистик маданиятни яратиш, совет адабиётини ғоявий-эстетик жиҳатдан етакчи даражага кўтариш тўғрисида кўп ғамхўрлик қилди. Унинг бир қанча нутқларида адабий танқидга алоҳида эътибор берилган. Масалан, 1927 йил 4—5 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданиятчиларининг Иккинчи қурултойидаги маърузасида бизда мафкуравий ўткир ва соғлом танқид бўлиши керак деса, 1932 йил 13 июлдаги ЎзКП(б) МКнинг V Пленумидаги докладада яна адабиёт масалаларига тўхталиб, ёзувчилар рус ва жаҳон адабиёти классикларини билишлари кераклиги, таржима ишларини яхшилаш зарурлиги ва адабиёт оламидаги идеологик кураш хусусларида гапиргач, танқиддаги бирёқламалик ҳамда савияси паст танқидчилар умумий ишимизга ёмон таъсир кўрсатаётганини конкрет мисоллар билан исботлади. Танқиддаги чаласаводликка, ибтидоийликка барҳам бериш, танқидчиларнинг назарий савиясини кўтариш кун тартибиде турган вазифа эканини айтди.

Мавзуимиз доирасидан бир оз олдинга ўтиб бўлсада, айтиш керакки, Акмал Икромов Ўзбекистон ёзувчиларининг 1934 йил 7—11 мартда бўлиб ўтган Биринчи қурултойида сўзлаган сермазмун нутқида адабий танқидга катта ўрин берди. Адабий танқиднинг мақсади ур-йиқитчилик эмас, балки ижодкорнинг ғоявий-эстетик жиҳатдан давр талабига жавоб берадиган асар яратишига кўмаклашиш, илғор позицияларга ўтишга даъват этиш, классиклардан ўрганишни ташвиқ қилиш эканини алоҳида таъкидлади.

Рус адабиётидан ўрганиш ҳақида у шундай деди: «Бу кунги рус адабиёти специфик миллий адабиётгина

⁶⁴ Литература Средней Азии. 1934. 7 апреля. № 12.

эмас. Бу адабиёт интернационал адабиётдир. Чунки, тарчи у шакл жиҳатидан рус ёки интифоқимиздаги бошқа миллатларнинг маишатини ва ҳаёт шароитини акслантирса ҳам, Октябрь меваси бўлиб, ҳар бир ишчига... социалистик қурилиш йўлида курашаётган ҳар бир кишига яқин. У фақат шакли билангина миллий бўлиб, мундарижаси билан пролетарча интернационал руҳдадир» (Санъат ва адабиёт тўғрисида. Тошкент. 1935, 42—43-бетлар).

Ёзувчи юксак бадий маҳоратни эгаллаши лозимлиги, тил маданиятини кўтариш, қўшиқ санъати аҳволини яхшилаш, таржима ишларига жиддий эътибор қилиш, форма ва мазмун бирлиги ҳақидаги фикрлари ҳамон ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Файзулла Хўжаев ҳам ўзининг кўп докладлари, нутқлари ва мақолаларида социалистик маданият ҳамда санъат-адабиёт вазифаларига тўхталиб ўтади. «Ўзбекистон Октябрь революциясининг 15 йиллигига» (1932) мақоласида, жумладан, ёзган эди: «Оммавий адабиёт ўсиб бормоқда. Янги революцион бадий адабиётнинг тез ўсиши учун замин яратилди. Ўзбек драма ва музикали-этнографик театрлари жуда катта ютуқларга эришди»⁶⁵.

Файзулла Хўжаев алоҳида ёзувчилар билан қилган суҳбатлари ва уларнинг китоблари ҳақидаги қайдларида муҳим фикрларни билдиради. 1930 йили С. Айнийнинг «Одина» повести Москвада рус тилида чоп этилиши муносабати билан Файзулла Хўжаев унга сўз боши ёзди ва асарнинг реалистик моҳиятини қуйдагича характерлади: «Садриддин Айнийнинг бу повести тожик халқининг ҳаёти ва турмуш шароитларини бадий формада ифодалашга қаратилган дастлабки уринишдир. Айний ўз повестида мутлақо ҳуқуқсиз бўлган ва шафқатсиз эксплуатацияга маҳкум этилган ўнлаб ва юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳаққоний равишда ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаб беради...»⁶⁶.

РКП(б) Марказий Комитетининг «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида»ги резолюциясида адабий танқид ва унинг «партия қўлидаги асосий тарбиявий қуроллардан бири» экани, шунингдек, у «ғоявий устулигига суянган ҳолда ўз олдида ўқиш-ўрга-

⁶⁵ Хўжаев Файзулла. Танланган асарлар. Уч томлик. 1-том. Тошкент. 1976. 313-бет.

⁶⁶ Айний замондошлари хотирасида (тўплам). Тошкент. 1978. 9-бет.

ниш шиорини қўймоғи керак»лиги тўғрисидаги кўрсатмалари ўзбек адабий танқидининг шаклланишида ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, республика партия ташкилоти ва ҳукуматининг, айниқса, Акмал Икромовнинг санъат ва адабиётга доимий ғам-хўрлиги, марксизм-ленинизмни яхши эгаллаш борасидаги кўрсатмалари назарий тайёргарликка эга бўлган, марксча-ленинча методологияга амал қилишга интилаётган танқидчиларнинг етишувига замин ҳозирлади.

Асосий касби танқидчи бўлган Отажон Ҳошим ўз ғоявий-назарий даражасини кўтариш устида тинмай ишлади. Диалектик материализм проблемалари билан ҳам шуғулланиб «Диалектика ҳам диалектик усулда ўйлаш» (Маориф ва ўқитғувчи, 1925. № 3) номли мақоласида марксистик диалектикани янги сифатга эга бўлган ягона тўғри дунёқараш тарзида баҳолади. Тарихий материализм масалаларига оид асарларида давлат, пролетариат диктатураси, синфсиз жамият каби муҳим масалалар устида асосли, тўғри фикр юритди⁶⁷. Бундай ишлар Отажон Ҳошимнинг марксист танқидчи бўлиб етишувига самарали таъсир қилди.

Профессионал етув танқидчилар қаторида Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн (айрим хатоларидан қатъи назар) қаторида тилшунос ва фольклорист Ғози Олим (Юнусов), шоирлардан Ойбек, Боту, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шокир Сулаймон, Ғози Юнус ва ёш танқидчилардан Юнус Латиф, Анқабой, Вел Ҳурабий (Абдулла Ҳурабий) каби ижодчилар қалам тебратётган эдилар. Уларнинг танқидий мақолаларида давр адабиётининг барча актуал проблемалари дадил ўртага қўйилиб, уларни ҳал қилишда марксизм-ленинизм классиклари асарларидаги эстетик қарашларга, таниқли марксист назариячилар Г. В. Плеханов, А. В. Луначарский ва бошқа маданият, адабиёт арбоблари фикрларига суянадиган бўлдилар.

Қисқаси, танқидий тафаккурнинг салмоғи йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошига келганда анча ортди. У энди адабий ижоднинг алоҳида ўзига хос соҳаси сифатида мустақил ҳаёт кечириш арафасида эди.

Адабий танқид шу йилларда эришган ижодий ютуқлар ва ўсиш жараёнида учраган нуқсонлар кун тар-

⁶⁷ Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Аҳмедов А. Из истории марксистско-ленинской философии в советском Узбекистане (1917—1928). Канд. дисс., 1963. ФБ АН ЎзССР. Д. 789.

тибида турган бир неча муҳим проблемаларни ҳал қилишда яққол намоён бўлди. Биз бу ерда қуйидаги уч масалага тўхтаб ўтамиз:

- социалистик воқелик, янги инсон ва адабий танқид;
- адабий танқидда жанрий изланишлар;
- адабий танқид ва классик мерос проблемаси.

СОЦИАЛИСТИК ВОҚЕЛИК, ЯНГИ ИНСОН ВА АДАБИЙ ТАНҚИД

«Давлат ва шахс» ёки «жамият ва шахс» проблемаси асрлар давомида башарият илғор фарзандларининг фикрини банд қилиб келди. Марксгача бўлган сиёсатдон ва файласуфлар, шунингдек, рус революцион-демократ танқидчилари адолатли жамият ва озод инсон ҳақида орзу қилиб, мавжуд давлат тузумини қаттиқ қораладилар. Фақатгина марксизм-ленинизм сиёсий-ижтимоий озодликнинг тўғри йўлини кўрсатиб берди. Капиталистик давлатларнинг синфий моҳияти шундан иборатки, у инсоннинг жамиятдаги аҳволини, унинг реал ҳаётий имкониятларини, меҳнат шароитини, ўз қобилиятини кўрсата олиш ҳаракатини, ҳуқуқ ва бурчларини бутунлай чеклайди. Меҳнат аҳлини камситади, ҳўрлайди, талант ва иродасини тазйиқ остига олади ҳамда иқтисодий, сиёсий, ғоявий, психологик жиҳатдан эзади.

Эксплуататорликка асосланган жамиятда одамларнинг тақдирига ҳалокатли таъсир қиладиган нарсa табиий равишда эрк, ҳуқуқ, меҳнат учун кураш билан ғайрининсоний шароитлар ўртасидаги зиддиятлардир. Бу ҳалокатли аҳволдан қутулишнинг ягона йўли ҳаётни социалистик асосда қайта қуриш бўлиб, фақат шу йўлгина инсонни ўз моҳиятига қайтаради, ҳўрликдан қутқаради. Ижтимоий муносабатлар жамулжами ҳисобланган инсон тубан аҳволга тушиб қолган экан, унинг сабабларини мавжуд жамият характеридан излаш керак. К. Маркс фикрича: «Агар инсон характерининг яратилиши шароитларга боғлиқ бўлса, у тақдирда шароитларни инсоний қилиш керак»⁶⁸.

Инсон учун зарур барча шароит ва ҳуқуқларни фақат социалистик давлат таъминлайди. Шунинг учун ҳам Октябрь инқилоби ғалабасидан кейинги дастлабки кунлардаёқ халқ оммаси зориқиб кутган тинчлик

⁶⁸ Маркс К. и Энгельс Ф. Соч. Т. 2. С. 145—146 (таржима бизники).

ҳақидаги, ер ҳақидаги Декретлар, шунингдек, 8 соатлик иш кунӣ, меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинаётган халқлар ҳуқуқи Декларацияси чоризм томонидан эзилган барча миллат ва элатлар тенглиги ҳам мустақиллигини эълон қилди ва уларнинг тараққиёти учун кенг, ёрқин йўл очиб берди. Инсон ўзидаги ҳамма ақлий, жисмоний қобилиятни ривож топтириш йўлига тушиб олди.

Одамлар эски дунёга, эксплуататорликка асосланган жамиятга қарши қатъий ҳужумга ўтишга, зулмга чек қўйишга турли йўллар билан келишди. Мўлжалли тўғри олиб, инқилоб йўлига тушиб олганлар қаторида, аввал йўлини бирданига аниқлаб ололмай, бир оз ўйланиб туриб, сўнг озодлик даргоҳига кириб келганлар ҳам бўлди. Октябрь эса уларни ҳам ҳал қилувчи жангларга бирга олиб кетди.

Илгари ҳокимлар ва мулкдорлар олдида ҳеч қандай қадр-қимматга эга бўлмаган оддий инсон энди ўзлигини таниб, ҳаётдаги мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Унинг кўзи олдида дунё қайтадан пайдо бўлди. У янги жамиятга янгича қарашни ўрганди. Инқилобий ғоянинг гуманизми, олижаноблиги унинг адолатпарварлигида, чинкам шафқатлилигида ўз ифодасини топди. Утмишда меҳнаткаш халққа нисбатан деярли кўрсатилмаган муомалалар: меҳр, яхшилик, ҳамжиҳатлик, ғамхўрлик, қийин ҳолларда ёрдамга келиш каби инсонпарварлик социалистик жамиятнинг қонунин бўлиб қолди.

Инқилоб бўронларида, гражданлар уруши жангларида, халқ ҳўжалигини тиклаш ва эксплуататорлик дунёсига қарши синфий кураш жараёнида ҳамда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган жонбозликда, ниҳоят, биринчи беш йилликнинг бунёдкорлик жабҳаларида янги совет кишисининг характери тоблана борди. Совет кишисининг шахсий «мен»и янги тарихий ўзгаришлар, инсон тақдиридаги кескин бурилишлар туфайли коллектив қисматига қўшилиб кетди. У фақат ўзи учун эмас, коллективи учун, ҳатто бутун мамлакат учун жавобгарликни ҳис этадиган бўлиб қолди. Умумхалқ проблемалари алоҳида шахсга ҳам тааллуқли бўлганидек, алоҳида шахснинг мақсад ва интилишлари умумхалққа тааллуқли масалаларга айланди.

Тарихда биринчи энг гуманистик, энг инсоний социалистик жамият бағрида янги киши етишаётгани

ўттизинчи йилларнинг бошидаги ижобий қаҳрамон Сидиқжоннинг колхозга кириш олдидаги гаплари равшан кўрсатиб туради: «...Шу ёшимгача бирон киши менинг афтимга қараган эмас... Бирон киши мендан: кимсан, дунёга нима деб келгансан, нима қилиб юрибсан, қандай орзу-армонларинг бор, деб сўрагани, шу ҳам одам-ку, деб гапимга қулоқ солгани йўқ... Мана энди, ҳали бир эмас, ўн эмас, юздан ортиқ киши юзимга қарайди... Шунча одам менинг номимни тилга олади, менинг тўғримда ўйлаб юрган гапимни гапиради... Мени ўзига тенг кўриб, гапимга қулоқ солади... Гап шундаки, шунча одамга, бутун бошлиқ бир мажлисга масала бўлиб турибман» (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари). Бу янги инсон камолотига қўйилган биринчи қадам эди. Совет адабиёти шу ажойиб жараёни тасвирлашга даъват этилган эди.

Яқин ўтмишдаги демократ-инқилобий йўналишдаги адабиётдан фарқли ўлароқ совет адабиётида янги қаҳрамон эстетикаси юзага келди. Инсон шахсининг гармоник ривожланиши учун барча шароитлар яратилгани ёзувчиларни илҳомлантириб юборди. Инқилоб фарзанди ва янги типдаги ёзувчи бўлган совет ёзувчилари ва совет адабиёти олдида жуда кўп замонавий проблемалар турарди, улар бир-бири билан ғоят мустаҳкам алоқада эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, шунингдек, йигирманчи йилларда ҳеч кечиктириб бўлмайдиган масала ҳаёти революцион асосда қайта қураётган янги одам образини яратиш эди.

Умумсовет адабиётининг, жумладан, ўзбек совет адабиётининг буюк аҳамияти ва улкан хизмати шундан иборат бўлдики, у янги тарихий даврнинг туғилишида иштирок этган жонли қаҳрамонлар образини яратишга киришди. Инқилоб адабиётга янги ҳаётий ва ғоявий мазмун олиб кирганини кўрсатиб берди. В. Шчербина айтишича, Октябрдан кейин дарҳол бадний тасвирда икки йўналиш аниқланди. Биринчидан, эпик тасвирнинг катта куч билан ривожланиши бўлса, иккинчидан, лириканинг янгидан туғилиши — шахсий кечинмалар тасвирининг дунё ва инсон онгини қайта қуриш масалалари билан узвий туташиб кетиши эди⁶⁹.

Йигирманчи йилларда совет адабиёти инқилоб, граждандлар уруши ва синфий кураш материалли ўз-

⁶⁹ Великий Октябрь и литературный процесс современной эпохи. 1917—1977. Сб. ст. М., 1979. С. 16.

лаштириш устида ишлади. Кўпчилик асарлар ҳар хил тасвирий усуллар билан шу асосий масалага боғланарди. Ҳали у қадар етук бўлмаган ва бадний жиҳатдан паст-баланд асарларимизда революция бўронлари орасидан ўтиб келаётган, давр руҳини ўзида ифодалайдиган образлар етакчи ролни ўйнай бошлади. Инқилобчининг ташқи қиёфаси — жанговар ҳаракати, воқеалар олдида бориши, чарм куртка кийиб, тўппонча тақиб юриши дуруст кўрсатилгани ҳолда, унинг руҳий ҳолати, эмоционал тарзи, шахсий орзу-истакларига ортиқча эътибор қилинмади. Қаҳрамоннинг ахлоқий-маънавий қиёфасини белгилловчи асосий омил синфий кураш бўлиб қолди. У жамият иши учун, революция иши учун ўзининг шахсий фароғатидан кечадиган шахс эди.

Рус совет адабиётида Горький мактабининг шогирдлари: Д. Фурмановнинг «Чапаев», А. Фадеевнинг «Тор-мор», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» ва Л. Леоновнинг «Соть» романи Октябрь инқилоби ва граждандар уруши қаҳрамонларини қизғин воқеалар изидан бориб реал акс эттирган асарлар эди. Катта ва илғор рус совет адабиётидан ибрат олган миллий республикалардаги ёзувчилар ҳам революционерлар образини яратишга киришдилар. С. Сейфуллиннинг «Тор йўл, тойғоқ кечув» номли тарихий-мемуар романи, С. Муқоновнинг «Жумбоқ ялов», Ғ. Мусреповнинг «Учрашмай кетган бир сиймо» асари; С. Айнийнинг революцион шеърлари ва «Дохунда», «Куллар», Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам»; Ҳамза Ҳакимзоданинг инқилобий шеърлари ва инқилобчилар образини яратган саҳна асарлари, Абдулла Қаҳҳор, Ғайратий, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шокир Сулаймон, Ҳ. Шамс, П. Турсун ва бошқа ёзувчиларнинг шеър, ҳикоя, повестларидаги Октябрь фарзандлари фикримизнинг далилидир. Қисқаси, адабиёт янги жамият учун кураш формаларидан бири эди.

Кўп миллатли ва кўп тилли совет адабиёти қаҳрамонлари ўз социалистик Ватанининг тўла ҳуқуқли граждандари бўлган коммунистлар ва партиясизлар ватанпарварлар сифатида гавдаланадилар. Уларнинг миллати, тили, урф-одати, кийим-кечаги ҳар хил, аммо идеали бир эди. Туғилиш жараёни ҳам бир-бирига ўхшарди. Бу қаҳрамонлар ўз андозасини С. Сайфуллин, Д. Бедний, Ҳамзадан олган эдилар.

Биз ўзимизга ҳар жиҳатдан яқинроқ Ҳамзани олсак, у инқилобчи янги инсон образининг энг мукаммал тимсоли эди. Шайхзода сўзлари билан айтганда: «Ҳамза ўзининг бутун моҳияти, йиллар бўйи пишиб келган курашчан хулқи билан, маънавий ва ахлоқий олами билан, ўз шикоят ва хитоблари билан совет инқилобини қабул қилишга тайёр эди; шу важдан у янги халқ ҳокимиятини ҳеч иккиланмасдан ўз ғоясининг мужассам программасидай кутиб олди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Ҳакимзода янги типдаги ўзбек зиёлисининг, маданиятпарвар совет кишининг яққол ўрнаги, партиявий адибнинг ибратомуз намоянаси, коммунизм кўчасига кирган янги инсон типининг таъкид бизники — М. Ю.) мужассам намунасидай тарихимизга кирди»⁷⁰.

Инқилобчи ишчи образи, эски дунёни тор-мор қилиб, меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилувчи янги дунё фидокорлари образи дастлаб поэзияда кўринади. Мисол учун Ҳамза ва Айний поэзиясига мурожаат этиш кифоя. Ҳамза 1917 йили «Қуроллан, меҳнатчилар! Бўлсин дунё сенинг», «Бизнинг замон, хизматчилар, Майдонга чиқ, ишчилар!»—деган бўлса, 1918 йили Советларни қутлаб, «Яша Шўро!» деб ҳайқирди. Инқилоб олиб келган озодликни синфий душманлардан ҳимоя қилиш керак эди. Шунинг учун шоир «Бизга кимлар қарши турса, шартта-шартта отамиз», «қонли байроғимиз жаҳонни қизартсин», дейди ва «Мазлумлар эрк дунёсин қоплон, шерлари»га — қизил аскарларга мурожаатида «Инқилоб байроғин селпиб, илгари» босишга чақиради. Чунки, бу байроқ истиқбол учун кураш йўлига ўтган жафокаш халқнинг асл фарзандлари қонига йўғрилган. Озодлик байроғи жуда қимматга тушганини Ҳамза қатор драмаларида яхши кўрсатиб берди. «Бой ила хизматчи»даги Ғофир, «Қаҳрамон Уғуз ёхуд ота ўғли»даги Абдулла ва Уғуз, «Истибод қурбонлари»даги Сайидхон шулар жумласидандир.

«Истибод қурбонлари» («Лошмон фожиаси»нинг учинчи бўлими)даги революционер Сайидхон чоризм амалдорлари ўқиға юзма-юз туриб, сотқин мурдорларни жасорат билан фош қилади. «...Ажал қошида эканман, энди очиқ айтайки, мен ҳақиқий инқилобчи, биргина бу мустабид Николайнинг эмас, бутун ер юзидаги

⁷⁰ Мақсуд Шайхзода. Олти томлик. Бешинчи том. Тошкент. 1973. 96-бет.

империалист ва капиталистларнинг ришталарини қир-қиб... кулларини кўкка совурмоқ учун ҳақиқий яратилган бир ишчиман, шуни билинг!... Бизнинг томчи қонларимиздан тезда қизил гиёҳлар ўсиб чиқар...».

Бухоро амирининг даҳшатли зулмини ўз бошидан кечирган С. Айний инқилобгача «Музладик намли зиндон тубинда», деб ёзган экан, энди: «ишчи, деҳқон ва қизил аскар бирлашиб», «Олдай бос, хоинлар қолмасун ер юзинда», — дейди. «Байналмидал (Интернационал)» маршида меҳнаткаш оммани «золимларни қувишга» даъват этади ва пролетариат гимни «Интернационал» руҳига кириб, ёзади: «Сўнги уруш бўлур бу, Қонли уруш бўлур бу, Байналмидал юриш бу, Қаттиғ юриш бўлур бу».

Абдулла Авлоний ҳам инқилобий мазмундаги маршлар ёзганини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Биз кўздан кечираётган давр қаҳрамонига хос белгиларни нима учун дастлаб шеърлардан, қўшиқлардан ва маршлардан изладик? Чунки, ўша йилларда ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик мақолалар сингари поэзия бошқа жанрлардан аввал ҳамда оператив равишда бу масалага аҳамият берди. Кекса авлодга мансуб адабиётшуносларнинг айтишича:

—...Ўша вақтда ўз замонасининг ҳамма муҳим ижтимоий, ғоявий-бадний проблемаларига бевосита ҳозиржавоблик қилган оператив ва жанговар бадний жанр поэзия бўлди. Бу жиҳатдан у вақт поэзияси публицистикага жуда ҳам яқинлашиб келар, ғоявий-бадний проблемаларни ҳал этишда эса, ҳатто у вақтда ҳали жуда ҳам тараққий топмаган адабий танқиднинг ҳам ўрнини босар... эди. Иккинчидан, янги совет ҳаёти ҳодисалари, совет тематикаси поэзиянинг асосий тематикасини ташкил этар, поэзиянинг диққати асосан замонаси ҳаётига тортилган... эди»⁷¹.

Аввало, янги инқилобий воқелик, қолаверса, юқоридаги каби асарлар таъсирида ўзбек адабиётида социализм ғалабаларини мустаҳкамлаш учун, ўтмишнинг ижтимоий ва маиший ҳаётдаги сарқитларини йўқотиш учун курашувчи янги типдаги қаҳрамонлар яратилди. Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғун, Ҳ. Олимжон, Ҳ. Шамс, Ғайратий, Шайхзода, Миртемир сингари ёш, аммо анча танилиб қолган шоирларнинг биринчи шеърый китоблари (ҳали қаноатлантирадиган даражада мукаммал бўлмаса-да)

⁷¹ Иззат Султон. Асарлар. Тўрт томлик. Иккинчи том. Тошкент. 1972. 266-бет.

давр қиёфасини, замондошлар портретини чизиш ниятида юзага келган. Шокир Сулаймон, Элбек, Ғайратий, Боту, Абдулла Қаҳҳор, Парда Турсун ва бошқа ёзувчиларнинг илк ҳикоялари ва повестларига қаҳрамон сифатида кирганлар граждaнлар уруши даври ва йигирманчи йиллар руҳини ифодaловчи образлар эдилар.

Ўзбек совет адабиёти йилномасига кирган қаҳрамонлар идеaллаштириб тасвирланган шахслар эмаслар. Реал ҳаётдан ўсиб чиққан, социализм учун олиб борилган курашлардан ўтиб келиб, китобларга кирганлар. Зотан, уларни яратган ёзувчиларнинг ўзлари кўпинча биографик жиҳатдан қаҳрамонларига жуда ўхшаб кетар ва шу сабабли руҳий яқинликни сезар эдилар. Бинобарин, бадний тўқимадан кўра тарихий ҳужжатлар, ҳамманинг эсида турган кечаги кун воқеалари салмоқли ўрин эгалларди.

Поэзия, проза ва драматургияда аксини топган янги инсон образини анализ қилишга адабий танқид сустроқ киришди. Бу масалада асосан тақриз олдинда борди. Тақризчиларнинг ҳам кўпчилиги Мирмулла Шермухамедов, Айний, Ғайратий, Элбек, Яшин, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Зиё Саид сингари ижодкорлар ва О. Шарафидинов, О. Ҳошим, С. Ҳусайн, А. Саъдий, Анқабой каби танқидчи ҳам адабиётшунослар эдилар. Булар қаторида исми, фамилияси аниқланмаган, фақат шартли таҳаллусигина маълум авторлар ҳам бор.

Масалан, Мухбир таҳаллусли бир танқидчи Ҳамзанинг «Истибдод қурбонлари» ҳақида фикр юритиб, унда яратилган янги қаҳрамонлар образини анализ қилади ва совет адабиётида дастлаб Ҳамза ижодида кўринган ишчи, деҳқон ва коммунистлар образига алоҳида эътибор беради. Социалистик воқелигимизда туғилаётган қаҳрамонларни илк бор сезгирлик билан пайқаб, янгилик сифатида тарғиб қилади. Инқилобчининг, совет кишисининг сиймосини жонли равишда кўрсатиш учун сахна асарлари Ҳамзага адабиёт билан ҳаётни бир-бирига боғлашга хизмат қилганини таъкидлайди. Спектаклдаги: «Ҳой, ҳой ишчилар!» жуда яхши. Қетмон, ўроқ ва болға кўтарганларнинг қиёфат ва айтган сўзлари шўролар ҳукуматининг душманларига яхши калтакдир. Хусусан, уларнинг охирида намоиш билан кириб келишлари жуда яхши бўлди»⁷²,— дейди танқидчи.

⁷² Янги Шарқ. 1919. 24 август.

Ҳамзанинг революцион ва адабий фаолияти ҳақида гапирганда қozoқ халқининг Ҳамза типидagi оташин фарзанди Сакен Сайфуллин, Озарбайжон совет маданияти ва адабиёти асосчиси Жаъфар Жабборли эсга келади. Улар ҳам ўз вақтида кескин синфий кураш оловларида тобланиб, ишчи ва деҳқонларнинг орзу ва мақсадларини ифодалаб берган эдилар. Бу маслакдош шоирлар янги даврнинг янги кишилари образини яратиб бериш қаторида, инқилобий жараёнга тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатаётган реакциян кучларга қақшатғич зарба бердилар. Ўзбек адабий танқидида майдонга келган тақризлар, мақолалар бунн яхши изохлаб кўрсатган.

Йигирманчи йиллар адабий танқиди, айрим фактларни мустасно қилганда, Ҳамза ижодига умуман тўғри баҳо беролмади. Унинг инқилобий темадаги пьесалари саҳналаштирилиши муносабати билан матбуотда бир-бирига зид, баъзан тўғридан-тўғри камситувчи тақризлар босила бошлади. Бундай чиқишларда ғоявий рақибларнинг қўли борлиги сезилиб турарди. Мисол тариқасида «Боғбон» тахаллусли шахснинг Ҳамза асарларига ёзган «Иффат қурбони», «Юлғинбой» каби тақризларини кўрсатиш кифоя. «Бой ила хизматчи» 1919 йили намойиш қилиниб катта муваффақият қозонгач, «Боғбон» уни ерга уриб, ҳақиқатдан кўз юмиб, асар «санойи нафиса» нуқтаи назаридан талабга жавоб бермайди, деган хулоса чиқаради. Пьеса томошабинларда инқилобий сафарбарлик руҳини уйғотгани хусусида оғиз очмай, актёрлар ўйинидаги заиф томонларга ёпишади. 1921 йили у «Иффат қурбони» тўғрисида гапирар экан, асарнинг замонавийлиги, совет воқелигининг афзаллиги ташвиқ қилинганини четлаб ўтиб: «...Бу асар «Фаргона фожиаси»нинг иккинчи қисми бўлиб, ўзбек саҳналарида жуда кўп ўйналиб, жуда кўп танқидга учрагандир... Лошмон фожиалари халққа руҳан лаззат бермайди»⁷³,— дейди.

Ҳамза асарларини ғаразғўй «танқидчи»лар ҳужумидан ҳимоя қилишда ёзувчи ва танқидчи, тўғрироғи, театр танқидчиси Мирмулла Шермуҳамедов адолатли мавқени эгаллади. «Бу ҳужумлар қанчалик асоссиз бўлишига қарамай театр ишига салбий таъсир кўрсатди,— деб ёзади С. Аҳмедов.— Айрим истеъдодли артистлар саҳнани бутунлай ташлаб кетдилар... Ана шундай қийин бир пайтда Ҳамза ва унинг сафдошларини

⁷³ Қизил байроқ. 1921. 6 октябрь.

Мирмулла ҳимоя қилди. Мирмулла бу ҳужумларга жавобан Ҳамза асарларини одилона ва холис, ўзи айтгандек, «бетарафона» таҳлил этиб, уларнинг янги жамият қурилишидаги аҳамиятини кўрсатиб берди...»⁷⁴

Мирмулла «Қаҳрамон Ўғуз» спектаклига бағишланган тақризида пьеса мазмунига қисқача тўхталиб, ҳикоя қилади: «...Асарда Абдулла исмли бир ўзгаришчининг (инқилобчининг — М. Ю.) эски идора вақтида ўзгариш ишлари орқасидан юрганлиги сабабли қамоққа олинган вақтида унинг ўғли Ўғуз отасини озод қилмоқ учун кўп уриниб, энди қутқарай деб турганда уни «турма маъмурлари сезиб қолиб, ўзгаришчи Абдулла яна бошқа ўзгаришчилар билан бирга ўлим жазосига ҳукм қилиниб, дор тагига олиб борилган вақтда, бирдан ўзгариш бошланиб», ҳужум вақтида турма маъмурларидан бир қанчаси ўлади. Ўлимга ҳукм қилинганлар озод этилади, аммо отишмаларда Ўғуз ҳалок бўлади.

Спектаклнинг бош қаҳрамони Ўғуз, Мирмулла фикрича, томошабинлар олдида қаҳрамонлик сифатларини у қадар кўрсатмайди. «Бир роман ёхуд бошқа асарларда, — дейди у, — қаҳрамон оти билан кўринган бир тип шу асарнинг бутун кўринишини ўзининг қаҳрамонлик ишлари ва ҳаракатлари билан зийнатлаб, ўқувчи ва томошабиннинг назар-диққатини ўзига жалб этмаги лозим»⁷⁵. Кўринадики, автор пьесадаги етишмовчиликни холисона қайд қилади, бироқ актёрлар талқинига нисбатан жиддий талабчанлик билан ёндашади.

Адабиётшунос ва танқидчи Абдурахмон Саъдий дастлабки йилларда ўзбек адабиёти эришган ютуқларини таҳлил қилган «Олти йил ичида ўзбек шеърини адабиёти» мақоласида Ҳамза тўғрисида адолатли муҳокама юритганини юқорида айтган эдик.

Қисқаси, матбуотда, «Қизил қалам» мажмуасида Ҳамзага бағишлаб ёзилган мақолалар, шоир асарларида берилган тақризлар маълум маънода ҳамзашуносликнинг бошланиши эди.

А. Саъдийнинг «Адабий ижод майдонида»⁷⁶ ва «Ўзбек ёш шоирлари»⁷⁷ мақолалари ҳам ўзбек адабиётининг совет воқелиги билан алоқасидан баҳс очади.

⁷⁴ Аҳмедов Сулҳатилла. Мунаққид Мирмулла Габристон. 1977. №5. 16-бет.

⁷⁵ Қизил байроқ. 1921. 16 октябрь.

⁷⁶ Ўзгаришчи ёшлар. 1924. № 7.

⁷⁷ Туркистон. 1924. 12 январь.

Муаллиф Боту ижодини кўздан кечирав экан, у инкилоб ва социалистик идеологияни акс эттиришда ишчи ва деҳқонлар образига мурожаат қилганини, Элбек эса деҳқонлар ҳаётини тасвирлашда анча ютуқларга эришганини сўзлаб: «Қишлоқ турмушидан, деҳқон ва йўқсилларнинг тирикчилигидан олиб ёзилган ҳикоялар, романлар, томошалниклар» ва жуда «кам бир вақтда» ёзган бошқа асарларини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбек совет адабиёти йигирманчи йилларнинг ўртасига келиб қатор янги ёзувчиларни, оригинал асарларни берди. Улардан бири ва муҳим воқеа сифатида кутиб олингани Манзура Собир қизи (Ойдин)нинг «Янгиликка қадам» пьесаси эди. Аввало шунини айтиш керакки, пьеса авторининг ўзи биринчилардан бўлиб счилган биринчи маърифатли қиз, биринчи ўзбек совет шоираси ва драматурги ўлароқ ғоят нодир ҳодиса эди. Ойдин тақдирида ўзбек хотин-қизлари ҳаётида юз берган буюк революцияни кўриш мумкин. Онгли фаолиятининг дастлабки йилларидан ўз ҳаётини хотин-қизларни руҳий-маънавий асоратдан озод қилишга, очилиб ёруғ дунё юзини кўришига бағишлаган шоира барча тўсиқларни матонат билан енгиб, олға юрди.

«Янгиликка қадам» автобиографик характердаги асар эди. Шоира Зулфиянинг Ойдин тўғрисидаги очилган биринчи маърифатли қиз, биринчи ўзбек совет йўли билан маҳаллалардаги дугоналари аҳволини ўрганиб юрадиган вакила Мастура Манзуранинг прототипидир. 1925 йили «Янги асарлар» рубрикаси остида босилган тақризда бу хусусда қуйидагилар ёзилган: «...Ўзбек хотин-қизларининг олдинги сафида турувчилар ҳозир билим юртларида, мактабларда ўқимоқдалар. Иқтисодий қуллик остида ётган камбағал хотинлар ўзларига суянчиқ топгандай бўлиб, артель ва ҳунар бирликларига уюшиб ишламоқдалар... Баъзи оғзи катталарнинг гапига қулоқ солмай: «Энди ақлимиз бошимизда»⁷³,— дейдилар. «Қитобхон» имзоли шу авторнинг айтишича, кейинги йиллар кўрсатиб турибдики, хотин-қизларимиз эркакларга ёндашиб, биргаликда ишлаб, идора ва уй-рўзгор вазифаларини баробар бажаришга қобил эканликларини кўрсатдилар.

«Қитобхон» ўзбек қизлари орасидан чиққан ёш ёзувчи Манзура Собировани чин дилдан қўтлаб, ушбу пьесанинг «Энг катта хусусияти ва бошқалардан фарқи шундаки, янги турмуш қўрмоқ йўлида курашаётган

⁷³ Қизил Ўзбекистон. 1925. 19 август.

бир ўзбек қизи томонидан ёзилиб, майдонга отилган»,— дейди.

Шокир Сулаймоннинг «Гуласал» сочмасидаги «Булутўпар мирза теракларни ёқалаб ҳар кунни фабрикага келадиган Гуласал», «Ўч» ҳикоясидаги жонкуяр колхоз раиси Суяرقул ака; Ғайратийнинг «Тиланчи хотин»идаги Дилбар ва «Иккинчи пичоқ»даги Мушаррафхонлар ўтмишда мусибатли ҳаёт кечириб Октябрь туфайли, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги орқасида инсонлик шарафига эга бўлган, актив жамоатчи сифатида камол топган янги кишилардирлар.

Йигирманчи йилларда халқимиз замонавий драматик асарларга чанқоқ эди. Чунки, шу куннинг воқеаларини, Ватан олдидаги бурчини яхши адо этаётган садоқатли шахсларни сахнада кўришни истарди. Ҳамзадан кейин биринчилардан бўлиб Яшин шу талабни қондириш ниятида «Икки коммунист»ни яратди. Ўзбекистонда граждандар уруши — босмачиликка қарши курашда фидокорлик кўрсатган ҳақиқий коммунист Арслон асарнинг бош ижобий қаҳрамони бўлиб сахнага чиқади. «Драматург Яшин Арслон образини яратиш билан граждандар урушидаги большевик қаҳрамонларимизнинг қайта ишланган варианты «Тор-мор»да Арслоннинг қайта ишланган варианты «Тор-мор»да Арслон образи бўрттирилган, анча умумлаштирилган» (С. Ҳусайн).

Адабий танқид замонавий материални, замондош образини бадий адабиёт қандай ўзлаштираётгани ва бу соҳадаги нуқсонлар нимадан иборатлигини муҳокама қилишга бора-бора кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди. Агар йигирманчи йилларнинг биринчи ярмида инқилобий воқеалар марказида турган коммунистлар социалистик қурилишни бошқараётган ва меҳнатда, коллективда ўрнатилган кишилар ҳақидаги асарлар мамнуният билан кутиб олинган бўлса, йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб шу образлар тўлақонлими, ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини, психологиясини ҳам тасвирлаётирми, деган саволлар қўйила бошлади. С. Ҳусайн айтганидек, «социализм қуриш йўлида жон-дили билан куйиб-пишиб ишловчилар» бадий адабиётга олиб кирилганда ҳаётнинг кўрсатишининг «натуралистик йўлини ташлаб, одамларнинг чуқур руҳий кўрсатишга»⁷⁹ ўтилган бўлинарди.

⁷⁹ Шарқ ҳақиқати. 1929. 26 апрель.

Бундан аввалги бобда тилга олганимиз «Кўрмана» номли шеър ва ҳикоялар тўпламининг мавзуи жуда актуаллигини тасаввур қилиш учун айрим сарлавҳаларга назар ташлайлик: «Тўлқин», «Бахтлар баҳорида», «Октябрь ўн йиллигига», «Инқилоб», «Ўзгариш қуёши», «Қурашувчи куч», «Меҳнат соқчилари», «Фан керак», «Ҳаёт сезгилари», «Трактор» ва ҳоказо.

«Кўрмана»га сўз боши ёзган С. Ҳусайн авторлар гоёвий тўғри маслакда эканликларини, яхши шеърлар ва ҳикоялар яратаётганликларини айтиб, қўпчилик «ҳали ҳам ҳаётнинг айланасини томоша қилиб юриб, ички қатламларига» кириб боролмаётганлари, ижтимоий ҳаётда рўй бераётган «руҳий-фикрий» ўзгаришларни «гавдалантиришга уннаганлари йўқ»лиги, ёзувчи-га фақат «дунё инқилоби тўғрисида ёзиш»нинг ўзи кифоя қилмай, санъаткорлик — «сўз усталиги» ҳам жуда кераклиги хусусида тўхтаб ўтади.

Айниқса, поэзияда яққолроқ кўриниб қолганлигини танқидчилар ва ҳатто шоирларнинг ўзлари ҳам пайқаб қолган ана шу заиф томон жамоатчилик ҳукмига олиб чиқилди. Масалан, «Кўрмана»га тақриз ёзган танқидчи Саид Ғани пролетар шоири (кенг маънода совет шоири — М. Ю.) бўлиш учун «инқилоб», «пролетар», «байналмилал» ва бошқа шундай «қизил сўзлар бўлса» етади, деб ўйлайдиганлар янглишажагини уқтиради. «Мен гул — булбулдан эмас, ўроқ ва болгадан илҳом оламан», деган билан ҳеч ким бирданига пролетар шоири бўлиб қолмаслигини таъкидлайди. Поэзияда тасвирланган ишчи фақат болға уришдан бошқа манфаати, истаги йўқ одамлар бўлиб қолганига ачинади. Улар «кеча-кундуз ишлайдилар, ҳеч истироҳат қилмайдилар»⁸⁰.

Шу тариқа адабий танқид ёзувчидан коммунистлар, ишчилар ва деҳқонларни тасвирлаганда «даврнинг ижтимоий типи» (С. Ҳусайн) сифатида, социалистик ҳаёт тажрибаси билан мустаҳкам алоқада талқин этиш билан бирга уларнинг ҳар бирига хос индивидуал характери, психологияси, тили худди жонли кишиларникидек сезилиб туришини талаб қилди. Танқидчи Олим Шарафиддиновнинг «Баҳор севинчлари» (Уйғун асари)га бағишланган катта мақоласида ҳам шу фикр олға сурилади. Уйғуннинг ўзбек совет поэзиясига кириб келиши, биринчи китоби «инқилобчи, умидли шоирлардан» бири эканидан дарак беришини қувониб сўзлайди.

⁸⁰ Қизил Ўзбекистон. 1929. 10 май.

Айни замонда, шеъриятдаги умумий нуқсон бу тўпламда ҳам борлигини далиллар билан исботлайди.

Олим Шарафиддиновга кўра, «замонавий мавзулар устида қалам юритган, бу кунни тараннум қилган шоирларда масаланинг моҳиятини очиб бермаслик, «ёки бирёқлама англаш каби ҳоллар ўзини кўрсатиб туради...». «Қишлоқдан баҳс этганда,— дейди танқидчи,— қишлоқнинг табиатини, гуллардан чаман ёйишини, йиғитларнинг ботирларча кетмон чопишини, тракторнинг йўрғалаб юришини тасвирлашдан нари ўтмайдилар. Инқилобдан гапирса, қизил байроқнинг ҳилпираши, зулматнинг қочиши, хотин-қизларнинг озодликка чиқиши кабилар юзаки равишда тасвирланади».

Уйғуннинг «Комсомол», «Шаҳар», «Достон» номли шеърлари ҳам шундай. Комсомолнинг, шаҳарнинг ташқи қиёфаси чизилади, ташқи белгилари устида фикр юритилади. Комсомолнинг характерли хусусиятларини беролмаслик — «комсомолни англамаслик» бўлганидек, «социализм қурмоқда бўлган шаҳарнинг ролини очиб беролмаслик» унинг моҳиятини етарли даражада тасаввур қилмасликдир⁸¹, деган хулосага келади танқидчи «Баҳор севинчлари» тўғрисидаги мақоласида.

Айрим вақтларда давр қаҳрамонлари хатти-ҳаракатини бузиб кўрсатиш ҳоллари рўй берди. Бу ўринда гап Шокир Сулаймоннинг «Қанотсиз бургутлар» ҳикояси устида боради. «Аланга» журналининг 1929 йил 12-сонида босилган бу ҳикоя ўша йилларда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ғалла ўрими-йиғимида комсомоллар иштирокига бағишланган. Воқеа шундай ривожланадики, оқибатда ёшлар бу йиғиндан ўзларининг ёмон ниятлари йўлида фойдаланадилар. Бир группа комсомоллар икки севишган ёш — Карим билан Қимматойнинг бахтини кўролмай, бир тунда Қимматойни хилватга судраб кетиб зўрлайдилар. Хўрланган қизни шу қишлоқдаги бир хотин уйига олиб кетиб, кейин қидирув шуъбасига хабар қилади. Жиноятчи комсомол хотинга тўхмат қилиб қаматади. Бу ҳам етмагандек, хотиннинг ўғлидан қамоқдаги онасига олиб бориш учун заҳарланган нон бериб юборади. Бола йўлда нондан еб ўлади... Виждонсиз, безори комсомоллар устидан «намунали суд» қилдириш учун Карим шаҳарга келганда ўзи газетада танқид қилган кооперативчилар томонидан ўлдирилади.

⁸¹ Нарқ ҳақиқати. 1930. 14—15 август.

Ҳикоянинг қисқача мазмунидан англашиладики, битта эмас, бир гуруҳ комсомоллар қабих жиноятга аралашадилар. Ёзувчи бир эмас, бир канча мудҳиш кирдикорларни бир-бирига улаб, бир жойга тўплайди ва умумлаштиради. Адабиётда кўринган бу носоғлом, ғоявий мажруҳ асарга нисбатан танқид сукӯт сақлаб туролмади. Ҳамид Олимжоннинг «Замон ва Шокир Сулаймон»⁸² номли жиддий танқидий мақоласида «автор тушунчаларининг тили билан айтганда, бу маъракада комсомоллар фирқанинг темир таянчи, қишлоқнинг соғлом қўшини сифати билан эмас, безогӣ, халқда ўзларига нисбатан нафрат туғдирувчи бўлиб майдонга чиқадилар... Шокир Сулаймон дунёни бўзилган, лойқаган..., ифлосланган ҳолда кўради», — дейди.

Танқидчи Қашшоф Треғулов «Нафис адабиёт жабаҳамизни соғломлаштириш йўлида»⁸³ деган обзорида Ш. Сулаймон поэзиясидаги схематик образларни, ишчи-деҳқонлар ҳаёти тасвирланганда психологик кайфият, руҳий ҳолатни назарда тутмаслиги, кундалик ҳаёт нафаси сезилиб турмаслиги масалаларига тўхталади. Уйғун эса «Ўз хатоларимиз устида ўрганамиз»⁸⁴ мақоласида шахсий ижодий йўлининг биринчи босқичи (1925—1928)га танқидий назар билан қараб, йўл қўйган камчиликларини объектив равишда таҳлил қилади.

Адабий танқид юқорида кўрсатиб ўтилган нуқсонларнинг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилди. Вел Уразай фикрича, ёзувчилар конкрет турмушни билишга жиддий киришмаётирлар; «қишлоқ, шаҳар, завод, фабрика, шахта, колхоз, совхозларнинг турмуши билан мустаҳкам боғланиб, уларни ўрганиб», керакли материал билан қуролланиш лозим... «Бизнинг гўзал адабиётимиз ишчи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг ичига кира олса, уларнинг юракларидан чиққан сўзлар ва бошларида қайнаган фикрлар» билан иш кўрса, исталган мақсадга эришажагини айтади⁸⁵.

Йигирманчи йилларнинг охирига келиб янги инсон образи тобора тўлароқ акс эта бошлади. Уша даврда пролетар шоири сифатида танилган Ғайратий биринчи шеърлар тўплами («Эрк товуши»)даёқ ишлаб чиқаришда етишмакда бўлган янги социалистик одамни, қишлоқ ҳаётида бўлиб ўтаётган ҳодисаларни тасвир-

⁸² Ёш ленинчи. 1930. 26 март.

⁸³ Қизил Ўзбекистон. 1929. 4—5 июль.

⁸⁴ Қурилиш. 1931. № 3.

⁸⁵ Вел Уразай. Гўзал адабиёт соҳасидаги вазифаларимиз ҳақида//Аланга. 1930. № 1.

лади» (О. Шарафиддинов). Ғ. Ғулом «Кўкан» поэма-сида «меҳнаткаш деҳқонларни қашшоқликдан, хўрликдан қутқариб, бахтли, тўқ, маданий ҳаётга олиб чиққан... колхозда қаҳрамоннинг янги одамга, янги тип деҳқонга айланиши»⁸⁶ жараёнини кўрсатди. Уйғун яратган Жонтемир ҳам ана шундай янги совет кишиси образи эди. Улар учун характерли хусусиятлар ҳаётга актив аралашув, партия ва халқ ишига садоқат, ватанпарварлик, ҳалолликдир.

Ватанимиз ва халқимиз тарихида «буюк бурилиш йили» номини олган 1929 йилдан бошлаб адабиётимиз ҳаётга ҳамма вақтдагидан кўра яқинроқ бўлишга интилди. Социалистик қайта қурилиш даври деярли барча ёзувчилар учун ижтимоий-сиёсий мактаб бўлди. Олим Шарафиддинов таъбири билан айтганда: «...вужудга келган буюк қурилишлар, ижтимоий муносабатдаги улуг ўзгаришлар, пролетариат ва олдинги колхозчилар орасида социалистик онгининг ўсиши, меҳнатнинг социалистик формасининг кенгайиши—ёзувчиларнинг фикр-ҳиссларига катта таъсир қилди. Уларнинг қарашларига шу чоққача кўрилмаган, буюк тарихий аҳамиятга эга бўлган мавзу, материалларни ёзиб ташлади. Булар ёзувчиларга катта масъулият юкледи... Бу мавзу ва материалларни эгалламоқ учун ёзувчи... турмушнинг чуқурликларига кириши, социалистик қурилишнинг актив иштирокчисига айланиши лозим»⁸⁷.

Горький ташаббуси билан бошланган ажойиб ҳаракат—янги ҳаётни чуқурроқ ўрганиш ниятида турли ишлаб чиқариш корхоналарига, қурилишларга, колхоз ва совхозларга ёзувчилар юриши қизғин тус олди. Республикамизда Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Ҳ. Шамс каби ёзувчилар раҳбарлигида алоҳида-алоҳида бригадалар тузилди. Улар Текстилькомбинат, Ташсельмаш, ҳарбий қисмлар ва мактабларга бориб ишчиларнинг, қурувчиларнинг, ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, меҳнати ва характерини ўрганиш қаторида ўзлари уларнинг маданий турмушини яхшилашга, адабий тўғарақлар ташкил қилиб, ёш ёзувчиларнинг ижодий ўсишига яқиндан ёрдам бердилар.

Шоира Ойдин қишлоқни коллективлаштириш жараёнида одамларнинг қайта тарбияланиши масаласини

⁸⁶ Е. Кубов Ҳомил. Ўзбек совет поэзияси 15 йилда / 15 йил кичида ўзбек совет адабиёти. Тошкент. 1939. 59-бет.

⁸⁷ Шарафиддинов О. Танланган асарлар. Тошкент. 1978. 215-бет.

кузатиш ҳамда хотин-қизлар турмушидан асар ёзиш учун Қўқонга командировка қилинди.

Октябрнинг XVI йиллигига тайёргарлик ойларида бундай тадбирларда фақат Тошкентнинг ўзида 48 ёзувчи иштирок этади. Шу даврда адабий жамоатчилик ўртасида «Адабиёт магниткаси учун курашамиз», «Адабий Турксиб учун» каби шиорлар матбуот саҳифаларида тез-тез учраб турарди. Ана шу ажойиб ҳаракат натижасида (илгари ҳам тилга олганимиз) бақувват асарлар: «Кўкан», «Жонтемир», «Дилбар — давр қизи», «Темирчи Жўра», «Бахтлар водийси», «Маҳорат», «Ендирамиз», «Онамга хат», «Машина қулоғида», «Кўприк устида» (Ойдин), «Дастгоҳ қўшиғи», «Учинчи бригада» (Ҳ. Шамс) каби асарлар, У. Носир, А. Умарий, С. Жўра, Ҳ. Пўлат, Зулфия ва бошқа шоирларнинг яхши шеър ва тўпламлари юзага келди. Булар ўттизинчи йилларнинг бошидаги адабиётимиз қўлга киритган ютуқларнинг намуналари эдилар.

Ойбекнинг Дилбар ва Жўраси, Ҳ. Олимжоннинг Ҳайдар капитани, Ғайратийнинг Тўхташи, Айнийнинг Ёдгор ва Гулнори («Дохунда»), Яшиннинг Азамати, Самсоғи («Ендирамиз»), қатор шоирларнинг лирик қаҳрамонлари ҳар бири ўз индивидуал хусусиятларига эга бўлган, шахсий ҳаёти, психологияси, ҳиссиёти ва руҳий кечинмалари билан бошқаларга ўхшамайдиган, эсда қоладиган ва бизларга қадрдон бўлиб қолган янги кишилардир. Улар кечагина эксплуататорлик жамияти зўравонлари зулми ва руҳий тазйиқи остида инсонлик заковати топталганлар социалистик тузум шарофати билан ўз қадр қимматини қўлга киритиб, маънавий дунёси бой одамлар эканини кўрсатганлар. Озод қилинган куч-қудрат, талант ва ташаббус нима-ларга қодир эканини бутун жаҳонга намойиш қилганларнинг биринчи авлодидирлар.

Иигирманчи йилларда РАППчилар, ЛЕФчилар шиор сифатида ташвиқ қилган «адабиёт одамлари эмас, иш жараёнини, металл эстетикасини тасвирлаш керак», — деган гаплар ўттизинчи йилларнинг бошига келиб ўз, аҳамиятини йўқотди. Ёзувчилар ижодий тажрибаларида турмушни қайта қуриш соҳасидаги ишларни жонли одамларсиз ва уларнинг шодликлари ҳамда қайғуси, ютуғи-ю мағлубияти, орзу-истакларисиз тасвирлаш мумкин эмаслигини тушуниб олдилар. Бўни Ойбек жуда яхши ифодалаб берди. У «ишчи синфи туйғуларини акс эттириш, социализм қурилиши практикасида янги одамлар қандай ўзгараётгани»ни

бутун мураккаблиги билан кўрсатиб бериш ёзувчининг асосий бурчи эканини қайд қилди.

Ойбек давом этиб, ёзган эди: «Давримиз қаҳрамонлик давридир. Социализм учун курашда одамларнинг маънавий борлиги қандай ўзгараётганини биламиз: ...Бизнинг Ўзбекистон шаронтида етишган, кечагина бармоғини қалам ўрнида ишлатган, диний хурофатларга ботган кишилардан қандай қилиб фабрика, заводларда, колхозларда ишнинг, яратувчиликнинг, курашнинг олдинги қаторида кетаётган қаҳрамонлар вужудга келганини бадий асарларда жонлантиришимиз керак... Социалистик реализм одамини, қаҳрамонларни ижтимоий практикада, бутун муҳит доирасида типик воқеаларда, индивидуал чизиқлардан маҳрум қилмасдан, маълум коллектив табақани ифода қила биладирган йўсинда кўрсатади...»⁸⁸.

ЖАНРИЙ ИЗЛАНИШЛАР ВА АДАБИЙ ТАНҚИД

Октябрдан кейинги дастлабки ўн йиллик адабиёт ва санъатда инқилобий пафосни ифодалай оладиган, янги ғоявий мазмунга мувофиқ янги жанрий формалар излаш даври бўлди. Айтиш керакки, бу соҳада ҳам традицион жанрларни ҳисобга олмасдан туриб, мутлақо сунъий формалар яратишга уриниш мумкин эмасди. Масалани тўғри ҳал этишда традиция ва новаторлик диалектикасини ҳисобга олиш шарт эди. Аммо етакчи тенденция жанрий изланишдаги йўналишнинг янгилигидан иборат бўлди.

Инқилобий ғоя билан йўғрилган адабиёт олдида ана шу ижтимоий, замонавий руҳга мувофиқ бадий форма ҳам яратиш вазифаси турарди. Чунки, ўша йилларда «пролетар» ва «деҳқон» адабиёти деб юритилган совет адабиёти («совет адабиёти» истилоҳи, тўғрироғи бирикмаси, 1923 йилдан Москва, Ленинград олимлари томонидан қўллана бошлаган эди) инқилоб алангаларни ва гражданилар уруши суронларида шакллана бошлаган инсон руҳий оламини очиб беришга даъват этилгани учун форма (шакл)даги новаторликка интилиш давр тақозоси бўлиб қолди.

Совет адабиёти тарихи учун шу нарса характерлики, йигирманчи йилларда мавжуд бўлган турли-туман группа ва ташкилотлар бир-бирига ўхшамаган стиль ва эстетик программаларга эга эди. Партия ва совет давлати ҳеч қачон адабий ҳаётга буйруқ бермадилар, яғни

⁸⁸ Қизил Ўзбекистон. 1933. 17 август.

на адабий услубни талаб қилмадилар. Маълумки, В. И. Ленин «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» (1905) мақоласидаёқ «адабиёт иши — умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак», — деган ва айни бир вақтда: «адабиётни бундай бир андозага, бир қолипга солиб барабарлаш» тўғри эмаслигини, «бу ишда шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга майдонни кенг очиб бериш мутлақо лозим»лигини алоҳида таъкидлаган эди.

Шундай қилиб, ёзувчига ижодий изланиш ва ўз бадий ниятини ифодалашда хилма-хил усуллардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ленинча партиявийлик принципининг туб масалаларидан бирига айланди. Жанрий ранг-баранглик учун кураш, традицион жанрларнинг номаълум имкониятларини очиш ва уларни сифат жиҳатидан янгилаш адабий ҳаётнинг ривожига таъсир қилувчи омиллар эди.

В. И. Ленин маслаҳатлари билан тайёрлашга киришилган, бироқ дохий вафотидан кейин эълон қилинган РКП(б) МҚнинг «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати ҳақида»ги резолюциясида бадий форма хусусида шундай дейилган:

«...Ишчилар синфи капиталистик жамият доирасидаёқ ўзини ғолибона революцияга тайёрлаган... сиёсий курашнинг жуда яхши идеологик қуролини тайёрлаб олган эди. Аммо... маданият соҳасида эзилиб ётган синф бўлганидан ўз бадий адабиётини, ўз адабиётининг алоҳида бадий формасини, ўз услубини ишлаб чиқа олмаган эди. Пролетарнат қўлида ҳозирдаёқ истаган бир адабий асарнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини белгилайдиган бехато мезон бир бўлса ҳам, лекин ҳали ҳозирча унинг ихтиёрида бадий формага доир масалаларнинг барчасига шундай аниқ жавоб йўқ»⁸⁹.

Совет адабиётининг методи — социалистик реализм (бу терминологик бирикма 1932 йилдан бошлаб оммалашган эди) бадий форма ва жанрларнинг ранг-баранглигини тақозо этарди. Бинобарин, резолюцияда партия «адабий форма соҳасида бирон оқим тарафдори бўлиб, ўзини боғлаб қўя олмайди... Бу соҳада турли группа ва оқимларнинг эркин мусобақасини ёқлаши керак», — дейилган ва янги даврнинг ўзига мувофиқ услуб яратилажасига умид билдирилган.

Шуни унутмаслик керакки, Октябрь ғалабасидан кейинги ўтиш даврининг, социализм куртаклари тобора

⁸⁹ Сб. «О партийной и советской печати». М., 1954 . С. 344.

баравж бўлаётган йилларнинг ҳаёт жараёни ғоят хилма-хил воқеаларга бой эди. Ана шу реал воқелик инъикоси бўлган сўз санъати, унинг услуб ва жанрлари илгариги традицион босқичда қололмасди. Инқилобий жараён уларга ҳам таҳрир киритди.

Адабий жанрлар тараққиёти учун қандай тенденциялар характерли эди?

Октябрғача бўлган ўзбек поэзияси кўп асрлик бой анъанага эга бўлгани учун йигирманчи йилларда проза ва драматургияга қараганда поэзия олдинда бораётган эди. Шунинг учун гапни поэтик жанрлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Бадий форма (шакл) мазмунга нисбатан мустақил характерга эга. Шу сабабли бир бадий форма турлича мазмунни ифода этишга хизмат қилиши мумкин. Адабиётда мазмун тез ўзгариб турувчан, революцион элемент бўлса, адабий формалар (шеърнинг турли шакллари, драматик тур, роман, повесть, ҳикоя) кам ўзгарувчан, нисбатан консерватив ҳодисадир. Ҳар бир санъаткор ўз бадий режасига кўра истаган формани қўллаши мумкин. У қай бир вақт эски шеърӣ жанрни олиб, архаик нутқ ва бирикмаларни ишлатиш орқали муайян образнинг ўтган замонга хослигини, характерларнинг архаиклигини таъкидлайди. Санъаткор ҳатто янги ғоявий мазмунни ифодалашда ажодлар яратган бадий арсеналга мурожаат қилади. Ахир классик адабиётимиз тўплаган бой тажрибалар авлодлар ва ажодлар ўртасидаги ижодий алоқа воситаси сифатида бизга хизмат қилиши, истеъмолга киритилиши лозим эди.

Ўзбек совет адабиёти дастлабки босқичда инқилобий воқеликни ва замонавий руҳни тасвирлашда ўқувчиларга илгаридан таниш ғазал, мухаммас, рубоӣ каби лирик жанрлардан эркин равишда фойдаланди. Аруз ҳам ёмон хизмат қилмади. Кейинчалик ҳам Ғафур Ғуллом, Собир Абдулла, Уйғун, Ҳабибий, Чустий, Чархий арузда муваффақият билан ижод қилдилар. Лекин изланиш даври учун бунинг ўзи етарли эмасди.

Л. И. Тимофеев айтганидек, Улуғ Октябрь инқилобнинг ғалабаси келажакни ҳозирги кунга айлантириб юборди. Ҳозирги кун эса Совет мамлакатининг барча халқлари олдида шундай муҳим умумий ҳаётӣ масалалар қўйдики, улар ўз индивидуал хусусиятларига эга бўлган ҳолда ўша умумий масалаларга жавоб излашга қатъият билан киришдилар ва оқибатда керакли жавобни топдилар. Бу ижтимоӣ ҳаётни ва совет

санъатининг ривожланиш йўллари белгилаб берди.

Шундай шароитда асосий вазифалардан бири миллий, тарихий тажрибаларни жадаллик билан ўрганиш ва давр талабига кўра кенгайтириш ҳисобланарди. Чунки ҳаётнинг янги масалаларига жавоб бериш учун кўпинча аввалги тажрибалар етишмай қолаётган эди. Уни бутун Совет мамлакатининг ҳаётида юзага келган иш формалари намунасидан излаш ва топиш зарур бўлиб қолди⁹⁰.

Жўшқин ҳаёт ритмлари осойишта товланадиган ғазаллар, рубонийлар оҳангига сиғмай қолаётганини ҳис этган шоирлар жўшиб, пафос билан куйланадиган вазнларни изламаслиги мумкин эмасди. Агар традицион вазнларда яратилган образлар кўпроқ психологик, баъзан (достонларда) кўриш орқали қабул қилинадиган образлар бўлса, энди овоз ва сўз билан яратиладиган образ муҳим бўлиб қолди.

Ўзбек совет адабиётини бошлаб берган ва унинг мавзу доирасини, ғоявий-эстетик йўналишини жуда узоқ йилларга белгилаб берган Ҳамза Ҳакимзода қалбига сиғмаётган революцион ҳайқириқларни, озод инсоннинг шодлигини ифодалаш учун қўшиқлар (ашуларлар) формасидан фойдаланди. Миллионларга қарата айтилган «Яша Шўро», «Ишчилар уйғон», «Ҳой, ҳой, отамиз!» каби асарлар давр садоси, адабий манифестлар ва чақириқлар эди.

Шоирлар томонидан ёзилган марш ва марсельезаларнинг майдонга келиши ҳам замон руҳини ифодалашга интилиш натижаси бўлди. «Иштирокиюн» газетасининг 1919 йил 10 июнь сонида босилган Авлонийнинг «Хуррият марши» Туркистон элини «хур бўлиб яшашга, бир бўлиб яшашга» даъват этган бўлса, 1919 йил 28 октябрда «Меҳнаткашлар товуши» газетасида С. Айнийнинг «Хуррият марши (Марсельеза)» шеъри эълон қилинди. Шу йилнинг иккинчи ярмида Айнийнинг яна «Мактаб марши», «Ҳилоли аҳмар марши», «Байналмилал марши» сингари асарлари вужудга келди.

Қозоқ революцион шоири, Ҳамзанинг маслакдоши ва ўртоғи Сакен Сайфуллиннинг 1919 йили ёзилган «Қозоқ ёшлари марсельезаси», шунингдек «Кел, йигитлар», «Қизил эрлар», «Бизнинг ҳаёт — экспресс» сингари неча ўнлаб шеърлар; қирғиз шоири Аали То-

⁹⁰ История советской многонациональной литературы. М., 1970. Т. I. С. 38.

қамбоевнинг «Комсомолка Дуня» қўшиғи оҳангида ёзилган «Сеуле» ва «Мен — Чолқор» номли жанговар асарлари; Озарбайжонда Советларни қутлаган Жалил Мамадқулизода ва Самад Вурғуннинг оташин мисралари, ҳар бири ўз индивидуал хусусиятига эга бўлган халқларнинг умумий ҳаётий масалаларга биргалашиб янги бадий формаларда жавоб бериш намуналари эди.

Бу ўринда адабий ўзаро алоқалар ва таъсирларнинг ролини ҳам унутмаслик керак. Бадий адабиётдаги таъсирлар ўз характерига кўра бир хил эмаслиги тадқиқотчиларга маълум. Улар узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган тарихий адабий алоқалар заминидан, тилларнинг ва иқтисодий-маънавий турмушнинг, урф-одатларнинг яқинлиги орқасида, ижтимоий идеал ва тематиканинг муштараклиги натижасида рўй берган таъсирлар бўлиши мумкин. Биз юқорида келтирган мисоллар Советлар мамлакати халқлари олдида қўйилган вазифаларнинг бирлиги ҳамда ёрқин истиқбол учун курашда инқилобий пафосни тўғри кўрсатишга интилиш йўлидаги таъсирлардир. Эътироф этиш керакки, «Темалар ва формалар, приёмлар ва жанрлар тарихи — шубҳасиз, миллатлараро тарихдир. Гарчи ҳозирги замондаги кўпчилик жанрлар грек ва рим адабиётларидан келиб чиққан бўлсалар-да, ўрта асрлардаёқ улар жиддий равишда ўзгариб, янги хусусиятларга эга бўлган эдилар»⁹¹. Жанрлар ва приёмларнинг қадимги дунё адабиётидан кейинчалик Европа адабиётига, ундан рус адабиётига, ниҳоят Русь тупроғидаги бошқа миллатлар адабиётига кўчиши ва шу кўчиш жараёнида илқ-белгилар, хусусиятлар ўзгариб, бойиб бориши, янги сифатга эга бўлиши шундан далолат беради.

Россия давлати составидаги халқлар, элатлар Октябрни бадий тафаккурнинг, айниқса реалистик тафаккурнинг турли босқичларида кутиб олганлари туфайли социалистик воқеликни қандай жанр ва қайси форма воситасида тасвирлаш кераклигини тезда англаб ололмадилар. Намуна излаб бошқа адабиётларга, нисбатан кўпроқ тажрибага эга бўлган рус совет адабиётига, рус совет ёзувчиларига мурожаат этдилар. Аввало совет классиклари В. Маяковский ва М. Горькийнинг, бир оз кейин Д. Бедний, И. Уткин, М. Светлов асарлари катта ибрат мактаби бўлди. Чунки янги ҳа-

⁹¹ Уэллик Р., Уоррен О. Теория литературы. М., 1978. С. 72.

ёт янги бадий формаларни тақозо этаётганини дастлаб В. Маяковский, М. Горький ва уларнинг сафдошлари англаган ва ўша формаларни ярата бошлаган эдилар.

В. Маяковскийнинг таъсир доираси ғоят кенг ва ғоят чуқур эди. Валерий Брюсов 1917—1922 йиллардаги совет поэзиясини анализ қилиб ёзган эди: «Маяковский шеърлари беш йилликнинг ажойиб ҳодисаларидандир... У вазн билан алоқасини кескин узмайдиган, аммо ритмик хилма-хилликка ихтиёр берадиган «эркин» шеърнинг алоҳида шаклини топди... Маяковскийнинг ёш поэзияга таъсири жуда кучли бўлди...»⁹².

Маяковский Европа адабиётига, Яқин ва Урта Шарқ адабиётига момақалдиқдек гулдурос билан кириб борди. Унинг эркин шеър соҳасидаги муваффақиятлари Ватанимиз чегараларидан ташқаридаги санъаткорларни ҳам завқлантириб, ўз орқасидан эргаштириб кетди. Мисол учун немис шоири И. Бехер ва турк шоири Н. Ҳикматни кўрсатиш kifоя.

Исёнкор шоир-коммунист, Туркиянинг улуғ граждани Нозим Ҳикмат СССРни ўзининг иккинчи Ватани деб ҳисоблар, йигирманчи йилларнинг ўрталарида юртимизга келганда ўз қувончини «Сенинг эшигингга кўзларимга нур, зеҳнимга шуур истаб келдим»,— деб ифодалади.

У 1927 йили Москвада Шарқ меҳнаткашлари Коммунистик университетини тамомлаган бир группа зиёлилар билан Бокуга боради ва СССРда экан вақтида ёзган шеърларини 1928 йили «Гунаши ичанларинг туркуси» («Қуёш ичганлар қўшиғи») номи билан чоп эттиради. Эркин (сарбаст) вазндаги бу шеърлар озарбайжонлик ёш шоирларда кучли таассурот қолдиради. Самад Вургун, Акрам Жаъфарзода, Сулаймон Рустам, Микоил Рафили, Расул Ризо ва бошқалар унга эргашиб сарбаст шеърлар ёза бошладилар.

Нозим Ҳикмат шеърларининг Ўзбекистонда тарқалиши 1928—1929 йиллардан бошланди. Ўша даврда ёш ўзбек зиёлиларидан (ёзувчилар ва театр ходимларидан) бир гуруҳи Озарбайжонда таълим олган, баъзи бирлари командировкага бориб, озар шоирлари билан мулоқотда бўлган эди. Миртемир Озарбайжонга сафарини шундай эслайди:

⁹² Брюсов Валерий. Вчера, сегодня и завтра русской поэзии. «Печать и революция». Кн. 7. 1922. С. 56—57.

«1929 йили Сотти Ҳусайн тўрт ёш ёзувчи учун саёҳат уюштирганлиги эсимда. Туркменистон тупроғидан ўтиб, Ҳазар денгизи орқали Бокуга бордик. Озарбайжон ёзувчилар уюшмасида аввало Сулаймон Рустам ва Миржалоллар⁹³ билан танишдик, шеърлар ўқишдик. Кейин Ж. Жабборли уйига бордик... Сулаймон Рустам «Аламдан нашъая» (1927) деган китобидан тақдим этди... «Коммунист» газетаси редакциясида бўлганимиз ҳам шу бугунгидек эсимда... Кетиш вақтида китоб дўконидан Нозим Ҳикмат қаламига хос «Гунаши ичанларнинг туркуси» китобини олдик»⁹⁴.

1929 йили Н. Ҳикматнинг қатор шеърлари Миртемир, Шайхзода, Ҳ. Олимжон таржимасида «Аланга» ва «Ер юзи» журналларида эълон қилинди. Таржимонларнинг ўзлари ҳам сарбаст шеърлар ёздилар. Миртемирнинг «Шуълалар қўйнида» (1928) тўпламидаги бир қанча шеърлар шу усулдаги асарлар эди. Н. Ҳикмат шеърларининг журналларда пайдо бўлиши ва ўзбек шоирлари (Ҳ. Олимжон, Ғайратий, Ш. Сулаймон ва бошқалар) ёза бошлаган қатор эркин шеърлари адабий танқид учун мунозара мавзуи бўлди.

Адабиётда бўлаётган бу қизғин изланишлар адабий танқиднинг эътиборини жалб қилмаслиги мумкин эмас эди. Арабнежад (А. Алавий) «Бизда шакл масаласи ва Нозим Ҳикмат» сарлавҳали мақоласида ўзбек совет поэзиясининг занф жиҳатларидан бири шакл масаласи эканини айтиб, аруз ва ҳижо вазни (яъни бармоқ вазни) «оҳиста оқар вазнлар бўлиб, янги ҳаётдаги суръат ва ҳаракатни бера олишга қодир эмасдир. Шунинг учун бу вазнларда берилмак исталган янги шеърлар «шакл ва мазмун зиддияти» билан хаста бўладилар»,— дейди. Унинг фикрича, бизнинг бу вазнларимиз жилдираб оққан чашмани эслатади. Ваҳолонки, бу кунги ҳаётимиз долғали, пурсуръатдир. Бинобарин, шакл соҳасидаги изланишлар «шоирларимизни сарбаст шеърига томон итарди... Сарбаст шеърининг асосини ташкил этган ички динамика ва ритмни англамай, қофия ва вазнсиз, истаган жойда сатрни терадиган бир нав сочиқ жумлалар вужудга келди...». Қийин аҳвол рўй бериб турган бир шароитда «Озарбайжон адабиётида турк шоири Нозим Ҳикмат ўзининг шеъри билан май-

⁹³ Уша йилларда С. Рустам «Ганж қизил қаламлар» иттифоқининг масъул котиби лавозимида ишлар, Миржалол ана шу иттифоқ активларидан бўлган.

⁹⁴ Ўзбекистон маданияти. 1977. 14 январь.

донга чиқди ва бизда бу масаланинг ҳолига янги зиё тўкди»⁹⁵.

Танқидчи Ҳомил Ёқуб «Ойбек ва унинг шеърлари» мақоласида шоирнинг ижодий жиҳатдан ўсаётгани, аввалги ҳазин, инжиқ оҳанглар энди ўйноқи мотивларга айланаётганини мисолларда кўрсатиб давом этади: «Ойбек сўнгги чоқларда янги шаклда шеърлар ёзмоқда. Бундай шеърларга «озод шеър» (яъни, эркин шеър — М. Ю.) дейиладир. Озод шеър Олтой шеърларида таназзул шаклини олган. Ойбек энг яхши шаклларда ёзади»⁹⁶.

Адабий танқидда эркин шеърни бошқа поэтик формаларга нисбатан осон деб тасаввур қиладиган кишилар ҳам йўқ эмасди. Масалан, Анқабойнинг қарашига кўра эркин шеър усули «Техник жиҳатидан шоирлар учун унча қийин эмас. Фақат бу усулда сўзларнинг тузилиши ва тартиби тўғри келса бўлади. Эркин (вазносиз) усулда шеър ёзувчилар кўп вақт ўзларини маълум бир рамка ичида ҳисобламаганларидан сўзнинг ҳар тарафлама яхши чиқиши ва ўткир бўлишлиги устида ишлашга имконият топадилар»⁹⁷.

Эркин шеър осон бадний формаларданми? Йўқ, албатта. Бармоқ вазнида ёзилган шеърда мисралардаги ҳижола сони баробар бўлиши, мисралар охиридаги сўзларнинг қофиядош экани, бандлар (строфалар) сони ҳам тенг келиши, оҳанг бир маромда оқиши асосий шартлардан саналади. Сарбаст шеър эса ана шу қонуниятлардан четга чиқади. Бўғинлар сони бир хил бўлган вазн (ўлчов)дан, қофиялардан, бандлардан озод. Бошқача айтганда, традицион ҳисобланган компонентлар системасига нисбатан ўзини эркин тутати. Шу сабабли у эркин шеър. Ёки, шоир Миртемир таъбири билан айтганда, «нозимона шеър».

Таъкидлаш лозимки, сарбаст шеър қофия, туроқ, пауза (тўхталиб ўтиш) кабилардан бутунлай ҳоли эмас, фақат уларнинг тартиби бошқача. Бу форманинг ритмик вариантлари хилма-хил бўлиб, дафъатан назар ташлаганда, гўё ҳеч қандай тартиб йўққа ўхшайди. У истаган жойда мисраларни бўлиб ташлайдиган тарқоқ жумлалар йиғиндиси эмас. Чуқур ижтимоий мазмунни ифодаловчи, гражданлик пафоси жаранглаб турган овоз, ҳис-ҳаяжон, мисраларни уюштирувчи оҳанг

⁹⁵ Аланга. 1929. 11-сон. 7—8-бетлар.

⁹⁶ Қизил Ўзбекистон. 1929. 16 август.

⁹⁷ Ёш ёзувчи — журналистлар алифбеси. Тошкент. 1931. 52-бет.

бор. Эркин шеърда сўзларни ритмик жиҳатдан тўғри уюштириш муҳим аҳамиятга эга. «Зинапояли» қилиб ажратилган сўзларнинг ҳар бирига катта маъно юклатилади. Интонация, ритм бу шеърда катта роль ўйнагани учун уни ритмик шеър деб ҳам атайдилар. Ритм уни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Одатда шоир ўзи ифода қилмоқчи бўлган ғоявий мазмунни ритм билан узвий алоқада кўради. Эмоционалликни кучайтириш учун инверсиядан кенг фойдаланади ва «зинапоялар»га икки-уч сўзнигина эмас, ҳатто битта сўзни ҳам ажратиб таъкидлайди. Кўринадики, эркин шеър анча мураккаб санъат. Уни ўзлаштириш анча мушкул. Шакли осонга ўхшаса ҳам ўзи қийин, яъни саҳли мумтаниъ, яъни **мураккаб** содда ҳисобланадиган бу шеър Ғафур Ғуломнинг «Динамо» (1931), Ҳ. Олимжоннинг «Кўклам» (1929), Ш. Сулаймоннинг «Эрк куйлари» (1927), Миртемирнинг «Шуълалар қўйнида» (1928) каби илк шеърини тўпламларида ўзбек поэзиясига кириб, «гражданлик» ҳуқуқини олди. Адабий танқид бу жараёнга мадад берди.

Тажриба кўрсатадики, ўз ўрнида, мақсад ва мавзига мос қилиб, уқув билан ишлатилган ҳамма шакллар ҳам яхши. Шундай экан, арузни бармоққа, бармоқни сарбастга қарши қўйиш ғайриилмий ҳодисадир. Йигирманчи йиллар шеъриятида традицион формалар ва янги шакллар қаторида сочма шеърнинг (шеъринг прозанинг) Ҳамза, Ойбек, Миртемир, Ш. Сулаймон ва бошқа шоирлар ижодида қўллангани фикримизнинг далили, изланишларнинг давомидир. Сочма аниқ ва қатъий вазндан ҳоли, «қора» сўзда ёзиладиган, лекин таъсир кучи баланд шеър (наср). Сочманинг ўз қоидалари, ўз вазнлари, ҳеч ким томонидан ёзилмаган қонунлари бор. Ундаги образлар, катта вазифалар юклатилган поэтик қочириқлар шоирдан катта меҳнат талаб қилади. Сочма шоирнинг туйғу ва фикрлари тўлқинланиб, тошиб кетган вақтда ёзилади (Миртемир). Бироқ, сочма шеърят, кенгроқ олганда, поэзия доирасидан чиқиб кетмайди. Ҳамма бадий асарлар (хоҳ назм, хоҳ наср бўлсин) кенг маънода поэзия тушунчасига киргани учун сочма ҳеч шубҳасиз поэтик асардир.

Йигирманчи йилларда сочмани (шеъринг прозани) минбар адабиёти деб ҳам юритганлар. Аммо ҳамма сочма шеърлар ҳам (эҳтимол, бу соҳадаги тажрибанинг камлигидан бўлса керак) муваффақиятли чиқа берган эмас. Шунинг учун ҳам Юнус Латиф ёш ўзбек совет поэзияси ҳали етук кадрларга эга эмаслиги тўғ-

рисиди сўзлагач, янги шакл яратиш устида олиб борилаётган изланишларни қисқача характерлаб: «Шокир Сулаймон минбар адабиёти билан ўртага чиқаркан, у узундан-узоқ, кишини зериктирадиган тарзда ёза бошлади. Миртемирнинг сочма асарлари техник жиҳатдан тузук бўлса ҳам, иқтисодсизлик кучлидир»⁹⁸,— дейди.

Юнус Латифнинг айтганлари ўша даврдаги аҳволини тўғри ёритганини орадан бир неча ўн йиллар ўтгач, Миртемирнинг ўзи ҳам тасдиқлаган эди: «Мен илгари сочмада кўп машқ қилганман. Ҳозир ҳам сочма ёзишни қўйганим йўқ. Лекин йигирманчи йиллардаги сочмалар ҳозиргидай эмас. Кўпроқ тескари жумла тузишга ҳаракат қилардим у вақтларда. Гўё янгиликдай. Узлуксиз машқлардан кейин бу ожизлик эканини сезиб қолдим»⁹⁹.

Изланиш ўз луғавий маъносига кўра ҳали қўлга киритилмаган, ўзлаштирилмаган нарсаларни излаш, қидириш жараёнидир. Унинг оқибати ахтарилганни топиш ва ўзлаштириш билан тугайди. Йигирманчи йиллар ўзбек поэзиясидаги ғоявий-бадий изланишлар, мундарижанинг шаклга мослиги йўлида бўлган коллектив ҳаракат яхши натижаларга олиб келди. Аллақачондан бери хизмат қилиб келаётган аруз, миллий шеъримиз — бармоқдаги ёрқин ва ўйноқи формалар қаторида эркин шеър (сарбаст), минбар адабиёти (сочма) ва оқ шеърлар новаторлик намуналари сифатида хизмат қилди. Кейин улар традиция бўлиб қолдилар.

* * *

Йигирманчи йиллар прозаси қандай анъанавий заминда туғилиб, қандай жанрий изланишларни бошидан кечиргани ва адабий танқид унга нисбатан қандай муносабатда бўлгани тавсифига киришишдан олдин прозамизнинг ўтмишига бир назар ташлаб олиш тўғри бўлур эди. Илгариги насрий хазинамизда бизгача нималар мавжуд эди ва борлари ҳаракатда бўлганми ёки истеъмолдан бутунлай чиқиб кетганми? Буни аниқламай туриб, тўғри мулоҳаза юритиш мумкин эмас.

Ўзбек, қозоқ озарбайжон, тожик, қорақалпоқ, туркман совет адабиётларида аввало, «кичик проза» вужудга келиб, тажриба майдони вазифасини ўтади. Йигир-

⁹⁸ Ёш ленинчи. 1928. 13 июнь.

⁹⁹ Ўзбекистон маданияти. 1974. 4 январь.

манчи йилларда профессионал прозаиклар — Айний, Абдулла Қодирий, Хусайн Шамс, Зариф Башир, Зиё Саид, Элбек ва бошқалар, шу жумладан, Фафур Фулом, Шокир Сулаймон, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Собир Абдулла, Чўлпон каби шоирлар ҳам ҳикоя ёздилар.

Шу нарса таажжубланарлики, ҳикоялар ёзувчиларнинг ижодий тажрибасида синовдан ўтган ва ўқувчилар яхши қабул қилаётган бир вақтда адабий танқидда бир-бирини рад этадиган турли-туман фикрлар баён қилинаётган эди. Кейинчалик ўзи ҳам қатор ҳикоялар ёзиб кўрган Зариф Башир 1922 йили: «Европа адабиёт йўли билан бориш ўзбек адабиёти учун гоёт даражада зарар бўлғонлигидан ҳикоя ва романлар чиқиб, майдон олмасдан бурун уларнинг лозим бўлиб-бўлмағонлиқлари, лозим бўлғонда қандай йўл билан боришлари кераклиги тўғрисида мусобақа ва мубоҳаса очиб, бир қарорга келиб қўймоқ вақтли матбуотнинг вазифаларидир»¹⁰⁰, — деб ёзган эди.

Адабий жараён эса З. Башир шубҳаларига ўрин қолдирмай ҳикоячиликнинг истиқболини кўрсатаётган ва бадий ижоднинг бу формаси ҳаётга сингиб бораётганидан далолат бериб турган эди. Абдурахмон Саъдий бу мунозараларда қатнашар экан, ҳикоячиликка ижобий ёндашиб, шундай ёзди: «...Туркистон тупроғи Русия ижтимоий ўзгаришидан кейин шу оз фурсат ичида яна кўпгина шеърий кучларни қўзғатиб, тезлик билан ўстириб юборди... Кейинги 6 йиллик шеърий адабиёти (бадий адабиёт — М. Ю.) умум халқники бўлиш йўлида ўсади... Ҳикоялар ва айниқса ҳажвий ҳикоялар ёзмоқда кўп усталиқ кўрсатувчи кучли ёш инқилобий ўзбек адиби Жулқунбой (А. Қодирий) ҳам шу олти йиллик даврда ўзбек шеърий адабиётининг бу ёқдан кўтарилишида катта бир омил бўла олди»¹⁰¹.

А. Саъдий совет адабиётининг халқ оммасига яқинлашувида ҳикоя жанри алоҳида роль ўйнаётгани масаласига ҳам эътиборни жалб этади. «**Замонга, вақтга мувофиқ қисқа-қисқа синфий, инқилобий ҳикоялар**» майдонга келаётгани тўғрисида сўзлаб, Абдулла Қодирийдан кейин Мирмулла ҳикояларини характерлайди: «Бу адибнинг ҳикоялари айниқса руҳонийларга ҳам бойларга душманлик, йўқсил ва қашшоқларга, мазлумларга дўстлик ва марҳамат руҳи билан суғо-

¹⁰⁰ Башир З. Ўзбек адабиёти ҳам вақтли матбуот//Туркистон. 1922. 29 сентябрь.

¹⁰¹ Туркистон. 1924. 21 июнь.

рилгандир. Мирмулла ҳикоя ёзишда яхши усталик кўрсатадир...»¹⁰².

А. Саъдий ўзининг «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» китобида проза жанрларига таъриф беришга ва уларнинг чегараларини белгилашга интилади. Унингча, эпик асар ёки ривоя одамларнинг бошидан кечган, ҳақиқатда рўй берган воқеаларни, табиат ҳодисаларини акс эттиради. «Воқеий кўчириклар» (бўлиб ўтган ёки бадий тўқима саргузаштлар — М. Ю.) ҳикоя ва роман исми билан иккига бўлинади. Улар ўртасидаги фарқ узунлик ва қисқаликда. «Ҳикоя бир ёки бир неча айрим воқеа ва ҳолларни тасвир қилиб кўчиришдан иборат. Ҳикоялар бир қаҳрамоннинг табиатан очиб беришга эришадилар. Ҳикоялар қисқа ҳам узун бўлиши мумкин»¹⁰³.

А. Саъдий ҳикоя жанрини шу тариқа қисқача тавсифлагандан кейин ўзбек адабиётидаги дуруст ҳикояларга мисол тариқасида Абдулла Қодирийнинг «Улоқда», «Отам ва большевик», шунингдек, Чўлпоннинг «Ойдин кечаларда», «Йўл эсдалиги» асарларини, ниҳоят, Фитратнинг «Қиёмат»ини кўрсатади. Авторнинг фикрича, санаб ўтилган ҳикоялар шу жанрнинг барча хусусиятларини ўзида қамраган намуналардир.

Фитрат ҳам «Адабиёт қондалари»¹⁰⁴ номли назарий характердаги ўқув қўлланмасида санъат ва адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, шакл ва мундарижа, услуб (стиль), шеърӣй вазнлар, фольклор ва ёзма адабиёт масалалари қаторида адабий жанрларга тўхтаб, ҳикоя тўғрисидаги мулоҳазаларини айтади. Муаллиф совет адабиёти учун илгариги баён услуби мувофиқ келмай қолгани тўғрисида гапирар экан: «эски ёзувчиларимиз асарнинг бирлигини сақламоқчи бўлиб жуда ифротга тушар эдилар (тасвири ҳаддан ошириб юборар эдилар — М. Ю.). Бир ҳикоя ёзғонда «аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осон андоқ ривоят қилурларким...», — деб ҳикоя қаҳрамонининг туғилиши кунидан бошлаб ўлимига қадар бўлиб ўтган воқеаларни бир йўсинда бир турли қилиб қаторлаб тизар эдилар... Бундан қочмоқ учун ҳикоя, роман, дostonларни турли кўринишлар, янги-янги фаслларда тузиш лозимдир»¹⁰⁵.

¹⁰² Уша жойда.

¹⁰³ Амалий ҳам назарий адабиёт дарсликлари (ўрта мактаблар учун дарслик). Тошкент. 1924. 153-бет.

¹⁰⁴ Фитрат. Адабиёт қондалари (адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун қўлланма). Самарқанд — Тошкент. 1926.

¹⁰⁵ Уша жойда. 10-бет.

Олим Шарафиддинов: «Ўзбек адабиётида ғарб руҳидаги, ғарб шаклидаги ҳикоянавислик Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и билан бошланади»¹⁰⁶,— дер экан, кичик ҳажмдаги прозанигина назарда тутмай, кенг маънодаги қиссахонлик, воқеагўйлик усулини кўзда тутди. Ёзувчи традицион нақлчилик усулини четлаб ўтиб, давр тақозо қилган янги йўлдан борганини таъкидлайди.

Сотти Ҳусайн ёзади: «Ҳикоя турмуш ҳодисаларининг бирортасини тасвирлаб беради»¹⁰⁷. Йигирманчи йилларда адабиёт назарияси яхшироқ ишланмагани ва адабий танқид ва адабиётшунослик жанрлар хусусида умумий тўхтамга келмаган бўлишига қарамай, ўша йиллар савиясига кўра, ёзувчи ва ўқувчиларни чалғитадиган нотўғри фикрлар айтилмаган. А. Саъдий кичик ҳажмли эпик прозани «қисқа ҳикоя» деган бўлса, Фитрат ҳикояни ривоядан ажралиб чиқиб бир воқеани, ҳаётнинг биргина ҳодисаси ё бир киши саргузаштини тасвирлайди, деб кўрсатган ва С. Ҳусайн ҳикоя турмуш ҳодисаларидан бирини тасвирлайди, деган бўлса, уларнинг ҳар бири ибтидоний фикрлар бўлишига қарамай, хато эмас.

Биз шу давр матбуотини варақлар эканмиз, «бўлгон ҳикоя», «воқеий ҳикоя», «воқеий кичкина ҳикоя», «ҳикоя тарзида», «ҳикоя йўсинида», «махзун бир ҳикоя» каби, гўё шу жанрнинг ҳажмини, темасини, мазмунини аниқловчи ифодадаларга дуч келамиз.

Бу — ўша вақтда танқидда кичик насрий асарга таъриф топиш йўлидаги изланишларнинг аломатидир.

Октябрдан кейинги ўзбек ҳикояларида инсон тақдирига янгича ёндашиш, шахс ва жамият орасидаги муносабатларнинг ўзгаргани, шароит ва характер алоқалари ўз ифодасини топган. Газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилиниб турган ҳикояларнинг бош қаҳрамони янги совет кишиси ва унинг инқилоб ғалабаларини мустаҳкамлаш йўлидаги жанговар кураши эди. Ҳикоянавислар эскилик билан янгиликнинг ҳаётмамот жангини, социализм идеалларининг ёрқин истиқболини кўрсатишга ўзларини сафарбар деб билдилар. Енгаётган социалистик воқелик уларга битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек адабиётида ҳикоядан кейин майдонга келиб, шакллана бошлаган (адабиётшуносликда ўртача про-

¹⁰⁶ Ёш Ленинчи. 1928. 8 февраль.

¹⁰⁷ Ҳусайн С. «Ўтган кунлар» ҳам ўтган кунлар//Шарқ ҳақиқати. 1929. 5 август.

заник эпик жанр деб юритиладиган) жанр **повестдир**. Агар повесть учун характерли белгиларни хотирга келтириб туриб, қадимдан адабиётимизда ишлатиб келинган **қисса** истилоҳига қиёс қилиб кўрсак, улар ўртасидаги ўхшашликни илғаб олиш қийин эмас. Худди бурунги (XII—XIII асрлардаги) рус термини «повесть» кенг маънога эга бўлиб, умуман айтиб бериш, сўзлаб бериш мафҳумларини ифодалагани сингари, қисса ҳам бизда узоқ давом этадиган саргузаштларни айтиб беришни, нақл қилишни назарда тутган. Рус адабиётидаги «Повесть временных лет», «Повесть о нашествии Батыя на Рязань» каби асарларни тилга олганда, хаёлимизга «Қиссаи Рабғузий», «Қиссаи Сайфулмулк»лар келади. «Повествователь» ва «қиссахон» сўзлари ҳам эгизакдек туюлади.

Алишер Навоий «Сабъан сайёр»да устозларининг Баҳром тўғрисидаги дostonларида етти иқлим подшоҳининг қизларини унга афсоналар айтиб берганларини ғайритабиий ҳисоблаб, «Қиссахон қизлари магар эдилар?» — дейди.

Қисса ва қиссахон сўзлари кейин ҳам кўп қўлланган.

Баъзи фактлар повесть адабий жанрнинг номи сифатида асримизнинг бошидаёқ маълум бўлганини кўрсатади. Масалан, Сирдарё область ҳарбий губернаторлиги томонидан Абдулла Авлонийга «Шуҳрат» газетасини чиқариш учун 1907 йил 9 ноябрда алоҳида рухсат—гувоҳнома берилади. Гувоҳномада ҳафтада бир бор чиқарилиши мўлжалланган газетанинг программаси (ёритилажак материаллари) тасдиқланганда адабий маҳсулотлардан фельетон, **повесть**, ҳикоя ва шеърлар, шунингдек, адабиётга оид танқидий ва библиографик мақолалар босилиб туражаги айтилади¹⁰⁸. Биз ана шу ҳужжатга қадар повесть сўзини матбуотда учратмаймиз.

Ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари йигирманчи йилларнинг биринчи ярмидаёқ повестга ўзлари тушунганча таъриф беришга уриниб кўрадилар. Бунинг сабаби бадий тажрибада (ўтмиш ва ҳозирги замон мавзуида) юзага келган ҳамда повесть тушунчасига кирадиган Ҳамзанинг «Янги саодат» (1915), «Учрашув» (1916), Айнийнинг «Хонадони хушбахт» («Бахтиёр оила», 1917), «Бухоро жаллодларининг ўзаро мусоҳа-

¹⁰⁸ А. Авлонийнинг ЎзССР Социал-таъминот министрлигига сақланаётган «Шахсий пенсионерлар»нинг 1942 рақамли делоси.

балари» (1922), «Одина» (1924) асарлари ва улардан кейин яратилган «Ҳайит ҳаром бўлди» (Боту), «Кулбобо» (Айний) ва бошқа қатор адабий фактлар эди. «Янги саодат», «Бахтиёр оила» ва «Бухоро жаллодлари» бир томондан каттароқ ҳажмли замонавий реалистик проза — повесть яратиш йўлидаги янги ҳодиса бўлса, иккинчи томондан баён услубидаги баъзи жиҳатлар ва умумий мазмундаги дидактикага мойиллик билан ўтмиш анъаналарига бориб уланади. «Одина» бош қаҳрамон тасвиридаги руҳий маъюсликдан қатъи назар автор ижодидаги янги ютуқ эди.

А. Саъдий тушунчасида повесть — «роман даража-сида катталиқ ололмаган узун ҳикоя»¹⁰⁹дир. Элбекнинг «Қушчи Турғун» (1925) асарини Фитрат ҳам узун ҳикоядир¹¹⁰,— дейди. Маълум бўладики, кекса авлодга мансуб танқидчи ва адабиётшунослар повесть таъбирини кам қўллайдилар. Сотти Ҳусайн «Ўтган кунлар»га бағишланган мақолалар туркумида (бу мақолалар кейин қайта ишланиб, алоҳида китоб ҳолида нашр этилган) повесть ҳажминини белгилаган бўлиб, ёзади: «Повесть ҳикоядан юқори, романдан кичик бўлиб, ҳодисаларнинг ҳикояга қараганда катта расминини олади»¹¹¹.

Келтирилган фикрлардан повесть деганда ҳикоя билан роман оралиғида турган, тасвир объектив бўлган воқеалар ҳикояга нисбатан кенгроқ ва персонажлар сони кўпроқ жанр англашилади. Лекин «узун ҳикоя» таъбири жанрнинг сюжет доирасини белгилай олмаган. Зотан, бу мураккаб масала эди. У даврни қўя турайлик, повестнинг ҳажми ҳамон мунозараликку. Агар адабиётлар тарихига назар ташласак, ҳатто санъаткорларнинг ўзлари ҳам асарларининг жанрини белгилашда иккиланган ёки аслидан бошқачароқ ном билан атаган вақтлари бўлган.

Масалан, А. С. Пушкин 1822 йил 29 апрелда Н. И. Гнедичга ёзган хатида «Кавказ асири»ни нашр этишни ундан илтимос қилар экан, асарга хоҳлаган номни қўйишга — поёмами, шеърин эртакими, повести деб аташга ижозат беради. «Белкин повестлари»ни новелла жанрига киритиш мумкин бўлгани ҳолда Пушкин повесть сўзини қўллади. Эпопея характеридаги «Клим Самгиннинг ҳаёти»ни М. Горький «повествование» деб

¹⁰⁹ Амалий ҳам назарий адабиёт дарсликлари. 153-бет.

¹¹⁰ Адабиёт қондалари. 116-бет.

¹¹¹ Шарқ ҳақиқати. 1929. 5 август.

номлайди. Кўринадик, санъаткорлар ҳар қайси жанрнинг ўзига хос хусусиятларини, худди адабиёт назариясидаги сингари, қатъий ҳисобга олиб ўтирмаганлар.

«Ўзбек «кичик проза»сининг бошланғич манбалари ҳозирги терминология билан алоқадор бўлган ривоят (ривоят), ҳикоят тушунчалари эканини, бугунги повестга яқин қисса сўзи ишлатилганини айтдик. Хўш, романи ифодаловчи аниқ бир таъбир бўлганми? Маълумки, Европа ва рус адабиётидаги каби умумлашган бир атама бизда бўлмаган. Бундан инқилобгача бўлган ўзбек, тожик, туркман адабиётларида катта эпик асарлар учун характерли бўлган архитектоника (бадий обидаларнинг таркибий қисмлари — композиция, образлар системаси, ҳаётий жараёни кўрсатувчи уларнинг муносабатлари, воқеалар силсиласи, эмоционал тасвирий воситалар ва бошқа элементларни бирлаштириб бир бутун қилиб турувчи тузилиши маълум эмасди) деган хулоса келиб чиқмайди.

Катта ҳажмли эпик асарларнинг тадрижий тақомилдиққат билан кузатилса, бу борада ҳам муайян илдишлар борлигини пайқаш қийин эмас. Ёзувчи Асқад Мухтор айтганидек, «Биринчи ўзбек романлари қаердан пайдо бўлди? Гарчи яширин имкониятлар ҳолида бўлса-да, қандайдир традициялар бўлганми? Шубҳасиз бўлган... Масалан, ўзбек эпосида «роман» жанрига хос кўп планлилик, халқ ҳаракати, оммининг тақдири, кучли характерлар, турмушнинг кенг манзараси, мураккаб сюжет чизиқлари, прозаик тафсилотлар, деталлаштириш сингари асосий компонентлар бўлган»¹¹².

Дарвоқе, халқ оғзаки бадий ижодининг ўлмас намуналари «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Ширин билан Шакар», «Зулфизар ва Авазхон»ларнинг ҳар бири бир эпик асар бўлиб, уларда романга мансуб кўп хусусиятлар мавжуд. Ёки Навоий дostonларини олайлик. Биз уларни сўз орасида кўпинча «шеърый роман» деб айтганимиз-ку! Демак, «шеърый роман» мафҳумини қўллаганда, биз асосан, «Хамса»даги дostonлар фақат шеърый асарларгина эмас, балки айни бир вақтда идеалдаги романтик воқеаларни, шунингдек, шоирнинг ўзи гувоҳ бўлган реал воқелик ҳамда одамларни романда тасвирлагандек кенг планда ва мураккаб ҳаётий коллизияларда тасвирлашини кўзда тутамиз. Демак, Навоий ижодида ҳам «роман тафаккур» унсурлари мавжуд.

¹¹² Асқад Мухтар. О молодежи и традициях//Звезда Востока. 1960. № 3. С. 110.

Маълумки, Белинский романи «янги замоннинг эпоси» деб атаган. Романнинг жанр сифатида ўз спецификасини рад этмаган ҳолда, бизнинг қадимий қисса ва достонларимизда романга хос кўпгина хусусиятлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас.

Ўзбек адабиётида XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида диққатга сазовор бир янги тенденция сезилади. Форс-тожик тилидаги тарихий йилномалар, баъзи тазкиралар, айрим бадний асарларни ўзбек тилига таржима қилиниш жараёнида оригиналдаги ифода мураккаблиги ва тасвирдаги тумтароқлик ўзбекчасида анча соддалаштириб, сингишли қилиб берилади. Навоий достонлари ва бошқа катта достонларни проза йўли билан қайтадан ёзиш, тўғрироғи, ихчамлаштириб прозага кўчириш ҳодисалари учрайди. Бизнингча, бу назмни насрга айлантирувчи мусаннифларнинг шахсий ташаббуси натижасигина бўлмай, давр талаби ҳам эди. XVIII—XIX асрга келиб ўзбек адабий тилининг ички тадрижий тақомилида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Олдинги асрларга нисбатан тилдаги араб-форс элементлари камайиб, туркий тил халққа яқинлаша бошлади.

Навоий ва ундан кейинги давр шоирлари асарларининг тили XIX аср охири ва XX аср бошларидаги оддий китобхонларга оғирлик қилиб қолди. Соддалаштирилган насрий тил эса аҳолининг турли қатламларига осон тушунилар эди. Бинобарин, Хоразм шоири Умар Боқий «Ҳайратул аброр»дан бошқа достонларни «Қиссаи Фарҳод ва Ширин», «Қиссаи Лайли ва Мажнун», «Қиссаи ҳафт манзари Баҳром» номлари остида «авомуннос (оддий халқ — М. Ю.) ҳам баҳра олармикин», — деган ниятда насрий баён қилади. Ҳеч шубҳа йўқки, бундай тажрибалар катта ҳажмдаги прозага хос билим ва малакаларни оширишда, романга тайёрлик кўришда ижобий роль ўйнаган.

Ўзбек совет адабиётида «роман» сўзини бадний прозанинг бир шакли тарзида биринчи марта Ҳамза Ҳакимзода ишлатади. Аввалги саҳифаларда тилга олганмиз «Янги саодат ёхуд миллий роман», яна «Ишқ» номли роман шундан далолат беради. Ўз-ўзидан тушунарлики, бу «роман»лар янги даврда қатъий бир термин сифатида қабул қилинган жанр талабларига (яъни алоҳида шахслар тақдири орқали тасвирланадиган ва ижтимоий қимматга эга бўлган воқеаларнинг бўлиши, кўп планлилиқ, кучли характерлар тўқнашуви, конфликтлар кескинлиги, образларнинг руҳий ҳолатини

реалистик равишда кўрсатувчи чуқур психологизм, ҳаётнинг муайян даврдаги кенг манзараси чизилиши, миллий хусусиятларни ёрқин акс эттириш орқали умум-башарий аҳамиятга эга томонларни очиш ва бошқаларга) ҳали тўла жавоб беролмасди. Улар кўпроқ оилавий-маиший ҳаётни ва янгича муҳаббат (Назокат ва Олимжон севгиси ва оила қуриши) саргузаштларини ижтимоий масалаларга боғлашга ҳаракат қилган ҳолда тасвирлаган.

«Янги саодат»га «Миллий роман» деб сарлавҳа қўйган Ҳамзанинг ўзи асарнинг сўз бошида уни рисола деб атайди: «Бу **рисола** мактабга махсус бўлмай, балки қора халқимизнинг эр ва хотинлари орасида ўқилиб турган... хурофий ва ахлоқни бузадиган асоссиз китоблар ўрнига қўйилган». Китобхонларга ва «соҳибут таҳрир»лар, «вал қалам қоръинлар»га мурожаат этиб, рисолада учрайдиган ифода ва услубдаги нуқсонларни «лутф-шафқат юзасидан» кўрсатишларини илтимос қилади: «Чунки бу рисоланинг иккинчи таъбирида ёхуд қўлимда ёзилиб турган ва ёзилган рисолаларимни нуқссиз ўлмоғига шояд сабаб бўлур эдилар...»¹¹³,— дейди. Келтирилган фактлардан маълум бўладики, Ҳамзада роман ёзишдек катта мақсад бўлгани ва бу ишга амалий равишда киришгани ҳолда истилоҳ тўғрисидаги фикри қујулиб етмаган ва бу жанрнинг барча талабларини мукаммал тасаввур қила олмаган.

Роман жанрини рус ва Европа реалистик романлари маъносида тўла тасаввур қилган ва ёзган асари ана шу жанр хусусиятларини ўзига қамраб олган ёзувчи ўзбек романининг отаси Абдулла Қодирий бўлди. У биринчи ўзбек реалистик романи «Ўтган кунлар»га ёзган кириш сўзида деган эди: «...Ёзмоққа ниятланганим ушбу — «Ўтган кунлар» **янги замон романчилиги** билан танишмоқ йўлида кичкина бир тажриба»¹¹⁴. Бу «кичкина тажриба» оқибатда фақат ўзбек прозаси учун эмас, Ўрта Осиё ва Қозоғистон реалистик романчилиги учун дастлабки ибрат мактаби бўлиб қолди. Ҳар ҳолда, «Ўтган кунлар», биринчи навбатда, «Ўзбек адабиёти, санъати ва маданияти тарихида тўнғич новаторлик ҳодисаларидан бири, чин янгилик, ҳақиқий «янги сўз» эди. Абдулла Қодирий ўзининг бу асари билан реализм йўлида «довон ошади» ва унинг ижодида бундан кейин

¹¹³ Ҳамза Ҳакимзода. Янги саодат ёки миллий роман (1915). ЎзССР ФА Шарқшунослик институти. Ҳамза фонди. инв. № 7628. 2-бет.

¹¹⁴ Инқилоб. 1923. 9—10-сонлар. 19-бет.

бўлган ҳамма ижобий ўзгаришлар шу «Ўтган кунлар»да реализм методини эгаллаш юзасидан эришган ютуғининг ривожига бўлиб қолади»¹¹⁵.

Бадий тажрибада роман жанри ўзбек адабиётида гражданлик ҳуқуқи олгандан кейин адабий танқид ва адабиётшунослик намоёдалари «Роман нима?» деган масала атрофида фикр юрита бошладилар. Билдирилган фикрлар қанчалик содда, ибтидоий бўлишига қарамай, романнынг асосий ташқи белгиларини аниқлаш хоҳиши сезилади. Танқидчи ва адабиётшунос Абдурахмон Саъдий ёзади: «Роман ҳикоядан кўп узун, кенг, тўлиқ ҳам унда тасвир этилган воқеалар кўп қатламлик бўладир. Романларда қаҳрамоннинг бутун умридаги ёки умрининг кўп улушидаги воқеа ва ҳоллари ўзининг теграсидаги кишилари билан тасвир қилинади. Уларда бош қаҳрамоннинг эргашувчилари ҳам бўлади...

...Роман бир жамоадаги кишиларнинг ҳамма қатламларининг турмушини суратлантирадир. Қисқаси, ул бир ёки бир қанча қаҳрамон орқали бир жамоадаги чин турмушни олишга интилади. Мана шунинг учун роман тафсилий бўладир...»¹¹⁶.

Автор, аввало, романнынг ҳажминини аниқлаб олади. У узоқ ҳикоя қилишга мўлжалланган, кўлами кенг, воқеалар системаси тасвирида кўп планлилик мавжуд бўлган катта эпик асар, дейди. Кейин романнынг сюжети бош қаҳрамон саргузаштлари атрофида ривожланиб, қаҳрамон характерининг товланишида «унинг теграсидаги кишилар»нинг роли ҳам борлиги, роман тафсилий асар бўлганидан унда жамиятдаги кўпчилик ижтимоий табақа вакиллари ҳаёти ҳам акс этажagini, у албатта «чин турмуш» — реалистик ҳаёт бўлиши лозим экани таъкидланади.

А. Саъдий романлар мавзуи ва мундарижасига кўра ҳар хил: реалистик, фантастик, психологик, тарихий бўлади дер экан, айни вақтда улар воқеликнинг фотографияси, балки ёзувчи идроки ва илҳоми орқали сузиб берилган, аслидан фарқ қиладиган эмоционал воқелик тарзида баҳолайди. Агар роман ҳаётдан нусха кўчирса, воқеалар ҳам, шахслар ҳам «фотограф олган расмлар даражасида бир қимматга молик бўлур эди. Шунинг билан бирга романнынг санъаткорлиги ҳам бўлмас

¹¹⁵ Иzzат Султон. Асарлар. Тўрт томлик. 2-том. Тошкент. 1972. 364-бет.

¹¹⁶ Саъдий Абдурахмон. Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари. 153—154-бетлар.

эди»¹¹⁷. Романнавис ҳаётни бўямасдан тасвирлаб, ижобий, етакчи тенденциялар қаторида салбий ҳодисаларни ҳам тасвирлаши ва уларни ишонарли қилиб кўрсатиш учун тип яратиши керак ва ҳоказо.

А. Саъдийдан бир оз кейин бошқа адабиётчилар ҳам роман баҳсига қўшилади. Унингча: «Ҳаётнинг белгили бир даврини кенг суратда тасвир этиб ёзилган асарга роман дейилади... Романда асарнинг қаҳрамони ё қаҳрамонлари қайси замонда, қайси муҳитда, қайси жамиятда яшаган бўлсалар, шуларнинг урф-одат, қонун, тилак, ҳавас-орзу, камчилик, ахлоқ-этиқодлари ингичка ҳам кенг суратда тасвир этилади... Адабиётнинг энг оғир ва энг қийин шуъбаси ҳам роман ёзмоқдир»¹¹⁸.

Келтирилган кўчирмадан шу нарса аёнки, муаллиф романини жуда қисқа таърифлайди. Унинг ҳажми катта экани, қаҳрамонлари бирдан ортиқ бўлиши мумкинлиги, улар конкрет замон, жамият ва муҳитда кўрсатилиши шарт экани, ниҳоят, жамият аъзоларининг ҳаёт асослари, урф-одати, идеали чуқур акс эттирилган бўлиши шартлиги айtilган, холос.

Игирманчи йилларнинг охирига келиб Сотти Ҳусайн «Ўтган кунлар»ни анализ қилиш жараёнида прозаик жанр сифатида роман бошқа адабий асарлардан нима билан ажралишини тушунтиришга ҳаракат қилади: «Роман ўзи нима?.. Шеър, ҳикоя, повесть ва ҳоказолар каби роман ҳам адабиётнинг бир навидир. Романчилик адабиётда жуда эркин бўлиб, ўз ичига бошқа адабий жанрларни ҳам олади... Роман ўзининг олдига аҳамиятли ижтимоий бир масалани қўйиб ҳал қилади. Ёки бирор даврни ўз ичига олиб, қўйган мавзунинг мазмунидан четлашмасдан, уни кенгайтириб-кенгайтириб, натижада бир бутунликка олиб чиқади»¹¹⁹.

С. Ҳусайн давом этиб, роман воқеаларини ҳикоя қилиб ўтирмай образлар орқали кўрсатади, айниқса, образларнинг «руҳий кечинмалари ва сезгилари»нинг тасвирланиши китобхон учун «катта аҳамиятга моликдир»,— дейди. Унингча, қаҳрамоннинг «бошидан кечиражак, руҳий ҳолатлари бирор синфнинг ёки айрим ижтимоий гуруҳнинг руҳини англатади». Романчиликда йўллар, усуллар турлича бўлиб, улардан фойдаланиш ёзувчининг дунёқараши ва режасига боғлиқ. Танқидчи

¹¹⁷ Уша асар. 154-бет.

¹¹⁸ Адабиёт қондалари. 117-бет.

¹¹⁹ Ҳусайн С. Ўтган кунлар. Тошкент—Баку. 1931. 510—111-бетлар.

романлар мавзуига ва материал мазмунига қараб психологик, социал-маиший, ижтимоий турларга бўлинишини айтади.

С. Ҳусайн «Ўтган кунлар» муносабати билан тарихий роман устида ҳам гапиради: «Тарихий роман деб нимага айтамиз? Маълумки, тарихий романчилик умуман романчиликдан жуда ажралмаса-да, қисман фарқ қилади. Тарихий романининг ёзувчиси ўзи яшаб турган вақтдан узоқ ўтмишдаги тарихий ҳодисалардан олиб ёзадир... Баъзи романлар тарихий ҳақиқатларга яқинроқ ёндашсалар-да, баъзилари узоқ бўлади»¹²⁰.

«Бундан ташқари,— дейди танқидчи,— адабий асарлар объектив ва субъективга бўлинади». Агар роман навис айтмоқчи бўлган бадий мақсадини ҳақиқатга яқин ва ишонарли қилиб тасвирласа — объектив, ўз идеаллари ҳақиқатга яқинми ё узоқми эканига эътибор бермай ёза берса — субъективдир. С. Ҳусайн шу фикрлардан келиб чиқиб, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»-да буржуа тарихчиси Ж. Зайдонга эргашиб, тарихни идеаллаштириб, субъектив равишда тасвирлайди, деб ноҳақ айблайди.

Рисолада ёзувчи тарихий воқеаларни кўрсатишда тарихчи бўлиб кетади, дейилади-ю яна шу ернинг ўзида тарихий воқеаларни айнан кўрсатмаганлиги айтилади. Романда иштирок этувчи кишилар танқидчи наздида образ эмас, «асосан бир-бирига қарши қўйилган идеаллар»дир. Унга образлар, жойлар, нарсалар тасвиридаги (бадий асарнинг муҳим шарти бўлган) деталлаштириш ёқмайди. Аммо ёзувчининг «тасвир қуввати кучли» бўлиб, ўқувчида «ҳаяжонли туйғулар қолдириши»ни, табиат тасвири, тили жозибадор эканини тан олмасликка иложи қолмайди.

Шунга қарамай, романининг оригиналлигини шубҳа остига олади: «Абдулла Қодирийнинг биринчи тажриба... тарзида ёзган романи бу қадар янгилик билан майдонга чиқуви қизиқ бўлиб кўринади. Биринчи марта ёзилган ва ўзбек адабиётида биринчи кўринган «Ўтган кунлар»ни бундайин ишланган приёмларда ёзилган бўлуви учун ўқувчиларимиз таҳсил қилишади...»¹²¹. С. Ҳусайн тушунтиришича, ёзувчи Европа романларини ўқиб, техникасидан фойдаланган, Ж. Зайдон таъсирида бўлган, приёмларини ўрганган, тақлид қилган. Бошқача қилиб айтганда, Сотти Ҳусайн ўзбек адабиётида роман

¹²⁰ Уша жойда. 12-бет.

¹²¹ Уша жойда. 76—77-бетлар.

жанри туғилганини тан олади (романга бутун бир туркум мақолаларнинг бағишланиши бу ҳодисанинг катта аҳамиятга эга эканини кўрсатар эди), аммо бу воқеага муносиб баҳо беролмайди.

Миён Бузрук романга бутунлай бошқача ёндашади. Унинг фикрлари ҳақиқатга анча яқин. «Ўзбек янги адабиётининг ҳали йўртмачоқ ҳолда бўлганини айтишга ҳожат ҳам йўқ. Айниқса романчиликда ҳеч бир турли ҳозирлиги ва тажрибаси йўқдир. Ўзбек адабиётида роман жиҳатидан таржимачилик ҳам сўнг замонгача бошланмаган эди... Демак, янги адабиёт табиатни тасвир қилувчи асрий романчиликда (Европа тилидаги романчиликда — М. Ю.) ҳеч ҳозирлик, ҳеч тажрибаси бўлмаган эди. Ўзбек адабий вазияти бу даражада бўлган замонда Жулқунбойнинг оригинал бўлган «Ўтган кунлар» романи чиқди...»¹²².

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» ва ўтган кунлар танқиди устида баъзи изоҳлар»¹²³ номли мақоласида С. Ҳусайн танқидида ноўрин айтилган қатор жиҳатларга жавоб беради. Адаб муомаласига риоя қилган ҳолда, ўзига «ғариброқ туюлган бир неча нуқталар устида изоҳлар» берар экан, тасвир услуби билан алоқадор бўлган ва танқидчи айблаган «дидактика усули» масаласига тўхтайди. «Бунинг сабаби: «Ўтган кунлар»нинг оммамизнинг савиясига қараб ёзилишидадир». Дурустроқ маълумотга эга бўлган халқ оммаси ўрта аср услубида ёзилган «достон ва ҳикоялар билан озиқланиб» келганини ҳисобга олиб, Европа ва рус романларига хос «сўнгги приём»ни тўла қўлламаганини айтади ёзувчи. ««Чойхонада ўтирган таниш бир деҳқондан, — деб ёзади Абдулла Қодирий — «Мулла ака, шу Кумуш бибининг китовини («Ўтган кунлар»ни демоқчи) хўб ёзгансиз-ку, бироқ баъзи ерида гапни худди чови аралаш ушлайсиз-да, тушуниб олгунча энка-тенкамиз чиқади-да!» — деб «сўнгги приём»дан шикоят қилганини эшитган эдим».

Демак, халқ кўпдан ўзига таниш ва тушунарли бўлиб қолган «ровийлар андоқ ривоят қилурларким...» тарзидаги баён услубига ва воқеалар кўчимидаги: «Бу ҳодисотлар баёни шу ерда турсин, эндиги гапни фалончидан эшитинг...» каби сюжетдаги эпизодларни улайдиган изоҳларга ўрганиб кетганидан тўғридан-тўғри баён ғайритабиий туюлган. Буни аввалдан ҳис этган

¹²² Шарқ ҳақиқати. 1929. 1 апрель.

¹²³ Шарқ ҳақиқати. 1929. 12 ноябрь.

Абдулла Қодирий «... бир фаслни тамом ташлаб ўтар эканман, «фалон ҳолни бундан сўнгги фаслларнинг бирида ўқирсиз» каби сўз билан ўқувчига таъминот бериб қўйишгача мажбурият сезар эдим»¹²⁴, — дейди.

Шу тариқа янги давр реалистик романчилиги ўзининг илк босқичида анъанавий тасвир услубидан мутлақо воз кечолмай халққа яқинлашган. «Сўнгги приём» эса секин-аста етакчи мавқени эгаллаган.

«Ўтган кунлар» ўзбек адабиётида Европада тушунилганидек, ҳақиқий реалистик роман бунёдга келганининг далили эди. Адабий танқидда шу ҳақиқатнинг тасдиқ топиши танқид жанрининг анча балоғатга етгани аломатидир.

* * *

Ўтмишда ўзбек адабиётида ёзма реалистик драма тажрибаси бўлмагани бу турнинг совет давридаги шаклланиш жараёнида бир қатор қийинчиликларни туғдирди. Ўзбек совет драматурги сахна санъатини эгаллаш учун дастлаб драма техникасини билиши, замонавий мавзулардаги ҳаётнинг муҳим проблемаларини томошабин ҳукмига олиб чиқиши, кучли характерлар тўқнашувидан юзага келадиган кескин конфликтлар яратиши, мантиқан бир-бирига уланадиган, сахнадаги воқеаларни ҳаракатга келтириб турувчи диалог ўйлаб топиши, қаҳрамонларнинг психологик кечинмаларини бериши, ягона талабга жавоб берадиган сахна тилини ишлаши зарур эди. Драманинг таркибий қисмлари ҳисобланадиган бу компонентлар илгари бизда ишланмагани туфайли нотаниш йўллари босиб ўтишга тўғри келди. Бу борада, биринчи навбатда, рус классик ва совет драматургияси, шунингдек Европа драматургияси ёрдамга келди. Улардан кўпгина асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб сахнага қўйилди.

Маълумки, ўзбек халқи драматургияси асрлар давомида, ҳатто XX аср бошларигача озки пьесалар шаклида ҳукм сурди. Бироқ ислом идеологияси ўз ҳукмронлиги давомида театр санъатининг ривожланишига ғов бўлиб келди. XIX асрнинг охирларида ўлкада рус фуқаросининг кўпайиши Туркистонда театр труппаларининг пайдо бўлишига, Тошкентда биринчи профессионал театрнинг (1877) ташкил этилишига сабаб бўл-

¹²⁴ Уша жойда.

ди. Иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар, маърифатпарварлик ғоялари билан майдонга чиққан жадидлар ғоявий позициясидаги ёзувчилар ҳаракати европача драматик асарларнинг пайдо бўлишига олиб келди: Масалан, Бехбудийнинг «Падаркуш» (1911—1913) пьесаси бу соҳадаги биринчи асар...»¹²⁵ ҳисобланади.

Шундан кейин Ҳамза, А. Бадрий, Нусратулла Қудратулла, Абдулла Қодирий, Ҳожи Муин, Абдулла Авлонийлар қатор саҳна асарлари яратиб, ўз имкониятларини синаб кўрдилар. Айниқса, Ҳамза профессионал драматург сифатида замонавий ва тарихий мавзуларда пьесалар ёзишни давом эттирди ҳамда драматургияга асос солди.

Ўзбек драматургияси ривожининг Ҳамзадан аввалги ва Ҳамза гувоҳ бўлган босқичида «Падаркуш» (Бехбудий), «Бахтсиз кув» (А. Қодирий), «Мазлума хотин» (Ҳожи Муин), «Заҳарли ҳаёт» (Ҳамза), «Финак» (Авлоний) сингари асарларда маърифатпарварлик ғоялари ташвиқ қилинади ва турли кўринишдаги жаҳолат, диний фанатизм танқид қилинади. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу пьесалар ғоявий-бадий жиҳатдан қандай нуқсонларга эга бўлмасинлар, ўзбек драматургиясининг сўнгги ривожига туртки бўлиб хизмат қилдилар.

Ўзбек совет адабиётининг илк даври ва йигирманчи йиллар театр санъатининг жонланиб кетган даври ҳисобланади.

Драматургиянинг туғилиши ва ривожини адабий танқиднинг маълум даражада эътиборига сазовор бўлди. Бу даврдаги вақтли матбуот саҳифаларида рус ва бошқа қардош халқлар адабиётида шуҳрат топган спектакллар Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда кўрсатилганидек, маҳаллий авторларнинг пьесалари ҳам саҳналаштирилгани системали равишда ёритиб берилди. 1919, 1923 ва 1925 йиллари кўрсатилган У. Ҳожибековнинг «Аршин мололон» опереттаси; 1920 йили «Турон» саҳнасига қўйилган Урдубодунинг «Андалуснинг сўнгги кунлари», шу йили татаристонлик артистлар олиб келган «Хўжа ва приказчик» комедияси; 1923 йили Қозондан келган труппа томонидан ўйналган К. Тинчуриннинг «Сўнган юлдузлар» пьесаси ҳамда Хуршид таржимасида саҳналаштирилган Ҳусайн Жовиднинг «Шайх Санъон»и; 1926 йили Москва артистлари ижросида томошабинларга ҳавола этилган «Ревизор» ва

¹²⁵ Ўзбек Совет Энциклопедияси. Тошкент. 1973. 4-том. 124-бет.

бошқа ўнлаб театр томошалари ўша давр маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Булар кетидан ўзбек совет драматургиясининг оригинал асарлари майдонга келди. Бу йўлда ҳозирги замон драматургияси ва сахна санъати устаси Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» ҳамда бошқа асарлари, айниқса унинг умумий фаолияти ғоят катта роль ўйнайди. 1939 йили танқидчи Сотти Ҳусайн шундай ёзган эди: Ҳамза «театрни кенг халқ оммасига тез яқинлаштириш учун ўз асарларида кўпроқ ўзбек халқ театри материалларидан халқ ўйинлари, қизиқчилик, ажойиб эртаклардан кенг суратда фойдаланди... Оғир сахна шароитида режиссёр, актёр, ёзувчи бўлиб ишлади. Ҳамза социалистик реалистик, революцион романтик хусусиятларни, бошланғич даражада бўлса-да, бирлаштира олган ёзувчидир... Ҳамзанинг сахна тили бобида биринчи марта қилган ишлари ҳозиргача ўз қимматини сақлайди...»¹²⁶.

Иил сайин кўпайиб бораётган сахнавий адабий маҳсулот танқидий мулоҳазалар учун бой озиқ берар эди. Навбатдаги вазифа драматургия жанрларининг асосий белгиларини аниқлаб олиш, уни ижтимоий-тарбиявий бурчи ва ғоявий эстетик аҳамияти томонидан баҳолаш, тажрибада рўй бераётган хатоларни тузатишга ёрдам бериш, ютуқларни қўллаб-қувватлаш эди.

Ўзбек драматургияси ривожининг илк босқичида яна бир танқид — «оғзаки танқид» ёки (ҳозирги кунларда адабиётшуносликда ишлатилаётган термин билан айтганда) «жонли танқидий практика» катта роль ўйнади. Бу танқид кўпинча ташкилий шаклларда рўёбга чиқади (асарларни ўқиб муҳокама қилиш, репертуарни комиссиялар орқали ўтказиш).

Илк дамларда пьесаларни театр труппалари томонидан қабул қилиш ва сахнага қўйишда талабчанлик ва тартиб бўлмаган эди. Бинобарин, эски шаҳар сиёсий маориф қўмитаси қошида «Санойи нафиса» бўлими тuzилиб, махсус репертуар комиссияси иш бошлади. Уларнинг биргаликда чиқарган фармойишида, жумладан, қуйидагилар айтилади: «1. Эски шаҳарда сахналарда қўйилиб турган ва қўйилгуси бўлган барча репертуар (театр рисоалари)ни текшириб, қўйишга яроқли ва яроқсизларини ажратмоқ учун санойи нафиса бўлими ёнида театр китобларини (пьесаларни—М. Ю.)

¹²⁶ 15 йил ичида ўзбек совет адабиёти. Тошкент. 1939. 108—109-бетлар.

кўрув ҳайъати тузилади; 2. Ҳайъат томонидан кўрилиб, қўйишга яроқли топилган театр китоблари саҳнага қўйишга мумкин бўлар...; 3. Ҳар қайси труппа, ҳаваскор тўда ва бошқалар қўлларида бўлган театр китобларини шу ҳайъатга топширурлар»¹²⁷.

Фармойишда яна ҳозиргача ўйнаб келинган пьесаларни бекор қилиш, бир хил спектаклларни сурункасига, бир театрда кетма-кет кўрсатмаслик, илгаридан номи халққа маълум бўлган пьесаларнинг номини ўзгартиб эълон қилмаслик тўғрисида гапирилади.

«Жонли танқидий практика» совет адабиёти тарихида бундан кейин ҳам кенг ўрин тутадиган бўлди.

Ёзма танқиднинг илк қадамлари драматургия соҳасида бўлган илк тажрибаларга баҳо беришдан бошланди.

Ўқтам номли автор «Бизда босма пьеса тарихи»¹²⁸ мақоласида «фақат Европаники каби саҳнага қўярлик этиб ёзилган асарлар» қачондан юзага келгани ҳусусида сўзлаб, «бизда саҳна адабиётининг тарихи 1912 йилда Беҳбудийнинг «Падаркуш»и билан бошланади. Бундан сўнг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ҳожи Муин, Абдулла Қодирий, А. Бадрий пьесалари босилади»,— дейди. Лекин танқидчи фикрича, «саҳна адабиётининг ёзилишида қайнаган давр... Октябрдан кейин бўлди». Совет ҳокимияти йиллари янги талантларнинг уйғониши ва ғайрат билан ишга киришган даври сифатида серҳосил эди.

Ўқтам анчагина драматурглар ва пьесалар борлигини айтиб, танқиднинг ривожини йўлидаги бир тўсиқни жуда тўғри кўрсатиб, пьесаларнинг кўплари босилмай қолиб кетаётганидан шикоят қилади. «Агар шу асарларнинг лоақал ярмиси бостирилган бўлса эди, танқидлар этилиб, муҳаррирлар янглишларини билган, саҳна адабиётимиз тугалланмаликка, тараққий этмакка юз тутган... бўлур эди».

Бу ерда айтилган гапларга яқин фикрлар А. Азаматнинг «Ўзбек театрининг тақдири» мақоласида ҳам бор. Бир қанча драматурглар «ўз молларини қўлтиқларига қистириб, қанча замонлар ноширлар ахтариб сарсон бўлиб юрдилар. Ва бир неча ортиқроқ ҳиммат қилганлари ўзларининг бор-йўқларини сотиб асарларини бостирдилар... Масала бу равишда борса, театр адабиёти-

¹²⁷ Қизил байроқ. 1921. 6 октябрь.

¹²⁸ Туркистон. 1924. 7 ноябрь.

нинг кенгайишига, театр тараққиётига йўл очилмайдиган»¹²⁹.

Вақтли матбуотда йигирманчи йилларнинг охирига қадар эълон қилинган мақола ва тақризларнинг энг кўпи адабиётнинг драма турига эмас, балки театр санъати масалаларига ва актёрлар маҳорати анализига бағишланган, аммо улар орасида спектаклнинг гоёвий-бадий қимматини, замонавий ҳаёт билан алоқаси ва тарбиявий аҳамиятини чуқур очиб берадиганлари гоёт кам. У тақризларда сахна санъатининг назарий муаммолари, жанрий изланишларга оид мулоҳазалар учрамайди. Жанр хусусидаги гаплар фақат йигирманчи йилларнинг охирига келиб муҳокама қилина бошлайди.

Сахна учун яратилган адабиёт, яъни драматик турнинг аҳамияти танқидчилар томонидан тез тушунилди ва оммага тушунтирилди.

«Ч. Уғли» имзоли танқидчининг айтишича, «Театр асари (пьеса — М. Ю.) театрнинг жон томиридир. Яхши ва нафис театр адабиётига эга бўлмасак, театрда сира фойдалана олмаймиз»¹³⁰. Унинг тўғри таъкидлашига кўра, пьеса ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. «Театр ёзувчиси (драматург — М. Ю.) деганда бошига келган бир сюжетни оқ қоғозлар бетига қоралаб қўйиб, бир талай воқеа-ҳодисалар туғдириш ва тузишни билатурган киши деб анланмасин. Театр ёзувчиси ҳамма вақт халқнинг руҳини текширишга мажбур бўлган санъаткордир... Томошабинларга келсак улар театр ёзувчисидан сахнада ўзларининг яшатилиши ва яшнатишларини талаб қиладилар»¹³¹.

1917—1932 йиллар мобайнидаги репертуарга назар ташласак, у драма, комедия, трагедия, оперетта, балет, ниҳоят интермедия, мелодрама кабилардан иборат эканини кўрамыз. Кўпроқ ҳаракатда бўлганлари драма ёки музыкали драма, комедия, трагедиядир.

Уша танқидчининг фикрича, драма (кўпинча пьеса ҳам дейди) жиддий асар, у табиий бўлиши, сюжетни ҳаётдан олиши керак. У эрмак учун яратилмайди, «халқни ўйлашга ва зеҳн ишлатишга мажбур қилиши» керак. Драма бирданига кўпчиликнинг диққатини (спектакль шаклида) ўзига тортгани, ҳаяжонлантиргани сабабли «романдан, бир кишининг якка муҳокама юргизишидан кучлироқ бўлиб чиқадилар».

¹²⁹ Уша жойда.

¹³⁰ Ч. Уғли. Театру масаласи.

¹³¹ Уша жойда. Бу саҳифада қўштирноқ ичига олинган жумлалар мақола авториники.

Драматург «бизнинг бу кунги турмушимиз ичидан ахтариб топиладиган нуқталар,... руҳимиздан чиққан фикрлар ва буларнинг ўзгариши» устида ўйлаши керак.

Саҳна асарларига бағишланган мақолаларда драматург билан актёрларнинг ижодий алоқасига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Актёр автор ниятларини бошқаларга етказувчи асосий фигура ҳисобланади. «Шу сабабдан, агар бир артист бир ёзувчи томонидан ёзилган саҳна асарини тузатиш кучига эга бўлмаса, у ҳеч бир вақт чин артист бўла олмайди»¹³².

Адабий танқиднинг бу даврдаги катта роли шунда кўриндики, у театрлар соҳасида пайдо бўлган ҳамма драматик жанрларни табриклаб, қўллаб турди ва уларнинг аҳамиятини оммага тушунтириб борди.

Уша йилларда оперетта асарлари (айниқса «Аршин мололон») тез-тез ўйналиб тургани учун бўлса керак, танқидчилик унга ўз муносабатини билдиради. С. Ҳусайн бу хусусда ёзади: «Кишини кўпда ўйлаш-мулоҳаза қилишга мажбур қилмай, музика, ашула, ўйин ва сўз пичинглари билан думоғни чоғ қиладиган турдаги театр — оперетта тўғрисида бизда жуда оз ёзилади, Ўзбек Давлат драма труппаси шу хилдаги нарсадан иккита томоша берди. Бири «Ҳужум», иккинчиси, «Аршин мололон». Бу хилдаги томошага «бизни чуқур мулоҳаза қилишга мажбур эт, деган талабни қўя олмаймиз. Чунки оперетта усулидаги театрнинг вазифаси хушчақчақ лаззат бериб, кишининг ҳордиғини чиқаришдир»¹³³.

Драма билан опереттанинг фарқи бўлса ҳам, дейди танқидчи, оперетта ўзининг синфий ва мафкуравий асосини йўқотмайди. Унинг фикрича, ҳозирги спектаклларнинг ҳаммаси ҳам томошабинларни соғлом руҳда хурсанд қилолмайди, уни ўзимизга хизмат қилдиришимиз керак. С. Ҳусайн опереттанинг ўзига хос жанрий белгиларига тўхтаб: «Биз опереттада мураккаб уч турли санъатни кўрамыз: музика, рақс, ашула ва ҳажвий сўз ўйинлари», дейди.

Оперетта ҳақида айтилган фикрларда бу жанр аломатлари деярли қамраб олинган. Дарҳақиқат, опереттада ашулачилик санъати (вокал) ва музика асбоблари куйи, рақс, балет элементлари қоришиқ ҳолда иштирок этади. Унинг асосида лапарга ўхшаш (куплет) ашула

¹³² Бу ерда тирноқ ичига олинган жумлалар «Ч. Уғли» имзоли танқидчиники.

¹³³ Ўзбек театри (мақолалар тўплами). Самарқанд—Москва. 1929. 45—46-бетлар.

ва рақс ётади. Операда қўлланадиган кўп компонентлар (ария, дуэт, ансамбль, хор) бу ерда иштирок этсада, улар енгил ва соддароқ бўлади. Совет оперетталари лирик-романтик характерга эга бўлиб, ҳозирги замоннинг актуал мавзуларида ёзилган, гуманизм руҳи билан суғорилган асарлардир.

Иигирманчи йилларда балетга муносабат анча салбий бўлди. Балет буржуазиянинг эстетик завқини қондириш учун «яланғоч баданларнинг қилтиллаши билан думоғини чоғ қилиш учун» ўйлаб чиқарилган, «енгил кайф-сафоли нарсалар билан бошқа ижтимоий гуруҳларни овора қилиб курашдан, бош кўтаришдан четлаштириш ролини ўйнаган», — дейди С. Ҳусайн. «Бизнинг саҳнамиз, — давом этади у, — шаҳвоний ҳисни уйғотиш учун ўйин-кулгини қабул қилолмайди. Балетни «турмуш, ишлаб чиқариш билан боғлаб»¹³⁴ олиб бориш лозим.

Жуда қадимий бўлган балет санъати Октябрдан кейин қатор қийинчиликларни енгиб, тўғри ривожланиш йўлига тушиб олди. Утмиш рус балетининг энг яхши анъаналаридан ижодий фойдаланиб, жиддий изланишлар натижасида янги мазмунни ифодаловчи янги форма яратди. Ўзининг ғоявий-бадий хусусиятлари билан халққа яқин бўлган совет балети социалистик гуманизм принципларига асосланади. Юсак одамийлик руҳи билан суғорилгани туфайли ахлоқий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади. Балетга юқоридаги каби менсимаслик назари билан қараган танқидчилар шундай вақт келадики, балет артистлари ўз санъатлари билан граждандлик ҳамда ватанпарварлик бурчларини адо этадилар, халқ уларни ардоқлайди, деб хаёлларига ҳам келтирмаганлар.

Саҳна асарларининг бошқа жанрларидан мелодрама, трагедия ва интермедияга берилган қисқача таърифлар ҳам ортиқча эътирозга сабаб бўлмайди: Масалан: «Трагедия — бу йўлда ёзилган асарнинг қаҳрамони ўзидан ташқаридаги (объектив) шароитлар ва у шароитларнинг туғдирган оғирликлари билан курашади ва натижада кўпроқ маҳв ва ҳалок бўлади». Ёки «Интермедия бизнинг томошабицларимизга жуда яхши ёқади, бу уларни театрға тортади. Эски турмуш қолдиқлари, бузуқ одатлар, турлича захмларимиз билан курашни кўрсатишда интермедия жуда фойдали»¹³⁵.

¹³⁴ Уша жойда. 46-бет.

¹³⁵ Уша жойда. 16—26-бетлар.

Танқидий чиқишларда театр санъатини давр талаби даражасига кўтариш учун аввало ғоявийлик ва маҳорат кераклиги таъкидланади. Янги, ёш кадрлардан «маҳорати кучли актёр ва режиссёрлар етиштирар эканмиз, албатта улардан сиёсий савод талаб қилишимиз керак», — дейди С. Ҳусайн. Шунини айтиш керакки, ўша йилларда театр танқидчилиги заиф эди. Вақтли матбуотда эълон қилиниб турган тақриз ва мақолалар юзаки бўлиб, спектаклларни мукаммал анализ қилиш ўрнига ахборот бериш билан чегараланар, нари борса артистлардан ким яхши ва ким ёмон ўйнагани айтиларди.

Театр танқидчилиги ўзбек театрининг юксалишида катта роль ўйнаши кераклиги қайд қилинар экан, умуман танқид масъулиятли, оғир вазифа, у сўкишдан иборат эмас, асар моҳиятига яхши тушуниб муҳокама юритилса труппага ҳам, томошабинларга ҳам сабоқ бўлажаги уқтирилади. «Танқидчиликка маҳорати бор кишиларни тарбиялаш» вазифаси қўйилади. Танқидий мақолалар «халқнинг ҳиссиётига таржимон бўладиган бир равишда ёзилиши лозим», — дейилади.

Ўзбек театр санъатининг ривожига хизмат қиладиган муҳим омиллар қаторида рус совет сахна усталаридан тинмай ўрганиш, қўшни республикалар билан, айниқса Озарбайжон, Татаристон театр арбоблари билан алоқа боғлаш, тажриба алмашиш зарурлиги кўрсатилади.

Иигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг бошида ўзбек совет драматургиясига бир гуруҳ ёш талантлар кириб келди. Улар орасида Комил Яшин, Назир Сафаров, Зиё Саид, Собир Абдулла, Умаржон Исмоилов, Зиннат Фатхуллин, Исмоил Акрам ва бошқалар бор эди. Дастлаб «Қар қулоқ» (1926), «Лола-хон» (1927), «Тенг-тенги билан» (1927), «Қуёш» (1929) сингари бир пардали пьесалар ва инсценировкалар ёзиб муайян тажрибага эга бўлган Яшиннинг биринчи йирик ва жиддий асари «Икки коммунист» (қайта ишланган варианты «Тор-мор») гражданлар уруши ва босмачилик ҳаракатига қарши кураш масаласини акс эттирди. Кейин «Ўртоқлар» (1930) ва «Ёндираммиз» (1931) пьесалари майдонга келди. «Ёндираммиз» қишлоқда коллектив хўжалик ривожига тўсқинлик қилишга уринган синфий душманларнинг хуружи ҳамда уларни фош этишда совет кишиларининг ватанпарварлигини кўрсатишга бағишланган эди.

Назир Сафаровнинг «Янги қишлоқ» (1927) номли бир пардали пьесаси, Зиё Саид билан ҳамкорликда яратилган «Тарих тилга кирди» (1931) асари; Собир Абдулланинг «Мухбирга ҳужум» (1927, тузатилган вариант «Отилмаган сопқон»), «Боғбон қиз» (1930) комедиялари, шунингдек «Ойхон» (1931), «Волокита» (1932) пьесалари; Зиннат Фатхуллиннинг «Маҳалла сирлари» (1928), «Ниқоб йиртилди» (1932), «Бургут янчилди» (1932) каби сахна асарларида даврнинг актуал проблемалари — турли кўринишдаги синфий душманлар билан кураш, социализм ғалабаларини мустаҳкамлаш йўлидаги замондошларимиз фидокорлиги, хотин-қизлар озодлиги, саводсизликни тугатиш ва халқимиз маданий даражасини кўтариш етакчи мавзулардан эди.

Бу ерда номлари санаб ўтилган пьесалар муҳим сиёсий-ижтимоий ва ғоявий масалаларга бағишланган бўлишига, янги инсон образини яратиш борасидаги дастлабки ютуқлар эканига қарамай, ҳали талабга тўла жавоб берадиган асарлар эмасди. Адабий танқид ўз вақтида уларнинг пайдо бўлишини табриклаш билан бирга мавжуд нуқсонларни кўрсатишга ҳаракат қилди¹³⁶. Шу сабабли айтиш мумкинки, ўзбек драматургияси ва театр санъати ўттизинчи йилларнинг бошига келиб янги босқичга кўтарилган экан, бунда танқиднинг катта ижобий роли бўлди. Энди сахна асарлари кўпинча тарихий мавзудаги дoston ёки повестларни («Лайли ва Мажнун», «Шайх Санъон», «Бухоро жаллодлари») инсценировка қилиш билан, таржима пьесалар ҳисобига театрларни таъминлаш билан қаноатланиб қолмай, совет воқелиги мавзуида ёзилган оригинал драмалар, комедиялар яратиш имкониятига эга бўлди.

Шу вақтгача фаолият кўрсатиб келган майда ҳаваскор труппалар марказлашиб, йирик профессионал драма ва музыкали драма театрлари вужудга келди.

«Бу вақтда, — деб ёзган эди танқидчи Сотти Ҳусайн, — Ўзбекистоннинг катта шаҳарларида давлат театрлари тузилди. Унга Москва ва Бокуда ўқиб, театрнинг назарий ва амалий мактабини ўтаб келган ўртоқлар раҳбарлик қилдилар. Халқнинг маданий савияси ўсиб, театр маданиятимиз тез кўтарилди»¹³⁷.

¹³⁶ Ҳусайн С. Ўзбек совет драматургиямизга умумий қараш//15 йил ичида ўзбек совет адабиёти. Тошкент. 1939. 119—126-бетлар.

¹³⁷ 15 йил ичида ўзбек совет адабиёти (мақолалар тўплами). Тошкент. 1939. 119-бет.

С. Хусайннинг таъкидлашича, йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмидаги ўзбек драматургиясининг кўтарилиш даврида Ҳамзанин «Бой ила хизматчи», «Майсаранинги иши», «Бурунги сайловлар» пьесалари катта аҳамиятга эга бўлганидек, Ҳамза мактабининг шогирдлари Комил Яшин, Собир Абдулла, Зиннат Фатхуллин, Умаржон Исмоилов, Назир Сафаров сингари таланти ёшлар плеядаси қаламига мансуб асарлар ҳам актив иштирок этди.

АДАБИЙ ТАНҚИД ВА КЛАССИК МЕРОС ПРОБЛЕМАСИ

Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс кишилик жамияти тарихида маданий тараққиётнинг ролини материалистик нуқтаи назардан тушунтириб, бу жараёнда мерос ва ворислик муҳим аҳамиятга эга эканини уқтирганлар. Уларнинг таълимотига кўра, социалистик инқилоб фақат сиёсатдаги, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришгина эмас, шунингдек, маданият соҳасидаги ўзгариш ҳамдир. Бошқа сўз билан айтганда, маданият масалалари, улардаги узилмас тадрижий такомил жамиятнинг инқилобий қайта қуришдаги конкрет вазифалар билан боғлиқдир.

Марксизм классикларининг маданий тараққиёт тўғрисидаги қарашларини янги тарихий шароитда ривожлантирган В. И. Ленин прогрессив санъат ва адабиёт озодлик ҳаракати билан боғлиқлигини асослаб берди. Инқилобий ўзгариш туфайли юзага келган социалистик маданият ҳар бир халқнинг илғор ғоявий-эстетик меросига, жумладан, қардош халқлар ва жаҳон прогрессив маданий меросига суянажagini уқтирди.

Маркс яратган инқилобий назария нима учун миллионлар қалбидан жой олганини В. И. Ленин шундай изоҳлади:

«...Маркс капитализм даврида инсоният қўлга кiritган билимларнинг мустаҳкам пойдеворига таянди... У кишилик жамияти яратган нарсаларнинг ҳаммасини танқидий кўз билан ишлаб чиқди, уларнинг бирор пунктини ҳам эътиборсиз қолдирмайди...»¹³⁸.

В. И. Ленин жамиятнинг тарихий ривожланиши ва маданияти ягона жараён, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди; ижтимоий формациялар, айрим даврлар ўзгариб турса-да, башарият тарихи ҳеч қачон узилиб қолмай, бир бутун жаҳон тарихи ўлароқ давом этаверади, деб ўргатди. Демак, ҳар қандай янги давр ўзи-

¹³⁸ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 41-том. 339-бет.

дан олдинги давр эришган ютуқларга асосланади. Бусиз ҳеч қандай тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Кўринадикки, мерос ва ворислик алоқалари — диалектик жараён. Бизгача етиб келган маънавий-маърифий бойликларнинг ҳаммаси қабул қилина бермагандек, асоссиз ёппасига рад ҳам этилмайди. В. И. Ленин Улуғ Октябрдан бир оз олдин Гегелнинг «Логика фани» китобини конспектлаштириб туриб, шундай ёзган эди: «Диалектика учун қуруқдан-қуруқ инкор, бекордан-бекор инкор, скептик инкор, иккиланиш, гумонсираш характерли эмас ва муҳим эмас, — диалектика, шубҳасиз, ўзида инкор элементиға эға ва у диалектиканинг энг муҳим элементи ҳисобланади, диалектика учун алоқадорликнинг моменти сифатидаги, тараққиётнинг моменти сифатидаги инкор, ижобийни сақлаб қолиш йўли билан бўладиган, яъни ҳар қандай иккиланишларсиз, ҳар қандай эклектикасиз инкор характерлидир»¹³⁹.

Доҳийнинг социалистик маданиятни қандай яратиш ҳераклиги тўғрисидаги мулоҳазаларини ўрганиб чиққан И. С. Смирновнинг¹⁴⁰ айтишича, 1917 йил 25 октябрдан то 1918 йил 31 августгача бўлган муддат орасида В. И. Ленин 150 дан ортиқ ишларида Совет Россиясини маданий қайта қуриш юзасидан принципиал фикрлар билдирган. Шунга қарамай, инқилобдан кейинги дастлабки йиллар ҳар жиҳатдан ғоят мураккаб бўлганидан, буюк социал тўнтаришлар қаршисида турган ёзувчилар ҳам, адабий-бадий танқид ҳам бу йўл-йўриқларни ўзлаштиролмади, қисқаси улар масалани тўғри англашга тайёр эмаслиги билиниб қолди. Тўғри йўлдан бормаслик ўз навбатида жиддий хатоларнинг содир бўлишиға олиб келди. Хатолар аввало Пролеткульт фаолиятида яққол кўринди.

Октябрдан аввалроқ пайдо бўлган Пролеткульт ташкилоти инқилоб ғалабасидан кейин етишган ва фаолият кўрсатаётган ёш ёзувчиларни тўплаб, эксплуататор синфларға қарши кураш руҳида тарбиялашда, адабиётда учраётган буржуа ғояларига зарба беришда муайян ижобий хизматлар қилган бўлишиға қарамай, маданий меросға ёндашувда нигилизм (инкор қилувчилик) йўлиға кириб кетди. Бунда кўпроқ Пролеткультнинг оддий аъзоларидан кўра унинг раҳбарлари айбдор

¹³⁹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 29-том. 217-бет.

¹⁴⁰ Смирнов И. С. Ленин и советская культура. М., 1960. С. 40.

С. Ҳусайннинг таъкидлашича, йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмидаги ўзбек драматургиясининг кўтарилиш даврида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», «Бурунги сайловлар» пьесалари катта аҳамиятга эга бўлганидек, Ҳамза мактабининг шогирдлари Комил Яшин, Собир Абдулла, Зиннат Фатхуллин, Умаржон Исмоилов, Назир Сафаров сингари таланти ёшлар плеядаси қаламига мансуб асарлар ҳам актив иштирок этди.

АДАБИЙ ТАНҚИД ВА КЛАССИК МЕРОС ПРОБЛЕМАСИ

Илмий коммунизм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс кишилик жамияти тарихида маданий тараққиётнинг ролини материалистик нуқтаи назардан тушунтириб, бу жараёнда мерос ва ворислик муҳим аҳамиятга эга эканини уқтирганлар. Уларнинг таълимотига кўра, социалистик инқилоб фақат сиёсатдаги, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришгина эмас, шунингдек, маданият соҳасидаги ўзгариш ҳамдир. Бошқа сўз билан айтганда, маданият масалалари, улардаги узилмас тадрижий такомил жамиятни инқилобий қайта қуришдаги конкрет вазифалар билан боғлиқдир.

Марксизм классикларининг маданий тараққиёт тўғрисидаги қарашларини янги тарихий шароитда ривожлантирган В. И. Ленин прогрессив санъат ва адабиёт озодлик ҳаракати билан боғлиқлигини асослаб берди. Инқилобий ўзгариш туфайли юзага келган социалистик маданият ҳар бир халқнинг илғор ғоявий-эстетик меросига, жумладан, қардош халқлар ва жаҳон прогрессив маданий меросига суянажagini уқтирди.

Маркс яратган инқилобий назария нима учун миллионлар қалбидан жой олганини В. И. Ленин шундай изоҳлади:

«...Маркс капитализм даврида инсоният қўлга кiritган билимларнинг мустаҳкам пойдеворига таянди... У кишилик жамияти яратган нарсаларнинг ҳаммасини танқидий кўз билан ишлаб чиқди, уларнинг бирор пунктини ҳам эътиборсиз қолдирмайди...»¹³⁸.

В. И. Ленин жамиятнинг тарихий ривожланиши ва маданияти ягона жараён, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди; ижтимоий формациялар, айрим даврлар ўзгариб турса-да, башарият тарихи ҳеч қачон узилиб қолмай, бир бутун жаҳон тарихи ўлароқ давом этаверади, деб ўргатди. Демак, ҳар қандай янги давр ўзи-

¹³⁸ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 41-том. 339-бет.

дан олдинги давр эришган ютуқларга асосланади. Бусиз ҳеч қандай тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Қўринадик, мерос ва ворислик алоқалари — диалектик жараён. Бизгача етиб келган маънавий-маърифий бойликларнинг ҳаммаси қабул қилина бермагандек, асоссиз ёппасига рад ҳам этилмайди. В. И. Ленин Улуғ Октябрдан бир оз олдин Гегелнинг «Логика фани» китобини конспектлаштириб туриб, шундай ёзган эди: «Диалектика учун қуруқдан-қуруқ инкор, бекордан-бекор инкор, скептик инкор, иккиланиш, гумонсираш характерли эмас ва муҳим эмас, — диалектика, шубҳасиз, ўзида инкор элементиға эға ва у диалектиканинг энг муҳим элементи ҳисобланади, диалектика учун алоқадорликнинг моменти сифатидаги, тараққиётнинг моменти сифатидаги инкор, ижобийни сақлаб қолиш йўли билан бўладиган, яъни ҳар қандай иккиланишларсиз, ҳар қандай эклектикасиз инкор характерлидир»¹³⁹.

Доҳийнинг социалистик маданиятни қандай яратиш қерақлиги тўғрисидаги мулоҳазаларини ўрганиб чиққан И. С. Смирновнинг¹⁴⁰ айтишича, 1917 йил 25 октябрдан то 1918 йил 31 августгача бўлган муддат орасида В. И. Ленин 150 дан ортиқ ишларида Совет Россиясини маданий қайта қуриш юзасидан принципиал фикрлар билдирган. Шунга қарамай, инқилобдан кейинги дастлабки йиллар ҳар жиҳатдан ғоят мураккаб бўлганидан, буюк социал тўнтаришлар қаршисида турган ёзувчилар ҳам, адабий-бадий танқид ҳам бу йўл-йўриқларни ўзлаштиролмади, қисқаси улар масалани тўғри англашға тайёр эмаслиги билиниб қолди. Тўғри йўлдан бормаслик ўз навбатида жиддий хатоларнинг содир бўлишиға олиб келди. Хатолар аввало Пролеткульт фаолиятида яққол кўринди.

Октябрдан аввалроқ пайдо бўлган Пролеткульт ташкилоти инқилоб ғалабасидан кейин етишган ва фаолият кўрсатаётган ёш ёзувчиларни тўплаб, эксплуататор синфларға қарши кураш руҳида тарбиялашда, адабиётда учраётган буржуа ғояларига зарба беришда муайян ижобий хизматлар қилган бўлишиға қарамай, маданий меросға ёндашувда нигилизм (инкор қилувчилик) йўлиға кириб кетди. Бунда кўпроқ Пролеткультнинг оддий аъзоларидан кўра унинг раҳбарлари айбдор

¹³⁹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 29-том. 217-бет.

¹⁴⁰ Смирнов И. С. Ленин и советская культура. М., 1960. С. 40.

эдилар. Улардан бири 1909 йилдаёқ В. И. Лениннинг ўлмас асари «Материализм ва эмпириокритицизм»да фош қилиб ташланган махист А. Богданов эди. Пролеткульта-нинг назариячиси бўлиб олган бу шахс пролетар маданияти проблемаларини, ўзининг субъектив идеалистик қарашлари асосида бузиб, тушунтиришга киришди. Унинг фикрлари бу ташкилотни ўтмиш маданий меросни инкор қилишга олиб келди. Богданов «синфий биқиқлик» ҳақидаги сохта назарияни ўйлаб чиқариб, ҳар бир янги синф ўзидан олдин яратилган маданиятни улоқтириб ташлаши, сўнг ўз маданиятини янгидан яратиши керак, деган даъвои илгари сурди¹⁴¹.

Пролеткульта-нинг активлари В. Кириллов, Ф. И. Калинин, Самобитник-Маширов ва бошқалар ўз бадий асарларида Богданов «назария» сини амалда татбиқ қилишга уриндилар. Улар «ҳозирги замон кемасидан» Пушкинни, Гоголь ва Толстойни иргитиб юбормоқчи бўлдилар. Шоир В. Кириллов «Биз эртаги кунимиз ҳақи учун Рафаэлни ўтга ёқамиз, музейларни вайрон қиламиз, санъат гулларини пайҳон этамиз»¹⁴² тарзидаги ибораларни мисраларга тизди.

1920 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган Пролеткульта-нинг Биринчи Бутун Россия съезди муносабати билан В. И. Ленин 8 октябрь куни «Пролетар маданияти тўғрисида»ги резолюция лойиҳасини ёзди. Лойиҳада, жумладан шундай дейилган эди: «4. Революцион пролетариатнинг идеологияси бўлган марксизм ўзининг оламшумул-тарихий аҳамиятини шу билан қозондики, марксизм буржуа даврининг қимматли ютуқларини асло улоқтириб ташламади, балки, аксинча, инсон тафаккури ва маданиятининг икки минг йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ривожланиши натижасида вужудга келган қимматли нарсаларнинг ҳаммасини ўзлаштирди ва қайтадан ишлади. Фақат шу асосда ва шу йўлдан олиб бориладиган ва пролетариатнинг ҳар қандай эксплуатацияга қарши сўнгги курашидан иборат бўлган, пролетариат диктатурасининг амалий тажрибаси билан камолотга етказиладиган ишнигина чинакам пролетар маданиятининг ривожини деб билиш мумкин»¹⁴³.

В. И. Ленин 9 октябрда Сиёсий бюро мажлисида ўтириб Пролетар маданияти тўғрисидаги резолюция-

¹⁴¹ Иванов В. Формирование идейного единства советской литературы. 1917—1932. М., 1960. С. 146—148.

¹⁴² Львов-Рогачевский Л. В. Очерки пролетарской литературы. М.—Л., 1927. С. 55—58.

¹⁴³ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 41-том. 376-бет.

нинг «хомаки нусхаси»ни ёзади ва бир кун аввалги резолюция лойиҳасидаги энг муҳим қоидаларни қайтадан таъкидлайди: «7. Янги пролетар маданияти ўйлаб-чиқарилмайди, балки **мавжуд** маданиятнинг энг яхши намуналари, традициялари, ютуқлари марксизм дунёқарашни **нуқтаи назаридан** ва пролетариат диктатураси даврида пролетариат ҳаёти ва курашининг **шарт-шароитлари нуқтаи назаридан ривожлантирилади...**»¹⁴⁴.

В. И. Ленин ва Коммунистик партиянинг маданий мерос ҳақидаги кўрсатмалари Ўзбекистонда ҳам тадрижий равишда ўзлаштирилиб борди ва адабий танқид принципларининг ишланиб чиқишига ва тасдиқ бўлишига **хизмат этди**.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўзлари меросга муносабат намуналарини кўрсатди. 1921—1922 йилларда Дантени хотирлаш, Некрасов, Островский ва Пушкин юбилейларини ўтказиш тадбирларига бошчилик қилди ҳамда бу маданият байрамларига ёзувчилар, рассомлар, музикачиларни актив жалб этди. Гражданлар уруши йилларида Москвада К. Маркс, А. Н. Радищев, Т. Г. Шевченко, Н. Г. Чернышевский, Г. В. Плеханов, А. И. Герцен сингари илмий коммунизм асосчилари ва адабиёт классикларига ҳайкаллар, бюстлар ўрнатилди. Салафларимизни улуғлаш борасида қилинган бу ғоят муҳим ишлар маданий мерос пролетариат учун ўрганиш мактаби бўлажagini амалда кўрсатди. Оқибатда Пролеткультанинг аъзолари қарашларида ҳам ўзгариш сезилди. В. Кириллов: «Биз биландиршонли Пушкин, Ломоносов ва Кольцов», — деб ёзди.

Пролеткульт таъсирида 1923 йилнинг бошларида юзага келган МАПП — Москва пролетар ёзувчилари ассоциацияси, 1924 йилда тузилган ВАПП — Бутунитифоқ пролетар ёзувчилари ассоциацияси, РАПП — Россия пролетар ёзувчилари ассоциацияси (1925) кўпгина ёзувчиларни атрофига уюштириб, совет адабиёти ривожига муайян ижобий хизматлар қилди. Шу билан бирга, раппчилар фаолиятида ўта ўжарлик, ҳовлиқмалик қусурлари бор эди. Уша йилларнинг актив адабиётшуноси Ю. Либединский уларни «шиддатли тиришқоқлар» («Неистовые ревнители») деб атаган эди. Пролетар ёзувчиларининг Россия ассоциацияси ичида йўналиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган турли группалар: «Леф», «Октябрь», «На посту» («Пост-да», журнал), «Красная новь» (журнал) бор эди.

¹⁴⁴ Ленин В. И. Уша асар, ўша том. 519-бет.

Худди Пролеткульт каби «Леф» (санъатнинг сўл fronti) ва «Постда» журнали атрофига тўпланганлар узоқ вақтгача классик меросни рад этиб келдилар. Ижоди инқилобгача бошланган ва «попутчиклар» («йўловчилар») деб юритилган ёзувчиларга нисбатан ҳам рақибларча муносабатда бўлдилар¹⁴⁵.

* * *

Биз юқорида Октябрдан кейин рус совет адабий танқидида маданий мерос атрофида бўлиб ўтган баҳсларга шунинг учун қисқача тўхтадикки, уларнинг акс садоси барча қардош республикалар адабиётида, шунингдек ўзбек адабиётида эшитилиб турди. Пойтахтдаги ёзувчилар ташкилотларидан ибрат олган ҳолда Ўзбекистонда ТАПП (1924), «Қизил қалам» (1926), ЎЗАПП (1930) тузилган бўлса, Озарбайжонда «Заҳматкаш адиб ва шоирлар иттифоқи» (1922), «Адабиёт жамияти» (1925), АЗАПП (1927); Қозоғистонда ҚАЗАПП (1925) ва бошқалар майдонга келиб иш кўра бошлади. Улар фаолиятининг мазмуни, худди икки томчи сувдек, РАППникига ўхшарди. Айрим ижобий томонлар ва йўл қўйилган хатолар бир хил эди.

Маълумки, РАПП идеологлари, янги адабиётни революция яратади, унинг актив кучлари — ижтимоий чиқиши жиҳатидан пролетар бўлган кишилар, деб турган бир пайтда инқилобдан илгари яратилган адабиёт ҳам барҳаёт эди ва китобхон ундан юз ўгирмаганиди. Академик Н. И. Конрад айтганидек, пролетар диктатураси ҳокимияти XIX аср рус адабиётининг атоқли намоёндалари асарларини кўплаб нашр қилаётган ва билнимдон адабиётшунослар тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган эдилар. Революцион кайфият ҳукмрон бўлган бир даврда бу адабиётга қандайдир янги муносабат билдириш керак бўлди. «Социологик мактаб тарафдори бўлган адабиётшуносларнинг фикрича, истаган адабий асарнинг табияти, моҳияти, қиммати тўғрисида хатосиз ҳукм чиқариш имкониятини берадиган андоза (критерий) топилди. Бу андоза умуман адабиётнинг синфийлиги концепциясидан иборат эди»¹⁴⁶.

¹⁴⁵ Бу ҳақда тафсилий маълумот учун қаранг: Шешуков С. Неистовые ревнители. М., 1970. С. 80—85.

¹⁴⁶ Конрад Н. И. Избранные труды//Литература и театр. М., 1978. С. 115.

Бу концепцияга кўра, адабий асарнинг мазмуни, формаси, услуби, жумлалар тузилиши, қисқаси, ҳамма нарса авторнинг қайси синфга мансублигига боғлиқ бўлиб чиқарди. Синфийлик назарияси, оқибатда, вульгар социологизм оқимининг шаклланишига сабаб бўлди. Н. И. Конраднинг айтишича, XVIII—XIX аср рус адабиётини чуқур ўрганиш, эски билан янги ўртасидаги ворисликни аниқлашга интилиш жараёнида синфийликни тўғридан-тўғри ҳар қандай бадиий асарга татбиқ қилавериш жонз эмаслиги билиниб қолди. Шу нарса маълум бўлдики, «катта масштабга эга ва юксак даражада турган ёзувчи фақат ўз синфигагина мансублигидан ташқари ўз даври жамияти тенденциясини ифодалаган ҳолда ўз халқига ҳам мансубдир; шундай жамият тарихий реаллик бўлганидан унга хос белгилар (хусусиятлар) бирлиги ҳам шунча реалдир. Бинобарин, ёзувчи ана шу белгиларни ҳам ифодалаши мумкин; кўпинча худди ўша белгилар унинг ижодида энг муҳим жиҳат экани маълум бўлди. Адабиёт соҳасидаги «маданий мерос» масаласини ечиш йўли шу тариқа очилди ва башариятнинг ижодий даҳоси яратган бойликларга нигилистик муносабат хавфининг олди олинди...»¹⁴⁷.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозир айтилганлар ўттизинчи йилларнинг бошларига оиддир. Йигирманчи йилларда эса ўзбек адабий танқиди бу хулосаларга келиб улгурмаган, меросга нисбатан муносабат турлича эди. Аввал айтганимиздек, умуман танқиддаги каби, адабий мерос проблемасини ҳал этишда ҳам икки асосий йўналиш равшан кўринади. Улар вульгар-социологик ва маърифий-илмий йўналишлардир.

Маърифий-илмий тамойилга эга бўлган профессионал танқидчи ва адабиётшунослар, шунингдек танқид билан ҳам шуғулланувчи ёзувчилар орасида А. Саъдий, А. Мажидий, Айн (О. Шарафиддинов), С. Айний, Л. Олимий, О. Ҳошим, Боту каби ижодкорлар бор эди. Шуни таъкидлаш лозимки, Фитрат, Саъдий, Айний каби катта авлод вакиллари ўзлари марксист бўлмаганлари ва марксистик методологиядан узоқ бўлганлари ҳолда адабий меросни тарғиб қилишда яхши фаолият кўрсатдилар. Вульгар социологик руҳдаги хатолар кўпроқ Ж. Бойбулатов, В. Маҳмуд, Олтой, З. Саид, З. Башир, Ю. Латиф сингари адабиётчиларда учрар эди. Адабий меросни илмий нуқтаи назардан ўрганув-

¹⁴⁷ Уша жойда. 118-бет.

чилар доирасида ўз фаолиятининг дастлабки вақтларида меросга нигилистик ёндашиш ҳоллари бўлган айрим шахслар (Ю. Латиф, С. Ҳусайн) кейин у фикрлардан қайтганидек, узоқ йиллар схематизмдан, фактларни анализ қилишда жўн (примитив) муҳокама юритишдан қутула олмаганлар ичида тўғри изга туша бошлаганлар ҳам йўқ эмасди.

Агар биз ўзбек адабий танқиди тарихининг бошланғич даври ва йигирманчи йилларнинг биринчи ярмидаги манзарасига назар ташласак, маданий меросни ўрганишга, уни объектив баҳолашга бўлган тамойил ҳар ҳолда кучли эканини кўрамыз. Масалан 1919 йили «Мусулмон иштирокиюн фирқасининг ўлка бюроси ҳузуридаги нашриёт шуъбаси» томонидан нашр этилган «Инсоният ҳақида Навоийнинг фикри»¹⁴⁸ сарлавҳали кичик бир рисолаининг кириш қисмида шундай фикрлар бор: мусулмон дунёсининг бошига қора кунлар тушганлигига сабаб золим подшоҳлар, уларни ёлғондан мақтовчи шоирлар ва дин сотувчи эшонлар, уламолардир. Диндорларнинг эътиқоди ва диёнатига таъсир қилиш мақсадида айтиладики, зулм ва имон бирга яшай олмайдди. Ҳақиқий хиёнат, асл мусулмонлик бечораларнинг кўнглини овлашдан, оч-яланғочларга моддий ёрдам беришдан, одилликдан иборатдир. «Мусулмонликда подшоҳлик, шайхлик, беклик деган имтиёзли мансаб ва мартабалар» бўлмаган. Бошлиқлар халқ хоҳиши билан лавозимга қўтарилган.

Лекин бу узоқ давом этмади. «Бора-бора иш бузила бошлади. Ҳийлакор алдовчилар иш бошига ўтдилар. Виждонсиз, билимсиз кишиларни топиб, муллолик ва шайхлик ўринларига ўтказдилар». Улар «подшоҳга итоат вожиб», «подшо тангрининг кўлагасидир» деган ёлғон фатволар, ёлғон насиҳатлар билан халқнинг кўзини боғладилар... Мусулмонлар қора ва ёмон ҳолларга тушдилар...»¹⁴⁹.

Рисолачада ўша серкулфат замонларда «ҳақ ва ҳақиқат тарафдори бўлган кишилар йўқ эмасдилар. Улар қоронғу булутли кечаларда чаққан чақмоқлар каби» эдилар. «Мана шуларнинг бири Алишер Навоий ҳазратларидир», дейилади. Ношир, Навоий Султон Ҳусайннинг кенгашчиси бўлгани, Навоий туфайли кўпгина зулм ва ярамас ишлар йўли бекилгани, Навоий халққа хизмат учун подшоҳ саройида юрганини айтгач,

¹⁴⁸ ЎзССР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. Инв. № 10111.

¹⁴⁹ Уша жойда 4—5-бетлар.

«Хайратул аброр»даги зolim подшоҳлар ва рикор шайхлар тўғрисидаги боблардан узун-узн парчалар келтиради.

Мусулмон Иштирокиюн фирқасининг ўлка бюроси Навойнинг зулми, диний фанатизмни қораловчи фикрларини ташвиқ қилишда икки мақсадни кўзда тутди. Бир — кенг меҳнаткаш оммага кам маълум бўлган Навой ижодидан кўпчиликни хабардор қилиш. Иккинчиси — буюк шоирнинг ўлмас ғоялари замонамизга ҳамоҳанг равишда яшаётганини кўрсатиш.

Дарвоқе, Улуғ Октябрь социалистик инқилоби асрий зулм ва адолатсизлик асосларини емириб, кишини киши томонидан эксплуатация қилишнинг барча кўринишларига чек қўйган бир шароитда, дин ва диний муассасалар давлатдан ажратилиб, социалистик жамият учун зарарли деб эълон қилиниб турганда Навойнинг бу хусусдаги илғор қарашлари бизга ёрдамга келган эди. Жисмоний ва руҳий эксплуатацияга барҳам бериш муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Рисоланинг охирида айтилгандек «биз уларга қарши турамиз; ёлғиз биз эмас, буюк отамиз Алишер Навой ҳам уларга қарши тургандир»¹⁵⁰.

Коммунистик партия ўлка бюросининг бу ташаббуси адабий меросни ташвиқ қилиш соҳасидаги ишларга яхши туртки бўлади. Меросни ўрганиш тамоили ўсаётганини кўрсатувчи фактлар қаторига «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил 20 май сонида босилган қисқа бир ахборотни ҳам киритиш мумкин. Ахборотда: «Билим ҳайъати томонидан... Навой, Лутфий, Бойқаро ва бошқа эски ўзбек шоирларининг шеърларидан бириккан бир мажмуа тузиш иши топширилган эди. Шул мажмуа яқинда тузилиб битмак устидадир», дейилган.

Бадий ижодда аксилинқилобий миллатчилик руҳида хатоларга йўл қўйган Абдурауф Фитрат (унинг бадий ижоди ҳақида қаранг: «История узбекской советской литературы», «Фан», 1987. Т. I) 20-йилларда Шарқ халқларининг маданий мероси ва адабиётини ўрганишга маълум ҳисса қўшди. Фитрат марксизм-ленинизм методологияси билан нотаниш эди. Шу сабабли унинг мақола ва илмий асарлари фанга фактик материални киргизиши билангина қимматли эди.

Абдурауф Фитрат пуризм руҳи билан суғорилган «Тилимиз»¹⁵¹ номли мақоласида ўзбек тили тарихидан

¹⁵⁰ Уша жойда. 15-бет.

¹⁵¹ Иштирокиюн. 1919. 12 июнь. 132-сон.

баҳс очиб, Навоийнинг «Муҳокаматул луғатайн» китоби ва ундаги туркий сўзларнинг бой ва ранг-баранглиги ҳақида гапиради. «Дунёнинг энг буюк ҳакими бўлган Ибн Сино», «иккинчи Арасту аталган Форобий каби машҳур сиймолар халқимизнинг маданияти бешиги тепасида турганидан» ҳақли равишда фахрланади.

Абдурауф Фитратнинг «Бедил»¹⁵² номли рисоласи салафларимиз ижодига янгича нуқтан назардан илмий ёндашувда илк қадамлардан эди. Автор шоир мессини монографик тадқиқот йўли билан эмас, балки Шариф, Ҳамид, Эгамберди, мулла Қурбон номли (баъзилари Москвада ўқиётган ва таътилда Бухорога келган) ошналарнинг бедилхонлик суҳбати йўли билан ташвиқ қилишга киришади.

Суҳбат ва баҳслашувлар давомида биз Шарқнинг буюк шоири Бедил оз ёзиб, кўп мазмунни ифодалашга уста экани, унинг куллийети катта бир денгиз бўлиб, «ундан ҳар ким ўз кўзасига яраша сув» олажагини англаймиз. Ошналар Бедил ғазаллари ва рубойиларини ўқиш жараёнида ҳар бири ўқилган парчанинг маъзини чақишда қатнашиб, коллектив равишда мунозара қиладилар. Натижада шоир ўзин яшаган жамиятдан норозилик изҳор қилгани, диний ақидаларни, шайх ва зоҳидларни, хурфотни қоралаб, Қазбага бориб тошдан ҳақиқат излаганлар устидан кулгани ва «ҳавоси бузилган бу қоронғу зиндондан ташқарига, очиқ ҳавога чиқиш» кераклигини айтгани билан танишамиз.

Мунозара иштирокчилари Бедилдан кўплаб мисоллар келтириб, у одамни ердаги мавжудотларнинг энг улуғи — «ҳазрати инсон» деб таърифлагани, инсон ўз номига яраша мустақил, бошқаларга кўр-кўрона тақлид қилмай яшаши лозимлигини талаб этгани, олдинга қараб интилиши зарурлигини тасвирлаганидан, амлокдорларнинг қўшчи-деҳқонларга ўтказаетган зулмидан шикоят қилиб ёзганидан хабардор бўламиз.

Шу нарса диққатга сазоворки, Фитрат суҳбат аҳллари баҳсини инқилобий замон руҳида уюштилади. Шоир айтганларидан бизга хизмат қиладиган рационал маъзни топади ва давримизга мувофиқ изоҳлайди. Масалан, инсон тараққиётга, эрка талпиниши унинг номига ярашадиган фазилат экани ҳақидаги Бедил фикрларини замонавий ҳодисалар билан тушунтириш ниятида мусоҳиблардан бирига сўз беради. Унинг айтишича, инсон қудрати ва мўъжизакорлиги айниқса Европадаги фан-техника ривожига яққол кўринади.

¹⁵² Фитрат. Бедил. М., 1923.

Унга жавобан бошқа бир ҳамсуҳбат дейдики, «Европанинг бойлар ҳам бой ҳукуматларига қарши уларнинг қўли остида эзилиб қолган меҳнаткашлар томонидан» кураш бошланган. Бу жиҳатдан энг кучли иш майдони Россиядир. «Рус меҳнаткашлари бойлик ҳукуматини бутун қуйруқлари билан, қолдиқлари билан, излари билан супуриб ташладилар» (23-бет). Суҳбатдошлар биргаликда: мана шу ўзгаришлар моҳиятини тушунишимиз, «ҳазрати инсон» эканимизни билиб, унга кўра ҳаракат қилишимиз лозимдир», «табиат кучларини ўзимизга бўйсундиришимиз» керак, деб хулоса чиқарадилар.

Йигирманчи йиллар ўзбек адабиётида Бедил ижодига бағишланган биринчи асар бўлган мазкур рисола шоир меросини чуқур ўрганиш борасида салмоқли тадқиқотлар майдонга келган бизнинг кунларимизда ҳам ўз ўрнига эга.

Ўрта асрнинг машҳур филологи Замахшарий ҳақидаги «Муқаддиматул адаб»¹⁵³ мақоласида Фитрат бу улуг олимнинг ўлмас китоби қачондан бошлаб ўрганишга киришилгани, у тўғрида қайси манбаларда нималар айтилгани, «Муқаддиматул адаб»нинг қўлёзма нусхалари республикамизнинг қандай фондларида сақланаётганидан дарак беради. Автор бу илк ахборотда ёзади: «...Бу кунгача шу китоб тўғрисида жиддий текшириш ясаб, илмий бир мақола ёзувчи киши бўлмади. Мен ўзимнинг кучсизлигимга қарамасдан мана шу мақолани ёзиб, майдонга чиқармоқчи бўлдим. Менинг бу мақолам илмий бир нарсаси бўлмаса ҳам илмий кишиларнинг диққатларини бу китобга тортишга сабаб бўлур, деб умид этаман». Кейин асардаги исмлар, феъллар, ой-кун номлари араб, форс ва бошқа тилларда қандай ифодаланиши масаласига қисқача тўхтайтиди.

Фитрат «XVI асрдан сўнги ўзбек адабиётига умумий бир қараш»¹⁵⁴ мақоласида ҳали илмий жамоатчиликка яхши маълум бўлмаган фактларни истеъмолга киритади ва диққатга лойиқ мулоҳазалар баён қилади. XVI асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт манзарасини қисқача тасвирлаб ўтгач, бу даврда қандай шоирлар ижод этганини, адабиёт нималар ҳисобига бойиганини тўғри кўрсатади. «Шайбонийнома» ва «Умар Ҳайём» номли мақолалар ҳам шу муаллиф қаламига мансуб, мероси ташвиқ қилишга қаратилган илк тадқиқотлардан эди.

¹⁵³ Маориф ва ўқитгувчи. 1926. 7—8-сонлар.

¹⁵⁴ Аланга. 1929. 8—9-сонлар.

Биринчи авлодга мансуб танқидчи ва адабиётшунослардан яна бири Абдурахмон Саъдий йигирманчи йилларнинг биринчи ярмида фан ва маданият арбоблари меросидан кўпчиликни хабардор қилишга алоҳида эътибор беради. Унинг «Яссавий ким эди?»¹⁵⁵, «Абунаср бин Муҳаммад Тархон Форобий»¹⁵⁶ ва бошқа шу характердаги ишлари ўз даврида муҳим маърифий аҳамиятга эга бўлди. А. Саъдий бошқа бир қатор мақолаларида мерос билан янги замон ўртасидаги алоқаларни ўзи тушунган даражада изоҳлашга уринди.

Муаллиф «Ўзбек маданияти ва маориф қурултойи муносабати билан» мақоласида совет адабиётининг ривож масалаларига тўхталиб ёзади: «Мактабларимизда, билим юртларимизда ва турли курсларимизда ҳам адабиёт ва шеърятимиз буюк ўрин олмоғи керакдир. Токи шуларнинг таъсирлари билан ёшларимиздаги адабий ва шеърый кучлар, гўзал санъат ўқувлари кучайиб, Туркистонда ижтимоият ва инқилоб яссавийлари, ўзгариш навойлари, қўзғолончи Муҳаммад Солиҳлари майдонга чиқсинлар...»¹⁵⁷. Кўринадики, автор салафларимиз ижодини гарчи ғоявий бадий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмаса-да, прогрессив ва консерватив ёзувчиларни «ягона оқим»га қўшиб юборса-да, уларни рад этмайди.

Тўхтамурод Аъламов («Тўғрул») «Эски шоирларимиздан Муқимий»¹⁵⁸ номли мақоласида, жумладан ёзади: «Чиғатой адабиётининг тарихини суриштирган вақтимизда ўз даврининг муҳим ва мўътабар шахсларидан бири деб Муқимийни таниймиз...». Шундан кейин Муқимий ўз салафлари анъанасини давом эттиргани, ғазаллар ва ҳажвий манзумалар ёзгани, «ўз муҳити, турмуши, теварагидаги ҳақсизлик ва кўнгилсиз» ҳолларни тасвирлаганини, «юрагида ўз ватани — юрти учун самимий ва пок бир муҳаббат унга олий бир эҳтиром туйғуси» яшаганини айтади. Мақола сўнггида ўқиймиз: «XII аср мелодийдан бери «Чиғатой адабиёти» оти билан юритилиб келган энг бой ва кенг бир адабиётнинг энг охири табақасидаги шоирларимиздан бўлганлиги учун Муқимий ва унга ўхшаш кишиларни унутмаслик, қимматларини кўтаришлик улуг вазифаларимиздандир».

Танқид тарихига оид материалларни диққат билан ўрганиш шундан далолат берадики, А. Саъдий, А. Ма-

¹⁵⁵ Инқилоб. 1922. 5-сон.

¹⁵⁶ Инқилоб. 1924. 11—12-сонлар.

¹⁵⁷ Қизил байроқ. 1922. 16 март.

¹⁵⁸ Фарғона. 1923. 17 март.

жидий, Тўғрул, О. Ҳошим, Л. Олимий каби танқидчилар илмий изланиш йўлидан бордилар. Уларнинг танқидий мақолалари, адабиётшуносликка оид текширишлари, хрестоматия ва дарсликлари ўша мураккаб, зиддиятли йилларнинг таъсирида вужудга келган, нуқсонлардан қатъи назар, меросга тўғри ёндашишга интилишнинг танқиддаги намуналари эди. Олимийнинг «Нодира» («Билим ўчоғи» журнали, 1923. 23-сон); Фитратнинг «Навоийнинг форсий шоирлиги ҳам унинг форсий девони тўғрисида» («Маориф ва ўқитғувчи». 1926. 12/24-сон); А. Мажидийнинг «Шоир Мирий» («Маориф ва ўқитғувчи». 1927. 6-сон) мақолалари ҳам шу жумлага киради.

1926 йили Бокуда Озарбайжон адабиёт жамияти «Навоий» тўпламини нашр қилади. Тўплам ўзбек адабиётини ўрганиш соҳасидаги илк қадам бўлган ишларни изоҳловчи кичик сўз бошидан кейин проф. Исмоил Ҳикматнинг «Амир Алишер Навоий» номли каттагина мақоласидан бошланади. Акад. А. Самойловичнинг айтишича, Навоийнинг даври, ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ёритишда И. Ҳикмат француз турколови Белиннинг Навоий тўғрисидаги ишларига суянади. Шоирнинг ижодини таърифлаганда И. Ҳикмат ўздан аввал Европа шарқшунослигида ҳукмрон нуқтан назар таъсирдан чиқолмай, Навоийни Низомий, Хусрав Деҳлавий, Жомийнинг тақлидчиси қилиб кўрсатади. И. Ҳикмат Навоий ва Лутфий ижодлари ўртасидаги алоқаларни очишга интилади.

Проф. Чўпонзоданинг «Навоий — лингвист» номли тадқиқоти туркий тилларнинг дастлабки текширувчилари, жумладан, Маҳмуд Кошғарий ҳақидаги маълумот билан очилади. Навоийнинг лингвист сифатидаги назарий ва амалий фикрлари «Муҳокаматул луғатайн»да ифода қилинганини яхши кўрсатади. Китобдаги учинчи мақола Мирза Муҳсин Иброҳимий қаламига мансуб бўлиб, «Алишер Навоийга форс адабиёти таъсири» деб аталган. Автор уйғур ёзувида бизгача етиб келган «Қутадғу билиг»нинг тарқалишидан гап бошлаб, «Бахтиёрнома», «Меърожнама» типидagi асарларни тилга олади.

Тўплам Жомийнинг «Искандарнома» хотимасида Навоий ҳақида айтган мақтовли мисралари билан якунланади (уни озарбайжон тилига Мирзажало́л Юсуфзода таржима қилган).

Буюк форс-тожик шоирининг бу фикри Навоийнинг ижодига жуда буюк баҳо бўлиб, унинг «тақлидчилиги» ҳақидаги фикрни тамом рад этади.

Шу 1926 йили Навоийнинг таваллудига беш юз йил тўлиши шарафига юбилярнинг «Вақфия» ҳамда «Муншаот» асарлари, шунингдек, Ҳусайн Бойқаро девони чоп этилади. Озарбайжон Давлат нашриёти бу китобларни айна замонда Биринчи Бутуниттифоқ туркологлар съезига ҳам совға ўлароқ тақдим қилган.

1925 йили Туркменистон Давлат нашриёти «Амир Алишер Навоий» китобини нашр қилди. У адабиётшунос ва шоир А. Қулмуҳамедов томонидан туркман тилига таржима қилинган «Муҳокаматул луғатайн» бўлиб, кириш сўз, Навоийнинг қисқача таржимаи ҳоли ва баъзи изоҳлар билан таъминланган. Акад. А. Самойлович шу китобга ёзган тақризида «Муҳокаматул луғатайн» туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган асар эканини уқтиради ва Ашурали Зоҳирий ҳам унинг 1917 йили литографик нашрини амалга оширганини айтади.

А. Қулмуҳамедов таржимасининг туркманча тўла номи: «Амир Алишер Навоий. Муҳокаматул луғатайн. Турк ва форс дилларини данггашидириб, турк дилининг бойлигини кўргазан бир китобдир». Шуниси қизиқки, таржимон «барлос уруғидан чиққан умумтурк шоири Навоийни ўзбек ёки туркман деб эълон қилмаслик керак», дейди.

Навоий меросини чуқурроқ ўрганишга бағишланган китоблардан яна бири ва илмий жиҳатдан жиддийроғи 1928 йили Ленинградда рус тилида босилиб чиққан «Мир-Али-Шир» шарқшуносликда сезиларли из қолдирди. Китобда А. Н. Самойловичнинг «Ўрта Осиё — туркий адабий тил тарихига доир», Е. Э. Бертельснинг «Навоий ва Аттор», А. А. Ромаскевичнинг «Янги чиғатой-форс луғати» ва В. В. Бартольднинг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» мақолалари бор. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Бартольднинг ўнлаб шарқ қўлёзмаларини ҳамда чет эл ориенталистларининг ишларини чуқур ўрганиш асосида тўплаган тарихий фактлари мақоланинг қимматини оширган. «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» кейинчалик Навоий ҳақида ёзган жуда кўп олимларга нодир манба бўлиб хизмат қилди. Е. Э. Бертельснинг мақоласи эса Навоий ижодининг мустақиллиги ва оригиналлигини далиллар билан исбот этар эди.

Рус совет шарқшунослари Октябрғача бўлган ўзбек маданияти ва адабиёти тарихини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшдилар. Академик В. В. Бартольднинг «Туркистон тарихи» (1922), «Туркистон маданий ҳаётининг тарихи» (1927), «Улугбек ва унинг даври» (1918), А. Н. Самойловичнинг СССР ФА докладлари тўпламла-

рида: «Ўрта Осиё — туркий адабиётдан материаллар» сериясида нашр этилган Амирий ва Лутфий туюқларига, Атоий ижодига ва «Таашшуқнома»га бағишланган мақолалари ва қатор тақризлари, А. Ю. Якубовскийнинг Ўрта Осиё тарихига оид бир қатор асарлари, А. А. Семенов, Е. Э. Бертельс ҳамда бошқа рус шарқшунос олимларининг асарлари ўзбек адабиётшунос ва танқидчиларига ўрнак бўлди.

Тажрибали шарқшунослар ўтмишни яхши билмай туриб ҳозирги замонни баҳолаш мумкин эмаслигини, маданиятлар, адабиётлар алоқаси бир бутун ҳодиса эканини кўрсатдилар. Е. Э. Бертельс «Ўзбек пролетар адабиёти чигатой адабиётидан эволюция йўли билан ўсиб чиқади деб тахмин қилиш беҳуда бўлур эди... Шу билан бирга, у адабиётдан мутлақо узилиб қолиш мумкин, ҳам эмас; узилиб қолиш фақат бегона намуналарга тақлид қилишни келтириб чиқарарди... Бошқа чора йўқ, поэзияни йўқдан бор қилиб бўлмайди. Ўрта Осиёни бирлаштириб турган адабий алоқаларни узиб қўёлмай-миз»¹⁵⁹, деб жуда тўғри ёзган эди.

Юқорида келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, ўзбек, рус ва бошқа қардош халқларнинг шарқшунослари ташаббуси билан навонийшуносликнинг илк намуналари юзага келган эди.

* * *

Ўзбек совет адабиёти классик меросдан фойдаланиши керакми ё керак эмасми, деган масалага ёндашишда салбий моҳияти жиҳатидан бир-бирини тўлдирадиган икки хил усулга дуч келамиз. Бири ўтакетган вульгаризаторлик (Ж. Бойбўлатов) бўлса, иккинчиси миллатчилик (В. Маҳмуд) эди. Вадуд Маҳмуд «Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз»¹⁶⁰ деган мақоласида ўтмиш ва ҳозирги адабиёт ўртасидаги ижодий алоқалар масаласига тўхталиб, ўтган асрлардаги «буюк адиб ва шоирларимиз фикрий ҳаёт эътибори билан ислом динига ва унинг жавоҳири бўлган исломий тасаввуфга мансуб бўлганидан» уларнинг поэтик ижоди ҳам шу тасаввуфчилик доирасида қолган эди, дейди. В. Маҳмуд классикларимиз ижодидаги реалистик ҳаёт манзаралари, реалистик образларни, айниқса Лутфий ва Навоийлардан бошлаб етакчи тамойилга эга бўлган антиклерикал

¹⁵⁹ Научная мысль. 1930. № 1. С. 17—22.

¹⁶⁰ Маориф ва ўқитувчи. 1925. 4-сон, 55—58-бетлар.

мотивларни, улар меросининг моҳиятини ташкил қилувчи инсонпарварлик ва маърифатпарварликни англамайди.

Муаллифнинг фикрича, совет адабиётининг ўтмиш адабиёт билан «ҳеч қандай алоқаси йўқ, эскидан ажралган». У давом этиб, ёзади: «Эски назм: девон йўли, ғазал, қасида, маснавий, мураббаъ... каби шакллардан иборат. Эски тил ислом руҳини тараннум этган, исломий истилоҳ ва таъбирлар билан тўлдирилган ва араб-форс маданиятининг ўртага отган фикр ва қолибларини ўзига кўп олган...»¹⁶¹. Бинобарин, совет адабиёти улардан фойдалана олмайди — мана В. Маҳмуднинг хулосаси.

Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб адабий мерос масалаларини муҳокама қилишда ёш танқидчи ва ёзувчилар ҳам иштирок этадилар. Уларнинг бир қисми фаолиятидаги устун тенденция — нигилизм эди. Шоир ва танқидчи Юнус Латиф «Пролетар адабиёти»¹⁶² номли мақоласида «...XV асрдаги адабиёт сарой адабиёти бўлиб, ўша вақтдаги шоирлар феодал синфининг куйчилари эдилар... Инқилоб эски адабиётнинг сохтакор эканлигини очиб берди», — деса, бошқа бир ўринда ўзбек халқининг атоқли шоирлари ва адиблари яратган туғма адабиётни форс, араб таъсиридагина шаклланган қилиб кўрсатади.

Унинг назарича, «Чиғатой адабиёти, яъни турк адабиётининг энг порлоқ (олтин) даври форс, араб адабиётининг таъсирида ўсди. Энди вазн, оҳанг, шаклда араб-форс адабиёти таъсирида қолган эски классик адабиётимиздан фойдаланиш мумкинми? Эски адабиётимизнинг шакллари XX асрда қўлланишга яроқсизлар... Пролетар маданияти эски маданиятдан тамом бўлак... Шундай бўлгач, эски адабиётимизнинг шаклларида бир асар яратиш ва улардан тўла фойдаланиш адабиётимиз учун лойиқ эмас»¹⁶³.

Мунозарага киришганлардан Ботир «Биз эски адабиётни шакл-мундарижаси билан йиқитиб, ўрнига соғлом пролетар адабиётини туғдирамиз»¹⁶⁴ даъвоси билан чиқади.

Меросга ўта нигилистик муносабат, ҳатто уни ҳақорат қилиш даражасигача боришнинг мана ман деб турган намунаси Ж. Бойбулатовнинг «Ўзбек адабиёти на-

¹⁶¹ Ўша жойда.

¹⁶² Ёш ленинчи, 1928. 6 апрель.

¹⁶³ Қизил Ўзбекистон. 1928. 5 октябрь.

¹⁶⁴ Ўша жойда.

муналари» хрестоматиясини баҳолашида равшан кўринди.

Ж. Бойбулатовнинг бу янги хуружга сабаб «Ўзбек адабиёти намуналари»да меросга марксча-ленинча қарашнинг тарғиб этилиши эди.

«Ўзбек адабиёти намуналари» нима учун ўқувчиларга тақдим этилаётгани Отажон Ҳошим томонидан ёзилган «Сўз боши»¹⁶⁵да анча муфассал изоҳлаб берилган. Отажон В. И. Лениннинг революция фақат ҳоким эксплуататор синфларни тугатиш билан чегараланмайди, галдаги мураккаб вазифалар қаторида буржуа маданиятидан танқидий фойдаланиб социализм қуриш иши туради, деган фикридан гап бошлайди. О. Ҳошим доҳийнинг комсомолнинг III съездида пролетар маданияти қандай яратилиши тўғрисида қилган докладидан парчалар келтиради.

Муаллиф В. И. Ленин таълимотларига суяниб, яна шундай ёзади: «Пролетар адабиёти, пролетар маданияти тузиш учун эски адабиётни, эски маданиятни яхшилаб билиш, сўнгра уни «бошқатдан ишлаб чиқиш» керак. Чунки эски меросда кўп нарсa феодализм, капитализм фикрига боп қилинган, бу жамиятларда ҳукм сургaн синфларнинг руҳи киритилгандир... Эски маданий меросини яхши билиш, бунинг учун ундaн керакли-керакли жойларини олиб тўплаш ва тўплагaнлари устида ишлаш — мaнa бу пролетар адабиёти, пролетар маданиятини тузиш учун асосдир. Бошқaлар қаторида биздa ҳам бу иш бошланди»¹⁶⁶.

Йигирманчи йиллар рус адабий танқидидаги шиддатли нигилист Родовни эслатадиган Ж. Бойбулатов «Намуналар»ни тузган Фитратни ҳам, сўз боши ёзган Отажонни ҳам бўралаб сўкишга бошлади. Унинг «Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик»¹⁶⁷ номли мақолалари бошидан охиригача классиклар ижодини қоралашдан ва уларни ташвиқ қилувчиларни сиёсий-ғоявий қўпоровчиликда айблашдан иборат. Илмий баҳслашув доирасидан ғайриахлоқий йўлга тушиб кетган танқидчи Бойбулатов Отажоннинг эски маданий меросни яхши билиш ва танқидий қайта ишлаб, пролетар адабиётини яратишда

¹⁶⁵ Бу баъзи қўшимчалар билан «Пролетариат ва чиғатой адабиёти» номи остида «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1928 йил 4-сонидa босилган.

¹⁶⁶ Уша жойда, 5-бет.

¹⁶⁷ Қизил Ўзбекистон. 1929. 13, 14 ва 15 май; Байбулатов Д. ж. Пантуркизм под флагом «Литературного наследия» узбеков, журнал «СААПП». 1931. № 1. Бу мақола кейин алоҳида брошюра қилиб ҳам босилган.

фойдаланиш лозимлиги ҳақидаги мулоҳазаларини келтириб, «Ҳошимов ўзбек пролетар адабиётининг пойдевори учун материални чиғатой фирмасидан олади...»,— дейди.

Унингча, Яссавий, Боқирғоний, Сўфи Оллоёр, Дурбек, Лутфий, Навоий бир хил йўналишдаги, бир хил дунёқарашдаги шоирлардир. Бинобарин, уларнинг ҳаммаси «мавҳумий фалсафа, диний маънавият ва тасаввур маслагининг бориб турган вакиллари... Шерозий, Жомий, Румий каби мутасаввуфларга эргашиб кетган»¹⁶⁸ шоирлардир. Танқидчи Навоийни чиғатой шоирларининг отаси деб сифатлаб, «Чор девон»га ёзилган «Девоча»даги мен ҳар сўзни ҳамд ва наът билан бошлайман» қабилдаги сўзларни сохталаштириб тушунтиради.

Навоий ғазалларидан биридаги:

Ишқ аҳли иши топди бари васл ила чора
Бечора Навоий ғаму ҳижронга йўлиқди,—

байтини олиб, қуйидагича изоҳлайди: «Бизнингча, Шерозий, Жомий, Румий кабилар худонинг даргоҳига эришдилар. Аммо Ҳусайн Бойқаро министри Навоий бу қисматдан маҳрум қолди, деган сўз бўлади»¹⁶⁹.

«Намуналар»да берилган «Тузувчидан бир-икки сўз»нинг охирида «Маълумдурки, бизнинг классик адабиёtimизда тизим усули (вазн системаси — М. Ю.) аруздир. Аруз эса арабча-форсча каби «мад»ли (узун-чўзғили) тилларга қаратиб тузулган ва шунга кўра инкишоф этгандир. Бизнинг тилда «мад» бўлмаса ҳам арузнинг талабига кўра бир кўп чўзғиларни (бўғинларни — М. Ю.) узайтиб («мад»ли қилиб) ўқиш мажбурияти бор»¹⁷⁰.

Адабий мероснинг ашаддий рақибни Бойбулатов ҳозир келтирилган фикрларга мамнуният билан суяниб, хулоса қилади: «... Қисқаси, чиғатой нафис адабиёти мазмун жиҳатидан тасаввуфлик билан, шакл жиҳатидан араб ҳам форслик билан суғорилгандир. Чиғатой шоирларидан — бу мутасаввуфлардан, хаёлпарастлардан, символистлардан ва бошқалардан ўзбек пролетар адабиёти учун қандай бўлса ҳам, бир нарса олишимиз шубҳалидир»¹⁷¹.

«Намуналар» авторини ва Отажон Ҳошимни танқид қилиш жараёнида Бойбулатов маданий мерос ҳақидаги марксча-ленинча таълимотни шу тариқа қўпол равишда

¹⁶⁸ Қизил Ўзбекистон. 1929. 13 май. 110-сон.

¹⁶⁹ Қизил Ўзбекистон. 1929. 14 май.

¹⁷⁰ Ўзбек адабиёти намуналари. 12-бет.

¹⁷¹ Қизил Ўзбекистон. 1929. 14 май.

бузади. У коммунизм башарият дунёси яратган билим-ларнинг ҳаммасини эътиборсиз қолдирмай, диққат билан ўрганиш натижасида пайдо бўлганини, пролетар маданияти бизгача етиб келган маънавий бойликларни яхши билиш, унга танқидий назар билан ёндашиш ва янги жамиятга хизмат қиладиган томонларидан фойдаланиш орқали юзага келишини тасаввур қилолмайди.

Ж. Бойбўлатов мақолаларидаги бир қатор асосланмаган айбларга жавоб бермаслик мумкин эмасди. Бинобарин, Отажон «Адабий мерос ва чиғатой адабиёти»¹⁷² номли икки мақола билан мунозарага киришди. У Бойбўлатов мақолалари «илмий бир мақола эмас, балки қўпол бир фелъетондир. Адабий мерос ва чиғатой адабиёти каби муҳим масалаларни Бойбўлатов каби ҳал қилиш мумкин эмас»,— деган, шахсан ўзи адабий меросни тушуниш ва изоҳлашда Ленин кўрсатмаларига амал қилганини айтади.

Отажон ўз жавобида «Сўз боши»даги айрим ўринларни яна конкретлаштиради ва оппонентнинг бузиб талқин қилган жойларини тузатади. Меросдан фойдаланишнинг бир неча босқичлари борлигини, улар: 1) маданий меросни диққат билан ўрганиш; 2) ундан керак жойларни танлаш; 3) танланган материалларни марксистик нуқтаи назардан қайта ишлаб чиқиш эканини таъкидлайди. «Эски адабиёт ҳам маданият пролетар маданияти ва пролетар адабиётини тузиш учун асосдир», деган фикрдан шу уч босқични илмий бир система асосида ўтиш англашилажагини айтади.

Мунозара жараёнида классик адабиётни баҳолашда аввал йўл қўйган хатоларини тузатишга ҳаракат қилиб: «Чиғатой адабиёти кўп бадий намуналар бергандир, бу адабиётнинг бир қанча санъаткор шоирлари бор»¹⁷³ лигини эътироф қилади. Лутфий, Навоий ва бошқа сўз усталари шеърларидан мисоллар келтириб, бадий маҳорат масалаларига тўхтайди. Унинг фикрига кўра, «ҳозирги ўзбек пролетар шоирларининг камчилиги ҳам шу томонда», яъни маҳоратнинг етишмаслигида. Ўз фикрини яхшироқ тушунтириш ва қандай қилиб бадий етук асарлар яратиш санъатини эгаллаш мумкинлигини уқатириш ниятида В. Маяковскийнинг «Шеърни қандай ёзиш керак?» номли китобидан мисоллар келтиради.

Афсуски, Отажон мақоланинг сўнгида янглиш хулосалар чиқаради. Салафларимиз ижодидан олинган ми-

¹⁷² Қизил Ўзбекистон. 1929. 16 ва 17 июль.

¹⁷³ Қизил Ўзбекистон. 1929. 16 июль.

солларни изоҳлаб: «Мазкур намуналарда мазмун жуда кучсиз... шакл мазмун устидан ҳукм суради»¹⁷⁴, деди.

Бундай танқидий чиқишлар умумий ишимизга зарар келтиришидан жамоатчиликни огоҳлантириб, партия 1925 йил 18 июнь резолюциясида: «...Марксистик танқид ўз орасидан коммунистликни пеш қилиб мағрурланишнинг ҳар қандайини, даъвоси баланд ва лекин чаласавод ана шундай мағрурликнинг ҳар қандайини тамомила кескин суратда чиқариб ташлаши керак. Марксистик танқид ўз олдига ўқиш, ўрганиш шиорини қўймоғи керак...» дейишига қарамай, меросни ур-йиқит қилувчилар ҳали тугамаган эди.

Биринчи беш йиллик планда бажарилиши кўзда тутилган улўғвор вазифалар, совет халқида жўш уриб турган ғайрат ва ташаббус, ўтмишнинг орқага судровчи сарқитларига қарши шафқатсиз кураш, ҳаётнинг барча соҳаларидаги ижодкорлик руҳи ўзбек адабиёти ва адабий танқиднинг тематик доирасини белгилаб турарди. Беш йилликни куйловчи кўплаб бадий асарлар яратилди. Улар адабий танқид учун бой материал ва мунозара майдони бўлиб қолди. Ана шу замонавий масалалар атрофидаги фикр олишувларда, ўз-ўзидан маданий мерос проблемаси ҳам муҳокама қилинар, таассуфки, у ҳамон ўзига лойиқ тўла ижобий баҳони ололмаётган эди. Буни Зиё Саид, Абдураҳмон Саъдий, Умаржон Исмоилий, Юнус Латиф мақола ва тақризларида очиқ кўриш мумкин.

Меросни рад этувчи танқидчилар учун муштарак бўлган ҳусусият шуки, улар Октябрдан кейин ўтмишга айланган ва консерватив бўлиб қолган бадий обидалар билан социалистик жамият манфаатларига яқин, келажакка ўзимиз билан олиб бориб кетадиган маънавий бойликларни бир-биридан ажрата олмайдилар. Натижада Навоий ва Яссавий, Бобир ва Убайдий, Фазлий ва Махмур бир хил ғоявий-эстетик позицияда турган шоирлар сифатида талқин этилади ва феодал адабиёти намондалари деб таърифланади.

Танқидчи ва драматург Зиё Саид «Кураш мадҳияси учун»¹⁷⁵ мақоласида ёш совет адабиётининг кун тартибида турган муҳим вазифалари ҳусусида гапириб, поэзияда кузатилаётган баъзи нуқсонларга ҳам тўхтайди. У «беш йиллик планнинг бутун руҳлари, барча ютуқ ва камчиликларимиз нафис адабиётимизда... кўркем сўзлар

¹⁷⁴ Қизил Ўзбекистон. 1929. 17 июль.

¹⁷⁵ Қизил Ўзбекистон. 1929. 6 сентябрь.

билан ойдинланиши, миллатчиликка қарши интернационализм идеяси санъат-адабиёт асарларида ишчи-деҳқон кўпчилигининг психологиясига, қонига сингдирилиши лозим...»лигини айтгандан кейин «бизда ҳозирги жараён эскини синдириш, кураш»,—дейди.

Зиё Саид фикрича, эскини синдириш фақат ижтимоий ҳаётда, экономикадагина рўй бериб қолмай, маданий меросга ҳам тааллуқлидир. Адабиёт ва санъат аҳлларининг ижодида бу кураш акс этмаётир. «Музыкамиз ўзининг муҳофазакор (консерватив — М. Ю.) муҳиблари қўриқчилигида эски традицияларни сақлаш, ҳозирги буюк қурилиш даврининг динамикали суръати қарши-сига ўлик «муножот»ларни, жонсиз «наво»ларни кўндаланг қўйиш билан овора».

Инқилобдан кейинги йилларда маданий меросни ўрганиш билан анча жиддий шуғулланган Абдурахмон Саъдий 1930 йилга келиб, «Кейинги йиллар ичида баъзилар томонидан... классиклардан, яъни эски ёзувчиларнинг олдингиларидан ўрганиш, деган зарарли шиор ўртага қўйилди»¹⁷⁶ қабiliдаги гапларни айтди. Лекин у шу нотўғри позицияда туриб қолмади. Бир оз олдинга кетиб бўлса-да, айтиб ўтиш лозимки, проф. А. Саъдий 1934 йили нашр этилган «Ўзбек буржуа адабиёти» (XIX ва XX асрлар)¹⁷⁷ дарслигида кўпгина хато фикрларни тарғиб этиш билан бирга меросга бутунлай бошқача ёндашади. Китобдаги «Адабий мерос ҳам уни ўрганиш йўлимиз» деган парчада рус ёзувчилари ўзларининг буржуа жамиятидан қолган адабиётлари билан танишиб, унинг фойдаланадиган нуқталаридан кераклигини олганлари каби биз ҳам ўзбек буржуа жамиятидан қолган адабий меросимизни ўрганамиз, дейилади. Автор В. И. Лениннинг комсомолнинг III съездидаги докладида мерос тўғрисида айтган гапларини келтириб, давом этади: «Лениннинг мана шу чуқур маъноли, таълимотини биз керак, умуман бутун эски адабиётларни ўрганганда бўлсин ва керак шулар

¹⁷⁶ Қизил Ўзбекистон. 1930. 6 август.

¹⁷⁷ Ушбу дарслик Ўзбекистон Халқ Маориф Комиссарлиги томонидан 1933—1934 йил учун тасдиқланган программага мувофиқ тузилган. Тақризчи Ж. Бойбулатов, XIX аср ҳисобидан алоҳида фигура сифатида Муқимий берилган. Шоир мадрасада ўқигани учун «руҳоний шоирлардан» дейилган бўлса-да, «Танобчилар» тўғри таҳлил қилинади. Иккинчи боб XX аср шоирларидан баҳс этади. Бобнинг кириш қисмида жадидчиликнинг пайдо бўлиши, унинг (гўё характерли) белгилари устида сўзланади. Сўнг Қамий, Беҳбудий, Таваалло, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Сидқий Хондайлиқий ижодига тўхталади.

ичинда ўзбек буржуа адабиётини ўрганганимизда бўлсин, ҳар вақт эсимизда тутиб боришимиз лозим. Ҳар бир маданий-адабий меросни раҳбарларимиз бўлган Маркс, Энгельс, Ленин... таълимотлари, яъни пролетариат нуқтаи назаридан қараб, танқид кўзи билан ўрганишимиз лозим»¹⁷⁸.

Йигирманчи йиллардаги адабий ташкилотлар «Қизил қалам», «Ёш ленинчи» газетаси қошидаги адабий тўғарак, нихоят ЎзАПП (1930) адабий меросга бир хилда ёндашмади. «Қизил қалам» таъсис этилган вақтдан бошлаб меросни актив равишда ташвиқ қилишга бошлади. 1928 йили чоп этилган биринчи «Мажмуа»да бу равшан кўринди. «Мажмуа»га Отажон Ҳошим томонидан ёзилган «Пролетариат адабиёти ва адабий мерос» номли кириш мақолада меросга марксча-ленинча муносабат тўғри ёритилди. Автор Ленин фикрларига асосланиб, «пролетариат капитализм даврида маҳкум синф бўлганидан ўз санъатини, адабиётини мукамал туза олмаган. Шунинг учун унга ўз ҳокимияти даврида тузишга тўғри келади»,—деб таъкидлайди... «Пролетариат санъати, адабиёти осмондан тушмайди, ёки ердан пайдо бўлиб қолмайди... янгиликлар ихтиро қилиш ўтган жамиятларнинг бизга мерос қилиб ташлаб кетган неча минг йиллик тажрибалари орқасидан юзага»¹⁷⁹ чиқади. Шундай экан, мерос устида «неча йиллар тартибли равишда коллектив куч бўлиб ишлаш керак».

Бу назарий йўлланмадан кейин проф. А. Самойловичнинг «Навоий тўғрисида Европа олимлари» ва Фитратнинг «Умар Ҳайём» мақолалари босилган. Ҳар иккиси ҳам ўз даври учун муҳим илмий-маърифий аҳамиятга эга эди. «Мажмуа»нинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий хотирасига бағишланган II китобида¹⁸⁰ аввал қабул қилинган йўл давом эттирилади. Отажоннинг «Жадид адабиёти тўғрисида», Абдурауфнинг «Чигатой адабиёти», Поповнинг «Адабиёт техникаси асослари» каби тадқиқотлари, улардаги меросга оид гаплар шундан далolat беради.

ЎзАПП фаолияти кўпроқ меросни қоралаш билан характерланади. Ташкилотнинг бош секретари Умаржон Исмоилов «Қизил қалам»ни қоралаб, у «бутун

¹⁷⁸ Ўша китоб, 9-бет.

¹⁷⁹ «Қизил қалам» мажмуаси. I китоб, Самарқанд. 1928. 7—8-бетлар.

¹⁸⁰ «Қизил қалам» мажмуаси. II китоб. Самарқанд. 1929. Тошкент.

умрида чигатой адабиётини марксизм билан бўяб, амалга татбиқ қилишга тиришди... «Қизил қалам» эски шоирлардан Навоий, Умархон каби феодализм ва капитализм шоирларининг усулларини текшириб, ёш ёзувчиларга ундан дарс олишни ўргатди. Символист шоир Навоийни энг юқори даражага қўйиб, унинг бутун методларини ўрганишга қистаб, шунинг билан ёш ёзувчиларга символистикани ўргатиб келдилар»¹⁸¹.

ЎЗАППнинг фикр афкори бўлган «Қурилиш» журнали эгаллаган мавқе ҳам асосан меросга нисбатан оппозицияда бўлди.

Қисқаси, узоқ йиллар давомида Навоий, Машраб, Турди, Муқимий ва бошқа салафларимизни «ҳозирги замон кемасидан» улоқтириб ташламоқчи бўлганлар озмунча эмасди. Нигилизм таъсирида бўлган ёшлар классикларга менсимаслик назари билан қараб, улардан ўрганиш ўрнига мустақил йўл тутмоқчи бўлдилар. Утмиш тажрибаларни қадрламаслик касали қарийб ўттизинчи йилларнинг биринчи ярмигача давом этди.

Шу нарса диққатга сазоворки, адабий танқид аҳллари, «маданий мерос бизга керакми ёки керак эмасми?» деган саволга гоҳ ижобий, гоҳ салбий жавоб бериб келаётган бир вақтда бадий тажрибада бу аллақачон ижобий ҳал қилинган эди. Айниқса, янги мазмунни традицион формаларда ифодалаш зарурати эски вазн ва жанрларга мурожаат қилишга олиб келди.

Бу табиийдир. Маълумки, реалистик санъат ва адабиётда мазмун ва форма масаласи диалектик алоқадаги ҳодисадир. Форма мундарижа билан белгиланадиган мазмунли форма бўлса-да, баъзан ўз специфик хусусиятлари билан мазмундан фарқ қилади. Форманинг нисбатан мустақил ролига баҳо бермаслик адабиётнинг эмоционал таъсир кучини тушунмасликка олиб келади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, эски формалар бир неча асрлар аввал яратилиб, узоқ вақт давомида бадий ижод тажрибасида қўллаб келиниши натижа-сида ёзувчи ва ўқувчиларнинг руҳига сингиб кетган. Бинобарин, санъаткор ўз ўқувчиларига тушунарли бўлиш, уларнинг қалби ва зеҳнига таъсир қилиш учун одат бўлиб келган тасвирий воситалардан фойдаланмаслиги мумкин эмас.

Салафларимиз ижодига ҳурмат билан қараб, улар қўллаган шеърий шаклларга мурожаат айниқса совет адабиётининг кекса намояндалари Оразий, Фақирий,

¹⁸¹ Қурилиш. 1931. 3-сон. 3—5-бетлар.

Сўфизода, Чокар, Ҳамза, Айний, А. Мажидийларнинг ижоди учун характерлидир. Уларнинг ўткир революцион ғояларни ифодаловчи асарларида ғазал, мухаммас шаклидан ва аруз вазнидан кенг фойдаланилди. Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига» ғазали кўпчиликка аллақачондан бери таниш усулда ёзилган эди. Айний инқилобни, озодликни қутлаган эҳтиросли шеърларида мустазод шаклини қўллади, Сўфизода ишчи-деҳқонлар бахтини куйлаганда мухаммасга мурожаат этди.

Давримизнинг ёш шоирлари Собир Абдулла, Насимий, Нориншилпик, Ноил Рошидоний, «Макнун» ва яна кўп қалам аҳлларининг сатирик шеърлари ҳам традицион шаклларда ёзилган. Масалан, Танқа (С. Абдулла) диндорларни фош қилувчи сатираларидан бирини шундай бошлайди:

Алдоқчи эшон, мулло сарсона бўлиб ўлсун,
Қилса яна эшонлик афсона бўлиб ўлсун...

Мойил Намангоний номли шоир бюрократни ўз тилидан гапиртиради:

Елиб лавкамни шўроларга хизмат қилмасам бўлмас,
Олиб бекорга ойликни, маншат қилмасам бўлмас...

«Ҳазилкаш» тахаллусли бошқа бир шоир майпа-растликни, безориликни танқид қилади:

Масти лояъқил бўлиб, шовқин солиб, айтиб қўшиқ,
Юрмаганлардан бўлур озурда бу доно шароб...

Буларга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман ўзбек совет адабий танқидидаги идеологик курашлар марксча-ленинча инқилобий ғоялар ғалабаси билан якунланганидек, меросни танқидий ўрганиш ва ишчилар синфи манфаатлари нуқтаи назаридан қайта ишлашда ҳам марксизм-ленинизм тўғри йўл кўрсатиб турувчи компас бўлди. Адабиётнинг кишилик жамияти тарихидаги ролини, мерос ва ворислик алоқалари бир-биридан узилмас ҳодисалар эканлиги марксистик нуқтаи назардан тушуна бошлаган танқидчилар етакчи кучга айланди.

Боту «Пролетариат адабиёти тўғрисида»¹⁸² мақола-сида шундай ёзди: «Пролетариат ҳокимияти даврида эскиликни бузишгина бўлмасдан янги дунё қуриш ҳам бўлади. Албатта янги маданият — пролетар маданиятини қуришда кишилик жамияти томонидан саноксиз асрлар бўйича тўпланган маданий бойликлар бутунлай

¹⁸² Коммунист. 1928. № 3. 47-бет.

ирғитилмайди. Ҳеч бир синф ўз маданиятини қурганда жамият кучи билан вужудга келтирилган маданий бойликларнинг кулини кўкка совуриб юборган эмас. Пролетариат ҳам капитализмдан социализмга кўчиш даврида жамиятдаги маданий бойликларни ўз қўлига олиб, уларнинг ярамас унсурларини йўқотади ва яхши унсурларини қўшиб, маданиятини юксалтиради». Танқидчи Анқабой ҳам худди шундай нуқтаи назарни ифодаловчи мақолалар эълон қилди.

Классикларимиз ижодидаги гуманизм ва халқчиллик, ватанга муҳаббат мотивлари, воқеликни чуқур англашга интилиш, зулмга қарши ва адолат учун кураш, порлоқ истиқбол орзуси, инсон эркини улуғлаш, антиклерикализм, ниҳоят, юксак бадий маҳорат — булар ҳаммаси замонамизга оҳангдош ғоялар ва ибрат мактаби эди. Ёш совет танқидчилиги айрим намоёндалари қарашларида классик адабиётнинг бу ажойиб фазилатлари аҳамиятини тўла тушунган ва актив таъшиқ этолмаган бўлса ҳам, йигирманчи йиллардаёқ бир қатор танқидчи ва адабиётшунослар адабий мероснинг янги, социалистик маданият қуришда ўйнаши мумкин бўлган ижобий роли ҳақида аниқ тасаввурга эга эди. Бу эса адабий танқид ва адабиётшуносликнинг тўғри ривож йўлини топиб олганидан гувоҳлик беради.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

Асримизнинг йигирманчи йилларида Ўзбекистонда адабий танқид шаклланаётган янги ўзбек совет адабиётининг ютуқ ва камчиликлари фонида туғилди, ривожланди ва шаклланди. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Яшин, Абдулла Қаҳҳор ва улар қаторидаги ёзувчиларнинг ижодий маҳсулоти танқидий-эстетик фикрнинг туғилиши ва ривожланишига замин бўлиб хизмат этди.

Ёш адабий танқид ўз навбатида адабий-тарихий жа- раёнда актив роль ўйнади. Адабиётшуносликнинг оператив, илғор ва жанговар отряди бўлган адабий танқид йигирманчи йилларнинг адабий ривожига доир кўпгина асосий масалаларни кўтарди, адабий ҳодисалар, ёзувчилар ва уларнинг асарлари ҳақида муҳокама юргизди, уларга асосан тўғри баҳо берди ва шу йўл билан адабиётнинг тўғри ривож йўлидан боришига таъсир этди. Совет адабий танқидчилиги марксизм-ленинизм асосларини борган сари чуқурроқ эгаллаш йўли билан

бориб, Коммунистик партиянинг адабиёт ва санъат соҳасидаги сиёсатининг тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Унинг вульгар социологизм ва формализм характеридаги айрим хато ва камчиликлари ўрганувчилик даврининг маҳсулоти бўлиб, ўткинчи характерга эга эди. Адабий танқидчилик адабиёт ва санъатнинг социализм учун курашдаги актив ролини қувватлади ва буржуа миллатчилиги, ғоясизлик эстетикаси қарашлари билан муросасиз кураш олиб борди.

Танқид — бадиий адабиёт кўзгуси. Ҳар бир халқнинг сўз санъатига хос фазилат ва нуқсонлар ана шу кўзгуда равшан акс этади. Танқид — адабиётнинг ўзини англаш воситаси. Ўзини англаш қанчалик теран, қанчалик аниқ бўлса, бутун адабий жараён учун мезон бўлиб хизмат қилади. Танқид адабиётни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг олдинги марраларида тургани ҳолда ўзига ҳамнафас адабиёт замон биографиясини, замондошлар образини қандай яратаётгани хусусида фикр юритади, «ҳаракатдаги эстетика» (В. Белинский) бўлган совет адабий танқиди методологик жиҳатдан марксча-ленинча назарий асосларга суянади.

1917—1932 йиллар мобайнида, яъни 15 йиллик муддат ичида юқоридаги сифатларга эга бўла бошлаган ўзбек совет адабий танқиди мустақил жанрга айланди ва шакллана бошлади. Аммо бу осонликча рўй бермади. Бу давр, бир томондан, идеология соҳасидаги кескин синфий кураш, иккинчидан, жиддий изланишлар кетаётган, санъат ва адабиётга оид эски назарий тушунчалар истеъмолдан чиқиб, янги нуқтаи назарлар пайдо бўлаётган, терминологик ўзгаришлар рўй бериб турган, адабиёт ҳақидаги фан ҳаёт тақозоси билан бирданига келиб чиқаётган саволларга тезда жавоб тополмаётган чоқлар эди. Даврнинг энг пешқадам ва ижодий актив танқидчилари фаолиятида кўринган изланишлар, ноетуклик ва баъзи илмий-методологик хатолар ана шу конкрет тарихий шароит билан боғлиқдир.

Танқидчиликда учраган меросни тан олмаслик, вульгаризаторлик, марксистик эстетикани схематиклаштириш ва жўнлаштириш П. С. Қоган, В. М. Фриче, В. Ф. Переверзевларга эргашиш, РАПП таъсирига берилиш — ўош йўлидаги нуқсонлар эди.

Ўзбек танқидчилари марксизм-ленинизмнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги таълимотини ўрганиш ва В. Белинский, Н. Добролюбов, Н. Чернишевскийлар адабий мероси билан танишиш, айниқса В. Плеханов, А. Луначарский, В. Воронский ва бошқа марксист

танқидчиларнинг асарлари воситасида марксча-ленинча эстетик таълимот билан қуролланиш оқибатида танқид ва танқидчи функциясини тўғри англаб олдилар. Профессионал танқидчилар Отажон Ҳошим, Олим Шарафиддинов, Раҳмат Мажидий, Сотти Ҳусайн ва улардан кейин ўз фаолиятини бошлаган Ҳ. Ёқуб, И. Султон, Б. Қарим, Ю. Латиф, Ю. Султон, шунингдек танқидчилик билан шуғулланган ёзувчилар — Ҳ. Олимжон, Ойбек, Уйғун, Ғ. Ғулом, З. Саид, Шайхзодаларнинг ўттизинчи йилларнинг бошидаги мақолалари марксистик таълимотга амал қилишга интилиш намуналаридир. Танқидий тафаккурнинг партиявийлиги позициясини эгаллаш натижасида ўзбек совет адабий танқиди ҳар хил зарарли тенденциялар — миллатчилик, вульгар социологизм, формализмга қарши қурашда ғалаба қозонди.

Рус классик ва совет адабий танқиди хазиналаридан унумли фойдаланиш, қардош халқларнинг бу борада тўплаган тажрибаларидан ибрат олиш туфайли Ўзбекистон танқидчиларининг савияси ўсди. Улар бадий адабиётни конкрет ҳаётда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий-тарихий фактларга қиёсан ўрганишга интилдилар. Ёзувчилар эътиборини замонавий материалга қаратиб, Магнитогорск, Турксиб, ДнепроГЭС сингари даврнинг оламшумул тарихий аҳамиятга эга қурилишларидан илҳомланишга ва социализм қурилишининг актив иштирокчилари бўлишга чакирдилар.

Адабий танқидда кўринган яна бир фазилат — бадий асар таҳлилида шакл ва мазмун бирлигига диққат қилиш эди. Агар дастлабки вақтларда муайян асар темаси ва сюжетигина айтилиб, бадий форма кўпинча тилга олинмаса, энди танқидий асарларнинг кўпчилигида ғоявий мазмун қаторида композиция, стиль, тасвирий воситалар бирликда баҳоланадиган бўлди. Бадий тилга оид мунозаралар уюштирилиб турди.

Етакчи танқидчиларнинг мақола ва тақризлари кўпчиликда қизиқиш уйғотадиган бўлди. Бошқача айтганда, танқид ижтимоий тафаккурни шакллантирувчи воситалардан бири бўлиб қолди. Танқидий мақолаларнинг жамоатчилик томонидан ўқилиши ўз навбатида у ерда анализ қилинган асарларга китобхонлар диққатини тортишга, оммалашувига сабаб бўлди. Танқид ёзувчиларга ғоявий-эстетик етук шеърлар, ҳикоялар, драмалар яратишда маслаҳатчи, ижодий ҳамкор бўла бошлади. Ёзувчиларнинг новаторлик борасида самара-

ли изланишлари, турли янги жанрлар борасидаги изланишлари қўллаб-қувватланди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда чиқарган «Адабий-бадий ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида»ги қарори «тамом партиявий бўлган адабиёт ва театр танқидининг ўсиши учун зарур бўлган ҳамма шароитларни туғдирди. Марказкомнинг қароридан кейин ўтган йиллар ичида танқидчи кадрларнинг асосий кучлари тўпландилар...» (Р. Мажидий). Танқидчилик маданияти бир қадар юқори кўтарилди. Булар барчаси партиянинг чидам билан системали равишда олиб борган тарбиявий иши ва узоқ давом этган мураккаб йўлнинг зафарли оқибати эди.

Алексей Сурковнинг совет адабий танқидига нисбат берилиши мумкин бўлган қуйидаги сўзлари характерли: «Бугунги «социализм даврининг адабиётшунослари ва тарихчилари адабиётимиз йигирманчи, ўттизинчи ва қиринчи йилларда қандай бўлганини эсда тутиб, бизни коммунизм сари олиб кетаётган бугунги асфальт ўша йилларда оёғимиз остида бўлмаганини унутмасликларини истардим. Адабиёт курашларда туғилиб, турли хил балоларни бошидан кечирди. У ўзининг машаққатли йўлида халқ билан бирга бўлиб, капиталистлар дунёси йўлимизга ташлаган минг хил тўсиқларни енгиб ўтди»¹⁸³.

Асримизнинг йигирманчи йилларида Ўзбекистонда марксизм-ленинизм таълимотига асосланган адабий танқид туғилди ва ривожланди. Ўсиш даврига хос бир қанча хато ва камчиликларни истисно қилиб, айтиш мумкинки, янги адабий танқид сўнграқ «социалистик реализм» деб аталмиш янги ижодий методнинг асосий принципларини — социалистик идеалга суяниш, коммунистик ғоявийлик, халқчиллик ва бадийлик принципларини тасдиқ этиш йўлидан бориб ривожланди. Танқидчилик ва адабиётшуносликда маданий ва адабий меросга марксча-ленинча муносабат ҳукмрон бўлиб қолди. Танқидчиликнинг касб бўлиб қолиши ва Отажон Ҳошим, Олим Шарафитдинов, Сотти Ҳусайн, Абдурахмон Саъдий, Ҳомил Ёқубов ва бошқаларнинг профессионал танқидчи сифатида майдонга чиқиши — даврнинг катта маданий йутуғидир.

Адабий танқиднинг шаклланиши ва ривожда ёзувчиларнинг роли катта бўлди. Йигирманчи йилларда

¹⁸³ Великий Октябрь и литературный процесс современной эпохи. М., 1979. С. 358.

Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғафур Ғулом, А. Қодирий ва шулар қаторидаги совет ёзувчилари ўзларининг адабиётга ва адабий меросга алоқадор фикрлари билан Совет Ўзбекистонида марксча-ленинча адабий танқиднинг ривожланишига асос солдилар ва матбуот органларида адабиёт бўлимларига раҳбарлик қилдилар (*«Янги Фарғона»*да Ҳамза, *«Муштум»*да А. Қодирий).

Йигирманчи ва ўттизинчи йилларнинг бошларида Ўзбекистонда тамом янги маданий ҳодиса — марксча-ленинча адабий танқид туғилгани ва ўсганининг энг муҳим далили шуки, ўша даврнинг пешқадам танқидчилари томонидан истеъдоди тан олинган ва ижодининг перспективлиги тасдиқ этилган ёзувчилар (Ҳамза, С. Айний, Абдулла Қодирий, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ғайратий, Уйғун, Яшин, Шайхзода, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор, Назир Сафаров ва шулар қаторидаги кўпгина ёзувчилар) ҳақиқатан ўзбек совет адабиётининг пойдеворини яратувчилар тариқасида адабиёт тарихидан ўрин олдилар.

Янги, марксча-ленинча адабий танқид ўзи ҳам бундан кейинги ўн йилликлар мобайнида тўхтовсиз ўсиб, ҳозирги адабий-тарихий жараёнда катта ижобий роль ўйновчи факторга айланди.

ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЙ ТАНҚИДИ СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ ЭСТЕТИКАСИ БИЛАН ҚУРОЛЛАНИШ ЙЎЛИДА (1932—1941)

АДАБИЁТ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Уттизинчи йиллар совет жамияти тарихига социализм асосларини қуриш даври сифатида киради. Қисқа бир муддат ичида совет халқлари ҳаётида оламшумул воқеалар юз берди: маданий инқилоб ғалаба қозонди, мамлакатимиз ёппасига саводхон, бошланғич, ўрта ва олий мактаблар билан таъминланган юртга айланди; мамлакатнинг иқтисодий ва маданий қиёфасини тамом ўзгартириб юборган беш йиллик планларининг муваффақиятли равишда амалга ошуви натижасида собиқ қолоқ Россия дунёнинг энг тараққий этган индустриал мамлакатларидан бирига айланди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳамияти жиҳатидан революцияга тенг бўлган коллективлаштиришнинг ғалабаси натижасида жаҳонда биринчи марта социалистик изда ривожланувчи қишлоқ юзага келди ва ривожланди. Бу оламшумул ютуқларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар оммасининг революция томонидан уйғотилган кучи ва ташаббуси билан рўёбга чиқди. Бу тарихий жараёнда одамларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзгарди, меҳнатга коммунистик муносабат миллион-миллион кишиларнинг онгида устун бўла бошлади.

Бутун совет адабиёти шу тарихий ҳодисалар жараёнида ривож топди. Қўп миллатли совет адабиётининг ажралмас қисми — ўзбек совет адабиёти янги, аввалгидан баланд поғонага кўтарилиб, совет адабиётининг илғор отрядларидан бири бўлиб қолди.

Бу кўтарилиш даставвал адабий кадрларнинг ижодий фаолияти ошганида кўринди. Совет адабиётининг кекса авлоди — С. Айний, Абдулла Қодирий, Сўфизода, Авлоний ва бошқаларнинг совет даврига, социалистик қурилиш жараёнига бағишланган янги асарлари пайдо бўлди. Йигирманчи йилларда адабиётга кириб келган

Ғафур Ғулом, Ғайратий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Яшин, Ойдин, С. Абдулла ва улар қаторидаги ёзувчиларнинг ижодий активлиги ошди, асарларининг ғоявий-бадий даражаси кескин равишда кўтарилди.

Ўттизинчи йилларда адабиёт майдонига янги, қобилиятли ёшлар кириб келдилар: Мақсуд Шайхзода, Усмон Носир, Зулфия, Амин Умарий, Султон Жўра, Ҳасан Пўлат, Назир Сафаров, Парда Турсун, Зиё Саид, Зиннат Фатхуллин, Умаржон Исмоилов, Зафар Диёр ва бошқаларнинг ижоди ўзбек совет адабиёти хазинасини бойитди.

Поэзияда Ғ. Ғуломнинг «Яловбардорликка», «Турк-сиб йўлларида», «Текстилькомбинат ва Миср эҳроми», Ойбекнинг «Дилбар — давр қизи», «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Темирчи Жўра», Ҳ. Олимжоннинг «Бахтлар водийси», «Зайнаб ва Омон», «Ўзбекистон», Уйғуннинг «Назир отанинг ғазаб», «Гулаласал», «Қуёш ўлкасига» асарлари пайдо бўлди. Бутун поэзиянинг пафоси — социализм даврини мадҳ этиш, коммунизм қураётган янги одамнинг фазилатларини тасвирлаш бўлиб қолди. Бу давр поэзиясининг етуклигидан яна бир намуна — лиро-эпик жанрнинг шаклланиши ва ривож бўлди. Ғ. Ғуломнинг «Кўкан», Ойбекнинг «Дилбар — давр қизи», «Ўч», У. Носирнинг «Норбўта» ва «Нақшон» асарлари бу даврда кенг ривож йўлига чиққан поэма жанрининг намуналаридандир.

Адабиётнинг етуклик йўлига киргани ва бу соҳада ютуқларга эришганининг яна бир кўрсаткичи — эпик жанрнинг шаклланиши ва ривожидир. Йигирманчи йилларда ҳикоялар ёзиш зарурлиги ҳақида кўпроқ гап борса («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» каби романларнинг яратилиши нодир ҳодиса бўлса), ўттизинчи йилларда насрнинг катта ва кичик шаклларида ғоявий-эстетик балоғатдан гувоҳлик берувчи кўпгина асарлар яратилди. А. Қаҳҳор кичик насрий шаклнинг, Ҳ. Шамс, Ойдин, Абдулла Қодирий, Парда Турсунлар ҳикоя жанрининг моҳир вакиллари сифатида майдонга чиқдилар. Адабиёт аста-секин повесть жанрида ҳам ютуқларга эриша бошлади. А. Қаҳҳорнинг «Қишлоқ устида ҳукм», А. Қодирийнинг «Обид кетмон», Ҳ. Шамснинг «Ота» повестлари шулар жумласидандир. Насрнинг ривож бўлиши адабиётда романнинг янги намуналари яратилишига олиб келди. С. Айнийнинг «Қуллар», А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарлари романчиликнинг ўзбек адабиётида юқори мавқега эгаллаб олганининг далили эди.

Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» ва «Холисхон» драмалари ўзбек адабиёти учун янги бўлган драманинг ривожига қандай йўллар билан борганлигини аниқлашга катта ёрдам берди. 30-йиллар ўзбек драматургиясининг асосий материали — Туркистонда Совет ҳокимиятининг мустақамланиши учун кураш (З. Саид ва Н. Сафаровнинг «Тарих тилга кирди» драмаси) ёки совет даври кишининг янги қиёфаси (Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» драмаси) бўлиб қолди. Драматургияда илк марта биографик жанрга асос солинди ва Ҳамза ҳаёти бунга олижаноб материал бўлиб хизмат этди. А. Умарий ва Яшиннинг «Ҳамза» драмаси буюк совет ёзувчиси образини драматургияга олиб кириш билан янги, совет ёзувчиси қиёфасининг шаклланишига катта туртки берди. Ҳамза — Октябрь революцияси ва меҳнаткаш халқ тақдири билан ўз ижоди ва ҳаётини чамбарчас боғлаган санъаткорнинг намунаси бўлиб қолди.

Ўзбекистонда болалар адабиётининг ривожига ҳам 30-йилларнинг характерли хусусиятидир. 20-йилларда ёқ айрим журналлар («Маориф ва ўқитғувчи») саҳифаларида болалар адабиётининг айрим намуналари пайдо бўлган бўлса, 30-йилларга келиб, болалар адабиёти ўзбек совет адабиётининг мустақил ва анча қувватли отрядига айланди.

Бу йилларда Иттифоқимиздаги барча миллий социалистик адабиётларнинг ғоявий-бадний пафосида бир-бирига яқин жиҳатлар кўпайди; СССРдаги ҳамма тилларда кўп миллатли ягона совет адабиёти вужудга келганидан гувоҳлик берувчи намуналар пайдо бўлди. Шу жумладан, ўзбек ёзувчилари, бахшилари, шоир ва драматургларининг ижоди ҳам рус тилига таржима орқали республикамиз доирасидан чиқиб совет халқларининг маънавий бойлигига айлана бошлади. С. Айний, А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор романлари, Ғ. Ғуллом, Ҳ. Олимжон, Уйғун шеър, поэма, қисса ва ҳикоялари ўзбек танқидчилиги қатори Бутуниттифоқ китобхони ва танқидчилиги назарига ҳам тушди.

Уттизинчи йилларда ўзбек адабий танқиди умумсовет адабиётининг ана шу янги кўтарилиши жараёнида тараққий этади ва ижобий жараёнга ўз ҳиссасини қўшади. Кўп миллатли совет адабиёти ва адабий танқидчилигидаги кўтарилишни таъмин этишда ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрелда «Адабий-бадний ташкилотларни қайта қуриш тўғрисида» чиқарган қарори ҳал этувчи роль ўйнади (қарор «Партийное строительство» журналининг 1932 йил 9-сониди).

эълон этилди.). Қарорда сўнгги йилларда социалистик қурилишнинг катта ютуқлари асосида совет мамлака-тида адабиёт ва санъат соҳасида ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан юксалиш юз бергани, шу билан бирга, бир неча йил аввал, адабиётда ёт элементларнинг таъсири айниқса НЭП йилларида кучайган пайтда, пролетар адабиётининг кадрлари ҳали кучсиз бўлганда, партия пролетар ёзувчиларининг ва санъат ходимларининг мавженин мустаҳкамлаш ниятида адабиёт ва санъат соҳасида алоҳида пролетар ташкилотларининг тузили-шига ва мустаҳкамланишига ҳар тарафлама кўмакла-шиб келганлиги қайд этилди.

Пролетар адабиёти ва санъати кадрлари ўсиб етиш-га улгурган: завод, фабрикалардан, колхозлардан янги ёзувчилар ва санъаткорлар майдонга чиққан ҳозирги вақтда мавжуд пролетар адабий-бадий ташкилотлари (ВОАПП, РАПП, РАМП ва бошқалар) рамкалари торлик қилиб қолмоқда ва бадий ижоднинг жиддий равишда қанот ёзмоғига ҳалал бермоқда.

ВКП(б) Марказий Комитети социалистик қурилиш-га хайрихоҳ ҳамма ижодкорларни бирлаштириш ва уларни социалистик қурилиш вазифалари атрофига ак-тив жалб этиш ниятида адабий-бадий ташкилотлар-ни қайта қуришни зарур деб топди. Қарорда айтили-шича, аввалги пролетар ёзувчилари ассоциациялари (ВОАПП, РАПП) тугатилади ва ягона Совет Ёзувчи-лар союзи тузилади. Бу Союзнинг вазифаси — Совет ҳокимияти платформасини қувватловчи ва социалистик қурилишда иштирок этишга интилувчи ҳамма ёзувчи-ларни бирлаштиришдир.

Шу қарор асосида 1934 йилда бўлиб ўтган Бутун-иттифоқ совет ёзувчилари съезди СССР Ёзувчилари союзининг тузилганини тантанали эълон этди, адабиёт-нинг бундан кейинги ривожини йўлларини тайин этувчи жуда муҳим масалаларни муҳокама қилди ва СССР Ёзувчилар союзининг Уставини қабул этди. Уставда союзнинг вазифалари таърифлаб берилди. Совет ада-биётининг етакчи ижодий методи — социалистик реал-изм экани тасдиқланди.

Қарор совет адабиётининг бундан кейинги ривожини да асос солувчи роль ўйнади.

АДАБИЙ ТАНҚИДДА ИЖОДИЙ АКТИВЛИК

Ўнгирманчи йиллар совет танқидчилигининг илк қадамлари даври бўлгани учун у адабий-тарихий жа-

раёнда баҳоли қудрат ижобий роль ўйнаган. Лекин танқидчиликнинг суи ривожланаётгани кўпчилик томонидан эътироф этилган. Масалан, А. Қодирий «Ўтган кунлар» ҳақида С. Ҳусайннинг мулоҳазалари юзасидан фикр юритиб Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг ҳали адабий жараённинг ҳақиқий таъсирчан факторига айланмаганини қайд этишга мажбур бўлган. Совет ёзувчиларининг Биринчи Бутуниттифоқ съезди (1934) ҳам адабий танқидни активлаштириш зарурлигини уқтириб ўтди. Адабиёт соҳасида бўлганидек, адабий танқид соҳасида ҳам ижодий активликни кенгайтириш лозим эди.

Ўттизинчи йилларда ҳам СССРда адабиёт ва санъат соҳасида янги кўтарилишнинг майдонга келишида Компартиянинг раҳбарлиги ва ғамхўрлиги ҳал этувчи роль ўйнади.

Совет ҳукумати ва Коммунистик партиянинг ёзувчилар ва танқидчилар ижодий фаолиятини оширишга қаратилган ғамхўрлиги адабиётнинг «яшаш майдони» бўлган матбуотни ривожлантиришда ҳам кўринди. 1933 йилда ўзбек тилида 178 ном остида газета ва журналлар чиқар эди. 1938 йилга келиб газета-журналлар 208 номда чиқа бошлади. «Ўзбекистон Шўро адабиёти» (кейин «Совет адабиёти»), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Советская литература народов Средней Азии», «Ёрқин ҳаёт», «Машъала» (кейин «Гулистон») каби журналлар таъсис этилди. «Қизил Ўзбекистон» ва «Ёш ленинчи», «Шарқ ҳақиқати», «Правда Востока» газеталарида республикамиз адабий ҳаёти ҳар қачонгидан кўпроқ ёритиб борилди. 30-йилларнинг биринчи ярмида бошланган марксизм-ленинизм классиклари асарларини таржима орқали пропаганда қилиш ишларида бу газета-журналлар айниқса муҳим роль ўйнади.

1933 йилда Москвада «Литературная критика» журналининг чиқа бошлаши ҳам ВКП(б) Марказий Комитети қароридан сўнг адабий ҳаётда танқиднинг аҳамияти ошганлигини кўрсатади. Журнал миллий республикаларимизда танқидий тафаккурнинг ривожига мадад берди.

Адабиёт ходимларининг ташкилий жиҳатдан уюшқоқлиги ва ғоявий бирлигини ошириш чоралари кўрилди. Масалан, 1932 йилнинг 16 июнида Тошкент ва Самарқандда Ўзбекистон қалам аҳллари кенгаши ўтказилди. Кенгашда Ўзбекистон Ёзувчилари ташкилот комитети ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи тузилди.

1934 йил 7—11 мартда Ўзбекистон совет ёзувчиларининг Биринчи съезди бўлиб ўтди. Съездда Ташкилот комитетининг раиси Раҳмат Мажидийнинг «Адабий ҳаракатни қайта қуриш якунлари ва республика ёзувчиларининг вазифалари»га оид доклади тингланиб, муҳокама қилинди. Ташкилий масалалар бўйича Назир Сафаровнинг, драматургиянинг аҳволи тўғрисида Зиё Саиднинг ва ёш ёзувчилар ижоди ҳақида Анқабойнинг докладлари эшитилди.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари А. Икромов сермазмун нутқ сўзлаб, ўзбек совет адабиётидаги умумий аҳволини таҳлил қилди ва унинг олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳар тарафлама чуқур ёритиб ўтди.

Шу йили август ойида Москвада Бутуниттифоқ Совет ёзувчиларининг Биринчи съездини А. М. Горький қўйидаги сўзлар билан очди:

«Ҳурматли ўртоқлар! Совет Социалистик Республикалари ёзувчиларининг кўп асрлик тарихидаги I съездини очишдан аввал, мен Ёзувчилар союзи ташкилот комитети раиси сифатидаги ҳуқуқимга кўра, союзимизнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида бир неча сўз айтмоқчиман.

Союзимизнинг аҳамияти шундаки, барча республикаларимизнинг қабила ва тил жиҳатдан турлича бўлган адабиётлари бутун совет мамлакати пролетариати, бутун мамлакатларнинг бизга дўст бўлган революцион пролетариати ва ёзувчилари олдида бир бутун адабиёт сифатида ўз съездини бошламоқда.

Биз съездимизда очиқ кўришиб турган жўғрофий бирлигимизни эмас, балки хилма-хил ижодий приёмларимиз ва интилишларимизни инкор қилмайдиган ва бўғиб қўймайдиган мақсадимиз бирлигини ҳам намоёйиш қиламиз... Биз ҳалокатга маҳкум этилган дунё устидан ҳукм чиқарувчи ва революцион пролетариатнинг чинакам гуманизмини, бутун жаҳон меҳнаткашларини асрлар бўйи инсон меҳнатини бўғиб келган ҳасад, очкўзлик, разиллик, бемаънилиқ сингари барча ярамасликлардан халос этишга тарих давват этган гуманизм кучини барқарор этувчи кишилар сифатида иш тутмоқдамиз...

Мақсадимиз ягона — маданий, революцион куч бўлган адабиёт яратишдир»¹.

¹ М. Горький адабиёт ҳақида. Адабий танқидий мақолалар. Тошкент. 1962. 261-бет.

Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездида республикамиздан С. Айний, Ғ. Ғулом, Ғайратий, Ойдин, Ҳ. Шамс, Зиё Саид, Р. Мажидий, Н. Сафаров ва бошқа ёзувчилар иштирок этишди. Съезд совет адабиёти олдида турган вазифаларни кенг ва чуқур муҳокама этди.

Съездда 180 ёзувчи, адабиётшунос ва танқидчи сўзга чиқди. Делегатлар асосий докладчи А. М. Горький нутқидаги муҳим фикрларни ҳар тарафлама ривожлантирдилар.

Совет Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездида ВКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан А. А. Жданов нутқ сўзлади. Бу нутқда социалистик тузум шароитида ривожланувчи адабиёт олдидаги вазифалар аниқлаб берилди, совет адабиёти учун зарур бўлган хусусиятлар таҳлил этилди. А. А. Жданов ўз нутқида, айниқса, совет адабиётининг етакчи тематикаси, бош қаҳрамонлари ва замонавий позицияси тўғрисида принципиал аҳамиятга эга фикрлар баён этди. Жумладан, А. А. Жданов уқтириб ўтдики, совет ёзувчиси ўзининг бадиий асари учун керакли материални, мавзунини, образларни, бадиий сўз ва ибораларни совет халқи фаолиятидан, Днепрострой, Магнитогорскстрой қурувчиларининг ҳаёти ва тажрибасидан олади. Бизнинг ёзувчимиз ўз материалини қаҳрамон челюскинчилар давридан, колхозчилари тажрибаларидан, мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларида қайнаб турган ижодий ишлардан олади. Бизнинг мамлакатимизда адабий асарнинг бош қаҳрамонлари — активлик билан янги ҳаёт қурувчилар: ишчилар, колхозчилар, партия аъзолари, хўжалик ходимлари, инженерлар, комсомоллар, пионерлардир. Совет адабиётининг асосий типлари ва асосий қаҳрамонлари ана шулар. Бизнинг адабиётимиз ташаббускорлик, қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган. У оптимистик адабиётлар... янги ишга — социалистик қурилиш ишига хизмат қилаётгани билан кучлидир.

Бу принципиал кўрсатмалар совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган адабий танқид олдида турган вазифаларни ҳам аниқлаб берди.

30-йилларнинг дастлабки даврларидаёқ умумиттифоқ адабий танқидчилигида бўлгани каби ўзбек адабий танқидчилигида ҳам методологик жиҳатдан тарихий тараққиётга эришди, боши берк кўчаларга кириб кетилаётганлиги аниқ сезила бошлаган эди.

Қўпчилик қалам аҳллари талабига биноан чиқарилган апрель (1932) қароридан кейин адабий-бадий ва илмий ҳаёт тараққиёти учун янги, истиқболи ниҳоятда порлоқ ижодий шароит майдонга келди. Ёш совет марксистик танқидчилиги йигирманчи йилларда тажрибасизлик қилиб «адабиёт ва санъат соҳасида вулгар социологик равишда ёндашиб» келганлигини ўзи ҳам эътироф эта бошлади, ўз бурчи ва вазифаларини қайтадан белгилаб чиқишга киришди.

Эндиликда унинг зиммасига биринчи бор назария ва амалиядаги баъзи бир антимарксистик оқимлар, тенденция ва йўналишларга қарши олиб борган курашларини янги давр талабларига мувофиқ юксак илмий савияга кўтариш, социалистик эстетиканинг ҳақиқий марксча-ленинча принципларини ишлаб чиқишдек ниҳоятда қийин ва масъулиятли вазифа юкланган эди. Бу ишларни айрим танқидчилар ўйлаганидек фақат РАПП, ВОАПП ёки ЎзАПП сингари уюшмалар фаолиятини қоралаш, РАПП ўртага ташлаган кўрсатмалардаги бемаънигарчиликларни қайта-қайта таъкидлашга асосан йўли билангина амалга ошириб бўлмасди, албатта.

Муҳими ўша сохта, номигагина марксистик, назарий кўрсатмаларга чинакам марксистик санъат назарияси талабларини пухта қарши қўя билишда, адабий ва илмий жамоатчиликни социалистик реализм проблемалари билан таништира олишда эди.

Танқидчилик каби бениҳоя қийин, аммо шарафли вазифани бажармоқ учун аввало ўтмиш маданиятига алоқадор барча буюк салафлар меросидан тўла хабардор бўлмоғи, ўтмиш меросини танқидий ўзлаштириш орқали янги замон адабиёти ривожига хизмат қила оладиган қонуниятларни кашф эта билмоғи ва улардан санъат ҳодисаларига баҳо беришда, ижод жараёнлари спецификасини тушуниш ва тушунтиришда унумли фойдаланиб бормоғи лозим эди.

Шунингдек, унинг олдида улкан совет адабиётини мумкин қадар яхлит ҳолида кузатиб боришдан иборат янада янги ва янада мураккаброқ иккинчи бир вазифа ҳам кўндаланг бўлиб турарди. Энди танқид у ё бу группа шоир ва ёзувчилар ижодини бошқа группа шоир ва ёзувчилари ижодига қарама-қарши қўйиб, ҳимоя қилувчи ё саваловчи қурол бўлиб қололмасди. Ҳаёт уни иложига бўлса СССРдаги деярли барча миллат ва элатлар адабиёти ютуқлари билан шуғулланишга, камчиликларни ҳам ана шу ютуқлар умумлашмасидан ке-

либ чиқадиган хулосаларга асосланиб туриб конкрет кўрсатиб беришга даъват этаётган эди.

Ўттизинчи йилларнинг ўрталарига қадар танқид худди ана шу янги, истиқболи ниҳоятда порлоқ йўналишда бирмунча сезиларли ютуқлар сари интилди. Бироқ ҳали бунга назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам тайёр эмаслиги учун бўлса керак, исталган натижаларга қисмангина эриша олди, холос.

Бунинг устига мазкур даврда ВКП(б) Марказий Комитетининг ижод аҳлига «эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ лозим» деган кўрсатмасини нотўғри тушуниш ҳоллари ҳам учраб турарди. Баъзи танқидчилар ҳатто бу кўрсатмани гўё «танқид қилмаслик», «тегмаслик» ҳақидаги директива деб қабул қилган эдилар.

«Бу танқидчилар,— деб ёзган эди ўша вақтларда «Литературный критик» журнали ўзининг бош мақолаларидан бирида,— ўз ёзувчиларининг оддий лаганбардор мадҳиябозига айланиб қолаётирлар. Улар ана шу ёзувчилар томонидан яратилган ҳар қанақа янги асарни ҳам кўкларга кўтариб мақтамоқ учун бор овозларини аямай жуда қаттиқ жар соладилар. Асарга оид гапларини мутлақо номатлуб бўёқлар, турли хил ялтироқ тақинчоқлар билан безашдан чарчамайдилар. Китобхоннинг, шунингдек, ёзувчининг ҳам қизиқиш ва эҳтиёжлари билан эса деярли ишлари йўқ»²

Албатта, бунда РАПП давридан оқова бўлиб келаятган эски гуруҳбозлик ва тарафкашликнинг баъзи бир қолдиқлари, шахсий симпатия ва антипатиялар ҳам маълум роль ўйнаган бўлиши мумкин.

«Ҳеч шубҳа йўқки»,— деб рўй бераётган аҳволга ачинган эди ўша бош мақоласида «Литературный критик»,— ҳаддан зиёд мақташ «кампания»сидан кейин унга қарши ёзувчининг ҳамма нарсасига қора бўёқ чаплаб ҳаддан зиёд сўкишни бошлаб юборадиганлар ҳам топилади. Бундайлар ҳозироқ мавжуд»³.

Дарҳақиқат, журнал янглишмаган эди. 1936—1937 йилларга келиб аҳвол худди шундай бўлиб чиқди.

Гоявий-эстетик жиҳатдан чаласавод танқидчилар совет адабиётининг ҳатто етук намояндаларини ҳам «душман элемент» сифатида ҳақоратлашдан тап тортмадилар⁴.

² Қаранг: Литературный критик. М., 1934.

³ Ўша ерда.

⁴ Ўзбекистонда ҳам баъзи чаласавод танқидчилар бундай ёрликларни Сўфизода, А. Қодирий, Элбек, Усмон Носир, Шокир Сулаймон, Отажон Ҳошим сингари ижодкор ва олимлардан ташқари

Агар биз шу йилларда яратилган асарларда, хусусан, поэзия намуналарида гоёни тўғридан-тўғри яланғоч ҳолда, декларатив тарзда ифодалаш, қуруқ ва баландпарвоз риторикага берилиб кетиш каби қусурлар бениҳоя кўпайганини, бу иллат анча узоқ вақт давом этиб борганлигини эсласак, чаласавод танқидчиларнинг давр адабий ҳаракатчилигида ўйнаган салбий роли яна ҳам жиддийроқ фош этилиши мумкин.

Тўғри, улар ўзларининг «тирноқ орасидан кир қидириш»га асосланадиган хуружлари билан аксарият таланти, бадий диди ва жасорати анча заиф қалам аҳллариинигина чўчита олар эдилар, холос. Таланти буюк, гоёвий-эстетик билими, эътиқодлари юксак ижодкорларимиз эса, уларга ҳеч қачон қулоқ солишмаган ва қулоқ солмайдилар ҳам.

Совет адабиётининг етакчи намояндаларида деярли ҳамма вақт мантиқан асосли, назарий жиҳатдан пишиқ, чинакам марксистик танқид билан бирга бўлиш истаги кучли бўлган десак, янглишмаймиз.

Журнал ўзининг дастлабки сонлариданоқ барча республикалар адабий танқидчилигига назарий ва амалий билим берувчи йўлчи юлдузлик вазифасини ўтай бошлади. Унинг ҳал этмоққа интилган барча проблемалари жумласига совет адабиёти тараққиётига ҳалол хизматларини аямаётган Иттифоқимиздаги барча ижодкор кучларни бирлаштириш учун курашиш, РАПН назариячилиги ва танқидчилигига хос вульгар социологик қарашларни, сохта марксистик қонун-қоидаларни фош этиш, бу даврга келиб «социалистик реализм» номини олган янги метод ижодий принципларини ёритиб бориш, традиция ва новаторлик, метод ва дунёқараш, халқчиллик ва синфийлик совет адабиёти ижодий методидида реализм ва романтизм унсурларининг ўрни, адабий-бадий тил тозаллигини сақлаш сингари назарий проблемалар киради.

Журналнинг, хусусан, адабий танқидчиликни вульгар социологизм хасталикларидан қутқариб олиш йўлидаги изланишлари алоҳида диққатга сазовор эди.

Бу масала ҳамма вақт у ҳал этмоқчи бўлган проблемаларнинг марказини ташкил этиб борди. Масалан, журнал 1933—34 йилларда эълон қилган илк мақола-

Х. Олимжон, Ойбек, Миртемир, Шайхзодаларга ҳам ёпиштирмоқчи бўлишган.

ларида («Ленин и некоторые вопросы литературной критики», «Формализм и социалистический реализм», «Марксизм-ленинизм и художественная литература», «Мировоззрение и метод в художественном творчестве...») совет адабиёти ижодий методини «диалектик-материалистик метод» деб талқин қилиш марксча-ленинча санъат назариясига зид вульгаризаторлик эканлигини асосли равишда фош эта билган бўлса, бошқа бир қатор мақолаларида социалистик реализм масалаларини ўрганишнинг методологик асосларини ишлаб чиқмоққа уринди⁵.

Шуниси муҳимки, аввало бу мақолаларда марксистик санъат назариясининг Плеханов даври тарихий шароитидаги тараққиётини ўрганиш билангина чекланиб қолинмай В. И. Ленин даврида ривожланган янги-ча методологиядан фойдаланиш лозимлиги уқтириб ўтилди. Бусиз ундан социалистик адабиёт хусусиятларини ўрганишда етарли даражада фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилинди.

Иккинчидан, социалистик реализмга жаҳон прогрессив адабиёти кўп асрлик тарихида тўпланган тажрибалар хулосаси сифатида қараш, янги методни реализм ҳамда романтизмдаги эволюцияларни кузатиб чиқиб ўрганиш ишлари бошлаб берилди.

Учинчидан, социалистик воқеликка хос янги ижтимоий муносабатлар янги одамлар, характерлар тасвир усуллари ва маҳоратларига қандай таъсир ўтказётганлигини кузатишга, фожеийлик ва кулгига мувофиқлик (комическое), типиклик ва индивидуаллик, адабий-бадий тил ва воситалар, сюжет ва композиция сингари ўнлаб тушунчаларда қандай ўзгаришлар, бойишлар пайдо этаётганини билиб боришга чақирилади. Совет адабиётининг тўхтовсиз тараққиётини ушбу факторларга аҳамият бермай туриб тадқиқ этиш мумкин эмас, деган хулосага келинди.

Социалистик воқелик ва унинг адабиёти яратаётган янги инсон типларини аниқлаб изчил ўргана ва ёрита бориш масаласи ҳам журнални энг кўп қизиқтирган масалалардан эди. «Бу тема танқид шуғулланиши лозим бўлган барча проблемаларнинг марказида алоҳида актуаллик касб этиб турибди, чунки ҳозирги кунда бу-

⁵ Журналда бу даврда мазкур масала бўйича 40 дан ортиқ умумий назарий ва 60 га яқин муайян ёзувчи ёки шоир асарларини таҳлил этишга бағишланган конкрет-танқидий мақолалар босилиб чиққан эди.

тун улкан адабиётимизда, исталган жиддий бадий асарда, марказий тема шудир»⁶.

«Литературний критик»да ёритилган бундай жуда тўғри фикрларга эргашиш самараларини биз ўша давр ўзбек танқидчилигида ҳам кузатишимиз мумкин. Отажон Ҳошим, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ойбек, Раҳмат Маждий, Олим Шарафиддинов, Сотти Ҳусайн ва Мақсуд Шайхзода сингари олим ва шоирларимиз илмий тафаккурида бу нарса айниқса яққол сезилади.

Ўттизинчи йилларда бутуниттифоқ адабий танқидчилиги қатори ўзбек адабий танқидчилигининг ҳам профессионал савиясига жиддий ижодий таъсир ўтказа олган иккинчи муҳим омил етук марксист олим ҳамда машҳур драматург А. В. Луначарскийнинг тадқиқотлари эди.

О. Ҳошимовнинг «Ўзбек шўро адабиётининг бир неча асосий ижодий масалалари»⁷, Раҳмат Маждийнинг «Большевизмнинг буюк санъати учун»⁸, Ҳ. Олимжоннинг «Ёзувчининг савиясини кўтарайлик»⁹, «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» (мақолани муаллиф Уйғун билан биргаликда ёзган эди)¹⁰, А. Қодирийнинг «Учёба у классиков — залог нашего роста»¹¹, Ойбекнинг «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик»¹², «Социалистик лирика учун»¹³, «Сўнги йиллар ўзбек поэзияси»¹⁴, «Ўзбек поэзиясида тил»¹⁵ сингари мақолаларидаги профессионал савияда бу нарса айниқса яққол сезилади.

Бу мақолаларда адабиётнинг синфийлиги, ғоявийлиги ва партиявийлиги масалаларини сўз санъатининг спецификасидан келиб чиқиб таҳлил қилинади; бадийлик категориясини эса шакл ва мазмун, типиклик ва индивидуаллик, характер ва шароит сингари факторларнинг диалектик бирликда намоён бўлиши деб тушунтирилди.

⁶ Қаранг: Литературный критик. 1934. № 12. С. 10 (бош мақоладан).

⁷ Ўзбекистон Шўро адабиёти. 1932. 4—5-сонлар (1933 йилда бу мақоланинг кенгайтирилган ва қайта таҳрир қилинган нусхаси рисола ҳолида «Ўздавнашр» томонидан ҳам чоп этилган).

⁸ Ўша жойда.

⁹ Ёш большевик. 1933. № 6—7.

¹⁰ Литература Средней Азии. 1933. 21 ноябрь.

¹¹ Китоб ва инқилоб. 1933. 7—8-сонлар.

¹² Ўзбекистон шўро адабиёти. 1933. 1-сон.

¹³ Қизил Ўзбекистон. 1933. 17 август.

¹⁴ Шу газета. 1934. 14 июнь.

¹⁵ Ўзбек поэзиясида тил. Тошкент. 1933. 140-бет (О. Ҳошим таҳрири остида).

СССР Ёзувчиларининг Бутуниттифоқ Биринчи съездига қизғин тайёргарлик жараёнида бу хил мақола ва тақризлар айниқса кўпайди. Танқидчиларимиз съездни «Адабиёт соҳасида илмий текширишлар» аталмиш икки китобдан иборат йирик мажмуа билан кутиб олдилар.

Шу жараён ичида профессионал ўзбек танқидчи ва адабиётшуносларининг сафи И. Султонов, Ҳ. Ёқубов, Саидғани Валиев, Буюк Қаримий, Юсуф Султонов сингари қатор истеъдодли ёшлар ҳисобига анча кенгайди.

Ёшлар юқорида эслатиб ўтилган, устозлар томонидан йўлга қўйилмиш традициянинг энг илғор жиҳатларига жиддий эътибор бериб санъат намуналарини «турмуш дарслиги» сифатида тадқиқ эта бошладилар. «Турмуш дарслиги учун»¹⁶ деб сарлавҳа қўяди Иззат Султонов ўзининг («Очилган кўриқ» романи ҳақида ёзган) биринчи тақризига. Шундан кейин унинг «Нега томошабин бепарво» (Собир Абдулланинг «Пўртана» пьесаси ҳақида)¹⁷, «Чеховнинг ҳикоячилиги»¹⁸, «Йигирма йил бурунги «Ҳамлет»»¹⁹, «Шоҳнома» спектакли тўғрисида», «Пишмаган ва оғизга тушмаган бир асар воқеаси» (Собир Абдулланинг «Ойхон» драмаси тўғрисида)²⁰, «Номус ва муҳаббат» (Яшиннинг шу номли асари ҳақида)²¹, «Ёзувчи ва ўқувчи» (Уйғун ҳақида)²² сингари мақола ва тақриزلари кетма-кет босилиб чиқа бошлайди. Бу мақола ва тақриزلарда Иззат Султон асосан ёзувчи ва драматургларимизни улуг рус адабиёти классиклари эриша олгани каби маҳоратга эга бўлиш учун чақирди. Санъат ҳаётни ҳаққоний, лекин шу билан бирга, қизиқарли бўлган сюжетлар, воқеа-ҳодисалар, образлар орқали акс эттириши лозимлигини, бунинг учун энг аввало асар конфликтлари ва унда тасвирланадиган характерлар ҳаққоний ва оригинал бўлиши лозимлигини уқтириб боришга интилди. Китобхон ёки томошабинни лоқайдлигича қолдирадиган, унга бирон бир янгилик, бирон бир жиддий маънавий озиқа беролмайдиган асарлар турмушни чуқур билиб ололмай қалам тебратавериш, ундаги муҳим нарсаларни номуҳим нарсалардан ажратиб олиб типиклаштира ва

¹⁶ Қизил Ўзбекистон. 1933. 5 июль.

¹⁷ Ўша газета. 1934. 6 апрель.

¹⁸ Гулистон. 1935. 5-сон.

¹⁹ Қизил Ўзбекистон. 1935. 5 март.

²⁰ Қизил Ўзбекистон. 1935. 7 сентябрь.

²¹ Қизил Ўзбекистон. 1936. 12 май.

²² Қизил Ўзбекистон. 1936. 9 июль.

индивидуаллаштира олмаслик оқибати эканлигини таъкидлади.

Ёшлар орасида назарий жиҳатдан анча бақувват фикр юритиши билан тезда танила бошлаган яна бир ёрқин истеъдод эгаси Ҳомил Ёқубов эди.

Ҳ. Ёқубов ўттизинчи йилларнинг биринчи яримларидаёқ «Ғафур Ғуломнинг ҳажвий ҳикоялари», З. Саид ва Н. Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди» драмаси, А. Фадеевнинг «Тор-мор»и таржимасига оид чиройли тақризлари, «Ўйгун ижодиёти», «Ғафур Ғулом ижодиёти», «Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли» сингари профессионал савияси хийла пишиқ илмий ишлари билан таниқли адабиётшунослар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллаган эди. Кейинроқ у Ғ. Ғулом ва Ҳ. Олимжон ижодларига бағишлаб яна бир неча мақолалар ёзди, «Ўзбек болалар адабиёти», «Ўн беш йил ичида ўзбек поэзияси», «Ўзбек шоири Турди ижоди» номли тадқиқотлар яратиб, ниҳоятда истеъдодли адабиёт тарихчиси сифатида танилди.

Ўттизинчи йиллар ўзбек танқидчилигида янги социалистик лириканинг ўзига хос хусусиятлари ва олдиди турган вазифаларни чуқур ёрита боришда Ойбек томонидан ёзилган «Социалистик лирика учун» (1934), «Ўзбек поэзиясида тил» (1934), «Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси» (1934) номли ишлар алоҳида ўрин тутди.

Совет адабиётининг ривожини учун ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмига ўтилганда формализм кўринишларига қарши кураш олиб бориш ҳам муҳим эди. Бу соҳада ўзбек адабий танқидчилиги «Правда» газетасида босилиб чиққан «Музыка ўрнига ғала-ғовур» номли мақоладан ўрнатиб олиб, илмий фикр юритишга ҳаракат қилди.

Ойбекнинг поэзияга доир, Иззат Султоннинг пьесаларга доир, С. Валиев, А. Қаҳҳор ва А. Қодирийларнинг прозага доир мақолаларида ўзбек адабиётидаги баъзи бир натуралистик ва формалистик тенденцияларни чинакам бадииятга зид ҳодисалар деб топилди.

Лекин шунда ҳам ҳали бу давр адабий танқидчилигида бадиий сўз санъатининг специфик жиҳатларига баъзан камроқ эътибор бериш ва баъзан эса вульгар социологизмнинг янгича кўринишларига йўл қўйиш ҳолатлари сезилиб турди.

Ўттизинчи йиллар профессионал адабий танқидчилигининг дастлабки даврларда Иттифоқ миқёсида сезилиб турадиган биринчи камчилиги унинг ниҳоятда пассивлиги эди. Шу сабабдандирки, Совет Ёзувчилари

союзи Правлениесининг 1935 йил 7 марта бўлиб ўтган иккинчи пленумида бу масала махсус муҳокама қилинди.

Пленумда А. М. Горький ҳам профессионал танқид тўғрисида қизгин фикр билдириб, қуйидагиларни айтган эди:

«Танқидчилик, ҳақиқатан ҳам, бизга кам ёрдам беради, асосан асарларимиздан камчиликлар ахтариш билан шуғулланади, бу камчиликларнинг манбаини, уларнинг келиб чиқиш сабабларини жуда ёмон тушунади. Танқидчилик тил билан кам шуғулланади ёки деярли ва мутлақо шуғулланмайди, жумлаларнинг тўғри ёки нотўғри тузилганлигини, асарнинг архитектоникасини, материалнинг тўғри жойлаштирилиши ва ҳоказоларни бизга кўрсатиб бермайди...

Танқидчилик ниманидир ўргатиши керак, у, ҳар ҳолда, адабиёт билан бирга қадам ташлаётгани йўқ, модомики, биз воқеликдан орқада қолаётган эканмиз, танқидчилик ҳам биздан орқада қолиб кетмоқда ва бизни асосан мафкуравий савод жиҳатидан саваламоқда, бу албатта, тўғри, бироқ танқидчиликнинг ўзи бирмунча заиф бўлганлиги туфайли бу иш ҳамма вақт ҳам етарлича ишонтирарли даражада бўлмаётир»²³.

Пленумда адабий танқидчилик савиясини ўстириш йўлидаги қатор чора-тадбирлар ҳақида ҳам фикр юритилган эди.

Пленум қарорлари бутуниттифоқ танқидчилиги қатори ўзбек адабий танқидчилигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсата борди. Республика матбуотида танқидий чиқишларнинг кўпайишидан ташқари, замона адабий жараёнида актив иштирок этаётган ёзувчиларнинг ижодига бағишланган илмий тўпламлар яратишга киришилди. Шуларнинг биринчиси Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон ва Ғайратийларнинг ижодий йўли ва Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг хусусиятларини таҳлил этувчи мақолалар тўплами — «Ижодий ўсиш йўлида»²⁴ эди. Муаллифлар бу ёзувчиларнинг ижодидаги ижтимоий мазмун, совет халқининг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлик, партиявийлик ва халқчиллик интилишларини жуда тўғри аниқлаб бердилар. Бу фазилатларнинг адабиётнинг бундан кейинги тараққиётидаги роли эса катта бўлди. Муаллифлар коллективи ўзларининг илмий прогнозларида адашмадилар, чунки

²³ М. Горький адабиёт ҳақида. Тошкент. 1962. 330—331-бетлар.

²⁴ Ижодий ўсиш йўлида. Тошкент. 1936.

мазкур ёзувчилар кейинроқ ҳам ўзбек совет адабиёти-ни бошлаб берувчилар ва актив ривожлантирувчилар ролини ўйнадилар.

Ўттизинчи йиллар адабий танқидчилигининг тараққиёт йўллари ҳақида фикр юритар эканмиз, танқиднинг болалар адабиёти муносабати билан муҳокама этган масалалар ҳам унинг умумий савиясини кўп жihatдан тайин этишга имкон беради²⁵.

1931 йил май ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маданий тарғибот шўъбаси махсус кенгаш ўтказди. Ушбу кенгашда ўзбек болалар адабиётининг аҳволи ва келажагига оид масала муҳокама қилинди ва муҳокама якуни «Ёш ленинчи» газетасида «Болалар адабиётига диққат қилингиз» сарлавҳаси остида эълон қилинди. Унда болалар адабиётини ривожлантириш юзасидан қатор танқидчилиги болалар эди. Қарордан руҳланган ўзбек танқидчилиги болалар адабиётига алоҳида аҳамият беришга чақирувчи қатор мақолалар билан чиқдилар.

СССР Ёзувчиларининг I Бутуниттифоқ съездида ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1936 йил 10 январь кuni болалар адабиёти ҳақида ўтказган махсус кенгашида болалар адабиёти тараққиёти масалаларининг муҳокама этилиши адабий танқидда бу муҳим соҳа масалаларининг анча кенг ва чуқур муҳокама этилишига сабаб бўлди.

Бутуниттифоқ Ёзувчилар союзининг I съездида С. Маршак томонидан қилинган доклад болалар адабиёти ривожиди янги йўналиш очди. Болалар адабиётининг ўзига хослиги, унинг қаҳрамонлари, асар тили ва персонажлар нутқи, юмор масалалари ҳақида мунозаралар, дискуссиялар бошланиб кетди. Марказий матбуотда К. Чуковский, С. Маршак, С. Михалков, А. Н. Гайдар асарлари таҳлили муносабати билан эълон қилинган мақолалар кўпайди. Масалан, «Литературний критик» журналида Т. Трифоновнинг «С. Я. Маршак», «Детская литература» журналида О. Селиванованинг «Сказки Чуковского», шу журналда А. Юрьевнинг «Проблемы образа в детской лите-

²⁵ Ҳасанова. Ўзбекистон пролетар болалар адабиёти учун кураш. йўлида//Вожатий. 1931. 7—8-сонлар; Муҳаммадий Р. Болалар адабиёти ҳақида//Ёш ленинчи. 1931. 8 апрель; Ш. М. Болалар адабиётини яратиш жамоатчилиги вазифаси//Қизил Ўзбекистон. 1932. 27 сентябрь; Қирғизбоев Ҳ. Соғлом болалар адабиёти учун//Маданий инқилоб. 1932. 12 декабрь; Санжар Тилла. Бадий юксак болалар адабиёти учун//Ёш ленинчи. 1934. 5 февраль ва ҳ. к. лар.

ратуре» мақолаларида болалар адабиётига хос қаҳрамонлар характери яратиш принциплари ва тил масалалари қамраб олинади. Бу мақолаларда ва улар билан бир вақтда ва кейинроқ ўзбек матбуотида пайдо бўлган мақолаларда кўтарилган масалалар «катталар адабиётига» ҳам кўп жиҳатдан тааллуқли эди.

Ўзбек болалар адабиёти тўғрисида эълон қилинган мақолаларда ҳам шу масалаларга алоҳида эътибор бериш кучая борди. Қўлга киритилган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, умумлаштириб, айрим назарий хулосалар чиқаришга уринилди. Бу жиҳатдан Ҳ. Ёқубовнинг «Болалар адабиётининг сифатини кўтарайлик»²⁶, Ш. Сулаймоннинг «Болалар адабиёти тўғрисида»²⁷, З. Диёрнинг «Болалар китоби ҳақида»²⁸, Ю. Латифнинг «Зафарнинг ижоди ҳақида»²⁹, Ш. Сулаймон, Ғ. Каримовнинг «Болалар адабиёти тўғрисида»³⁰ номли мақолалари айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Бу авторлар болалар адабиётида реалистик принципларнинг шаклланиши учун бирмунча жиддий кураш олиб бордилар. Маълумки, адабиётда реалистик принципларнинг шаклланиши масаласи ғоят зарур ва энг мураккаб процесс бўлиб, давр ўта бориши билан тобора шаклланиб, такомиллашиб, ривожланиб бораверади. Уттизинчи йиллар адабиёти социалистик реализм методини назарий жиҳатдан англаб ва изчил қўллай олишнинг биринчи пиллапоясига қадам ташлади. Бу ҳол болалар адабиётида яққол кўзга ташланади. Бу қадамнинг ташланишида танқидчиликнинг роли шубҳасиз, катта бўлди. Аммо, танқидчилик бу катта масалани ҳар томонлама қамраб олишга қодир эмас эди. Бунинг учун ҳали етарли билим ва малакага эга эмасди. Шундай бўлса-да, энг асосий масала — реализмнинг зарур шартларидан бири — бадий адабиётнинг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, унинг давр кўзгусига айланиши, бир сўз билан айтганда, ҳаётийлик масаласини ўзбек танқидчилиги ўз имконияти даражасида кўтариб чиқди.

Бу ҳол, айниқса қаҳрамон характерининг ҳаётийлиги учун бўлган курашда яққол кўзга ташланади.

Уттизинчи йиллар ўзбек болалар адабиётида асо-

²⁶ Совет адабиёти. 1936. 2-сон.

²⁷ Уша журнал. 1935. 6-сон.

²⁸ Қизил Ўзбекистон. 1938. 20 декабрь.

²⁹ Ёш ленинчи. 1938. 20 март.

³⁰ 15 йил ичида совет адабиёти. Тошкент. 1939.

сан ўрта ёшли ва ўспирин болалар характериға қўл урилади. Шу жиҳатдан Ш. Сулаймон, М. Файзий, Д. Оппоқова, Ойбек ижоди характерли. Бу ижодкорларнинг қаҳрамонлари даврнинг муҳим масаласи — синфий душманларға қарши кураш масаласини акс эттиради. Шу жиҳатдан бу қаҳрамонлар ғоят муҳим аҳамият касб этади. Аммо бадий адабиётда қаҳрамон фақат муҳим мазмунни акс этиришға хизмат қилиб қолмасдан, аввало инсон сифатида кенг китобхонға ўрнак бўлишлари керак. Улар ҳаётий, бадий жиҳатдан мукамал бўлсаларгина уларнинг бадий таъсирчанлиги ортади, китобхонни ўз орқасидан эргаштириб кетади. Аммо, ўзбек болалар адабиётининг кўпчилик асарларида бу қаҳрамонлар схематик қобиқдан ҳали чиқа олмаган эдилар. Ижобий қаҳрамон фақат яхши хусусиятларни ўзида мужассамлаштирар, салбий қаҳрамон эса фақат салбий хусусиятларни ташир эди. Уларнинг маънавий дунёсидаги ранг-барангликлар, нозик товланишлар, мураккаб психологик ҳолатлар тасвирланмайди.

Бу каби камчиликлар билан курашиш танқидчиликнинг асосий темасига айланди. Ҳ. Ёқубов «Болалар адабиётининг сифатини кўтарайлик» номли мақоласида ва Ш. Сулаймон, Д. Оппоқованинг асарлари ҳақида фикр юритаркан, масалаға шу жиҳатдан ёндашади. Ш. Сулаймон Д. Оппоқованинг «Кичик Бону» қиссасини таҳлил қилар экан, уни «...биринчи маротаба ўтмишда ёш қизларнинг эзилганини кўрсатади. Бону типини орқали қисман бунга муваффақ бўлади. У баъзан бола характеридаги специфик нозикликларға ҳам яқинлашиб боради», деб ижодкорнинг қаҳрамон характерининг ҳаётий бўлишиға интиланлигини таъкидлайди. Бироқ, юқорида эслатганимиздек, бу қиссада ҳам қаҳрамон тилини яратишда схематизмға йўл қўйиладики, мунаққид буни жиддий танқид қилади: «Қамбағал қизларнинг ҳаммаси чиройли, хушбичим, ювош, камгап, хушмуомалали, дарсни билатурғон бўлади ва отин ойдан кўп калтак ейди. Бой қизлари ҳамиша чўтир, хунук, маҳмадана, нозли, ғийбатчи, жуда ёвуз ва такаббур қилиниб тасвирланади. Улар дарсларни билмайдилар, ўқимайдилар, тиришмайдилар ва отин ойдан ҳеч калтак емайдилар, шўхликларини қўймайдилар».

Дарҳақиқат, Д. Оппоқова фольклор традицияларига кўр-кўрона эргашиб натижасида бунга эриша олмаган эди.

М. Талас Д. Оппоқованинг «Душман» номли пьесасини таҳлил қилар экан, масалала қаҳрамоннинг ҳаётийлиги нуқтаи назаридан ёндашиб, асарнинг бош қаҳрамони тўлиқсиз ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Сафар характери яратилган йўл қўйилган камчиликларни кўрсатади. Бундан ташқари, «болалар учун берилатурган адабий маҳсулотлар қисқа, гўзал ва болаларга тушунарли бўлиши» кераклиги, чунки «болаларга мосланиб ёзилган бўлса, болалар ҳаётда қизиқишлари» ҳам танқидчи эътиборидан четда қолмайди.

Аммо бу айтилганлардан танқидчилар асарларга ҳамма вақт ҳам жуда тўғри, ҳаққоний баҳо берадилар, улар ҳеч қандай хато фикрламайдилар, деган хулоса чиқмаслиги керак. М. Талас шу мақоласида бош қаҳрамон Сафар ҳақида гапириб, «Оппоқова ўз асарида типик воқеани турмушга мослаб тасвирламаган. Масалан, бу бош типни (Сафар) нишондор оиладан олган. Лекин ҳақиқатда нишондор оила болаларининг бу қадар бузилиб кетиши мумкин эмас³¹ деган асоссиз фикрни илгари суради.

Бу сингари камчиликларни 30-йилларда яратилган кўпгина мақола ёки тақризларда учратиш мумкин. Жумладан, Жўраев деган тақризчининг Таласнинг «Лагерь қўйнида»³² ҳикоясига ёзган тақризида асар қаҳрамони характеридаги баъзи нуқсонларни ижодкор шахси билан боғлашга интилади.

Бу хил камчиликларнинг мавжуд бўлишига қарамай, ҳар ҳолда, ўттизинчи йиллар адабий танқиди болалар адабиётининг ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Партия МК ва Совет давлати раҳбарлиги ва йўлбошчилиги туфайли адабий танқид бадий асарда реалистик принципларнинг шаклланиши, ёш авлод учун ҳар томонлама ўрнатилган қаҳрамонлар яратилиши учун тинмай кураш олиб борди.

АДАБИЁТДА ЯНГИ ИНСОН ТАСВИРИ УЧУН КУРАШ

Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг I съездида А. Жданов доклади ва бошқа нотиклар докладларида ҳам уқтирилганидек, янги, социалистик жамият учун курашиш шароитида шаклланаётган янги инсон образини адабиётда яратиш — адабиёт ва санъатнинг бош вазифа-

³¹ Шермухамедов П. Давр қаҳрамон тақдирида. Тошкент. 1969. 204-бет.

³² Маданий инқилоб. 1936. 24 январь.

си бўлиб қолган эди. Шу сабабли, ўттизинчи йиллар адабий танқидчилиги социалистик реализм эстетикаси билан қуроллана борар ва орттирган назарий билимларни амалиётга татбиқ этишга тиришар экан, биз танқидчилар фаолиятининг адабиётда давр «янги инсон»и типларининг тўғри ва мукаммал тасвирланиши учун олиб борилган курашларга қаратилганини кўрамиз.

Бу ишни у йигирманчи йиллардаёқ бошлаб юбора олган эди. «Масалан, К. Тригулов ўзининг «Нафис адабиёт жабҳамизни соғломлаш йўлида»³³ номли мақоласида санъаткорларни озодликка чиққан ўзбек хотин-қизлари образини, совет ҳокимияти учун курашда жонбозлик кўрсатаётган қизил аскарлар қиёфасини ёрқин ва чуқур тасвирлашга чақирди. Ойбек эса ўз ҳамкасб дўстларини ишчи туйғуларини тараннум этишга чорлади. С. Хусайн даврнинг бош қаҳрамони — большевик образини яратишга даъват этди³⁴ ва ҳоказо.

Ўттизинчи йилларда эса беш йилликлар қурилиши, коллектив хўжаликлар, завод ва фабрикалар, фан ва маданият ўчоқларида етилган ҳамда етилаётган янги совет кишилари образини адабиётимизнинг бош қаҳрамонига айлантирмоқнинг аҳамияти яна ҳам ортган эди.

«Социализм жамияти қуриш процессида турмушнинг эски формалари йўқолиб, янги муносабатлар, янги қарашлар, янги типдаги одамлар пайдо бўлаётганини кўриб турамиз. Меҳнатга янги муносабат, меҳнатнинг социалистик формалари — зарбдорлик ва бошқаларнинг ҳаммаси янги турмуш самарасидир. Шунга ўхшаш турмушнинг янгиликларини, қурилишларини, омма-нинг ичидаги чуқур маданий ўзгаришлар ва бошқаларни адабиётда акс эттириш билан бирга, янги ҳаёт қандай бўлиши кераклигини схематизмга берилмай тасвирлаш лозим. Биз қурилишнинг ҳар жабҳасида қаҳрамонларга учраймиз. Социализм учун курашда одамларнинг маънавий борлиги қандай ўзгараётганини биламиз. Бадий асарларда тубанлардан юксалган янги одамларни курашда кўрсатиш — шу кунги адабиётнинг ўлуғ вазифаларидандир»³⁵, — деб ёзди бу ҳақда ўз мақолаларида Ойбек ва бунга мисоллар тариқасида Уйғуннинг «Жонтемир»ини, Ҳ. Олимжоннинг «Гриша»си, Ойдиннинг «Чечан қўллар» асарларини кўрсатиб ўтди.

³³ Қизил Ўзбекистон. 1928. 4—5 июль.

³⁴ Ўзбекистон шўро адабиёти. 1938. 1-сон.

³⁵ Қизил Ўзбекистон. 1933. 17 август.

Бироқ у даврларда бу соҳада муваффақиятли чиққан асарлар ҳали жуда кам эди. Шоир ва адибларимиз социалистик қурилиш қаҳрамонларини кўпинча ташқи томондан кўрсатиш билангина чекланишар, муаллифларнинг диққат маркази кўпинча одамда эмас, балки нарсаларда, нарсаларни деталлаштириб тасвир қилишда бўларди. Воқеалар, ҳодисалар, нарсалар одамларнинг фаолияти натижаси сифатида эмас, ўз-ўзича олинадди... Гарчи баъзи дostonларда шоир кишилар ҳақида гапирса-да, бу кишилар нарсалар, воқеалар орасида кўмилиб қоларди. Одам асарнинг ўзақ суягини ташкил этмас, тип даражасига юксала олмасди³⁶.

Ойбек ўз мақолаларида қуруқ техникапарастлик, абстракт инқилобчилик ва конструктивизм сингармилатлар билан боғлиқ бу каби камчиликларга аллақачон чек қўйиш пайти етилганлигини уқтира боради.

У Ғ. Ғулом яратган «Кўкан» поэмасини «қишлоқда социализмнинг ғалабасини, коллектив меҳнатнинг устунилигини, кечаги қашшоқни давлатли турмушга олиб чиққанлигини» куйлагани, шоир унда «кенг омманинг тушунчасига мувофиқ бадий ифода воситаларини топа олгани, унинг ўхшатишлари, сифатлашлари, метафоралари содда, пишиқ, ўткир, аниқ» бўлгани учун юксак қадрлайди.

Аmmo шу аснода асар сюжетида «тирик чизгилар» етишмаслигини, «схематизм, юзакичилик» мавжудлигини ҳам Ойбек алоҳида эслатиб ўтадики, буларнинг ҳаммаси масалага маҳорат нуқтан назаридан туриб ёндаша олиш натижалари эди.

Ойбек томонидан илгари сурилган мазкур фикр ва мулоҳазалар давр бадий тафаккури тараққиётида ҳам, танқидий қарашлари ривожига ҳам жуда катта ижобий роль ўйнади. Шу ижобий роль таъсиридандирки, 30-йилларнинг ўрталарига келиб ўзбек шоир, ёзувчи ва драматурглари «социалистик қурилишнинг донгдор қаҳрамонлари»³⁷ образларини кўпроқ олиб кириш учунгина эмас, балки бундай образларни тўлақонли тип, бадий характер даражасига кўтариб, ёрқин картиналар орқали, кенг планда ва ҳаётий-динамик ўсишида тасвирлаш учун ҳам астойдил тер тўка бошладилар. Ҳаётда «активлик ва меҳнат иштиёқининг бор-

³⁶ Уша жойда.

³⁷ Яшин К. Адабиётимизнинг ватан олдидаги бурчи. Тошкент. 1935.

тан сари ривожланаётганлиги, маънавий қувват ва ирода кучининг ўсаётганлиги» уларни «жасоратли, саботли, ҳар қандай тўсиқларни синдирувчи мард характер»³⁸ яратишга ундар эди (Ғ. Ғуломнинг «Ҳайдар чўққи», Ҳ. Олимжоннинг «Чол», Уйғуннинг «Бригадир Қарим», «Назир отанинг ғазаби» сингари асарлари бунга жавоб тариқасида майдонга келган эди).

Мисол тариқасида ўттизинчи йилларнинг энг кучли адабиётшунос олими ва актив танқидчиларидан Олим Шарафиддиновнинг «Уйғун шеърияти» деган тўпламига сўз боши ўрнида ёзилган мақоласига мурожаат этайлик (1936).

Муаллиф Уйғуннинг ўша даврлардаги ижодини «ўзаро бир-бири билан боғланган, лекин баъзи характерли хусусиятларга эга бўлган» уч босқичга бўлиб ўрганади:

1) 1925 йилдан 1928 йилгача («Баҳор севинчлари»);

2) 1929 йилдан 1931 йилгача («Март кунлари», «Колхозчи қизга» ва бошқалар);

3) Бундан кейинги йиллардаги ижоди.

«Бу босқичлар шоирнинг ички ўсишининг шохобчалари эмас, булар инқилобнинг умумий ўсиш процессидан келиб чиққанлар», деб ёзади муаллиф. О. Шарафиддинов ўз мақоласининг бошланишидаёқ Уйғун ижодиётидаги деярли барча муваффақиятларни социалистик воқеликдаги юксалишлар билан боғлиқ ҳолда текширишга ҳаракат қилади.

Муаллиф фикрича, шоир ўз ижодий фаолиятининг учинчи босқичига қадар турмушга мумкин қадар ҳар томонлама яқинлаша билмаган, у билан барча жабҳаларда ҳамнафас бўлолмаган, айрим ҳолларда ундаги улкан воқеаларни, мураккаб ҳодисаларни, ўсиш, ўзгариш ва баркамолликка етишиш жараёнларини ичдан мукаммал ҳис этмай туриб қалам тебратаверган. Шунга кўра, унинг «келажак билан суғорилган, қайноқ, тошқин лирикаси» тематик жиҳатдан ҳаёт ранг-баранглигига нисбатан жуда тор эди. Шоир шеърларида баъзан «юзакилик, асосий воқеани табиат лавҳалари билан ўраб йўқотиб юбориш», асар қаҳрамонларини умумлашма тип ҳолига келтирмай гавдалантиравериш сингари қусурлар учрар, турмушни копия қилиш, уни очолмаслик, бадий қимматга эга бўлмаган тафсилот ва аломатларни санаш каби камчиликлар кўринарди.

³⁸ 15 йил ичда совет адабиёти. Тошкент. 1939. 63-бет.

Буларнинг ҳаммаси «асар ғоясининг тепчиб туришига тўсқинлик» қиларди. Ҳали у даврларда Уйғун ижодида «схематизмга бориш тамойили» ҳам йўқ эмасди-ки, бунинг салбий оқибатлари ҳақида О. Шарафиддинов қуйидагиларни ёзади: «Бу тамойил образни бутун турлилигида беришга йўл қўймайди. Қаҳрамоннинг қимматли шахсияти, унинг фикр-ҳисларидаги бутун турлилик асарнинг чегарасида қолади. Схематизм, процесслар ва шахсларнинг чуқур таҳлили ўрнига уларнинг ташқи томондан характеристикасини бериш, нарс ва кишиларни атаб қўя қолиш билан чегараланади; улар тўғрисида тасаввур бермайди. Замонамизнинг қаҳрамонларини, уларнинг янги муносабатларини очишга тўсқинлик қилади»³⁹.

Уйғун ўз ижодининг учинчи босқичида бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун жиддий ва онгли равишда курашади. Натижада унинг лирикаси халқ ҳаёти билан, ишчи-деҳқонлар синфининг «конкрет практикаси» билан яна ҳам негизли ва узвий боғланади. Уйғун шеърини социализм қурилишларининг буюк вазифаларида фаоллик кўрсатувчи «янги тип кишиларини, уларнинг фикр-туйғуларини» юксак бадиийликда куйлай олиши мумкин эди.

Муаллиф «Жонтемир» поэмасида худди ана шундай бир жўшқин куй янграганлиги сабабини шундай изохлаб ўтади:

Ҳақиқатан, кечаги батрак бугун қишлоқ хўжалигининг йирик ташкилотини идора қилмоқда; кишиларни ташкил этиб, уларни социализмга томон етаклаётир. Кеча ўзининг кичик хўжалиги учун қайғирувчи, майда товар ишлаб чиқарувчи бутун масалаларни умумий давлат нуқтаи назари билан ҳал қилаётир. Илгари нодонлик, маданиятсизлик қурбони бўлган кишилар орасидан социалистик жамият қурувчи активлар қаторига ўтувчи янги кадрлар юзага чиқди. Ишчилар, деҳқонлар бутунлай ўзгарди, уларнинг турмуш фактларига муносабатлари ҳам бутунлай ўзгараётир. Шоир шу улуг ҳодисани чуқур ҳис этди ва Жонтемир образи орқали бунни бадиий умумлаштирди.

О. Шарафиддинов худди шунга ўхшаш хулосаларни шоирнинг «Назир отанинг ғазаб», «Гуласал», «Кўёш ўлкасига» ва «Бригадир Қарим» сингари асарларини таҳлил этиш жараёнида ҳам илгари суради. Олимнинг

³⁹ Шарафиддинов О. Танланган асарлар. Тошкент. 1978. 218-бет.

таъкидлашича, бу асарларнинг барчасида ҳам юқори бадийликни таъминлаб турувчи яна бир омил — майда тафсилотлар, нарсалар ва табиат лавҳалари тасвирига керагидан ортиқ берилмаслик, асосий эътиборни инсонга қаратиш, «ҳар нарсадан илгари янги тип киши ва унинг социал сифатини реалистик кўрсатишга интилиш» эди. «Шоирнинг ўзига хос приёмлари, бадий воситалари ана шу чизиқ билан мустаҳкам боғланган»,— деб ёзади у.

Ўттизинчи йилларда пахта мустақиллиги учун кураш республикамиз меҳнаткашларининг асосий шиорларидан бирига айланиб қолган эди. Ўзбек меҳнаткашларининг пахта учун курашда кўрсатган ва кўрсатаётган қаҳрамонликлари, эришган ва эришаётган ғалабалари келажак авлодлар учун ибрат бўларли жуда катта ижтимоий мазмунга эга. Шунга кўра, О. Шарафиддинов: «Мамлакатимизнинг олдинги кишиларининг интилиши пахта мустақиллигида кўринаётир, бу кураш жуда кўп асарларнинг мавзун бўлиши керак»,— деб уқтирди. Танқидчи шу нуқтаи назардан келиб чиқиб «Назир отанинг ғазоби» ва «Шунинг ишқи» каби шеърларга ниҳоятда юксак баҳо беради. Уларда янги одамнинг социализмга садоқати ва фидокорлиги ўз шеърини ифодасини топганини қадрлайди. «Бизнинг эстетикамизнинг мазмуни,— дейди у ўз мақоласини якунлашга ўтаркан,— социалистик меҳнат, социалистик қурилиш, ўтмишда ва ҳозирда социализм учун кураш, экономикада ва кишиларнинг онгида капиталистик унсурларни бутунлай тугатишдан иборатдир. Бизнинг лирика тўғрисидаги тасаввуримиз шу асосга қурилган. Бу лирика янги кишининг кечинмаларини, ҳаяжонларини бутун бадий кучи билан ифода қилувчи, социалистик фикрлашувчи ва ҳис қилувчи... лирикадир. Шоир Уйғун шу лирика учун курашаётир. Бу курашдаги муваффақиятлар ва яқин ғалабаларнинг гарови — социалистик қурилишнинг актив иштирокчилари билан янада алоқани мустаҳкамлаш ва шулар сафида боришидир»⁴⁰.

Олим Шарафиддинов томонидан ўртага ташланган бу ва бунга ўхшаш фикрлар ўттизинчи йиллар адабий танқидчилиги давр «янги инсон»ининг тасвири учун курашда тўғри позицияда турганлигини кўрсатади. Масаланинг умумий томонларини ҳал этишда танқидчилик ижодкорларга мана шундай раҳнамолик қилиш

⁴⁰ Шарафиддинов О. Танланган асарлар. 227-бет.

даражасига кўтарила олди. Бунга бир жиҳатдан илғор рус танқидчилигини пухта ўрганиш сабабчи бўлган эди. 30-йилларнинг ўрталарида рус танқидчилари совет адабиётининг янги, етакчи қаҳрамонлари кимлар ва улар қандай тасвирланиши керак, деган савол устида тўхтаб «Литературный критик»⁴¹ журналада қатор баҳсли мақолалар эълон қилган эдилар. Улар шоир ва ёзувчилардан ишчи-колхозчиларнинг фақат меҳнатинигина эмас, балки шу меҳнат жараёнида кечаётган кечинмаларини, ҳис-туйғу, фикр ва мулоҳазаларини янгича онг, янгича инсоний ҳолат, янгича ижтимоий муносабатларни кўпроқ тасвирлаб беришни талаб эта бошлагандилар. Ўзбек адабий танқидчилигининг ижодкорларимиз олдига қўйган талаблари ҳам деярли шуларга ҳамоҳангдир.

Бироқ адабий маҳсулотнинг конкрет намуналарини таҳлил этганда ўттизинчи йиллар ўзбек адабий танқидчилиги ҳамма вақт бирдай савияда туролмади. Унинг янги адабий фактлар қаршисида эскича — консерватив мазмунда фикр юритган пайтлари ҳам бўлди.

Биз бундай ҳодисани А. Қодирийнинг «Обид кетмон» повести ва А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романига билдирилган муносабатда учратамиз. А. Қодирий ўзининг «Обид кетмон» повестини қишлоқда коллектив хўжаликлар тузилиши ва ғалабасини олқишлаш мақсадида яратган эди. Ёзувчи социалистик коллективизмга асосланган хўжаликларнинг илгариги қолоқ якка хўжаликларга нисбатан афзаллик жиҳатларини кўрсатишда фақат ўзбек ёзувчилари ичида эмас, бутун Ўрта Осиё ва, қолаверса, Иттифоқимиздаги бошқа кўпгина ёзувчилар ичида ҳам биринчилардан бири бўлди. «Обид кетмон»да ўрта деҳқоннинг колхоз тузумига хайрихоҳ бўла бошлаши, коллектив хўжаликка кириб келиши ва, ниҳоят, бу тузумда фаол кишига айланиши ишонarli тарзда, мантиқан асосли вазиятлар, деталь ва картиналар орқали мукамал тасвирланиб кўрсатилади.

Бу — ёзувчи давр ҳаётининг илғор тенденцияларидан бирини ҳаққоний инъикос этди, демакдир. Чунки, ўша давр партия ҳужжатларида қайд этилганидек, колхоз тузумининг ғалабасида ўрта деҳқоннинг колхозга кириши жуда катта ижобий роль ўйнар эди.

А. Қодирий ҳам бутун эътиборини асосан **шунга** қаратиб повесть яратган эди, аммо ўттизинчи йиллар

⁴¹ Литературный критик. Розенталь М. О времени и его героях. 1938; Юзовский Ю. Освобожденный прометей. 1934. 10; Усиевич Е. Традиции писателя и литературный герой. 1936. 1.

танқидчилиги ёзувчининг йирик жанрда совет даврини тасвир этишга ҳаракатини табриклади, аммо бу муҳим асарни етарли қадрлай олмади.

Мулла Обид бир йил ичида каттагина ер-сув, иккинчи йили сигир-қўй ва бошқа моддий бойликлар ортиради. Агар у шу зайлда давом этаверса, учинчи, тўртинчи йилларга бориб муштумзўрга айланиши ҳеч гапмас. А. Қодирий деҳқонларимизнинг шу йўлдан боришини истайди, деган мутлақо субъектив, тенденциоз, саводсизларча бемантиқ даъволарни бир ёққа йиғиштириб қўййлик⁴². Ҳатто, Ойбекдек етук олим, шоир ва мунаққид томонидан яратилган «А. Қодирийнинг ижодий йўли» номли монографик тадқиқотда (1936) ҳам ёзувчининг «Обид кетмон»да замоннинг мусбат типларини яратиш йўлидаги муваффақиятларидан қаноатланмаганини изҳор этди. «Кўпинча воқеалар, ишлар хроникал формада, ёзувчининг ўзи томонидан қайд қилинади. Аммо ёзувчи пахта ишлаб чиқариш билан баравар янги одамлар «ишлаб чиқариш»ни, янги психика, янги онг, шуур, янги муносабатлар, қисқаси, одамларнинг ўзгаришини бадий акс эттиришни анча унутади»⁴³. Бу бир ёқлама фикр эди, чунки ўрта деҳқон — Обид образи ўша вақт адабиётида яратилган энг ёрқин, реалистик образлардан бири бўлиб, фақат бир ёзувчининг эмас, бутун ўзбек совет адабиётининг ҳам ютуғи эди. Шу сабабли Ойбекнинг қуйидаги сўзларига қўшилиб бўлмайди: «Бизнингча, ёзувчи Обид кетмоннинг колхозга киргунча кечирган ҳаёти ва ҳаракати орқали ўрта деҳқоннинг турмуш шароитини ошириб кўрсатишида типик воқеаларни типик шароитда акс эттирмайди. Ўқувчи Обид кетмон образида бутун хусусиятлари ила гавдаланган жонли бир тип кўра олмайди. Ибтидоий ишлаб чиқариш қуролларига молик бўлган ва ота-бободан қолган эски усуллар билан иш кўрувчи майда деҳқон хўжалигида учрайдиган қийинчиликлар ва етишмасликларни ёзувчи у қадар реалистик тасвир қилмайди. Хусусий меҳнатга, якка хўжалик манфаатига асосланган, тарқоқ хўжалик шароитининг картинаси равшан кўрилмайди»⁴⁴.

⁴² Бу каби даъволар ишнинг дастлабки қисмларида эслатиб ўтилган, назарий жиҳатдан ўта заиф (аммо ёзувчиларни шароитга қараб гоҳ сабабсиз кўкларга кўтариб мақташга ва гоҳ турли-туман сиёсий айблар тўнкаб сўкишга уста), ўткинчи танқиднинг маҳсули эдилар.

⁴³ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 14-том. 179-бет.

⁴⁴ Ўша асар. Ўша том. 170—171-бетлар.

Шуни эсда туттиш керакки, башарти Абдулла Қодирий ўз навбатида аввал майда деҳқон хўжалигида учрайдиган қийинчиликлар ва етишмасликларни чуқур тасвирлаб бериб, Обид кетмоннинг колхозга кириш сабабларини шундан келтириб чиқарадиган бўлса, одатдаги асарларга ўхшаш бир повестни майдонга келтира оларди-ю, лекин ўз олдига қўйган бундан ҳам юксакроқ ва таъсирлироқ мақсадига — ўрта деҳқоннинг колхозга келиши процессини психологик асослашга, реалистик тасвирлашга эриша олмаган бўлур эди.

Ёзувчининг «Обид кетмон»да совет кишиларини тасвирлашдаги катта ютуқларидан бири Берди татар образидир. Берди татар колхоз қурилишида етакчи бўлган коммунист Обиднинг раҳнамоси. Афсуски, 30-йиллар ўзбек адабиётининг ютуғи бўлган бу образни тушунишда ҳам танқидчилик бир ёқламаликка йўл қўйди. Масалан, Ойбек ёзувчининг бош мақсади — ўрта деҳқоннинг колхоз тузуми ғалабасида ўйнаган ҳал этувчи родини кўрсатиш эканини ва Берди татар образи ўрта деҳқон онгига ижобий таъсир этган, аммо амалий ишларда ташаббускорликни Обидга атайин бериб қўйган ақлли партия ходими тарзида тасвир этилганини эътиборга олмай, «чуқур ўйлаб кўрилса, Берди татар чинакам курашчиликдан узоқлаштирилади»⁴⁵, деган асоссиз хулосага келди.

«Обид кетмон» ҳақида айтилган тўғри ва нотўғри фикрлар ҳаммаси бир нарсадан гувоҳлик беради: янги, совет даври одамининг образини яратиш танқидчилик тарафидан, ҳақли равишда, давр адабиётининг энг муҳим вазифаси тариқасида, даврнинг талаби сифатида майдонга қўйилади.

Бу жиҳатдан олганда, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи юзасидан бўлган оғзаки мунозара ҳам серсабоқдир.

1939 йилнинг 14 июнида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фанлар комитетида бошланган диспут (мунозара) қарийб уч кун давом этди. Диспутга Ўзбекистон Компартиясининг масъул ходимлари раҳбарлик қилдилар. Баҳсларда ёзувчи, шоир ва танқидчилардан Ш. Сулаймон, Уйғун, Ю. Султонов, Р. Мажидий, Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Расул, Н. Охундий, Х. Музаевлар актив иштирок этдилар. Романни кенг таҳлил этувчи асосий доклад Ю. Султоновга топширилган эди. Ю. Султонов асарга умуман ижобий баҳо берди. Би-

⁴⁵ Уша асар. Уша том, 147-бет.

роқ унда салбий қаҳрамонлар ижобий қаҳрамонларга нисбатан кенгроқ ва чуқурроқ тасвирланганини таъкидлаб: «Хатто турмушдаги реакцион кучлар тасвирланганида ҳам уларнинг маълум прогрессив кучлар қаршисида қақшаётгани билиниб турсин ва у прогрессив, ривожланадиган, енгилмайтурган кучлар кўриниб турсин. Ушандагина турмушни тўғри ва тўла англай оламиз»⁴⁶,— деган фикрни илгари сурди.

Бу — Ю. Султонов позициясининг ожиз томони эди. Чунки у «Сароб»нинг муаллифи ўз олдига воқеликдаги салбий кучларни — мағлубиятга учраган миллатчилик идеологияси вакиллари тасвирлашни вазифа қилиб олганини эътиборга олмаган эди.

Қизиғи шундаки, баҳснинг деярли барча иштирокчилари докладдаги бу камчиликни тушуниб етмай уни кетма-кет маъқулламоққа интилдилар. Натижада асарга ва айниқса ёзувчининг ғоявий-бадий мақсадига мутлақо нотўғри баҳо беришлар ҳам бўлди. Жумладан, Ҳ. Мусаев романда ижобий қаҳрамонлар тасвирига етарли даражада ўрин берилмаган дейиш билан бирга ёзувчидан: «Мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётини кўрсатиши»⁴⁷ни... «Омманинг қаҳрамонлиги, фаоллиги, тарихи, кураши, илғорлиги»⁴⁸ни акс эттиришни талаб қилди, яъни ёзувчи ўз олдига қўймаган вазифа нуқтаи назаридан асарга яқинлашди.

Унинг таъкидларига кўра, А. Қаҳҳор гўё «Совет хукуматининг ўсишини ва кундан-кунга мустақил бўлиб боришини инкор этиш ва кўрмаслик» оқибатида ижобий қаҳрамонлар тасвирига кам эътибор берганмиш»⁴⁹.

Ҳ. Мусаев нутқида баён этилган юқоридаги каби нотўғри хулосаларга диспутнинг деярли барча қатнашчилари яқдиллик билан қарши чиққанлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқ керак. Зотан, бу муҳим факт 30-йилларнинг охирларига келиб ўзбек танқидчилигида қўпол вульгар социологик хатолар қарши зарбага ҳам учрар эди, дейиш учун асослик вазифасини ўтайди.

Ҳ. Мусаев қарашларига биринчи энг кучли ва ҳал этувчи зарбани Ҳ. Ёқубов беради. У, энг аввало, А. Қаҳҳор билан «Сароб»нинг бош қаҳрамони Саидий ўртасига «тенглик аломати қўйиш бемаънилик экани-

⁴⁶ 1939 йил 14 июнда Фанлар комитетининг ёзги мажлис боғида орденли ёзувчи А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи устида очилган диспут. ЦГА ЎзССР. ф. 2856. Оп. 1. Ед. хр. 56. С. 18.

⁴⁷ Уша архив. 32-бет.

⁴⁸ Уша архив. 38-бет.

⁴⁹ Уша архив. 40-бет.

ни исботламоққа интилди»⁵⁰. Асарнинг идеяси миллатчиликнинг ҳалокатга дучор бўлиши. Шунинг учун биз ёзувчининг ҳар бир майда нарсаларига тегишмасдан, тирноқ орасидан кир излагандек қилиб ёпишмасдан, унинг асосий фикрини топиб»⁵¹ фикр юритмоғимиз лозим, деди у ва Ҳ. Мусаев йўл қўйгани каби хатоликлар шуни билмаслик оқибати эканлигини кўрсатиб ўтди.

Ҳ. Ёқубов ёзувчи асарнинг бош ғоясини асосан салбий образлар орқали ифодаламоқчи бўлганлигини ҳам биринчи бўлиб қайд этди. Бироқ, Ҳ. Ёқубов «асарнинг идеяси тўғри»лигини нечоғлик қайта-қайта таъкидла-масин, ёзувчининг «шу идеяни салбий образлар орқали ифодалаш»ни хатоликка йўймоқчи бўларкан, ўзига ўзи қарши чиқаётганини сезмай ҳам қолади. «Ҳақиқатда,— дейди у мутлақо янглиш фикрни илгари суриб,— ўшани яна бўрттириб кўрсатиш учун, бизни янглиштирмаслик учун халқнинг вакиллари, халқнинг бутун борлигини ифодаловчи кишиларни бериш керак эди»⁵².

Кўриниб турибдики, мунаққиднинг бу ўриндаги даъвоси назарий жиҳатдан ҳам, мантиқ жиҳатдан ҳам ҳеч қанақа тайинли бир асосга эга эмас. Ахир қандай қилиб миллатчилик ва миллатчиларнинг таназзулга юз тутишини халқ вакиллари образида ифодалаш мумкин? Асарнинг идеяси халқнинг бутун борлигини ифодалашдан иборат эмаску! Башарти ёзувчи мунаққид айтганларини бажармоққа ҳаракат қиладиган бўлса, мутлақо бошқа типдаги янги бир асарга қўл урган бўлмасмиди?

Демак, бу ўринда Ҳ. Ёқубов шаклнинг мазмунга мутаносиб эканлигини ҳисобга ололмаслик натижасида чалғиб кетади ва нотўғри хулосалар чиқаради.

Роман ўз олдига қўйган вазифасини асосан тўғри бажара олганлигини диспутда сўзга чиққан Н. Охундий ҳам таъкидлайди. «Ёзувчи миллатчилик инқирозини «Совет ҳукуматига қарши курашган контрреволюцион ўзбек миллатчилари ва уларнинг Совет Ўзбекистонига қарши олиб борган курашлари орқали кўрсатмоқчи бўлади»⁵³,— дейди у. Унинг бу фикрини Р. Мажидий ва Уйғун ҳам жиддий қўллаб-қувватлайдилар.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, асардаги ижобий қаҳрамонлар масаласига ўтилганда кейинги

⁵⁰ Уша архив. 48-бет.

⁵¹ Уша архив. 51-бет.

⁵² Уша жойда.

⁵³ Уша архив. 54-бет.

нотиклар Ҳ. Ёқубов томонидан йўл қўйилган хатони такрорламайдилар. Аксинча, романнинг асосий ғояси билан бу ғояни ифодаловчи бош қаҳрамонлар ўртасидаги ҳеч қандай номувофиқлик йўқ, бунинг устига асарда ижобий образлар ҳам мавжуд, аммо улар салбий образларга нисбатан бирмунча бўш чиққан, деган фикрларни илгари сурадилар. Хусусан, Н. Охундин ўз нутқини худди шу тарзда якунлайди.

Р. Мажидий бунинг баъзи бир сабабларини ҳам изоҳлаб ўтишга ҳаракат қилади. Ёзувчи ўз олдига асосан салбий типларни фош этиш вазифасини қўйгани учун шулар муҳитига чуқур кира билган, ижобий қаҳрамонлар муҳитини етарли даражада ўргана олмаган ва шунга кўра уни яхши билмаслиги табиий, бу нарса романда ҳам акс этган, дейди у.

Юзаки қараганда дурустгина мантиғи бордай туюладиган бу фикр аслини олганда романнинг жанри талабларини тўла ҳисобга ололмаслик натижаси эди. «Сароб» сатирик йўналишдаги асар бўлгани учун ёзувчи унда ижобий қаҳрамонлар тасвирига чекланмаган меъёрга ўрин ажрата олмас эди.

Уйғун ўз нутқида шу масалага алоҳида тўхтаб, тасвирни штрих билан бериш бадий асарнинг приёми эканлигини таъкидлайди. Романда Совет ҳокимиятининг улғуворлиги ҳам, социализм қуриш йўлидаги буюк одимлар ҳам ўз ифодасини топа олган, ёзувчининг асосий меҳри халқда, «буни гарчи у айрим каттакон типлар орқали тасвирлаб бермаса ҳам, айрим жойларда бу нарса жуда очиқ кўринади»⁵⁴,— дейди. Уйғун романнинг ижобий қаҳрамондан камситилишига қатъийан қарши чиқади.

Ниҳоят диспутнинг учинчи кuni «Сароб» одатдаги романлардан эмаслигига тўла ишонч ҳосил қилинади. Унга одатдаги романлар андазаси билан ёндашишни нотўғри йўл деб топилади. Буни шу кuni диспутга якун ясаган Сулаймон Азимов ҳам қайд этиб ўтади. «Қандай типларни марказий фигурага олиш—ёзувчининг ихтиёрида, ундан қаҳрамонлар албатта ижобий ёки салбий бўлишини талаб қилиб бўлмайди, чунки бундай қилиш «адабий асарни маълум бир рамкага солиш»⁵⁵ билан баробар, дейди у.

С. Азимов ўз нутқини «Сароб» ҳеч қанақа зарарли асар эмас, деган жуда тўғри хулоса билан якунлайди.

⁵⁴ Уша архив. 114-бет.

⁵⁵ Уша архив. 128-бет.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, ўзбек адабий танқидчилиги ўттизинчи йилларнинг сўнги чорагига ўтилганда савия жиҳатидан яна бир поғона юқори кўтарила олган. Бунда «Сароб» романи ўзига хос муҳим бир туртки вазифасини ўтайди. «Сароб» пайдо бўлгунига қадар танқидчилик социалистик реализм адабиётида воқелик гўзалликларини бевосита эмас, балки билвосита (социалистик идеалга суянган ҳолда сатирик образлар орқали) тасдиқловчи асарлар ҳам учраши мумкинлигидан деярли беҳабар эди. Шунга кўра, у адабиётда социализм қурувчи янги инсон типларининг юксак бадиий тасвирлари учун курашар экан, буни баъзан социалистик реализмнинг бирдан-бир белгиси деб қабул қилиш даражасига яқинлашиб қолар эди. «Сароб» романи ўттизинчи йиллар ўзбек адабий танқидчилигида худди ана шу хато тушунчанинг ортиқча илдиз отишига йўл қўймади, дейиш мумкин.

Шундай қилиб, ўттизинчи йиллар ўзбек адабий танқидчилигида социалистик реализмнинг тасвир имкониятлари ниҳоятда чексиз эканлигига тўла ишонч ҳосил қилина бошланади.

Бундай ишонч 1941 йилнинг 19—20 февраль кунлари «Қутлуг қон» романи юзасидан ўтказилган диспут⁵⁶да яна бир бор ўзини оқлайди.

Бу роман, ҳақли равишда, ўзбек социалистик реализм адабиётининг етук намунаси сифатида баҳо олдики, бу факт ўзбек адабий танқидчилигининг назарий асослари мустаҳкамланганидангина эмас, унинг назарий қондаларни бадиий асар таҳлилига хизмат эттира олиш даражасига кўтарилганидан далолатдир.

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ ЭСТЕТИКАСINI ЭГАЛЛАШ ЙУЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

Янги, совет адабиётини ривожлантириш йўлларини, унинг ютуқларини, камчиликларини ва истиқболини адабий танқид орқали англаш, ўттизинчи йилларда (аввал ҳам бўлганидек) адабиётнинг назарий масалаларини ишлаш билан баробар борди. Назарий тафаккур адабий танқиднинг асосини яратишга интилар эди.

Ўттизинчи йилларда назарий масалалар юзасидан матбуотда, турли доклад ва китобларда айтилган фикрларнинг батафсил таҳлили — адабиётшунослик тарихининг вазифасидир. Биз танқид тарихига бағишлан-

⁵⁶ ЦГА УзССР. Ф. 2356. Оп. 1. Д. 87. Л. 1—59.

ган бу «Очерклар»да назарий тафаккурнинг бевосита адабий танқиднинг илмий савиясини кўтаришга хизмат этган баъзи аспектларига тўхтаб ўтамиз.

Баъзи танқидчилар ўзларининг назарий савиялари жуда пастлиги туфайли адабий жараён, ёзувчилар ва уларнинг асарлари ҳақида асоссиз ва зарарли фикрлар билан майдонга чиқишда давом этдилар. Чунончи, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1930 йил 30 октябрь сонидида бир танқидчининг «Ниқобли шоирлар» сарлавҳали мақоласи босилган. Унда муаллиф истеъдодли ёш ижодкорлардан Ҳамид Олимжон ва Миртемир шеърларини саводсизларча таҳлил этади. «Танқидчи»га шоирларнинг табиат манзараларини тасвир этганлари ёқмабди. Бундан у мана шундай хулоса чиқаради: «Бугун халқимиз социализм қуриш учун хормай-толмай курашаётганида булар ойга қараб суҳбат қуришади». Муаллиф қарашича, совет ёзувчиси табиат ҳақида ёзиши мумкин эмас, муҳаббат ҳақида ёзиш эса «парнография моментларига ўрин бериш» бўлар эмиш. Шундан кейин «танқидчи» Миртемирнинг «муштумзўр боласи», Ҳамид Олимжоннинг «савдогар ўғли» эканини даъво этади ва, бинобарин, улар бошқача ёзишлари мумкин эмас эди, деган хулосага келади.

Бу каби саводсизона, юзаки мулоҳазалар вақтли матбуотда анча учрарди. Шу сабабли партия ва давлат арбоблари ўзларининг санъат ва адабиётга оид ва ижодкорлар учун муҳим йўл-йўриқлар берган докладларида бундай руҳдаги чиқишларни тўхтатиш ва уларга зарба беришга мажбур бўлар эдилар. ЎзКомпартия Марказий Комитетининг биринчи секретари бир докладыда: «Маннон Роиқ шеърларидан биридаги «иш тонги отди, ҳаёт иш билан қайнайди» деган сатрларга танқидчи... шундай эътироз билдиради: «Бу сочма 1929 йилда, беш йиллик планнинг биринчи йилида ёзилган. Бундан кўринадики, шоир «фақат эндигина тонг отди. 1928 йилга қадар тонг отмаган эди»,— дейди. У 1928 йилгача ҳаёт гўё ўлган эди, деган диалектикага қарши мантиқни илгари суради»⁵⁷,— деган эди.

Адабий танқидга назарий тайёргарликсиз, тасодифан кириб қолган баъзи кишилар бадий ижоднинг методи ҳақида ҳам тутуриқсиз фикрлар билан матбуотда чиқдилар. Масалан, бир «танқидчи» ёзган эди: «Романтизм оқими, символизм оқими, реализм оқими —

⁵⁷ А. Икромов адабиёт ва санъат тўғрисида. Тошкент. 1935. 90—91-бетлар.

буржуа адабиётидан қолган мерос бўлгани учун бизнинг адабиётимиз учун асос бўла олмайди. Пролетар адабиёти ўзининг мундарижасига мувофиқ бир шакл ишлаб чиқиши керак»⁵⁸.

Бу мақолада айтилишича, Уйғун «Олтин сози» шеърида гўё романтизмга жуда берилиб кетиб, ўзининг ижодида буржуа оқимини қўллаган»⁵⁹.

Бунга ўхшаш «фикрлар» фақат саводсизликнинг натижасигина бўлмасдан, балки совет адабиётшунослиги ва танқидчилигида 20—30-йилларда анча тарқалган вульгар социологизмнинг оқибатлари ҳам эди. Марксизм-ленинизм санъатшуносликда социологизмга суянишга ўргатади. Санъатшуносликда социологизм — санъатнинг тугилиши ва ривожда ижтимоий ҳаёт, синфларнинг кураши ҳал этувчи роль ўйнашини тасдиқ этади. Аммо бу чуқур илмий қоидаларни санъатга (ва унинг бир тури бўлган адабиётга) уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўзда тутмай, тўғридан-тўғри ва юзаки татбиқ этиш мумкин эмас. Вульгар социологизм вакиллари санъатнинг мураккаб ҳодисаларини бузиб, гўё санъат асарида санъаткорнинг фақат синфий қарашлари ўз инъикосини топади, ёзувчи ёки рассом ўз синфий муҳити таъсиридан ҳеч қачон чиқолмайди, санъатнинг асосий хусусиятлари бевосита иқтисоднинг хусусиятлари билан тайин этилади деган ғайриилмий тезислар билан майдонга чиққан эдилар. Аввало рус адабиётшунослигида пайдо бўлган бу ғайриилмий қарашлар 20—30-йилларда илмий доираларда баъзан устунлик қилгани сабабли, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Миртемир, Ҳамид Олимжон, Уйғун каби ёзувчиларнинг таржиман ҳолидан кир ахтариб, уларнинг эксплуататор синфлар муҳитидан чиққанини «исбот этиб», кейин уларнинг ижодини пролетариатга ёт синфлар идеологияси сифатида таърифлаш — ана шу вульгар социологизм йўлидан бориш оқибати эди.

Адабиётда ва адабий танқидда мавжуд соғлом ва доимо марксизм-ленинизм таълимотини эгаллашга интилиб келган кадрлар ўттизинчи йилларда ҳам совет адабиётининг социалистик реализмни эгаллаш йўллари изчил ўрганиб, танқид соҳасида ҳам етук фикрлар билан чиқар эдилар. Тўғри, бу кадрларнинг наза-

⁵⁸ Қурилиш. 1931. 3-сон.

⁵⁹ Ўша жойда.

рий қарашларида ҳам бугунги кун нуқтаи назаридан баъзи жиддий камчиликларни топиш ҳам мумкин.

Адабий кадрлар назарий савиясининг ошувида К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг идеология, санъат ва адабиётга оид асарларининг кўплаб эълон этилиши, етакчи рус адабиётшунослигида марксизм-ленинизмнинг санъат ва адабиёт ҳақидаги таълимотига оид кўпгина асарларнинг эълон этилиши, айниқса А. В. Луначарскийнинг ўзбекчага таржима этилган «Ленин ва адабиётшунослик» асари, М. Лифшиц ва Ф. Шиллер тузган «К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат ва адабиёт ҳақида» хрестоматияси, В. И. Лениннинг Лев Толстой ижодига бағишланган мақолалари туркуми, «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асари каби принципиал характердаги ижобий фактлар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги илмий асосининг мустаҳкамланишига хизмат этдилар. М. Горький, А. Фадеев ва бошқа совет адабиёти намояндалари томонидан социалистик реализм адабиётининг назарий масалаларига бағишлаб тез-тез мақолалар ёзиб турилганлиги ёш ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг назарий муваффақиятларига мадад берди.

Адабиётнинг ривож йўллари тўғри тушуниш ва унинг ҳодисаларига тўғри баҳо бериш учун даставвал адабиётнинг санъат сифатидаги спецификасини тўғри тушуниш керак эди (адабиёт ҳақидаги айтилган кўпгина фикрларнинг нотўғрилигига ҳам сабаб унинг спецификасини тушунмаслик эди).

Бу масалага илк маротаба Ҳамид Олимжон диққатни тортди. Унинг муҳим мақолаларидан бирининг «Адабиётни англамасликка қарши»⁶⁰, деб аталиши ҳам бежиз эмас эди. Бу мақолада Ҳамид Олимжон бадий адабиётни идеологиянинг бошқа соҳаларидан фарқ эта билмаслигининг зарарини тушунтиради: «Бизнинг замонамизда мафкуравий нуқтаи назардан соғлом ишланган ҳар бир нарсa бадий асар қаторига кира олмайди. Бу шунинг учунки, у асарнинг бадий асар сипатидан ҳам фойда етказиши кўриниб турган нарсадир. У бадий асар бўлиши учун образлар воситаси билан ифода қилинган бўлиши матлубдир». «Санъаткор шу (халқимиз олдида турган — Т. Р.) улуг вазифаларни нозиклик ва кишига ҳузур бериш йўли билан ўқувчига сингдира олгандагина санъаткор номини олишга ҳақли бўлади».

⁶⁰ Қизил Ўзбекистон. 1930. 30 март.

Ҳ. Олимжон давом этиб ўша йилларда танқидда тарқалган яна бир назарий хато фикрга зарба беради. Ҳ. Олимжон «Марксизм ниқоби остида меньшевизм» номли мақоласида асосан А. Саъдийнинг «Адабиёт масалалари ва Улуғ Октябрдан кейинги ўзбек адабиёти» деган китоби юзасидан марксча-ленинча назарияга амал қилиб фикр юритади.

А. Саъдий кўпгина мақолалари ва юқорида тилга олинган китобида пролетариат адабиёти ва унинг методига оид масалаларни тушунишда вульгар социологлар изидан борган эди. Муҳими шундаки, Ҳ. Олимжон бунинг туб сабаблари, асл келиб чиқиш манбалари йигирманчи йилларда кенг тарқалган ва ўттизинчи йилларга ўтилганда ҳам ўз таъсир кучини ҳамон сақлаб келаётган ва ўша вақтда «Переверзев назарияси» оқимиға боғланишини жуда тўғри кўрсатиб беролган.

«Переверзев ва переверзевчилар,— деб ёзади у.— Ёзувчи фақат ўзи яшаб турган, ўзи мансуб бўлган муҳит тўғрисидагина ёза олади, уларнинг бошқа муҳит ҳақида ёзишлари, ёхуд бошқа муҳитга ўтувлари мумкин эмас, деган фикрни илгари сурдилар... Бу фикр... пролетар адабиётининг попутчикларни (пролетариат орасидан чиқмаган, аммо пролетар революциясига хайрихоҳ санъаткорларни — Т. Р.) тарбиялаш учун олиб борган курашини йўққа чиқарув учун майдонга ташлангандир»⁶¹.

А. Саъдий ўз китобида социализм идеяларини ташувчи адабиёт («пролетариат адабиёти») фақат пролетариат диктатураси даврида туғилади, деган фикрни олға суради. Ҳамид Олимжон пролетариат сиёсий ҳокимиятни қўлга олғунига қадар бир қатор тараққиёт босқичларидан ўтиши ана шу даврларда ҳоким синфларнинг мафкураси ҳоким мафкуралигича қолиши, лекин бу пролетариат маданияти туғилиб шакллана боришига имкон берувчи йўлларнинг буткул кесиб қўйилиши деган сўз эмаслигини уқтириб, ўз фикрига доҳиймиз В. И. Ленин асарларидан ва унинг А. М. Горький ижодиға берган баҳосидан мисоллар келтириб ўтади⁶².

Ўзбек совет адабий танқидчилигида вульгар социологизмға қарши дастлабки кучли зарбани Отажон Ҳошим қаламиға мансуб «Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари» номли рисолада ҳам кузатиш мумкин.

⁶¹ Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. Уч томлик. 3-том. Тошкент. 1960. 158-бет.

⁶² Ўша жойда.

Отажон Ҳошим ўзининг бу рисоласида санъат ва адабиёт идеологиянинг бир тури эканлигини, шунга кўра, ўзбек совет адабиётининг тараққиёт жараёнлари социализм қурилиши билан, умумхалқ маданий савиясининг ўсиши ва синфий кураш процесслари билан бирга, аммо специфик равишда кечиши табиийлигини чуқур аниқлаш олган йирик тадқиқотчи сифатида намоён бўлади.

Рисолани у санъат ва адабиёт соҳасидаги идеология масалаларига ижодкорнинг дунёқараши, воқеликка муносабати билан боғлиқ равишда юзага чиқадиган ҳодиса деб тушуниши лозимлигини таъкидлашдан бошлайди.

У шу нуқтаи назари асосида давр бадий тафаккурни олдиға қатор муҳим талаблар қўядики, бу талаблар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

«Ўзбек шўро ёзувчилари ўз позицияларини пролетариатнинг устидан туриб эмас, кузатувчи бўлиб эмас, балки унинг узвий бир бўлаги, онгли вакили бўлиб билдиришлари лозим»⁶³ (Тадқиқотчи В. И. Лениннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асаридаги муҳим фикрлар моҳиятини ўзига қандай сингдириб ололганлигига аҳамият беринг — Т. Р.).

Лекин, бадий адабиётда яланғоч ваъзхонликка берилиш, фикрни қуруқ, декларатив шаклларда баён этавериш ярамайди. Баъзи шоирлар ва ҳатто танқидчилар ҳам бунга сира аҳамият бермай қўйишган эди. Хусусан, вульгар социологизм таъсиридан қутулолмаётганларга адабиётда воқелик идеологиянинг бошқа турларидагига нисбатан бошқача ёритилишини тушунтириб бериш лозим эди. Шу сабабли О. Ҳошим юқоридаги фикрини қуйидагича ривожлантириб, санъатда синфийлик ва партиявийликка алоҳида урғу қилади: «Турмушнинг адабиётда акс этиши жуда ҳам мураккаб процессдир... Турмуш адабиётда шоир — ёзувчи орқали акс қиладир, турмушдан олган фикрларини, ҳисларини, туйғуларини ёзувчи бадий шаклда, образлар билан берадир. Аммо бу процессда ташкил қилиш родини ёзувчининг синфий қараши, синфий позицияси ўйнайдир»⁶⁴.

О. Ҳошим ўзбек совет поэзияси ва умуман адабиётида ҳаётга муҳаббат, яшаш завқи, замонадан, Ва-

⁶³ Отажон Ҳошим. Ўзбек шўро адабиётининг бир неча муҳим масалалари. Тошкент—Самарқанд. 1933. 4-бет.

⁶⁴ Уша асар. 7-бет.

тандан, келажакка ишончдан ғурурланиш ҳислари кучлилиги боисини жуда тўғри изоҳлай олди. «Бунинг сабаби шундаки,— деб ёзади у,— ўзбек шўро ёзувчилари шўро платформасида, социализм қурилиши платформасида турадилар, Октябрдан кейин Ўзбекистонда қурила бошлаган турмушни, янги тузумни ўзлариники ҳисоблайдилар. ...Мана шунинг учун уларнинг турмушга, табиат кўринишларига қарашларида бадбинлик йўқдир, уларнинг сезгилари, табиат кўринишларидан олган ҳислари, туйғулари ҳам умид билан тўлгандир»⁶⁵.

О. Ҳошим совет адабиётининг мамлакатда рўй бераётган буюк ўзгаришлар билан доимий алоқадорликда такомиллашишини кучайтириш лозим деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича, ёзувчи ўз асарини истаган мавзуда ёзиши мумкин. Танқидчилик томонидан у ё бу мавзуда ёзиш шарт деб ҳукм чиқариб қўйиш ўтакетган бемаъниликдир. Муҳими — замонавий ҳаёт, революцион воқелик ижодкорларнинг, шу жумладан, адабиётнинг ҳам диққат марказида турса бас.

Олимнинг қуйидаги фикрлари ўз даврида қандай улкан аҳамият касб этган бўлса, бугунги кунда ҳам худди ўшандай — юксак қадрини йўқотмай келаётир. «Турмушни китоб, газета, журнал мақолаларидангина эмас, балки турмушда қайнаб туриб, турмушни тузиб туриб, турмушнинг ўзидан ўрганув керак. Чунки, конкрет турмуш мақолаларда, китобларда ёзилганидан мураккаброқ, конкретроқ, турли-туманлироқдир. Конкрет турмушимизни билиш ҳам ўрганиш билангина уни турли томонлардан, биринчи қарашда таҳлилсиз кўринмай турган томонларидан чуқурроқ бадний акс этув мумкин»⁶⁶.

Олим адабиётнинг ҳаёт билан алоқаси аҳамиятини қайта-қайта таъкидлаш билан совет адабиёти юксак даражада бадний бўлиши учун ҳам курашди. Ҳаётни билмаслик, воқеликка четдан туриб муносабат билдиришга уриниш, халқ курашларини, интилишларини паллапартиш ва жуда юзаки кузатиб ёритиш ҳамиша қуруқ ваъзхонлик, чучмал риторика, схематизм сингари иллатлар кўпайишига сабабчи бўлган ва сабабчи бўлаверади.

Танқидчи бундай иллатлар озаймаётганлигидан

⁶⁵ Уша асар. 9-бет.

⁶⁶ Уша асар. 11-бет.

қаттиқ ташвишга тушган эди. У бунга мисол тариқасида завод ва колхоз ҳаётини ёритишдаги камчиликларни кўрсатиб ўтади. «...Завод албатта зарбдор, бутун ишчилар, яъни масса меҳнатга бир хил — онгли қарайди. Ҳаммалари ҳам план билан ишлайдилар, планни бутунлай бажарадилар ва шунинг кабилар. Қисқаси, ҳеч қандай камчилик, қийинчиликлар билан курашиш йўқ. Колхозда эса «ҳар колхозчи — толмас эр», ҳамма зўр меҳнат билан банд, баъзан ўрта деҳқон учраб қолади, унинг колхозга кириши осонгина кўчади — кўпчилик ана шу схема билан ёзади»⁶⁷.

Ҳақиқатан ҳам, ўттизинчи йиллар аввалида пайдо бўлган қатор асарларда социалистик меҳнат ва турмуш тарзини ана шу тариқа юзаки ялтироқлаштириб, илгаридан белгилаб олинган гавдалантириш кўп уч-рар, поэзияда декларативлик, мақтовбозлик, риторика кўп ўрин тутар эди.

О. Ҳошим бунга кескин қарши чиқар экан, ўттизинчи йиллар бадий тафаккурини чуқурлаштириш ишига сўзсиз жуда катта ҳисса қўша олди.

Маълумки, адабиётнинг диққат марказида замонасининг энг илғор онгини ифодалай оладиган янги инсон бўлиши лозим. Бу фикр ҳозирги кунларда оддий аксиомага айланиб кетган. Лекин умумсовет адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳам, ўзбек совет адабий танқидчилигида ҳам шу аксиоманинг тасдиқ топиши бирданига ва енгил бўлган ҳодиса эмас.

Отажон Ҳошим шу ҳақиқатни ўзбек адабий танқидчилигига илк мартаба олиб кирганлардан бири бўлди. «Ёзувчидан социализм қурилиши асосида янги киши — социализм кишининг пайдо бўлишини, унинг етилишини, социализм қурилиши асосида онг ҳам психологиясининг қайтадан тузилишининг ўзгаришини ўрганиш, текшириш орқали кўрсатиш талаб қилинади»⁶⁸.

Мунаққид совет адабиётини янги, социализм қурилиши даврининг, янги дунёни барпо этаётган қаҳрамон халқнинг адабиёти деб билди ва шу сабабдан уни ўз даврига, халқига муносиб бўлиш учун курашишга чақирди.

Олим рисоласида ўзбек совет танқидчилигининг ўша даврлардаги аҳволи, вазифалари, йўл қўйиб келинган қатор ғоявий-методологик хатолар, ижодий-эстетик камчиликлар масаласи ҳам тегишли таҳлилни топа олди.

⁶⁷ Ўша асар. 23-бет.

⁶⁸ Ўша асар. 11-бет.

«Адабиёт билан машғул бўлган баъзи ўртоқлар орасида адабиётни шоир, ёзувчиларнинг кўз қарашига (нуқтаи назарига демоқчи — Т. Р.) ...эмас, балки ижтимоий чиқишлари қандайлигига, нима тўғрисида ёзишларига, мавзуларига қараб белгилаш кўриладур»⁶⁹, — деб ёзади О. Ҳошим.

О. Ҳошим У. Исмоиловнинг «Ўзбек пролетар адабиётининг ижодий йўли учун кураш», Анқабойнинг «Пролетар ёзувчисининг ижодий юзи» мақолаларини ва «Дастгоҳ» тўпламига ЎзАПП томонидан ёзилган сўз бошини бунинг характерли мисоллари деб танқид қилади. Энг муҳими шуки, О. Ҳошим ёзувчи воқеликни қайси идеологик нуқтаи назар билан, қайси синфнинг позициясида туриб акс эттиришга интилаётганини аниқлашга даъват этади. У, агар шу йўлдан борилмаса, кўпол хатоликларга йўл қўйиш муқаррардир, деган тезисни илгари суради.

О. Ҳошимнинг тўғри илмий платформада туриши унга ўзбек совет поэзиясининг қарийб ўн беш йиллик тараққиёт йўлини тўғри таҳлил этиш имконини берибгина қолмай, бутун ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг вульгар социологизм иллатларидан қутулиш йўлига ўтишини тезлатди. Танқидчилигимиз бу сабоқ таъсирида, ғоявийлик, бадийлик, партиявийлик ва ижодий метод проблемалари юзасидан олиб бораётган текширишларини марксизм-ленинизм классиклари таълимоти ва совет адабиёти орттирган улкан тажрибалар асосида тамоман янги изда давом эттиришга киришди.

* * *

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрель қарори ва ЎзҚомпартия Марказий Комитетининг V Пленумидан кейин ўзбек совет танқидчилигини назарий жиҳатдан пухта қуроллантириш ишига жуда катта ҳисса қўша олган иккинчи муҳим ҳодиса Ҳ. Олимжон ва Уйғун томонидан бадий ижод масалаларига Маркс, Энгельс ва ленинча ёндашиш принципларининг батафсил тушунтириб берилиши бўлди.

1932 йилнинг 29 октябрида «Литературная газета»да «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» деган мақола эълон қилинади. А. Фадеев қаламига мансуб бу мақола вульгар социологизм намояндалари томонидан

⁶⁹ Уша асар. 15-бет.

чигаллаштириб юборилган. Шубҳасиз, совет адабиётининг ижодий методига оид тўғри йўналишдаги илк назарий ишлардан бўлган бу мақола ўзбек ёзувчилари ва танқидчилари учун ҳам принципиал аҳамиятга эга эди. Чунки унда: «Совет адабиётининг етакчи оқими социалистик реализмдир. Нега десак, марксча-ленинча тушуниладиган ҳақиқий бадиий реализм шундай ижодни англатадики, у тарихий ҳақиқатга яқин, воқелик тараққиётининг эскилик кучлари билан курашишдаги асосий тенденцияларни кўра олиш иқтидорига эга бўлади. Бундай ҳақиқий реализм бизнинг кунларимизда нима учун социалистик реализмдир? Бунга сабаб, бизнинг мамлакатимиз ғалабалар кетидан ғалабага эришадиган социализм мамлакатидир, воқеликни бизнинг давримизга оид асосий тенденциялар нурида ҳаққоний тасвирловчи бугунги кун санъаткори уни социализм позициясидан туриб тасвирлайди»,.. деб ёзилган эди.

Ўзбек совет танқидчилигида бу тўғри фикрга ҳамоханг илк мулоҳазаларга «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида» сарлавҳали мақолада дуч келамиз.

Ҳ. Олимжон Уйғун билан биргаликда К. Маркс ва фотининг 50 йиллигига бағишлаб ёзилган бу мақола ўз вақтида ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидининг шаклланишида принципиал аҳамиятга эга эди. Мақолада буржуазия даврида санъат ва адабиётда туғилган, ривож топган реализм ҳақидаги тушунча (демак, умуман реализм ҳақидаги тушунча) илк маротаба ўзбек адабиётшунослигига киритилади.

«Реализм методи тарих саҳнасига янгидан чиқиб келаётган ёки янгигина синфий ҳокимиятни ўз қўлига олиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, гуллаш даврини кечириётган синфларнинг методи бўла кетгандир,— дейилади унда.— Буржуазия ҳам янгидан бош кўтариб келаётган ҳокимиятга кўтарилаётган ва тарих саҳнасида янги ғолиб куч сингари ҳаракат қилган даврида реалистик санъат яратди. Буржуазия бу даврда буюк реалистик санъаткорларни етиштирди. Аммо унинг реализми ўша даврда феодализмга нисбатан прогрессив роль ўйнаганига қарамасдан чекланган реализм эди. Негаки, буржуа реализми воқеликка, турмушга статик равишда яқинлашмасдан иложи йўқ эди. Негаки, буржуазия реализми буржуа материализмга, механистик метафизик материализмга, турмушни тўғри англаш ва англатишда диалектик материализм даражасига кўтарила олмаган фалсафага асосланган реализм эди. Капитализм ишлаб чиқариш системаси, ишлаб чиқариш

муносабатлари, капитализм жамиятининг ички қарама-қаршиликлари буржуа реалистларига турмушни, воқеликни англашнинг энг баланд поғонасига кўтарилишга имкон бермас эди. Буюк талантлари соясида воқеликнинг моҳиятини тўғри ва чуқур равишда англай билган баъзи буржуа реалистлари эса қарама-қаршиликлар билан тўла асарлар яратишда ўзларини тия олмадилар. Буржуазиянинг баъзи буюк реалистлари ўз жамиятининг қарама-қаршиликларини, бўлаётган зулмларни, жабрларни, ярамасликларни кўра билдилар. Аммо бу даҳшатнинг асл сабабларини очиб бера олмадилар. Ҳодисаларга фетишизм нуқтаи назаридан қарадилар. Шунинг натижасида улар бир жиҳатдан тасвир қилганлари ҳаётни кучли равишда танқид қилсалар-да, иккинчи жиҳатдан хусусий мулк, эксплуатацияга асосланган жамиятни сақлаб қолиш фикрини илгари сурдилар. Бир жиҳатдан капитализм даврида меҳнат эгаларининг зулм, эксплуатация остида қолганини ҳушёр реалистик асосда тасвирласалар, «ҳар хил ва ҳар қандай ниқобларни аямай йиртсалар», иккинчи жиҳатдан тақдирга бўйсуниб, сабр этиш, хўжаларга қарши чиқмаслик фикрларини талқин қилдилар.

Энгельс Бальзак ва Гёте ҳақида фикр юритганда, Ленин Толстой асарларини классик равишда таҳлил қилганда, эксплуатация қилувчи синфлар реализмнинг бу хусусиятини саботсиз, қарама-қаршилик билан тўлган эканини доҳиёна очиб кўрсатдилар»⁷⁰.

Шундан кейин мақолада Бальзак тўғрисидаги Ф. Энгельс фикрларидан айрим парчалар келтирилиб, юқоридаги тезисларни бирма-бир исботлашга ҳаракат қилинади ва бунга эришилади ҳам.

Агар биз юқоридаги тезислар маълум даражада таҳрирга муҳтож эканлигини ҳисобга олмасак, Ҳ. Олимжон ва Уйғун марксизм-ленинизм классиклари меросидан ўтмиш адабиётлари реализми хусусиятларини белгилаб олишда деярли тўғри фойдаланганлар. Нима учун деярли? Бу шунинг учунки, К. Маркс ҳам, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин ҳам ҳеч қачон эксплуатация қилувчи синфлар реализми бўлади, деб таълим беришмаган. Аксинча, эксплуатацияга асосланган тузумларда ҳам шу тузум манфаатларига зид позицияни эгалловчи реалист ёзувчилар бўлиши шак-шубҳасизлигини исботлаб беришган. Ҳ. Олимжон ва Уйғун ўз мақолаларида

⁷⁰ Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. Уч томлик. 3-том. 178-бет. 3-том. 178-бет.

буни тушуниб етганликлари натижасида буржуазиянинг ҳам реализми бўлар экан-да, деган хулоса билан иш кўришади.

Мақолада яна бугунги илмий нуқтаи назардан нотўғри фикрлар ҳам мавжуд. Аммо шуниси муҳимки, бу мақолада санъат ва адабиётнинг спецификасига оид жуда муҳим фикрлар бор. Масалан, «Шундай қилиб, Бальзак ўзининг баланд санъаткорлик погонасига ўз синфий қарашларига қарши бориши билан эришди,— дейилади унда.— Агар Бальзак ўз синфининг дунёга қараши рамкиси ичида ўралиб қолган бўлса эди, турмушга реалистик ёндашишда бу қадар буюк муваффақиятга эга бўла олмаган бўлар эди».

Санъаткорнинг ўз синфи нуқтаи назаридан юқори кўтарила билиши ва эксплуататор синфлар идеологиясининг санъатда ҳаққонийликка монелиги ҳақидаги бу фикрлар ўттизинчи йиллар адабиётшунослиги учун янгилик эди.

Муаллифлар Ф. Энгельснинг Гёте, В. И. Лениннинг Л. Толстой ижодидаги оид фикрларини таҳлил этишда ҳам ана шу фикрни олға сурадилар: «Лениннинг Толстой ҳақидаги бу очиқ, равшан, айти ҳолда чуқур, илмий таҳлили, Энгельснинг Бальзак, Гёте тўғрисидаги доҳиёна мулоҳазалари, ...буржуазия синфининг мафкурарачиси бўлиб турган ҳолда, баланд санъаткорона, доҳиёна асарлар майдонга келтирган буюк талантларнинг ўз синфий мафкурасига қарши бориш мажбурияти остида қолганини исбот этди. ...

Маркс, ...буржуазия санъати, адабиёти, шоири, адаби, рассоми, артистларининг табиатини ҳам ўрганди. У, ўз навбатида, буларнинг ҳаммасини ҳам капиталга, бозорга боғланиб, қул бўлиб қолишларини фош қилди. Ниҳоят, Маркс «Қўшимча қиймат назариялари» деган асарининг биринчи жилдида: «Капиталистик ишлаб чиқариш санъат ва поэзия каби маънавий ишлаб чиқаришнинг баъзи соҳаларига душмандир»,— деган буюк хулосага келди.

Шуниси диққатга сазоворки, муаллифлар социалистик реализм таърифига кўчганда А. Фадеев фикрларини ўзгаришсиз такрорлайдилар. «Нима учун шундай асл бўлган реализм бизнинг замонамизда социалистик реализм деб аталади? Бу шунинг учунки, бизнинг мамлакатимиз голиб социализм мамлакатидир. Бу шунинг учунки, турмушни ҳаққоний равишда, бизнинг асримизнинг асосий тамойили руҳида шуълалантирувчи, тасвир

этувчи санъаткор бу турмушни социализм позициясида туриб тасвирлайди».

Муаллифлар совет адабиёти ижодий методининг етакчи хусусиятлари нималарда намоён бўлишини белгилаб олишда марксизм-ленинизм классикларининг реализм проблемаларига оид фикрларига суяниб, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган баъзи хулосаларга келадилар.

Шулардан биринчиси, бутун адабий методлар ичида реалистик методнинг мумтоз эканлиги ҳақидаги фикрдир. Иккинчиси, реализмнинг қандай йўсида камолга етиши, бу камолга етишнинг шартлари тўғрисидаги хулосадир. «Ўз даврининг, ўз синфининг олдинги идеясини эгаллаб ололмаган ва шу идеяларни ифодалай билмаган санъаткор, албатта, узоқ умрли, тўлақонли, шоҳ асарлар яратиб бера олмайди»⁷¹.

Тадқиқотда бу жуда муҳим хулосани К. Маркснинг «Франс Фон Зикенген» номли Лассал асарига билдирган муносабатидан келтириб чиқарилади. Ф. Энгельс қаламига мансуб «Шеърда ҳам, насрда ҳам немис социализми» асаридаги айрим ёзувчилар талантининг юзага чиқа олмаслиги улар дунёқарашининг муайян эмаслигига боғлиқ, дейилган фикрдан эса қуйидаги якунга келинади: «Дарҳақиқат, ёзувчи... муайян дунёқарашга эга бўлмаса, у маълум синфнинг позициясида туриб, ҳаётни тўла англай олмайди. У шу ҳолича ҳаётни юзаки, бўтқа ҳолида кўришга, турмушнинг сиртидан сирпанишга, воқеаларни, олиб борувчи тенденцияларни эмас, айрим тасодифларни қайд этишга мажбур бўладир»⁷².

Ниҳоят, учинчи хулоса — адабиётнинг спецификасига оид бўлиб, унда Ф. Энгельснинг адабиётда ҳаққоний деталлар орқали типик характерлар типик шароитда тасвирланиши ҳақидаги машҳур таърифдир. Муаллифлар типиклик проблемаси нуқтаи назаридан социалистик реализм адабиёти олдига ҳам принципиал вазифалар қўйилишига эътибор берадилар. Уларнинг фикрича, социалистик реализм, ҳақиқатан ҳам «воқеаларнинг устидан сирпанувчи», турмуш ҳақиқатларини бузиб кўрсатишга ёки кўрсата олмасликка олиб келадиган йўлларни инкор қилади. Схематизм, юзакилик, шаблонбозлик хасталикларига мубтало бўлган ёзувчи турмушнинг, курашнинг асосий майлларини, ички қарама-қар-

⁷¹ Олимжон Ҳ. Уша асар. Уша том. 185-бет.

⁷² Олимжон Ҳ. Уша асар. Уша том. 186-бет.

шиликларини диалектик материализм нуқтан назаридан қараб тасвирлашдан ожиз қолади. Бинобарин, у социалистик реалист бўлолмайди.

«Социалистик реализм,— деб ёзадилар муаллифлар,—турмушни социализмнинг энгиш тенденцияси нуқтан назаридан қараб туриб, ҳаққоний равишда, тўла сабот билан ифодалаб берувчи, давримизнинг талабига бирдан-бир мос бўлган ҳақиқий санъат методидир. У, фақат угина ҳаётга қобил, турмушнинг чин юрагига, энг ингичка бурчакларига қадар кира биладир... Тарихнинг ҳозирги поғонасида у, ёлғизгина у кишиликни илгарига қараб сура оладир, угина кишиликни асоратдан, қулликдан қутқаришда фаол ёрдам кўрсата биладир... Чунки у кишиликни юксалишга қараб етаклашда бирдан-бир саботли, бирдан-бир прогрессив, бирдан-бир инқилобий мафкура бўлган марксизм мафкурасининг бадний ифодасидир»⁷³.

Мақоланинг якунланувчи қисмларида қайта-қайта таъкидланишича, социалистик реализм турмушни статик эмас, балки динамик равишда «қабул қила оладиган, ҳаракатнинг асосий кучи синфий кураш эканлигини» англаб етган, тақдирга тан бериб кетавериш кайфиятларидан бутунлай фориғ, ҳаётга актив таъсир ўтказа олувчи, курашчан санъаткорлар реализмидир.

Муаллифларнинг социалистик реализм санъатида ижод эркинлиги ҳақидаги фикрлари ҳам жуда муҳимдир. «Социалистик реализм ўтмиш асрнинг ҳодисалари, ҳозиргининг кескин курашларидан тортиб келгусининг эртанги кунга, ҳақиқатга айланадиган романтикаларига қадар, шўро воқелигидан тортиб капитализм дунёси, мустамлакалар ҳаётига қадар ўзига мавзу қилиб ола биладир»⁷⁴.

Ҳ. Олимжон ва Уйғун социалистик реализмнинг романтизм кўринишларига муносабатини ҳам Иттифоқ адабиётшунослари ичида биринчилардан бўлиб жуда тўғри ёритиб беролдилар. «Мағлуб синфларнинг бадбин, йиғлоқи, мистик романтизмга қарши пролетар синфининг қизил инқилобий романтизми мутлақо бошқа романтизмдир,— дейилади мақолада,— ...реакцион романтизм турмушга тескари таъсир кўрсатувчи метод бўлса, қизил инқилобий романтизм турмушга прогрессив, фаол таъсир ижро қилувчи социалистик методнинг таркибий қисмидир»⁷⁵.

⁷³ Олимжон Ҳ. Уша асар. Уша том. 188—189-бетлар.

⁷⁴ Олимжон Ҳ. Уша асар. Уша том. 190-бет.

⁷⁵ Олимжон Ҳ. Уша жойда.

Бутуниттифоқ Совет ёзувчиларининг Биринчи съезди якунларидан илҳомланиб, адабий танқидда назарий мақолалар билан чиққан яна бир йирик ёзувчи Ойбек бўлди. У шоир ва ёзувчиларимиз ижодининг революцион воқеликдан, социализм қурилишларидан, совет халқлари ҳаётидан асло узоқлашмаган ҳолда тараққий топишини, жанр, услуб ва тасвир воситалари, тил хусусиятлари жиҳатидан ранг-баранг бўлишлигини ҳамда метод бирлигини қизғин ҳимоя қилишга киришиб қатор мақолалар яратди.

Ойбекнинг муҳим мақолаларидан бири «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1933 йил 17 август сонидида эълон этилган. У «Сўнгги йилларда ўзбек поэзияси» деб аталади.

«Социалистик реализм,— деб ёзган эди Ойбек,— одамни, қаҳрамонни ижтимоий практикада, бутун муҳити доирасида, типик воқеаларда, индивидуал чизишлардан маҳрум қилмасдан, маълум коллектив ва табақани ифода қила била турғон йўсинда кўрсатади»⁷⁶.

Мақолада совет адабиётининг асосий пафоси — қаҳрамонлик экани тасдиқ этилади: «Давримиз қаҳрамонлик давридир. Социализм учун курашда одамларнинг маънавий борлиги қандай ўзгараётганини биламиз. Курашда тубанлардан юксалган янги одамларни бадий асарларда кўрсатиш бу кунги адабиётнинг улуғ вазифаларидандир»⁷⁷.

Ойбек айрим шоирларнинг формал изланишларига берилиб кетишнинг хатарли эканлигини таъкидлайди. Бир ёш шоирнинг:

Бу ўртоқ
Кетаётир,
Шундай қилиб,
Фабриканинг
Учқон кўмир
Учқунидай
яшин яратиб,
Бир зарбдор
ишчан бўлиб
Темир оқин
жўшқинидай,
шовқин таратиб... —

каби мисраларини юзаки, мазмунсизлиги учун қоралайди. Бундай мисралар одамни фақат ташқи томондан

⁷⁶ Ойбек. Сўнгги йилларда ўзбек поэзияси//Қизил Ўзбекистон. 1933. 17 август.

⁷⁷ Ўша жойда.

зарбдор қаҳрамон қилиб гавдалантирмоққа уриниш натижасидир. Уларда «янги турмуш қуриш учун курашда инсон шуурида вужудга келган ўзгаришларни кўрсатиш йўқ», — деб ёзади муаллиф.

Ойбек социалистик реализмнинг революцион романтизмга кенг йўл очишини ҳам мисоллар орқали тушунтира билади: «Инқилобнинг бутун азаматини, тарихда кўрилмаган қаҳрамонликларни яратувчи ишга миллионларча одамларнинг актив иштирокини, қурилиш, кураш, ғалаба нашъасини инқилобий романтизм синкретик образларда куйлаб бера олади».

Унинг фикрига кўра, инқилобий романтизм социализм ғоялари, коммунизм гулбоғларига етишиш орзулари билан чамбарчас боғланиб вужудга келиши учун ҳам социалистик реализм бағрига таркибий қисм бўлиб қўшилмоғи даркор.

Шунга алоҳида эътибор бермоқ лозимки, Ойбек тушунчасидаги «инқилобий романтизм» ўша даврларда А. М. Горький назарда тутган «революцион романтизм»нинг айнан ўзини англатмайди. Агар А. М. Горький уни социалистик реализмнинг бошқа бир номи, яъни «тахаллуси» деб тушунтирса, Ойбек унга ўзига хос мустақил бир метод сифатида ёндашади.

Чунончи, у ёзади: «Санъат асари учун мавзу истаганча: социализм қурилишидаги ҳар бир кичик воқеа, ҳар бир факт, ҳар бир ютуқ тўла бадий асар яратиш имкониятини беради. Социалистик реализм мана буни идрок қилиш, бадий формага солиш қуролидирки, ҳар бир шоир бунга катта диққат қилиши керак. Лекин бизнинг қаҳрамонлар билан тўла, жўшқин давримиз инқилобий романтизм учун ҳам катта материал бера билади... Шўро даврида инқилобий романтизмни ҳам кучайтириш лозим. Ўзбек шўро адабиётида инқилобий романтизм эндигина кўриниб келаётир». Ойбек фикрича, Уйғуннинг «Коммунизмнинг гулбоғларига», М. Шайхзоданинг «Ҳаёт дафтарида» сингари шеърлари инқилобий романтизм руҳи билан суғорилгандир. Ойбек «Социалистик реализм ва инқилобий романтизм байроғи остида шўро поэзиясининг янги варақларини очайлик» шиорини ўртага ташлайди.

Танқидда романтизм бобида 30-йиллар бошида бошланган фикр олишув шу ўн йиллик охирида Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси» китобида бундай яқунланади: «Романтизм ёзувчининг турмушдан қаноатланмаганидан келиб чиқади. Ёзувчи турмушда ўзи истаган идеалларни, орзу қилган ҳодисаларини ва кишиларини

тополмайди, турмушда бўлган, лекин ёзувчига (турлича сабабларга биноан) ёқмайдиган, ёзувчининг синфий интилишларига қарама-қарши тушадиган ҳодисаларни тасвирлашни хоҳламайди. Ёзувчи шундай киши ва ҳодисаларни тасвирлайдики, улар аслида турмушда йўқ, аммо ёзувчи уларнинг турмушда бўлишини истайди...»⁷⁸.

Муаллиф романтикларни икки гурӯҳга бўлади: «Романтикларнинг бир хиллари турмушга, ундаги кишиларга ва ҳодисаларга шу турмушдан кўра мукамалроқ, порлоқроқ бўлган бошқа турмушни, қаҳрамон шахсларни ва уларнинг порлоқ ишларини қарши қўядилар. Ҳаётни актив равишда қайта қуришга чақирадиган бундай романтизм — революцион романтизм деб аталади».

Иззат Султон томонидан баён этилган мазкур фикрлар романтизм ва романтикларга муносабат масаласига аниқлик киритади. Иззат Султон таърифларини бугунги фан нуқтаи назаридан мукамал деб ҳисоблаб бўлмайди, албатта. Уларнинг ижобий роли 30-йиллар танқидчилигига романтизм тушунчасини киритиш билан тайин этилади. Ўз таърифларининг нуқсонини сезиб бўлса керак, муаллиф қўшимча қилади: «Романтизм совет адабиёти ижодий методининг бир элементиدير...»⁷⁹, совет адабиётидаги романтизм воқеликдан қочадиган, ўқувчини турмушдан узоқлаштириб, пуч ҳаёллар дунёсига олиб кетадиган реакцион романтизм бўлмасдан, бизнинг келажакимизни, келажакдаги янада порлоқ ҳаётимизни тасвирловчи ва шу порлоқ келажак ҳаққи учун бугун актив курашга чақирувчи революцион романтизмдир»⁸⁰.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ИЛҚ ҚАДАМЛАРИ

30-йиллар маданий ҳаётининг муҳим ҳодисаларидан бири — Ўзбекистонда марксча-ленинча методологияга асосланган адабиётшуносликнинг туғилиши⁸¹ бўлди.

⁷⁸ Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент. 1939. 83-бет.

⁷⁹ Иззат Султон. Уша асар, 85-бет.

⁸⁰ Уша жойда.

⁸¹ Маълумки, «адабиётшунослик» термини фанда икки маънода ишлатилади. Кенг маънода ишлатилганда, «адабиётшунослик» термини умуман адабиёт ҳақидаги фан сифатида тушунилади ва бадий адабиёт ҳақидаги таълимотнинг уч асосий қисминини — адабий танқид, адабиёт назарияси ва адабиёт тарихини қамраб олади. Тор маънода «адабиётшунослик» (адабий танқид ва адабиёт назариясидан фарқли ўлароқ) «бадий адабиёт тарихи» демакдир. «Ўзбек адабий танқид тарихи очерки» китобида «адабиётшунослик» термини сўнгги, тор маънода ишлатилади.

Октябрь революциясидан аввалги ўзбек адабиётини ўрганиш 20-йилларда бошланган эди. Қадимий ўзбек адабиёти намуналарини эълон этиш, айрим ёзувчиларнинг ижодини ёритиш ёки адабиётнинг айрим жанрлари тараққиётига баҳо бериш борасида 20-йилларда Отажон Ҳошим, Сотти Ҳусайн, Олим Шарафиддинов, Абдурахмон Саъдийлар баъзи ишлар қилган бўлсалар ҳам, том маънодаги марксча-ленинча адабиётшунослик ҳали юзага келмаганди, чунки марксизм-ленинизм асосчиларининг назарий мероси ҳали адабиётчилар томонидан етарли ўрганилмаган эди. А. Фитрат каби кекса авлодга мансуб олимларнинг ўтмиш адабиётига оид асарлари (масалан, «Бедил» тадқиқоти) марксизм-ленинизмдан жуда узоқ назарий мавқеда ёзилган бўлиб, уларнинг қиммати ўтмиш адабиётининг фактик материалини фанга киритиш билан чекланар эди.

Ўзбекистонда адабиётшуносликнинг туғилиши умуман жаҳонда адабиёт ҳақидаги фан туғилишининг бир қонуниятини акс эттирди ва тасдиқлади: адабиётшунослик адабий танқиднинг ривожини натижасида майдонга келди. Ўзбекистонда ҳам илк адабий танқидчилар адабиётшуносликни бошлаб берувчилар бўлиб қолди. С. Ҳусайн ўзининг «Ўтган кунлар» романига бағишланган ва кўп жиҳатдан мунозарали катта танқидий ишида илк маротаба жаҳон адабиёти тарихининг баъзи муҳим томонларини (романтизм ва реализмнинг туғилиши, ривожини, Европа адабиётининг Шарқ адабиётига таъсири масалаларини) ёритган эди. 30-йилларда замонанинг актив адабий танқидчиси Олим Шарафиддиновнинг Алишер Навоийга бағишланган биринчи йирик тадқиқоти (Алишер Навоий. 1939) босилиб чиқди. Ҳомил Ёқубов совет адабиёти масалаларига диққатини камайтирмаган ҳолда ўзбек классик адабиётининг бир қанча кўзга кўринган вакиллари (Турди, Муқимий ва бошқалар) ҳақида мақола ва рисолалар ёзди.

Ўзбекистонда марксча-ленинча адабиётшуносликнинг туғилиши ва ривожиди Коммунистик партия МКнинг кўрсатмаларида ўтмишни ўрганишнинг аҳамияти катта эканига илм аҳлининг диққатини тортди. Халқларимизнинг Октябрь революциясидан аввалги ва кейинги тарихини ўрганиш янги, совет жамияти аъзоларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта роль ўйнаши, Совет жамияти ўтмиш маданиятидаги гуманизм, демократизм, халқчиллик анъаналарининг меросхўри ва ривожлантирувчиси бўлиши лозимлиги қайд этилди. Бу йўлдаги қадамлардан бири — СССР

халқлари адабиёти намояндалари (Пушкин, Руставели, Шевченко, Абай, Навоий ва бошқа буюк ёзувчилар)нинг юбилейларини ўтказиш ҳақидаги расмий қарорлар бўлди. Ўзбекистон партия матбуотида адабий меросни ўрганишга чақирувчи мақолалар пайдо бўлди.

К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларининг, шу жумладан, санъат ва адабиётга оид илмий мероснинг рус ва маҳаллий тилларда кенг эълон этилиши Ўзбекистонда адабиётшунослик илмининг марксизм-ленинизм методологияси билан қуrollанган ҳақиқий фанга айланишида ҳал этувчи роль ўйнади. Ёш ўзбек адабиётшунослиги учун марксизм-ленинизм таълимотининг ўтмиш маданиятига оид икки қондаси айниқса етакчи йўлланма бўлиб қолди. Булар — янги, совет жамиятининг ўзидан аввалги ҳамма жамиятлар томонидан яратилган маданий бойликнинг қонуний меросхўри экани ҳақидаги ва ҳар бир миллий ўтмиш маданиятида икки маданият — эксплуататорлар маданияти ва эзилган меҳнаткаш оммаси маданияти мавжудлиги ҳақидаги қондалар эди. Ёш ўзбек адабиётшунослиги ўтмиш адабиётида, эксплуататор синфлар идеологиясининг ҳукмронлигига қарамасдан, энг илғор ёзувчилар ижодида халқчиллик, гуманизм, демократизм, ҳурриятпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари ўзининг ёрқин ифодасини топганини кўра бошлади ва прогрессив адабиётнинг тарихда ўйнаган катта ижобий ролини ёритишга ўзининг асосий диққатини қаратди.

Бу йўлда қўйилган биринчи қадамлардан бири И. Султоннинг «Правда» газетасида босилган мақоласи бўлди⁸². Адабий меросни ўрганишга ёзувчилар (Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқалар) катта ҳисса қўшдилар.

30-йилларда ўзбек халқининг адабий меросини ўрганиш ишларининг қандай боргани ва якуни ҳақида аниқ тасаввур берувчи бир ҳужжат бор. Бу — «Қизил Ўзбекистон»да 1937 йил 26 апрель сонида эълон этилган бош мақоладир*. Газета бу «Адабий меросимизни ўрганайлик» сарлавҳали мақоласида ўзбек халқининг бой адабий ва маданий мероси борлигини кўрсатиб ўтгандан сўнг ёзади: «Ўтмиш маданий меросни, қисман

⁸² Будем изучать литературное наследие. Правда. 1937. 20 апрель.

* Бу мақола Иззат Султон қаламига мансубдир (Иззат Султон шу йилларда «Қизил Ўзбекистон» редакциясида санъат ва адабиёт бўлимининг мудир эди).

бадий адабиётни, адабиёт классикларини ўрганиш ва улардаги ҳамма мусбат томонлардан фойдаланиш Совет ҳукумати ва партиямиз томонидан совет адабиёти ва фани олдига жуда муҳим вазифа қилиб қўйилади. Ўзбек адабиётшунослигида бу вазифа ҳали бажарилмаётир (сўз бу вазифанинг қаноатланарли бажарилмаётгани устида боради — Т. Р.). Адабиётшунослигимиз тарихида ўтган икки зарарли оқим — аксилинқилобий миллатчилик ва вульгар социологизм бу вақтгача адабиётимиз тарихини тўғри ўрганишга ҳалал бериб келди». Газета бу зарарнинг нимадан иборат бўлганини ҳам тушунтиради: «Маълумки, халқ душманлари — миллатчилар қадимги давр адабиётини астойдил «ўрганишга» киришган эдилар... Улар Шарқнинг ва Ўзбекистоннинг ўтмишини кўкларга кўтариб, идеаллаштириш билан, Шарқни Ғарбга, Ўзбекистонни Қизил Москвага қарши қўймоқчи бўлдилар. Марксизмнинг Шарққа тўғри келмаслиги ҳақидаги «назария» ҳам шу даврда майдонга келди..

Адабиётшунослигимизда сўнгги йилларгача ҳукмрон бўлиб келган вульгар социологизм ҳам адабий меросимизни ўрганишга озмунча зарар етказмади. Ўзларини адабиётда синфийликнинг ягона баҳодир мудофачиси қилиб кўрсатган социологлар аслида халқимизни ўтмишнинг маданий меросидан маҳрум қилиш йўлига судрадилар. Бу «мактаб»нинг энг катта касалликларидан бири шу эдики, унда ҳеч қандай историзм йўқ эди, яъни ҳар ҳодиса ўз замонидаги тарихий шароитда қандай роль ўйнаганини эътиборга олмаслик ҳукмрон эди. Бундай қилганда, албатта, ўтмишдаги буюк ҳодисаларнинг ва шахсларнинг аҳамияти «йўқолиб кетар эди».

Адабиётшунослик мана шу ва бошқа жуда муҳим методологик масалаларни ёритиб берган бу редакцион мақола адабиётшунослик фанининг 30-йиллар охирига келиб янги, юқори босқичга кўтарила бошлаганини кўрсатиш билан бирга, бу фан соҳасида Ўзбекистонда бундан кейин эришиладиган ютуқларга ҳам асос бўлиб қолди.

30-йилларнинг катта ижобий ҳодисаларидан бири — совет даври адабиёти тарихининг яратила бошланиши бўлди. Ойбекнинг «Абдулла Қодирий ижоди» монографияси (1934) бу йўлдаги ilk ва муваффақиятли қадамлардан бири бўлди. Бу асарда совет адабиёти йирик намоянасининг ёзувчилик маҳорати батафсил очиб берилди. Афсуски, 20—30-йилларда адабий танқид со-

ҳасида анча ўрин олган вульгар социологизм руҳидаги хатолар бу китобда ҳам бир даража такрорланди. Аммо бу ҳол ўша даврнинг баъзи хусусиятлари билан изоҳланади ва Ойбек томонидан Абдулла Қодирийга ўша вақтда берилган баланд баҳонинг қимматини туширмайди⁸³.

30-йилларда ёш ўзбек адабиётшунослиги томонидан эришилган принципиал ютуқлардан бири «Ун беш йил ичида ўзбек адабиёти (1939)» асаридир. Бу асарни ҳам танқидчиликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг маҳсулоти сифатида тавсифлаш мумкин. Аммо унинг асосий хусусияти — совет даври адабиёти материални илк бор тарихий нуқтан назардан таҳлил этилганини эътиборга олиб, уни янги адабиётшунослик намунаси ҳисоблаш мумкин. Бу илмий тўпламга кирган мақолалар ичида О. Шарафиддинов ва С. Ҳусайннинг «Ўзбек адабиёти», Ҳ. Ёқубовнинг «Ўзбек совет поэзияси 15 йилда», Юсуф Султоновнинг «Ўзбек совет прозаси», С. Ҳусайннинг «Ўзбек совет драматургиямизга умумий бир қараш», Ш. Сулаймон ва Ғ. Каримовларнинг «Болалар адабиёти тўғрисида», М. Афзалов ва Б. Каримовларнинг «Ўзбек фольклори» номли чинакам тадқиқот ишлари мавжуд эди. Унда янги, ўзбек совет адабиётининг совет жамияти ҳаёти ва кураши билан алоқаси, принципиал янги адабиёт сифатидаги хусусиятлари тавсифланди, унинг асос солувчилари ва яратувчилари ижодининг тараққий ёлларни анча мукаммал очиб берилди.

30-йилларда адабиёт назариясига оид баъзи мақола ва китобларнинг пайдо бўлиши (И. Султоннинг «Адабиёт назарияси») Ўзбекистонда кенг маънодаги адабиётшунослик юзага келганини ва унинг учала асосий қисми (адабий танқид, адабиёт тарихи ва адабиёт назарияси) барабар ривожлана бошлаганини кўрсатади⁸⁴.

⁸³ Уш асарининг сўнгги нашрида Ойбек бу хато фикрларни ундан чиқариб ташлаган (Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Т. 19). Вульгар социологизм руҳидаги баъзи фикрлар 30-йилларда бошқа совет ёзувчилари асарларида ҳам (масалан, Ҳ. Олимжон, Ойдин ва Уйғуннинг «Ўзбек буржуа адабиёти» китоби, 1933) учраб эди.

⁸⁴ Ўзбекистонда совет даврида адабиётшунослик тарихини ёритиш ушбу китобнинг вазифасига қирмайди. Аммо адабиётшуносликнинг адабий танқид билан ёнма-ён тараққий этганини эътиборга олиб, бу китобда адабиётшуносликнинг асосий ютуқлари қайд этиб борилади.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

Ўзбек совет адабий танқиди тарихида 30-йиллар алоҳида ўрин тутди.

ҚПСС Марказий Комитетининг 1932 йил апрель қароридан кейин ва Совет ёзувчиларининг I Бутуниттифоқ съездида социализм қурилишига актив иштирок этишни ният этган ҳамма адабиётчиларнинг ташкилий ва ғоявий бирлиги юзага келди. Бу ҳол адабиёт ва адабий танқиднинг янги, аввал сира қўрилмаган босқичга кўтарилишида катта ижобий роль ўйнади.

Танқид соҳасига янги, ёш кучларнинг келиши — идеологик фронтдаги янги вазиятнинг биринчи ижобий самараси бўлди. Адабиёт соҳасида ишловчи кадрларнинг кучлари энди бир нуқтага — совет адабиётининг янги ижодий ютуқларини рўёбга келтиришга қаратилган эди.

Марксизм-ленинизм асосчилари асарларининг кенг эълон этилиши ва ҳар тарафлама ўрганилиши натижасида адабий танқиднинг мустақкам ғоявий-методологик заминини майдонга келди. Бунинг адабий танқид тарихининг бундан кейинги ҳамма босқичлари учун ҳам аҳамияти зўр эди.

Янги кучлар келиб қўшилган адабий танқид соҳасида ижодий активликнинг ўсгани, адабий-тарихий жараённинг кўп муҳим масалаларининг адабий танқидчиларнинг диққат марказида тургани — даврнинг характерли хусусияти эди. Афсуски, 30-йилларнинг охирида шахсга сиғиниш авж олгани натижасида бутун адабиётга маълум даражада путур етгани каби, танқид соҳасида ҳам ижодий активлик бир даража пасайди.

30-йиллар адабий танқидининг катта ютуғи 20-йилларда йўл қўйилган вульгар социологик характердаги кўпгина назарий хатолардан қутула боришдир.

Адабий танқиднинг диққат марказида янги, социалистик давр одамининг образини адабиётда яратиш масаласи турди. Адабий танқид адабиётнинг диққатини шу вазифага тортиш билан бирга, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликларга асосан тўғри баҳо бера билди. Адабий танқид адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги учун курашди.

Адабиётнинг санъат сифатидаги спецификасини чуқур илмий тушуниш ва адабий кадрларга тушунтириш — адабий танқиднинг бу даврдаги муҳим ютуқларидан биридир. Адабий танқидда ва назарияда илк бор адабиёт — характерлар яратиш соҳаси, ҳаётини ҳа-

қиқатни образлар орқали рўйрост инъикос этиш воситаси экани тасдиқ этилди.

Социалистик реализм ижодий методининг бир қанча муҳим аспекти (партиявийлик, халқчиллик, бадийлик, унда романтизм ва реализм синтезланиши каби масалалар) юзасидан кўпгина тўғри фикрлар олға сурилди.

Узоқ ва яқин ўтмишдаги адабий жараённинг бадий маҳсулотини марксизм-ленинизмнинг маданий мерос ҳақидаги таълимоти асосида ўрганиш соҳасида илқ ютуқларга эришув ҳам 30-йиллар учун характерлидир. Ўзбекистонда марксча-ленинча адабиётшунослик шакллана бошлаган эди⁸⁵.

⁸⁵ 30-йиллар танқидчилигининг бир қанча проблемалари Б. Назаровнинг «Ўзбек адабий танқидчилиги» (ғоявийлик, метод, қаҳрамон) асарида (Тошкент, 1979) батафсил ёритилган. Қизиққан ўртоқларга шу китобни тавсия қиламиз.

УЛУҒ БАТАН
УРУШИ ДАВРИ
ЎЗБЕК АДАБИЙ
ТАНҚИДИ
(1941—1945)

БАТАН МУДОФААСИ ВА АДАБИЁТ

1941—1945 йиллар СССР халқлари тарихига «Улуғ Ватан уруши даври» номи билан кирди.

«...модомики иш урушга бориб етган экан, ҳамма нарсa уруш манфаатларига бўйсундирилиши лозим, мамлакатнинг бутун ички ҳаёти урушга бўйсундирилиши лозим... бунда заррача иккиланишга йўл қўйиш мумкин эмас»¹,— деган эди В. И. Ленин.

Улуғ Ватан уруши даврида бутун мамлакат сингари Ўзбекистон ҳам мана шу ленинча принципга қатъий амал қилди.

Улуғ Ватан уруши фронтларида бутун совет халқи билан бир тан, бир жон бўлган Ўзбекистон фарзандлари ҳам қаҳрамонларча жанг қилдилар. Уруш йилларида Ўзбекистон бутун дунёга ўзининг интернационал ва инсонпарвар қиёфасини намойиш қилди: хавф остида қолган ерлардан кўчирилган 200 минг фарзандни ўз бағрига олди, уларни оқ ювиб, оқ таради. Республикага СССРнинг марказий районларидан эвакуация қилинган кўплаб саноат корхоналари бу ерда тез ишга тушириб юборилди.

Бу даврда Ўзбекистонда илмий, маданий ва адабий ҳаёт яна ҳам ривожланди. СССР ФАнинг тарих, жаҳон адабиёти, шарқшунослик институтлари ва бошқа бир қатор илмий-маданий марказларнинг эвакуация қилиниши бу жонланишга сабаб бўлди. Эвакуация этилган рус олимлари бу йилларда республикамиздаги фан ривожига, айниқса, филология ва шарқшунослик фанлари ривожига катта ҳисса қўшдилар. Ўрта Осиё Давлат университетининг филология ва шарқ факультетлари шу даврда очилди.

¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 41-том. 129-бет.

1943 йили Ўзбекистонда Фанлар академияси ташкил этилиши республикамиз сиёсий, илмий ва маданий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари, 1943 йили эвакуация қилинган 12 олий ўқув юртини қўшиб ҳисоблаганда, Ўзбекистонда жами 41 олий ўқув юрти бўлганини назарга олсак, республикамизда забардаст илмий ходимлар, олимлар, юқори малакали мутахассислар етишиб, камол топувига уруш йилларида асос солинди, деб хулоса чиқара оламиз.

Бу йилларда Ўзбекистонда маданий-оқартув ишлари ҳам сезиларли даражада ўсди. Ўзбекистонга кўчиб келган 14 театрни қўшиб ҳисоблаганда, республикамизда 36 театр, ерлик киностудиядан ташқари, эвакуация қилинган бир неча киностудиялар ишлади. Улар сафида совет кино ва театр санъатининг машҳур артистлари бор эди. 1944 йилнинг ўрталарида Қорақалпоғистон АССР Халқ Комиссарлари Совети қошида Тил, адабиёт ва тарих институти ташкил этилди.

Улуғ Ватан уруши бошланган биринчи кунларда ноқ совет ёзувчилари ватанпарвар, гражданин ва санъаткор сифатидаги принципаал позицияларини белгилаб олдилар. 1941 йил 22 июнда Москва ёзувчиларининг шаҳар меҳнаткашлари иштирокидаги митинги бўлиб ўтди. «Ҳар бир совет ёзувчиси ўзининг бутун кучини, бутун тажриба ва талантини, агар керак бўлса, сўнгги томчи қонини ҳам Ватан душманларига қарши бўлган муқаддас умумхалқ урушига сафарбар этишга тайёр»²,— дейилади қабул қилинган резолюцияда.

Улуғ Ватан уруши бошланган илк кунлардаёқ ўзбек адиблари ўзларининг юксак ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган қалб сўзларини эълон қилдилар. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 24 июнь сониди Ғ. Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шайхзода, И. Султон, Ҳ. Пўлат қаламига мансуб «Совет тупроғи дахлсиз ва муқаддасдир» номли мақола босилиб чиқди.

1941 йилнинг 20 августида «Литературная газета» «Адабиётчининг Ватан урушидаги ўрни» номли редакция мақола эълон қилди ва совет санъаткорларининг бу муқаддас йиллардаги вазифаларини белгилаб берди.

Улуғ Ватан урушида совет ёзувчилари қурол ва қалам билан қаҳрамонларча жанг қилдилар. С. Жўра, К. Имомов, П. Турсун, М. Бобоев, Н. Сафаров, З. Фатхуллин, И. Раҳим, А. Раҳмат, М. Муҳамедов,

² Литературная газета. 1941. 29 июня.

М. Исмоилий, Шухрат, А. Удалов, В. Костиря, И. Муслим, Назармат, Акбарий ва бошқа ўнлаб адиблар ҳаракатдаги армия сафида бўлдилар. Улар жангчи, журналист, бўлинмаларнинг сиёсий ходимлари сифатида шонли ғалабага ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Уруш даврида совет ёзувчилари барча жабҳаларда — қўлда қурол билан, қалам билан, мамлакат ичкарисида меҳнат вахтасидаги фидойилик билан, кези келганда, иқтисодий жиҳатдан шахсий жамғармаларини Ватан мудофаасига бериш билан жонбозлик кўрсатдилар. Бу — социалистик системадагина рўй бериши мумкин бўлган жонбозлик эди. Бундай ватанпарварлик ҳаракати бутун мамлакат миқёсида оммавий тус олди.

Уруш даврида ўзбек адабиёти, бутун совет адабиётидек, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, шу давргача бўлган тарихий тараққиёт йўлида ўзининг янги, юқори босқичига кўтарилди. Ўзбек адабиёти бу даврга келиб Иттифоқ миқёсига чиқа олди. Бу ишда ўзбек адибларининг асарларини рус тилига таржима қилган Н. Ивашев, С. Сомова, Салье, Л. Пеньковский, В. Державин, В. Липко, Н. Ушаков, В. Луговской ва бошқаларнинг хизмати катта бўлди. Уруш даврида замонавий мавзуга бағишланган йирик асар — Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романидан парчалар эълон қилинди. Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан», «Мен яхудий», «Соғиниш», Ҳ. Олимжоннинг «Россия», «Қўлинг қурол ол», «Роксананинг кўз ёшлари», Абдулла Қаҳҳорнинг «Хотинлар», «Асрор бобо», «Дардақдан чиққан қаҳрамон», «Олтин юлдуз», Ойбекнинг «Навой» асарлари, Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга», Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна», Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий», И. Султоновнинг «Бургутнинг парвози» сингари драмалари бу даврда саҳнага қўйилиб, фақат уруш даври ўзбек адабиёти эмас, умуман, ўзбек совет адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ойдиннинг бу даврда эълон қилинган «Қизларжон» ва «Ширин келди» номли тўпламларидаги ҳикояларда халқимизнинг мамлакат ичкарисидаги меҳнат жасоратлари тасвирланди. Ойбекнинг «Халқ — қаҳрамон», С. Аҳмаднинг «Фарҳод тоғининг этакларида», Ойдиннинг «Менинг қаҳрамоним», П. Турсуннинг «Оқ олтин» очеркларида даврнинг конкрет қаҳрамонлари қиёфаси акс эттирилди. Бу йилларда адабиётнинг халққа ни-

ҳоятда яқинлашиши, ёзувчи ва китобхон ўртасидаги масофа қисқаргани, бутун халқнинг жангчига, катта-кичикнинг бирдек меҳнат қаҳрамонига айланиши — давр адабиётининг характерли хусусияти даражасига кўтарилди.

Уруш даври очерклари, публицистикасидаги конкрет фактнинг, конкрет қаҳрамоннинг қиммати янада ошди, кўргазмали агитациянинг, плакатларнинг салмоғи, тарбиявий аҳамияти янада чуқурроқ аҳамият касб этди. Халқнинг ўзи билан ўзи юзма-юз учрашувида намоён бўлувчи ўткир ғоявий-бадий ва сиёсий таъсирчанлик драматик асарларга эҳтиёжни янада кучайтирди. Замонавий мавзудаги асарлар билан бир қаторда тарихий асарлар ҳам бу масалада катта роль ўйнади.

Айниқса, шеърий номалар, шеърий мактублар уруш даври ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутди. Масалан, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом ва Чустий қаламига мансуб ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига йўллаган шеърий мактуби 1942 йил 31 октябрда «Правда» газетасида рус ва ўзбек тилларида босилиб чиқди. Бундай йўналишдаги асарлар фронт ва мамлакат ичкарисининг, партия ва халқнинг монолит бирлигини бадий тараннум этиши жиҳатидан, миллионлар онгига фаол таъсир кўрсатиши жиҳатидан муҳим аҳамият касб этди.

АДАБИЙ ТАНҚИДДА ДАВР ВА ЯНГИ ҚАҲРАМОН ОБРАЗИ

Республика партия ташкилоти уруш йиллари адабиёт ва санъат ходимларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатди, адабиёт ва санъат масалаларига катта эътибор берди. 1941 йилнинг 28 ноябрида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида санъат ва театр ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Марказий Комитетда 1942 йилнинг 10 апрелида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиш шоир ва ёзувчиларимиз ижодини янада юксалтириш масалаларига қаратилди. Худди шу масала 40 кун ўтгач, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида яна махсус муҳокама қилинди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси, мамлакатдаги умумий сафарбарлик руҳи билан қўшилиб, адабиёт кадрларининг ижодий активлигини оширди. Адабий ҳаётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланувчи адабий танқидчилик ҳам бу умумий жараёндан мустасно эмас эди. Профессионал танқидчилар билан бир қаторда адабий танқид билан санъаткорларнинг ўзлари ҳам шуғулландилар. Уруш даври тақозоси билан матбуот-

да адабий танқид учун аввалгидан анча кам жой ажратилса ҳам, бу камчилик оғзаки муҳокамалар ва мунозаралар билан бир даража тўлдирилди.

Ўзбек танқидчилиги уруш йилларида бадий адабиётда ўзининг чуқур ифодасини топган халқлар дўстлиги масаласига алоҳида эътибор билан қаради.

Танқидчилик, хусусан, бу даврда урушдан аввалги босқич адабиётида кўринган советлар юртининг барча республикалари, унинг барча миллат ва элатлари дўстлигини умумий планда мадҳ этишдан фарқли ўлароқ, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида жанг майдони-ю фронт ичкарасида, ҳар қадамда, ҳар сонияда конкрет намоён бўлаётган, тарих кўрмаган, инсоният билмаган дўстликни бадий тасвирлашда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини англаб етди. Бутун куч-эътиборини мана шундай ҳаётий ҳодисалар ўз ифодасини топган асарларни яратишга чорлашга, борларини таҳлил қилишга, уларни халқ ичида кенг тарғиб ва ташвиқ этиб, бу дўстлик кучини янада мустаҳкамлаш ва оламга кўз-кўз қилишга, совет тузумининг қудратли асоси бўлган бу фазилатдан фашизмга қарши курашда том маънодаги қурол сифатида фойдаланишга қаратди.

Ҳ. Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари», «Шарққа кетганда», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга» сингари шеърларида ана шу буюк дўстлик ўзининг ёрқин бадий ифодасини топди. Бундай шеърларда баъзан шоирнинг «мен»и унинг ўзидан чиқиб, лирик қаҳрамон томон силжиди, ундан қайтиб, яна шоирнинг ўзига айланди. Шоир ижодининг бу хусусиятини танқид қўллаб-қувватлади. Ҳамид Олимжон «Украинанинг ёнган ҳар бир боғи учун, Белоруссиянинг емирилган қишлоғи учун дард чекди, она юрти хароб бўлгандек қайғурди. Шунинг учун шоир бутун ижоди, бутун фикри билан қардош халқларга кўмаклашиш учун интилди...»³, — деб ёзди Уйғун «Шодлик ва бахт куйчиси» (1944) номли мақоласида.

Уруш даври ўзбек танқидчилиги кўпроқ шу босқич адабий жараёнини тадқиқ этиш билан машғул бўлса-да, умуман, ҳар бир санъаткорнинг аввалги босқичлар билан мустаҳкам бирликда намоён бўлувчи маҳорати масаласини ўрганишни унутмади. Уйғуннинг юқоридаги мақоласи ана шулар сирасига киради. Уйғун мулоҳазаларидан шундай хулоса чиқариш мумкин: Ҳ. Олим-

³ Уйғун. Танланган асарлар. Икки томлик. II том. Тошкент. 1958. 369-бет.

жоннинг инсон ва ижодкор сифатидаги шахсида доимо уч муҳим фазилят ажралмас бирликда ҳукм суради. Булар: мавзуда ранг-баранглик — ҳаёлда кенглик — фикрда теранлик; ўтмиш — бугун — келажакни бир фокусга жамлай олиш; табиат — жамият — шахсни муштарак акс эттириш; англамоқ — сезмоқ — тасвирамас гармонияси; шоир — драматург — олим; жамоат арбоби — талантли раҳбар — меҳрибон инсон.

Чиндан ҳам, Ҳ. Олимжон мана шу фазилятлари билан ўзбек халқининг сўнмас юлдузларидан бири бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши йилларида давр ўта машаққатли бўлишига қарамай, мамлакат кун тартибида турган энг муҳим масала — фашизм устидан ғалаба қозониш эканига қарамай, совет кишилари инсон учун энг мўътабар бўлган бахт ва иқбол тушунчасини назар-эътиборларидан қочирганлари йўқ. Янада аниқроқ қилиб айтганда, бу мураккаб вазиятда бахт ва иқбол тушунчасининг каноралари янада кенгайди. Ўзбек шоирлари янги инсон ва бахт тушунчасини ўтмиш, бугун ва келажак билан алоқадорликда, кенг миқёсда тасвирлаш принциpigа мурожаат қилдилар. Бинобарин, танқидчиликда ҳам давр ва янги қаҳрамон тушунчаси аввалги даврларга нисбатан кенг миқёсда талқин қилина бошлади.

Уйғуннинг юқоридаги мақоласи ўзбек танқидчилигидаги бундай қарашларнинг ёрқин тимсоли бўла олади.

30-йилларда бадний асарлар таҳлил қилинар экан, бахт тушунчаси кўпроқ Ватан фаровонлиги, озод ва бахтиёр меҳнат, эркин муҳаббат сифатида талқин этилган бўлса, уруш даврига келиб булар ёнига Ватан озодлиги, фашизмни тор-мор қилиш, ғалаба иштиёқи, катта ва умумхалқ миқёсидаги висол, она бағрига музаффар қайтиш масалалари ҳам келиб қўшилди. Буларнинг барчаси давр қаҳрамони талқинида янгича сифат-белгиларни келтириб чиқарди.

Уйғун юқорида кўрсатилган мақолада Ҳ. Олимжоннинг деярли йигирма йил давомидаги асарларига назар ташлар экан, шоир услубидаги барча фазилятларни бир фокусда жамлаган ҳолда, унинг ижодида бўртиб кўринувчи хусусият — социализм даврида ўзбек халқи қўлга киритган бахт ва шодликни, шу бахт ва шодликка муяссар бўлган янги давр кишинини тараннум этишдан иборатдир, деган хулосага келади.

Бу — бир жиҳатдан тарихий ҳақиқат, иккинчи томондан эса давр талаб қилган муҳим замонавий масалага адабий танқидчиликнинг эътибор бериши эди. Уруш даврида бу масалаларга алоҳида ургу берилишининг сабаби бор эди, албатта. Бу — ўзига хос йўсинда халқни ўзининг ана шу бахтини англашга, уни асраш учун курашишга чорлашдан иборат эди.

Совет халқи, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам Улуғ Октябрь инқилоби туфайли тарихда мисли кўрилмаган бахт ва шодликка муяссар бўлди, мудҳиш фашизм халқни ана шу буюк иқболдан яна бенасиб қилмоқчи. Ўзбек танқидчилиги мана шундай вазиятда шоирларимиз томонидан мадҳ этилган бахт, бахтиёр Ватан, бахтли Инсон тушунчаларини янада кенг ва чуқур маънода таҳлил қилиб берди, санъаткорларимизни бу муқаддас тушунчани ўз бадиий асарларида янада тиракчилик тасвирлашга чорлади, халқни ўз муўтабар бахтини кўз қорачиғидек асрашга даъват этди.

Уйғун Ҳ. Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеърини таҳлил қилар экан, шеър талқинидаги бахтли водий — бу фақат булбуллар сайраган тенги йўқ гўзал водийгина эмас, озод ва фаровон Ватанга муҳаббат билан социализм тушунчалари бирикиб кетувидан ташкил топган идеал эканлигини таъкидлади. Гўзал Фарғонанинг бахтлар водийсига айланишини таъминлаган факторлар — водий ўз елкасида тарих билмаган ғалабаларни ортиб бораётганида, истиқболнинг ишқи билан ёнаётганлигида, томирлари кучга тўлиб бораётганидир.

Уруш даврида Ватан тушунчасининг ҳам маъноси кенгайди. Уйғун Ҳ. Олимжон шеърини, хусусан, ундаги:

Мен дунёга келган кунданок
Ватаним деб сени танидим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим,—

мисраларини таҳлил қилиб шундай дейди: «Шоир бу мисраларни ёзар экан, шубҳасиз, унинг назарида ёлғиз Ўзбекистонгина эмас, балки бахтлар ўлкаси бўлган улуғ СССР турар эди. Чунки у ҳеч қачон Ўзбекистонни СССРдан ажратиб қарамас эди. У Ватан сўзининг ичига бутун СССР мафҳумини жойлар эди»⁴. Бу фикрлар нафақат адабий-эстетик жиҳатдан, балки ўз даврида халққа таъсир кўрсатиши жиҳатидан ҳам муҳим замонавий аҳамиятга эга эди.

⁴ Уйғун. Ўша асар. Ўша том. 355-бет.

Уруш даврида янги қиёфадаги ватанпарвар образи барча совет шоирлари қатори ўзбек санъаткорлари, шу жумладан, Ҳ. Олимжон ижодида ҳам асосий ўрин эгаллади. Ватанпарварлик тушунчаси, ўз навбатида халқлар дўстлиги тушунчаси билан бирикиб кетади. Ўзбек танқидчилиги бадий асарларни, адабий жараёни таҳлил қилар экан, бу масалага алоҳида эътибор билан қаради. Уйғун юқоридаги мақоласида Ҳ. Олимжоннинг «Россия», «Москвани мен биламан» шеърларини таҳлил қилиб, бу асарлардаги шоирнинг ватанпарварлик туйғуси умумлашган даражадаги лирик қаҳрамон — халқ туйғуси даражасига кўтарилади, деган фикрга келади. Совет халқларининг ажралмас бирлиги тараннуми эса даврнинг «жанговар нидоси» бўлиб жаранглади, деган хулоса чиқаради. «...Бизга ҳозир қарсақлар билан олқишлангич шеърлар эмас, эшитганда муштумлар янада қаттиқроқ тугиладиган, йиғлагинг келадиган ёки тишларингни ғижирлатиб юборадиган шеърлар керак. Олқишлар эса топиладиган нарсасан. Мулойимлик ва хурсандчилик билан олқишланувчи шеърдан кўра ватандошингнинг ғамнокликдан яраланиб турган юрагига малҳам бўлувчи асарлар яратиш қийинроқдир»⁵, — деган эди А. Сурков 1942 йил 22 майда Москва ёзувчиларининг партия мажлисида.

А. Сурков бу фикр билан аслида бутун совет халқининг, совет санъаткорларининг дилидаги ғамни айтган эди. Уруш айрим санъаткорлар ижодий принципида ўзгариш ясади. Бу даврга келиб, масалан, ижобий қаҳрамон Абдулла Қаҳҳор ижодида етакчи образга айланди. Зотан, Уйғуннинг уруш даври Ҳ. Олимжон шеърийати ҳақида айтган қуйидаги мулоҳазалари А. Сурковнинг юқоридаги фикрларига ҳамоҳанг эди: «Уруш даврининг талабларига кўра шоирнинг мавзuları, товуши ўзгарди, — деган эди Уйғун. — Шоир ижодини ватан ҳимояси, халққа садоқат, душманга нафрат, ғазаб, мардлик ва жасорат, жанг ва ғалаба мотивлари қоплади. Севги қўшиқлари ғазаб наърасига айланди. Тинч табиат тасвирлари қонли жанг лавҳалари билан алмашинди. Бутун ижод социалистик ватанни ҳимоя қилиб, қонхўр ёвни юртдан ҳайдаб чиқиш ва тор-мор этишга қаратилди»⁶. Хусусан, Ҳ. Олимжон ижоди ҳақида айтилган бу фикр умуман уруш даври

⁵ Қаранг: Живая память поколений. М., 1965. С. 26.

⁶ Уйғун. Уша асар. Уша том. 365-бет.

Ўзбек адабиётининг барча тур ва жанрлари, барча ижодкорлари учун характерли хусусият ҳақида тасаввур бера олади.

Даврга монанд шоирларимизнинг бадий образлари системасида ҳам ўзгариш, янгиланиш вужудга келди. Масалан, бу даврда Она, Ота, Фарзанд, Жангчи, Ёр образларининг талқини янада бойиди. Уруш муҳаббат мавзуйини ҳам бойитди, даврга монанд янгиланди. Бу янгиланиш танқидчиликнинг назар-эътиборидан четда қолмади. Муҳаббат ватан озодлиги, ватан манфаати, унинг қисмати ва тақдири, келажаги ва идеаллари билан бирикиб кетди. Чунки муҳаббат тақдирини ҳам ғалаба, фақат ғалабагина ҳал қилиши ҳақиқат эди. Шунинг учунки, муҳаббат мавзуйи куйланганда унинг томирида аслида Ватан ва ғалабага ишонч руҳи гупуриб турди. Уйғун Ҳ. Олимжон шеърияти ҳақида гапириб: «У ҳатто, севги масаласига ҳам ватан манфаати нуқтаи назаридан қаради. У йигитлар, қизлар севгисининг қисмати ҳам ватан манфаатига боғлиқ эканини яхши англади»⁷,— деганида уруш даври ўзбек адабиётининггина эмас, умуман, совет адабиётининг новаторлик белгиларидан бирини мухтасар равишда ифодалаган эди.

Уруш шеъриятдаги бадий тасвир воситаларини бойитди, образлар системасини янгиледи. Чунинчи, 30-йиллар учун характерли бўлган трактор, гудок, вагранка, формула, фабрика ўрнини бу йилларда Ватан, фронт, ғалаба, висол, шинель образлари эгаллади. «Шинель шоир учун жанговарлик, жасурлик ва сергакликнинг тимсоли бўлиб қолди»⁸,— деганда Уйғун уруш даври шеъриятидаги янги инсоннинг — янги қаҳрамоннинг рамзини назарда тутган эди.

1943 йилнинг декабрида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Бу ҳодиса партия ва ҳукуратимизнинг миллий адабиётлар тараққиётига ғамхўрлигининг ажойиб намунаси бўлди.

Декада ўзбек танқидчилигида ҳам муносиб из қолдирди. Ҳ. Олимжон, Ойбек, И. Султоновларнинг «Ўзбек халқининг адабиёти», «Ўзбек адабиёти», «Катта имтиҳон»⁹ сингари мақолаларида, бир томондан, ўзбек

⁷ Уйғун. Ўша асар. Ўша том. 370-бет.

⁸ Уйғун. Ўша асар. Ўша том. 366-бет.

⁹ Бу йўналишда бошқа миллий халқлар танқидчилигида ҳам бир қатор мақолалар эълон қилинди. Қarang: Вургун С. Литература Азербайджана и Отечественная война//Литература и искусство. 1942. 28 марта; Тоқомбаев А. Киргизская литература

адабиётининг 25 йил ичида босиб ўтган йўлига қисқача якун ясалди, иккинчи томондан, ўзбек адабиётининг уруш давридаги аҳволи таҳлил қилиб берилди.

Шуниси характерлики, танқидчилик бу давр ўзбек шеъриятидаги юксак парвозни, унинг Иттифоқ миқёсидаги илгор поэзия билан бир сафда тура олиш даражасига кўтарилганини англаб етди. Масалан, И. Султонов декадада қатнашиб, ўзбек шеъриятининг пойтахтда катта олқишга сазовор бўлиши муносабати билан ёзилган «Қатта имтиҳон» (1943) мақоласида шундай деган эди: «...поэзиямиз бу даврда жиддий ютуқларга эришди; ўз тараққиётида бирданига бир неча поғона юқори кўтарилди (таъкид бизники — Б. Н.); фақат республикамиздагина эмас, балки ундан кўп узоқларда ҳам миллион-миллион ўқувчиларга манзур тушган асарлар яратди»¹⁰.

Муаллифнинг бу фикри асосли эдими? Фикр юритилаётган босқичда, яъни урушнинг дастлабки икки йилдаёқ ўзбек поэзияси бирданига бир неча босқичга кўтарила олди-ми?

Агар шеъриятимиз тарихига, хусусан, 1941—1943 йиллар маҳсулотига назар ташласак, бу давр асарларидаги ғоявий-бадий ва сиёсий-ижтимоий такомилни аввалги босқичлар билан қиёсласак, И. С. Султоновнинг уруш давридаёқ, адабий жараён билан изма-из бориб, янада тўғрироғи, унинг ичида туриб у ҳақда билдирган юқоридаги фикри ва дадил хулосаси одил ва тўғри эди, дея оламиз.

И. О. Султоновнинг бу фикрни айтишга чуқур асоси бор эди. Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан», «Мен яхудий», Ҳ. Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол», «Она ва ўғил», М. Шайхзоданинг «Жанг ва қўшиқ», «Кураш нечун», Уйғуннинг «Ғазаб ва муҳаббат», «Ватан жангчиларига», Миртемирнинг «Бу менинг Ватаним», Зулфиянинг «Уни Фарҳод дер эдилар», А. Умарийнинг «Қасамёд» сингари асарлари ва яна бошқа ўнлаб шеърлар, балладалар И. Султоновга юқоридаги хулосани чиқаришга тўла ҳуқуқ берар эди.

И. Султоновнинг «Қатта имтиҳон» мақоласида илгари сурилган бир қатор фикрлар шу даврда яратилган

в дни войны//Литература и искусство. 1944. 11 марта; Жгенти Б. Грузинская литература в Отечественной войне//Литература и искусство. 1942. 25 июля.

¹⁰ Султонов И. О. Пьесалар, мақолалар. Тошкент. 1959. 168-бет.

Ойбекнинг «Ўзбек адабиёти»¹¹ ва Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбек халқининг адабиёти»¹² каби мақолаларида кўтарилган масалаларга ҳамоҳангдир.

Хусусан, Ҳ. Олимжон уруш даври ўзбек адабиёти эпик қаҳрамонлар яратиш масаласида жиддий ютуқларни қўлга киритганини эътироф этади. И. Султонов ҳам бу ҳақда гапириб, тарихий ва эпик темаларни бадий тадқиқ этишда намоён бўлаётган ютуқларимиз умуман адабиётимиз ўз тараққиёти йўлида «муҳим этап»га ўтганлигини кўрсатади, дейди. Унинг фикрича, Ойбекнинг «Навой» романи, Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» (бу драма 1943 йилги декада кунларида Москва Давлат яҳудий театри томонидан намоёниш этилган эди), С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра» сингари драмалари тарихий жанр ва эпик мавзу ўзбек адабиётида чуқур ўзлаштирила бошланишини кўрсатади. Бу асарлар ёнига биз яна Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навой», Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна», Шайхзоданинг «Жалолиддин», Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий», И. Султоннинг «Бургутнинг парвози» драмаларини қўядиган бўлсак, тарихий жанр ва эпик мавзунини эгаллаш масаласида ўзбек адабиёти бу даврда уруш йилларигина эмас, умуман ўзбек совет адабиёти тарихий тараққиётида эътиборли ютуқларни қўлга келтирди, дея оламиз. Адабиётдаги бу силжишни танқид маъқуллади ва унга мадад берди.

Мазкур асарларнинг тарихий аҳамиятидан ташқари, замонавий қиммати ҳам бор эдики, И. Султонов бу нарсага алоҳида ургу беради. Уруш даври адабиётимизнинг айрим мумтоз намуналарида мавзу ва материал тарихдан олинаётган бўлса-да, дейди И. Султонов, улар аслида «Ҳозирги замон проблемаларига тарихдан жавоб»дир, яъни бу асарлар даставвал замонавий моҳияти ва замонавий аҳамияти билан қимматлидир. Улар шу кунги ҳаётимиз ва курашимизга кучли таъсир кўрсатадилар, фашизм устидан ғалабани тезлаштиришга кўмаклашадилар, «тарихий материаллар воситаси билан халқимизни тарбиялашга ёрдам беради»лар.

Шу тариқа И. Султонов «Катта имтиҳон» номли мўъжазгина мақоласида замонавийлик проблемасини кўтариб чиқади. И. Султонов мазкур масалада шунга яқин қарашларни илгари сурган Ойбек позициясида туради. Бу, хусусан, ҳозирги замон тематикасини иш-

¹¹ Қизил Ўзбекистон. 1943. 4 ноябрь.

¹² Литература и искусство. 1943. 11 декабрь.

лашга тааллуқли бўлган фикрлардир. Уруш даври ўзбек адабиётининг жиддий ютуқларини эътироф этиш билан бир қаторда И. Султонов ёзади: «Аммо Ватан уруши эпопеясининг моҳияти ва улугворлигини бадий воситаларда ифода этиб берадиган катта асарлар яратиш ҳали ўзбек адабиётининг қарзи ва тез бажарилиши лозим бўлган вазифаси бўлиб турибди. Бу вазифа, аслида, ҳозирги замонамизни, совет даврини адабиётимизда акс эттириш бобида олдимизда кўпдан бери турган умумвазифанинг энг муҳим қисмидир»¹³.

Шунга яқин бўлган фикрларни Ойбек ҳам ўзининг 1945 йилда ёзилган «Бугунги вазифалар»¹⁴, «Ўзбек совет адабиётининг тараққиёти ва галдаги вазифалари»¹⁵ номли мақолаларида алоҳида уқтириб ўтган эди.

«Катта имтиҳон» номли мақолада И. Султонов юқоридаги масалалардан ташқари, замонавийлик проблемаси билан мустаҳкам алоқадор бўлган яна бир масалани кўтариб чиқади. Бу — кўп миллатли совет халқлари дўстлигини, бу дўстликнинг тарихда ҳали шу вақтгача мисли кўрилмаган қудратини, яъни «совет тузумининг энг мустаҳкам маънавий тиргагини» бадий полотноларда акс эттириш масаласидир. Бу мавзунинг И. Султонов замонавий мавзулар ва замонавийлик масалалари ичидаги «энг нодир» ва «эҳтимолки... энг муҳим»и деб атайди.

Бу, аслида, давр ҳаётидаги муҳим тенденциялардан бирининг танқидчиликда кўтариб чиқилиши, ўзбек танқидчилигининг бу масалага конкрет муносабати эдики, у илмий моҳиятдан ташқари, катта амалий аҳамиятга эга эди.

И. Султон юқоридаги мақоласида уруш даври адабиётининг характерли фазилатларини ва келгусидаги вазифаларни кўрсатса, Ҳ. Олимжон «Ўзбек халқининг адабиёти» мақоласида шу адабиётнинг асосий хусусиятларидан ташқари, унинг аввалги босқичлардан фарқланиб турувчи ўзига хос белгиларини ҳам кўрсатиб берди. Бу давр ўзбек адабиёти ривожини аввалги босқичдан фарқли ўлароқ «эпик қаҳрамонлар образини яратиш»да намоён бўлмоқда, дер экан, Ҳ. Олимжон бундай фикрни илгари суришга тўла ҳақли эди. Чунки, «Бургутнинг парвози», «Ўлим босқинчиларга», «Маҳмуд Торобий», «Жалолиддин», «Ўзбекистон қиличи»

¹³ Султонов И. О. Уша асар. 168—169-бетлар.

¹⁴ Қизил Ўзбекистон. 1945. 26 август.

¹⁵ Қизил Ўзбекистон. 1945. 29 август.

сингари катта жанрдаги асарлардагина эмас, ҳатто «Мен яҳудий», «Сен етим эмассан», «Қўлингга қуро­л» сингари лирик асарлардаги эпик қалам, эпик миқёс ҳам ўзининг янги фазилатлари билан ажралиб турар эди. «Сен етим эмассан»даги ота-онасидан жудо бўл­ган гўдак образи нечоғлик лирика жанрининг чегара­лари доирасида тасвирланган бўлмасин, унинг тасвири­да масштаблилик, серкўламлилиқ, эпик тасвир эле­ментлари катта ўрин тутати. «Кузатиш»даги ота ва фарзанд образлари ҳам нечоғлик лирик шеър имко­ниятлари даражасида тасвирланган бўлмасинлар, улар ўз моҳиятига юкланган фалсафий юкнинг аҳамиятига кўра айни вақтда эпик қиммат касб этадилар. «Мен яҳудий» тасвиридаги лирик қаҳрамоннинг эпик кўлами эса ундан ҳам кенгроқдир. Бу асар лирик қаҳрамон­нинг дарди шу даврда ер куррасининг турли қисмида фашизм қабоҳатидан қирғинга дучор бўлаётган бегу­ноҳ кишилар дардининг бадний ифодасидир.

Шунинг учун ҳам уруш даври ўзбек адабиёти эпик қаҳрамон образини яратиш асосида ривожланиб бор­моқда, деганда, Ҳ. Олимжон давр адабиёти тарақ­қиётидаги муҳим тенденцияни илғаб олган эди. Агар юқоридаги асарлар ёнига «Навойи» ва «Қуёш қорай­мас» (шу йилларда яратила бошлаган)ни, «Жалолид­дин» ва «Бургутнинг парвози», «Дардақдан чиққан қаҳ­рамон» ва «Роксананинг кўз ёшлари»ни қўядиган, ўзбек халқи номидан жангчиларга йўлланган қатор шеърӣй ва насрий хатларни эътиборга оладиган бўл­сак, Ҳ. Олимжон чиқарган илмий хулосанинг теран ва чуқур бўлганига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Ана шу хусусиятлар ва бошқа бир қатор фазилатлар Ҳ. Олимжонни уруш даврида майдонга келган поэтик асарлар ўзбек шеъриятининг янги тараққиёт босқичига ўтганлигини кўрсатади, деган фикрни илгари суришга олиб келди.

Ҳ. Олимжон ўз танқидий мақолаларида «Сен етим эмассан» ва «Мен яҳудий» сингари шеърлар мисолида шоирнинг маҳорат қирраларини ҳам очишга эътибор беради. Юқоридаги шеърларда намоён бўлган маҳорат қирраларидан бирини Ҳ. Олимжон асар хулосасининг «фалсафий символ даражасига кўтарилувида» деб билади. Зеро, шеър хулосаларининг фалсафий символ даражасига кўтарилуви Ғ. Ғулом ижодининг 20—30-йиллар босқичи учун у қадар характерли эмас. Бу йил­лар Ғ. Ғулом шеърӣяти хулосаларида кўпроқ публи­цистик руҳ ва патетек пафос устуңлик қилади. Уруш

даври ижодиётида эса бу хусусиятлар ўрнини кўпроқ фалсафий символ эгаллайди ва сўнгги йилларда янада чуқурлашиб, умуман Ғ. Ғулом ижодининг характерли белгисига, услубининг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланади.

И. Султоновнинг «Қатта имтиҳон», Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбек халқининг адабиёти» номли мақолалари сингари декада муносабати билан ёзилган Ойбекнинг мўъжазгина «Ўзбек адабиёти» (1943) номли мақоласида ҳам шу давр адабий жараёнининг, айниқса, шеърининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Вужудга келган шароит, дейди Ойбек, ниҳотда ҳозиржавоблик ва фаолликни, фашизмни фош этувчи асарлар яратилишини талаб қилар эди. Натижада, фашизмга кучли нафрат билан йўғрилган кичик-кичик шеърлар майдонга кела бошлади. Улар жуда тезлик билан ёзилди. Мана шу оперативлик туфайли уларда баъзан чуқур лиризм ва психологизм етишмай қолади. Лекин бундан қатъи назар, улар «қизғин, самимий, ўткир, оратор нутқига яқин, таъсирли, агитацион асарлар»¹⁶ бўлдики, бу хусусиятлар мазкур давр учун ниҳоятда зарур эди.

Бу хусусиятлар уруш даври шеъринида доим бирдай, ўзгармас ҳолатда тургани йўқ. Ҳарбий мавзунини ўзлаштиришдаги маҳорат чуқурлаша боргани сари, фронтдаги вазият ўзгара боргани сари воқеликнинг таъсири натижаси ўлароқ, шеъринидаги бу хусусиятлар ҳам ўсиб, ўзгариб борди. Совет жангчиларининг мардона ғалабаларига монанд катта-катта қасидалар майдонга кела бошлади. Булар ўзбек адабиёти тарихида мавжуд бўлган қасидалардан тамоман фарқли ўлароқ, янгича характерга эга эди. Лекин бундай характердаги асарлар нечоғлик зарур ва жиддий аҳамиятга эга эканидан қатъи назар, адабий жараён фақат қасидалардангина иборат бўлиб қолиши мумкин эди, албатта. Жангчиларнинг қалбини, маънавий дунёсини, орзу-умид ва соғинчларини, нафрату муҳаббатларини, бу туйғуларнинг ижтимоий ва шахсий асосларини очиб берувчи лирикага талаб кучли эди. Ойбек кузатишича, ўзбек шеърини шу тариқа лирикада ҳам жиддий муваффақиятларни қўлга кирита бошлади. Натижада, лиризм билан ораторлик, агитацион руҳ билан психологизм, қасидачилик билан чуқур ўйчанлик бир-бирига сингишиб кетди ва халққа, унинг қалб шу-

¹⁶ Қизил Ўзбекистон. 1943. 4 ноябрь.

урига бирдан кучли таъсир кўрсата оладиган лирика намуналари майдонга келди.

Ҳ. Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол», «Йигитларни фронтга жўнатиш», «Россия», Шайхзоданинг «Берлин-да суд бўлгуси», «Қондошлик», Уйғунинг «Ленинград», «Очиловга», Ғ. Ғуломнинг «Қиш» ва бошқа шеърлари ана шундай характерга эга эди.

Давр адабиётдан оперативлики, ҳозиржавоблики кучли талаб қилишига қарамай, танқидчилик ёзувчи, шоирларга жиддий талаблар қўйишни унутгани йўқ.

1943 йилнинг 24 апрелида «Литература и искусство» (Москва) газетаси «Бадий танқид ҳақида» номли редакцион мақола эълон қилди. Мақолада бу даврдаги совет танқидчилигининг аҳволи кўнгилдагидек эмаслиги, дуч келган асарлар пала-партиш тақриз қилиниши, конкрет ва зарур проблемаларга бағишланган мақоалар ниҳоятда оз экани танқид остига олинди. Мақола, айни вақтда, танқидчиликда талабчанлик сусайиб бораётганини, камчилик ва етишмовчиликларни кечириш тенденцияси кўзга ташланаётганини таъкидлаб ўтди. Айрим матбуот органлари адабий-танқидий материалга менсимаслик позициясини тутиб, бу йўналишдаги мақола, тақриزلарни фақат «хўжа кўрсин» учунгина эълон қилишларини ҳам танқид қилди.

Бош мақолада айтилган фикрлар ўзбек танқидчилиги учун ҳам беиз ўтмади, албатта. Бу йиллар адабий жараёндаги камчиликларни принципиаллик билан кўрсатган мунаққидлардан бири Ойбек бўлди. Уруш давридаги адабий маҳсулот бизни сифат жиҳатидан ва, айниқса, проза жанрида миқдор жиҳатидан «унча қаноатлантирмайди», деб ёзди Ойбек «Ўзбек адабиёти» (1943) мақоласида. Хусусан, у фронт ичкарасидаги «мўъжизакор қаҳрамонлар ҳақида» кўнгилдагидек асарлар ниҳоятда оз эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, қаҳрамон жангчиларнинг «умумлаштирилган ёрқин образларини» яратиш галдаги муҳим вазифа эканлигини, бу йўналишда ҳали ютуқлар кўнгилдагидек эмаслигини алоҳида қайд этди.

Ойбек «Бугунги вазифалар» (1945) номли мақоласида уруш даври асарларидаги ҳаётий ҳақиқат масаласига алоҳида аҳамият берди. Фронт ҳаёти, жангчи сиймоси тасвирланган аксар асарларда ҳаётийлик етишмаслигини, юзакилик ҳукм сураётганини таъкидлади: «...Шоирнинг асарида землянка бор, блиндаж ва окоп бор, лекин фронт ҳаёти йўқ, жангчи бор, лекин жанг

йўқ, қаҳрамоннинг номи бор, лекин ўзи йўқ»¹⁷. Бу фронт ҳаётини чуқур билмаслик ва етарлича ўрганмаслик оқибатидир.

Уруш даври ўзбек шеърлятига фольклор асарларининг таъсири ҳар қачонгидан кучли бўлди. Бу таъсир ўзининг муносиб самараларини берганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ баъзан фольклорни ижодий ва танқидий эмас, тақлидий ўзлаштириш ҳоллари ҳам кўзга ташланадики, бу масалага Ойбек адабий жамоатчилик эътиборини тортган эди. Айрим шоирларимизнинг шеърларида совет жангилари афсонавий Алпомиш, Гурўгли, Авазхонларга тенглаштирилиб «уйдирма баҳодирларга» айлантирилади, дейди Ойбек. Натижада ҳолиб совет жангчисининг — шу давр техникаси билан қуролланган, давр билан нафас олаётган совет кишисининг қиёфаси сезилмай қолади. Бу эса асарнинг ҳаётий асосларини реалликдан узоқлаштиришга, ҳаётийликдан маҳрум қилишга олиб келади.

Юқоридаги икки масала: фронт ҳаёти ва жангчи образи тасвирланганда, ҳаққонийликни чуқур ўзлаштириш, бу борада реализмга алоҳида эътибор бериш ҳамда уруш қаҳрамонлари образи яратилганда фольклор анъаналарига меъёр билан ижодий ёндашув лозимлиги ҳақидаги Ойбек фикрлари кейинги босқич ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Танқидчилик бу давр бадиий асарларига уларнинг ҳаётга таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан эътибор беришга интилди. Баъзан бадиий асарнинг эстетик талқинида ўз даври танқидчилиги учун кашфиёт даражасидаги фикрларни илгари сурди. Мана бир мисол. «Жангчи Турсун» балладасининг қаҳрамони Турсун жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Ҳ. Олимжон бу ҳолатни қуйидагича тасвирлайди:

Эркаланиб ётади
У Ватан тупроғида,
Еш бола ётган каби
Онанинг қучоғида.

Ойбек ўзининг «Оташин ватанпарвар ва талантливый шоир» мақоласида Ҳ. Олимжоннинг бу асарига юқори баҳо берад экан, шоирнинг юқоридаги тўртлигида ўз ифодасини топган қаҳрамон ўлими ҳақида шундай хулоса чиқаради: «Шу ўлим ҳақиқатан гўзал». Қандай қилиб, ахир, ўлим ҳам гўзал бўладими? Ахир, ўлим

¹⁷ Қизил Ўзбекистон. 1945. 27 август.

одамзод учун энг даҳшатли, энг хунук ҳодиса эмасми? Ҳа, шундай, бироқ танқидчининг конкрет шу асар юзасидан чиқараётган фикри ҳам тўғри эканига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки, жангчи Турсуннинг ўлими оддий ўлим эмас, фидойиларча ўлим эди, у Ватан бахти учун, келажак авлодлар сарвати учун фидойилик қилди. Шунинг учун ҳам у, танқидчи айтганидек, гўзал ўлим эди.

Бу фикрлар муҳим замонавий аҳамиятга эга эди. У адабий-эстетик моҳият доирасидан чиқиб, ҳаётга, халққа, жангчиларга кўрсатажак таъсир кучи жиҳатидан ҳам қимматли эди. Бу — уруш даври танқидий фикрининг бевосита ҳаётга фаол таъсир кўрсатуvidан нишона эди. «Ҳозир, уруш у ёки бу шонр ижодига қандай таъсир кўрсатди, деган масала устида гаплашадиган вақт эмас. Ёзувчи ижоди жангчига қандай таъсир кўрсатаётганини аниқлаш кўп бор муҳимроқдир»¹⁸, — деган эди И. Эренбург.

Ойбек ҳам, И. Эренбург айтганидек, Ҳ. Олимжон асарларининг жангчиларга, халққа таъсир кўрсатуvчи фазилатларига эътибор бериш билан танқидчилиكنинг давр олдидаги муҳим миссияларидан бирини диққат марказида тутди.

Ойбек Ҳ. Олимжон асарларининг жангчиларга таъсир кўрсатуvчи фазилатига эътибор берса, Ҳ. Олимжоннинг ўзи бошқа шоирлар ижоди хусусида фикр юритганда, худди шу масаланинг бошқа бир қиррасига аҳамият беради. У Ватан учун жанг қилишни бахт деб тушунади. Ислом шоир, Уйғун, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Ҳасан Пўлат, Зулфияларнинг совет жангчиларига бағишланган асарларини «Ватан учун жанг қилиш бахти ҳақида ёзилган шеърлар»¹⁹, деб таърифлайди. Шу хусусиятига кўра, уларнинг шеърлари ўқувчини «зўр ҳаяжонга» солади. Аслида бундай шеърлар оддий шеър эмас, жангчи шеърлар эди, уларнинг муаллифлари ҳам оддийгина шоир эмас, жангчи-шоир эдилар. Ислом шоир Ҳамид Олимжонга шундай деган: «Уруш даврида жуда кўп қўшиқлар ёздим, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, ҳориш-чарчаш нималигини билмай ишлайман. Хаёлимда мен ҳам фронтга бориб, душманларни қираётганга ўхшайман». Кекса халқ бахшисининг бу юрак сўзлари остига уруш йиллари мамлакат

¹⁸ Литература и искусство. 1942. 3 февраля.

¹⁹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик. III том. 426-бет.

ичкарисида шараф билан меҳнат қилган ҳар бир совет шоири изҳори дил сингари имзо чека олади. Чунки бу сўзлар уруш йилларидаги беистисно ҳар бир совет санъаткорининг ҳам дилидаги гапни ифодалай олади.

Бу босқич ўзбек танқидчилиги давр ва қаҳрамон масаласига муносабатда шоирлар ижодида кўриниш берган услубий ўзгаришларни аниқлашга ҳам алоҳида аҳамият берди.

1945 йили Амин Умарийнинг «Танланган асарлар»-ига ёзган сўз бошисда Уйғун шундай дейди: «Шоирнинг майин қўшиғи жанговар чақирққа айланди»²⁰. Бу услубий янгилашни барча ўзбек шоирлари учун характерли бўлган хусусият эди. Ҳ. Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол», Ғ. Ғуломнинг «Мен яҳудий», Ойбекнинг «Ёвга ўлим», Уйғуннинг «Хайрлашув» ва булардан бошқа ўнлаб-юзлаб шеърларда даврнинг жанговар чақирғи асарнинг услубий тузилишини белгиледи. Бу услуб ҳатто интим, муҳаббат лирикасига ҳам кириб келди. «Фашистни қирмасам, муҳаббат ҳаром» деб ёзар экан, 30-йиллардаги айрим сиёсий-гражданлик лирикасида ҳам майин ифода услуби билан ажралиб турувчи А. Умарий бу даврга келиб ҳатто муҳаббат лирикасида ҳам жанговар услубга ўтганлигини кўрсатди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, уруш даври ўзбек танқидчилигида ёзувчи ва шоирларнинг ўзлари етакчи мунаққидлик вазифасини бажардилар. Бу йилларда Ҳ. Олимжон, Ойбек, Яшин, Шайхзода, Уйғун билан бир сафда Зафар Дийр, А. Умарий, Т. Фаттоҳ, Ҳ. Ғулом сингари иккинчи бўғин вакиллари ҳам адабий танқидчиликда фаол иштирок этдилар.

Бу даврда, айниқса, Ҳамид Ғуломнинг адабий-танқидий фаолияти сербарака бўлди. Ҳамид Ғулом шу йиллар «Қизил Ўзбекистон» газетасида эълон қилинган «Меҳр-вафо мисралари», «Жанг илҳомлари», «Шеърый мактублар», «Фронт поэзияси», «Жанг қўшиқлари» сингари мақола ва тақризларида жангчи шоирлар шеърларига обзор бериш, улардаги ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилишдек ўзбек танқидчилиги учун янги бўлган бир тенденциясини бошлаб бердики, у рус танқидчилигидаги мана шу йўналишдаги тенденцияга ҳамоҳанг эди. Шайхзоданинг «Биз Ўзбекистон ўғлонлари», «Хужумчиларнинг ҳужум ҳақидаги тароналари» сингари шу йўналишдаги мақолаларига ҳамнафаслик касб этган.

²⁰ Амин Умарий. Танланган асарлар. Тошкент. 1945. 15-бет.

Бу фаолияти билан Ҳ. Ғулом, бир тарафдан, ҳаракатдаги армияда бўлган ёш ҳаваскор шоирларнинг ватанпарварлик билан йўғрилган илҳомига мадад берди, иккинчи томондан, ўз сафдошларининг шеърлари танқидчиликда муносиб баҳо олаётганини кўрган ва ўқиган жангчиларни ғалабага янада илҳомлантирди. Булардан ташқари, Ҳ. Ғулом Уйғуннинг уруш даври шеърини таҳлил қилинган «Уйғун шеърлари» мақоласи, Яшиннинг «Офтобхон» драмасига, Шайхзоданинг «Жанг ва қўшиқ», З. Диёрнинг «Совға» тўпламларига ёзган тақризлари билан бу давр адабий жарёни таҳлил қилишда фаоллик кўрсатди. Жараёнга назар ташласак, А. Умарий ва З. Диёрнинг адабий-танқидий ижоди ҳам уруш йилларида худди мана шу даражада фаол бўлганини кўрамыз.

«...мамлакат ичкарисидан туриб қизил аскарларга кўрсатилган ҳар қандай ёрдам дарҳол Қизил Армияга куч-қувват беради, уларнинг руҳини кўтаради»²¹,— деган эди В. И. Ленин. Шунга ўхшаб, Улуғ Ватан уруши йилларида, жангчи-шоирларнинг шеърлари мамлакат ичкарисидаги адабий танқидчилик томонидан оперативлик билан ёритиб турилиши, В. И. Ленин айтганидек, шонли Қизил Армиянинг муайян ячейкаларида ғолиб кайфият уйғотишда, унинг ҳужумкор руҳини мустаҳкамлашда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эга бўлди. Яъни танқидчилик уруш даврида фақат профессионал ижодкорларгина эмас, фронтда жон олиб-жон бераётган, ҳаракатдаги армияда бўла туриб, шеъриятда машғ қилишни ҳам унутмаган айрим ҳаваскор шоирларнинг ва қаламлари шу йилларда чархлана бошлаган ёш шоирларнинг асарларига ҳам фаол муносабат билдириб, ўз ижтимоий функциясидаги муҳим ишни амалга оширди.

Танқидчилик фронтдан она Ўзбекистондаги газета редакцияларига келиб тушган шеърларни обзор тариқасида матбуот саҳифаларида ёритиш йўли билан ана шу вазифани бажарди. Бу — бошқа барча соҳаларда бўлгани каби фронт ва мамлакат ичкариси бирлигининг, ажралмас алоқадорлигининг адабиёт ва танқидчиликдаги кўриниши эди.

Уруш даврида жангчиларнинг қалб ҳарорати билан йўғрилган шеърларидан махсус тўпламлар тузилди. Бу тўпламларга сўз бошилар ёзилди ва уларда жангчи-

²¹ Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами. 41-том. 371-бет.

шоирларнинг шеърлари атрофлича таҳлил қилинди, бу асарларнинг давр шеъиятидаги ўрни баҳоланди.

Ана шундай тўпламлардан бири 1943 йилда нашр этилган «Жангчиларнинг шеърлари» номли мажмуадир. Шонли Қизил Армиянинг 25 йиллигига бағишланган бу тўпламга кичик лейтенант Аҳмад Бобонозов, лейтенант Неъмат Тошпўлат, лейтенант Аширмат Назар, Комил Қулжонов, Назармат, Т. Эрназар, старший сержант Ёнгин Мирзо, Маҳмуджон Юсуф, С. Акбарий, Акрам Қодирий, лейтенант Жалил Қодирий, Ниёз Акрам ва бошқаларнинг шеърлари киритилган.

Тўпламга илова қилинган Уйғуннинг «Қилич ва қалам билан» номли сўз бошисида юқоридаги шоирларнинг асарлари таҳлил қилинади. «Буларнинг бир қўлида қалам, бир қўлида қурол,— деб ёзади Уйғун,— Булар ҳам сўз билан, ҳам қурол билан ёвни урган шоирлар. Қурол шеърга куч, шеър қуролга кескинлик бағишлайди. Қурол билан шеър бу шоирларда ғоят яқин бир муносабат пайдо қилади. Бу тўпламга шеъри кирган шоирлар халқига, ота-онасига, ёрига хитобан «хайр, жангга кетдим» дер экан, ёвни тор-мор келтириш, юртдақ ҳайдаб чиқариш учун онт ичдим, ё душманни қиличимдан ўтказдим, дер экан, биз бунга ишонамиз, чунки бу сўзлар шеърий тасаввур эмас, балки реал тушунчаларнинг ифодасидир. Чунки буларнинг жангга кетганлари рост, ашаддий ёвни тор-мор қилишда иштирок этмоқда бўлганлари ҳақиқат, уларнинг онти чин онт... Шу учун ҳам бу шеърлар алоҳида самимият ва алоҳида куч билан жаранглайди»²².

Тўпламдаги шеърларнинг мотивлари бу давр умумсовет адабиётининг магистрал йўналишига ҳамоҳанг бўлиб, улар ичида Ватан образи алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, тўпламда Ватан мавзусига бағишланган шеърлар ҳам асосий ўринни ишғол қилади. Неъмат Тошпўлатнинг «Ватан», А. Бобожоннинг «Ватанга рапорт», Назарматнинг «Ватан ишқи», М. Юсуфнинг «Ватан шеърлари», С. Акбарийнинг «Ватан» асарида ҳар бир қалбдан ўтган тасаввур орқали она диёр тушунчасининг турли қирралари тараннум этилса-да, уларнинг барчаси яхлит ҳолда Советлар мамлакатининг муҳташам образини гавдалантиради.

Уйғун тўпламдаги Ватан ҳақидаги шеърларни таҳлил қилиб қуйидагича хулоса чиқаради: «Бу шоирлар Ватанни конкрет ҳис этадилар. Буларнинг тушунчасида

²² Жангчиларнинг шеърлари. Тошкент. 1943. 3—4-бетлар.

Ватан ўзлари туғилган, ўзлари ўйнаб ўсган уйдан, маҳалладан бошланади ва бутун советлар тупроғини ўз ичига олади. Буларнинг тушунчасида уларнинг Ватани фақат Ўзбекистонгига эмас, балки Совет ўлкасидир»²³. Бу сўзлар урушдан анча кейин яратилган «Қилич ва қалқон» фильмидаги машҳур қўшиқ сўзларига нақадар яқин эканлиги билан бизни ҳаяжонга солади.

Уйғуннинг «Қилич ва қалам билан» номли мақола-си уруш даври танқидчилиги учун энг характерли хусусият — кучли публицистик руҳ билан ажралиб туради. «Босқинчи устидан ғалаба қозонишимизга бўлган ишонч шеъримизнинг энг шарафли мавзуларидан бири бўлиб қолди. Бу китоб ҳам ғалабага бўлган ишончимиздан сўзлайди»²⁴, — дер экан, Уйғун халқ қалбидаги ғалабага бўлган ишончни янада мустаҳкамлайди. Бунинг учун бутун мақола давомида кучли публицистик патетикадан фойдаланади. Мақоладаги ғалаба, Ватан, фашизмиңи фош этиш ҳақидаги умумий фикрлар бир қараганда тўпламнинг сўз бошиси учун зарур эмасдек, улар асарлар таҳлилига алоқадор эмасдек туюлади, лекин аслида бу мулоҳазалар жуда зарур ва керак эди. Чунки бу фикрлар шу тўпламдаги асарларнинг ғоявий-бадний руҳи ва уларни ўқияжак халқ қалбига уйғун эди. Асосий мақсад халқ қалбидаги ғалабага бўлган ишончни мустаҳкамлаш экан, Уйғун ҳам мақоланинг руҳини даврнинг ана шу умумий руҳига бўйсундиради. «Бу қўшиқлар жангчиларимизнинг кучига куч, ишончига ишонч қўшади. Бу қўшиқлар қаҳрамонларни жангга отлантиради. Бу қўшиқлар жангчиларимиз билан бирга душманга қарши қадам ташлайди. Бу қўшиқлар окопларга, блиндажларга кириб борар эди (фронтга мамлакат ичкарисидан чиққан газета ва кичик шеърый китоблар юбориб турилган). Бундай мақолаларнинг адабий-эстетик аҳамиятидан ташқари, практик аҳамияти ва қиммати шунда»²⁵, — деб хулоса чиқаради Уйғун.

Шеърлар билан бир қаторда улар ҳақида фикр айтилаётган мазкур адабий-танқидий қарашлар ҳам мамлакат ичкарисидagi китобхонлар қалбидан жой олишдан, адабий жараёнга муайян таъсир ўтказувдан ташқари, фронтга, окопларга, блиндажларга кириб борар эди (фронтга мамлакат ичкарисидан чиққан газета ва кичик шеърый китоблар юбориб турилган). Бундай мақолаларнинг адабий-эстетик аҳамиятидан ташқари, практик аҳамияти ва қиммати шунда эди.

²³ Уша асар. 5—6-бетлар.

²⁴ Уша асар. 9-бет.

²⁵ Уша асар. 12-бет.

Бу давр адабиёти ва санъати билан бир қаторда адабий танқид зиммасида ҳар даврдагидек, бадний-эстетик, айни вақтда, масъул ижтимоий-сиёсий вазифалар туриши ҳам шубҳасиз эди.

1942 йилнинг 26 августида Москвада бўлиб ўтган СССР Ёзувчилар союзидаги кенгаш худди шу масалага бағишланди. Унда уруш давридаги адабий танқид вазифалари муҳокама қилинди. Кенгашда сўзга чиққан А. Фадеев, Г. Лебедев-Полянский, В. Перцов, Г. Федосеев, Н. Гусев ва бошқалар адабий танқид сифати учун астойдил кураш олиб бориш кераклиги, у фашизм устидан қозонилажак ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин ва лозимлиги ҳақида гапирдилар.

Демак, бадний асарларда давр ва замон руҳи чуқур акс этиши учун кураш олиб бориши билан, янада аниқроқ айтганда, замонавийлик учун курашиши билан танқидчилик ўзининг асосий ижтимоий функциясини бажариши зарур эди. Тарихий жанр ва мавзудаги асарларнинг қиммати ҳам, энг аввало, уларнинг замонавий аҳамиятида, шу куннинг вазифаларига, ғалабага бўйсундирилишида эди.

Уруш даври ўзбек адабиётида халқчиллик руҳи аввалги йилларга нисбатан янада мустаҳкамлашган ва янада чуқурлашган бир босқич бўлди.

Ҳ. Олимжон «Правда Востока» газетасининг 1942 йил 30 август сонидида эълон қилган мақоласида уруш даври ўзбек шеъриятида камол топган тенденциялардан бирини халқчилликнинг чуқурлашувидир, деб белгилайди²⁶. Унинг фикрича, халқчиллик бадний асарнинг ғояси, мундарижаси, қаҳрамон характеридагина эмас, буткул ғоявий-бадний структурасининг барча компонентларида ўз ифодасини топади. Чунончи, кўтаринки қаҳрамонлик ва майин лиризмнинг чирмашиб кетуви бу давр ўзбек шеърятининг етакчи белгиларидан бири бўлиб, у халқ қалбини ифодалашдаги энг қулай усуллардан биридир ва, бинобарин, ҳозирги вазиятда асар халқчиллигини таъминловчи зарур компонентлардир. Лекин бу фазилатлар ўзбек шеъриятида дабдурустдан пайдо бўлган янгилик эмас, у ўзининг узоқ ўтмишига, илғор анъаналарига эгадир. «Қаҳрамонлик пафоси лиризм билан муштарак равишда ўзбек шеърятининг барча давлари

²⁶ Алимджан Х. Искусство Узбекистана зовет к победе// Правда Востока. 1942. 30 августа.

учун бош хусусият бўлиб келган»,— дейди муаллиф. Мана шу қаҳрамонлик ва лирик асосларнинг чирмашиб кетувидан туғилувчи хусусият ўзбек шоирларининг уруш давридаги етук асарларида замонавийлик масаласини муваффақиятли ҳал этишларида асосий омил бўлди. Мана шу фазилатлар Ҳ. Олимжонни Ислом шоирнинг «Жангнома», «Қаҳрамоннома» ва «Страна боевая» тўпламларига кирган термаларини, Ғ. Ғуломнинг «Сен етим эмассан» ва «Мен яҳудий»сини, Шайхзоданинг тўпчи Муҳаммадга бағишлаган шеърини, А. Умарийнинг Тихвин замини ва бўлбуллари мадҳ этилган шеърларини («Булбул» ва «Ёр» назарда тутилади), Т. Фаттоҳнинг жасур чавандоз Аҳмад Далиев ҳақидаги шеърини чуқур халқчил асарлардир, деб хулоса чиқаришга олиб келади.

Ҳ. Олимжон бу давр ўзбек шеъриятидаги ютуқ ва муваффақиятларни эътироф этиш билан бир қаторда, фақат давр эмас, тарих синовига дош бера оладиган асарлар яратишга чақириш лозимлигини унутмади. Шу маънода, ўз ҳамкасб дўстлари олдида катта-катта талаблар қўйди.

Инқилобдан сўнг камол топган янги ўзбек кишиси қиёфасининг бутун бўй-басти ва салобати билан чуқур ва атрофлича кўрсатиб берилишини у биринчи даражали вазифа, деб тушунди. Бу масалада ўзбек адабиёти ҳали жуда кўп ишлар қилиши лозимлигини айтди. «Ҳозирча ўзбек адабиётида янги инсон қиёфасининг айрим қирраларигина ўз ифодасини топди,— деб ёзади у мақолаларидан бирида.— Социалистик мамлакат кишининг умумлаштирилган қиёфаси ҳанузгача етарлича чуқур яратилгани йўқ»²⁷.

Ҳ. Олимжон одил, ҳақгўй ва талабчан мунаққид эди. У замонавий мавзудаги драмаларга бу давр ниҳоятда ташна эканлигини эътироф этса-да, майдонга келган ана шундай асарларни улардаги мавзуларнинг замонавий бўлганлиги учунгина ижобий баҳолашга, юқори қиймат беришга шошилмайди. Ғоявий-бадий мезон унинг талабларида доим бир бутунлиқни ташкил қилади. Унинг «Даврон ота» ва «Ўзбекистон қиличи» драмаларида шошилинчлик муҳри ўз изини қолдирган, дейишининг ҳам боиси шундадир.

Адабий танқидчилик бу даврда яратилаётган асарларнинг интернационал моҳиятига алоҳида эътибор

²⁷ Алимджан Х. Четверть века узбекской советской литературы//Правда Востока. 1942. 27 декабря.

билан қаради. Зеро, бу масалага эътибор — адабиётнинг замонавийлиги проблемасига аҳамият беришнинг муҳим шартларидан бири эди. Танқидчилик Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Шайхзода ва бошқаларнинг шу йилларда босилиб чиққан шеърларини, тўпламларини таҳлил қилар экан, уларда давр ҳаёти, интернационал пафос қай даражада ўз ифодасини топгани масаласини ҳам доимо диққат марказида тутди.

Уруш даври ўзбек адабиётидаги интернационал пафос, интернационал руҳ фақат ижтимоий асоснинг ифодасигина эмас, аynи вақтда, у билан узвий боғланишда бўлган шахсий ва маънавий асоснинг ҳам намоён бўлиши эди. Шу маънода бадиий асарларда акс эттирилган ижтимоий го я интернационаллиги билан қаҳрамон маънавий дунёсидаги интернационалликка алоҳида эътибор берилиши, бу аслида, давр адабиётидаги бир етакчи масаланинг икки муҳим қиррасига аҳамият берилиши демакдир.

Ойбек бу йилларда совет кишиси, совет жангчисининг маънавий дунёсини тасвирлаш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Унинг «Совет одамининг маънавий дунёси го ят кучли ўсди ва ривожланди. У энди ҳаётга, дўстликка, ишқ, муҳаббатга, меҳнатга ва ҳоказога бошқача қарайди — унинг фикрлари, туйғулари жуда гўзал ва инсонийдир»²⁸, — деган фикри Алексей Толстойнинг фикрига ҳамоҳанг эди. А. Толстой ёзади: «Бу урушда ғалабани омад, тасодиф ва саркарда талантигина таъминламайди; мотори кўп ва халқининг иродаси, маънавий дунёси мустаҳкам бўлган томонгина ғолиб чиқади. Маънавийлик мезонлари бу урушда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади»²⁹.

Демак, кўринадики, Ойбек ўз мақоласида маънавийлик проблемасига алоҳида урғу бериш билан уруш даври нафақат ўзбек адабиёти, балки умуман, кўп миллатли совет адабиёти учун ҳам муҳим ва зарур бўлган масалалардан бирини кўтариб чиқди.

Зеро, бу даврда ўзбек халқининг бой маънавий дунёсини кўрсатувчи ажойиб асарлар майдонга келган эди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Қампирлар сим қоқди», «Асрор бобо», «Хотинлар» ҳикояларида, Ғ. Ғуломнинг «Кузатиш» ва Ойбекнинг «Ойша хола» шеърларида, Ҳ. Олимжоннинг «Роксананинг кўз ёшлари» ва Шайхзо-

²⁸ Қизил Ўзбекистон. 1945. 27 август.

²⁹ Толстой А. Четверть века советской литературы. М., 1943. С. 3.

данинг «Оқсоқол» балладаларида халқ қалби ва маънавий дунёси, унинг конкрет қаҳрамонлари руҳий олами ўз ифодасини топди.

* * *

Уруш даврида адабиётнинг барча тур ва жанрлари қатори, айниқса, халқнинг ўзини-ўзи билан юзма-юз учраштирадиган драматургия жанрларига эҳтиёж кучайди.

Бу йиллар матбуоти хабарларига кўра, биргина 1941 йилнинг июнь — июль ойларида ўзбекистонлик адиб ва драматургларнинг мудофаа мавзундаги 30 дан ортиқ бир ва икки пардали пьесалари майдонга келди.

Тўғри, уларнинг барчаси адабиёт тарихида қоларли даражада муваффақиятли эмас эди. Давр барча жабҳаларда ҳозиржавобликни, жанговарлик ва шиддатни талаб қилар, бинобарин, адабий асарлар ҳам ниҳоятда тезлик билан яратилар эди. Шунга кўра, уларнинг бадний қувватида талай етишмовчиликлар бўлиши ҳам табиий ҳол эди. Бироқ, бундан қатъи назар, улар ўз даври учун тарбиявий жиҳатдан муайян қимматга эга эдилар. Уруш даври адабий жараёни ва бадний асарлари ҳақида фикр юритганда мана шу хусусиятни эътиборда тутиш лозим бўлади.

Урушнинг дастлабки 2—3 ҳафтаси ичидаёқ С. Абдулла ва Чустийнинг «Жасур оила», Туйғуннинг «Ватан кизи», Юрий Арбат ва Николай Звёздиннинг «Душманинг парашютчи-диверсантларига қарши кураш», Михаил Яновскийнинг «Хўжумнинг биринчи кuni» сингари бир ва икки пардали кичик пьесалари яратилди, ижодий коллективларда ўқиб муҳокама қилинди, республиканинг турли театрларида саҳналаштириш, учун тавсия этилди.

Урушнинг дастлабки 2—3 ҳафтаси ичида республикадаги ўзбек ва рус композиторлари мудофаа мавзунига оид 30 дан ортиқ шеър ва қўшиққа куй басталдилар. Оқшом басталанган бу қўшиқлар эрта тонгдан радио тўлқинлари орқали халқ ичига кириб борар эди.

Йигирмадан ортиқ шеър ва қўшиқни ўз ичига олган «Улим ёвга» номли тўплам 1941 йил июлининг бошида 5 минг нусхада босилиб чиқди. 10 кун ичида Тошкент киностудиясининг мудофаа мавзундаги биринчи маҳсулоти экран юзини кўрди. Бу — Наби Ғаниев ва Е. В. Брюнчугин режиссёрлигидаги Мирзакалон Исмоилий ва Е. И. Смирнова сценарийси асосида қўйилган

«Биз енгамиз» номли қисқа метражли бадий фильм эди.

Энг асосийси — танқидчилик адабий жараёндаги бу фаолликни, жанговарликни унинг ўзига монанд ҳозиржавоблик билан ёритиб борди. Чунончи, Зафар Дийрнинг «Ижодчилар амалий ишда» («Қизил Ўзбекистон», 1941 йил 13 июль) номли мақоласида Ўзбекистон адибларининг уруш бошланганидан сўнгги дастлабки уч ҳафта ичидаги фаолиятлари ёритилди. Қ. Пўлатовнинг «Биз енгамиз» («Қизил Ўзбекистон», 1941 йил 6 август) тақризида юқоридаги қисқа метражли бадий фильм ҳозиржавоблик билан таҳлил қилинди. Муаллиф бу тақризида: «фильм бошидан охиригача ўзбек халқининг ғалабага ишонганлигини, Гитлер газандалари ўзлари қазиган гўрга кўмилажагини, халқимиздаги руҳий кўтаринкиликни (таъкид бизники — Б. Н.) ифодалайди», — деб ёзади. Ўзбек санъатининг бутун уруш давомида юз кўрсатажак фазилати урушнинг дастлабки кунларидаёқ аниқ ва конкрет ифодасини топган бу фикрда халқимиздаги руҳий кўтаринкилик, оптимизмга алоҳида урғу берилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир. Халқимиз бошига тушган бу оғир кунларда руҳий тетиклик, руҳий кўтаринкилик масаласи биринчи даражали масала эди. Тақризи фильмдаги ана шу асосий фазилатни илгаб олади ва унга юқори баҳо беради, бу фазилатни тарғиб ва ташвиқ қилади. Бу иши билан танқидчилик халқимиз руҳий кўтаринкилигини мустаҳкамлаш ва камол топтиришга ҳисса қўшишга бел боғлаганини урушнинг илк кунларидаёқ кўрсатди.

Уруш йилларида партия ва ҳукуматимиз драматургия ривожига, бу жанрдаги асарлар қиммати ва аҳамиятига, таъсир кучига алоҳида эътибор билан қаради.

1942 йилнинг 14 феввалида «Правда» газетасида «Искусство на службу Красной Армии» номли мақола эълон қилинди. Унда, хусусан, совет драматурглари халқ ва Қизил Армия талабларига жавоб бера оладиган асарлар яратишга даъват этилди. Совет жангчиларини жасоратларга ундовчи пьесалар яратиш давр адабиёти олдидаги муҳим вазифа эканлиги таъкидланди.

Тўғри, урушнинг дастлабки йилида жангчиларимиз жасорати ва ғалаба мавзусига бағишланган бир қатор драматик асарлар пайдо бўлган эди. 1941 йилнинг сентябрида Собир Абдулла ва Чустийнинг «Қурбон Умаров» номли музыкали драмаси сахналаштирилди. Шу йилнинг ноябрида К. Яшин, С. Абдулланинг Чустий либреттоси асосидаги «Даврон ота» номли музыкали

драмаси А. Навоий номли театрда сахна юзини кўрди. 1942 йил январиди Н. Погодин, С. Абдулла, Уйғун, Ҳ. Олимжон ҳамкорлигида ёзилган «Ўзбекистон қиличи» музикали драмасидан парчалар эълон қилина бошлади.

1942 йилнинг январиди А. Навоий театрида Ҳ. Ғулом ва Б. Халилов либреттоси асосидаги «Шерали» музикали драмасининг премьераси бўлди. Лекин, булардан қатъи назар, уруш даври ўзбек драматургиясидаги кескин бурилиш, айтиш мумкинки, «Правда» газетасидаги ана шу редакция мақола эълон қилинишидан сўнг бошланди. 1942 йил апрель ойининг сўнгги кунларида «Ўзбекистон қиличи» сахна юзини кўрди. Шу йилнинг сентябрида Ҳамза театрида Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга» драмасининг премьераси бўлиб ўтди. Ўзбек маданияти ва сахна санъати инқилобнинг 25 йиллик тўйини И. Султоннинг «Бургутнинг парвози» драмасини сахналаштириш билан кутиб олди. Шу йилнинг декабрида Яшиннинг «Нурхон»и сахнага қўйилди ва ҳоказо.

1943—1944 йиллар давомида «Муқанна» (Ҳ. Олимжон), «Жалолиддин Мангуберди» (Шайхзода), «Маҳмуд Торобий» (Ойбек), «Она» (Уйғун), «Алпомиш» (С. Абдулла), «Қалтис ҳазил» (Уйғун), «Офтобхон» (Яшин) драмалари майдонга келди.

1945 йилнинг 1 апрелида ўзбек совет драматургиясининг салкам 30 йил ичида босиб ўтган йўлининг синтези сифатидаги ва Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сидан сўнг сахна санъатимиздаги энг мумтоз асарлардан бири бўлиб қолажак «Алишер Навоий» драмасининг премьераси бўлди.

Уруш даври ўзбек драматургияси жанр ва мавзу жиҳатидан қай даражада ранг-баранг бўлмасин, асар воқеаси қайси даврдан олиб ёзилмасин, унинг бутун йўналиши замонавийлик мақсадига бўйсундирилди, фашизм устидан қозонилажак ғалабага ҳисса қўшишга йўналтирилди.

Фашизмга нафрат ва ватанпарварлик туйғуларини ифодаловчи даврнинг етакчи тенденциясидан ҳатто қўғирчоқ театри ҳам четда тургани йўқ.

Уруш бошлангандан сўнг уч ой ўтар-ўтмас Республика қўғирчоқ театри қисқа пардали пьеса ва якка номерлар мажмуидан иборат «Найза» спектаклини тайёрлади ва намойиш қилди. Унда Гитлернинг инсоният иқболига зид бўлган манфур ғоялари болалар онги ва тушунчасига мос равишда талқин қилинди.

Адабий-маданий ҳаётдаги бу ҳодиса ҳам адабий танқидчилик эътиборидан четда қолмади. Танқидчилик ҳозиржавоблик билан бу ҳодисага ўзининг муносабатини билдирди ва қўғирчоқ театрининг фаолиятини олқишлади. «Найза»га «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 19 сентябрь сониди махсус тақриз эълон қилган Зафар Диёр, бу асар болаларимизнинг ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлди, деб чиқди.

Танқидчилик шу даражада оператив бўлдики, масалан, «Алишер Навоий» фильми ҳали экранга чиқмасдан, асар ҳали суратга олинмасиданоқ, унинг сценарийси ҳақида (бу ҳодисага ҳозирги танқидчилик ҳам ҳавас қилса арзийди) матбуотда ўз фикрини билдирди. Фильм сценарийсига ёзилган тақризлардан бири «Алишер Навоий ҳақида кинофильм яратамиз» номи остида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 23 ноябрь сониди босилиб чиқди. Маълумки, В. Шкловский, Уйғун, Иззат Султон сценарийси асосида суратга олина бошлаган бу фильмга «Мўғулистон фарзанди», «Кўк экспресс» фильмларини қўйган И. Трауберг билан К. Ерматов режиссёрлик қилган эдилар³⁰. Тақриз муаллифи режиссура ҳақида фикр юритмайди, чунки ҳали фильмнинг ўзи йўқ эди. У, асосан, фильм сценарийси ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади: «Навоий ҳақидаги сценарий билан танишиб чиқсангиз, авторларнинг тўғри йўлдан борганликларини, яъни шоирнинг таржимаи ҳолини қайд қилиш билагина қаноатланмай, балки унинг шахсий ҳаётини ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт билан, жамиятнинг тараққиёт қонуниятлари билан боғлаганликларини кўрасиз». Тақриз муаллифи «Алишер Навоий» фильми сценарийсининг рационал мағзини тўғри илғаб олганлиги кўриниб турибди.

Кўп ўтмай, «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1941 йил 28 декабрь сониди фильм режиссёрлари И. Трауберг ва К. Ерматовларнинг «Кинода Навоий образи» номли мақоласи босилиб чиқади. Муаллифлар мақолада Навоий образини яратишдаги ўз ижодий принципларини баён қиладилар. Фильм тарихий жанрда яратилаётган бўлса-да, бош қаҳрамон тарихий шахс эса-да, унда буюк тарихий фигуранинг нусхаси эмас, балки санъат қонуниятларига суянган ҳолда бадий образи яратилади, дейилади мақолада. Чунки, тарихий жанрда конкрет

³⁰ «Навоий» фильми урушдан сўнг К. Ерматов томонидан мустақил равишда охирига етказилган.

тарихий шахс образини яратиш типиклик қонуниятини асосида индивидуал қаҳрамон қиёфасини яратишга монулик қилмайди. Шунга кўра, «Навоий образини унинг замондошлари айтганидан кўра чуқурроқ, мураккаброқ ва ўткирроқ» қилиб тасвирлаш билангина унинг том маънодаги бадий образини гавдалантириш мумкин. Шундагина Навоийнинг етук реалистик образи — социал ва бадий қиёфаси яратилган бўлади. Бироқ, бу масалани Навоий фазилатида аслида бўлмаган хусусиятларни бўрттириш, борларига «қош қўйиш» ҳисобига эмас, аксинча, уни «ўз давридаги жамият тарзи ҳаёти» билан чамбарчас алоқадорликда кўрсатиш билангина ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун эса фильмда қонуний равишда Навоий билан бир қаторда халқ образи ҳам марказий ўринни эгалламоғи лозим.

И. Трауберг ва К. Ерматов фильм финалидаги Навоийнинг саройдан чиқиб, халқ ичига кириб кетиши эпизодига катта символик маъно юкляжакларини, бу эпизод «Навоий поэзиясининг асл маъноси ва қиммати»ни ифода этажagini айтадилар.

Режиссёрларнинг бу мақоласидан бўлажак фильм қайси услубда яратилаётганидан ҳам воқиф бўламиз. Бу услубни тайин этган асосий фактор режиссёрларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ёки сценарийгина эмас, балки асарга асос бўлган тарихий материал, Навоий шахси ва унинг поэзияси ҳамдир. Яъни «фильм ўз характери жиҳатидан Навоий поэзияси сингари романтик бўлиши керак».

«Навоий» фильмининг яратилиши пайтида матбуотда айтилган фикрлар уруш даври танқидчилигида тарихий жанрнинг асосий хусусиятлари ҳақида тўғри тасаввур мавжуд бўлганини кўрсатади.

Уруш даврида замонавий мавзуда ёзилган асарлардан бири Н. Погодин, С. Абдулла, Уйғун, Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбекистон қиличи» номли драмасидир.

Уйғуннинг «Қалтис ҳазил» драмасида замонавий мавзу уруш арафаларида мамлакат ичкарисидagi қишлоқ ҳаётини акс эттириш асосига қурилган бўлса, «Ўзбекистон қиличи»да бу масала бевосита фронт ҳаётини, маълум даражада мамлакат ичкарисидagi ҳаётни ҳамда уларнинг узвий бирлигини бадий талқин этиш заминига қурилади.

Асар ўз вақтидаёқ танқидчиликнинг эътиборини тортди. Шайхзода «Ўзбекистон қиличи» драмасига ёзган тақризида асардаги халқчиллик ва замонавийлик масаласига алоҳида эътибор беради.

...Юнус ота фарзанди Арслонга ўзи ясаган қилични тутқазади ва жигаргўшасини жангга жўнатади. Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан шундай воқеа эҳтимол бўлгандир, балки бўлмагандир. Бироқ асарда бу ҳодиса, энг асосийси, бадий ҳақиқат даражасига кўтарилади. Бу деталь ва эпизод асарда чуқур символик аҳамият касб этади. Шайхзода драмадаги мана шу нуқтага алоҳида эътибор беради ва ёзади: «Қилич халқда рицарлик (жувонмардлик — Б. Н.) ва мардлик символи бўлиб қолган. «Ўзбекистон қиличи» бу нуқтаи назардан халқчил асардир». Қилич — бир символика. Демак, аслида қилич бу асарда Ўзбекистон, янада аниқроғи, ўзбек халқидир. Ватан меҳри, ғалабага ишонч, қаҳрамонлик белгисидир. Фронтга кетаётган ўзбек йигитларининг мана шу шамшир учун ичган қасамлари, онтлари ҳам аслида Ватан шарафи учун, халқ номуси учун ичилган қасамдир.

Драмани таҳлил қилган сари Шайхзода унинг халқчил ва замонавий қатламларини оча боради.

...Жангда қўрқоқлик қилган Тошматни Арслон отишга буюради.

Қилич ёнида ичилган онт қани, қасам қани? Бироқ, ҳамма гап шундаки, драма муаллифлари асарда социалистик реализм принципига содиқликларини кўрсатадилар. Агар, қилич олдида қасам ичилди-ку деб, ҳар бир жангчи фақат қаҳрамон, ботир ва шунқор сифатида тасвирланганида, бу — шубҳасиз, бир ёқламалик бўлур эди. Жон олиб-жон берилувчи жангда ботир ҳам, қўрқоқ ҳам, иккиланувчи ҳам бўлиши шубҳасиз. Бу — ҳаётий ҳақиқат. Асар муаллифлари мана шу ҳаққонийлик позициясида бўладилар.

Лекин бу эпизод қўрқоқлик қилган Тошматнинг отиши билан тугаса, масала мантиғи тугалланмаган, очиқлигича қолган бўлур эди. Шунинг учун ҳам асар муаллифлари бу эпизодни мантиқий якунига, бадий интиҳосига етказадилар. Номус — ўлимдан кучли. Халқ шундай дейди. Фарзанди нобакорлигидан унинг падари Одил ота қанча азият чекмасин, ватан, халқ олдидаги бурч бу мудҳиш мусибатдан ғолиб чиқади. Ота ўғли ўрнини босиш учун жангга отланади.

Шайхзода драмадаги мана шу линия моҳиятидан сизиб чиқувчи асар халқчиллигига, бу халқчилликка асос бўлган традицияга ва шу эпизоднинг жавҳари (рационал маъзи)да намоён бўлувчи замонавийликка алоҳида эътибор беради. Ҳатто халқимиз ҳаёти ва адабиёти тарихидан драманинг шу эпизодига қиёс бўлувчи аналог-

ларни келтиради. У ёзади: «Қўрқоққа нафрат туйғуси ҳам чуқур халқчил илдизлардан ва тарихий анъаналардан келиб чиқади. Бу туйғу гуманистик нафратга зид эмас. Буюк шоир ва саркарда Бобур инсонпарвар бўлгани ҳолда ҳинд сафарида энг яқин саркардасини (Тошмат ҳам Арслоннинг энг яқин дўстларидан бири эди — Б. Н.) қўрқоқлиги учун жазолаши ёки Гўрўғли қўрқоқ шеригини нафрат билан ҳайдаши бунга яққол мисолдир. Бу қадимги фазилатлар бугунги кунда янги мундарижага эга бўлиб, мардни номардан ажратишда ботирларнинг маънавий ўлчовидир»³¹.

Шу тариқа Шайхзода «Ўзбекистон қиличи»нинг замонавий мундарижасининггина эмас, мундарижадаги асл замонавийликни ҳам муваффақият билан очиб беради. Бироқ тақризнинг қиммати асар замонавийлигини очиб беришдагина эмас, ўзидаги замонавийликнинг, замонавий руҳ ва пафоснинг юксаклигида ҳамдир. Тақриз адабий жараёнга, санъаткорларга кўрсатажак илмий-эстетик таъсир кучи билангина эмас, шу асар таҳлили мисолида беvosита ҳаётга, халққа, фронтдаги жангчиларга кўрсатувчи таъсир кучи билан ҳам қимматли эди. Бу уруш даври ўзбек танқидчилигидаги оперативлик, жанговарлик, практик аҳамиятнинг муштарак кўринишларидан бири эди³².

Бу давр адабиётида Ватан ва ватанпарварлик, бахт ва муҳаббат, нафрат ва садоқат мавзуларининг талқини аввалги даврларга нисбатан анча чуқурлашгани ва кенгайгани сингари, танқидчилик томонидан замонавийлик проблемасининг идрок этилиши ҳам анча чуқурлашди ва бойиди.

Бу фикрга Р. Саҳибоев ва Зафар Диёрнинг «Нурхон» драмасига ёзган тақриз («Қизил Ўзбекистон», 1943 йил 10 январь) мисол бўла олади. Маълумки, бу асарнинг замонавийлиги масаласи ҳақида гап борганда, ҳатто

³¹ Шайхзода. «Ўзбекистон қиличи» драмаси ҳақида // Қизил Ўзбекистон. 1942. 7 май.

³² Н. Погодин, С. Абдулла, Уйғун, Ҳ. Олимжон ҳамкорлигида яратилган «Ўзбекистон қиличи» пьесасининг тўлиқ тексти матбуотда эълон қилинмаган ва нашр этилмаган. Унинг қўлёзмаси А. Қаюмов томонидан 1985 йили топилди. Пьесанинг нисбатан тўлиқ мазмуни архив материаллари, эълон қилинган баъзи парчалар, айрим муаллифларнинг қўлёзма нусхалари, драма режиссёри (М. Муҳамедов) билан қилинган суҳбат асосида илк бор адабиётшунос, филология фанлари доктори, проф. Т. Ҳ. Ҳамидова томонидан тикланди. Қаранг: Ҳамидова Т. Х. Русско-узбекские литературные связи в годы Великой Отечественной войны. Ташкент. 1973. С. 233—276. Биз «Ўзбекистон қиличи» ҳақида фикр юритганимизда асосан шу манбага ва уруш йиллари матбуотида эълон қилинган тақриزلарга суяндик.

ҳозирги адабиётшунослик ҳам, аксар ўринларда, асар таъсири туфайли туғилувчи ўтмишга нафрат, ҳозирги замонга муҳаббат масаласини эътироф этиш билангина чекланади.

Р. Саҳибоев ва З. Диёр асарни таҳлил қилиб, драманинг давр билан алоқадорликда намоён бўлувчи замонавий қимматини алоҳида уқтириб ўтадилар. Яъни, улар фикрича, драмада прогрессив, тараққийпарвар кучларнинг жаҳолат, разолат ва реакцион кучлар устидан ғалаба қозониши кўрсатилар экан ва бу ғалабанинг амалга ошиши шубҳасиз эканлиги тасвирлаб берилар экан, «шу жиҳатдан «Нурхон» асари гитлеризмга қарши кураш олиб борилаётган давримиз билан ҳамоҳангдир». Унинг уруш даври учун зарур бўлган замонавий аҳамияти ва қиммати мана шундадир.

Тақриз муаллифлари драмага юқори баҳо бериш билан бирга, ундаги айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтадилар. Чунончи, Мамат ўз синглиси Нурхонни аввалига ўлдиришга рози бўлмайди, ҳатто отасидан ҳимоя ҳам қилади. Ахир, Нурхон ўз синглиси, жигари. Бироқ, «номус кучи» устунлик қилиб, ниҳоят, ўз синглисини ўлдиради. Бу эпизод жуда катта психологик тайёргарликни, асослашни талаб қилади. Ҳолбуки, пьесада «ана шу психологик момент ёрқин эмас. Натижада Нурхоннинг акаси томонидан ўлдирилиши ғайритабиий бўлиб чиқади». Психологик асослашни талаб этиш — тақризчининг жуда муҳим масалага етарли аҳамият берганини кўрсатади. Р. Саҳибоев ва З. Диёр «Нурхон»ни «Гулсара» билан қиёс қилиб муҳим бир фикрни айтадилар. «Нурхон» билан «Гулсара» қатор фазилатлари билан бир-бирига яқин туради. Гулсарада озодликка интилиш, фаоллик яққолроқ сезилади. Нурхонда эса шу фазилат етишмайди. Ваҳолонки, Нурхон учун ҳам бу фазилат зарур эди. Чунки, биринчидан, асар учун асос бўлган тарихий шахс Нурхон Йўлдошхўжаевада шу хусусиятлар мавжуд эди. Иккинчидан, драмадаги Нурхон ўз даврида озодлик ва эрк учун фаол кураша олган ўзбек санъаткор қизларининг типик намоёндаси даражасига кўтарилиши лозим эди. Бу хусусият «Нурхон»да тўлиқ кўринмай қолади.

Демак, юқоридагилардан маълум бўладики, ўзбек танқидчилиги уруш даврining мураккаб вазиятларида ҳам бадий асарлар олдига қўйилувчи кучли талабларни сусайтиргани йўқ. Бундай талаблар шу давр ва ундан сўнгги босқич ўзбек адабиёти ривожини учун муносиб аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек танқидчилиги уруш йилла-

рида ҳам адабий жараёнга таъсир этишнинг ибратли намуналарини кўрсатди.

Уруш йиллари ўзбек адабиёти ва тарихий жанрнинг бу босқичгача кечган тараққиёт йўлида гуллаган бир давр бўлди. «Навой» романи шу даврда тугалланди. «Муқанна», «Жалолiddин», «Маҳмуд Торобий», «Алишер Навоий»лар шу йилларда саҳнага қўйилди. Асосан, 1940 йилда ёзиб тугатилган бўлса-да, 1942 йил кузида саҳналаштирилган «Бургутнинг парвози» туфайли ўзбек драматургиясидаги тарихий-инқилобий жанр ва тарихий мавзу ишланилиши янада салмоқли аҳамият касб этди.

Танқидчилик бу асарларни ўз вақтида, ҳозиржавоблик билан баҳолаб борди, таҳлил қилди. Рус мунаққидлари ҳам бу асарларга қизғин муносабат билдирдилар.

Уруш давридаги драматик асарлар таҳлил этилган гўзал ишлардан бири Ойбек ва Ғафур Ғуломнинг «Жалолiddин» драмаси ҳақида» номли мақоласи бўлди. Мақола, аслида, «Жалолiddин»нинг саҳналаштирилиши муносабати билан тақриз жанрида ёзилган бўлишига қарамай, драматургиянинг, хусусан, тарихий жанрдаги драманинг бир қатор муҳим проблемаларини кўтариб чиқиши жиҳатидан, наинки уруш даври танқидчилиги, балки умуман ўзбек танқидчилиги тарихида муҳим аҳамиятга эгадир.

«...Ватан ўғилларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун бошлаган кураши ёрқин маънодор драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналарда гавдаланади»³³.

Мазкур фикр билан муаллифлар, биринчидан, бу тарихий драманинг асосий қимматини — замонавий моҳияти ва аҳамиятини белгилаб берадилар. Яъни, узоқ ўтмиш материали асос қилиб олинган драма замирида ватан фарзандларининг эрк, мустақиллик, номус ва шараф учун кураши ётади. Бу эса, аслида шу куннинг вазифаси ҳамдир. Бу кунги Ватан фарзандлари олдида турган бирдан-бир асосий бурч ҳам Ватан эрки, мустақиллиги, номуси, шарафи учун курашмоқдан иборатдир.

«...Ёрқин маънодор драматизм билан тўла ҳаяжонли картиналар». Бу мўъжаз, фикрларга тигиз, қисқа ва ихчам мулоҳазада драма жанрининг характерли хусусиятлари ифодаланган дейиш мумкин. Эътибор берайлик: драма оддий картиналар эмас, ҳаяжонли картиналар асосига қурилмоғи лозим. Бироқ, бунинг ўзигина

³³ Қизил Ўзбекистон. 1944. 18 февраль.

етарли эмас. Улар чуқур драматизм билан суғорилган бўлиши керак. Ойбек ва Ғ. Ғулом назарида бу фикр ҳам бир оз кемтикроқдек. Ҳаяжонли картиналарнинг шунчаки драматизм билан суғорилиши озлик қилади, у маънодорлик касб этмоғи лозим. Лекин маънодор драматизм проза учун ҳам, бошқа жанрлар учун ҳам хоску. Унинг драматик асар учун характерли бўлган фазилати-чи? «Ёрқинлик». Ҳа, драма маънодор драматизмгина эмас, ёрқин маънодор драматизм асосига қурилмоғи керак, шундагина у тўла ҳаяжонли картиналар томиридаги ҳаётни жунбушга келтира олади.

Ойбек ва Ғ. Ғулом Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмасида худди мана шу фазилатларни кўрадилар. Асарнинг жанр фазилатларини шу тариқа белгиллаган муаллифлар секин-аста унинг бош қаҳрамони таҳлилига ўтадилар.

Асарнинг бош қаҳрамони тарихий шахс — Хоразм шоҳининг фарзанди Жалолиддин. У Ватанни мўғул босқинчиларидан ҳимоя қилишга отланган. Бироқ асарда у жисмоний жиҳатдангина баҳодир, қуролни ишлатиш жиҳатидангина паҳлавон қилиб тасвирланган тақдирда бир ёқламаликка йўл қўйилган бўлур эди. Унинг қалбини, маънавиятини, ақл-заковатини ҳам кўрсатиш керак эдики, драматург ҳам шу йўлдан боради. Бу, аynи вақтда, тарихий ҳақиқатнинг бадий ифодаси ҳам демакдир. Танқидчилар Шайхзоданинг шу масаладаги маҳоратини алоҳида эътироф этадилар. Жалолиддин «ўз сиймосининг маънавий гўзаллиги билан томошабинни сеҳрлайди», у «баҳодирликни ўткир ақл билан безаган ажойиб йигит...».

Ойбек ва Ғ. Ғулом Жалолиддин сиймосида кўраётган маънавий гўзаллик бу қаҳрамоннинг замонавийлиги, замонавий аҳамияти ва қимматидан келиб чиқиб айтилаётган фикрлар эди. Адабий танқид доирасида айтилаётган бу фикрнинг ҳам, ўз навбатида, замонавий аҳамияти кучли эди. Бу фикр тарихий шахснинг тарихий жанрда тасвири ҳолида бутуниттифоқ танқидчилигида айтилган фикрларга ҳамоҳангдир.

Уруш даврида рус адабиётида ва бошқа қардош халқлар адабиётида ҳам тарихий жанрда ёзилган бир қатор муваффақиятли асарлар майдонга келди. А. Н. Толстойнинг «Иван Грозний», И. Сельвинскийнинг «Ливон муҳорабаси», О. Литовскийнинг «Александр Невский» сингари асарлари шулар сирасига киради. С. Голубовнинг «Багратион» номли тарихий романи ҳам уруш даврида тарихий жанрда яратилган муваффақиятли

асарлардан биридир. Унда 1812 йилги Ватан урушида рус халқининг француз армияси устидан қозонган тарихий ғалабаси акс эттирилган. Адабиётшунослар Г. А. Белая, Ю. Б. Боров, В. М. Пискунов романдаги Кутузов образи «ҳам буюк лашкарбоши, ҳам миллатнинг маънавий доҳийси»³⁴ сифатида тасвирланганини таъкидлаб ўтадилар. Демак, халқ озодлиги, Ватан эрки йўлида умумхалқ курашига раҳбарлик қилувчи тарихий шахс бадий асарда тасвирланар экан, у ўзида халқнинг маънавий дунёсини чуқур мужассамлантириши лозимлиги тарихий жанрнинг муҳим шартларидан биридир.

Шайхзода ўз драмасида мана шу шартга амал қилди. Асарни таҳлил этган Ойбек ва Ғ. Ғулом ҳам ундаги шу фазилатни алоҳида таъкидлаб кўрсатдилар. Ёзувчи тарихий жанрга мурожаат этганда муҳим бир қийинчиликни енгиб ўтиши лозим. Бу — тарихий қаҳрамон ва тарихий ҳодисалар акс эттирилар экан, давр учун хизмат қилувчи замонавий аҳамиятини кўрсатаман деб, уларни модернизациялаштириб қўйишдан эҳтиёт бўлишнинг қийинлигидир. Зеро, уруш даврида тарихий жанрда ёзилган айрим асарларда ана шундай камчиликка йўл қўйилган эди. Айрим тарихий асарлардаги муштарак камчиликлардан бирини академик А. Панкратова шундай деб кўрсатган эди: «Тарихий қаҳрамонларнинг образлари ва уларнинг ғоялари баъзи ҳолларда модернизациялаштирилди»³⁵.

Айтиш лозимки, уруш даврида тарихий қаҳрамонларга, тарихий мавзуларга мурожаат этган ўзбек адиблари бу камчиликни, асосан, четлаб ўтишга интиладилар. Ойбек, Ҳ. Олимжон, Шайхзода, Уйғун, Яшин, Иззат Султон сингари адибларимиз ўзларининг тарихий жанрдаги асарларида узоқ ва яқин тарихий сиймоларга уларни модернизациялаштириш эмас, замонавий нуқтаи назардан аҳамиятли бўлган фазилатларини тасвирлаш нуқтаи назаридан ёндашдилар.

«Жалолиддин Мангуберди»да тарихий воқеалар Шайхзода томонидан бадий ижод қонуниятлари доирасида, шу куннинг маънавий талабларига яқин томонидан ёритилади.

«Жалолиддин Мангуберди» драмасининг романтик йўналишини ҳам мана шу хусусият белгилаб беради, дейиш мумкин. Ойбек ва Ғ. Ғулом томонидан Жалолид-

³⁴ История русской советской литературы. Т. III. М., 1968. С. 62.

³⁵ Театр. Сб. статей и материалов. М., 1944. С. 8.

дин образи таҳлил қилинар ва баҳо берилар экан, «у шунқорнинг қанотлари эркдан, инсон учун ҳамма эҳтиёжлардан эрк баланд ва гўзалдир», «унинг ватанпарварлиги тожу тахт, мансаб дағдағасидан озод, асл ватан ўғлининг фидокорлигидир», «Жалолиддин учун курашда ягона куч манбаи халқ оммасидир» дейилган фикрларнинг илгари сурилиши ҳам, асосан, икки фактор: биринчиси, асарнинг романтик йўналиши, иккинчиси, асар қаҳрамон характерида намоён бўлган бу фазилатларнинг замонавий аҳамияти ва қиммати билан белгиланади.

Юқоридаги тақризда тарихий жанрга оид бир қатор эътиборли фикрларга ҳам дуч келамиз. Муаллифлар фикрича, тарихий жанрда ижод қилувчи санъаткор, тарихни қандай бўлса, айнан шундайлигича бериши керак эмас, яъни тарихий васиқачи даражасида қолиши керак эмас, балки унинг ички оқимида ўз ифодасини топган ҳаққоний моҳиятни бадий гавдалантириб бермоғи лозим. Шундагина тасвирланаётган даврни унинг тарихан бўлган ҳолатидан кўра ҳам чуқурроқ очиб бериш мумкин бўлади. Хусусан, Шайхзода драмасида шунга интилади, натижада ёзувчи ватанпарвар, ўз юртини босқинчилардан асраш йўлида қаҳрамонликлар кўрсатган жасур Жалолиддин қиёфасининг эмас, балки у мансуб бўлган салтанатнинг ичдан емирилишини таъминлаган сабабларни ҳам кўрсатишга муваффақ бўлади.

Ойбек ва Ғ. Ғуломнинг тарихий жанр хусусидаги бу фикрлари ёзувчилар ва мунаққидлар учун мазкур жанрнинг ўзига хосликларини бадий-илмий ўзлаштириш босишида беиз ўтмади, албатта.

Бунга мисол Р. Саҳибоев ва Т. Фаттоҳнинг «Муқанна» драмасига ёзилган тақризидир. Тақризда тарихий драманинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Уларнинг фикрича, тарихий драманинг моҳияти ва кучи ундаги фактларнинг тарих ҳақиқатига мос келишида ёки ҳодисаларнинг худди бўлиб ўтгандай тасвирланишидагина эмас, балки шулар билан бир қаторда, эҳтимол бўлмаган, лекин кечиши шубҳасиз мумкин бўлган ҳодисаларнинг ҳам акс эттирилишидадир. Энг асосийси шуки, тарихий ҳодисалар тарихнинг ҳаққонийлигини кўрсатиш учунгина эмас, улар орқали бугунги тарих ҳодисаларидан чиқариладиган хулосаларнинг ҳам ҳаққонийлигини тасдиқлаш нуқтаи назаридан кўрсатилмоғи керак.

Шунга кўра, «Муқанна»даги образлар ҳам жанр табиатига адекватдир. Масалан, Гулойин узоқ мозийда

Урта Осиё халқларининг босқинчиларга қарши курашида озодликка интилган аёлига эмас, то инқилобга қадар Шарқда озодликка талпиниб келган аёлнинг бир қанча хусусиятларини мужассамлантирган образдир.

Маълумки, ватан ҳимояси ва халқ озодлиги идеяси жаҳондаги жуда кўп халқлар тақдирининг муайян тарихий тараққиёти босқичида бири иккинчисининг узвий ва ажралмас қисми сифатида зуҳур топади. Хусусан, совет халқининг Улуғ Ватан уруши давридаги тақдиринда ҳам бу икки тушунча узвий бирликда бўлди. Р. Саҳибоев ва Т. Фаттоҳ фикрича, «Муқанна» драмасида Ҳ. Олимжон худди шу фикрни мозий материалини акс эттириш замирида муваффақият билан ифода этади. Чунки «Муқанна» замонида ҳам халқ озодлик идеясини ватан ҳимояси билан чамбарчас боғлаган эди³⁶. Драма замонавийлигининг асосий қирраларидан бирини тақриз муаллифлари мана шу хусусиятда кўрадилар.

«Муқанна» драмасини ўзбек танқидчилиги билан бир қаторда, атоқли рус адиблари ва мунаққидлари ҳам юқори баҳоладилар. Улар ҳам асарнинг замонавийлигида намоён бўлувчи фазилатни алоҳида таъкидлаб кўрсатдилар. Тасвирланган воқеалар бундан минг йил аввалги ҳаётни акс эттиришидан қатъи назар «Муқанна» драмаси ниҳоятда замонавийдир,— деган эди Ю. Арбат асарга ёзган тақризида³⁷.

«Халқ йўлбошчиси Муқанна ва ўзбек халқининг ўзинга хос Жанна д'Арки бўлмиш Гулойин образи Ҳ. Олимжоннинг катта бадиий ютуғидир»³⁸,— деган эди А. Фадеев. В. Ян эса, асарни етук миллий трагедиялардан бири сифатида баҳолайди³⁹. Саккизинчи аср билан йигирманчи аср воқеалари ўртасида қандай боғланиш бўлиши мумкин, деб ёзади К. Зелинский ва ўзи жавоб қайтаради: «Автор тарихни замонавийлаштириш учунгина ёзмайди», у тарих ҳодисаларини замон хизматига бўйсундиришда катта маҳорат кўрсатади⁴⁰.

Уруш даври ўзбек ва рус танқидчилигида юқори баҳога сазовор бўлган асарлардан бири Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози» номли драмаси бўлди. «Ўз-

³⁶ Саҳибоев Р., Фаттоҳ Т. Муқанна//Қизил Ўзбекистон. 1943. 19 сентябрь.

³⁷ Қаранг: Арбат Ю. Муқанна//Литература и искусство. 1943. 13 декабрь.

³⁸ А. Фадеев. Гордость узбекского народа. В кн.: За 30 лет. М., С. 324.

³⁹ Ян В. Муқанна//Правда. 1943. 27 декабрь.

⁴⁰ Зелинский К. Искусство Узбекистана сегодня//Литература и искусство. 1943. 22 мая.

бекистон санъати ғалабага чорлайди» номли мақоласида Ҳ. Олимжон 1942 йилнинг кузигача яратилган «энг талантли» драмалар қаторида Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга», Ойбекнинг «Маҳмуд Торобий»лари билан бир сафда Иззат Султоннинг «Бургутнинг парвози» номли драмасини ҳам кўрсатиб ўтади.

Ўзбек драматургияси уруш йилларида жадаллик билан ривожланганини «Ўзбек адабиёти» (1943) мақоласида Ойбек ҳам таъкидлайди ва Иззат Султон асарини баҳолашда Ҳ. Олимжон билан ҳамфикр эканини кўрсатади. «Яқин замонларгача ўзбек драматургиясининг ягона йирик намояндаси Яшин эди,— деб ёзади Ойбек.— Энди бу соҳа янги кучлар, янги асарлар билан бойимоқда. Иззат Султон ўзининг «Бургутнинг парвози» номли пьесаси билан драматик талантини очиқ кўрсатди».

Икки йилдан сўнг ёзилган мақолаларидан бирида Ойбек юқоридаги фикрини янада ривожлантиради. «Бургунги вазифалар» (1945) номли мақоласида у «Бургутнинг парвози», «Ҳамза», «Муқанна», «Жалолиддин», «Алишер Навоий» сингари асарлар мисолида ўзбек адабиётида «катта, юксак драматургия даври» бошланди деган фикрни айтади.

Лекин бу ҳолис ва одил фикр ўзбек драматургиясининг мазкур босқичида ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд эканини айтишга монелик қилмайди. Юқоридаги мақоласида Ойбек ёзади: «...Ўзбек драматургияси ибтидоий натурализм ва шовқинли, тумтароқли ташқи ҳаяжондор, юзаки романтизм касалидан соғайиши, соғлом, чуқур, тўлақонли, кучли реализм мактабини эгаллашини орзу қилар эдик. Драматургияда ҳам бошқа жанрлардаги сингари бутун диққатни замонамизнинг қаҳрамони, ажойиб совет одами ва давримизнинг катта проблемаларига жалб этмоқ зарур»⁴¹.

Ойбек орзу сифатида айтаётган бу фикрини талаб сифатида қўйишга ҳақли эди, албатта. Чунки уруш даври ўзбек драматургияси миқдор жиҳатидан анчагина бойинган бўлса-да, замонавий мавзудаги миқёс жиҳатидан анчагина камчиликка эга эди. Замонавий мавзудаги асарларнинг айримлари, хусусан «Она» (Миртемир, В. Смирнов), «Синов кунларида» (З. Фатхуллин), «Даврон ота» (Яшин, С. Абдулла) Ойбек айтгандаги каби камчиликлардан ҳоли эмас эди.

Бу йилларда асарларимизнинг аксарияти рус тилига таржима қилиниб борди. Танқидчилик ҳам уларга фаол

⁴¹ Қизил Ўзбекистон. 1945. 26 август.

муносабат билдирди. Айтиш мумкинки, бу даврда танқидчилик ҳеч қайси бир босқичда кўрилмаган даражадаги ҳозиржавоблик фазилатини намойиш қилди.

Масалан, бу даврда «Бургутнинг парвози» драмасидан айрим парчаларгина рус тилига таржима қилинган бўлишига қарамай, асар рус танқидчилигининг эътиборини жалб қилди ва юксак баҳосига сазовор бўлди. Хусусан, 1943 йилнинг қишида Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида «Бургутнинг парвози» драмаси фақат ўзбек адабиётидагина эмас, гражданлар уруши мавзунинг худди шу масаласи акс эттирилган умумиттифоқ драматургиясидаги муваффақиятли асар эканлиги эътироф этилди. Декада муносабати билан босилиб чиққан мақоласида К. Зелинский шундай ёзади: «Мен Иззат Султоннинг М. В. Фрунзег бағишланган «Бургутнинг парвози» пьесасидан айрим парчаларни ўқиганман. Уни бошқа драматургларнинг худди шу мавзуга оид ўқиганим асарларидан чандон юқори савняда деб биламан»⁴².

Узоқ йиллар давомида ўзбек адиблари билан ҳамкорлик қилган ва ўзбек адабиётини чуқур билган А. Дейч «Бургутнинг парвози» саҳналаштирилиши муносабати билан ёзган тақризида асар қаҳрамонлари характери эволюциясидаги тарихий ва бадий мантиққа юқори баҳо беради. Рус ва ўзбек халқлари дўстлигининг реалистик ифодаси, инқилобни амалга ошириш ва мустақамлашдаги ҳамжиҳатликнинг теран ва реалистик акс эттирилиши уруш йилларида бу асарнинг замонавий қиммати ва аҳамиятини янада оширади⁴³, дейди у.

«Бургутнинг парвози»ни баҳолашда К. Зелинский ҳам А. Дейчга яқин позицияда туради. У драманинг ғоявий мундарижасидаги кўлам ва салмоққа юқори баҳо беради. Қаҳрамон «Рус саркардаси (М. В. Фрунзе — Б. Н). Урта Осиёнинг инқилобий жанггоҳларида она бургут ўз полапонларини парвозга шайлаган янглиғ ўзбек биродарларини нурли уфқларга олиб чиқади»⁴⁴, — деб ёзади у.

Фақат уруш йилларигина эмас, умуман ўзбек совет адабиёти тарихининг гултож асарларидан бири — шу даврда яратилган «Навой» романининг айрим парчала-

⁴² Литература и искусство. 1943. 4 декабрь.

⁴³ Правда Востока. 1942. 26 ноября.

⁴⁴ Зелинский К. Искусство Узбекистана сегодня. Письмо первое//Литература и искусство. 1943. 24 апреля.

ри матбуотда 1941 йилнинг июнь ойидан кўрина бошлади. Асар тўла ҳолда 1944 йилда босилиб чиқди.

Роман китоб ҳолида эълон қилинганидан сўнг кўп ўтмай, 1945 йилнинг февралда Ўзбекистон Ёзувчилари союзида адабий жамоатчилик ва мутахассислар томонидан атрофлича муҳокама қилинди. Асар ҳақида доклад қилган Е. Э. Бертельс унга баланд баҳо берди. «Романининг энг катта муваффақияти шундаки,— деган эди у,— Навоий образи ўзининг бутун тўлалиги билан, ортиқча бўёқларсиз тасвирланган»⁴⁵. Бу — Навоий даври, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётининг чуқур билимдони, шоир сиймоси ва ижодининг ҳассос тадқиқотчиси томонидан берилган баҳо эди. Е. Э. Бертельс диспутда ўз фикрини давом эттириб, ундаги тарихий ҳақиқат билан бадий қимматнинг мустаҳкам гармонийсини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Асар марказида Навоий шахси ва сиймоси турса ҳам, у ўз давридан ажралган ҳолда тасвирланиши мумкин эмас эди, албатта. Асарнинг муваффақиятини белгиловчи муҳим масалалардан бири Навоийнинг ўз даври фарзанди эканлигини нечоғлик тўғри акс эттириб бера олишга боғлиқ эди. Бунинг учун эса тарихий давр ва шароитни марксистик позициядан идрок эта билмоқ ва бу масалани асарда бадий жиҳатдан ҳаққоний тасвирлаб бермоқ лозим эди.

Е. Э. Бертельс шу масалаларга ҳам алоҳида эътибор беради ва «романда Навоий даври тўлақонли тасвирланган, Навоий сиймоси реалистик акс эттирилган»⁴⁶ деган хулосага келади.

Романдаги муваффақиятлар замирида Ойбекнинг санъаткор сифатидаги маҳорати билан бир қаторда Навоий даври, ҳаёти, ижоди, дунёқараши хусусида олиб борган чуқур тадқиқотчилик истеъдоди ҳам ётади. Ойбек «Навоий» романини ёзишга киришгунча бу улуг сиймо ҳаёти, ижоди ва дунёқараши ҳақида бир қатор илмий тадқиқотлар ёзган эди. Унинг «Навоий ҳақида» номли катта ҳажмдаги илмий асари, «Навоийнинг таржимаи ҳоли», «Хамса»нинг асосий образлари, «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир», «Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асари ҳақида» сингари тадқиқот ва мақолалари ҳамда «Навоий» поэмасининг ҳар бири мустақил илмий ва бадий асар бўлиши би-

⁴⁵ Қизил Ўзбекистон. 1945. 11 февраль.

⁴⁶ Правда Востока. 1945. 18 февраля.

лан бир қаторда, бўлажак «Навой» романи учун жиддий тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилди.

Юқоридагиларнинг барчаси «Навой» романини ёзишдан аввал адиб тарихий ҳужжатларни ниҳоятда синчковлик билан ўрганиб чиққанини ва Е. Э. Бертельс айтганидек, асарни яратишда, асосан, ҳужжатларга суянганини кўрсатади.

1945 йилнинг феввалида бўлиб ўтган диспутда Навойнинг шахсий муҳаббати масаласи асарда етарлича ифодасини топмаган, деган фикрлар ҳам бўлган эди. Бу масалага муносабат билдирган Е. Э. Бертельс Ойбек танлаган йўлни тўғрироқ деб ҳисоблаганини бундай ифода этди: «Ойбек ҳар хил афсоналарга асосланмай, ҳақиқий ҳаёт ва тарихни кўрсатишни» ўз олдига мақсад қилиб қўйган⁴⁷.

«Навой» романига ўзбек танқидчилиги ўз вақтида катта баҳо берди. Мақсуд Шайхзода романга бағишланган «Тирик Алишер» номли тақризида уни ўзбек совет прозасининг шу давргача яратилган энг муваффақиятли асарлардан бири сифатида баҳолади.

Диспутда сўзга чиққан Иззат Султон фикрлари Е. Э. Бертельс, Шайхзода фикрларини янада тўлдиради ва ривожлантиради. И. Султон романнинг шу вақтгача яратилган асарлар ичидагина эмас, умуман ўзбек халқи адабиёти тарихида алоҳида ўрин ишғол қилажагини таъкидлайди. «Бу асар, — деган эди олим, — ўзбек халқи тарихида ўлмайдиган роман бўлиши билан бир қаторда, йирик сиёсий ҳужжат ҳамдир»⁴⁸. Муаллифнинг бу ўринда романни сиёсий ҳужжат сифатида эътироф этиши эътиборни жалб қилади. Гитлернинг «идеологик машинаси» СССРдаги турли миллатларни, хусусан Ўрта Осиё халқларини ирқий камситиб турган бир пайтда, уларни ёввойи ва дағал, на ўтмиш ва на келажаги бор халқлар деб айюҳаннос солиб турган бир пайтда «Навой» романининг майдонга келиши ва ўзбек халқи узоқ ўтмишдаёқ Навой каби буюк мутафаккирларга эга эканлигининг кўрсатилиши, ҳозир эса бу халқ ўз ўтмишига муҳаббат билан қараётгани, революция туфайли, социализм туфайли ўтмишда забун бўлган халқ ичидан ўз ота-боболари ҳаётини шу қадар муваффақиятли акс эттириб бера олувчи Ойбек каби улкан ёзувчилар етишиб чиққанлиги ва буларнинг барчасини конкрет мисолда

⁴⁷ Қизил Ўзбекистон. 1945. 11 февраль.

⁴⁸ Уша жойда.

кўрсатиб турган «Навой» романи чиндан ҳам, Иззат Султон айтганидек, «йирик сиёсий ҳужжат» эди ва бу сиёсий ҳужжат узоқ Ўзбекистонда туриб Гитлер идеологиясига туширилган бир тарсаки эди.

«Навой» романи пайдо бўлиши биланоқ бир овоздан ижобий баҳолангани йўқ. Романнинг биринчи муҳокамасидаёқ у ҳақда, юқоридагидек, ижобий фикрлар билан бир қаторда, турли савиядаги танқидий фикрлар ҳам айтилди. Масалан, романда Навой образи эволюцияда, ўсишда кўрсатилмайди, «болалигидан то кексалигигача, бутун умр давомида» тасвирланмайди, «Навой камчиликсиз, заиф томонсиз чизиб берилган»⁴⁹ каби фикрлар ҳам илгари сурилди. 40-йилларнинг ўрталарида айтилган бу сингари янглиш қарашлар адабиётшунослигимизда 50-йилларнинг ўрталаригача ҳукм суриб келди. Бироқ адабиётшунослик ва танқидчилигимиз марксистик эстетикадаги тарихий ҳақиқат ва бадий ҳақиқат ҳамда уларнинг ўзаро муносабати масалаларини чуқурроқ ўзлаштира боришлари натижасида тараққиётнинг сўнгги босқичларида, хусусан, 50-йилларнинг охири ва 60-йилларга келиб, танқидчиликдаги бу камчиликларни бартараф этдилар. Бу борада М. Қўшжонов тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуман эса, «Навой» романи у ҳақдаги 1945 йили бўлиб ўтган диспутга раислик қилувчи Комил Яшиннинг хулосавий фикри билан айтганда, «СССР халқлари адабиёти хазинасига қўшилган дурдона» бўлиб қолди.

«Тарихий роман, энг аввало қаҳрамонликни ўргатувчи муаллим бўлиши керак»⁵⁰ деб ёзди В. Ян. В. Яннинг юқоридаги фикрларида «Уруш йилларида ўтмишга мурожаат этган адибларнинг эстетик программаси ўз ифодасини топган»⁵¹, дейилади «Қўп миллатли совет адабиёти тарихи» номли тадқиқотда. Ойбек ўзининг «Навой» романи билан уруш даври совет адибларининг бу йўналишидаги эстетик программасини ўзига хос равишда ҳал этади. Алишер Навойнинг қаҳрамонлигининг зулм ҳукмрон замонда адолат учун, маърифат учун жонбозлик қилишида кўринади.

⁴⁹ Уша жойда.

⁵⁰ Ян В. Проблема исторического романа//Литература и искусство. 1943. 15 мая.

⁵¹ История советской многонациональной литературы. Т. III. М., 1970. С. 101.

Юқоридаги тадқиқотда яна шундай фикрга дуч келамиз: «...Уруш йилларида кўп миллатли совет драматургияси бадий проза публицистика ва поэзияга нисбатан суғуриб берилди»⁵². Бу масалада ҳам ўзбек адабиёти уруш даврида ўзига хос ижодий юзини намойиш қила олди, яъни бу давр ўзбек адабиётида шеърят, драматургия, публицистика прозага нисбатан фаолроқ ривожланди. «Сен етим эмассан», «Мен яҳудий», «Роксананинг кўз ёшлари», «Капитан Гастелло», «Қўлингга қурол ол!» сингари асарлар мисолида шеърят; «Жалолiddин», «Муқанна», «Маҳмуд Торобий», «Бургутнинг парвози», «Алишер Навоий», «Ўзбекистон қиличи» мисолида драматургия; Ҳ. Олимжоннинг «Мен ўзбек халқи номидан гапираман», «Дўстлигимиз ҳақида», А. Қаҳҳорнинг «Немисларнинг офати», «Бобоқул Афзалов», Уйғуннинг «Майор Малла Абдуллаев», Ойбекнинг «Халқ — қаҳрамон», Ғ. Ғуломнинг «Макайлик дўст», С. Аҳмаднинг «Фарҳод тоғининг этакларида» асарлари мисолида публицистикамиз бу даврга келиб бир босқич юқорига кўтарилди.

«Навоий» романи, «Олтин юлдуз» повести, «Асрор бобо», «Кампирлар сим қоқди», «Хотинлар» сингари прозамизнинг ажойиб намуналари яратилган бўлса-да, уруш даврида наср бошқа жанрларга нисбатан бирмунча сустроқ ривожланди. Бироқ, бундан қатъи назар, уруш даври ўзбек адабиёти деярли барча жанрларда ажойиб асарлар ҳисобига бойиди ва ўз тарихий тараққиётининг янги босқичи бўлиб қолди. Бу ижобий ҳодисада адабий танқид ҳам катта роль ўйнади.

Улуғ Ватан уруши даври Ўзбекистон адабий танқидчилиги ҳақида гап борар экан, унинг давр билан белгиланувчи яна бир муҳим фазилатини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Бу характер мазкур йилларда адабий танқиднинг ёзма шакли билан параллел равишда оғзаки шаклининг гуркираб ўсишида намоён бўлади. Бу даврда бир жиҳатдан газета ва журналларни чиқаришдаги, илмий тўплам ва монографияларни нашр этишдаги муайян чекланганлик адабий танқиднинг оғзаки шаклига мурожаат этишни тақозо қилди. Иккинчидан, давр адабий танқиддан ҳам ниҳоятда оперативлиқни, ҳозир-жавоблик ва жадалликни талаб қилди. Танқиднинг оғзаки шакли бу талабга лаббай деб жавоб берувчи

⁵² Уша асар. 109-бет.

энг қулай йўл эди. «Навой» романи юзасидан бўлган диспут (мунозара), жонли фикр олишувлар адабиётнинг ва театрнинг деярли ҳар бир муҳим асари муносабати билан бўлиб турар эди.

Бу йилларда деярли ҳар ҳафта, ҳар ойда Тошкентда ва республиканинг бошқа шаҳарларида, завод-фабрикаларда, колхоз далаларида ёзувчиларнинг халқ билан учрашувлари ҳам бўлиб турди. Бу учрашувларда шоирларнинг ўзлари ҳамкасб дўстларининг мунаққидлари сифатида минбарга чиқдилар. Халқ вакиллари эса ҳозиргина минбардан эшитган асарларининг баҳоловчилари сифатида шу ернинг ўзидаёқ тўлқинланиб гапирдилар. Шоир, танқидчи ва китобхон бир вақтнинг ўзида бир аудиторияда туриб юзма-юз учрашиш ва муайян асарларнинг баҳосини бериш имкониятига эга бўлди ва бундай имкониятлардан кенг фойдаланилди. Танқиднинг оғзаки шаклидан фойдаланиш мамлакат ичкарисигагина эмас, фронтда, жанг майдонларида, окоп ва блиндажларда ҳам бўлиб ўтди. Масалан, фронтга совға элтган делегация составида бўлган Ҳ. Олимжон ва Ойбек жангчиларга ўз шеърларини ўқиб бериш баробарида, бошқа қаламкаш дўстларининг қаҳрамон совет жангчиси ҳақида ёзилган асарларини кенг тарғиб қилдилар. Жангчилар учрашувларда бундай асарларга ўзларининг фаол муносабатларини намоён этидилар.

Оғзаки адабий танқид муваффақиятли бадний асарларнинг халқ оммаси ичига жадаллик билан кириб боришида ва уларнинг ватанпарварлик туйғуларини ўстиришда, фашист босқинчиларига бўлган нафратни кучайтиришда ва меҳнат ғалабаларига илҳомлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

* * *

Уруш даврида фақат замонавий адабий жараёнгина эмас, классик адабиёт ва фольклор намуналари тадқиқ этилган ишларда ҳам замонавийлик масаласи, шу куннинг талаби масаласи, яъни асарлардаги халқлар дўстлиги, ватанпарварлик, қаҳрамонлик мотивларининг акс эттирилиши масалаларини ўрганишга катта эътибор билан қаралди.

Атоқли фольклоршунос олим Ҳоди Зарифовнинг «Ўзбек фольклорида қаҳрамонлик ва ватанпарварлик» мақоласи бунга мисолдир.

Ҳ. Зарифов Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Ойсулув» дostonини таҳлил қилар экан, ундаги ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғояларига алоҳида урғу беради. Ойсулув фақат чексиз гўзаллиги билангина эмас, дейди олим, юксак ватанпарварлиги, ватан босқинчиларига бўлган чексиз нафрати ва уларни ватан тупроғидан улоқтириб ташлашдаги қаҳрамонлиги туфайли халқ меҳрига сазовор бўлган қаҳрамондир. Унинг фарзанди Кунботирни ҳам халқ шу фазилатлари учун ардоқлаб келади.

Ҳ. Зарифов ёзади: «Юксак ватанпарварлик туйғуларни, халққа муҳаббат, дўстлик, қардошлик, жасорат ўзбек халқининг эпик дostonлари, эртаги ва маталларида доимо марказий ўрин ишғол қилиб келган»⁵³. Муаллиф фикрича, қаҳрамонлик ва ватанпарварликкина эмас, халқлар дўстлиги масаласи ҳам Гўрўғли циклидаги деярли барча дostonларининг асосий мотивини ташкил этади. Масалан, Гўрўғлининг ўзи — туркман, фарзанд қилиб олганлари Авазхон — гуржи, Ҳасанхон — форс, Хидирали Элбеги — қорақалпоқ, Тўлак ботир — тожик, Юсуф маҳрам — қозоқ ва бошқалар. Умуман, унинг қирқ йигитининг деярли барчаси турли миллатга мансуб паҳлавонлардир.

Ҳоди Зариф юқоридаги мақоласида халқ дostonларидаги бу фазилатларга эътибор берар экан, халқимиз дўстлик ва қардошликдек муқаддас заруратни фақат шу уруш кунларидагина эмас, балки қадим даврларданоқ қадрлаб, ўлмас обидаларда муҳраб келганини айтади. Бу асарлар ҳозирги кунимиз билан ҳам жондош эканлигини, бу кунларда эса янада чуқур замонавий аҳамият касб этишларини таъкидлайди.

Ҳ. Зарифов халқ дostonларидаги қаҳрамонлар системасини ўрганиб, ундаги ҳозирги давр учун ҳам муҳим ва актуал бўлган масалани таъкидлаб ўтади. Ватан ҳимояси эркаклар билан бир қаторда аёлларнинг ҳам инсоний бурчи бўлганлиги деярли барча дostonларда ўз ифодасини топган асосий йўналишлардан биридир. Бу масала, хусусан, «Чамбил қамали» дostonининг асосий мотивини ташкил этади. Гўрўғли йўқлигида шаҳарни босқинчилардан ҳимоя қилишни ташкил этган, барча аёлларни эркакча кийинтириб, жанг майдонига олиб тушган Гўрўғлининг аёли Юнус

⁵³ Зарифов Х. Геронизм и патриотизм в узбекском фольклоре //Ал-манах «Дар». Ташкент. 1944. С. 160.

пари том маънодаги халқ қаҳрамони даражасида тас-
вирланади.

Ҳ. Зарифовнинг бу мақоласи типдаги тадқиқотлар
20—30-йиллар ёхуд урушдан сўнгги даврда кўпроқ та-
рихий ва адабий-бадий қимматга эга бўлган фольк-
лоршунослик ишлари сифатида баҳоланиши тўғри
бўлса, уруш йилларида эса улар (шартли маънода)
адабий танқид намунаси сифатида баҳоланиши тўғри-
роқдир. Агар адабий танқид моҳиятини, унинг замона-
вий адабий жараёни таҳлил этишдаги фазилатигина
эмас, аynи вақтда, унда шу даврдаги замонавий ада-
бий жараён ва шу даврдаги ижтимоий ҳаёт учун зар-
ур бўлган масалаларнинг кўтарилиб чиқиши ва, би-
нобарин, уларга фаол таъсир этиши жиҳатидан ҳам
баҳолаш лозим ва мумкин эканини назарда тутсак,
юқоридаги фикр ўзини оқлай билади.

Демак, бу даврда классик адабиёт ва фольклор
асарлари тадқиқ этилган аксар ишлар адабиётшунос-
лик ва фольклоршуносликки эмас, аynи вақтда, ада-
бий танқидга ҳам мансуб эканлиги уруш даври танқид-
чилигининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Ҳ. Зарифов ўзбек дostonларида адолат ва ҳақиқат
учун кураш ва бу курашнинг пировардида ғолиб ке-
лиши душманни таслим қилибгина қолмай, уни дўстга
ҳам айлантириши мумкин деган ғоя муҳим ўрин тути-
шини кўрсатиб ўтади. Масалан, «Алпомиш» дostonида-
ги Қоражон ҳақиқат ва адолат тантанаси, дўстлик ва
қардошликнинг ғалабаси туфайли душмандан Алпо-
мишнинг қадрдон дўстига айланади. Умуман, «Алпо-
миш» дostonида, дейди Ҳ. Зарифов, дўстлик ва қар-
дошлик ғояси етакчилик қилади. Бу мотив ўзбек
Алпомиш, қалмиқ Қоражон ва чинлик Қайқубодларини
дўстлик ва биродарлик асосида бирлашиб, душманга
қарши жанг қилишлари ва ғолиб чиқишларида ўзи-
нинг ёрқин ифодасини топган.

Ҳ. Зарифов таъкидлаётган бу масалалар уруш
даврида чуқур замонавий аҳамиятга эга эди.

Қаҳрамонлик давр кун тартибидаги асосий масала
экан, уруш йилларидаги ўзбек фольклоршунослиги ҳам
давр билан ҳамқадам бўлишга интилди. Фольклор
асарларини умуман эмас, уларда қаҳрамонлик мотив-
ларининг акс этиши нуқтан назаридан ўрганишга ҳа-
ракат қилди. Ана шундай фундаментал тадқиқотлар-
дан бири Жирмунский ва Ҳ. Зарифовнинг ҳамкорлиги

натижасида майдонга келган «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» бўлди. Бу асар урушдан кейин босилиб чиқди⁵⁴.

Уруш даврида фольклор асарларини ўрганган адабиётшунослик бир тарафдан соф филологик мақсадларни назарда тутди. Яъни, халқ оғзаки ижодининг машҳур намуналари тадқиқ этилиб, фольклоршунослик фанига муҳим ҳисса қўшилди. Иккинчи тарафдан эса, фольклор намуналарини ўрганиш иши бу йилларда давр мақсадларига бўйсундирилди, даврнинг асосий руҳига уйғунлаштирилди. Яъни, фольклор асарларидаги қаҳрамонларнинг юксак ватанпарварлик фазилатларини, юрт босқинчиларига қарши омонсиз жанглардаги шижоат ва ботирликларини кўрсатиш, таҳлил қилиш, очиб бериш орқали жангчиларимизни фашизмга қарши курашга янада илҳомлантирди, халқимизни она-Ватанини кўз қорачиғидек асрашда дoston қаҳрамонларидан ўрнатқали олишга чорлади. Учунчидан эса, фольклор ёзувчи ва шоирларимизга бу жанговар йилларда Ватан ўғлонларининг қаҳрамон қиёфасини яратишда, асарлардаги халқчил ва гуманистик фазилатларни теранлаштиришда, халқ оғзаки ижодининг илғор анъаналарини чуқурроқ ўзлаштиришда яқиндан кўмакка келди.

Фольклор намуналарини ўрганган ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги мана шу уч фазилатни намойиш қилиш орқали бу даврда замон билан ҳамқадам боришга интилдди, замонавийлик учун кураш олиб борди.

Бу йиллардаги ана шундай ишлардан бири Мақсуд Шайхзоданинг Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Ширин ва Шакар» достонига битган сўз боши — мақоласидир.

Мақолада Шайхзода ҳам «Ширин билан Шакар» достонининг замонавий аҳамиятини очишга алоҳида эътибор беради. «Бизнинг социалистик революциямиз фақат феодал қуёнқиларнигина эмас, умуман ҳар хил эксплуатация қўрғонларини ер билан яксон қилиб, меҳнаткашларга ҳур ва кенг бир ватан яратди. Ҳақиқий ватанпарварлик энди ўзининг лойиқ ўрнини ва гуллаш замонини топди. Ана шу чинакам ватанни ҳар хил тажовузлардан сақлашга қасам ичган ўзбек халқи уни ўзининг яратган афсонавий дoston қаҳрамонлари каби

⁵⁴ Пўлкан шоир ҳақида. Тошкент. 1976. 98-бет. Ҳоди Зарифовнинг фольклоршунос олим Тўра Мирзаевга берган маълумотида кўра, «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» номли тадқиқот асида 1943 йили ёзиб тугатилган.

шерона ва фидокорона курашиб яшнатажак»⁵⁵, дейди Шайхзода.

Бироқ бу даврда фольклор масалаларига доир жиддий тадқиқот ва мақолалар билан бир қаторда, илмий жиҳатдан янглиш қарашлар ҳам учраб қолади. Чунончи, Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган «Далли» достонига У. Исмоилов битган сўз бошида қуйидаги фикрларга дуч келамиз. Достоннинг «...ижобий ва салбий типлари яққол, бутун воқеалар, образлар типик шароитдаги типик характерлардан иборатдир»⁵⁶.

Бу ўринда, Арзрум вилоятининг подшоҳи Кубодшоҳнинг гўзал қизи Даллини Гўрўғлининг асранди ўғли Авазхон олиб қочиб келиши, сўнг ўз юртини Кубодшоҳдан ҳимоя қилиши, ярадор бўлганда унинг кийимини кийиб, Даллининг жангга кириши воқеалари тасвирланган фольклор асарига етук реалистик ёзма адабиёт учун хос бўлган хусусиятлар тиркалмоқдаки, бу фикрларга қўшилиш қийин.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РУС ТАНҚИДЧИЛИГИ

Уруш йиллари республикамизда ўзбек танқидчилиги билан ёнма-ён рус танқидчилиги ҳам ривожланди ва тараққий этди. Бу танқидчиликни, умуман урушгача бўлган давр республикамиздаги рус танқидчилигидан фарқли ўлароқ, Иттифоқ миқёсидаги ва Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган рус танқидчилигининг Ўзбекистондаги тараққиёти сифатида қараш тўғри бўлади. Чунки бу хусусият бир қатор объектив ва субъектив факторлар билан изоҳланади.

Уруш йиллари Ўзбекистонда А. Толстой, Н. Погодин, Б. Лавренев, К. Чуковский, Якуб Колас, И. Уткин, В. Луговской сингари атоқли совет шоирлари, ёзувчи ва драматурглари меҳнат қилдилар.

А. Толстой, К. Чуковский, И. Лежнев, Л. Пеньковский, А. Тихоновлар эса Республика Ёзувчилар союзи Президиуми составига киритилдилар.

Е. Э. Бертельс, Б. В. Шишмарёв, В. М. Жирмунский, Е. Э. Якубовский, Н. Л. Бродский, Н. К. Пиксанов, Д. Д. Благой, Л. И. Қлимович, Б. С. Мейлах, А. М. Эфрос, К. И. Зелинский, К. Л. Эйхенгольц, А. М. Векслер, В. Я. Кирпотин, Б. В. Михайловский, Е. Б. Тагор ва

⁵⁵ Фозил Йўлдош ўғли. Ширин билан Шакар. Тошкент. 1941. 18-бет. Шайхзода сўз бошиси.

⁵⁶ Эргаш Жуманбулбул ўғли. Далли. Тошкент. 1942. IV бет.

бошқалардан иборат атоқли олимлар уруш йиллари Ўзбекистонда яшадиладар ва ижод қилдиладар. Бу фактор Урта Осиё Давлат университетида филология факультетининг ва кўп ўтмай, шарқ факультетининг очилишига туртки берди. Рус олимлари республикамизда малакали адабиётшунос ва танқидчиларни тарбиялаш ишига, адабий жараён ва конкрет санъаткорлар ижодини ўрганишга, Иттифоқ миқёсида уларни кенг оммалаштиришга катта ҳисса қўшдиладар, ўзбек ҳамкасб дўстлари билан бирга муҳим ишларни амалга оширдиладар. Социалистик система ўзига хослиги ва буюклигининг адабий-маданий ҳаётда ўз ифодасини топган бу ҳамкорлик ва унинг натижаларини Н. Пиксанов «катта тарихий-маданий аҳамиятга эга»⁵⁷ бўлган ҳодиса сифатида баҳолаганда ҳақ эди.

Бу давр Тошкент адабий муҳитидаги танқидчилик фақат у ёки бу санъаткор ижоди ҳақида мақола ёзиш, кечалар уюштириш билангина кифояланиб қолмади. Катта масштабдаги адабиётшунослик ишлари, муҳим назарий ва амалий аҳамиятга молик кенгашлар ҳам назардан четда қолгани йўқ. Хусусан, уруш йиллари Тошкентда Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти, Урта Осиё Давлат университети ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳамкорлигида уюштирилган «Рус-инглиз ва рус-америка адабий алоқалари» масаласига бағишланган катта кенгаш* (бу кенгашда В. М. Жирмунский, К. Л. Бродский, Н. Қ. Пиксанов, К. И. Чуковский сингари атоқли олимларнинг докладлари тингланди) Пушкин, Лермонтов ижодининг айрим масалалари, Ренессанс даври ва адабиёт, Шарқ Ренессанси проблемаларига бағишланган (бу кенгашларда Д. Д. Благой, Н. Қ. Пиксанов, К. Л. Бродский, В. В. Михайловский, В. П. Чепелев ва бошқалар доклад қилдиладар) илмий сессиялар бўлиб ўтди. Доклад текстлари бу олимларнинг кейинги йилларда шу масалаларга бағишланган тадқиқотларига таркибий қисм бўлиб қўшилди.

Бу давр республикамиздаги рус, қардош халқлар ва Ўзбекистон адиблари, мунаққидларининг ҳамкорлиги ўзбек бадий адабиёти, таржима санъати ва танқидчилигининг шу йиллар ва сўнгги босқичлар тараққиётида муҳим роль ўйнади.

⁵⁷ Пиксанов Н. Уруш йилларида турли миллат ёзувчилари Тошкентда. Шарқ юлдузи. 1946. 4—5-сонлар. 143-бет.

* Уша жойда.

Уруш даври матбуоти саҳифалари уруш даври Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг катта ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, амалга оширишга мўлжалланган улкан режалар билан ҳам яшаганидан шаҳодат беради.

Масалан, 1942 йилнинг 29 апрелида Ўзбекистон Ёзувчилар союзида театр ва адабий танқидчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. «Правда Востока» газетасининг 7 май сонидagi хабар ушбу мажлис ярим йил ичида қуйидаги тадқиқотларни яратишни мўлжаллагани ҳақида маълумот беради: а) Ибн Сино, Навоий, Машраб ҳақида монографиялар; б) Ҳамза ҳақида биографик очерк; в) Фурқат ҳақида тарихий-биографик очерк; г) ўзбек-рус адабий алоқалари ҳақида очерк. Буларни ёзишда ўзбек олимлари билан бир қаторда Бродский, Дейч, Жирмунский, Благой, Пиксанов, Эйхенгольц сингари атоқли рус олимларини ҳам жалб этиш назарда тутилади. Ўзбек театри тарихини ёзишга эса Эфрос, Эйхенгольц, Волькенштейн, Модель, Живов, Янковскийларнинг иштирок этажаклари ҳақида хабар берилади.

Тўғри, ўша даврнинг оғир шароитлари бу режаларнинг тўлиқ амалга ошувига имкон бермади. Давр адабиётшунослик характеридаги бундай фундаментал тадқиқотлардан кўра кўпроқ шу куннинг ҳаракатдаги ҳаётига таъсир кўрсатажак замонавий адабий жараён билан шуғулланишни талаб қилди.

Бу йилларда Ўзбекистонда яшаган рус адабиётшунослари ва танқидчилари ўз эътиборларини кўпроқ ҳаракатдаги адабий жараён ҳақида мақолалар ёзишга, ўзбек шоирларининг шу йилларда рус тилида чиққан тўпламларини муфассал сўз бошилар билан таъмин этишга ва уларнинг ютуқларини Иттифоқ миқёсидаги китобхонлар ичида оммалаштиришга қаратдилар. Иттифоқ ва республика миқёсидаги матбуот саҳифаларида эълон қилинган К. Зелинский, Л. Бать, М. Живов, А. Дейч, К. Чуковский, В. Кирпотин, В. Жирмунский, Ю. Арбат, С. Липкин, Л. Климович, П. Скосирев ва бошқаларнинг мақолалари бунга мисол бўла олади. Булардан ташқари, Зулфиянинг «Верность» тўпламига Луговской, Шайхзоданинг «Сааз» тўпламига Эфрос, Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасига К. Зелинский, «Стихи о любимой земле» тўпламига А. Н. Тихонов, «Избранное»сига Жирмунский, Ф. Фуломнинг «Иду с Востока» тўпламига К. Зелинский ёзган сўз бошилар, биринчидан, Иттифоқ ўқувчиси назарига бу ижодкорлар бўй-бастини кўрсатишда муҳим аҳамиятга

эга бўлди. Иккинчидан, адабий танқид ҳам худди бадний адабиёт сингари бу иш билан ўзининг интернационал моҳиятини намойиш қилди. Учинчидан, ўзбек шеърятининг катта майдонга чиқишида, умумсовет адабиётида ўзининг ҳақли ва мустаҳкам ўрнини эгаллай бошлашида, кўп миллатли совет адабиётининг илғор оқимларидан бирига айланганини кўрсатишда жиддий аҳамият касб этди.

1942 йил апрелида Ўзбекистон Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган кенгаш томонидан мўлжалланган ишларнинг аксари давр шаронтига кўра бажарилмай қолишига қарамай, режалар бесамар кетмади. Улар кўп ўтмай, тинч қурилиш йилларида бажарила бошлаган ва тугатилган ишларга асос бўлди. Хусусан, Н. Пиксановнинг «Горький ва миллий адабиётлар» (1946), В. Жирмунский ва Ҳ. Зарифовнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» (1947) номли фундаментал тадқиқотлари монография сифатида босилиб чиқди.

М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг Тошкентга эвакуация қилинган олимлари ташаббуси билан 1942 йилда «Ўзбек совет адабиёти тарихидан очерклар» яратиш устида иш бошланди. Ўз вақтида тугалланмай қолган бу иш муаллифлари қаторида тахминан йигирма йилдан сўнг шу йўналишда яратилган фундаментал тадқиқот муаллифларидан И. О. Султонов ва Ҳ. И. Ёқубов ҳам бор эдилар.

Уруш даврига келиб айрим ўзбек шоирлари салобат жиҳатидан рус ва бошқа қардош халқларнинг атоқли шоирлари билан бир сафда тура олиш даражасига кўтарилиб етди. Бу ҳодиса ўша вақтдаёқ ёзувчи ва танқидчилар томонидан эътироф этилди.

И. Уткин ёзади: «Садоқат мавзуи К. Симонов, А. Сурков, Е. Долматовский сингари ёзувчилар ижодида муваффақият билан тасвирланмоқда. Миллий ўз ўзини англамоқ масаласи Л. Первомайский ижодида ижобий ҳал этилмоқда. Тишларини палидона ғижирлатиб турган фашизм қаршисидаги миллий қон-қардошлик мавзуи ўзбек шоири Ғафур Ғулом томонидан юксак савияда акс эттирилмоқда»⁵⁸.

Шуниси эътиборли-ки, таниқли рус адиблари ва танқидчилари Ғ. Ғулом ижодига унда халқлар дўстлиги ва интернационализм мавзуи қўйилишигагина эмас (бу масала ижодида акс этмаган совет шоири йўқ дейиш

⁵⁸ Уткин И. Писатель и чувство народа//Литература и искусство. 1943. 17 апреля.

мумкин), балки унинг санъаткорона бадий ҳал этилишига, яъни бадий маҳоратига жиддий эътибор бера бошладилар.

Уруш даври танқидчилиги Ғ. Ғулом буюклигининг, маҳоратининг сирларидан бири — унинг асарларида халқлар дўстлиги ва интернационализм мавзуи, ғояси халқчил, миллий, ўзбекона шаклда новаторлик билан ифодаланишидадир деган хулоса чиқарди. Шундай фикрни айтганлардан бири К. Чуковский бўлди. Ғафур Ғулом интернационализи шунинг учун ҳам таъсирчан ва қудратлики, шунинг учун ҳам, ўзига хос ва бетакрорки, дейди у, бу интернационализм ифодаланмоқда бўлмиш шакл халқчилдир, қолаверса, миллий ва ўзбеконадир⁵⁹.

К. Чуковский шу мақоласида Ғ. Ғулом ижодига хос бўлган яна бир қанча хусусиятларни очиб беради. Унинг таъкидлашича, Ғ. Ғулом кўп услубли («многостильный») шоирдир. Айниқса халқ туйғуларини ифодалаш, фикриятнинг ҳиссийлиги («осердеченность мыслей») шоир ижодининг етакчи белгисидир. У сермиқёс, серкўлам, умумлашма ҳолдаги титаник масалаларни кўтариб чиқса-да, бу масалаларни инсон қалбининг назокатларини кўрсатиш билан уйғунликда бера олади. Назокат эса, шеъриятнинг энг мураккаб соҳаларидан биридир. Унинг ўзбек оиласи томонидан рус боласининг тарбияга олиниши тасвирланган асари, фарзандини фронтга жўнатиш акс эттирилган шеъри халқ туйғуларини ифодалашдан заррача чекингани тақдирда сентименталликка айланиб қолиши турган гап эди. Бироқ бу шеърлардан сентименталлик эмас, аксинча, буюк ҳаётний қудрат уфуриб туради, чунки уларда халқнинг юксак ва талабчан диди, халқ қатъияти маҳорат билан тасвирланган⁶⁰.

1943 йилнинг декабрида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати кунлари ўтиши муносабати билан улкан рус адиблари ўзбек халқининг ўтмиши ва бугуни, маданияти ва санъати, тарихи ва адабиёти ҳақида чуқур интернационал пафос билан йўғрилган фикрларни айтдилар. Масалан, И. Эренбург шундай деган эди: «Бу (ўзбек — Б. Н.) халқнинг санъати юксакдир. Бу санъат кечагина вужудга келган эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир. (Босқинчи) немис ёввойилар: ўзбеклар кўчманчи халқ бўлиб, бу халқни герман маданияти

⁵⁹ Литература и искусство. 1944. 24 декабря.

⁶⁰ Уша жойда.

билан суғориш керак, деб гапиряптилар-а. Гитлернинг қадимги замон боболари ҳайвон кийимига бурканиб, ўрмонда дайдиб юрган вақтларида ўзбеклар ғазаллар яратар ва шафтоли етиштирар эдилар»⁶¹.

Ўз фикрини давом эттира бориб И. Эренбург ўзбек шоирларининг уруш даврида ёзган ва ёзаётган асарларига, хусусан, улардаги интернационал пафосга юқори баҳо беради. «Гитлер яҳудийларни мўлжалга олиб отаётган бир пайтда совет мамлакатида бир шоир чиқиб, у қонхўр аҳмоқнинг башарасига қараб: «Мен яҳудийман» дейди. Бу — ўзбек шоири Ғафур Ғулом эди».

Москвадаги ўзбек адабиёти ва санъати кунларида ижодкорларимиз талабчан санъат шинавандалари ва мутахассисларининг имтиҳонидан муваффақият билан ўтдилар. Ўзбек адибларининг асарлари кенг муҳокама қилинди ва юқори баҳога сазовор бўлди. Марказий матбуот саҳифаларида ўзбек адабиётининг мамлакатимиздаги илғор адабиётлардан бири даражасига кўтарилганлиги ҳақида мақолалар босилди. Кенг халқ оммаси билан учрашувлар ўтказилди. Масалан, 1943 йил 13 декабрда Ленин комсомоли номли Москва театридаги учрашувда И. Н. Берсенев ва Олег Фрейлих Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна» драмасидан, шу театр артисти В. В. Всеволодов И. Султоннинг «Бургутнинг парвози» драмасидан парчалар ўқидилар. Москва томошабинлари бу асарларни олқиш билан кутиб олди.

Декада катта уюшқоқлик билан ўтди. Унда фақат Ўзбекистондан борган ижодкорларгина эмас, фронт линиясидан етиб келган ўзбек қаламкашлари ҳам иштирок этдилар. Масалан, 1943 йил 19 декабрда Москва консерваторияси залидаги учрашувга капитан Мирзакалон Исмоилий ва лейтенант Адҳам Раҳмат фронтдан етиб келдилар. Рус адиблари ва танқидчилари ўзбек қаламкаш дўстларининг барча жанрдаги — поэтик, прозаик ва драматик асарларига ўзларининг муносабатларини билдирдилар.

Александр Дейч «Муқанна» драмасининг қатор фазилатлари ҳақида фикр юритар экан, муаллифнинг замонавийлик масаласида намоён бўлувчи маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шоир ўз драмасида узоқ мозийга алоқадор даврдаги ҳаётдан олинган ватанга муҳаббат ва эрк масаласини талқин этса-да, аслида,

⁶¹ Москвада ўзбек адабиёти кечалари//Қизил Ўзбекистон. 1943. 17 декабрь.

ҳозирда бутун совет халқининг юрагида қайнаб турган муҳим муаммони акс эттиради⁶², дейди у. Бу масала асарнинг буткул моҳиятини қамраб олади. Яъни, А. Дейч талқинича, Ватанга муҳаббат ва эрк масаласи драманинг асосий линиясини ташкил этган, Муқанна ва унинг сафдошларининг Ватан озодлиги учун олиб борган қаҳрамонона курашларидагина эмас, балки асарнинг бошқа барча ёрдамчи линияларида ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, Муқанна ва Гулойиннинг ўзаро муҳаббати, бир-бирига етмоқ истагани икки дил туйғуларининг интилишигина эмас, ундан чуқурроқ ва теранроқ маънога эга. Муқанна ва Гулойин севгиси халқ бахти ва орзуси билан чуқур боғланган муҳаббатдир. Бу бахтни эса, фақат қурол билан, фақат Ватанни босқинчилардан озод қилиш билангина қўлга киритиш мумкин. Шу тариқа, икки қалб муҳаббатининг талқини ҳам Ватан озодлиги билан чамбарчас алоқадорликда белгиланадики, бу талқин асар яратилган давр учун чуқур замонавий аҳамият касб этади.

Умуман, муҳаббатни кўпинча Ватан тақдири, Ватан бахти билан ажралмас бирликда тасвирлаш Ҳ. Олимжон услубининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Чунончи, Ал. Дейчининг юқоридаги фикрига яқин бўлган фикрни бошқа бир рус танқидчиси Ҳ. Олимжоннинг бошқа бир асари таҳлили мисолида ҳам илгари суради. Л. Бать шоирнинг «Севимли диёр тараннуми» (1944; рус тилида) номли китобига ёзган тақризида «Зайнаб ва Омон» достонидаги икки ёш қалбнинг муҳаббати, бахти бамисоли бутун озод бўлган юрт бахтини тажассум этгандай бўлади⁶³, деган фикрни айтади.

Умуман, бу даврда рус танқидчилиги Ҳ. Олимжон маҳорати қирраларини, унинг ўзига хос бўлган ижодий услубини, шоир ижодидаги реализм ва романтизмнинг синкретик бирлигида намоён бўлувчи ҳаққонийлигини очишга алоҳида аҳамият берди. Хусусан, Жирмунскийни Ҳ. Олимжон ижодидаги романтика товланишлари ўзига жалб қилади. «Романтизм Ҳамид Олимжон поэзияси учун чуқур ва бокира шеърӣй илҳом булоғи

⁶² Қаранг: Дейч Ал. «Муқанна» — драма Алимджана//Огонёк. 1943. № 36. С. 13.

⁶³ Бать Л. Стихи о любимой земле. Огонёк. 1944. № 52. С. 10.

бўлди»⁶⁴, — деб ёзган В. Жирмунский, айни вақтда, Ҳ. Олимжон шеъриятидаги романтик тенденцияга асос бўлган сабабни ҳам белгилашга интилади. Ухшаши йўқ она Ватан, она халқ ва унинг тенгсиз табиятига бўлган чексиз муҳаббат шоир романтикасини озиклан-тирган асосий омиллардир, дейди у.

В. Жирмунский Ҳ. Олимжон ижодини синчковлик билан кузатар экан, унинг таланти шаклланиши ва маҳоратининг барг ёзувида илғор рус адабиёти ва Шарқ классик шеърятининг ҳаётбахш анъаналари катта роль ўйнади деган хулосага келади ва бу фикрини конкрет мисоллар асосида кўрсатиб беради. Масалан, «Зайнаб ва Омон» достонидаги Зайнабнинг Омонга ёзган мактубида намоён бўлувчи шоир маҳоратида Жирмунский, бир томондан, Татьянанинг Онегинга, иккинчи томондан, Ширин ва Лайлиларнинг севганларига йўллаган мактубларида зоҳир бўлувчи шоирлар маҳоратининг таъсирини кўради.

Ҳ. Олимжон бу масалада ўз салафларини такрорламайди, мактуб приёмдаги улар маҳоратини ижодий ўзлаштиради. Ўз олдига қўйган ғоявий ниятини ҳал қилишда социалистик реализм методида ижод этаётган янги давр, янги жамият санъаткорига хос бўлган ижодий принципларга амал қилади. Яъни, Навоий ва Пушкин ўз асарларида муҳаббат масаласини марказга қўйган ҳолда, фақат севги, оила муаммосинигина эмас, у билан алоқадор бўлган жамиятнинг, даврнинг бир кўп бошқа ижтимоий проблемаларини бадий акс эттирган бўлсалар, Ҳ. Олимжон ўз даври, ўз халқи ҳаётининг долзарб масалаларини бадий гавдалантириб беради. Яқин-яқиндагина тақдири, оиласи ва муҳаббатини хоҳишича ҳал қилолмаган, меҳнати самараларига ўзи эга бўлолмаган ўзбек халқи совет жамияти туфайли буларнинг барчасини ўзи ҳал қила оладиган даражага кўтарилиб етувини акс эттирди.

Уруш даври республикамизда яшаб ижод этган рус адабиётшунослари, танқидчилари ўзбек шоирлари, ёзувчилари ижодида мана шу жараённинг нечоғлиқ тўлақонли акс эттирилгани ва эттирилаётгани масаласига эътибор бердилар.

Эскилик қолдиқлари, яқин-яқиндагина енгиб бўлмас тўсиқлар ҳисобланган муҳаббат муаммолари энди Ўзбекистонда янги ҳаётнинг азамат одимлари туфайли

⁶⁴ Ҳамид Алимджан. Избранное. Ташкент. 1944. С. 6.
В. Жирмунский ёзган сўз бошидан.

бамисоли қуёш нури ва ёмғир таъсирида нураб, қулаб тушаётган эски деворлардек емирилиб бормоқда. Ўзбек адиблари, хусусан, Ҳ. Олимжон ижодида бу масала ўзининг равшан бадий ифодасини топмоқда⁶⁵, деган К. Зелинский ҳам худди ана шу масалага эътиборни қаратган эди.

Рус танқидчилиги ўзбек адабиётининг, хусусан, шеърятининг, шу — Улуғ Ватан уруши даврида том маънодаги камолот босқичига кўтарилиб етганини бир овоздан эътироф этди. А. Фадеев ва И. Эренбург ҳам, Тихонов ва И. Уткин ҳам, К. Зелинский ва В. Луговской ҳам, Л. Батъ ҳам шу фикрни илгари сурдилар.

Хусусан, С. Бородин Ғ. Ғуломнинг «Иду с Востока» тўпламига ёзган тақризида («Правда», 1943 йил 13 декабрь) шоир ўзининг камолот босқичига Улуғ Ватан урушининг энг оғир йилларида кўтарилиб етди, деган фикрни айтса, В. Луговской Зулфиянинг «Верность» тўпламига (1943) ёзган сўз бошисида: биз уруш даврида ўзбек шеърятига ниҳоятда ҳурмат билан ёндашиш лозимлигига ўрганиб қолдик, чунки ўзбек шоирлари умуман совет адабиётидаги Улуғ Ватан уруши мавзунинг ишланиши масаласига ўзларига хос бўлган жўшқинлик, тиниқлик ва патетикани олиб кирдилар, деган эди. Бу, шубҳасиз, ўзбек адабиётига бундан 40 йил илгариёқ берилган юқори баҳо эди.

В. Луговской Зулфиянинг юқоридаги тўпламига ёзган сўз бошисида, шоиранинг бу даврга келиб аниқ шакл ола бошлаган ва сўнгги босқичларда янада чуқурлашажак ўзига хос услубини кўрсатиб берган эди. «Уни Фарҳод дер эдилар» асари Зулфия ижодида муҳим ўрин ишғол қилади ва шоиранинг воқеликни ҳис этиши, дунёқарашини белгилашда жиддий аҳамият касб этади, дейди В. Луговской. Шоиранинг қайси бир шеърида замин, муҳаббат, уруш ҳақида гапирилмасин, доимо некинлик ва ҳаёт боқийлигини тасдиқловчи оҳанг баралла жаранглашини кўрамиз. У уруш даҳшати, андуҳи ва фожиясини хаспўшлаб, камайтириб эмас, қандай бўлса, шундайлигича — ҳаққоний тасвирлайди. Зулфия ғалабанинг баайни ҳаётдаги кўклам сингари, албатта, келажакка комил ишонч билан боқади, деб ёзади В. Луговской.

Бу — кейинчалик Зулфия ижодида мустаҳкам қарор топадиган индивидуал услубнинг, ўзига хос мане-

⁶⁵ Ҳамид Алимджан. Зейнаб и Аман. Ташкент. 1943. Китобга К. Зелинский ёзган сўз бошидан.

ранинг шу давр асарлари мисолидаёқ зийраклик билан илғаб олиними эди. Бу Зулфия ижоди мисолида намоён бўлаётган уруш даври ўзбек шеърятининг неқбин фазилатларига ишора эди.

Ўзбек шоирларининг маҳоратини, ўзига хослигини очишга интилиш Шайхзоданинг «Сааз» (рус тилида, 1943) тўпламига Абрам Эфрос сўз бошисининг ҳам асосини ташкил қилади.

Шайхзода ўзининг дастлабки китобларида, дейди А. Эфрос, бирданига ҳам тарихчи-мутафаккир, ҳам лирик-социолог сифатида намоён бўлишга интиларди. Шайхзода ижодининг илк босқичида куртак ҳолида кўринган бу фазилатлар йиллар ўтгач, тинимсиз меҳнат туфайли шаклланган услуб даражасига кўтарилди. Шайхзода шеърларида давр ҳаёти акс эттирилар экан, бу ҳаёт тарих бағрида яшириниб ётган ўқ илдизлари билан алоқадорликда тасвирланади, мозий ҳаёти ва ҳодисалари қаламга олинар экан, уларнинг бугунгача етиб келган нурлари билан алоқадорликда бадий жонлантира олиш етакчилик қилади. Қатор шеърларида эса бу икки фактор бир бутунликни ташкил этади. Абрам Эфрос кузатишича, бу услуб шоир ижодининг луғатини ҳам, образлар оламини ҳам, мавзу диапазонини ҳам тайинлайди. Шайхзоданинг Ўрта Осиё шеърятини учун хос бўлган барча жанр ва шаклларда қалам тебратта олиши, шунингдек, унга совет шеърятининг Маяковский, Багрицкий, Пастернак сингари лирикларидан ўтган шеърятнинг деярли барча жанр ва шаклларида эркин ижод қила билиш салоҳиятини ҳам унинг услуби тайин этади. «Сааз» тўпламига кирган «Киров хотираси», «Ўртоқ Навоий», «Кремль соати», «Қисмат», «Октябрь» каби шеър ва балладалар танқидчига юқоридаги фикрларни илгари суришга асос бўлади.

Уруш даври рус танқидчилиги Шайхзода ҳақидаги фикрда, унинг услубини белгилашда яқдил бўлди дейиш мумкин. 1944 йили Москвада ОГИЗ нашриётида Павел Антакольский таҳрири остида «Поэты Узбекистана — фронту» номли тўплам чиқди. Тўплам ниҳоясида унга асарлари кирган шоирлар ҳақида қисқача маълумот берилади. Бу ерда Шайхзода ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: «Шоир Шайхзодада фикр биринчи ўринда туради. Унинг аксар шеърлари асосини фалсафий мундарижа ташкил этади... Мазкур шеърлар Шарқ ва Ғарб маданияти чорраҳасида туғил-

бамисоли қуёш нури ва ёмғир таъсирида нураб, қулаб тушаётган эски деворлардек емирилиб бормоқда. Ўзбек адиблари, хусусан, Ҳ. Олимжон ижодида бу масала ўзининг равшан бадиий ифодасини топмоқда⁶⁵, деган К. Зелинский ҳам худди ана шу масалага эътиборни қаратган эди.

Рус танқидчилиги ўзбек адабиётининг, хусусан, шеърятининг, шу — Улуғ Ватан уруши даврида том маънодаги камолот босқичига кўтарилиб етганини бир овоздан эътироф этди. А. Фадеев ва И. Эренбург ҳам, Тихонов ва И. Уткин ҳам, К. Зелинский ва В. Луговской ҳам, Л. Бать ҳам шу фикрни илгари сурдилар.

Хусусан, С. Бородин Ғ. Ғуломнинг «Иду с Востока» тўпламига ёзган тақризида («Правда», 1943 йил 13 декабрь) шоир ўзининг камолот босқичига Улуғ Ватан урушининг энг оғир йилларида кўтарилиб етди, деган фикрни айтса, В. Луговской Зулфиянинг «Верность» тўпламига (1943) ёзган сўз бошисида: биз уруш даврида ўзбек шеърятига ниҳоятда ҳурмат билан ёндашиш лозимлигига ўрганиб қолдик, чунки ўзбек шоирлари умуман совет адабиётидаги Улуғ Ватан уруши мавзунинг ишланиши масаласига ўзларига хос бўлган жўшқинлик, тиниқлик ва патетикани олиб кирдилар, деган эди. Бу, шубҳасиз, ўзбек адабиётига бундан 40 йил илгарирёқ берилган юқори баҳо эди.

В. Луговской Зулфиянинг юқоридаги тўпламига ёзган сўз бошисида, шоиранинг бу даврга келиб аниқ шакл ола бошлаган ва сўнгги босқичларда янада чуқурлашajak ўзига хос услубини кўрсатиб берган эди. «Уни Фарҳод дер эдилар» асари Зулфия ижодида муҳим ўрин ишғол қилади ва шоиранинг воқеликни ҳис этиши, дунёқарашини белгилашда жиддий аҳамият касб этади, дейди В. Луговской. Шоиранинг қайси бир шеърида замин, муҳаббат, уруш ҳақида гапирилмасин, доимо некинлик ва ҳаёт боқийлигини тасдиқловчи оҳанг баралла жаранглашини кўрамиз. У уруш даҳшати, андуҳи ва фожиасини ҳаспўшлаб, камайтириб эмас, қандай бўлса, шундайлигича — ҳаққоний тасвирлайди. Зулфия ғалабанинг баайни ҳаётдаги кўклам сингари, албатта, келажакка комил ишонч билан боқади, деб ёзади В. Луговской.

Бу — кейинчалик Зулфия ижодида мустаҳкам қарор топадиган индивидуал услубнинг, ўзига хос мане-

⁶⁵ Хамид Алимджан. Зейнаб и Аман. Ташкент. 1943. Китобга К. Зелинский ёзган сўз бошидан.

ранинг шу давр асарлари мисолидаёқ зийраклик билан илғаб олиними эди. Бу Зулфия ижоди мисолида намоён бўлаётган уруш даври ўзбек шеърятининг неқбин фазилатларига ишора эди.

Ўзбек шоирларининг маҳоратини, ўзига хослигини очишга интилиш Шайхзоданинг «Сааз» (рус тилида, 1943) тўпламига Абрам Эфрос сўз бошисининг ҳам асосини ташкил қилади.

Шайхзода ўзининг дастлабки китобларида, дейди А. Эфрос, бирданига ҳам тарихчи-мутафаккир, ҳам лирик-социолог сифатида намоён бўлишга интиларди. Шайхзода ижодининг илк босқичида куртак ҳолида кўринган бу фазилатлар йиллар ўтгач, тинимсиз меҳнат туфайли шаклланган услуб даражасига кўтарилди. Шайхзода шеърларида давр ҳаёти акс эттирилар экан, бу ҳаёт тарих бағрида яшириниб ётган ўқ илдизлари билан алоқадорликда тасвирланади, мозий ҳаёти ва ҳодисалари қаламга олинар экан, уларнинг бугунгача етиб келган нурлари билан алоқадорликда бадий жонлантира олиш етакчилик қилади. Қатор шеърларида эса бу икки фактор бир бутунликни ташкил этади. Абрам Эфрос кузатишича, бу услуб шоир ижодининг луғатини ҳам, образлар оламини ҳам, мавзу диапазонини ҳам тайинлайди. Шайхзоданинг Ўрта Осиё шеърятини учун хос бўлган барча жанр ва шаклларда қалам тебрата олиши, шунингдек, унга совет шеърятининг Маяковский, Багрицкий, Пастернак сингари лирикларидан ўтган шеърятнинг деярли барча жанр ва шаклларида эркин ижод қила билиш салоҳиятини ҳам унинг услуби тайин этади. «Сааз» тўпламига кирган «Киров хотираси», «Ўртоқ Навоий», «Кремль соати», «Қисмат», «Октябрь» каби шеър ва балладалар танқидчига юқоридаги фикрларни илгари суришга асос бўлади.

Уруш даври рус танқидчилиги Шайхзода ҳақидаги фикрда, унинг услубини белгилашда яқдил бўлди дейиш мумкин. 1944 йили Москвада ОГИЗ нашриётида Павел Антакольский таҳрири остида «Поэты Узбекистана — фронту» номли тўплам чиқди. Тўплам ниҳоясида унга асарлари кирган шоирлар ҳақида қисқача маълумот берилади. Бу ерда Шайхзода ҳақида қуйидаги фикрларни ўқиймиз: «Шоир Шайхзодада фикр биринчи ўринда туради. Унинг аксар шеърлари асосини фалсафий мундарижа ташкил этади... Мазкур шеърлар Шарқ ва Ғарб маданияти чорраҳасида туғил-

ганким, бу хусусият уларга айрича ўзига хослик бағишлайди»⁶⁶.

Бироқ, бу фазилатлар Шайхзода ижодининг характерли хусусияти экани фақат уруш давригагина келиб аниқлани дейиш, бир ёқламалик бўлур эди. Шайхзода ижодининг фалсафий йўналиши, унинг сиймосидаги мутафаккирлик белгилари, асарларидаги Шарқ ва Ғарб маданиятининг синкретлашуви каби хусусиятлар Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ҳ. Ёқубов ва бошқалар томонидан ҳам 30-йиллар ва 40-йилларнинг аввалида эътироф этилган эди. Юқоридаги фикрлар мана шу қарашларнинг асосли эканлигини кўрсатди.

Барча даврларда бўлгани каби, асарларда ҳам мавзу ўхшашлиги, мавзу яқинлиги бўлиши табиий бир ҳолдир. Масалан, Ватан, муҳаббат, халқлар дўстлиги, қаҳрамонлик, Москва, фашизмга нафрат ва бошқалар. Лекин, бундан қатъий назар, бу мавзуларни ёритишда ҳар бир шоир ўз йўлидан борди, ўзига хослигини намоиш қилишга интилди. Бу масалалар Ҳ. Олимжон ижодида, масалан, романтик кўтаринкилик билан ёритилса, Ғ. Ғуломда кўпроқ даъват, чақириқ, патетика устунлик қилади. Шайхзодада фалсафий фикрлашга тамойил кучли бўлса, Миртемир ва Темур Фаттоҳда халқ оғзаки ижоди анъаналаридан, унинг традицион образлари, шеърий шаклларида баракали фойдаланиш бўртиб кўринади. Уруш даври Темур Фаттоҳ ижоди учун замонавий Гўрўғли ва Алпомишларни куйлаш характерли хусусиятдир, деганда Ал. Дейч ҳақ эди. Темур Фаттоҳ ўз асарларида фольклор анъаналаридан фойдаланар экан, бу масалага ижодий ёндашишни унутмади, жанг майдонларида Ватанни ҳимоя қилаётган қаҳрамонларнинг совет кишисига хос бўлган индивидуал белгиларини бўрттириб кўрсатишни диққат марказида тутди. Немис офицерини ўз саманига ўтқазиб, асир олиб келган жасур чавандоз Аҳмад Далиевга бағишланган «Йигит» шеъри ҳам, тарихий шахслар — Қўчқор Турдиев, Муҳаммад Иброҳимовлар акс этирилган асарлар ҳам ана шу фазилатларига кўра Ал. Дейчнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Маълумки, урушдан аввалги даврда лирикага турлича янглиш қарашлар кўринган, яъни лирика қаҳрамоннинг фақат ички туйғуларини тасвирлашдан иборат экан, бу — реал воқеликни акс этиришдан қочиш демакдир, бу эса, ўз навбатида «романтизмга чекиниш»

⁶⁶ Поэты Узбекистана — фронту. М., 1944. С. 71.

бўлади, деган нотўғри қарашлар бўлган эди. Бундай қарашларга урушдан илгариёқ тегишли зарба берилган эди, уруш йилларига келиб бу зарбанинг нақадар тўғри экани яна бир карра аён бўлди. Уруш даври совет поэзиясида лирика жаҳон адабиёти тарихида ҳеч қачон кўрилмаган миқёсда ва мисли кўрилмаган даражада муҳим аҳамият касб этди. Сиёсий, гражданлик, фалсафий лирикадан ташқари, масалан, интим ва муҳаббат лирикаси халқнинг ватанпарварлик туйғуларини жунбишга келтиришда, фашизмга қарши нафратни оловлантиришда катта роль ўйнади.

Шунинг учун ҳам Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ғ. Ғулом, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Зулфия, А. Умарий, Зафар Диёр, Т. Фаттоҳ ва бошқаларнинг уруш даври интим ва муҳаббат лирикаси мамлакат ичкарасида ҳам, фронтда ҳам бирдек катта муваффақият қозонди. Шахсий туйғулар уларнинг асарларида гражданлик туйғулари билан уйғунлашиб кетди.

Темур Фаттоҳ шеърлари ҳақида гапира туриб Ал. Дейч: «Шоирнинг шахсий, интим ҳиссиётларида кўп ҳолларда гражданлик туйғулари ўз ифодасини топади. Чунки, ваҳшийлик, босқинчилик, фашизмга қарши кураш, айни вақтда муҳаббат, садоқат, дўстликни ўзида мужассам этувчи буюк инсоний ғурур учун ҳам кураш эканлигини шоир жуда яхши тушунади»⁶⁷, — деганда шу нарсани назарда тутган эди. Зотан, Темур Фаттоҳнинг бу китобига кирган «Қасос қўшиғи», «Дутор», «Сен келдинг», «Она мактуби» сингари шеърлари юқоридаги фикрга ёрқин иллюстрация бўла олади.

Бу йилларда ўзбек адабиёти ҳақида энг кўп мақола ёзган рус танқидчиларидан бири Корнелий Зелинский бўлди. Унинг «Узбекская литература в дни войны», «Искусство Узбекистана — сегодня», «Лейли и Меджнун», «Мукими», «Поэт — полководец», «Памяти поэта Ҳамида Алимджана», «Узбекские поэты и Война», «Поэты Узбекистана» мақолаларида Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» (1943), Ғ. Ғуломнинг «Иду с Востока» (1943) китобларига ёзилган сўз бошиларда уруш даври ўзбек шеъриятининг ҳамда классик адабиётининг қатор муҳим масалалари ёритилди.

«Совет шеъриятининг асосий фазилати, — деб ёзади К. Зелинский, — унинг оптимизмдадир, ижодий такомилнинг кўтаринки руҳидадир. Бу хусусият ҳозирги

⁶⁷ Фаттах Тимур. Серп молодого месяца. 1943. С. 9.

Ўзбек шеърлятида икки-уч ҳисса кучлироқ жарангла-моқда»⁶⁸.

К. Зелинский, айниқса, Ғ. Ғулом асарларида халқлар дўстлиги мотивларининг куйланишига юксак баҳо берди. «Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, совет ва жаҳон поэзиясидан Ғафур Ғулом бажараётган ишларга ўхшаган бирор ҳодисани топиш амримаҳолдир. Сўзларнинг фавқулудда темпераментлилиги, ўзбек шеърляти қонун-қоидаларини бузиб чиқувчи (бу хусусияти билан у рус шеърлятидаги Маяковский новаторлиги билан ҳамнафасдир), куйдай қуйилиб келувчи оловкор сийсий фикрият бу ўзбек шоирини чиндан ҳам жаҳон адабиётининг улкан вакиллари билан бир сафга қўяди»⁶⁹.

К. Зелинский бу давр ўзбек шеърлятидаги инсон концепциясида Горький принципларига яқинлик кўради. Ғ. Ғуломнинг «Мен яҳудий» шеърида фашизмга нафратдан ташқари, Горький кредосига яқин бўлган инсон буюклигидан мағрурлана олиш ҳисси уфуриб туради, дейди у. К. Зелинский А. Умарий шеърларидан биридаги лирик қаҳрамоннинг «юрагимни юлиб олиб, гранатадек улоқтиргум босқинчининг пойига томон» деган фикрига (бу фикр шеърнинг рус тилидаги таржима вариантига онд кўринади — Б. Н.) юқори баҳо беради ва бу асар қаҳрамонини Горькийнинг Данкосига қиёс қилади.

К. Зелинский А. Умарийнинг урушгача бўлган шеърларини уруш даври шеърларига қиёслар экан, унинг бадний структурасида кучли ўзгариш содир бўлди, деган хулосага келади. Аввалги босқич асарларига хос бўлган дунёнинг нурга, табассумга йўғрилганини ифодаловчи қаҳр образи билан алмашинди. Бу умумсовет адабиёти меҳр образи, энди фашизмга нафратни ифодаловчи бадний структурасидаги ўзгаришнинг А. Умарий ижо-дидаги акс садоси эди.

К. Зелинский кузатишича, уруш ўзбек шеърлятига давр тақозо этган янгича бадний образларни ҳам олиб кирди. Масалан, Қиш образи. Бу образ ўзбек шеърляти учун мутлақо бегона эмас, албатта. Бироқ, Ғ. Ғулом бу даврда ёзган «Қиш» шеърида қишни, совуқни символ даражасига кўтаради ва рус қишини «қадрдон қиш» деб атайди. Чунки бу қиш фашизмнинг бошига балолар солган ва ғалабани яқинлаштирган қишдир.

⁶⁸ Ташкентский альманах. Ташкент. 1942. С. 246.

⁶⁹ Уша жойда. 248-бет.

Шеърларида ўзига яқин бўлган табиатни, жазирама оташларни куйлаган Уйғун ҳам қишни мадҳ этади.

Зелинский бу давр адабиётимиз учун характерли бўлган шеърӣй номаларга ҳам юқори баҳо беради. Бу йўналишдаги асарлар, дейди у, халқни ва жангчиларни илҳомлантиришда катта роль ўйнади.

Танқидчи уруш даври ўзбек шеъриятидаги ютуқлар билан бир қаторда, унинг камчиликларини ҳам кўрсатишни унутмади. Чунончи, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, муҳаббат мавзуларига алоҳида эътибор берилгани ҳолда, даврнинг муҳим масалаларидан бири — меҳнат мавзунга ўзбек шоирлари етарли даражада эътибор бермаётирлар, дейди у. Ҳолбуки, уруш даври ҳаётининг реалистик тасвири, шубҳасиз, бу мавзунини ҳам чуқур ва атрофлича ёритишни тақозо қилди. Меҳнат мавзунини ва меҳнат қаҳрамонларисиз даврнинг типик манзарасини тасаввур этиш мумкин эмас. Ахир, фронтдаги ғалабаларга уларни моддий жиҳатдан таъминлаб турган мамлакат ичкарисидagi меҳнат қаҳрамонлари асос бўлмоқда.

Танқидчиликдаги бу каби фикрлар адабий жараёнга таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди, албатта.

Рус танқидчилари бу даврда нашрдан чиққан асарлар ҳақида фикр юритар экан, у хоҳ шу давр шоир ижоди бўлсин, хоҳ классик адабиёт намуналари бўлсин, энг аввало, уларнинг замонавийликда намоён бўлувчи қиммати ва моҳиятини очишга эътибор бердилар. Масалан, 1943 йили Тошкентда Лев Пеньковский таржимасида Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони рус тилида босилиб чиққан эди. Унга Е. Э. Бертельс сўз боши ёзган, таржимон ҳам асар ҳақида, унинг рус тилига ўгирилиши хусусида ўз фикрларини баён қилган Лев Пеньковский, дostonдаги Фарҳод, Ширин, Шопурлар сиймосида халқлар дўстлигининг ажойиб тажассумини кўради ва фашизм халқлар ўртасига нифоқ солиб, немис миллатидан бошқаларни ерга уриб турган бир пайтда, асардаги бу мотив муҳим замонавий аҳамият касб этади, деган фикрни илғари суради. «Фарҳод ва Ширин» достони ҳозир манфур немис фашизмига қарши курашда бир қурол бўлиб хизмат қилади. Бу асар бамисли Фарҳод томонидан Хусрав гандзандаларига итқитилган тошдек фашизмни аниқ нишонга олиб отилган ўқдир»⁷⁰, — деб ёзади Лев Пеньковский.

⁷⁰ Алишер Навоӣ. Фарҳад и Ширин. Ташкент. 1943. С. 40.

Классик адабиётимиз намуналарининг замонавий аҳамияти ҳақидаги жиддий фикр 1943 йили рус тилида нашр этилган «Лайли ва Мажнун» хусусида ҳам айтилди. Қитоб Е. Э. Бертельснинг сўз бошиси билан очилади. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги замонавийлик ҳақидаги фикр асарнинг халқлар дўстлиги акс эттирилган линияси хусусида билдирилган бўлса, «Лайли ва Мажнун» достони нашр этилиш муносабати билан нашриёт билдирган фикрда бошқа бир масалага урғу берилади. Бу — мазкур даврда классик адабиётнинг ўлмас намуналарини нашр этишнинг қиммати ва аҳамиятига доир фикрдир. Яъни, инсониятнинг ақл-идроки яратган барча гўзалликларга, санъат ва маданият обидаларига фашизм қирон келтириб турган бир пайтда Совет Иттифоқи бошқа эркесвар халқлар билан бир қаторда ўзининг фақат шон-шарафигина эмас, маданиятини ҳам сақлаб қолиш учун курашмоқда. «Буюк муҳаббат ва қардошлик туйғулари билан суғорилган «Лайли ва Мажнун»нинг нашр этилиши ҳозирги кунда айни замонавийдир»⁷¹.

Биз Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида умумий маълумотлар берувчи Петр Скосиревнинг «Алишер Навои — великий узбекский поэт-гуманист XV века» (Москва, 1945; китобча асосида муаллифнинг 1945 йил 30 июлда Москвадаги Союзлар уйида ўқилган доклады ётади) номли рисоласини, Уйғун сўз бошиси билан босилиб чиққан Муқимийнинг «Танланган асарлари»ни (Т., 1942) ҳам ана шундай баҳолай оламиз. Муқимийнинг Уйғун ва Н. Ушаков сўз бошиси билан эълон қилинган рус тилидаги «Лирика и сатира» номли тўплами (Т., 1948) ҳам, Уйғуннинг «Жангчи кутубхонаси» серияси остида чиққан «Алишер Навоий» номли рисоласи ҳам (Т., 1942) шундай баҳога сазовордир.

Умуман, бу даврда рус танқидчиларини классик ва замонавий ўзбек адабиётидаги инсон концепцияси кўпроқ қизиқтиради. Корнелий Зелинский инсон концепциясида замонавийлик масаласига кўпроқ аҳамият беради. Бугун, немис фашистлари инсон тушунчаси билан алоқадор бўлган барча нарсаларни оёқ ости қилиб турган бир пайтда, — дейди К. Зелинский, — ўқувчи ажойиб ва бокира инсоний муҳаббат туйғулари тараннум этилган Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонини алоҳида меҳр ва ифтихор билан қўлга ола-

⁷¹ Алишер Навои. Лейли и Меджнун. Ташкент. 1943. С. 3.

ди⁷². Қ. Зелинский Зайнаб ва Омонни Ғарбнинг мислсиз қаҳрамонлари Ромео ва Жульеттага қиёс қилади. Бироқ замонавий ўзбек Ромео ва Жульеттаси ҳақидаги қисса бахтли тақдирнинг бадиий ифодасидир, деб хулоса чиқаради Қ. Зелинский. Бу дoston инсонийликни мадҳ этиш билан ҳам айниқса қимматлидирки, у фашизмнинг зўравонлик сиёсатига қарши муносиб зарба бўлиб туша олади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, рус танқидчилари ва адабиётшунослари бу даврда ўзбек адабиётидаги замонавийлик проблемасини таҳлил этишга алоҳида аҳамият бердилар, бу масаланинг тарихий ва замонавий асарлар мисолида кўринувчи турли қирраларини очишга ҳаракат қилдилар. Танқидчиликдаги бу фикрлар адабий жараён ва халққа жиддий амалий таъсир кўрсатди.

Бу давр Ўзбекистондаги рус танқидчилиги ва адабиётшунослиги фақат ўзбек адабиёти масалалари билангина эмас, рус ва қардош халқлар адабиёти билан ҳам шуғулланди, умуман Иттифоқ адабиётшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшди. 1942 йили Тошкентда рус тилида Иосиф Уткин таҳрири остида «Мы победим» номли адабий-бадиий альманах босилиб чиқди. Бу альманахдаги проф. М. Цявловскийнинг Пушкин ҳақидаги «Великий поэт — патриот», проф. Н. Бродскийнинг Лермонтов ҳақидаги «Поэт — воин», М. Живовнинг «Адам Мицкевич — поэт славянства и борец за свободу народов» сингари адабий мақолалари бу давр Ўзбекистондаги рус танқидчилигининг, бир томондан, улкан классиклар ижодини тадқиқ этишни сусайтирмаганликларини, иккинчи томондан эса, ўз эътиборларини классиклар шахси ва ижодининг шу давр учун қимматли бўлган фазилатларини тадқиқ этишга қаратганликларини кўрсатади.

Жангу жадал йилларида халқ тарихини, маданий меросни ўрганишга эътибор берилди. Бунинг сабаби классикларнинг ватанпарварлик, гуманизм руҳи билан йўғрилган асарларини замон хизматига бўйсундириш, улар шахси ва ижоди орқали даврнинг муҳим масалаларини илгари суриш билан изоҳланади. Бундан ташқари, халқ тарихи, адабиёти ва маданияти тарихини ўрганиш иши, шубҳасиз, шу халқнинг ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга эди.

Классик адабиёт масалаларини ўрганишга ҳамда

⁷² Хамид Алимджан. Зейнаб и Аман. СП. 1943. С. 3.

Ўзбек халқи тарихи, маданияти генезисини ўрганишига бу даврда рус олимлари катта ҳисса қўшдилар. А. Ю. Якубовскийнинг «К вопросу об этногенезе узбекского народа» (1941), С. П. Толстовнинг «Древняя культура Узбекистана» (1943), Е. Э. Бертельснинг «Навои и Джами» (1945), «Навои и литература Востока» (1941), «Узбекский поэт Дурбек и его поэма о Иосифе Прекрасном» (1944), «Хибат-ал-Хакайик» Ахмеда Югнаки» (1945), В. Жирмунскийнинг «Узбекский народный героический эпос» (1943, мақола) сингари тадқиқотлари, Е. Э. Бертельс, Пеньковский, В. Кирпотин, Л. Климович, С. Липкин, П. Скосирев, К. Зелинскийларнинг Навоий достонлари ҳақидаги мақола ва тақризлари ўзбек классик адабиётининг бу даврда чуқур ўрганила бошлаши билан бир қаторда, келажакда унинг мураккаб проблематик масалаларини ҳал этишга замин ҳозирлади.

Уруш даврида фақат танқидчиликкина эмас, ҳатто адабиётшунослик ҳам имконият даражасида замонавийлик учун курашдаги жанговар фазилатларини намойиш қилишга интилди. Шундай ҳоллардан бири классик адибларнинг шу давр учун муҳим замонавий аҳамият касб этувчи хусусиятларини очиб беришда намоён бўлди. Масалан, Алишер Навоийнинг Пеньковский таржимасида босилиб чиққан (1943) «Фарҳод ва Ширин» достонига ёзган сўз бошида Е. Э. Бертельс замон талабидан келиб чиқиб Фарҳод сиймосидаги шу давргача очилмаган янги қирраларини очиб беради. Шаҳзода бўлишига қарамай илм ва санъат сирларига шахсан ўзи кириб бориши, халққа чексиз муҳаббати, унинг оғирини енгил қилишга интилиши Фарҳодни эртакнамо шаҳзода образларидан кескин ажратиб туради, дейди Е. Э. Бертельс. Шуниси эътиборлики, Фарҳод душман жангчиларини ўзича тўғри тушунишга уринади, ҳатто маълум даражада уларга ачинади ҳам. Чунки улар ўз хоҳишлари билан жанг қилаётганлари йўқ. Арман элига мусибат келтирган ҳам аслида уларнинг ўзларигина эмас, балки улар қарам бўлган ҳукмдорлардир... Шу тариқа Е. Э. Бертельс Навоий Фарҳодининг замонавийлиги қирраларидан бирини очиб беради.

Уруш даврида Навоий шахси, ҳаёти ва ижодига муносабат, айниқса қамалдаги Ленинградда рус адиблари ва олимлари томонидан Навоий сиймосига кўрсатилган меҳр ва муҳаббат совет халқлари дўстлиги ва интернационализмининг бетимсол намунаси бўлди.

Навоий таваллудининг 500 йиллигига бағишланган илмий сессиялардан бири (1941 йил 10—12 декабрь) қамал қилинган Ленинградда — Давлат Эрмитажида фашист газандалари шу бинони бомбардимон қилиб турган бир шароитда ўтказилди.

Навбатдаги илмий йиғилишлардан бири СССР ФА Шарқшунослик институти илмий советида шу йилнинг 29 декабрида бўлиб ўтди. Ҳар икки сессияда номлари жаҳонга машҳур бўлган И. Ю. Крачковский, Е. Э. Бертельс, И. А. Орбели, А. Н. Болдирев, Б. Б. Пиотровский сингари шарқшунос алломалар Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад қилдилар, нутқ сўзладилар. «Қишиларнинг бир қисми бинонинг ён-атрофида ва тепа қисмида навбатчиликда туриб, илмий совет давом этаётган жойни душман ташлаган ёндирувчи бомбалардан тозалаб турганларини унутиб бўладими»⁷³.

Юқоридагилардан кўринадики, уруш йилларида Ўзбекистонда яшаб ижод этган рус олимлари замонавий адабий жараёнини ўрганиш ишига ҳам, адабий меросни ўрганиш ишига ҳам катта улуш қўшдилар.

Шу ўринда адабиётшунос Н. И. Дикүшинанинг бир фикрига муносабат билдириб ўтиш ўринли кўринади.

Н. И. Дикүшина уруш даври совет танқидчилигининг катта ютуқларини белгилаш билан бир қаторда, унинг айрим оқсаш сабабларини ҳам кўрсатиб ўтади. Шундай камчиликлардан бири, дейди у, эвакуациядаги танқидчиларнинг адабий фаолиятга дарҳол киришиб кета олмаганликларида намоён бўлди⁷⁴.

Ўзбекистонга эвакуация қилинган таниқли рус адабиётшунослари ва танқидчиларига нисбатан олганда, бу фикрни бирмунча шартли маънода тушуниш тўғри бўлади. Чунки, уруш даврида Ўзбекистонга кўчирилган рус танқидчилари ва адабиётшунослари республикамизга келишлари биланоқ адабий жараёнда фаол иштирок эта бошладилар. Бу давр ўзбек совет адабиётининг жадал суръатлар билан тараққий этишига, умумиттифоқ миқёсига чиқишга актив таъсир кўрсатдилар.

Қисқача назар ташлаганимиз уруш даврида Ўзбекистонда яшаб ижод этган рус олимларининг фаолиятлари бу фикрнинг далилидир.

⁷³ Муродов М. Навоийшунослар жасорати. Тошкент. 1972. 22-бет.

⁷⁴ История русской советской литературы. Т. III. М., 1968. С. 462.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

Ўзбек адабий танқидчилиги уруш йилларининг оғир шароитларига қарамай, ўз зиммасидаги вазифаларини шараф билан бажарди, ёзувчиларимиз маҳоратининг ўсишига, уларнинг асарлари кенг халқ оммаси ичига кириб боришига баракали таъсир кўрсатди.

Шу сабабдан уруш даври ўзбек адабиётида «Навой», «Жалолиддин», «Муқанна», «Маҳмуд Торобий», «Алишер Навоий», «Роксананинг кўз ёшлари», «Сен етим эмассан», «Мен яҳудий», «Капитан Гастелло» сингари асарларнинг майдонга келишида давр талаби, ёзувчиларнинг ўз ижодларига масъулият билан қарашлари, рус ва қардош халқлар адабиётлари улкан вакиллари билан ёнма-ён яшаб ижод этишдаги ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам билан бир қаторда, бу давр ёзма ва оғзаки кўринишдаги адабий танқиднинг ҳам ўзига хос ўрни бор, деб қараш тўғри бўлади.

Бу даврда проблематик мақолалар, умумлаштирувчи тадқиқотларнинг нисбатан озлигидан қатъи назар, адабий танқидчилик кўпроқ тақриз характерида бўлганига қарамай, уруш йиллари ўзбек танқидчилиги ўз тараққиётининг бошқа босқичларига нисбатан пасайди, деб эмас, давр белгилаб берган йўллар билан ўзига хос равишда ривожланиб деб хулоса чиқара оламиз. Бу уруш даври ўзбек танқидчилиги ҳар жиҳатдан бекаму кўст бўлди, деган маънони англатмайди, албатта. Бу йиллар танқидчилиги баъзан асарни унинг пафоси, мазмуни ва ғояси, ҳозиржавоблиги нуқтаи назаридан баҳолашга берилиб кетиб, бу масалаларни асарнинг умумий бадий фазилатлари, характер яратиш санъати сингари проблемалар билан доим ҳам чамбарчас боғланишда талқин қилмади. Бу камчиликлар кейинги йилларда тадрижий равишда бартараф қилиниб борди.

Уруш даврида Ўзбекистонда бир қатор рус танқидчилари ва адабиётшуносларининг яшаб ижод этганлиги, наинки шу давр бадий адабиётимиз ва адабий танқидчилигимиз, балки шу соҳаларнинг келгусидаги ривожига ҳам муҳим роль ўйнади. Рус танқидчилари бу йилларда ўзбек адиблари ижодини таҳлил қила бориб, адабиётимизнинг умумиттифоқ миқёсига кўтарилишига катта улуш қўшдилар.

Бу йилларда ўзбек танқидчилиги ўзининг ҳозиржавоблик ва жанговарликда зоҳир бўлувчи фазилатлари-

ни намоёиш қилди, бадиий асарларни пешма-пеш, оперативлик билан таҳлил қила борди. Шу даврда танқидчилигимизда публицистик руҳ аввалги йилларга нисбатан ўзининг юксалган босқичига кўтарилди.

Жангу жадал йилларида ўзбек танқидчилигининг давр ва ҳаёт билан алоқадорлиги янада мустаҳкамланди. Унда замонавийлик учун кураш янада чуқурлашди. Халқимизнинг ватанпарварлик, қаҳрамонлик, туйғуларини тоблашда, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш ишида адабий танқид ҳам ўзининг интернационал ва гуманистик бурчини муваффақият билан адо этди, буюк ғалабани тезлаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ДАВР ЎЗБЕК ТАНҚИДЧИЛИГИ (1945—1956)

Улуғ Ватан уруши совет халқининг оламшумул ғалабаси билан тугади. Коммунистик партия раҳбарлигида фашизмнинг ёвуз кучларини ва япон тажовузкорларини тор-мор келтирдик. Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабаси адабиёт ва санъатнинг бундан кейинги ривожланиши учун янги шароит яратилишини таъмин этди.

Улуғ Ватан урушидан кейин жаҳон социалистик системаси таркиб топди, бу ҳол жаҳон майдонида капитализм билан социализм ўртасидаги кучлар нисбатини социализм фойдасига тубдан ўзгартириб юборди. Натижада бутун инсониятнинг учдан биридан кўпроғи капитализм билан узил-кесил алоқани узиб, социалистик лагерга бирлашди. СССРнинг халқаро майдонда обрў-эътибори янада ошди.

Урушдан кейин партия ва совет халқининг вазифаси жуда қисқа муддатда халқ хўжалигини қайта тиклаш ва уни янада ривожлантиришдан иборат эди. Партия ва ҳукуматимиз ўзининг бутун диққат-эътиборини урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантиришга қаратди. Вазифа ниҳоятда оғир эди. Чунки уруш даврида йигирма миллиондан ортиқ совет кишилари ҳалок бўлган, у ёки бу даражада ярадор бўлган улардан кам эмас эди. Издан чиққан халқ хўжалигини қайта тиклаш, қайта қуриш санъатини эгаллаш зарур эди.

Бутун дунё халқлари урушдан кейинги фаровонликни, тинч-тотув яшашни орзиқиб кутган эди. Бироқ, кўп вақт ўтмасдан, халқаро вазият яна кескинлашди. СССРга тазйиқ ўтказиш мақсадида Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига Америка атом бомбалари ташланди. Бу совет давлатига қарши атом шантажининг бошланиши эди. Фашизмга қарши бир сафда туриб жанг қилган Катта Учлик мамлакатлари — Со-

вет Иттифоқи, АҚШ ва Англия ўртасидаги иттифоққа путур етди. Бунинг асосий айбдорлари Англия ва Американинг ҳукмрон доиралари эдилар. Худди шу тарзда узоқ йиллар давом этган совуқ уруш даври бошланди. Бу капиталистик давлатларнинг бизнинг қийинчиликларимизга умид боғлаб, ўзларининг иродаларини бизга ўтказиш, ички ишларимизга аралаштириш учун қилган уринишларидан бири эди. Уларнинг нияти Совет Иттифоқини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тиз чўктириш эди. Лекин бу хом хаёл бўлиб, океан ортидаги донишмандлар ўз сиёсатларида хато қилишди.

Коммунистик партия урушдан кейинги даврда социалистик қурилишнинг умумий талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда идеология фронтидаги фаолиятни кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Бу даврга келиб халқни коммунистик руҳда тарбиялаш, кишилар онги ва ҳуқ-атворидаги эскилик, капиталистик сарқитларга қарши кураш вазифаси биринчи даражали аҳамият касб этди. Чунки уруш даврида эскилик сарқитлари бирмунча кучайган эди. Бундан бошқа, фашистлар босиб олган жойларда асирга тушган, сургун қилиб олиб кетилган кишилар онгига буржуа ва антисоветизм таъсирини ўтказишга фаол ҳаракат этилган эди. Буржуа пропагандасининг таъсири Болтиқбўйи республикалари, Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия областларининг аҳолиси ўртасида анча кучли эди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда буржуа ғарбининг реакцион идеологиясига бефарқ қараш тенденциялари юзага келди.

Партиямиз идеологик ишларни яхшилаш учун бор чораларни амалга ошира бошлади. 1946 йили Коммунистик партия Марказий Комитети ҳузурида Ижтимоий Фанлар академияси ташкил этилди, 1947 йили Бутуниттифоқ «Билим» жамияти тузилди, 1948 йили Москва ва Ленинградда, сўнгра тез орада бошқа шаҳарларда ҳам мунтазам телевизион эшиттиришлар бошланиб кетди. «Билим» жамияти оммавий ташкилотга айланиб қолди, телевидение эса халқни тарбиялашнинг қудратли воситаси бўлиб қолди... Фаннинг ривожланишига фавқулодда катта аҳамият берилди. Ядро проблемалари, радио-техника ва электроника, аниқ механик ва ҳисоблаш техникаси, амалий геофизика, физика химияси, юқори молекуляр бирикмалар юзасидан тезда кўп-лаб янги илмий текшириш институтлари вужудга келди. Тожикистон, Литва, Эстония ва бошқа республикаларда Фанлар академияси ташкил этилди. Илмий

ходимлар тайёрлаш учун кенг миқёсда ишлар олиб борилди. 1947 йили И. В. Курчатов раҳбарлигида олимларимиз атом энергиясини забт этди...

Адабиёт ва санъатни ривожлантиришга ҳам махсус эътибор берилди. Партия адабиёт ва санъат масалалари юзасидан қабул қилинган қарорларда совет маданиятининг муваффақиятлари қайд қилинди, аynи вақтда, янги шароитда адабиёт ва санъатни ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгилаб берилди, Марказий Комитет совет ёзувчиларини, драматургларини, театр ва кино ходимларини халққа хизмат қилишдек буюк миссиясига содиқ бўлишга, санъатнинг юксак ижтимоий ролини янада оширишга, бутун куч-қудратини замонавий воқеликнинг актуал проблемаларини кўтариб чиқишга сарф қилишга, совет кишиси ҳақида ёрқин, тўлқинлантирувчи, бадий жиҳатдан мукамал, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайдиган ажойиб асарлар яратишга даъват этди.

«Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида»ги қарорида дунёда энг илғор адабиёт бўлган совет адабиётининг халқ манфаатларидан, давлат манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги махсус таъкидланди ва унинг вазифалари шундай белгиланди: «Совет адабиётининг вазифаси ёшларни тўғри тарбиялашда давлатга ёрдамлашиш, уларнинг талабларини қондириш, янги авлодни тетик, ўз ишига ишонадиган, тўсиқлардан қўрқмайдиган, ҳар қандай тўсиқларни енгишга тайёр турадиган қилиб тарбиялашдан иборатдир»¹. Айни вақтда, партия Марказий Комитетининг қарорларида ижодий соҳада ғоясизлик ва сиёсатдан четда туриш тарафдорлари кескин танқид қилинди.

Марказий Комитетнинг қарорлари матбуот органлари ва ижодий ташкилотларда, область ва шаҳар партия комитетлари кенгашларида муҳокама қилинди ҳамда санъат ходимларига нисбатан улкан талаблар қўйилди. Тўғри, баъзан бадий проблемаларни ижодий муҳокама қилишда маъмуриятчиликка берилиш ҳоллари, адабиёт, музыка ва кино асарларини баҳолашда баъзан субъективизмга йўл қўйилган пайтлар ҳам бўлди. Айрим асарлар асоссиз танқид қилинса, айримлари асоссиз мақталди. Шу билан бирга, КПСС Марка-

¹ КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида. III қисм. Тошкент. 1954. 552-бет.

зий Комитетининг 1958 йил 28 майдаги «Буюк дўстлик», «Богдан Хмельницкий» ва «Чин юракдан» номли операларни баҳолашда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳақида» номли қарорида улкан композиторларнинг асарлари қайта баҳоланди. Д. Шостакович, С. Прокофьев, А. Хачатурян ва бошқа композиторларни халққа қарши формалистик оқим намояндалари деб талқин этишлар, К. Данькевич ва Г. Жуковскийнинг асарларига ғаразгўйлик ва бир ёқлама баҳо беришлар қораланди. Рус совет ёзувчиларидан А. Аҳматова, М. Зощенко, ўзбек адаблари Хуршид, Охундий, Ғайратий СССР Ёзувчилари союзи аъзолигига қайта тикланди.

* * *

Ғалабадан кейинги дастлабки йилларда социалистик реализм адабиётининг қатор яхши асарлари яратилиши билан бир вақтда, айрим ёзувчиларда бу даврдаги мураккабликларни ва шу мураккаб вазиятга боғлиқ ҳолда ижодий чекиниш ҳоллари рўй берди. Айрим шоир ва ёзувчилар ўзларининг ижодий масъулиятини чуқур ҳис этмадилар, баъзи ўринларда буржуа идеологиясига лоқайд қараш ҳоллари юз берди. Уруш йилларида совет халқининг бошига тушган оғир кулфатлар, жудолик ва йўқотишлар муносабати билан айрим шоир ва ёзувчилар ижодида тушкунлик кайфиятларига берилиш аломатлари ҳам бўлди. Баъзи ижодкорлар фашизм устидан ғалабага эришганимиздан кейин совет адабиётининг аввалги ғоявий мезонларига риоя қилиш шарт эмас, энди кўнгил очадиган санъат асарлари яратишимиз лозим, деб чиқдилар. Партиямиз бундай нотўғри тенденцияларга бефарқ қараб туриши мумкин эмас эди. Демак, биринчидан, коммунистик қурилишнинг тарихий шароитдаги конкрет талаблари ҳисобга олиниши жуда зарур эди, иккинчидан, маданий-адабий ҳаётда вужудга келган бу аҳволни яхшилаш талаб қилинарди.

Шуни ҳам айтиш керакки, партиямизнинг идеология соҳасидаги қарорлари фақат камчиликларни тузатишдан иборат эмас эди. Бу қарорларда, аввало, совет адабиёти ва санъати эришган ютуқлар, социалистик реализм совет адабиётининг асосий методи бўлиб қолганлиги ҳамда бу ижодий методнинг муайян самаралари махсус кўрсатилди, унга катта баҳо берилди. Бу қарорларда адабиёт ва санъат партия ва халқ қўлида кўп қатламли воқеликни билишнинг қудратли қуроли бўлиб келганлиги махсус таъкидланди. Айни

вақтда, рўй берган айрим хато ва камчиликларни тугатиш янги-янги ютуқларга эришишнинг гарови эканлиги кўрсатилди.

Коммунистик партия санъаткорларни замонавий воқеликни чинакам ҳаққоний тасвирлашга, кучли ғоявий ва юксак бадиий асарлар яратишга қизгин даъват этиши билан бирга, бадииятга хилоф бўлган примитив, палапартиш, юзаки асарларнинг ҳаммасига қарши мурасасиз кураш олиб бориш зарурлигини махсус қайд қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет ёзувчилари II съездига йўллаган табрик хати бу қарорларнинг якуни сифатида кўзга ташланади. Унда: «Социалистик реализм вазифалари савиясида бўлмоқ кишиларнинг ҳақиқий ҳаётини, уларнинг ҳисларини ва фикрларини чуқур билиш демакдир, уларнинг кечинмаларига нисбатан ўткир сезгирлик кўрсатиш ва буларни қизиқарли, тушунарли қилиб, реалистик адабиётнинг ҳақиқий намуналарига муносиб бадиий шаклда тасвирлай билиш демакдир. Социалистик реализм методи ҳозирги шароитда ёзувчидан бизнинг мамлакатимизда социалистик қурилишни тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга кўчишнинг вазифаларини яхши тушунишни талаб этади»², дейилади.

Замонавийлик ва партиявийлик, ҳаққонийлик ва ғоявийлик масалалари ёзувчиларнинг съезд ва Пленумларида кенг муҳокама қилинди. М. Шолоховнинг «Ҳар биримиз қалбимизнинг амри билан ёзамиз, қалбимиз эса партия ва халқникидир»³, деган ажойиб сўзлари худди шу съезд минбаридан жаранглаб эшитилди ва совет санъаткорларининг қалб даъватини ифода этди.

Шундай қилиб, Коммунистик партия Улуғ Ватан урушидан кейинги дастлабки йилларданоқ адабиёт ва санъатга алоҳида ғамхўрлик қилди ва уни янада халқ ҳаётига яқинлаштириш учун фаол кураш олиб борди. Булар ўз самараларини бера бошлади.

Рус совет адабиётида, бошқа қардош халқлар адабиётида кўпдан-кўп йирик бадиий асарлар яратилди. М. Шолоховнинг «Улар Ватан учун жанг қилдилар», А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», И. Эренбургнинг «Бўрон», В. Ажаевнинг «Москвадан узоқда», В. Кочетовнинг «Журбинлар», Г. Николаеванинг «Ўрим», Л. Лео-

² Второй Всесоюзный съезд советских писателей. Стенографический отчет. М., 1956. С. 9.

³ Уша жойда. 377-бет.

новнинг «Рус ўрмони», В. Лациснинг «Бўрон», Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам» асарлари вужудга келди. М. Авезов «Абай» эпопеясини, С. Айний тўрт томлик «Эсдаликлар»ини ёзиб битирди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек адабиётида умумсовет адабиётида бўлгани каби совет халқларининг уруш йилларидаги қаҳрамонлиги ва фидокорлиги, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш, халқлар дўстлиги темалари, онг ва маиший турмушдаги феодализм ва капитализм сарқитларига, халқаро империалистик реакция ва агрессияга қарши тинчлик учун кураш темалари кенг ўрин олди.

Бу ўринда икки нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Улардан бири — бу даврда С. Айний, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ойдин, П. Турсун каби адиблар фаолияти янада активлашди, прозанинг деярли барча жанрларида кўплаб асарлар вужудга келди. Ўзбек прозаси автобиографик, мемуар характеридаги бадий асарлар билан бойиди. Иккинчиси, бу даврда умуман ўзбек адабиётига, шу жумладан, проза соҳасига кўплаб янги кучлар кириб келиши билан изоҳланади. Совет воқеалиги унинг асосий тасвир объекти бўлиб қолди. Лекин бу даврдаги адабий танқидчиликда гоявий-бадий жиҳатдан анча бақувват асарларни камситиш, айни вақтда, бадий жиҳатдан анча кучсиз асарларга ортиқча баҳо бериш ҳоллари учраб турди. Бундан ташқари, адабий танқидчилик адабиётда, хусусан, прозада замонавий ҳаётни бадий тадқиқ этишга интилиш аввалги даврларга нисбатан беқиёс кучайганлигига керакли даражада эътибор бермади. Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмидан кейин замонавийликка катта эътибор берилиши муносабати билан урушдан кейинги дастлабки ўн йилликдаги адабий танқидчиликка замонавий мавзудаги қатор проза асарларига муносабатда рўй берган бундай жиддий нуқсонлар тузатилди. Айни вақтда, бу даврга келиб, ўзбек прозаси ўз тарихий тараққиётининг янги бир босқичига кўтарилганини тўғри кўрсатиш билан бирга, баъзи танқидчи ва адабиётшунослар бу даврга қадар, яъни 1945—1956 йилларгача проза ўзбек совет адабиётида «иккинчи даражали» ўринда эди⁴ деган тезис билан майдонга чиқ-

⁴ «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки»да ҳам то Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи ўн йилликка қадар ўзбек совет прозаси адабиётимизда «иккинчи даражали ўринда келаётган эди» деган тезисга дуч келамиз. Қаранг: Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки. I том, Тошкент, 1961, 291-бет.

дилар. Бунга қўшилиш қийин. Агар масалага бадийликнинг асосий мезонлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу даврга қадар ҳам А. Қодирий, С. Айний, Ойбек, А. Қаҳҳорнинг ажойиб романлари, повестлари, ҳикоялари мисолида ўзбек прозаси катта тараққиёт босқичида эканини кўриш мумкин. Худди шу адибларнинг етук асарлари ўзбек прозасининг Иттифоқ миқёсида ва жаҳонда шухрат топишини таъмин этди. Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи ўн йилликда ўзбек прозасида янги воқеликни, ижодкорларни фаол ҳаракатда кўрсатиш тенденцияси ҳам фавқулудда кучайди. Унинг тематикаси ранг-баранглашди, проблематик кўлами бойиди, Октябрь революциясидан кейинги дастлабки мураккаб даврга эътибор бериш кучайди. Янги ўзбек ишчилари, хотин-қизларининг энг оғир шароитдаги шиддатли кураши Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романида кенг планда тасвирланди. Ўзбек зиёлиларининг машаққатли кураши ва ҳаёт йўли ҳақида ёзилган Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романи вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, бу даврга қадар яратилган романларнинг кўпчилигида, асосан, узоқ ва яқин ўтмишдаги тарихий воқеалар акс этган бўлса, энди замонавий ҳаёт, социалистик воқелик тасвирнинг марказига чиқди — янги ҳаёт қурувчилари, ижодкорлари бадий тасвирнинг марказини ташкил этди.

Бу давр ўзбек прозасининг характерли хусусиятларидан яна бири — унда Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг қаҳрамонлигини, ўзбек халқи вакилларининг зўр шижоатини эпик планда кенгроқ акс эттириш тенденциясининг бошланишидир. Айрим қисса ва романларда жангу жадал йилларидаги қаҳрамонликларни, ўзбек жангчиларининг катта синов давридаги тобланишини кўрсатишга эътибор берилди.

Янги характерли хусусиятлардан бири урушдан кейинги дастлабки даврдаги социалистик воқеликни ва совет кишиларининг қаҳрамонона турмушини тўлалигича бадий тадқиқ этишга интилишдир. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи ана шундай асарлардан бири эди. Ойбекнинг бу романи шу даврга келиб янги замон қаҳрамонлари — энди ўзбек романларида асосий қаҳрамон сифатида тасвирнинг марказига чиққанлиги ва талқин этилганлигини намоян этди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда яратилган повестларда совет воқелигининг турли-туман жабҳала-

ри, бадний картиналари намоён бўлди. Яъни, деярли ҳамма повестларда замонавий ҳаёт ва унинг бош йўналишининг хилма-хил картиналари, ижодкор, яратувчи қаҳрамонлар образи галереяси вужудга келди. Чўлқуварлар, пахтакор деҳқонлар, пўлат қуювчи ишчилар, жангчи қаҳрамонлар, чорвадорлар, янги раҳбарлар, ўқувчи ёшлар...

Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда ўзбек поэзияси ҳам тез суръатлар билан ривожланиб борди. Бу давр ўзбек поэзиясида социалистик меҳнат, Ватан, Коммунистик партия, халқлар дўстлиги, тинчлик учун кураш мавзулари кенг ўрин олди, биринчи планга чиқди. Бу борада Ғ. Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шайхзода, Зулфия, Миртемир, А. Мухтор, М. Бобоев, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Р. Бобожон, Т. Тўла, Шукрулло, С. Акбарий каби ижодкорларнинг қатор шеърий тўпламлари, балладалари, поэмалари вужудга келди. Ғафур Ғуломнинг «Мен Шарқдан келаётирман» шеърий тўплами СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Бу давр ўзбек поэзиясида ҳам прозада бўлгани каби замонавий ҳаётни акс эттириш ва янги фидокор қаҳрамонлар образини яратиш тенденцияси кучайди. Бу қаҳрамон фақат ўзбек тупроғида, ўз уйида бўлаётган воқеалар билан чекланмасдан, жаҳоннинг ҳамма бурчакларида рўй бераётган ўзгариш ва янгиликлар моҳияти билан қизиқади. Лирик қаҳрамоннинг фикрлаш доираси кенгайди, воқеа-ҳодисаларга Иттифоқ ва дунё миқёсидан қараб баҳо беришга интилиш тенденцияси авж олди.

Проза ва поэзия соҳасидаги ижодий тенденциялар драматургияда ҳам намоён бўлди. Улуғ Ватан урушида қозонилган тарихий ғалабадан кейин ўзбек драматурглари социалистик воқеликни ва рўй бераётган янги воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний акс эттиришга ҳаракат қилди. Натижада «конфликтсизлик назарияси» кучайган бир даврда ўзбек драматургиясида бир қатор гоявий-бадний салмоқли асарлар, яъни А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», К. Яшиннинг «Генерал Раҳимов», Уйғуннинг «Олтин кўл», «Қалтис ҳазил», «Навбаҳор», Назир Сафаровнинг «Шарқ тонги», Баҳром Раҳмоннинг «Юрак сирлари» каби қатор пьесалар вужудга келди. А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асари СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Хуллас, Ойбек маҳсус таъкидлаганидек, «Ўзбек совет адабиётининг тараққиёт йўлига кўз ташласак, борган сари инқилобий совет воқелигини чуқурроқ акс эттиришга, жонли ҳаёт-

га борган сари активроқ таъсир этишга интилганини кўрамиз»⁵.

ИРИК ТАДҚИҚОТЛАР ИҶЛИДАГИ ИЛК ҚАДАМЛАР

Бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ривожига ҳам адабиётимизда рўй бераётган мана шу силжишларга боғлиқ эди.

Танқидчиликнинг бу даврдаги муҳим хусусияти — унинг адабиётшунослик билан чамбарчас боғланиб, биргаликда ривож топишидир. Шу сабабли ушбу «Очерклар»нинг бу бобида танқидчилик билан бир қаторда адабиётшуносликка катта ўрин берилади.

Ўзбек танқидчилари биринчи навбатда Коммунистик партиянинг тарихий қарорларини амалга оширишда, юксак ғоявий-бадий асарларнинг яратилишида, адабий жараён ва унинг ривожланишини таҳлил қилишда фаоллик кўрсатишга интилди. Айни пайтда, ўзбек классик адабиёти тарихини, унинг атоқли намоёндалари ижодини ўрганиш, айрим нуқталарини қайта баҳолаш, баъзи хатоларни тузатишга интилиш жонланиб кетди. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилеи 1948 йилда кенг нишонланди.

Мазкур юбилей муносабати билан Алишер Навоий ҳақида бир қатор мақолалар эълон қилинди. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида Ойбек таҳрири остида ўзбек ва рус тилларида «Улуғ ўзбек шоири» номли (Тошкент, 1948 йил) тўплам нашр этилди. Ундан аввалроқ, 1946 йилда Ленинград шарқшунослари томонидан тайёрланган «Алишер Навоий» тўплами чоп этилган эди. Олим Шарафиддиновнинг «Алишер Навоий» номли тадқиқоти (1939) И. Султонов таҳрири остида қайта босилиб чиқди. Е. Э. Бертельснинг «Навоий» монографияси, Абдураҳмон Саъдийнинг «Навоий» ижоди — ўзбек классик адабиёти тараққиётининг олий босқичи» номли илмий иши вужудга келди. Уларда шоир яшаган давр, ўша даврдаги сиёсий-иқтисодий ҳаёт, шоирнинг асарлари, уларнинг давримиз учун аҳамияти кўрсатилди. Булардан ташқари, С. Айнийнинг «Алишер Навоий» (Сталинобод, 1948), В. Абдуллаевнинг «Алишер Самарқандда» (Самарқанд, 1948), Ҳ. Зарифовнинг «Навоий замондошлари» (Тошкент, 1948) китоблари чоп этилди. Бу даврда Алишер На-

⁵ Ойбек. Баъзи вазифалар ҳақида икки оғиз гап//Шарқ юлдузи. 1946. № 1—2. 18—19-бетлар.

вой ижоди ҳақида қатор докторлик ва кандидатлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Умуман, адабиёт илми тез суръатлар билан тараққий эта бошлади. В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, А. Саъдий, И. Султоновлар фан докторлари бўлиб етишдилар.

Ўзбек адабиётшунослигида ва танқидчилигида классик меросни атрофлича ўрганиш ва текшириш ишларининг жонланишида объектив ва субъектив сабаблар мавжуд эди. Бу даврда ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари марксча-ленинча методологияни янада чуқурроқ эгалладилар. Уларда тадқиқот тажрибалари анча кучайди, илмий кадрлар етишди. С. Айний, Ойбек, Ғ. Ғулом, Шайхзода, А. Саъдий, Воҳид Зоҳидов, И. Султонов, Ҳ. Ёқубов, Ғулом Каримов, Ҳоди Зарифов каби ўзбек адабиёти тарихининг билимдонлари сафига Азиз Қайумов, Н. Маллаев, М. Юнусов, Х. Расул, С. Қосимов, Х. Раззоқов, С. Алиев, А. Иброҳимов ва бошқа истеъдодли ёш кучлар келиб қўшилди. Авваллари кўпроқ ўзбек совет адабиёти билан шуғулланиб келган тадқиқотчи ва танқидчилар ҳам классик адабиётимизга алоҳида эътибор бердилар. А. Саъдий, Шайхзода, И. Султоновнинг қатор мақолаларидан ташқари Ҳ. Ёқубовнинг «Алишер Навоий «Хамса»си» (Ёш ленинчи, 1948, 9 май), «Сабъаи сайёр»да шаҳар қатламлари вакилининг образи» (Ёш ленинчи, 1948, 15 май), «Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони» (Шарқ юлдузи, 1948, № 5) номли қатор мақолалари босилиб чиқди. Ҳомил Ёқубов бу йилларда ўзбек классик адабиётининг таниқли вакили шоир Турди ижодиётига алоҳида эътибор берди ва қатор илмий мақолалар эълон қилди. Ниҳоят, 1947 йили «Турди ва унинг адабий муҳити» номли илмий ишини якунлади.

Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғуннинг шоир Муқимий ҳаёти ва ижодиёти ҳақидаги мақолаларидан кейин қирқинчи ва эллагинчи йилларнинг бошларида вужудга келган Ҳомил Ёқубовнинг «Халқпарвар шоир Муқимий» (1949), «Ўзбек демократ шоири Муқимий» (1953) рисоалари, Ҳ. Зарифовнинг «Муқимий ҳаёти ва ижодига оид материаллар» (1955) китоби, Ғулом Каримовнинг қатор илмий тадқиқотлари шоир адабий меросини ўрганишда эришилган жиддий ютуқлар сирасига мансуб.

Адабиётшунос Маҳмудали Юнусов узоқ йиллар мобайнида ўзбек классик адабиётининг таниқли намоёндаларидан бўлган Комил Хоразмий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этди ва 1948 йили бу шоир ижоди ҳақидаги

илмий ишини якунлади. 1950 йили С. Қосимовнинг «Хоразмий ижоди» номли иши вужудга келди ва илмий тадқиқот иши сифатида тан олинди. Холид Расулнинг «Фурқат — маърифатпарвар демократ шоир» (1954) рисоласи, «Зокиржон Фурқат ижоди» (1954) китоби, Ҳошимжон Раззоқовнинг «Завқий ҳаёти ва ижоди» (1955) номли монографияси босилиб чиқди. Азизхон Қаюмов шоир Махмур ҳаёти ва ижоди ҳақида илмий ижодий изланиш ишлари олиб борди ва, ниҳоят, 1956 йилда «Махмур. Танқидий-биографик очерк ва асарларидан намуналар» китоби босмадан чиқди. 1948 йили Р. Муқимов «Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти» номли илмий ишини тугатди. Бу иш ҳам биринчи махсус тадқиқот ҳисобланарди.

Бу даврда ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари ўзбек халқ оғзаки ижодини тадқиқ этиш борасида ҳам жиддий муваффақиятларга эришдилар. Бу соҳада Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавиянинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор. Ҳоди Зарифов ва В. М. Жирмунскийнинг «Узбекский героический эпос» номли йирик илмий тадқиқоти Москвада (1947) чоп этилди. Ҳоди Зарифов бу йилларда «Фозил Йўлдош ўғли», «Қунтуғмиш» достони ҳақида» каби қатор илмий тадқиқотларни яратди ва кўплаб халқ достонларини нашр эттирди. Музайяна Алавиянинг «Янги қўшиқлар» (1949), «Ўзбек халқ қўшиқлари» (1954), «Гражданлар уруши, халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик индустрлаш даври ўзбек халқ поэтик ижоди» (1955) китоблари чоп этилди. Мансур Афзалов бу йилларда улуғ шоир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг халқ варианты ҳақида тадқиқот ишлари олиб борди ҳамда ўзбек халқ эртакларини тўплаш, нашр этиш ва илмий таҳлил қилишга алоҳида эътибор берди.

1940 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда ўзбек совет адабиёти, унинг улкан намояндалари ижодини монографик планда чуқур ўрганиш, хилма-хил ҳаётий проблемалар бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш кенг ўрин ола бошлади. Натижада атоқли санъаткорларнинг ижодига бағишланган адабий-биографик очерклари вужудга келди⁶. Ўзбек совет адабиётининг кейинги намоянда-

⁶ Юсуф Султоннинг «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти» (1949), И. С. Брагинскийнинг «Садриддин Айни. Материалы к биографии и творческой характеристике» (1948), «Садриддин Айни.

лари ижоди ҳақида ҳам ўнга яқин танқидий-биографик рисолалар босилиб чиқди⁷. Авторлар бу шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодий йўлининг турли даврларини, асарларининг асосан Ғоявий-тематик йўналишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар.

Адабиётшуносларимиз ўша даврларда алоҳида шоир ё адибларимиз ижодларини ўрганишда катта ишларни амалга оширдилар. Бироқ ҳаёт илм-фаннинг тараққиёти жиддий умумлашма даражасига кўтарилган кўламли тадқиқотларни талаб қилар эди. Маълум даврлар адабий ҳаракатчилигини, адабий жараёни умумлаштириш керак эди. 50-йилларга келиб бу масала кун тартибига қўйилди. Сарвар Азимовнинг «Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг ривожланишига доир баъзи масалалар»⁸ мақоласида ҳам, Абдулла Қаҳҳорнинг «Совет ёзувчилари Бутуниттифоқ иккинчи съездининг якунлари ва Ўзбекистон ёзувчиларининг вазифалари» докладада ҳам ҳаётнинг бу талабига эътибор берилди. А. Қаҳҳор шундай деган эди: «Совет адабиёти, украин ва белорус совет адабиётлари тўғрисида... нашр қилинган очерклардан ўрناк олиб, бизнинг адабиётшуносларимиз яқин фурсатларда ўзбек совет адабиёти очеркини яратишлари лозим»⁹.

«Улуғ Ватан урушигача бўлган беш йилликлар даврида ўзбек совет адабиёти» (Ҳомил Ёкубов) ва «Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек совет адабиёти» (Турсун Собиров томонидан) номли обзорлар яратилиб, 1953—1955 йилларда босилиб чиқдики, булар даврлар бўйича адабий жараёни ўрганиш соҳасидаги биринчи қадамлар эди. Тўғри, ёзувчиларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган танқидий-биографик очеркларнинг ҳам, муайян даврлар бўйича ёзилган адабий обзорларнинг ҳам савияси бир хил эмас. Бир қатор танқидий-биографик очеркларда муайян ёзувчи ҳаёти ва ижодига оид материалларни йиғиш ва шу асосда

Очерк о жизни и творчества» (1954), З. Ражабовнинг «С. Айни — историк таджикского народа. Краткий исторический очерк» (1951), Ҳомил Ёкубовнинг «Ғафур Ғулом. Танқидий-биографик очерк» (1953), «Ойбек. Танқидий-биографик очерк» (1955), Сарвар Азимовнинг «Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижоди ҳақида» (1955) китоблари юзга келди.

⁷ Абдулла Олимжоннинг «Шоира Зулфия» (1953), «Амин Умарий» (1954), Н. Владимированинг «Ойдин ижоди» (1954), А. Ҳайитметовнинг «Ҳасан Пўлат» (1954), Н. Раҳимовнинг «Султон Жўра» (1954) рисолалари шулар жумласидандир.

⁸ Шарқ юлдузи. 1954. № 3.

⁹ Шарқ юлдузи. 1955. № 4. 117-бет.

уларнинг ғоявий-тематик йўналишини баён қилиш, бадий асарларни эса кўпроқ тематик планда текшириш билан олиб борилди, фикр-мулоҳазалар баъзан умумий тарзда ифода қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг адабиёт ва санъат ҳақидаги тарихий қарорларини амалга оширишда, ёт идеологиянинг ҳар қандай кўринишларига шафқатсиз бўлиш ҳамда ғоясизликка, конфликтсизликка қарши шиддатли кураш авж олган йилларда баъзи адабиётчилар ва танқидчилар танқидни шовқин-суронли «пўс-так қоқиш» (А. Сурков) кампаниясига айлантиришга, танқиднинг ўтини адабиётимиздаги баъзи бир яхши асарларга қаратишга интилиш ҳоллари ҳам рўй берди. Абдулла Олимжон шоира Зулфия ҳақида ёзилган рисоласида унинг урушдан кейинги дастлабки шеърларидаги ижодига гўё совет санъаткорига ёт бўлган маслаксиз бир неча шеър оралаб қолганини баён қилади. Унинг фикрича, шеърларда абстракт, ноаниқ фикрлар илгари сурилган. Масалан, у 1946 йилнинг бошида ёзилган «Хаёллар» шеърида шоирани аллақандай хаёллар етаклаб юргани, шу хаёллар унга гоҳ қувонч, гоҳ ғам-алам келтириши тўғрисида пессимистик мулоҳазалар юритгани, ҳатто шу «сеҳргар, ғаддор» хаёллар шоирани ўзига мафтун этгани, қандайдир «чўл чечанини» тутқизгани — илҳом бергани, «салқин кеча камол топтирган қирғоқ» эса шоирадан шеър талаб қилгани ҳақида ёзади. Адабий жамоатчилик кейинчалик бу хилдаги ўринсиз танқидларга тўғри жавоб берди. Қисман Озод Шарафиддинов Абдулла Олимжонов рисоласига муносабат билдириб бу хилдаги асоссиз танқидларни назарда тутиб ёзади: «Мен бу ўринда «тўқмоқлик танқид»дан мисол келтирар эканман, яна бир марта Зулфиянинг ижодий ўсиш йўлида қанчалик мураккаб ғовлардан ўтганини эслатмоқчи эдим. Бундай танқид Зулфияни поэзиянинг осон, беозор, тикансиз йўлига бошлади. Бундай танқид учун силлиқкина шеърлар керак эди. У шеърларда инсоний ва ҳаётий мазмун бўлиши шарт эмас, одам — мода дўконларидаги совуқ кўғирчоқлардек ҳамиша ишшайиб туриши зарур эди. Шеърлардан ғоявийлик талаб қилинар, бироқ бу ғоявийлик ғоят бир ёқлама тушунилган, «яшасин», «ура» сўзларини қўшиш йўли билан ҳосил бўладиган ғоявийлик эди. Бундай шеърларни ёзиш учун на талант, на қалб, на ақл талаб қилинади, фақат ҳунар

керак, холос. Зулфия бу энгил йўлга учмади, талантига, қалбининг буйруғига содиқ қолди»¹⁰.

Афсуски, Абдулла Олимжон рисоласидагидек ижодга, бадий ҳодисаларга бир томонлама ёндашишлар, ғоявийлик масаласини тор тушуниб, тор талқин қилишлар, ўзбек тилининг бой имкониятларидан ижодий фойдаланишга интилишларга асоссиз қарши чиқишлар бошқа танқидчилар асарларида ҳам учраб турар эди.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА — АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ТАНҚИДЧИЛИК РИВОЖИ

ВКП(б) Марказий Комитетининг идеология масалалари юзасидан чиқарган қарорлари муносабати билан совет адабиётининг энг муҳим вазифалари ва актуал проблемалари ҳақида марказий газета ва журналларда ўнлаб редакцион ва бош мақолалар бериб борилди.

«Литературная газета»да «Совет адабиётининг ғоявий вазифалари» (1946. 24 август) номли бош мақола босилиб чиқди. Шундан сўнг мазкур газетада А. Деев¹¹, В. Лацис¹², И. Семпер¹³, К. Корсакас¹⁴ ва бошқаларнинг қатор мақолалари эълон қилинди.

Бу даврда ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари бошқа миллий адабиётларда бўлгани каби марказий газета ва журналларда босилган бундай мақолаларга тез-тез мурожаат қилиб борди. «Правда» газетасида эълон қилинган А. Фадеев¹⁵, Н. Грибачев¹⁶, В. Фролов ва В. Ситов¹⁷, С. Шипачев¹⁸, В. Фролов¹⁹, В. Озеров²⁰, В. Ермилов²¹, К. Симонов²², Н. Тихонов²³, К. Федин²⁴,

¹⁰ Шарафиддинов Озод. Адабий этюдлар. Тошкент. 1968. 98—99-бетлар.

¹¹ Деев А. Украин адабиётшуносларининг хатолари. 1946. Сентябрь.

¹² Лацис В. Латвия совет адабиётининг вазифалари. 1946. 28 сентябрь.

¹³ Семпер И. Эстон совет адабиёти. 1946. 19 октябрь.

¹⁴ Корсакас К. Литва совет адабиёти. 1946. 16 ноябрь.

¹⁵ Адабий-бадий журналлар ҳақида. 1947. 2 февраль; Адабиёт ва адабий танқид ҳақида. 1949. 7 август.

¹⁶ Поэзияда космополитизм ва формализмга қарши. 1949. 16 февраль.

¹⁷ Ёзувчиларнинг ижодий ўсишлари ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. 1952. 21 июль.

¹⁸ Юсак поэзия учун. 1952. 13 декабрь.

¹⁹ Фош қилиш санъати. 1953. 8 февраль.

²⁰ Бош масаладан четда. 1953. 8 май.

²¹ Социалистик реализм учун. 1954. 3 июнь.

²² Ҳаётнинг асоси — драматургиянинг асосидир. 1954. 4 июль.

Б. Рюриков²⁵ларнинг мақолалари ўзбек адабий танқидчилигига фаол таъсир кўрсатди.

Бошқа республикаларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам адабий танқидни ривожлантириш масалалари кенг муҳокама қилинди. 1946 йили (26 августда) Тошкентда ВКП(б) МКнинг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида», «Драматик театрлар репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва галдаги вазифалар муҳокама қилиниб, тегишли тадбирлар белгиланди.

1949 йили Ўзбекистон Ёзувчилари союзи танқид ва адабиётшунослик секциясини очишга қарор қилди. Шу йили Ўзбекистон Ёзувчилари союзи ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги санъат ходимлари ижодий активининг Тошкент шаҳар йиғилиши ўтказилди.

Шу йили Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг иши тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу қарор муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг (1949 йил 9—10 июлда бўлган) III Пленумида Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари М. Ваҳобов доклад қилди ва кенг муҳокама этилди. Унда ўзбек совет адабиётининг аҳволи ҳақида қилинган доклад ҳамда Н. Тихоновнинг қўшимча докладида адабий танқидга жиддий эътибор берилди.

Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг IV Пленумида (1950. 15 март) ўзбек адабий танқидчилигини ривожлантириш масалалари махсус муҳокама қилинди. Унда ўзбек совет адабиёти ва адабий танқиднинг аҳволи ва уни ривожланиш тенденцияларидаги қатор жиддий нуқсонларни кўрсатди. Пленум материалларида ўша йиллар адабий танқидчиликда анча кучайган қатор зарарли тенденциялардан иккитасига тўхталиб, шундай дейилади: «Булардан бири шуки, баъзи танқидчилар асарнинг ғоявий мазмунини чуқур текширмасдан, унинг бадний формасига тегишли баҳо бермасдан, фақат унинг мавзуи яхши бўлгани учун мақтайдилар, асарнинг мундарижасини айтиб бериш билан кифояланадилар.

Иккинчи зарарли ҳол шуки, баъзи танқидчилар асардаги яхши томонларнинг қадрига етмайдилар, унга тўғри баҳо бера олмайдилар, чуқур текширмасдан ту-

²³ Кўп миллатли совет адабиётининг янги босмичи учун. 1954. 17 июль.

²⁴ Юксак поғонага. 1954. 15 декабрь.

²⁵ Адабиёт ва ҳаёт. 1956. 26 август.

риб сўкаверадилар, айрим камчиликларини топиб, уни юлиб олиб асарни бутунлай «остин-устун қилиб юборадилар»²⁶.

Худди шу йили «Культура и жизнь» газетаси «Звезда Востока» журнали ҳақида «Ўз қиёфасига эга бўлмаган журнал» редакцион мақоласини (1950. 20 август) эълон қилди. Мақолада «Звезда Востока» журналинда Ҳамид Ғуломнинг «Олмос қизи», «Ёзёвон қиссаси», А. Удаловнинг «Яккама-якка» повести, В. Липконинг «Синов кузда бошлзнадн» номли пьесаси, Ю. Арбатнинг «Тунги жанг», И. Матюшиннинг «Мирсаиднинг бахти», «Ердаги юлдузлар» сингари ғоявий савияси паст ва бадний заиф асарлари босилгани алоҳида таъкидланди. Мақола Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзи Президиуми йиғилишида муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари журналнинг танқид ва библиография бўлими ишидаги камчиликларни ҳам кўрсатдилар. Шу йиғилиш хулосаларига бағишланган материалда: «Бу бўлим Ўзбекистон адабиёти ва санъати ҳақида дурустроқ материал бермади. 1949 йилда берилган 12 та тақриз ва мақоланинг фақат иккитаси Ўзбекистон ёзувчиларининг асарларига доир бўлиб, уларнинг ҳар бири — Ойбекнинг «Қизлар» достони ҳақидаги хато ва чалкаш тақриз, иккинчиси эса «Ёшлик дафтари» номли альманах тўғрисида саёз мулоҳазалар билан тўлиб-тошган мақоладир»²⁷, дейилган эди.

Муҳокамада «Звезда Востока» журналиндаги нуқсонлар «Шарқ юлдузи»га ҳам тааллуқлик эканлиги махсус таъкидланди. Бу ўринда «Ўзбекистон коммунисти» журналинда (1953. № 12) босилган «Шарқ юлдузи» журналининг юксак ғоявий-баднийлиги учун курашайлик» номли мақолани алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Мақолада журнал саҳифаларида муайян даражада яхши асарлар босилгани қайд этилгач, асосан ундаги камчилик ва нуқсонлар очиб ташланади. Журнал Иброҳим Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» романини босиб чиқарганда ундаги жиддий нуқсонларга аҳамиятсизлик билан қарагани, унда «ғоясиз, тузсиз асарлар» эълон қилинаётгани кескин қораланди. «Журнал ва унинг редактори Мирмуҳсин... ўз ишига бепарволик билан қараган. Натижада журнал саҳифасида ғоясиз, сиёсий жиҳатдан бўш асарлар ўрин олган». Мақолада М. Бобоев, Уйғун, Эгам Раҳим, Жуманийёз Жабборов, Мир-

²⁶ Шарқ юлдузи. 1950. № 5. 105—106-бетлар.

²⁷ Шарқ юлдузи. 1950. № 10. 169-бет.

муҳсин, Асқад Мухтор, Адҳам Раҳмат, Холид Расул, С. Абдуқаҳҳорнинг баъзи бир асарларидаги нуқсонлар кўрсатилди. Айни вақтда, журналда босилаётган мақола ва тақризларда қатор қусурлар очиб ташланди. Б. Файзиёвнинг «Қуёш болалари» тўплами ҳақида», С. Лейкиннинг «Атоқли актриса ҳақида китоб» тақризларидаги фикрий саёзлик, М. Юнусовнинг «Ойдиннинг ижодий йўли» мақоласи «шошмашошарлик билан ёзилгани» таъкидланади ва Г. Марьяновскийнинг «Шукур Бурхоннинг артистик маҳорати» тақриздан шундай мисол келтирилади: «...К. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» пьесасидаги Ғафур ролини ижро этиши Шукур Бурхоннинг биринчи ютуғидир». Ахир «Номус ва муҳаббат» драмасида Ғафур образи йўқ-ку» (43-бет). Мақолада «Шарқ юлдузи» журналининг 1952—1953 йиллардаги сонларида ўзбек совет адабиёти материаллари асосида ёзилган ҳамда «проблематик масалаларга бағишланган бирорта ҳам мақоланинг йўқлиги», «адабиёт назариясига оид масалалар ёритилмаётгани» танқид қилинди.

1951 йил ноябрда Москвада ўзбек адабиёти декадаси очилиши муносабати билан Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Биринчи секретари А. Э. Ниёзовнинг «Ўзбек совет адабиёти ва санъати юксалишда» мақоласи «Правда» газетасида (1951. 17 ноябрь) босилиб чиқди. Мақолада Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», П. Турсуннинг «Ўқитувчи» ва бошқа асарлар ўзбек адабиётининг муваффақиятлари сифатида кўрсатилди. Ўткир Рашиднинг «Йиллар ва одамлар», Р. Аҳмадийнинг «Қамолот», С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» асарларининг камчиликлари кўрсатилди²⁸.

Ўзбек ёзувчиларининг бир қатор асарларига декада вақтида рус адиблари юқори баҳо бердилар. Ёзувчи ва танқидчиларимизнинг пойтахт адабий жамоатчилиги билан учрашувини машҳур шоир А. Сурков очди²⁹ ва адабиётимизнинг ютуқларига юксак баҳо берди. Н. Погодиннинг ёзувчи А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асари ҳақида «Талантли комедия»³⁰, Вера Инбернинг «Одамлар ва китоблар ҳақида»³¹ ва танқидчи К. Зе-

²⁸ Шарқ юлдузи. 1951. № 11.

²⁹ Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси очилишида сўзланган нутқ//Қизил Ўзбекистон. 1951. 20 ноябрь.

³⁰ Литературная газета. 1951. 20 ноябрь.

³¹ Уша жойда.

линский «Ўзбек адабиётининг гуллаб-яшнаши»³² мақолаларида ўзбек совет адабиётининг юксалаётгани анча кенг кўрсатилди. Москва танқидчиларининг Ғ. Ғулом, Уйғун, Мирмуҳсин, А. Мухтор, Зулфия, Р. Бобожон, Э. Раҳим, М. Бобоев ҳамда бошқа шоир ва ёзувчиларимиз асарларини муҳокама қилиши ўзбек танқидчиларига ҳам ижобий таъсир этди. Шу билан бирга, «Ўзбек совет адабиётида адабий танқидчилик ва адабиётшунослик ҳали жуда орқада қолган соҳа эканлиги декада вақтида жуда аниқ кўрингани» махсус таъкидланди: «Адабиётшунослар ва танқидчилар декадага биронта катта мукамал асар олиб боролмадилар. Танқидчиларимизнинг кундалик матбуотда чиқаётган танқидий мақолалари эса кўпинча юксак савияга эга эмас, талабга тўла жавоб бермайди»³³. Шу боисдан Ўзбекистон совет ёзувчиларининг VII Пленумида Уйғуннинг «Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзининг ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги вазифалари» (1952, март), «Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг X Пленуми якунлари ва ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги вазифалар» (1952 йил, апрель) ҳақида қилган докладларида ва сўзга чиққан нотиқлар адабиётшунослик ва адабий танқидчиликни ривожлантириш масалаларига айрича аҳамият бердилар. Натижада Ўзбекистон Ёзувчилари союзида адабиётшунос ва танқидчиларнинг республика кенгаши (1954, февраль) бўлди. Кенгашда адабиётшунослик ва танқидчиликнинг муҳим, актуал вазифалари атрофлича, кенг муҳокама қилинди, ютуқ ва нуқсонлар таҳлил этилди.

1954 йил 13 августда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчиларининг III съездида ва Уйғуннинг «Ўзбек совет адабиётининг аҳволи ва вазифалари» номли докладида ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ижобий тенденциялар махсус таъкидланди.

1954 йилда Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II съездида КПСС Марказий Комитети табрик йўллаб, унда танқид ва адабиётшуносликнинг юксак миссияси ва камчилиги қайд этилди. «Жуда бой классик меросни ишлаб чиқиши ва совет адабиётининг тажрибаларини умумлаштириб бериши, адабиётимизнинг ғоявий-бадий ўсишига кўмаклашуви лозим бўлган адабий тан-

³² Учительская газета. 1951. 21 ноября.

³³ Декада якунларига доир//Шарқ юлдузи. 1951. № 12. 6—7-бетлар.

қидчилик ва адабиётшунослик ҳали ҳам жиддий ра-
вишда кейинда қолмоқда»³⁴, дейилади ўша табрикда.

Съездда А. Сурков «Совет адабиётининг аҳволи ва
вазифалари тўғрисида» доклад, Қ. Симонов «Прозани
ривожлантириш проблемалари», Самад Вурғун «Совет
поэзияси», Н. Тихонов «Ҳозирги замон жаҳон прогрес-
сив адабиёти», А. Корнейчук «Совет драматургияси»,
Б. Полевой «Болалар ва ёшлар учун совет адабиёти»
ва Б. С. Рюриков «Совет адабий танқидчилигининг
асосий проблемалари» ҳақида қўшимча доклад қилди-
лар. Деярли ҳар бир докладда адабиётшунослик ва ада-
бий танқид масалаларига тўхтаб ўтилди. Махсус док-
ладда эса адабиётшунослик ва танқидчиликнинг гоявий
принциплари, танқидчилик ва ҳаёт, танқидчиликда ма-
ҳорат масалалари ҳар тарафлама муҳокама этилди.
Бундан ташқари, докладда совет танқидчилиги методо-
логиясининг баъзи томонлари белгилаб берилди.

Бутуниттифоқ ёзувчиларининг II съездиди адабий
танқидчиликка тегишли кўрилган қатор масалалар Ўз-
бекистон Ёзувчилар союзи фаолиятида ҳам ўз аксини
топди. Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзи правление-
сининг II Пленумида (1955. 7—8 март) А. Қаҳҳор «Бу-
тиниттифоқ совет ёзувчилари II съездининг якунлари
ва Ўзбекистон ёзувчиларининг вазифалари» ҳақида
доклад қилди ва қатор ёзувчиларнинг замонавий воқе-
лик билан жонли алоқалари кучли эмаслиги, бу ҳол
уларнинг ҳозирги замон мавзуларида чуқур мазмунли,
бадий гўзал асарлар яратишига халақит бераётгани-
ни махсус таъкидлади.

Абдулла Қаҳҳор адабиётшунослик ва танқидчилик-
нинг актуал масалалари ҳақида гапириб, илмий кадр-
лар тайёрлашга жиддий эътибор бериш зарурлигини
махсус таъкидлади ва адабиёт илмига тегишли баъзи
бир юзакиликларни Я. Д. Пинхасовнинг кандидатлик
диссертациясига ёзилган автореферат мисолида кўрса-
тиб берди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг III Пленумида
(1956. 6—7 июль) адабиётшунослик ва адабий танқид
масалаларига алоҳида эътибор қилиниб, адабий тан-
қидчилигимиздаги юзакиликнинг умумидадабиётимиз рав-
нақи учун салбий таъсир этгани, бу ҳол ҳаётни бўяб
тасвирлашда намоён бўлганини қатор асарлар мисоли-
да кўрсатиб берилди. Кейинги пайтларда шеърятда

³⁴ Шары юлдузи. 1954. № 12. 6-бет.

риторика ва мадҳиябозликнинг кучайгани ҳақида далилли фикрлар айтилди.

Бироқ шу билан баробар адабиётшунослик ва адабий танқидчилик соҳасида олға силжишлар қизғин тус олаётгани мамнуният билан қайд этилди ва бу борада ҳал қилиниши зарур масалалар жиддий қўйилди. Пленумда сўзга чиққан бошқа нотиклар ҳам адабий танқидни янада ривожлантириш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон партия ташкилотининг съездларида бадий адабиёт, хусусан, танқид ва адабиётшуносликка муттасил эътибор берилди. Ўзбекистон КП XI съезди (1952 йил, сентябрь) резолюциясида «Ўзбек миллий ижодий кадрларини кўтариш ва тарбиялаш ишини яхшилаш, асосий диққат-эътиборни ёш ўзбек ёзувчи ва шоирлари, драматург ва композиторлари, музыка ва адабий танқидчилари, кино санъати ходимларига ғоявий-назарий ва ижодий ўсишлари борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш зарурлиги таъкидланди. Худди шу ерда «уларнинг бадий маҳоратини оширишга эришув»³⁵ зарур масала сифатида қайд этилди.

Қисқаси, СССР ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг съездлари, Пленумлари адабиётшунослик ва адабий танқид масалаларига жиддий эътибор бериб келди ва бу ҳол ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг кейинги камолотида муҳим омил бўлди. Буни поэзия, проза ва драматургия соҳасида босилган юзлаб тақризлар ва мақолалар ҳам исбот қилади.

ТАҚРИЗ — АДАБИЁТНИНГ ОИНАСИ

Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи ўн йилликдаги ўзбек адабий танқидчилиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун ўша даврда босилиб чиққан тақризларга бир назар ташлаб ўтмоқ лозим. Бу яна шунинг учун ҳам зарурки, уларда ижодкорларнинг кузатган ва кўрган-кечирганлари, давр руҳи, адабий жараённинг муайян хусусиятлари бутун мураккаблиги билан намоён бўлади.

Бу даврдаги адабий танқидчиликда энг аввало поэтик асарлар ҳақида битилган тақризлар кўпчилиқни ташкил қилади. Бу соҳада энг актив тақризчилар Ҳ. Ёқубов ва А. Олимжоновлар эди. Коллектив автор-

³⁵ Резолюции и решения съездов Коммунистической партии Узбекистана. Ташкент. 1957. С. 423.

ларнинг шеърӣй тўплamlари ҳақида қатор тақризлар босилиб чиқди.

Бу даврда ўттиздан ортиқ поэма яратилди. Уларнинг ҳар бири ҳақида тақризлар эълон қилинди. А. Алимуҳамедовнинг «Уста Ғиёс» поэмаси ҳақида баъзи мулоҳазалар тақризи узоқ йиллар мобайнида мунозараларга сабаб бўлиб келди. Тўғри, бу мақола нуқсонлардан холи эмас. Лекин ундаги баъзи ижобий тенденциялар, асарга бадийят нуқтаи назаридан ёндашиш жиҳатидан ибратлидир.

Маълумки, бу даврда ўзбек поэзиясида риторика ва мадҳиябозлик хийла кучайган эди. Танқид ҳам буни махсус таъкидлади: «Поэзиямизда эпик ва лирик жанрларнинг кўп хилдаги ранг-баранг турлари ўрнини риторика ва мадҳиябозлик эгаллаб олди... Сўнгги йилларда беташвиш идиллия, баландпарвоз дифирамблар билан тўла шеърлар кўпайиб қолди.

Кейинги икки йил ичида йигирмага яқин шеърлар тўплами чиқди-ю, буларнинг анчагинаси дарров унутиб юборилди... Бу шеърӣй тўплamlар... поэзиямизни янги, юқори босқичга кўтара олмади»³⁶.

Юқорида келтирилганлардан ташқари, бу давр ўзбек поэмалари ҳақида босилган тақризлар тўғрисида гап борганда М. Бобоев³⁷, И. Расулов ва Т. Ғозибоев³⁸, Ш. Шоабдурахмонов³⁹, С. Анорбоев⁴⁰, Ҳ. Муҳаммадхонов ва У. Бурҳоннинг⁴¹ тақриз ва мақолаларини эслаб ўтишга тўғри келади.

Янги шеърӣй тўплам ёхуд поэмаларга битта тақриз бериш билан чекланиб қолинмаган. Қатор асарларга журнал ва газеталарда бир неча тақриз ва мақолалар бериб борилган. Бир асар ҳақида ҳам вақтли матбуотда хилма-хил тақризлар босилиб чиққан. Баъзан тақризчилар бир-бирлари билан мунозара қилишга интилдилар. Масалан, С. Анорбоев «Қадрдон дўстлар» поэмасини батафсил таҳлил қилар экан, А. Олимжоннинг бу асар ҳақида ёзган тақризига (Қизил Ўзбекистон. 1948. 30 октябрь) муносабат билдиради, баъзи фикрларига қўшилади, айримларини рад қилади. А. Олим-

³⁶ Бадийй ва гоъвий юксаклик сари//Шарқ юлдузи. 1956. № 8. 9-бет.

³⁷ «Пўлат қуювчи» поэмаси ҳақида//Шарқ юлдузи. 1948. № 3.

³⁸ «Борбон» поэмаси ҳақида//Шарқ юлдузи. 1948. № 4.

³⁹ «Пўлат қуювчи» поэмасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар//Шарқ юлдузи. 1948. № 4.

⁴⁰ «Қадрдон дўстлар» поэмаси ҳақида//Шарқ юлдузи. 1949. № 2.

⁴¹ Катта ижодий йўлда//Шарқ юлдузи. 1950. № 2.

жон поэмадан бир парча келтириб, унда «шеърый шавқ, бадият йўқ», улар «ибтидоий форма», «оддий насрий иборалардир» дейди. С. Анорбоев тақризчининг бундай фикрларига қўшилмайди. Учинчи тақризчи С. И. Лиходзиевский эса поэмада шоир ғоявий ниятини шундай талқин қилади: «Рамз Бобожоннинг... қаҳрамони А. Твардовскийнинг машҳур поэмаси қаҳрамони Василий Тёркиннинг ҳамполки ва яқин дўсти бўлган ўзбек жангчиси Аҳмадир. Шоир ўз зиммасига анча мураккаб вазифани — Тёркиннинг қандайдир даражадаги адекват образини, унинг ўзбекча вариантини яратишни олган. А. Твардовский билан мусобақалашига Рамз Бобожоннинг қурби етмади. «Қадрдон дўстлар» қаҳрамонининг машҳур Тёркинга олиб бориб боғланиши ғирт механик ва шартлидир»⁴².

Бу хилдаги танқидлар, яъни баъзан ортиқ даражада кўтариб юбориш ёки, аксинча, асарларни инкор этиб, йўққа чиқаришга интилишлар бу давр адабиётшунослиги ва танқидчилигида тез-тез учраб турадиган ҳодисалардан бири эди. Кўпинча, бадий асарлар темасининг муҳимлиги, актуаллиги қайта-қайта таъкидланар, ижодкор маҳоратига, асарларнинг бадий қимматига эса жиддий эътибор берилмасди.

Бу даврда қатор шеърый тўпламлар тўғрисида вақтли матбуотда савияси хилма-хил, бир-бирига зид келадиган фикрлар баён қилинган жуда кўп тақризлар босилиб чиқди. Биргина «Шарқ юлдузи» журналининг ўзида Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Зулфия, Туроб Тўла, Саида Зуннунова, Мамарасул Бобоев, Султон Акбарий, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборов, Шухрат, Назарматларнинг поэма ва тўпламларига қатор тақризлар эълон қилинди.

Бу тақризларда адабий танқидчилик ўзбек поэзиясида замонавий ҳаёт воқеаларини акс эттириш кучайиб ва чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Бу хислат ўша даврда яратилган тақризларнинг бош фазилатидир. Бироқ тақризларда замонавийликни баъзан бир томонлама, юзаки талқин этишлар ҳам кўзга ташланди. Айрим пайтларда поэтик асарларда эришилган ютуқлар умумий тарзда, кўпроқ ғоявий-тематик планда кўрсатилди; социалистик реализм методи эса аввалдан тайёр бўлган муайян қонунқоидаларнинг оддий йиғиндиси сифатида талқин қилинди. Натижада фикрий теранликдан, жўшқин ва

⁴² Звезда Востока. 1954. № 8. С. 97—98.

жонли ҳиссиётдан маҳрум бўлган риторик, декларатив, баландпарвоз ва мадҳиябозликдан иборат асарларни асоссиз мақташ ҳоллари бўлди.

* * *

Тадқиқ қилинаётган даврда ўзбек адабиёти тараққиётида поэзияга қараганда прозанинг салмоғи камроқ кўринар эди. Шу сабабдан бўлса керак, прозаик асарлар ҳақида ёзилган тақриз ва мақолалар унча кўп эмас эди. Лекин бундан адабий танқидчилик проза асарларига бутундай эътиборсизлик билан қараган деган бир томонлама хулоса чиқариш мумкин эмас, албатта. Энг муҳими, бу давр адабий танқидчилигидаги юксалиш руҳи, айни пайтда, ундаги қатор қийинчиликлар, мураккаблик ва қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш прозаик асарларга муносабатда ҳам яққол кўринди. Буни тасаввур этиш учун биргина «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган тақриزلарни эслаб ўтишнинг ўзи kifoya. Тақриз воситасида адабий танқидчиликка қатор янги кучлар кириб келди.

Адабий танқидчилик атоқли санъаткор ёзувчиларимиз замонавий ҳаётни акс эттиришга фавқуллодда жиддий эътибор берганлигини, ўзбек прозаиклари сафи А. Мухтор, Р. Файзий, С. Аҳмад, О. Ёқубов, П. Қодиров каби таланти ижодкорлар билан кенгайганлигини, даврнинг илғор қаҳрамонлари образини яратишга, ҳаётимиздаги иллатларни, кишилар онгидаги эскилик сарқитларини аёвсиз фош этишга киришганликларини махсус таъкидлаб адабиётимизда рўй бераётгани бу тенденцияларни қўллаб-қувватлаб бордилар.

Темир Фаттоҳ ўзининг «Коммунизм сари»⁴³ номли тақризида махсус альманахда эълон қилинган ўзбек хотин-қизларидаги фидокорона ватанпарварлик руҳини акс эттирган Раҳмат Файзийнинг «Улғайиш», Зулфиянинг «Ақл ёшда эмас, бошда», Ойдиннинг «Қўш қанот», Н. Сафаровнинг «Султон бўзчининг набиралари», Парда Турсуннинг «Чевар қиз», Туроб Тўланинг «Доно билан Яхши гул», «Зулфия Умидова», Ғ. Ғуломнинг «Эр билан бас бойлашган хотин», «Чўтир хотиннинг толен» каби очерк ва ҳикояларига қизгин муносабат билдиради, янги тенденцияларни қўллаб-қувватлайди.

⁴³ Коммунизм сари//Альманах. Нашрга тайёрловчи Зулфия. Ред-коллегия Раҳимбобоева, Ойдин, Зулфия, Светлана Сомова. Тошкент. 1949.

«Бу альманахни ўқиган китобхон озод хотин-қизлардаги улуг мақсад ва муқаддас туйғуларни очик кўра олади»⁴⁴, — деб деб ёзади танқидчи.

Танқидчи А. Олимжон ўзининг «Социалистик саноат темасида бадий очерклар яратайлик» мақоласида ўзбек совет адабиётида «ишчи-қаҳрамон образларини яратиш учун бўлган» ижодий интилишни қўллаб-қувватлаш зарурлигини қайд этади. Мунаққид Раҳмат Файзийнинг «Улғайиш», «Тўёна» тўпламларини, улардаги «Юз миллион», «Қамолот», «Бир процентнинг қиммати», Ёқубжон Шукуровнинг «Шонли йўл» очеркларини тематик планда таҳлил қилади, айни вақтда, «Улғайиш»да ёзувчи «қаҳрамоннинг ишларини бадий равишда кўрсатишга кам аҳамият бергани», натижада баёнчилик кучайиб кетгани, бу «бадий нуқсон», «Юз миллион», «Қамолот» очеркларида янада кучли эканлигини қайд қилади. «Шонли йўл» очеркида, танқидчининг фикрича, партиянинг ташкилотчи, уюштирувчи, тарбияловчи роли кўрсатилмаган⁴⁵. С. Раҳим ҳам ўз тақризида кўпроқ ёзувчи С. Абдуқаҳҳорнинг очеркларидаги камчиликларни кўрсатишга ҳаракат қилади. Тақризчи фикрча, «Республика юраги» тўпламидаги «Назокат», «Китоб қаҳрамони», «Республика юраги» очерклари қуруқ баёнчилик, рўйхат ва рақамлар уюмидан иборат. Ёзувчи «Комсомоллар тузган колхозда» очеркида «Партиямизнинг коллективлаштириш давридаги сиёсати нотўғри кўрсатилган», «Баҳор нафаси кезганда» очеркида эса автор «ўз истагини амалга оширишда хато йўлга кириб қолган». Тақризчи шундай хулосага келади: «С. Абдуқаҳҳор ҳозирги кунимизнинг актуал масалаларини ёритишда шошмашошарлик қилган, ижодий меҳнатга масъулиятсизлик билан қараган, натижада мазмунан саёз, бадий жиҳатдан хом асарлар яратган. Тўплам совет китобхонларининг талабига жавоб бера олмайди»⁴⁶.

Танқидчиликнинг энг қийин вазифаларидан бири — танқиднинг асосли бўлишидир. Ўқувчилар орасида «Асоссиз мақтовдан асосли танқид яхши» деган гап юради. Баъзи бир танқидчилар ўзининг «ожишлигини» яшириш ёки «кучли» қилиб кўрсатиш учун бадий асарларга ялпи ҳужум қиладилар, баландпарвоз сўзлар билан қатор асарларни асоссиз танқид қилавера-

⁴⁴ Шарқ юлдузи. 1950. № 3. 128-бет.

⁴⁵ Шарқ юлдузи. 1950. № 11. 156—163-бетлар.

⁴⁶ Шарқ юлдузи. 1951. № 7. 169-бет.

дилар. Юқорида эслатилган Темир Фаттоҳнинг тақризида очерклар жиддий таҳлил қилинмайди. Кўпроқ асоссиз мақталади. С. Раҳим тақризи эса унинг акси, яъни очерклар баландпарвоз сўзлар билан ишонарсиз тарзда қуруқ танқид қилинаверади.

Бу хилдаги танқидий чиқишлар ўша йилларда яратилган ҳикояларга муносабатда ҳам кўзга ташланади. Раҳим Муқимов ёзувчи Саид Назарнинг «Забардаст кишилар» (1949) ҳикоялар тўпламига ёзган тақризида «Ўтанбой ҳосилот комиссия» номли ҳикояни таҳлил қила туриб, «колхозда партия ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлик роли сира кўринмайди», дея танқид қилади. С. Назарнинг «Мерган» ҳикояси ҳақида мунаққид шундай дейди: «Балиқчи совхозининг аъзоси Ниёзмат бобо якка хўжалик балиқчидай ёлғиз қилиб кўрсатилади. Унинг меҳнатида на коллектив, на техника ёрдами кўринади»⁴⁷.

Ўша йиллардаги адабий танқидчиликда бу хилдаги талаб ва танқидий гапларга кўп дуч келамиз, мунаққидлар тақриз ва мақолаларда ёзувчилар олдида шу хилдаги «мажбурий талаблар» қўяр эди. Биринчидан, бутун совет адабиёти олдида қўйиладиган вазифаларни, яъни партия ташкилотининг раҳбарлик ролини, шахс ва коллективнинг ўзаро муносабатини кенг миқёсда кўрсатишдан иборат талабларни механик тарзда ҳар бир очерк ва ҳикоядан талаб этиш мумкин эмас, қолаверса, бу ҳол ҳаётни маълум бир схема асосида кўрсатишга даъват қилишдан иборат эди. Адабиётда уни кўрсатиш «зарур», буни кўрсатиш «мумкин эмас» деган сохта қарашларнинг таъсири айниқса ёш ёзувчиларни қуролсизлантириб, уларнинг биринчи асарида эришган ютуқларини ривожлантиришга халақит беради, кейинроқ ҳатто уни тўғри йўлдан бутунлай чалғитиб юбориши ҳам мумкин.

С. Анорбоев ўзининг П. Қодировнинг «Шарқ юлдузи» (1950, № 4, 7, 10)да босилган «Яхшилиқ», «Икки учрашув», «Эркин» ҳикоялари ҳақида «Ёш ёзувчининг умидли овози» («Ёш ленинчи». 1951. 30 июнь) номли мақоласида ижодкорнинг энг аввало эришаётган ютуқларини кўришга, уни қўллаб-қувватлашга интилади. Ёш ёзувчининг келажагига умид қилади. Бу қуруқ сафсата, расмий тарзда айтилган гап эмас, балки комил ишончга тўла қалб даъвати. Айни вақтда, С. Анорбоев ёш ижодкорнинг ҳикояларидаги нуқсонларга

⁴⁷ Шарқ юлдузи. 1950. № 4. 121, 123-бетлар.

бефарқ қараган эмас, улардаги муайян камчиликларни хийла тўғри кўрсатган. Аммо С. Анорбоевнинг бу мақоласида ўша давр танқидчилигида бўлганидек, адабий ҳодисаларни қўпроқ ғоявий-тематик планда таҳлил қилишга интилиш кучли.

Бу йиллар танқидчилигида «турмушни бузиб кўрсатган», «воқелигимизни сохталаштирган асар» деган қатъий, аммо асоссиз ҳукмлар анча учрайди. «Шарқ юлдузи» журналининг 1951 йил 5-сонида бу хилдаги танқидий мақолалардан икkitаси босилган. Улардан бири — Уткир Рашиднинг «Йиллар ва одамлар» китоби ҳақида С. Анорбоевнинг «Брак маҳсулот» номли мақоласи, иккинчиси — Р. Аҳмадийнинг «Қамолот» ҳикояси ҳақида Карим Йўлдошнинг «Воқелигимизни сохталаштирган ҳикоя» деган танқидий мақоласи.

Бундай асоссиз танқид ҳақида гапириб, Қ. Симонов Совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ II съездида қилган докладида шундай деган эди: «Танқидчилик соҳасида: «бу — туҳмат», «турмушни бузиб кўрсатган» деган сўзларни кўпинча ҳеч бир суриштирмай айтавериш ҳоллари ҳам бор. Бу асарларнинг авторлари совет воқелигига туҳмат қилиш ёки совет воқелигини бузиш ниятида бўлмаганликлари ва уларда бундай субъектив ниятнинг бўлиши мумкин эмаслигини ўзимиз ҳам сезиб турамыз ва тушунамыз. Бундай ҳолларда танқидчилар... ўзлари бу асарни ёзган киши онгли туҳматчи эканлигига ишонмас эканлар, уни онгли туҳматчи деб ёзмасликлари керак»⁴⁸. Ўша йиллардаёқ А. Сурков ҳам: «Хатолари бўлган асарларни... танқид қилган вақтимизда танқидни шовқин-суронли «пўстак қоқиш» кампаниясига айлантириб юбормаслигимиз лозим... Танқидчиларимиз адабиёт манфаатлари учун лозим бўлган услуб ва йўлни ҳар вақт ҳам ўз ўрнида ишлата олмадилар. Буни эсда тутиш керак ва бу тўғрида гапириш керак»⁴⁹, деб таъкидлаган эди.

Давр илмий адабиёти яна шуни ҳам кўрсатадики, бу йилларда ўзбек адабий танқидчилигининг тараққиёт тенденцияларини кўрсатадиган ижобий ҳодисаларнинг асосий йўналишини белгилар эди.

Бу давр ўзбек адабиётшунослари ва танқидчилари ҳикоянависликини янада ривожлантиришга жиддий аҳамият бердилар. Масалан, Ҳ. Ёқубовнинг «Абдулла Қаҳ-

⁴⁸ Шарқ юлдузи. 1955. № 2. 111-бет.

⁴⁹ Шарқ юлдузи. 1955. № 1. 33-бет.

ҳор новеллалари»⁵⁰ мақоласи журналнинг қатор сонларида босилиб чиққандан сўнг танқидчи А. Алимӯҳамедовнинг «А. Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир»⁵¹ номли катта мақоласи чоп этилди. С. Лиходзиевский «А. Қаҳҳор ҳикоялари» (1947), И. Боролинанинг «Абдулла Қаҳор ҳикоялари» номли тадқиқоти «Звезда Востока» журналининг икки сониди босилиб чиқди⁵². Айни вақтда, А. Алимӯҳамедовнинг «Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида одам образи» (1948), И. Боролинининг «Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари» (1953) ва П. Қодировнинг «А. Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди» (1954) номли диссертациялари вуҷудга келди.

Ҳ. Ёқубов, А. Алимӯҳамедов, И. Боролина ва П. Қодировнинг мақола ва тадқиқотлари ўзбек совет адабиётида ҳикоя жанрини, бу жанрнинг асосчиларидан бўлган А. Қаҳҳор ижодини ўрганишга қизиқишнинг, уни атрофлича кенг ва чуқур таҳлил қилишга интилишнинг кучайиб бораётганлигини кўрсатади. Бу даврга қадар А. Қаҳҳор реалист санъаткор, талантли ижодкор, моҳир ҳикоянавис сифатида махсус ўрганилмаган эди.

Ҳомил Ёқубов «Абдулла Қаҳҳор новеллалари» мақоласида А. Қаҳҳор асарларини конкрет ва жиддий таҳлил қилди. Мунаққид ёзувчи ҳикояларининг тарихий илдизларига назар ташлайди, унинг классик адабиётимиз ва халқ оғзаки ижодидан, айни вақтда, рус ва Европа адабиётининг реалистик традицияларидан баҳраманд бўлганига алоҳида эътибор беради, типик шароит ва типик характерлар яратиш ҳақида фикрмулоҳазалар юритади. Булар фақат А. Қаҳҳорнинг реалистик ижодигина эмас, айни вақтда, бутун ўзбек совет адабиёти шаклланиши ва ривожининг тарихий манбалари ҳақида яхлит тасаввур этишга имкон беради. Тадқиқотчи биринчи ва иккинчи мақолаларида ёзувчининг Улуғ Ватан урушига қадар яратган ҳикояларида ўтмиш ҳаётини акс эттириш принциплари, воқеаларни лўнда ва сиқик ифодалаши, ориқча деталларга берилиб кетмаслигини, реалистик характерлар яратиш маҳоратини кўрсатади. Айни вақтда, ёзувчининг ижобий типларни тасвирлашдаги ўзига хос индивидуал хусусиятларига ҳам эътибор қилади. А. П. Чеховдан ҳикоя техникасини, бадний тип яратиш усулла-

⁵⁰ Шарқ юлдузи. 1946. № 1—2, 3, 4—5.

⁵¹ Шарқ юлдузи. 1947. № 2—3.

⁵² Звезда Востока. 1953. № 10—11.

ри ва воситаларини, кичик воқеа ҳамда деталлардан катта бадий умумлашмалар чиқара олиш санъатини ўрганиш ҳақида фикр-мулоҳазалар юритганда, танқидчи А. Қаҳҳорнинг миллий колоритни, яъни «халқ турмушининг тарихий-маҳаллий хусусиятларини, урф-одати, характери, хулқи ва маиший хислатлари» тўғри ва равшан кўрсатганлигини махсус таъкидлаб боради. А. Қаҳҳор ижодий услуби ҳақида гапириб, танқидчи «у ўз фикрини фақат образлар билан ифодалайди. Ҳикояларининг «объективлиги кишини ҳайратда қолдиради» дейди. Танқидчи таъкидлашича, ёзувчининг қараши, «ташвиқоти», нияти ҳикояларининг бадий тўқимасидан туртиб, қалқиб, тошиб чиқиб турмайди ёки алоҳида ҳолида муаллақ бўлиб қолмайди.

Ҳомил Ёқубов ёзувчи А. Қаҳҳорнинг ўз асарларида ўзбек тилининг ғоят бой имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланганига, сўзларни сиқик, фикрни кенг қилиб ифодалаш санъатини ўзлаштирганига, ҳар бир шахсни фақат ўз тили билан гапиртиришга ва шу сўзлари орқали характерини очишдаги истеъдодига айрича аҳамият беради.

Абдулла Қаҳҳор новеллалари ҳақидаги танқидчининг учинчи мақоласида ёзувчининг уруш давридаги ҳикоялари анча кенг таҳлил қилинади. Бу мақола ҳам ибратли, чуқур фикр-мулоҳазаларга бой. Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳомил Ёқубов тадқиқотчи А. Алимуҳамедовнинг «Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир» номли мақоласига бир томонлама ёндашган. Унинг айрим мақолаларида ўша йилларнинг дағдағали муҳри хийла кучли. Ҳ. Ёқубов А. Алимуҳамедовнинг текшириш методини инкор этган. Уни формализмда айблаб, ҳатто «ашаддий эстет-космополит»⁵³ дея қоралаб чиққан эди. А. Сурков ибораси билан айтганда, бу хилдаги шовқин-суронли «пўстак қоқишлар», «фош қилишлар» баъзи бир ёзувчи ва танқидчиларни жонли адабий жараёндан четлашишга олиб келди. Тўғри, адабиётшунослик ва танқидчилигимиз ривожини бундай дағдағали субъективизм эмас, балки адабий жараёнга позитив муносабат, ўзбек классик ва совет адабиёти намоёндалари ижодини атрофлича кенг ва чуқур тадқиқ қилишлар

⁵³ Адабиётимизда эстет-космополитларни охиригача фош қилайлик//Қизил Ўзбекистон. 1949. 16 март; Адабиёт ва санъатда бева-тан космополитларни охиригача фош қилайлик//Қизил Ўзбекистон. 1949. 19 март.

белгилайди. Мунаққидларимиз шу йўл билан бориб, адабиёт илмини янада ривожлантирдилар.

* * *

Бу даврда ҳикоячиликни таҳлил қилишдаги турли-туманликлар, баҳслардаги бир-бирларига зид фикр-мулоҳазалар повесть ва роман жанрларига муносабатда ҳам кўзга ташланади.

Парда Турсуннинг «Ҳақ йўл» повести (1947) атрофида бўлган фикр олишув бу жиҳатдан характерлидир. «Ёш ленинчи» газетасида бу повесть ҳақида қизгин мунозара бошланди. Шу муносабат билан С. Қосимов, Ҳ. Убайдуллаев, С. Азимовлар⁵⁴, Султон Акбарий⁵⁵, И. Расулов ва Т. Ғозибоев⁵⁶, Шоҳид Тоҳир⁵⁷, Султон Муҳаммаджонов⁵⁸, Рўзи Юнусов⁵⁹ ва бошқаларнинг қатор мақолалари эълон қилинди.

Мунаққидлардан баъзилари повестнинг мавзуи актуаллигига ва ёзувчининг муҳим масалани дадил кўтариб чиққанига эътибор бердилар, бошқа бирлари асардаги образларнинг мукаммал эмаслигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Ёзувчининг биринчи йирик асари «Ҳақ йўл»да эришган ютуқлари ва ундаги камчиликлар фақат «Ёш ленинчи» газетасидаги мунозара материалларидагина эмас, айни замонда, бошқа мақола ва тақризларда ҳам махсус таъкидланди. Дм. Вифлеемский ёзади: «Парда Турсуннинг асар қаҳрамонлари кечинмаларини пейзаж билан боғлай олиши, персонажлар тилидаги индивидуал хусусиятларни таъкидлаб кўрсатиши, портрет тасвиридаги усталиги, асосан, ҳаёт ҳодисалари ва конфликтларини тасвирлаш маҳорати навқирон ёзувчининг тугалланган повести жуда кенг китобхонлар оммаси учун илмий ва тарбиявий аҳамият касб этади, деб умид билдиришга асос беради»⁶⁰. Бу хилдаги мисолларни яна келтириш мумкин.

Уша йиллардаги адабий танқидчиликда айрим повестларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатишда саёзлик, юзакичилик ҳам рўй берди. Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда» повести ҳақида Т. Собировнинг «Илҳомбахш ҳаёт ҳақида қисса»⁶¹, О. Собир

⁵⁴ «Ҳақ йўл» повести ҳақида//Ёш ленинчи, 1948. 29 февраль.

⁵⁵ Бизнинг мулоҳазаларимиз//Ёш ленинчи. 1948. 7 март.

⁵⁶ Етилмаган образлар//Ёш ленинчи. 1948. 11 март.

⁵⁷ «Ҳақ йўл» — кураш йўли//Ёш ленинчи. 1948. 14 март.

⁵⁸ «Ҳақ йўл» тўғрисида//Ёш ленинчи. 1948. 21 март.

⁵⁹ Турмушдан лавҳалар//Ёш ленинчи. 1948. 25 март.

⁶⁰ Звезда Востока. 1948. № 11. С. 108.

⁶¹ Қизил Ўзбекистон. 1950. 30 август.

ровнинг «Ўзбек металлурглари ҳақида повесть»⁶², С. Лиходзиевскийнинг «Повесть о металлургах»⁶³, Б. Брайнинанинг «Там, где сливаются реки»⁶⁴ номли тақризлари босилиб чиқди. Ниҳоят, А. Пантелеевнинг «Материал ва бўёқлар»⁶⁵ номли мақола ва очиқ хатлари эълон қилинди. Парда Турсуннинг «Ҳақ йўл» повести тўғрисида бўлганидек, бу асар ҳақида танқидчилар ҳар хил фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Кўп-лар уни ортиқ даражада мақтаб чиқдилар. Назаримизда жиддий нуқсон шундаки, мақташ ҳам, баъзи бир танқидий гаплар ҳам етарли даражада асосли, ишонтирарли бўлмади. Бизнинг бу ўринда А. Пантелеевнинг ёзувчига ёзган очиқ хатини алоҳида эслатиб ўтишимиз бежиз эмас. Юқорида номи тилга олинган танқидчиларга нисбатан Пантелеев бу повестга принципаал ёндашди ва ёзувчига муносабатини самимий, дўстона танқид йўли билан билдирди. Шу туфайли бўлса керак, А. Пантелеевнинг «Материал ва бўёқлар» номли очиқ хати Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг очиқ партия мажлисида атрофлича кенг муҳокама қилинди ва барча ижодкорлар шундай хулосага келдилар: «А. Пантелеевнинг хати фақат ёзувчи Асқад Мухторгагина эмас, балки Ўзбекистоннинг барча ёзувчилари, танқидчиларига катта сабоқ бўлди. Хат катта меҳр ва самимият билан ёзилган. А. Пантелеевнинг бу хати дўстона танқиднинг намунасиридир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ёзувчиларининг барчаси бунга алоҳида диққат билан қарашлари керак». Дарҳақиқат, бу бирдан-бир тўғри хулоса эди. Ҳозирга қадар ўша давр ўзбек адабиёти, прозаси, жумладан А. Мухтор ижоди ҳақида гап борганда мутахассислар А. Пантелеевнинг бу мақоласини тилга оладилар. Асқад Мухтор ўз мақолаларининг бирида ўша даврдаги ижодий изланишларидаги қийинчиликларни эслаб шундай деган эди: «Ёзган асарларимда ҳали жуда кўп камчиликлар бор, профессионал маҳорат етишмайди, образларни тип даражасига кўтаришга ожизлик қилаётирман. Бу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун тинмай ўқиш-ўрганиш, халқ турмушини чуқур билиш, санъаткорлар маҳоратини эгаллаш зарур»⁶⁶.

Бу ҳақ гапни Асқад Мухторга тенгдош авлодлар-

⁶² Шарқ юлдузи. 1951. № 12.

⁶³ Правда Востока. 1950. 8 октября.

⁶⁴ Правда Востока. 1951. 12 август.

⁶⁵ Дружба народов. 1952. № 1; Шарқ юлдузи. 1952. № 8.

⁶⁶ Ўзбекистон хотин-қизлари. 1954. № 8. 15-бет.

нинг ҳаммаси, шу жумладан, ўша йилларда повесть жанрида қалам тебратаётган Парда Турсун, Ҳамид Гулом, Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир, Саид Аҳмад каби ижодкорлар ҳам такрорлашлари, шундай дейишлари мумкин эди. Парда Турсуннинг «Ҳақ йўл», «Ўқитувчининг йўли» повестлари қайта-қайта ишланиши, яъни «Ўқитувчи» романининг вужудга келиши тарихи ҳам, Ҳаким Назир «Кўкорол чироқлари» повестини, Раҳмат Файзий «Чўлга баҳор келди» асарини қайта-қайта ишлаши ҳам бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади. Масалан, Ҳаким Назирнинг «Кўкорол чироқлари» повести (1954) сюжет ва композицион қурилишида, образлар талқинида жиддий нуқсонлар мавжуд эди. Адабий танқидчилик бу асардаги бир қатор камчиликларни очиб ташлади. Ёзувчи адабий жамоатчиликнинг тўғри фикрларини эътиборга олди ва бу асарини қайта-қайта ишлади, нихоят, у «Сўнмас чақмоқлар» (1958) номи билан босилиб чиқди. Натижада ғоявий-бадний жиҳатдан анча бақувват асар вужудга келди.

Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» (1951) асари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу асар ҳақида ҳам ўзбек ва рус тилларида қатор тақриз ва мақолалар босилди⁶⁷. Бу асар ҳақида танқидчилик шундай ёзган эди: «Меҳнат кишининг кўпқиррали ҳаётидан ажралмасдир. Бироқ кўпгина асарларда қаҳрамон фақат жисмоний меҳнат процессидагина тасвирланади. Қаҳрамоннинг ўйлари, интилишлари, маънавий дунёси, психологияси, унинг ҳаёти, муҳаббати, қизиқиш доираси ёзувчилар томонидан четлаб ўтилади. Натижада туссиз, нурсиз персонажлар адабиёт саҳифаларидан кўпроқ ўрин эгалламоқда.

Ёш ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» повестида худди шундай камчиликлар бор. Повесть Мирзачўлни ўзлаштириш темаси — актуал темага бағишланган. Автор чўлни гуллаб-яшнаётган пахта плантациясига айлантириш учун Фарғона водийсидан келган ёш ватанпарварлар образини тасвирлашга интилган, лекин ёшлар меҳнатини уларнинг кўпқиррали ҳаётидан ажралган ҳолда берган. Повесть қаҳрамонла-

⁶⁷ Муҳаммаджонов С. Чўлга баҳор келди//Қизил Ўзбекистон. 1952. 1 июль; Крылов В. В пустыню пришла весна//Комсомолец Узбекистана. 1951. 25 октябрь; Дроздов А. Победы и поражения молодого писателя//Новый мир. 1951. № 12; Брайнина Б. Творцы «второй природы»//Правда Востока. 1951. 4 августа; Батъ Л. Новое в узбекской прозе//Октябрь. 1952. № 1.

рининг образлари бой кечинмалардан маҳрум этилган, улар схематик ва кишини зериктирадилар»⁶⁸.

Жамоатчилик фикридан, танқидчиларнинг дўстона танқидидан тўғри хулоса чиқарган талабчан ёзувчи Раҳмат Файзий ўз повести устида қунт ва чидам билан ишлади. Бу ҳақда гапириб О. Шарафиддинов шуларни алоҳида қайд этади: «Маълумки, бу повесть... ҳали том маъноли реалистик асар даражасига кўтарила олмаган эди. Жамоатчилик ўша пайтларда асарнинг муҳим ва актуал темада ёзилганини қайд қилиш билан бирга, унинг камчиликларини ҳам кўрсатиб берди. Китобхонларнинг танқидий мулоҳазаларига эътибор билан қараган автор ўз асарини қайтадан ишлашга киришди ва ундан уч йил ўтгач, повестнинг янги вариантини ўқувчиларга тақдим этди... Бадий асар авторнинг фарзандидай гап. Майиб гўдакни тузатиб, одам қилиш она учун бениҳоя машаққат бўлгани каби майиб асарни қайтадан яратиш, халққа манзур бўладиган даражада кўтариш ҳам ёзувчидан жуда катта ижодий жасоратни, сабот ва иродани, чексиз меҳнатсеварликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам иккинчи марта туғилган «Чўлга баҳор келди» повестини ижодий мардликнинг жонли намунаси деб айтиш мумкин»⁶⁹.

Демак, бу давр ўзбек прозаси, хусусан, унинг йирик жанрлари — повесть ва романлар тўғрисида гап борар экан, яна шуни махсус таъкидлаб ўтиш лозимки, бу даврда жамоатчиликнинг бадий асарларга талабчанлиги ошди, ёзувчилар китобхонлар олдидаги масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қила бошлади ва ўз-ўзига талабчанлик кучайди. Айни шу йилларда ўзбек повестларида «қайта туғилиш» содир бўлди. «Чўлга баҳор келди», «Қадрдон далалар», «Кўкорол чироқлари» каби повестларнинг янги вариантлари вужудга келди.

Худди шу хилдаги манзарани романчиликда ҳам кузатиш мумкин. А. Қаҳҳорнинг янги асари «Қўшчинор» (1947) ва «Қўшчинор чироқлари» (1951) номлари билан, яъни бир романнинг икки варианты вужудга келди. Парда Турсуннинг «Ўқитувчининг йўли» (1949) романи иккинчи туғилди ва «Ўқитувчи» (1953) номи билан босилиб чиқди. А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи даставвал 1946—1947 йилларда «Шарқ юлдузи»да, сўнгра 1948 йили «Звезда Востока» журнализда бо-

⁶⁸ Правда. 1953. 3 июня. (Қизил Ўзбекистон. 1953. 14 июнь)..

⁶⁹ Шарафиддинов Озод. Ижодий меҳнат самараси// Шарқ юлдузи. 1956. № 6. 109-бет.

силиб чиқди. Романни адабий жамоатчилик самимий ва қизғин кутиб олди. «Бу йилнинг энг йирик прозаик асарларидан бири, шак-шубҳасиз, ўзбек прозаиги Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи бўлди,— деган эди Ойбек.— Бу — колхоз қурилиши ҳақидаги, янги социалистик қишлоқ ҳақидаги йирик полотнодир. Роман сюжети хийла мураккаб. Романнинг бош қаҳрамонини Сиддиқжоннинг ҳаёт йўли ҳам мураккаб. Қаҳҳор ўз романида бир қатор совет кишилари образини маҳорат билан яратиб берди»⁷⁰. Ғ. Каримов ўзининг «XXX йил ичида ўзбек совет прозаси» номли мақоласида «Қўшчинор» фақат А. Қаҳҳор ижодида эмас, айни замонда, умуман ўзбек совет прозасининг йирик ютуғи»⁷¹дир, деб баҳо берди. Роман рус тилида босилиб чиққач, Юрий Лебединскийнинг тақризи «Литературная газета»да эълон қилинди. У ёзувчи эришган ютуқларни алоҳида таъкидлайди ва бош қаҳрамон Сиддиқжоннинг мураккаб ҳаёт йўли ҳақида шундай дейди: «Бу одамнинг қайта туғилишига оид чуқур ички кечинмалари, руҳий ўзгаришлари ёзувчи томонидан жуда ҳаққоний, жуда ифодали қилиб кўрсатилган. А. Қаҳҳор янги одамнинг шаклланишидаги бутун мураккаблик ва теранликни очиб берган. Сиддиқжон образи авторнинг муваффақияти ва романнинг бош фазилатидир»⁷².

Адабий баҳслардаги ўта хилма-хиллик, жумладан, муайян бир асарни ортиқча мақташ ёки бутунлай салбий баҳолаш ҳоллари «Қўшчинор» романига муносабатда ҳам ёрқин кўринади. Н. Тихонов бу роман ҳақида шундай деган эди: «А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор» романи ҳақида махсус мунозара бўлди. Бу роман аввал машҳур асарлар қаторига қўшилган эди»⁷³. Сўнгра романда жиддий камчиликлар борлигига эътиборнинг кучайганлигини махсус таъкидлайди. Бу хилдаги танқидий фикр-мулоҳазаларни кўплаб келтириш мумкин. Биз бу ўринда А. Қаҳҳор ижодининг тадқиқотчиларидан П. Қодировнинг қуйидаги фикрини келтириш билан чекланамиз. У ёзади: «Ижобий баҳоларда ҳали тамомланмаган романнинг ютуқлари бир оз ошириб айтилган бўлса, кейинчалик, романга берилган салбий баҳоларда унинг камчиликлари жуда ҳам ошириб кўр-

⁷⁰ Айбек М. Узбекская литература на подъеме // Звезда Востока. 1947. № 8. С. 71.

⁷¹ Шарқ юлдузи. 1947. № 11. 171-бет.

⁷² Литературная газета, 1948. 14 августа.

⁷³ Шарқ юлдузи. 1950. № 2. 9-бет.

сатилади. Сўнгги ҳол ўша даврда адабиёт ва санъатга бўлган догматик муносабатлар билан боғлиқ эди. Жумладан, шундай асоссиз, салбий баҳолар менинг 1952—1954 йилларда ёзилган кандидатлик диссертациямда ҳам бор»⁷⁴. Бу ўз камчиликларини тўғри эътироф этишдир.

Бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида Ойбек ижоди ҳақида қатор мақолалар босилиб чиқди. Баъзи асарлари тўғрисида мунозаралар бўлди, кескин танқид қилинди. Ҳомил Ёқубовнинг «Ойбек»⁷⁵, «Ёзувчи Ойбек»⁷⁶, «Ойбек прозасида бадий тасвир»⁷⁷, «Ойбек романлари»⁷⁸, «Ҳаёт прозаси»⁷⁹, «Романы Айбека»⁸⁰ каби қатор мақолалари вужудга келди. 1955 йилда олимнинг «Ойбек. Танқидий-биографик очерк» китоби чоп этилди. Бу китоб ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида муҳим воқеа бўлди. Озод Шарафиддинов бу асарга ёзган тақризида⁸¹ танқидчининг ишини юксак баҳолади, айниқса фикрнинг илмий қуввати — кучига, бу борада олиб борган мунозаранинг изчиллиги ва мантикий асосланиши, ишонарли йўналиш касб этишига махсус эътибор қилди ҳамда танқидчининг бундай нодир хусусиятини рўй-рост кўрсатиб берди. Тўғри, бу йилларда Ҳ. Ёқубовнинг ишларидан ташқари, Гафур Ғуломнинг «Айбек — литературовед»⁸², А. Абборов ва А. Ҳайитметовнинг «Ойбек поэзияси»⁸³. Ш. Шобдурахмоновнинг «Ойбек романларининг тили»⁸⁴ каби бир қатор мақолалар босилиб чиқди.

Юқорида махсус таъкидлаганимиздек, «Қўшчинор» каби «Олтин водийдан шабадалар» романига ҳам адабий танқидчилик турли хил муносабатда бўлди. Бунини маълум даражада тасаввур этиш учун И. Султоновнинг «Ҳаётбахш шабадалар»⁸⁵, В. Зоҳидовнинг «Ойбекнинг янги романи ҳақида»⁸⁶, «Адабиётнинг партия-

⁷⁴ Ўзбек совет адабиёт тарихи. III том. 1-китоб. Тошкент. 1972. 75-бет.

⁷⁵ Шарқ юлдузи. 1949. № 11.

⁷⁶ Ўқитувчилар газетаси. 1949. 7 декабрь.

⁷⁷ Ёш ленинчи. 1955. 19 май.

⁷⁸ Шарқ юлдузи. 1955. № 5.

⁷⁹ Қизил Ўзбекистон. 1955. 24 март.

⁸⁰ Звезда Востока. 1955. № 5.

⁸¹ Совет Ўзбекистони маданияти. 1956. 19 январь.

⁸² Звезда Востока. 1955. № 8.

⁸³ Шарқ юлдузи. 1955. № 5.

⁸⁴ Шарқ юлдузи. 1955. № 10.

⁸⁵ Қизил Ўзбекистон. 1950. 7 апрель.

⁸⁶ Шарқ юлдузи. 1950. № 10.

вийлиги учун»⁸⁷, «Ҳозирги ўзбек совет адабиётидаги баъзи камчиликлар ҳақида»⁸⁸, З. Кедринанинг «Фрагменты большого полотна»⁸⁹, Е. Михайловнинг «Нерешенная тема» («Ветер золотой долины»)»⁹⁰ каби тақриз ва мақолаларини эслашнинг ўзи кифоя. «Қўшчинор» сингари бу роман ҳам босилиб чиққандан кейин 1950 йил апрель ойида махсус муҳокама қилинди. Сўнгра романга, унинг марказий қаҳрамонига бутунлай бир-бирига зид нуқтаи назарлар пайдо бўлди. Н. Тихонов ёзади: «Ойбек ўзбек пахтакорларининг фидокорона иши ҳақида «Олтин водийдан шабадалар» номли янги роман ёзди. Романда янгилик белгилари равшан ва тўғри равишда кўзга ташланади. Бу асарда биз ёш колхозчиларни, кекса пахтакорларни, Совет Армиясининг урушдан қайтиб келиб, колхоз партия ташкилотининг секретари бўлган офицерларини кўра-миз. Кўп асарларда партия раҳбарининг роли фақат шартли кўрсатилар эди, бу асарда омманинг раҳбари, етакчиси бўлган партия ташкилотининг секретари яхши кўрсатилган»⁹¹. М. Шевердин эса романга бошқачароқ ёндашди: «Ўқтамда илғор идеал учун курашда коммунистларга хос бўлган мақсадга интилиш йўқ... авторнинг хатоси шундан иборатки, у кўп жиҳатдан қаттиқ қаҳр билан қоралашга лойиқ бўлган образни ижобий қаҳрамон... намуна қилиб кўрсатишга уринади»⁹². М. Шевердиннинг мақоласи ҳам романнинг марказида турган Ўқтамни бошдан-оёқ «индивидуалист, қаттиқ қаҳр билан қоралашга лойиқ бўлган образ» деб, ундаги мавжуд муҳим фазилатларни йўққа чиқаради. «Қизил Ўзбекистон» газетаси (1954. 15 декабрь)да Ўқтам номига сиёёзлик Худойберди Элохуновдан келган хат эълон қилинди. У ёзади: «Эҳтимол, нотаниш кишидан бу хатни олиб ҳайрон бўласиз. Улуғ меҳнатсевар-лигингиз, талантингиз, революцион ғоянгиз ва коммунизм ишига қўшаётган хизматингиз мени ва дўстларимни ҳозир хитой халқи амалга ошира бошлаган беш йиллик планни муваффақият билан бажариш учун курашимизда меҳнат зафарлари сари ундамоқда. Сизнинг ватанпарварлик ҳаракатингиздан руҳланиб, ўз кучимиз-

⁸⁷ Ўзбекистон коммунисти. 1950. № 9.

⁸⁸ Қизил Ўзбекистон. 1950. 10 ва 15 декабрь.

⁸⁹ Литературная газета. 1951. 15 ноября.

⁹⁰ Звезда Востока. 1952. № 6.

⁹¹ Тихонов Н. Ўзбекистон совет адабиётининг муваффақиятлари ва камчиликлари//Шарҳ юлдузи. 1950. № 2. 10-бет.

⁹² Звезда Востока. 1954. № 8. С. 115—116.

ни аямасдан сиздек бўлишга тиришамиз. Бугун сиз бо-
раётган йўлдан эртага биз ҳам борамиз». Бу факт ҳам
М. Швердиннинг ноҳақлигини ва Ўқтам образининг
ҳаётийлигини, ижобий қаҳрамонлигини исбот этади.

Бу даврда «Қўшчиноҳ чироқлари», «Олтин водий-
дан шабадалар» билан бир қаторда «Ўқитувчи» ва
«Опа-сингиллар» вужудга келди. Адабий танқидчилик
кейинги икки романга асосан ижобий муносабатда
бўлди. П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романи ўзбек адаби-
ёти ва санъатининг Москвада бўладиган декадаси му-
носабати билан аввал рус тилида (1951), кейинчалик
ўзбек тилида (1953) босилиб чиқди. Рус адабий жа-
моатчилиги бу асарга юқори баҳо берди. Б. Брайнина-
нинг «Я советский учитель»⁹³, Л. Батьининг «Верный
путь»⁹⁴, А. Дроздовнинг «Учитель из народа»⁹⁵, Т. Зи-
ненкованинг «Пример замечательной жизни»⁹⁶, Марья-
нованинг «Читая роман...», Олшанскаянинг «Книга
о народном учителе» каби тақриз ва мақолаларида,
шунингдек, З. Кедрина, Лев Никулин, Корнелий Зе-
линский, Виктор Шкловский, Константин Федин каби
санъаткор ва танқидчиларнинг чиқишларида «Ўқитув-
чи» романи ўзбек адабиётида муҳим воқеа бўлганлиги
махсус таъкидланди. Л. Бать шундай дейди: «Парда
Турсуннинг бу реалистик асари ўзбек совет зиёлилари-
нинг шаклланишини, коммунистик жамият қуриш йў-
ли — ҳақ йўлга тушиб олган ўзбек халқи социалистик
онгининг ўсишини чуқур ҳаққоний кўрсатган... биринчи
асар»⁹⁷ д-р. З. Кедрина: «Бутун бошли бир халқнинг
социалистик миллат сифатида ташкил топишининг ҳал
қилувчи пайтида ўша халқнинг тақдирини бир киши
тақдирида акс эттира олган. «Ўқитувчи» қаҳрамонла-
рининг ҳаёти ленинизмнинг нурафшон зиёси билан
ёритилган»⁹⁸, — деб ёзди.

А. Ашрапов ва Х. Дониёровнинг «Ўқитувчи» романи
ҳақида» («Шарқ юлдузи». 1954. № 3), А. Ашраповнинг
«Ўзбек прозасида интеллигенция образи» (Совет Уз-
бекистони маданияти. 1956. 10 октябрь)) мақолалари-
да ҳам ёзувчи эришган ютуқларга жиддий эътибор бе-
рилди. Авваллари бўлганидек, бу романлар ҳақида
эълон қилинган қатор тақриз ва мақолаларнинг баъзи

⁹³ Правда Востока. 1951. 5 июля.

⁹⁴ Огонек. 1951. № 4.

⁹⁵ Литературная газета. 1951. 17 ноября.

⁹⁶ Звезда Востока. 1952. № 4.

⁹⁷ Октябрь. 1952. № 1. С. 185.

⁹⁸ Новый мир. 1951. № 12. С. 172—173.

ўринларида схематик тасаввурлар, демагогик қарашлар учраб туради. Биргина мисол. Романда Жўра «Қизларни югурган қолиб, буюрган илиб кета беради» ва «Хўп» деса ишинг битиб, эшагинг лойдан ўтгани, «йўқ» деса, сен ҳам «зорим бору зўрим йўқ» дейсану, кўнгилни узиб, қўлни ювиб қўлтиққа артиб кетаверасан» дейди. Танқидчи романдан шу парчани мисол қилиб келтиради ва уни қуйидагича талқин қилади: «Қизларни югурган қолиб, буюрган илиб кетаверади» деган мақол... совет тарбиясини олган кишиларга ва совет замонасига бутунлай ётдир. Шунинг учун бу мисолнинг совет студенти Жўра тилидан айтилиши бутунлай нотўғри бўлиб, асарнинг ғоясига путур етказадди. «Ишинг битиб, эшагинг лойдан ўтгани» жумласидан Жўранинг севги масаласига жуда ҳам паст назар билан... қараши кўрсатилганки, бу ҳам асар ғоясига зарар келтиради»⁹⁹. Бу хилдаги «қарашлар» жонли, ҳаётий, реалистик образлар яратишга ҳеч қачон фойда келтирган эмас.

«Опа-сингиллар» романини ҳам адабий танқидчилик яхши кутиб олди. М. Султонова ва А. Аброровнинг «Ўзбек аёллари ҳақида йирик асар»¹⁰⁰, М. Султонова ва Н. Владимированинг «Роман Аскада Мухтара «Сёстры»»¹⁰¹, М. Қўшжоновнинг «Опа-сингиллар» романи»¹⁰², М. Шайхзоданинг «Оғир йилларнинг тўғри қиссаси»¹⁰³ каби тақриз ва мақолаларида «Опа-сингиллар»нинг ютуқ ва камчиликлари рўйи рост кўрсатилди. 1959 йили Москвада бўлган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида Мухтор Аvezов ва Иван Лелар ҳам «Опа-сингиллар»ни юксак баҳолашди.

Тўғри, «Опа-сингиллар» романи хусусидаги тақриз ва мақолаларнинг ҳам савияси бир хил эмас. Энг муҳими шундаки, улар орасида бадий асарни ғоявий-эстетик планда хийла кенг, теран ва изчил таҳлил қилган мақолалар ҳам бор эди. Бундай мақолалар адабий танқидчилигимизнинг кейинги ривожига самарали таъсир этди.

Юқоридаги адабий фактлар Улуғ Ватан урушидан кейинги биринчи ўн йилликда ўзбек совет поэзияси ва прозасига адабиётшунослик ва адабий танқидчилиكنинг муносабати жуда ҳам хилма-хил кечганини, са-

⁹⁹ Шарқ юлдузи. 1954. № 3. 117-бет.

¹⁰⁰ Тошкент ҳақиқати. 1956. 7 август.

¹⁰¹ Ташкентская правда. 1955. 17 август.

¹⁰² Шарқ юлдузи. 1956. № 5.

¹⁰³ Қизил Ўзбекистон. 1958. 20 апрель.

виянинг турлича бўлганини, қисқаси, асосий илғор тенденциялар билан бирга асоссиз мақташ ёки камситиш, бадий асарнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик аломатлари учраб турганини кўрсатади. Бундай мураккаблик ва ўта зиддиятли фактларни ўша йиллар ўзбек драматургияси ва болалар адабиётига танқидчиликнинг муносабатида ҳам кузатиш мумкин эди.

СОЦИАЛИСТИК РЕАЛИЗМ ЭСТЕТИКАСИ МАСАЛАЛАРИ ВА ТАНҚИД

Даврнинг муҳим хусусияти танқидчилик ва адабиёт-шуносликда назарий масалаларнинг катта ўрин тутишидир. Танқидчилик социалистик реализм методининг айрим проблемаларини кўтарди ва ҳал этишга ҳаракат қилди. Бунга «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Ўзбек поэзияси ва прозасида социалистик реализм масаласига доир баъзи мулоҳазалар»¹⁰⁴ ва «Социалистик реализм байроғи остида»¹⁰⁵ номли мақолаларни мисол тарзида кўрсатиш мумкин. Бундай мақолаларнинг социалистик реализм назариясининг ривожини йўлидаги аҳамияти катта бўлди.

Шунингдек, социалистик реализм методи масалаларига бағишланган Ўрта Осиё республикалари регионал кенгашларида қилинган докладлар, жумладан, И. Султоннинг «20-йиллардаги ўзбек совет адабиётининг ижодий методи масаласига доир» ва «Ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг шаклланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти тўғрисида», «Ўрта Осиё республикаларида тарихий-адабий процесснинг спецификаси ҳақида» номли мақолаларининг роли катта бўлган.

Биринчи мақолада 20-йиллардаги ўзбек совет адабиёти тараққиёт йўлларининг характерини аниқлашга алоҳида эътибор беради. Ижодий методнинг совет воқелиги, коммунистик партиявийлик, миллий традицияларга боғлиқ эканлигини махсус таъкидлайди. «Адабиётнинг методи тўғрисидаги масала бу, дастлаб адабиётнинг ғоявий мазмуни, эстетик идеали ва ижобий қаҳрамони, ... воқеликка муносабати тўғрисидаги масаладир, унинг синфий курашдаги роли тўғрисидаги масаладир»¹⁰⁶.

¹⁰⁴ Шарқ юлдузи. 1949. № 2.

¹⁰⁵ Шарқ юлдузи. 1954. № 12.

¹⁰⁶ Султон о в И. Пьесалар. Мақолалар. Тошкент. 1959. 188-бет.

Иккинчи мақолада ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг шаклланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти ўртага қўйилади. Бу даврда меҳнаткаш халқ адабиётимизнинг марказий қаҳрамони бўлиб қолди. Ёзувчилар асарларида халқ турмушини ва халқдан чиққан кишиларни кўрсатиш асосий ўринни эгаллади. Ўзбек адабиётида социалистик реализм методи қарор топишида бундай ижодий изланишлар беҳуда кетмади.

Бу давр ўзбек адабий танқидчилиги ҳақида гап борганда Ойбекнинг «Ўзбек совет адабиёти юксалишида»¹⁰⁷, С. Азимовнинг «Ўзбекистонда адабий танқидчилигини ривожлантиришга доир баъзи масалалар»¹⁰⁸, Абдулла Олимжон ва П. Турсуннинг «Адабий танқидчилигини юксак даражага кўтарайлик»¹⁰⁹, Ҳ. Ёқубовнинг «Лирикада конфликт»¹¹⁰, В. Зоҳидовнинг «Ёш танқидчилар ҳақида»¹¹¹, О. Шарафиддиновнинг «Лирика ҳақида мулоҳазалар»¹¹² каби қатор мақолаларини эсласлик мумкин эмас.

Тўғри, бу даврда вужудга келган мақолалар фақат шулардангина иборат эмас. Улар кўп. Ҳозирги замон ўзбек поэзияси, драматургияси, болалар адабиёти, муайян санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, адабий алоқалар ва ўзаро таъсир, таржимачилик санъати ҳақида қатор мақолалар вужудга келди. Адабий танқидчилик ўзбек совет адабиёти эришаётган принципиал ютуқларнинг теран илдизларини топишга, рус совет адабиёти, айниқса улуғ санъаткорлар М. Горький ва В. Маяковский ижодий меросидан баҳраманд бўлишларига айрича эътибор бердилар. А. Ульрих¹¹³, С. Қосимов¹¹⁴, Б. Брайнина¹¹⁵нинг ўзбек совет прозасида М. Горький традицияси ўзига хос йўсинда давом этаётганлигига; С. Долимов¹¹⁶, А. Саидов¹¹⁷, С. Анорбоев¹¹⁸, Б. Имо-

¹⁰⁷ Қизил Ўзбекистон. 1947. 29 октябрь.

¹⁰⁸ Шарқ юлдузи. № 3. 1954.

¹⁰⁹ Қизил Ўзбекистон. 1950. 15 март.

¹¹⁰ Совет Ўзбекистони маданияти. 1956. 21 ноябрь.

¹¹¹ Шарқ юлдузи. № 8. 1951.

¹¹² Совет Ўзбекистони маданияти. 1956. 17, 21 март.

¹¹³ Ульрих А. Горький и Узбекистан//Звезда Востока. 1948.

№ 1.

¹¹⁴ Қосимов С. Горький и узбекская литература//Звезда Востока. 1951. № 6.

¹¹⁵ Брайнина Б. Ёш ўзбек прозасида Горький традициялари//Шарқ юлдузи. 1951. № 8.

¹¹⁶ Долимов С. Маяковский ва ўзбек совет поэзияси//Шарқ юлдузи. 1950. № 4.

¹¹⁷ Саидов А. Маяковский и узбекская советская поэзия//Звезда Востока 1952. № 9.

мов¹¹⁹лар эса ўзбек шоирларининг Маяковский ижоди чашмаларидан баҳраманд бўлганига жиддий аҳамият бердилар. А. Бобохонов¹²⁰ рус ва ўзбек адабиёти алоқалари тарихи билан қизиқди.

Эллигинчи йиллар ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги рус ва ўзбек адабиётларининг ўзаро алоқасини, биринчисининг иккинчисига фаол таъсир этиб боришини тадқиқ этишга жиддий эътибор берди. Буни махсус таъкидлаш зарур. Тўғри, юқорида номи тилга олинган авторларнинг ишларида ҳар хил характердаги етишмовчиликлар, нуқсонлар мавжуд эди. Уша йиллардаёқ бу ишлардаги камчиликлар маълум даражада кўрсатилди ва танқид қилинди. Шу йўналишдаги ишларда рўй берган мавжуд нуқсонлар, мураккаб проблемани бир томонлама, юзаки талқин этишлар аста-секин тузатиб борилди.

Бу йилларда, совет адабиётшунослиги ва танқидчилигида бўлганидек, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги ривожини хийла мураккаб кечди. Классик меросга нигилистик муносабатларга, тарихий адабий фактларни сохталаштиришларга, «ягона оқим» назариясига, «конфликтсизликка» қарши кескин кураш олиб боришга тўғри келди. Бу кураш моҳият-эътибори билан тўғри бўлишига қарамай, бу борада баъзан жиддий хато-толарга ҳам йўл қўйилди, вульгар социологик қарашлар такрорланди. Бундай зарарли оқимларга алоқаси бўлмаган асарлар ноҳақ танқидга учради. «Шуни ҳам айтиш керакки, Арманистонда, Грузияда ва бошқа баъзи республикаларда айрим элементлар ягона оқим тўғрисидаги буржуа назариясига қарши кураш ниқоби остида бутун миллий маданиятни, санъат ва адабиётнинг бутун бойликларини илвогарлик мақсадида қайтадан кўриб чиқмоқчи бўлдилар. Партия ташкилотлари раҳбарлиги остида бу нигилистик хуружлар фoш қилиб ташланди»¹²¹.

Қадимги ўзбек халқ достони «Алпомиш» А. Абдунабиев ва А. Степановнинг «Алпомиш» эпоси ҳақида»¹²²,

¹¹⁸ Анорбоев С. Ўзбек совет поэзиясида Маяковский традицияларига доир/ Шарқ юлдузи. 1953. № 12.

¹¹⁹ Имомов Б. О традициях Маяковского в творчестве Гафура Гуляма//Звезда Востока. 1953. № 5.

¹²⁰ Бабаханов А. Звезда Востока. 1953. № 4.

¹²¹ Рюриков Б. С. Совет адабий танқидчилигининг асосий проблемалари. Шарқ юлдузи. 1955. № 7. 84-бет.

¹²² Правда Востока. 1952. 29 января.

«Халқчиллик байроғи остида»¹²³ мақолаларида халққа ёт реакцион асар сифатида қораланди.

1952 йилнинг март ойида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Совет Ёзувчилари союзи уюштирган «Алпомиш» достони муҳокамасида бундай ноҳақ фикрлар янада чуқурлаштирилди. «Алпомиш» достонини пропаганда қилиб келган, уни кўп марта нашр қилдирган, бу нашрларга кириш сўзи ёзганлар, жумладан В. Жирмунский ва Ҳ. Зариповнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобини, Ойбекнинг «Ўзбек поэзияси антологияси»га, М. Шайхзоданинг «Алпомиш» достонининг (1949) рус тилидаги нашрига ёзган мақолалари қораланди. Афсуски, ўзбек халқ ижодига бундай нотўғри муносабат матбуотда анча вақт давом этди. Аммо партия матбуотидаги бундай нигилизмга кескин зарба берди.

1956 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган «Халқ ижодининг ўлмас ёдгори» мақоласи «Алпомиш» достонининг халқчиллигини исбот этди¹²⁴ — ўзбек халқининг буюк достони ҳаққоний ва одил баҳосини олди. Фафур Фулом Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIII съездида сўзлаган нутқида: «Маълумки, эпос ўзида маълум даврнинг маълум тарихий табақанинг руҳини сақлайди. Шунинг учун биз «Алпомиш» эпосини унинг асосий мотивлари яралган тарихий вазиятни ҳисобга олган ҳолда ўрганишимиз керак»¹²⁵, — деган эди.

Хуллас, «Алпомиш» эпоси жиддий ўрганила бошланди. Бу ўринда СССР Фанлар академиясининг М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ташаббуси билан Тошкентда (1956, 20—25 сентябрда) «Алпомиш» достонининг муҳокамасига бағишланган регионал кенгашни эслаш kifоя. Кенгашда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. К. Боровков, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари В. М. Жирмунский ва Е. Э. Бертельс, Л. И. Климович, В. И. Чечеров, Москва Давлат университети СССР халқлари адабиёти кафедрасининг мудирини М. И. Богданова, адабиётшунос А. Валитова, таржимон шоир Л. М. Пеньковский, Қозоғистон ССР

¹²³ Звезда Востока. 1952. № 2.

¹²⁴ Бу мақола С. Азимов, Ҳ. Зарифов, В. Зоҳидов, С. Қосимов ва И. Султон томонидан ёзилган (*Қаранг: И. Султон. Асарлар. Иккинчи том. Тошкент. 1972. 109—113-бетлар*).

¹²⁵ Совет Ўзбекистони маданияти. 1956. 1 февраль.

Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. С. Смирнова ва илмий ходими Т. Содиқов, Татаристон АССР вакили Х. Ермухамедов, Бошқирдистон АССР вакили А. Кираев, грузиялик М. Я. Чиковани, осетиялик В. С. Тотоев, Мордва АССР вакили А. И. Маскаев, Қорақалпоғистон вакиллари И. Сагитов ва Қ. Айимбетов, ўзбек олимларидан Ҳ. Зариф, М. Шайхзода, Ҳ. Сулаймон, М. Афзалов, И. Жабборовлар фаол иштирок этди, бу дoston ва унинг вариантлари кенг муҳокама қилинди, уларни баҳолашдаги нотўғри тенденцияларга барҳам берилди. Қисқаси, бу кенгаш миллий республикаларда фольклористикани ривожлантиришда муҳим роль ўйнади.

Адабий танқидчиликда бу хилдаги зиддиятли муносабатлар, адабий фактларга нообъектив қарашлар тарихий мавзуда яратилган асарларга нисбатан ҳам рўй берди. Баъзи бир адабиётшунос ва танқидчилар замонавийлик масаласини жуда тор, юзаки талқин қилдилар. Натижада замонавийлик ўтмиш тематикасига қарама-қарши қўйилди. Шу асосда тарихий ўтмиш акс этган ғоявий бадний бақувват асарлар ҳуда-беҳудага камситилди. Уша пайтда «Правда» газетаси ҳам бундай «тошбўрон» қилишларни кескин қоралаган эди. Масалан, В. Витковичнинг «Совет Ўзбекистонига саёҳат» китобини Т. Ефимов билан Б. Ковальчук «Правда Востока» газетасида зарарли асар деб чиқди. «Правда» газетасида бунга қарши шундай дейилади: «Умуман фойдали бўлган «Совет Ўзбекистонига саёҳат» китоби қайта нашр этилган вақтда анча яхшиланиши мумкин. «Правда Востока» газетасининг тақризчилари Т. Ефимов ва Б. Ковальчук томонидан қилинган «тошбўрон» га сира ҳам қўшилиб бўлмайди. Бу тақризчилар умуман асарнинг мазмунини очиб бермай, фақат унинг камчиликлари ҳақидагина тўхталиб, бу китобга «Совет Ўзбекистонининг қиёфасини бузиб кўрсатувчи «хато» асар деб баҳо бердилар. Бундай ғаразли танқид ёзувчинини йўлдан адаштиради ва жамоатчиликни чалғитади»¹²⁶.

«Правда» нинг бундай ҳаққоний кўрсатмаси адабий танқидчиларимиз учун ҳам сабоқ бўлиши лозим эди. Лекин айрим мунаққидларимиз «танқид» ниқоби остида адабиётимизнинг етук асарларига ҳужум қилдилар. Баъзи адабиётчилар Ойбекнинг «Навойи» романини қаттиқ танқид қилишга киришдилар. Маълумки, бу асар

¹²⁶ Правда. 1952. 1 апреля.

ўша пайтда партия ва давлатнинг энг юксак мукофоти-га сазовор бўлган эди. Бундан ташқари, роман яратилган йиллари қатор йирик олимлар ўз мақолаларида бу асарга фақат ўзбек адабиётининггина эмас, айни вақтда, кўп миллатли совет адабиётининг ҳам улкан ютуғи сифатида юксак баҳо берган эдилар¹²⁷. Н. Тихонов шундай деган эди: «Биз... ўзбек тилида яратилган биринчи тарихий романни кўриб турибмиз. Буни Ойбек яратди. Ойбек, бизга, китобхонларга XV аср буюк одамининг фожиасини кўрсатди. Кенг китобхонлар оммаси Урта Осиёнинг ўша даври ҳақида ёзилган ўнлаб илмий ишлардан ҳам ололмаган маълумотларини бу романдан оладилар...»¹²⁸. Мана, Е. Э. Бертельснинг фикри: «Роман Навоий даврини ажойиб акс эттирган ва Навоий образини ҳаққоний тасвирлаган. Романнинг катта муваффақияти шундаки, унга киритилган барча воқеалар бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлар билан тасдиқланди. Роман катта бадий қиммати билан ажралиб туради»¹²⁹.

АДАБИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙЛИГИ УЧУН ҚУРАШ

Замонавийлик ва замонавий мавзу ўша давр танқидчилигининг долзарб проблемаларидан бири эди. Уруш йилларида адабиёт давр тақозоси билан халқнинг ўтмишига кенг мурожаат қилган, натижада тарихий, ҳарбий ватанпарварлик тематикаси асосий ўринни эгаллаган, бинобарин, ажнабий босқинчиларга қарши курашни тасвирлаш, яъни халқнинг жанговар ўтмишини бадий гавдалантириш орқали фашист босқинчиларини ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқаришга сафарбар этиш зарурияти туғилган эди.

Урушдан кейинги даврда вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни тиклаш, ишдан чиққан саноат корхоналарини қайта ишга тушириш, халқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда ижод аҳллари олдига

¹²⁷ Звезда Востока. 1946. № 7—8; Правда Востока. 1946. 30 июнь; Правда Востока. 1946. 30 июня; Қизил Ўзбекистон. 1944. 10 декабрь; Скосиров П. Академик Айбек//Литературная газета. 1946. 2 февраля; Павлов Л. Навоий ҳақида роман//Литературная газета. 1946. 29 июнь; Лиходзиевский С. Ўзбек тарихий романи//Звезда Востока. 1947. № 1; Қирпоткин В. Навои//Советская книга. 1946. № 10—11.

¹²⁸ Литературная газета, 1946, 29 июня.

¹²⁹ Правда Востока. 1945. 18 февраля.

замонавий мавзуларда бадий юксак асарлар яратиш вазифаси фавқуллодда жиддий қўйилди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг «Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорида кўрсатилганидек «драматик театрлар репертуарларининг ҳозирги аҳволидаги асосий камчилик шуки, совет авторларининг ҳозирги замон темаларидаги пьесалари мамлакатнинг энг йирик драматик театрлари репертуарида амалда сиқиб чиқарилган...

Репертуар соҳасида очиқдан-очиқ кўриниб турган ёмон аҳвол яна шу билан оғирлашадики, театрларда ҳозирга замон темаларида қўйилиб келган озгина пьесалар орасида ҳам заиф, ғоясиз пьесалар бор»¹³⁰. Коммунистик партиянинг тарихий қарорлари совет адабиётининг кейинги ривожига учун муҳим аҳамият касб этди, санъаткорларимизни янги-янги асарлар яратишга даъват қилди. Бундай даъватга муносиб жавоб беришга интилиш кучайиб кетди. Натижада бу даврда қардош халқлар адабиётида бўлгани сингари бизнинг адабиётимизда ҳам замонавий мавзуларда жуда кўплаб асар юзага кела бошлади. Замонавий ҳаёт материаллари ва янги давр қаҳрамонлари адабиётимизнинг асосий тасвир объекти бўлиб қолди. Адабий танқидчилик ҳам бу масалага катта эътибор бера бошлади.

Танқидчи М. Верхацкий Туйғуннинг «Муҳаббат» пьесаси ҳақида ёзган тақризини «Замонавий мавзуга бурилиш» деб атади: «Шоир Туйғун ёзган «Муҳаббат» пьесаси 1946 йилда ўзбек сахнасига қўйилган замонавий мавзудаги ягона пьесадир»¹³¹. Худди шу йўсида адабий танқидчилик замонавий мавзуда ёзилган асарларни қўллаб-қувватлаб боришга ҳаракат қилди.

Шоир Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» поэмаси («Шарқ юлдузи». 1947. № 1—3) эълон қилиниши билан тез орада «Янги ижодий интилишнинг тўнғич меваси» номли тақриз босилди: «Шуни эътироф қилиш керакки, колхоз темаси адабиётимизда ҳал қилувчи темадир. Аммо ўзбек адабиётида колхоз тузуми етиштириб берган ажойиб меҳнат қаҳрамонлари ҳақида бадий ва ғоявий жиҳатдан юксак асарлар жуда оз даражададир. Бу жиҳатдан қараганда шоир Мирмуҳсин катта хизмат қилган ва анча муваффақиятга эришган»¹³². Танқидчи

¹³⁰ КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва қарорларида. III қисм. 554-бет.

¹³¹ Шарқ юлдузи. 1946. № 12. 99-бет.

¹³² Шарқ юлдузи. 1947. № 8. 90-бет.

А. Алимуҳамедов ўзининг «Уста Ғиёс» ҳақида баъзи мулоҳазалар» мақоласида бу масалага алоҳида эътибор беради ва шундай дейди:

«Асарнинг энг катта фазилати ва ўқувчини қувонтирадиган томони, унинг замона мавзуида ёзилишидир»¹³³. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Масаланинг шу хилда қўйилиши тўғри эди, албатта. Замонавий мавзуда кўплаб асарлар яратила бошлади, лекин уларнинг савияси бир хил эмас эди. Замонавий ҳаётни юзаки, бир томонлама тушунишлар натижасида замонавий мавзудаги асарларда турли хил нуқсонлар, ҳатто муайян схемалар вужудга кела бошлади.

Танқидчиликда бу борадаги кўпчилик асарларга хос бир камчилик тўғри кўрсатилди. «Бу схема, таҳминан шундан иборат: қишлоққа армиядан бўшатишган жангчи йигит қайтади. Шуниси характерлики, у инвалид—ногирон бўлади. Қолхоз орқада қолиб, план бажарилмайди. Жангчи йигит қолхоз юксалиши учун тўсиқ бўлиб ётганларга қарши ўт очади. Қолхоз қаддини кўтаради ва, ниҳоят, у йигит раис ёки партия ташкилотининг секретари қилиб сайланади. Бундай сюжет схемасига, моҳият-эътибори билан эътироз бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта. Чунки, у, урушдан кейинги ҳаётнинг характерли бўлган конфликтларидан биридир. Лекин ҳадеб бу сюжет атрофида айлана беришлик ҳаётни чуқур билмасликдан дарак беради, схематизм хавфини туғдиради»¹³⁴.

«Ишлаб чиқариш темаси» замонавий мавзунинг бир кўриниши эди. Адабиётда ишлаб чиқариш проблемалари ва улар билан боғлиқ конфликтлар асосида қурилган асарлар кўплаб пайдо бўлди. Бу ҳам яхши эди, албатта. Бироқ шаблон ҳолига келиб қолган илғор механизмизатор билан консерватор раҳбар ўртасидаги конфликт кўплаб асарларнинг асосини ташкил этадиган бўлиб қолди.

«Ишлаб чиқариш темаси»да ёзилган асарларнинг энг ожиз томони ғоявий мазмунни бадий ифодалаб бера олмасликда кўринади. Уларнинг аксарияти ҳаётийликдан маҳрум бўлиб, бадий характерлар ўрнини ишлаб чиқариш проблемалари эгаллади. Асар қаҳрамонлари эса йирик проблемалар орасида кўмилиб қолди. Кўпгина танқидий мақолаларда муайян асар тасвир объектининг янгиллигига эътиборни кучайтириб, энг му-

¹³³ Шарқ юлдузи. 1948. № 1. 111-бет.

¹³⁴ А. Мухторнинг «Қатта йўлда» поэмаси ҳақида//Қизил Ўзбекистон. 1950. 4 январь.

ҳими — замонавий воқеликни бадий ўзлаштириш ва янгича акс эттириш масалаларига, яъни бадий новаторликка етарли эътибор берилмади. Эътибор қилган ўринларда эса янги воқеликнинг кўпроқ ташқи белгиларини акс эттирган бир қатор бўш, юзаки, жўн асарларни ҳам мақташга берилиб кетди. Воқеликнинг янгилиги ва шу асосда «актуал» фикрни айтишга интилиш — бу ҳали асарнинг юксак бадийлиги дегани эмас, албатта. Санъат асари ўзининг чуқур ғоявийлиги ва бадийлиги уйғунлиги билан тирик. Ғоявийлик бадийликдан ташқарида бўлган эмас. Йўналишнинг худди ана шу нуқтаси ниҳоятда муҳим. Адабиётда чинакам замонавийликни бадий новаторликсиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Воқеликнинг энг муҳим, характерли жиҳатларини бадий кашф этиш бадий асарнинг замонавийлиги ва новаторлигини тўғри англашга имкон беради. Демак, замонавийлик — янги ҳаётини мазмун ва, айни вақтда, уни юксак маҳорат билан акс эттириш масаласидир.

Замонавий тематикага эътибор беришнинг фавқулодда кучайиши билан баъзи бир нохуш тенденциялар ҳам пайдо бўлди. Фақат айрим адабиётшунос, танқидчи ёки ёзувчиларгина эмас, ҳатто йирик журналнинг бош мақолаларида ҳам замонавий тематика ўтмиш тематикасига кескин қарама-қарши қўйилди, ўтмишни тасвирловчи санъаткорлар «курашчи бўлолмайди» дейишгача борилди. Биргина мисол. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи бўлган «Шарқ юлдузи» журнаlining «Замонавийлик — адабиётимизнинг қалбидир» деган бош мақоласида очиқ-ойдин шундай дейилади: «Узоқ тарих воқеаларини тасвир этишга берилиб кетган ёзувчи курашчи бўлолмайди»¹³⁵.

Замонавийликни фақат замонавий тематикадан, замонавий ҳаётни тасвирлашдан иборатдир дейиш — масалани худди шундай тушуниш, талқин этиш «примитив фикрловчи танқидчиларнинг иши»¹³⁶дир, холос. А. Толстойнинг узоқ тарихий ўтмишни тасвирлаган «Петр I» романи ҳам, И. Ефремовнинг «Андромеда туманлиги» фантастик романи ҳам ўз моҳиятига кўра замонавий асарлардир. «Сюжет ва формал жиҳатдан эмас, балки ғоявий-психологик томондан бадий ижоднинг ўз даври билан алоқаси — санъатда эстетик кате-

¹³⁵ Шарқ юлдузи. 1959. № 7. 5-бет.

¹³⁶ Каган М. Г. Лекции по марксистско-ленинской эстетике. Часть. III. Л., 1966. С. 36.

гория бўлган замонавийликнинг моҳиятини белгилаб келади»¹³⁷.

Е. Лизунова ўз монографиясида М. Авезовнинг фақат «Тарихий теманинг куйчиси сифатида тасаввур этган догматик танқидчилар»га қарши Горькийнинг атоқли адиб А. Чапигинга айтган сўзларини келтириб ўтади. «Сўз санъаткори томонидан тасвирланган ҳар қандай тарихий сюжет замонавийлик билан барабардир»¹³⁸. Хуллас, бу йиллар адабий танқидчилиги ва адабиётшунослигида, А. Мухтор айтганидек, «тарихий ва тарихий-революцион мавзуларнинг моҳиятини ерга уриш, ёзувчининг маълум тарихий масофага бўлган ҳуқуқини қўполдан-қўпол қоралаш, замонавийликка вульгар социологизм нуқтаи назардан қараш ва мавҳум волюнтаристик схемалар»¹³⁹ хийла кучли эди. Демак, бу йиллар танқидчилигида «замонавийлик» ва «замонавий тематика» тушунчалари айнан бир хил, тенг тушунча эмаслигини фарқлаш тақозо қилинади. Биринчидан, замонавийлик фақат замонавий тематикадангина иборат эмас. Иккинчидан, замонавийлик узоқ ёки яқин ўтмишга ёндашиш ва уни қандай акс эттириш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Бу ўринда санъаткорнинг тарихий ўтмишга замонавий қараши ва ижодий-ғоявий позицияси фавқулодда муҳим. Замонавийлик кенг маънода санъаткорнинг ҳаётга эстетик муносабати билан характерланади. Замонавийликни тарихий ва революцион мавзуларга қарама-қарши қўйиш эмас, балки тарихий мавзудаги асарларда замонавийлик проблемасининг қандай ҳал этилиши ва намоён бўлиши, муайян давр билан ғоявий-психологик ички алоқасини тадқиқ этиш зарур эди. Ниҳоят, замонавийлик проблемасини бадий новаторлик ва муттасил ижодий изланишлардан сунъий равишда ажратиб эмас, балки уларни ўзаро алоқада текшириш зарурияти муҳим бўлиб қолди. Чунки, бу проблема санъаткорнинг халқ ва давр олдидаги масъуляти, воқеликка эстетик муносабати, унинг фалсафий-ахлоқий концепцияси, дунёқараши ва ижодий индивидуаллиги, идеали ва позицияси, халқчиллик ва партиявийлик, ҳаққонийлик принциплари, воқеликни объектив тасвирлаш асосида бадий ҳақиқати ва чинакам новаторлиги, маҳорати каби қатор жиддий масалалар билан узвий боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам замонавий-

¹³⁷ Уша ерда.

¹³⁸ Лизунова С. Мастерство Ауэзова. Алма-Ата. 1968. С. 17.

¹³⁹ Совет Ўзбекистони. 1965. 7 февраль.

лик бадий асарларнинг муайян ўринларида, бошида ё охирида, ёки бир-биридан ажралиб турдиган компонентларида эмас, балки бутун вужудини, руҳини ташкил этади, бошидан охиригача ичдан нурлантириб туради. Қисқаси, ижоднинг замонавий табиати, замонавий ҳаётни бадий ўзлаштириш ва акс эттириш проблемаси доимо умумназарий, идеологик, бадиятнинг бирламчи шартлари, маҳорат «сирлари» — барча аспектларини яхлит ва бир-бирига боғлаб ўрганишни тақозо этади. Хўш, замонавийлик проблемасини жуда тор тушуниш ва унинг эстетик жиҳатига деярли эътибор бермаслик, яъни бадийликдан ажратиб олиб қараш фақат бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида рўй берган камчиликми?

Бу кўпгина қардош адабиётларда ҳам рўй берган жиддий нуқсонлардан бири эди, албатта. «Бизнинг адабиётшунослигимизда, — деб ёзади В. Р. Шчербина, — замонавийликка фақат ҳозирги кунларимизнинг ташқи, юзада турган белгиларига асосланган примитив, чекланган нуқтаи назарлар ҳамма вақт картани чигаллаштириб келмоқда. Бизнинг барча бадий принципларимизни асослаш учун эса замонавийликни доимо ленинча тушунишга суянмоқ эҳтиёжи янада қатъий сезилмоқда. Замонавийлик тушунчаси эса ўзига даврнинг барча серқиррали маънавий ва бадий ҳаётини ҳамда авлодлар онгида жаҳон санъатининг фаол тарихий тажрибасини мустаҳкам сақлашни қамраб олади. Ҳодисаларни худди ана шундай қамраб олиш асосида, чуқур тарихий истиқбол нури билангина чинакам замонавийликни юзаки замонавийликдан, новаторликни сохта новаторликдан асосли равишда тўла ажратиш ва... социалистик санъатнинг «реализм», «ғоявийлик», «ҳаёт билан алоқаси», «идеали», «тасдиқловчи асос»идек асосий принципларининг мазмунини ҳам ҳар томонлама очиб бериш мумкин. Ҳозирга пайтда бу адабиёт масалаларини тадқиқ этишнинг энг асосий вазифаларидан биридир»¹⁴⁰.

ТАНҚИДЧИЛИКДА ҒОЯВИЙЛИК ВА БАДИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ

Бу давр танқидчилигида бадий асарларга талабчан муносабатда бўлиш тобора кучайди, натижада, тан-

¹⁴⁰ Шчербина В. Р. Ленин и вопросы литературы. М., 1967. С. 528.

қидчилик асарларни фақат замонавий темада ёзилгани учун мақташ тенденциясидан қутула борди. Бу ҳолатни шоир М. Бобоев шундай ифодалаган эди: «Асарнинг қиммати фақат мавзунинг актуал бўлиши билангина эмас, унинг бадиий томондан пухта ишланиши билан ҳам ўлчанади. Фикрларни қўйма мисралар билан ифода қилиш, оригинал ўхшатиш, конкрет ва бадиий содда иборалар асарнинг фазилатини оширади. Баландпарвоз қуруқ ва жимжимадор мисралар ёки қофия ва вазн билан «шеър» ҳисобланган «байтлар» савияси ўсган совет ўқувчиларини қаноатлантирмайди»¹⁴¹. Масаланинг худди шу тарзда қўйилиши табиий эди. Танқидчиликнинг ривож бадиий асарларга сифат нуқтаи назаридан, яъни ғоявийлик ва бадиийлик талаблари нуқтаи назаридан ёндашишнинг кучайиб бориши билан боғлиқ. Чунки, ҳар қандай етук асар ғоявийлик ва бадиийликнинг диалектик бирлигидан таркиб топади. Ғайринисоний ғояни тарғиб қилувчи асар бадиий юксак бўла олмаганидек, бадиий жиҳатдан бўш асарда олға сурилган ғоя том маънода юксак ғоя ёки пафос даражасига кўтарила олмайди. Ф. Энгельс М. Каутскаяга ёзган мактубларидан бирида: «Менинг фикримча, тенденция асарда тасвирланаётган вазиятдан ва воқеадан ўз-ўзидан келиб чиқиши лозим, асарда буни алоҳида уқтириш шарт эмас...»,¹⁴² — дейди.

Ҳ. Ёқубов ўзининг «Абдулла Қаҳҳор новеллалари» туркум мақолаларида ғоявийлик ва бадиийлик масаласига жиддий эътибор беради. У ёзади: «А. Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларидаги камчиликлар — сиёсий ваъзхонлик, публицистик нутқ тез барҳам топади. У ҳикоя санъатини яхши эгаллаб олади. У энди ўз фикрини фақат образлар билан ифодалайди... У китобхонга насихат қилиш, уқтириш йўли билан эмас, бадиий образ билан таъсир этишни аъло кўради... Ҳар бир ҳикояда ёзувчининг муайян фикри, ўз қараши бор, унинг воқеаларга бўлган муносабати аниқ. Фақат мораль, ният ҳикоянинг бадиий тўқимасидан туртиб, қалқиб чиқиб турмайди... А. Қаҳҳор ҳикояларининг бадиийлигига далолат қиладиган иккинчи бир хусусияти уларнинг одатдан ташқари ихчам, лўнда тузилишидадир»¹⁴³. Танқид-

¹⁴¹ Шарқ юлдузи. 1950. № 4. 126-бет.

¹⁴² К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида. II томлик. II том. Тошкент. 1975. 5-бет.

¹⁴³ Шарқ юлдузи. 1946. № 3. 75—76-бетлар. (Таъкидлар — Ҳ. Ёқубовники).

чи Ҳ. Ёқубов ёзувчининг қатор ҳикояларини таҳлил қилади ва шундай ишонарли хулосаларга келади. Танқидчи А. Алимӯхамедовнинг «А. Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир» мақоласида ҳам ёзувчи асарларининг бадийлик хусусиятлари анча кенг очиб берилади.

Тўғри, бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бадий ижоднинг сиёсатдан четда туришига қарши, санъат ва адабиётнинг ленинча партиявийлик ва ғоявийлик принципларидан чекиниш унсурларига қарши шиддатли кураш олиб борилди. Лекин бу курашда баъзан ижоднинг бадийлик спецификасига етарли даражада эътибор берилмади, мазмун шаклдан, шакл мазмундан сунъий равишда ажратиб олиниб талқин қилинадиган бўлди. Формализмда айблашлар рўй берди. Натижада бадий шакл проблемаларини ўрганиш маълум даражада иккинчи планга суриб қўйилди.

Масала шу даражага бориб етдики, бу ҳол катта-катта ижодкорларни ҳам ташвишга солди. А. Фадеев СССР Ёзувчилари союзи правлениясининг XIII Пленумида «Адабий танқид вазифалари ҳақида» қилган докладида шундай деди: «Ғоявийлик ва бадийлик, мазмун ва шакл масалаларини чуқур ишлаб чиқмай туриб олдинга силжишимиз жуда қийин. Эндиликда, формалистик оқимга шундай қақшатқич зарба берган пайтимизда, биз марксистлар шакл масалаларини ечолмасмиз деб, ёки бу соҳада ишлайдиган танқидчининг формализмда айблашади деб қўрқишимиз керак эмас»¹⁴⁴.

Марксистик адабиёт илми шуни яхши билдики, шакл мазмун билан шу қадар узвий боғланганки, уни мазмундан ажратиш мазмуннинг ўзини рад этишга олиб боради ёки, аксинча, мазмунни шаклдан ажратиш шаклни инкор қилишга олиб келади.

Бундай нуқсонларга «Ўзбекистон коммунисти» журна-нали алоҳида эътибор берди. «Шарқ юлдузи» журна-лида босилаётган мақола ва рецензияларда ҳам хатолик ва камчиликларга йўл қўйилмоқда, — деб ёзди у. — Бу нарса бадий асарнинг ғоявий мазмунини унинг бадий формасидан ажратган ҳолда текшириш ва анализ қилишда очиқ кўринади... Мазмун билан форма бирлиги бадий адабиётнинг ҳам асосий қонунидир. Чунки ҳар бир бадий асарнинг ғоявий мазмунини унинг бадий формасисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Юксак ғоя-

¹⁴⁴ Шарқ юлдузи. 1950. № 3. 24-бет.

вийлик юксак бадийликни талаб қилади. Журналда босилган кўп мақола ва рецензияларда бадий асарларнинг ғоявий мазмуни ҳақида фикр юритилади. Аммо мана шу ғоявий мазмун қандай бадий маҳорат билан берилганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмайди, дейилганда ҳам умумий тартибда, жуда юзаки дейилади. Бу ҳол адабиётшунослик ва танқидчиликдаги энг қўпол хато-дир»¹⁴⁵. Ойбек: «Бизга асарнинг ғоявий мазмунини очиб бериш билан бир қаторда асарнинг бадий тўқимасини ҳам конкрет анализ қилувчи танқид керак, токи ёзувчи ўз асарининг мусбат жиҳатлари билан бирга жамики камчиликларини ҳам яққол кўра олсин»¹⁴⁶, — деган эди 1947 йил 14 августда ёш ёзувчилар кенгашида қилган докладида. Худди шу тарзда бу давр адабиёт танқидчилигида баъзан схематизмга, вульгар социологизмга берилиш унсурлари ҳукм сурган бўлса ҳам шакл ва мазмун бирлиги ҳақидаги принципи ҳимоя қилиш, шу йўл билан адабиёт илмини тўғри йўлдан боришини таъминлаш учун кураш тўхтаган эмас эди.

Ўрни-ўрни билан мазмуннинг шаклдан ажралиб қолиш ҳолларига эътибор жалб қилиб турилди. «Шарқ юлдузи» ёзди: «...Баъзи танқидчилар асарнинг ғоявий мазмунини чуқур текширмасдан, унинг бадий формасига тегишли баҳо бермасдан, фақат унинг мазмуни яхши бўлганлиги учун мақтайдилар, асарнинг мундарижасини айтиб бериш билан кифояланадилар»¹⁴⁷. Уша вақтларда республика газеталари ҳам бу ҳақда баъзан-баъзан бонг урар ва адабий жараёнга кириб келган бир ёқламаликларга жиддий муносабат билдирар эди. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» газетаси: «Социалистик реализм принциплари учун курашув фақат ғоявийлик билан чекланмайди. Бу кураш бадийликка ҳам боғлиқ. Илғор ғоявийлик, юксак бадийлик уйғун бўлганидагина тегишли натижаларга эришиш мумкин. Акс ҳолда асарнинг қиммати йўқолади»¹⁴⁸, — деб тушунтирди.

Адабиётимизнинг замонавийлигига унинг бадийлиги билан боғлаб туриб баҳо беришга интилиш — давр танқидчилигининг етуклик аломати эди.

¹⁴⁵ Ўзбекистон коммунисти. 1953. № 12. 42-бет.

¹⁴⁶ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. XIV тоғ 1979. 240-бет.

¹⁴⁷ Шарқ юлдузи. 1950. № 5. 105-бет.

¹⁴⁸ Қизил Ўзбекистон. 1950. 4 январь.

Ижобий қаҳрамон ҳақида гап кетар экан, бадий ижоддаги бу тушунчанинг анча кенглиги ва хилма-хиллигини ҳисобга олиш керак бўлади. Маълумки, ҳақиқий санъат ва адабиётда маълум бир типдаги образларни яратишнинг тайёр қолипи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир ижодкор ўз истеъдод йўналиши, борлиқ дунёни идрок этишдаги индивидуал қарашлари асосида ижобий қаҳрамон образини яратади ва фақат ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан фарқ қилади.

Ўзбек совет адабиётининг турли тараққиёт босқичларида ижобий қаҳрамон образини яратиш ҳар хил йўналишга эга бўлиб келди. Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда адабиётда яратилган ижобий образлар ўзининг қатор хусусиятларига эга эди.

Замонавий темада ёзилган асарларнинг ўзида жамиятнинг илғор тенденцияларини мужассамлаштирган тўлақонли, реалистик ижобий қаҳрамон характерини яратишга уринишлар бўлди, бунинг самараси ўлароқ Уктам (Ойбек), Элмурод (П. Турсун), Жўрахон ва Онахон (А. Мухтор), Сиддиқжон (А. Қаҳҳор) каби қатор образлар яратилди. Булардан ташқари, Ойбекнинг «Қизлар», Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс», А. Мухторнинг «Пўлат қуювчи» ва бошқа бир қатор поэмаларда ижобий қаҳрамонлар образини яратишда жиддий ютуқларга эришилди. Бу асарлардаги образлар таҳлилига бағишланган кўпдан-кўп мақола ва тақризлар эълон қилинди. Уларда эса бу асарларнинг айримларида ва бошқа қатор роман, повесть ва поэмаларда ижобий қаҳрамон образини, жўн, юзаки ва бир томонлама талқин қилишлар; баъзилари жонсиз, схематик бўлиб чиқиши; характерларини ёритишда сюжет ва композициянинг пухта эмаслиги; характерларни очишда конфликтнинг кескин ва шиддатли бўлмаслиги; кучли тўсиқларни осонгина енгиб ўтиши, хатти-ҳаракатлари ишонарли эмаслиги қайта-қайта қайд қилиб борилди. Айни вақтда, танқидчилик ижобий қаҳрамон характерини яратишдаги қатор қийинчиликларни ҳам ҳисобга олиши ва уларнинг сабаблари ҳақида бош қотириши фойдадан холи эмас эди.

Озарбайжон шоири Самад Вурғун совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ съездида «Совет поэзияси» ҳақидаги қўшимча докладида ижобий қаҳрамон образини яратишдаги қийинчиликлар ҳақида тўхталиб шундай

дейди: «Шоирларимиз замондошларимизнинг намуна бўлиб хизмат қиладиган ва тақлид қилишга арзийдиган оддий кишиларнинг образларини яратишга ҳали ҳам камдан-кам муваффақ бўлмоқдалар.

Тарихий тема ва тарихий образлар соҳасида жаҳон поэзияси кўп асрлардан буён давом этиб келаётган традицияларга эга бўлган бир вақтда, замонавий темалар ва характерларни поэтик ишлаш соҳасида тажриба тўпланмаганлиги, менингча, бундай образларнинг кучсиз бўлиб чиқишининг сабабларидан биридир»¹⁴⁹.

Бу ерда ижод психологиясига тегишли яна бир нуқтани ҳам ҳисобга олиш керак. Ёмонлик ўз моҳиятига кўра социалистик жамият принципларига зид ҳодиса. У дарҳол кўзга ташланади, шунинг учун ҳам ёзувчи онгида нисбатан осонроқ образ тусига киради. Ижобий образларга келганда эса жамиятимизнинг, кишиларимизнинг одатдаги нормал ҳолатидан, ҳаётидан қаҳрамонликни, жасоратни, қисқача айтганда, ижобий образни қабартириб кўрсатиш учун янада кўпроқ меҳнат, юксак маҳорат талаб қилинади. Масаланинг бошқа томонлари ҳам мавжуд. Санъаткор ўз таланти йўналишига кўра воқеликни ижобий образ орқали ҳам, салбий образларни яратиш орқали ҳам тасдиқлаши мумкин. А. Қаҳҳор «Сароб» ва қатор ҳикояларида салбий типлар характерини яратиш билан ҳам янги воқеликни тасдиқлади ва ўз идеалини поэтик ифода этди. Масаланинг бу томонларига эътибор бермаслик ҳоллари рўй берди: «Аммо у ижобий типларни тасвирлашда салбий типларда кўрсатган маҳоратини кўрсата олмайди. Социализм учун курашувчи кишиларнинг ижобий хислатларини бўрттирганда, уларнинг индивидуал чизгиларини етарли ёритиб бермайди. Мураккаб ҳаёт ичида тарбияланган ижобий қаҳрамонларга ҳам илакишган камчиликлар А. Қаҳҳорнинг айрим ҳикояларида ўқувчи кўзидан четда қолади. Улар бирмунча идеаллаштириладилар ва бир ёқлама бўлиб қоладилар»¹⁵⁰, — деб ёзади Ҳ. Ёқубов.

Тўғри, бу жумланинг иккинчи қисмида билдирилган фикр-мулоҳазалар замирида танқидчининг ҳаётий образ, ўзининг кучли ва кучсиз томонлари билан жонли инсонга яқин ижобий образлар яратиш ҳақидаги ҳақли талаби сезилади. Танқидчи А. Алимухамедов эса «Уста Ғиёс» ҳақида баъзи мулоҳазалар мақоласида қаҳрамонларда тирик одамга хос «яхшилик» ва «ёмон-

¹⁴⁹ Шарқ юлдузи. 1955. № 4. 92-бет.

¹⁵⁰ Шарқ юлдузи. 1946. № 3. 68-бет.

лик»ларни топа билиш Мирмуҳсиннинг асосий ютуғидир»¹⁵¹, — дейди. Худди шу йўсинда ижобий қаҳрамонларни мураккаблиги билан кўрсатиш масаласига эътибор бериш бошланди.

Бу давр адабий танқидчилигида ижобий қаҳрамон ҳақидаги баҳсларда «идеал қаҳрамон» масаласи кўтарилди. «Ойда ҳам доғ бор» деганларидек, ҳар бир энг ижобий, энг идеал бўлиб кўзга ташланадиган одамда ҳам қандайдир жузъий камчиликлар учраши мумкин. Демак, камчиликсиз одам йўқ. Гап ўша камчиликларни кўрсатиш зарур ёки нозарурлигида. Баъзан ижодкор жамият ҳаётида ўзининг асосий хусусиятлари билан ижобий планда ажралиб турадиган шахс образларини яратар экан, одатда унинг характеридаги майда-чуйда, икир-чикирлар, жузъий камчиликларни бўрттиришга катта эътибор бермайди. Санъаткорлар бундай шахсларнинг жамият ҳаёти нуқтаи назаридан муҳим бўлган, ижтимоий тараққиётнинг илғор тенденцияларини ифодалайдиган, жамият аъзоларига таъсир ўтказиш жиҳатдан кўзга яққол ташланадиган бош хусусиятларига асосий эътиборни берадилар-да, шу орқали ўз идеалини бундай шахсларда мужассамлаштирадилар. Шу йўл билан адабиёт ва санъат асарларида «идеал қаҳрамон» (яна ҳам аниқроғи — ёзувчининг идеалини ташувчи қаҳрамон) образи яратилади. Шу даврда майдонга келган Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романидаги Ўктам ва Комила маълум даражада шу типдаги ижобий қаҳрамонлар образини яратиш йўлидаги уринишларнинг самараси эди.

Адабий танқидчиликда совет адабиётида яратилган ижобий қаҳрамон образининг ўзига хослигини бўрттириб кўрсатишга интилиш натижасида классик адабиётдаги ижобий қаҳрамонларни камситиш кайфияти ҳам йўқ эмас эди. Бу тенденция бир гуруҳ танқидчиларнинг, шу жумладан, А. Гурвичнинг «Ижобий намунанинг кучи» («Новый мир», 1951. № 9) мақоласида янада бўртиб кўринди. Шу боисдан «Правда» газетасининг редакция мақоласида бундай зарарли тенденция кескин фош қилинди: «Танқидчи ўз мақоласида шу нарсани таъкидлаб кўрсатдики, буюк рус ёзувчилари ижобий намуна бўладиган кучга эга тўлақонли қаҳрамонлар образини ярата олмадилар. Мабодо «шубҳасиз ижобий образлар» яратилган бўлса ҳам, улар «деярли фақат хотин-қизлардан» иборат эди... Рус воқелиги ўз замона-

¹⁵¹ Шарқ юлдузи. 1948. № 1. 116-бет.

сининг энг илғор кишилари образларини яратиш учун ёзувчиларга старли материал бермаган»¹⁵². Буни келтиришимиз бежиз эмас. Совет ёзувчиларининг Бутунитифок II съезди арафасида ижобий қаҳрамон ҳақида баҳс бошланди. «Комсомольская правда» (1954. 13 июль) газетасида А. Протопопованинг «Ижобий қаҳрамоннинг кучи» мақоласи босилди ва А. Гурвичдан фарқ қиладиган бошқа бир тенденцияга берилди, яъни у «бизнинг воқелигимиз ёзувчига идеал шахс образини яратиш учун битмас-туганмас имкониятлар беради» дея идеал шахс образини яратишни шарт қилиб қўйди. У идеал, фавқулудда, ҳар қандай камчиликдан холи образлар яратиш зарурлиги ҳақида фикр юритиб, «идеал қаҳрамон» бўлиш учун зарур хислатларни белгилаб беришга ҳаракат қилди. Бу нуқтаи назарга баъзи ёзувчи ва танқидчилар (В. Кетлинская, Г. Мединский, Г. Николаева, Б. Рюриков ва бошқалар) қарши бўлиб, ижобий образлар яратиш совет адабиётининг асосий вазифаларидан бири эканлигини махсус таъкидлаган ҳолда, «идеал» қаҳрамон ҳақидаги схематик тасаввурлар ўринсиз эканини билдирдилар. Баҳс СССР ёзувчилари съездида ҳам давом этди. А. Сурков «Совет адабиётининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида» қилган докладада шундай деди: «Мунозара қатнашчиларидан бири: «Бизнинг воқелигимиз ёзувчига шахс образини яратиш учун битмас-туганмас имкониятлар беради»,—деб ёзди ва адабиётдан «идеал қаҳрамонлар» яратиб беришни жуда қаттиқ туриб талаб қилди»... Мунозара қатнашчилари адабиётимиз тўплаган бой материални асос қилиб олиб, шу материал устида баҳслашмадилар»¹⁵³. Съезд қатнашчилари «идеал қаҳрамон» яратиш талабига салбий муносабатда бўладилар. Чунки бу талаб ҳаёт ҳақиқатини олдиндан белгилаб берилган схемалар бўйича акс эттиришга даъват этар эди.

Съезд қатнашчилари қаҳрамонларга гўё улар «ҳаётий» ва «кўламли» бўлиши учун, албатта, атайлаб қусурларни кўрсатиш, ортиқ даражада жўнлаштиришга, пастлаштиришга ҳам кескин қарши чиқдилар¹⁵⁴.

Бадний ижод тажрибасида биронта ижобий қаҳрамон иштирок этмайдиган асарлар ҳам учрайди. Бу хил-

¹⁵² Адабий танқидчиликда ватанпарварликка қарши қарашларнинг такрорланишларига йўл қўймайлик//Қизил Ўзбекистон. 1951. 31 октябрь.

¹⁵³ Шарқ юлдузи. 1955. № 1. 27—28-бетлар.

¹⁵⁴ Қаранг: История русской советской литературы. В 4-х томах. Т. IV. М., 1971. С. 12—15.

даги асарлар кўпинча турли эътирозларга, тортишувларга сабаб бўлади. Гоголнинг «Ревизор» комедияси шундай асарлардан бири эди. Асарда ижобий қаҳрамон йўқ, демак, ёзувчи идеалини ким ўзида ташийди, деган саволларга Гоголь: «Асарда олижаноб бир қаҳрамон бор, бу — кулгидир», деб жавоб берган, яъни кулги асарда ёзувчи позициясини аниқ белгилаб турадиган ижобий қаҳрамон вазифасини адо этади.

А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романида ижобий образлар бор, лекин улар иккинчи даражали образлар. Романнинг бош қаҳрамони Саидий — салбий образ. Демак, шу хилда ҳам асарлар бўлиши мумкин. Афсуски, бу ҳол баъзи танқидчиларга ёзувчини буржуа объективизмида айблашга сабаб бўлди. Ҳ. Еқубов, «А. Қаҳҳор «Сароб» романида буржуа объективизми методини давом эттирди. Романда салбий образлар орқали миллатчиларнинг аксилинқилобий ҳаракатларини фош қилишга, уларнинг ғоявий инқирозини кўрсатишга интилиш тамомила муваффақиятсизликка учради»¹⁵⁵, — деб ёзди. Кейинчалик бу фикрнинг асоссизлигини адабий жамоатчилик англади.

Урушдан кейинги давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳар бир асарнинг марказида ижобий қаҳрамон бўлишини шарт қилиб қўйишдан иборат талаб хийла кучли эди. Биз Турсун Собировнинг «Совет адабиётшунослигида ижобий қаҳрамон проблемаси» мақоласида шуларни ўқиймиз: «... ижобий қаҳрамон — бадий асарнинг асоси, қон томирларини ўзида бирлаштирувчи юраги... У бадий асар ўз ичига қамраб олган барча воқеаларнинг марказида туради»¹⁵⁶. Бу хилдаги фикрларни янада кўплаб келтириш мумкин.

Умумиттифоқ совет танқидчилигида ижобий қаҳрамонсиз асар бўлиши мумкинми ёки бизнинг ҳаётимиз ҳақидаги асарларда бош қаҳрамон салбий бўлиши ва санъаткорнинг асосий диққати шу салбий типга қаратилган бўлиши мумкинми? деган масалаларда қатор баҳслар кечди. Бу ўринда шуни ҳам эсда тутиш керакки, совет адабиёти олдига қўйиладиган талабларнинг ҳаммасини бутунча механик равишда бир асар олдига, бир ижодкор олдига қўя бериш фойда бермайди. К. Симонов СССР Ёзувчилари союзи правлениесининг

¹⁵⁵ Еқубов Ҳ. Ўзбек поэзияси ва прозасида социалистик реализм масаласига доир баъзи мулоҳазалар//Шарқ юлдузи. 1949. № 2. 114-бет.

¹⁵⁶ Совет мактаби. 1952. № 6. 41-бет.

XIV Пленумида қилган докладида махсус таъкидлаганидек, «ҳар бир асарнинг марказида ижобий қаҳрамон бўлсин ва асосий диққат ўшанга берилсин, деган талабни қўйиб бўлмайди»¹⁵⁷.

Бу давр танқидчилигида ижобий қаҳрамон масаласининг талқини билан танишар эканмиз, унинг лирик қаҳрамонга, яъни шеърятда ҳаракат қиладиган ва кўпинча жуда кўн ҳолларда шоир айтмоқчи бўлган фикр-ни ўзида ташийдиган образларга муносабатини эсла-тиб ўтишга тўғри келади.

Ҳ. Ёқубов «Ўзбек поэзияси ва прозасида социалистик реализм масаласига доир баъзи мулоҳазалар» мақоласида Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек поэма-ларида социалистик жамият, коммунизм ғалабаси учун курашаётган дунёни қайта қураётган, меҳнатда фидойи-лик кўрсатаётган, кишилар асосий қаҳрамон бўлганли-гини махсус таъкидлайди ва шундай дейди: «бу дoston-лар авторлари... ҳаётнинг, социалистик қурилишнинг ривожланувчи тенденциясини топишга интилади... тур-муш воқеаларига актив аралашади. Уларнинг қаҳра-монлари (беш қиз, Уста Ғиёс, Аҳмаджон, Асқар ота, Умрзоқ ва бошқалар) ўз шахсий манфаатлари эмас, балки давлат, Ватан манфаатлари билан яшайдилар, жамиятнинг иши билан куюнадилар, улуғ «дард» би-лан ёнадилар. Улар дадил, жасоратли совет кишилари-дай тасвирланадилар, улар мақсадларига эришиш йўли-да турган қийинчиликлардан қўрқмайдилар, қийинчи-ликларга рўпара келиб, уларни енга оладилар»¹⁵⁸. Шу билан бирга, танқидчи бу дostonларда тасвирланган ижобий қаҳрамонлар кўпроқ ташқи тўсиқларни енгиш-га интилишларини, бу борадаги улар қалбида, руҳий оламидаги мураккаб психологик кечинмалар деярли ифода этилмаганини, М. Бобоевнинг «Боғбон», Р. Бо-божоннинг «Қадрдон дўстлар», Шукруллонинг «Чоллар» поэмасида композиция ва сюжетнинг пухта эмаслиги-ни, воқеаларни кўрсатиш ўрнига нақлчилик устун ке-лишини ҳам алоҳида қайд этади.

Қатор тақриз ва мақолаларда лирик асарлар, шеъ-рий тўпламлар у ёки бу даражада таҳлил қилинди, шу муносабат билан ижобий лирик қаҳрамон хусусида гап очилди, турли-туман мулоҳазалар баён этилди. Бу бо-рада ланжлик, руҳий бўшанглик, фикрий саёзлик ва мавҳумлик, қуруқ риторика ва мадҳиябозлик каби нуқ-

¹⁵⁷ Шарқ юлдузи. 1953. № 11. 12-бет.

¹⁵⁸ Шарқ юлдузи. 1949. № 2. 120-бет.

сонларни кескин, шафқатсиз танқид қилиш кучайиб борди. Бу ҳол лирик қаҳрамон яратишнинг объектив ва субъектив жиҳатларига назар ташлашга олиб келди. Ижтимоий турмушнинг илғор тенденцияларини, ҳаёт учун зарур бўлган томонларни ўзида акс эттирган, келажак учун тўсиқ бўладиган иллатларга қарши шафқатсиз курашувчи қаҳрамонлар образини яратиш — бу масаланинг объектив жиҳати. Унинг субъектив жиҳати эса шоирнинг ўзи, яъни унинг қаҳрамон ҳақидаги нуқтаи назари, яратган образи. Демак, лирик образ моҳият-эътибори билан шоир илмий ва бадий тафаккурининг кенг ва теранлигини, қалбининг, руҳий оламининг бойлигини кўрсатувчи гўё бир кўзгудир. Проза асарларида бўлганидек, танқидчиликда поэзия асарлари қаҳрамонларига муносабатда ҳам идеал, нуқсонсиз қаҳрамон образини яратишни шарт қилиб қўйиш ҳоллари учради. Бугина эмас, худди шу нуқтаи назардан адабиётимизда эътироф этилган, давр синовларидан ўтган баъзи бир асарларни «тафтиш» этишга уринишлар ҳам бўлди. Биргина мисол. Танқидчи Т. Жалолов «Уйғун лирикаси ҳақида мулоҳазалар» мақоласида шундай деб чиқди: «Назир отанинг ғазаб» шеъри, бизнингча, ғайритабиий бўлиб чиққан. Мўйсафид бир чолдан бундай енгилтакликни кутиш мумкин эмас. Тажрибадан маълумки, чоллар салобатли, оғир ва донишманд бўладилар. Шунинг учун ёмғир томчилаши каби табиий бир ҳодиса чолларнигина эмас, ёшларни ҳам ортиқча ташвишга солмайди. Уйғуннинг «Назир ота»си эса, бир томчи ёмғирдан шу қадар ғазабланиб кетадики, гўё олам тўфон остида қолаётгандек. Ғазабнинг зўридан ақли қочиб, девонавор вайсайди, Дон Кихотдан ўзиб, булутни «бўғмоқчи», уни «тилка-тилка» қилмоқчи бўлади, лекин булутлар Уйғуннинг Дон Кихотидан тап тортмай, уни масхаралагандай ёмғирга айланиб томчилай бошлайди. Назир ота эса кўкка ўдағайлаб, «пахтазор сари» кетади.

Агар шоир Назир отасининг ёшига номуносиб бу енгилтаклик, тажангликни ватанпарварлиkning бир кўриниши дейдиган бўлса, шубҳасиз, янглишади. Бу совет кишисидаги ватанпарварлиkning чуқур томирларини англамаслик, уни бачканалаштириш бўлиб чиқади. Ватанпарварлик ҳисси киши қалбида ҳаёт мантиқидан бунёдга келади-да, ақл-идрокнинг парвариши билан камол топади, шунинг учун унинг ҳар бир кўриниши мутлақо онгли бўлажак.

Назир отанинг ёмғир остида жиғибийрони чиқиб пахта териши эса, зилзила чоғида қулаётган томни елкамда тутиб қоламан, деб уринган телбанинг ҳаракатидек, ҳар қандай маънодан маҳрумдир»¹⁵⁹.

Ахир, шеърда Назир отанинг табиат қийинчиликларидан қўрқмаслиги, халқ манфаати учун қайғуриши ифодалангани ҳақида жуда кўп фикрлар айтилган-ку? Унинг интилишлари ва ҳис-туйғулари китобхонларни кучли ҳаяжонлантиради, шунинг учун танқидчи кўрган «нотабийлик» сезилмайди, аксинча, табиийдек идрок этилади. Демак, А. Сурков айтганидек, «ҳар қандай қонун ва қоида образни ва китобни жонсизлантиради, ҳаётини воқеликни кўрсатиш ўрнига ахлоқ тўғрисида дидактик ўғитхонликка олиб боради»¹⁶⁰.

Шундай қилиб, ижобий қаҳрамон масаласи бу давр танқид ва адабиётшунослиги диққат марказида турди, бу соҳада қатор фикр-мулоҳазалар айтилди. Асл эътибори билан бу мунозаралар адабиёт илмининг ривожига хизмат қилди.

ТАНҚИДДА БАДИИЙ КОНФЛИКТ ПРОБЛЕМАСИ

«Правда» газетасининг «Драматургиядаги қолоқликка барҳам берайлик» (7 апрель 1952 йил) сарлавҳали редакцион мақоласида «конфликтсизлик назарияси»нинг моҳияти очиб ташланди, замонамиз қаҳрамонларини бир томонлама ва руҳи оламини қашшоқ қилиб кўрсатиш тенденциялари кескин танқид қилинди. Бундай камчиликлар бошқа қардош республикалар адабиётида бўлгани сингари ўзбек адабиётида ҳам мавжуд эди. К. Яшин бу ҳақда шундай дейди: «Ҳақиқатан, совет кишилари образини сунъий йўл билан қашшоқ қилиб кўрсатишга олиб борадиган «конфликтсизлик назарияси» кўпчилик ўзбек драматурглари пьесаларида ўз изини қолдирган. Буни эътироф этмай илож йўқ. Гапни ўзимдан бошлайман.

Халқ қурилишига, халқимизнинг мислсиз қаҳрамонлигини кўрсатишга бағишланган «Улуғ канал» операси либреттосида халқ турмушини курашсиз, зиддиятларсиз кўрсатиб, мен жиддий ғоявий-бадиий хатоликка йўл қўйганман. Мен социалистик қурилиш ҳеч қандай қаршиликсиз, қийинчиликсиз, муттасил хурсандчилик, тантана, ўйин-кулги билан ўтади, деган тушунчани ис-

¹⁵⁹ Совет Ўзбекистони маданияти. 1956. 7 март.

¹⁶⁰ Шарқ юлдузи. 1955. № 1. 29-бет.

ботлаш учун интилганман. Либреттонинг иккинчи таҳрири («Бахтлар водийси»)да битта ҳам салбий персонаж йўқ эди. Кураш «энг яхши» нарса билан «яхши нарса» асосига қурилган... Бу, албатта, ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатишга олиб борганлиги ўз-ўзидан аён. Натижада опера томошабинлар ўртасида муваффақият қозонмади ва тез орада театр репертуаридан тушиб қолди.

Нега шундай бўлган эди. Яқинда «Литературная газета»да А. Софроновнинг драматургия масалаларига бағишланган мақоласини ўқиб, ундаги бир жумла устидан ўйланиб қолдим. Мазкур жумлада гап худди менинг «Улуғ канал» операм устидан бораётгандай эди. Шу жумлани келтираман:

«Ёзувчилар союзидаги мунозаралардан бирида, коммунизмнинг улуғ қурилишларида умуман салбий кишилар бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикр айтилган эди. Бу хато нуқтаи назардир. Коммунизмнинг улуғ қурилишлари... мамлакатнинг ҳар еридан келган минглаб одамлар тўпланган жой... Улар орасида ўзининг ҳалол меҳнати билан коммунизм қурилишига ҳисса қўшаётган чинакам қаҳрамонлар бор... Шу билан бирга, шу қурилишларга ўз манфаатини, кўпроқ пул орттиришни кўзлаб келганлар, кейинги йилларда бир неча бор иш жойини ўзгартириб, ҳамён дардига мубтало бўлган қанотсиз читтаклар, ниҳоят катта коллектив орасида жамиятдан бекинадиган товламачи, юлғичлар ҳам бор».

Мен ўзимнинг либреттомда ана шу ҳаёт ҳақиқатини деярли четлаб ўтганман, илғор совет кишиларининг ўтмиш сарқитлари билан заҳарланган одамларга қарши олиб борган курашларини кўрсатмаганман»¹⁶¹.

«Янгиликнинг эскиликка қарши кураши ғоят турлитуман ҳаётининг конфликтларни келтириб чиқаради, бу конфликтлар бўлмаса ҳаёт ҳам бўлмайди, демек, санъат ҳам бўлмайди... Конфликtsiz драматургия ҳақидаги хато «назария» воқеликнинг антиреалистик, бир ёқлама, нотўғри кўрсатилишига олиб келади. Ҳаётининг конфликтларни бадий жиҳатдан ифодалаб бермасдан туриб, одамнинг характерини чуқур ва ҳар томонлама кўрсатиш мумкин эмас»¹⁶²,— дейилади «Правда»нинг ўша редакция мақоласида.

¹⁶¹ Қ о м и л Я ш и н . Асарлар. Учинчи том. Тошкент. 1972. 117—118-бетлар.

¹⁶² Шарқ юлдузи. 1952. № 5. 94, 98-бетлар.

Бу даврда ёзилган мақола ва монографияларда конфликтсизлик «назария»си кескин танқид қилинди. Бу табиий ҳол эди. Шу руҳда ёзилган ишлардан бири Ҳ. Абдусаматовнинг «Улуғ Ватан урушидан кейинги ўзбек совет драматургиясида конфликт масаласига доир» (1954) китобидир.

Китобда урушдан кейин яратилган драмалар конфликт нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва конкрет мисоллар асосида «конфликтсизлик назария»сининг зарарли оқибатлари хусусида фикр ва мулоҳазалар юритилади.

С. Азимов шоир Асқад Мухторнинг «Катта йўлда» поэмасига ёзган тақризида конфликтнинг ҳаётийлиги масаласига тўхталди; «Шоир ўз қаҳрамонидаги ижобий хусусиятларни қуруқ тавсиф ёки баъзи драматик асарларимизда авж олган (қизни отага, отани ўғилга, хотинни эрга қарши қўйиш каби) шартли «оилавий» конфликтлар доирасида эмас, балки чуқур ҳаётий зиддиятлардан фойдаланиб, жонли образларда талқин эта билган. Зотан, бадиий асарнинг кучи ҳам мана шунда»¹⁶³.

Конфликтсизлик «назария»си таъсири турли асарларда турлича намоён бўлди. Баъзилар ўз асарларида яхлит, тўлақонли йирик конфликт яратишдан чўчиб майда конфликтлар излашга интиладилар. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романида асосий қаҳрамон Уктамга қарши қўйилган кучлар — ҳосилот советининг раиси Қаримқул, колхоз комсомол ташкилоти секретари Насимжон рақиб олдида ожиз. Бу курашувчи томонлар ўртасида номутаносиблик туғдиради.

Асар тўғрисида тақриз ёзган И. Султонов романда район партия комитетидаги ишлар ёзувчи диққатидан четда қолганлиги ҳақида гапириб: «Район партия комитети бюросининг бир мажлисиёқ ёзувчига қанчадан-қанча ижобий материал беради»,— деган эди. Дарҳақиқат, ёзувчида шундай имконият бор эди. Ҳеч бўлмаса шу ердан яхлит конфликт топиши, уни роман марказига олиб чиқиши мумкин эди. Қулай имконият воқеликка айлантирилмайди.

Афсуски, танқидчилик ҳам бу борада ёзувчига етарли ёрдам бермади, романнинг асл камчиликларини кўрсатиш ўрнига, унинг ожиз томонларини кўз-кўз қилишга уринди. Ҳ. Ёқубов сўзлари билан айтганда, «конфликтсизлик назария»сини илгари сурган айрим

¹⁶³ Қизил Ўзбекистон. 1950. 4 январь.

танқидчилар ёзувчининг камчилигини чуқурлаштиришга интилдилар, турмуш ҳақиқатини бўяб, силлиқлаб кўрсатишга даъват қилдилар.

В. И. Зоҳидов ўзининг «Ойбекнинг янги романи ҳақида»¹⁶⁴, «Ҳозирги ўзбек совет адабиётида баъзи камчиликлар ҳақида»¹⁶⁵, «Адабиётнинг партиявийлиги учун»¹⁶⁶ деган мақолаларида худди шу «конфликтсизлик назария»сини ҳимоя қилди ва совет воқелигидаги типиклик ҳодисасини нотўғри тушунтирди»¹⁶⁷.

«Конфликтсизлик»нинг яна бир кўриниши қандайдир «юзаки зиддиятлар»ни тўқиб чиқаришда сезилади. Н. Тихонов СССР Ёзувчилари союзи правлениесининг ўзбек адабиётига бағишланган XIII Пленумида шундай деган эди: «Бир неча йиллардан бери кўп асарларда кибрланиб кетган колхоз раиси ёки бригада бошлиғининг образи такрорланиб келмоқда, конфликт эса буларнинг бошқа колхозчилар билан тўқнашувларига асосланиб қурилмоқда. Прозада ҳам, драматургияда ҳам содда, эскирган конфликтлар тез-тез учраб туради. Авторлар эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни воқеликнинг ўзидан излаш ўрнига, ҳаммани қониқтириш учун муваффақиятли яқунланадиган жуда жўн воқеалар ўйлаб чиқарадилар»¹⁶⁸.

«Ўзбекистон коммунисти» журнали И. Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» романида конфликтни бўшаштириш оқибатида схематизм келиб чиққанини махсус таъкидлаган эди. «Романда мавжуд бўлган конфликтни бўшаштириб юбориш, баъзи воқеаларни тасвирлашда, образларни яратишда схематикликка йўл қўйиш ҳоллари ҳам мавжуддир»¹⁶⁹.

Бадний конфликт асарнинг ўзагини ташкил этар экан, у ғоявийликка чамбарчас боғлиқ ва кўпинча улар бир-бирларини белгилайдилар. Зотан, «ҳаётни зиддиятсиз, курашсиз акс эттириш — ҳақиқатдан кўз юмиш, санъат асарини ҳақиқий ғоявийликдан маҳрум этиш демакдир. Фақат ҳақгўй санъатгина чинакам ғоявий бўлади»¹⁷⁰.

¹⁶⁴ Шарқ юлдузи. 1950. № 10. 148—167-бетлар.

¹⁶⁵ Қизил Ўзбекистон. 1950. 10, 15 декабрь.

¹⁶⁶ Ўзбекистон коммунисти. 1950. № 9. 30—33-бетлар.

¹⁶⁷ Ёқубов Ҳ. Ойбек. Танқидий-биографик очерк. 102-бет.

¹⁶⁸ Тихонов Н. Ўзбек совет адабиётининг муваффақиятлари ва камчиликлари//Шарқ юлдузи. 1950. № 2. 11-бет.

¹⁶⁹ Ўзбекистон коммунисти. 1953. № 12. 39-бет.

¹⁷⁰ Яшин К. Асарлар. Тўрт томлик. 3-том. Тошкент. 1972. 120—121-бетлар.

К. Яшин Туйғунинг «Ҳикмат» пьесаси мисолида «конфликтсизлик назарияси»нинг қаҳрамон характери-ни очишдаги зарарини кўрсатади. «Асарда иштирок этувчи шахслар шундай тасвирланганки, бундан турмушдаги зиддият «яхшилик» ва «жуда яхшилик» ўртасидаги курашдан иборатдай бўлиб кўринади. Ҳикматга операция қилишни ман этган бош врач — Бузрук салбий персонаж эмас, у «яхши» одам. Ҳикмат эса «ундан ҳам яхши». Шунинг учун ҳам Ҳикмат пьесада жуда илғор. Бузрук эса сал қолоқ киши ҳисобланади»¹⁷¹.

Конфликтсизлик авж олган вақтларда тақлидчилик элементлари ҳам тез-тез кўрина бошлади. К. Яшин махсус таъкидлаганидек, «Ҳикмат» асари А. Корнейчукнинг машҳур пьесаси — «Платон Кречет»нинг ўзбекча варианты бўлиб қолган... Янги, чинакам пьеса яратиш — бу инсон туйғулари, руҳий дунёси ва ижтимоий муносабатларида ҳамма вақт кашфиётдир. Конфликтсизлик «назарияси» туфайли... бундай кашфиётлар яратишдан ҳадиксираш драматургларни такрорларга йўл қўйишга, тайёр ва мавжуд нарсаларни чайнашга олиб келди...»¹⁷². Юқорида биз С. Лиходзиевскийнинг Рамз Бобожон «Қадрдон дўстлар» поэмасида А. Твардовскийнинг «Василий Тёркин» асарига тақлид қилгани хусусидаги мулоҳазасини келтирган эдик. К. Яшин ўзининг «Генерал Раҳимов» асарида бу «назария» таъсирига берилганлигини эътироф этди ва Уйғунинг «Ҳаёт қўшиғи», «Навбаҳор» асарларида «конфликтсизлик» аломатларини кўрсатиб берди.

Урушдан кейинги адабиётда яна бир зарарли тенденция пайдо бўлди. Буни қисқа қилиб, «конфликт — конфликт учун» деб аташ мумкин. Бундай кайфиятга берилган ёзувчи асарда муайян конфликт бўлиши керак экан, деб ҳисоблайди-да, ҳар хил сохта, майда-чуйда, кўпинча англашилмовчилик асосига қурилган конфликтларни ўйлаб чиқара бошлайди.

Конфликтсизлик «назарияси» фақат эпик ёки драматик асарлардагина эмас, бу «назария»га асосланган сохта кўтаринкилик, маъносиз оптимизм, бинобарин, воқеаларни юзаки тасвирлаш, ҳодиса ва фактларни қуруқ баён қилиш билан чекланиш поэзияда ҳам кўзга ташланар эди.

¹⁷¹ Уша жойда.

¹⁷² Уша жойда.

н М. Юнусов «Самарқандлик ижодкор ёшлар» мақо-
ласида ёш шоирларнинг шеърлари ҳақида ёзади: «Шо-
ирлар гўё «конфликтсиз» дунёда бетараддуд, беташ-
виш, эътиборсиз, сокин ҳаёт кечираётганга ўхшайди-
лар. Лирик қаҳрамон олдида унинг шахсий иштироки-
ни талаб этадиган вазифалар йўқдек, уни ҳеч нарса
тараддудга солмаётгандек, ҳамма нарса тайёрдек кўри-
нади»¹⁷³. Бу фикр фақат ёшлар шеърляти ҳақида эмас,
балки танқидчи сўзлари билан айтганда, «кўпгина
тажрибали шоирларимизда учрайдиган» нуқсон эди.

Кўринадики, конфликтсизлик «назарияси»га муно-
сабат билдириш, аввало драматургия соҳасида, сўнгра
проза соҳасида олиб борилди. Маълум вақтгача лири-
ка бу умумий ҳаракатдан четда қолди. Бунинг сабаби
лирикада конфликтнинг ўзига хослиги, ҳатто лирикада
конфликт бўлиши, бўлмаслиги ҳақидаги масалалар кўп-
чилик мунаққидларни иккилантириб турар эди.

Эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб худ-
ди шу масалалар хусусида, яъни лирикада конфликт,
унда конфликтнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ма-
қолалар яратилди. Бу ўринда Ҳ. Ёқубовнинг «Лирика-
да конфликт» ва О. Шарафиддиновнинг «Лирика ҳа-
қида мулоҳазалар» (1956) мақолаларини эслаш ки-
фоя.

«Ҳатто айрим шоирлар,— деб ёзади О. Шарафидди-
нов,— адабиётнинг конфликтли бўлиши ҳақидаги талаб
фақат драма ёки эпик асарларгагина тааллуқлидир,
«лирикада конфликтнинг бўлиши шарт эмас», деб ишо-
надилар. Бундай қарашлар адабий ижодга ҳам таъсир
кўрсатмоқда ва натижада лирикада воқеликни бўйб,
ялтиратиб тасвирловчи кўпгина шеърлар вужудга кел-
моқда»¹⁷⁴.

Лирикада конфликт ўзига хос кўринишда зоҳир бў-
лади. «Лириканинг специфик хусусиятларига кўра ун-
да конфликт характерларнинг тўқнашуви ва кураши
формасида эмас, балки асарнинг реал воқеликка муно-
сабатиди, шу муносабатни ифодаловчи ва шу муноса-
бат натижасида туғилган фикрлар, кечинмалар форма-
сида намоён бўлади»¹⁷⁵.

1956 йили «Совет Ўзбекистони маданияти» газета-
сида лирика ҳақида бўлган жиддий ва қизғин муноза-

¹⁷³ Шарқ юлдузи. 1955. № 12. 116-бет.

¹⁷⁴ Шарафиддинов О. Замон, қалб, поэзия. Тошкент. 1962.
63-бет.

¹⁷⁵ Уша жойда. 66-бет.

рада Ҳ. Ёқубов «Лирикада конфликт» мақоласи билан майдонга чиқди: «Социалистик лириканинг совет воқелиги билан узвий боғланиши, партиявийлик, ҳаққонийлик, типиклик принциплари унинг конфликтли бўлишини тақозо қилади»¹⁷⁶.

Тўғри, лирикада янгилик билан эскилик орасидаги кураш ҳам, турмушдаги хилма-хил зиддиятли воқеа-ҳодисалар ҳам, кишилар характеридаги манфий ва мусбат томонлар ҳам лирикада ўзига хос равишда акс этади. Конфликтсизлик лирикада қаҳрамон руҳий дунёсини юзаки талқин қилишга, турмушни бўяб-безаб кўрсатишга, қуруқ ваъз-насиҳатларга берилиб кетишга, майда ҳиссиётлар оғушига тушиб қолишга, мадҳиябозлик ва саноқсиз хитобларга, риторикага кенг йўл очади. Конфликтлилик лириканинг қалби, юксак парвози учун эъзозли қанотидир. Чинакам лирика аслида конфликтлиликдан, шоирнинг руҳий дардидан бошланади. Поэзияда фикрий теранлиkning замирида шоирнинг ҳаётни зиддиятли идрок қилиши туради. Шеърдаги конфликт шоирнинг юксак идеали билан ташқи муҳит ўртасидаги зиддият сифатида ҳам воқе бўлиши мумкин. Демак, шеърятимиз қиёфасини ҳаётга актив муносабат, шиддатли руҳ белгилайди. Шу маънода Абдулла Ориповнинг «Авлодларга мактуб» шеърдан баъзи мисраларни эслаш фойдадан холи эмас:

Азиз набиралар, унутманг фақат,
Ҳар бир фожиянинг бордир чораси.
Тупроқ қўзғолмасдан ўрнидан баттар,
Соғмасидан аввал даҳшат, қатағон,—
Ер ости тинч турсин десангиз агар,
Сизлар, ер устида сўйламанг ёлгон!¹⁷⁷

Ҳар бир ижодкор минг йиллик мозийга мурожаат қиладим, набиралар тимсолида истиқболга назар ташлайдими, доим китобхонлар олдидаги катта масъулиятини чуқур ҳис қилиши, гражданлик эътиқодига содиқ бўлиши тақозо этилади. Шеърдаги конфликт эса шоирнинг идеали билан ташқи муҳит ўртасидаги зиддият сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, бу давр танқидчилиги конфликтсизлик «назарияси», бинобарин, юзакиликка, ҳаёт воқелигини бекорга безаб кўрсатиш тенденцияларига қарши курашлар даври бўлди.

¹⁷⁶ Ёқубов Ҳ. Адабий мақолалар. Тошкент. 1970. 231-бет.

¹⁷⁷ Орипов Абдулла. Йиллар армони. Тошкент. 1984. 138-

АДАБИЙ ТАНҚИДДА ТИПИКЛИК ПРОБЛЕМАСИ

Бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги-да ижобий қаҳрамон, конфликт каби, типиклик масаласига ҳам эътибор кучли бўлди, бу борадаги баҳсларда турли-туман фикрлар айтилди, ҳар хил нуқтаи назар баён қилинди.

Бу давр ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги-да типиклик проблемаси ҳақида гап борганида биринчилар қаторида Лазиз Қаюмовнинг урушдан кейинги давр колхоз ҳаётини акс эттирган ўзбек романларида типиклик проблемаси хусусидаги ишини эслаб ўтиш керак бўлади. Тадқиқотчи Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари», И. Раҳимнинг «Ҳаёт булоқлари» каби романларини типиклик проблемаси нуқтаи назаридан анча кенг таҳлил қилди¹⁷⁸. Тадқиқотчи ўз ишида Сайрамов ва Ўктам образларини урушдан кейинги колхоз ҳаётини акс эттирувчи типик ва бош фигуралар деб атайди. У асардаги Ўктам, Сайрамовга ўхшаган образларнинг характерли хусусиятларини қуйидагича санайди: «...Партия ишига чексиз фидокорлик, юқори ғоявийлик, меҳнаткашларнинг манфаатларига қарши бўлган кучлар билан муроса қилмаслик, олға қараб интилишга халақит берадиган камчиликларга қарши аёвсиз курашиш, тинчлик ва социализм ишининг енгилмас эканлиги, халқ оммасининг кучига тўла ишониш, янгиликларни сеза билиш ва қўллаб-қувватлаш, ташаббускорлик ва демократизм». Бир жиҳатдан булар тўғри. Булар партия уставида кўрсатилган, ҳар бир коммунистга хос бўлган умумий хусусиятлар. Образ бадий деталлар билан индивидуал, жонли, ёрқин характер сифатида ажралиб туриши керак. Сайрамов ва Ўктам образлари бу жиҳатдан етарли даражада ажралиб турмайди. Шу маънода мунаққид типиклик билан индивидуаллик орасидаги боғланишга кўп эътибор бермагани сезилиб туради.

«Олтин водийдан шабадалар» романи ҳақида гап борганида, ўша йилларда танқидчилик Мирҳайдар образига ҳам ҳар хил муносабатда бўлганини айтиб ўтиш керак. В. Зоҳидов фикрича, Мирҳайдар характеридаги баъзи хусусиятлар типик эмас. Ҳ. Ёқубов эса Ўктам би-

¹⁷⁸ Қаюмов Л. Бадий адабиётда типиклик проблемаси//Шарқ юлдузи. 1956. № 9; Типиклик ва бадий маҳорат//В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Тошкент. 1957.

лан Мирҳайдар орасидаги тўқнашувларнинг моҳиятига асосланиб, юқоридаги фикрнинг аксини айтади. В. Зоҳидов ёзади: «Китобхон ёқимли, доно ва илғор Мирҳайдар ота образида бирорта ҳам доғ бўлмаслигини истайди, шундай олижаноб ва ақлли отанинг колхозда электростанция қуришга ва олимлардан фойдаланишга, яъни колхоз ҳам колхозчилар учун жуда фойдали бўлган бу масалаларга қарши чиқа олишига ишонгиси келмайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги конфликт муайян даражада сунъий тус олиб қолади. Уша икки масаладаги қолоқликни, чунончи, ҳосилот раисининг ўзига берилганда ва Мирҳайдар отани доғсиз қолдирилганида, яъни бу образни ёрқинлигича қолдирилганида ва Мирҳайдар отадек колхоз раиси билан партия ташкилотининг жонкуяр Уктамдек секретари ҳамisha бир-бирини тушунадиган ва ҳурмат қиладиган, бир ёқадан бош чиқариб ишлайдиган, бир-бирининг хатосини ўз вақтида кўрсатиб тузатиб, танқидни «гапнинг қаймоғи» деб самимий англайдиган ота-боладек қилиб берилганда, асар, хусусан Мирҳайдар ва Уктам образлари анча ютган бўлар эди»¹⁷⁹.

В. Зоҳидов характери «тоза» — аъло даражада ижобийларга ва «нотоза» — салбийларга қатъиян бўлишнинг тарафдори. Шунинг учун ҳам у ёзувчига тезлик билан Мирҳайдар характеридаги бу қарама-қаршиликларни силлиқлаб юборишни маслаҳат беради. Ҳ. Ёқубов бу масалага бирмунча тўғри ёндашади. Лекин у В. Зоҳидовни танқид қилар экан, ўзи ҳам маълум даражада бир ёқламаликка ва анализлар юзакилигига йўл қўяди.

В. Зоҳидов романда Мирҳайдардек ақлли отанинг колхозда электростанция қуришда олимлардан фойдаланишга қарши чиқишига ишонгиси келмайди. Шунинг учун ҳам юқоридаги конфликт муайян даражада сунъий тус олиб қолади, деганида маълум даражада ҳақ. Қолаверса, В. Зоҳидов Мирҳайдар характери тасвирида нималардир етишмаслигини сезади. Лекин нима етишмаслигини топишга ҳаракат қилганида эса тўғридан-тўғри конфликтсизлик «назарияси» позициясига ўтиб кетади. Ҳ. Ёқубов ҳам В. Зоҳидовни Мирҳайдар характеридаги тасвирлашга нимадир етишмаслигини топа олмагани учун эмас, фақат уни роман таҳлилига «конфликтсизлик» нуқтаи назаридан ёндашгани, типик ҳодисани нотўғри тушунтиргани учун танқид қилади.

¹⁷⁹ Шарқ юлдузи. 1950. № 10. 159-бет.

Воҳид Зоҳидов романдаги Комила образини «энг мукамал образ» деб айтади. «...Ҳозирга қадар ўзбек совет адабиётида,— деб ёзади танқидчи,— ўзбек совет колхоз аёлининг бу даражада мукамал ва ёқимли образи яратилмаган эди»¹⁸⁰.

Комила образининг ёқимлилиги, жозибадорлиги ҳақида айтилган фикрга эътироз билдириш қийин. Романда бу образни таҳлил қилар экан, Ҳ. Ёқубов: «...Комила образини «энг мукамал образ» деб бўлмайди»¹⁸¹, деган хулосага келади. Танқидчи бир ўринда романда «Комила характерини шакллантира борган типик шароит равшан кўрсатилмайди», дейди. Маълумки, Ф. Энгельс адиба Маргарет Гаркнесснинг «Шаҳар қизи» повести ҳақида гапириб, «характерлар ўз ҳаракат доирасида етарли даражада типик, лекин уларни қўршаб турган ва ҳаракат қилдираётган шароитлар етарли даражада типик эмас»¹⁸²,— деган эди. Демак, ижодкор асарлар типик характер яратиш учун, энг аввало, уни ҳаракатга келтирган типик шароит ҳақида жиддий бош қотириши ғоятда муҳим. Типик характерни типик шароитда кўра олмаслик эса бу даврда яратилган айрим роман, драма ва поэмаларда ҳам мавжуд эди.

Ойбек романда персонажлар тилини индивидуаллаштириш жараёнида уларнинг ҳар бирига хос сўзлар, иборалар топишга алоҳида эътибор беради, кўпинча бунга эришади. Лекин баъзи бир танқидчилар кексаларга одат бўлиб қолган оддий сўзларни, ибораларни ишлатишга қарши чиқдилар. «Романдаги колхозчилар тилидан хурофий сўзлар ишлатилади. Саксон ота армияга кетган уч ўғли ҳақида шундай дейди: «Бири «қора хат» бўлди. Уртанча ўғлим эди. Тақдирга бўйсундик, худога шукур, катта билан кичиги сиҳат ва саломат».

Уктамнинг онаси ўз ўғлига айтади: «Худога шукур, бу йил пахтанинг кўриниши яхши». Уктам фронтдан қайтиб келганда унинг онаси яна: «Худога минг қатла шукур, дийдор кўришдик», дейди.

Тўғри, автор баъзи одамларга эскидан одат бўлиб қолган иборани ўз қаҳрамони сўзларига қистиради. Лекин бу ортиқчадир, кераксиздир, айниқса, Саксон

¹⁸⁰ Шарқ юлдузи. 1950. № 10. 115-бетлар.

¹⁸¹ Ёқубов Ҳ. Ойбек. Танқидий-биографик очерк. 104—105-бетлар.

¹⁸² Шарқ юлдузи. 1950. № 10. 164-бет.

оталарни шундай сўзлатиш тамомила ноҳўя ва ҳақиқатга сира тўғри келмайди»¹⁸³.

Кўриниб турибдики, В. Зоҳидов Ойбек тасвирлаган қаҳрамонларни типиклик нуқтаи назардан таҳлил этишга асосий эътиборни қаратади-да, уларни индивидуал қиёфага эга бўлган муайян инсон эканлигини баъзан эътиборга олмайди.

Юқоридагидек, типикликни нотўғри талқин қилишлар С. Анорбоевнинг «Давримизнинг ҳақиқий қаҳрамони образини яратиш йўлида» мақоласида ҳам кўзга ташланади. Мақола автори драматург Уйғуннинг «Навбахор» ва «Олтин кўл» пьесаларини асосан социологик планда таҳлил этади ва баъзан бадий ижоднинг, адабий ҳодисаларнинг специфик хусусиятларини эътиборга олмайди.

Типиклик — кенг ва кўп қиррали проблема. Бу болада адабиётшунослик ва танқидчиликда кўп баҳслар бўлди. Баъзи бировлар уни нотўғри талқин этди, айримлари юзаки тушунди, бошқа бирлари эса унинг баъзи томонларига кучли урғу бериб, бошқа жиҳатларини эътиборда тутмади.

Бундай хилдаги турли-туманлик бадий ижодкорларнинг мақолаларида ҳам кўринди. Бу ўринда биргина мисол келтириш билан чекланамиз. «Юрак сирлари» — Баҳром Раҳмоновнинг биринчи йирик асари. У анча шов-шувга сабаб бўлди. Сурмахон ўша пайтдаги типик мешчанка. Эри Илҳом эса пок инсон ва ҳақиқий олим. Бир оилада икки хил шахс, яъни орзу-умидлари бир бўлмаган эр-хотин. Шундай экан, улар орасида чинакам оила бўлиши мумкинми? Муҳаббатчи? Бу ҳаётий саволларга танқидчилар хилма-хил жавоб беришди. Ҳамид Ғуломнинг «Юрак сирларининг хатоси нимада?» деган тақризиди: «Комедиянинг асосий персонажи қилиб кўрсатилган Сурмахон образи, ҳақиқатда салбий образ эмас, уйдирма образ... Саттор, албатта совет педагоги ёки ёзувчининг типик образи эмас. Унинг қилиқларини — хотинини қўпол равишда ҳайдашини, орадан ҳеч вақт ўтмай, бошқа бир қизга гулдаста кўтариб, муҳаббат изҳор қилишини, боласининг ҳолидан бир йил давомида хабар олмаслигини сира ҳам типик ҳодиса деб бўлмайди... Комедиянинг бутун конфликти, тематик «ўткирлиги» ва кульминацион чўққиси ана шу нотўғри муносабат асосига қурилган»¹⁸⁴.

¹⁸³ Шарқ юлдузи. 1950. № 10. 164-бет.

¹⁸⁴ Қизил Ўзбекистон. 1954. 23 январь.

М. Муҳамедов ҳам бу асарга худди шу принципда ёндашади: «Драматург ҳаётда учрайдиган баъзи бир салбий ҳолларни нотўғри тушунган ва натижада айрим кишилардаги бузуқ ахлоқ, калтабинлик сингари ҳолларни умумлаштириб, бўрттириб юборган»¹⁸⁵.

Адабий танқидчилик «Юрак сирлари»га муносабатдаги бундай нуқтаи назарларнинг хатолигини кўрсатиб берди. С. Азимов шундай дейди: «Шу кунларда босилиб чиққан «Юрак сирлари» пьесасининг хатоси нима?» сарлавҳали Ҳ. Ғуломнинг мақоласи типикликка, ўткир ҳаётий конфликт масалаларига нотўғри нуқтаи назардан қараш кайфиятларининг қанчалик яшовчан эканлигидан далолат беради. Мақола автори пьеса қаҳрамонининг ўз хотинини уйдан ҳайдаб юборишини, ёш қизга севги изҳор қилганини, ўз болаларига нисбатан оталарча муносабатда бўлмаганлигини типик ҳодиса эмас деб ҳисоблайди. Бу билан автор конфликтсизлик «назарияси»ни тиклашга уринади, типикликни қандайдир статик ўртача нарса сифатида нотўғри тушунтироқчи бўлади. Ҳ. Ғуломнинг бу позицияси типикликни марксча-ленинча тушунишга зиддир, унинг бу фикрдан объектив тарзда бизнинг турмушимиз тўғрисида сатирик образлар — типлар яратиш мумкин эмас, деган фикр келиб чиқади»¹⁸⁶.

Сўнгра С. Азимов ўз мақоласида А. Фадеевнинг «Совет ёзувчиларини тарбиялаш характериға эға бўлган ва камчилик, хатоларни тузатишға қаратилган танқид билан совет жамиятиға ёт ва душманлик идеологиясини онгли равишда ташувчи адабиётдаги душман элементларнинг танқидини аралаштириш ярамайди» деган фикрини келтиради ва давом этиб ёзади: «Шу нуқтаи назардан қараганда Б. Файзиёвнинг «Навой» романи ҳақида», Х. Саидовнинг «Олтинқўл» пьесаси ҳақида», А. Валидовнинг «Бўри изидан» романи тўғрисида» ва Ш. Тоҳировнинг «Болалар учун юксак ғояли асарлар яратайлик» (Ш. Саъдуллоанинг шеърлар тўплами тўғрисида) сарлавҳали мақолалари кескин қораланиши керак.

Бу мақолаларда совет ёзувчисини танқид қилиш билан бизға ёт ва душманлик идеологиясини онгли равишда ташувчи адабиётдаги душман элементларни танқид қилиш ўртасида чегара йўқ; айрим совет ёзувчилари салкам миллатчи деб эълон қилинади. Танқид—

¹⁸⁵ Қизил Ўзбекистон. 1954. 30 июль.

¹⁸⁶ Шарқ юлдузи. 1954. № 3. 105-бет.

чи шунн ёддан чиқармаслиги керакки, ёзувчини ортиқча мақтаб юбориш ҳам, уни ер билан яксон қилиб юбориш ҳам ёзувчини хафа қилади. Фақат асосли мақтов ва асосли танқидгина совет ёзувчисига фойда қелтириши мумкин.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ўзбек ёзувчиларининг айрим асарларидаги ғоявий-бадний хатоларни очиб ташлади ва қоралади, бу хатоларнинг тезда йўқолишини талаб қилди, шу билан бирга, Марказий Комитет ёзувчи кадрларга нисбатан эҳтиёткорлик ва диққат билан қарашда намуна кўрсатди. Юқоридаги мақолаларнинг авторлари Марказий Комитет қарори билан ниқобланган ҳолда, «адабиётнинг тозалиги учун курашайлик» деган байроқ остида айрим камчиликлари бўлса ҳам, халқ турмушини асосан тўғри акс эттирувчи асарларга нисбатан ишончсизлик билдирдилар»¹⁸⁷.

1955 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Замондошларимизнинг ёрқин образларини яратайлик» номли бош мақола босилиб чиқди. Унда шундай дейилади: «А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Оғрик тишлар», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» ва бошқа асарларнинг саҳнага қўйилиши ҳам ўзбек совет драматургиясининг, ҳам театр санъатимизнинг муваффақияти бўлди»¹⁸⁸. «Юрак сирлари» хусусидаги баҳс шундай якунланди.

Поэзияда конфликт каби типиклик ҳам ўзига хос равишда намоён бўлади. Лириканинг проза ва драматургия асарларига нисбатан типик шароитни кўрсатиш имкониятлари хийла чекланган. Шу боисдан лирик қаҳрамон типик шароитни ўзида бўрттириб мужассам этган ҳолда воқе бўлади, у орқали биз конкрет тарихий воқелик ва ҳодисанинг қонуний моҳиятини тасаввур этамиз. С. Азимов ўзининг «Ҳамид Олимжон» мақола-сида шоирнинг «Бахтлар водийси» шеърини таҳлил қилар экан, шуларни таъкидлайди: «Бу шеър меҳнат соҳасида ўз ижодий имкониятларини намоён қилаётган совет кишиларини четдан кузатиб, бетараф туриб ёзилган асар эмас... «Бахтлар водийси» социалистик жамият қураётган халқ билан бирга тер тўкиб яратилган меҳнат гимнидир. Ижодий, озод меҳнат кишисининг типи — «Бахтлар водийси»нинг асосий лирик қаҳрамонидир.

¹⁸⁷ Ўзбекистонда адабий танқидчиликнинг ривожланишига доир баъзи масалалар//Шарқ юлдузи. 1954. № 3. 105—106-бетлар.

¹⁸⁸ Қизил Ўзбекистон. 1955. 23 сентябрь.

Лирик қаҳрамоннинг кечирмаларини... кўрсатишда, шоир конкрет тарихий воқеадан фойдаланади. У ҳам бўлса, тарихий беш йилликлар даврининг асосий вази-фаларидан бири бўлган Иттифоқимизнинг пахта мустақиллиги учун кураш воқеасидир. Бу кураш нати-жасида Ўзбекистон Иттифоқимизнинг асосий пахта ба-заси бўлиб қолди, ўзбек халқининг иқтисодий-маданий аҳволи мислсиз яхшиланди, ўлкамиз бахтлар водийсига айланди, шонли Коммунистик партия ва Совет ҳукума-ти бу курашга раҳбарлик қилди. Шеърнинг ғоявий йўналиши халқ ҳаётидаги ана шу типик ҳодисанинг поэтик картинасини яратишдан иборатдир»¹⁸⁹. Тарихан конкрет типик шароит лирик қаҳрамонда, унинг қалб қуёшида намоён бўлади ва бизга эмоционал таъсир қилади.

Уша йилларда конфликт каби типикликни нотўғри талқин этишнинг кучайиши қатор лирик асарларга му-носабатда ҳам кўринди. «Конфликтсизлик назарияси» таъсирида ҳаётини зиддиятлардан холи «безакли қаҳ-рамонлар» пайдо бўлди. Типикликни бир томонлама, юзаки тушунишлар натижасида ҳам шунга ўхшаш ҳо-лат рўй берди. Бу ҳол «лирик қаҳрамон» ҳамиша бахт-ли, саодатли, унинг учун «мураккаблик», «мусибат», «оғир психологик ҳолат» — булар «типик эмас» деб чиқишларда кўринди. Оқибатда «дардсиз», қалб ҳаро-ратсиз, кучли эҳтирослардан холи бўлган сийқа, ял-тироқ, сохта кўтаринки шеърларнинг кўпайишига хий-ла кенг йўл очиб берилди.

«Правда»нинг «В. Маяковскийнинг ижодиётини марксистик ёритиш учун» (1953, 2 март) деган редак-цион мақоласида шуларни ўқиймиз: «Шеърини ижодиёт-нинг ҳозирги аҳволи совет кишиларининг қалбида жид-дий ташвиш туғдирмоқда. Кейинги вақтда катта, ҳаяжонлантирувчи поэтик асарлар деярли яратилмади, кенг эпик планда ёзилган асарлар йўқ. Лириканинг ки-чик темаларда ёзилиши, арзимас темалар доирасида айланиши ва йирик бадий умулламалар даражаси-га кўтарилмаслиги одат тусига кириб қолди. Туссиз, бўш, юзаки ва ҳиссиз шеърлар кўп ёзилмоқда, булар-ни ўқиган киши сира ҳам қаноатланмайди»¹⁹⁰. Бу йил-лардаги ўзбек поэзиясида ҳам шундай ҳодисалар уч-рар эди. Танқидчилик эса унга ҳар хил муносабатда бўлди. Биргина мисол. Ҳамид Ғуломнинг «Янги боғ»

¹⁸⁹ Шарқ юлдузи. 1954. № 8. 106-бет.

¹⁹⁰ Шарқ юлдузи. 1953. № 4. 104-бет.

шеърлар тўплами (1951) чоп этилиши билан қатор тақриз-мақолалар босилди. Т. Собиров ўзининг «Бахтли ҳаётнинг илҳоми»¹⁹¹ мақоласида бу асарни мақтаб чиқди, унга қарши В. Мирзаев шундай дейди: «Т. Собиров бу мақоласида Ҳамид Ғулом асарларига объектив ёндашиб унинг ютуқлари билан бир қаторда хато ва камчиликларини ҳам кўрсатиш, беғараз танқид қилиш орқали ёрдам бериш ўрнига, ҳаддан ташқари мақтовга берилиб кетган. Ҳамид Ғуломнинг хато ва камчиликларидан кўз юмиб ўтган. Бундай танқид шоир учун ҳеч қандай фойда келтирмайди, аксинча, унинг ўз ижодига нисбатан талабчанлигини заифлатади, беғам қилиб қўяди»¹⁹². Танқидчи Ҳ. Ғулом лирик қаҳрамонининг қалби «тушунчаси жуда тор» дейди ва «Олмос» шеърдан шундай парча келтиради:

Сизни кўрдим, кўксим тўлди севинча,
Теракзор шовқини кўнглимни олди.
Айрилиқ қайғуси қалбимдан худди,
Соҳил туманидай энди тарқалди.

«Ўзбекистон коммунисти» журналида «Шарқ юлдузи» журналининг юксак ғоявий-баднийлиги учун курашайлик» номли мақола босилди ва унда бир қатор шоирларнинг асарлари танқид қилинди: «Журналда босилиб чиққан қатор шеърлар, айниқса, М. Бобоевнинг «Нок», «Севги қўшиқлари», Э. Раҳимовнинг «Янги қадам», Ж. Жабборовнинг «Москва шеърлари», Мирмуҳсиннинг «Шоирга», А. Мухторнинг «Истак», А. Раҳматнинг «Қизил майдон», Х. Расулнинг «Еш» каби шеърлари поэтик ҳис ва туйғудан анча йироқ ва паст савияда ёзилган». Сўнгра «Шарқ юлдузи» журналида «типиклик», конфликт, ижобий қаҳромон проблемалари ҳақида диққатга сазовор бўлган бирорта мақола берилмади»¹⁹³, деб алоҳида таъкидланади.

ҚИСҚАЧА ХУЛОСАЛАР

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда ўз тарихий тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Унинг тадқиқот объекти анча кенгайди ва чуқурлашди. Минг йилдан ортиқ ўзбек адабиёти тарихини тадқиқ этишга эътибор кучайди. Айниқса, буюк шоир Навоий ва ундан

¹⁹¹ Ёш ленинчи. 1951. 13 октябрь.

¹⁹² Шарқ юлдузи. 1952. № 6. 124-бет.

¹⁹³ Ўзбекистон коммунисти. 1953. № 12. 40, 43-бетлар.

кейинги даврлардаги адабиётимизнинг атоқли санъаткорлари ижодини монографик планда тадқиқ қилишда жиддий ютуқларга эришди. Ўзбек совет адабиёти ва унинг машҳур, таниқли намояндалари ҳаёти ва ижодини монографик планда ўрганиш ва тадқиқ этиш биринчи планга чиқа бошлади. Бу борада ўндан ортиқ танқидий-биографик очерклар вужудга келди. Бадиий ижоднинг фундаментал проблемалари — социалистик реализм масалалари ҳақида дастлабки йирик ишлар пайдо бўлди.

Адабиётшуносларимиз ва адабий танқидчилигимиз сафи талантили янги кучлар билан кенгайди, улар хийла фаоллашди. Коммунистик партия Марказий Комитетининг қатор қарорлари муносабати билан адабий танқиднинг адабий ҳаёт билан ва коммунистик қурилиш билан алоқаси янада кучайди. Адабий жараён проблемалари танқидчилик ва адабиётшуносликнинг диққат марказига кўтарилди. Танқид поэзия, проза ва драматургия соҳасида яратилган деярли ҳар бир муҳим асарга муносабат билдиришга интилди. Шеърӣ тўпламлар, поэмалар, очерк ва ҳикоялар, повесть ва романлар, драма ва комедиялар ҳақида жуда кўп тақриз ва мақолалар босилиб чиқди, танқидчилик тарозисига тушди. Танқидчиликнинг адабий-тарихий процессдаги роли кўп даража ортди.

Адабиётшунослик ва танқидчилик савияси ҳийла кўтарилди. Замонавийлик, ғоявийлик ва бадиийлик, ижобий қаҳрамон, конфликт, типиклик ва бошқа қатор проблемаларни тушуниш ва талқин қилишда муайян ютуқларга эришди.

Давр, ижтимоий ҳаётдаги мураккабликлар адабиётшунослик ва танқидчиликда ҳам намоён бўлди. Танқидчилик вульгар социологизм, догматизм, нигилизм ва ўта субъективизмдан иборат зарарли тенденциялар машаққатларини бошидан кечирди ва улардан қутилишда жиддий ютуқларга эришди.

МУНДАРИЖА

ИНСТИТУТДАН	
КИРИШ	9
Адабий танқид тарихини ўрганишнинг методологiasi ва методикаси масалалари	9

БИРИНЧИ БОБ

Ўзбек совет адабий танқидининг вужудга келиши ва илк қадамлари (1917—1932)	32
Револуцион воқелик ва адабиёт	32
Янги адабий танқиднинг илк қадамлари	48
Социалистик воқелик, янги инсон ва адабий танқид	77
Жанрий изланишлар ва адабий танқид	93
Адабий танқид ва классик мерос проблемаси	124
Қисқача хулосалар	147

ИККИНЧИ БОБ

Ўзбек совет адабий танқиди социалистик реализм эстетикаси билан қуролланиш йўлида (1932—1941)	152
Адабий танқидда ижодий активлик	155
Адабиётда янги инсон тасвири учун кураш	170
Социалистик реализм эстетикасини эгаллаш йўлида изланишлар	182
Марксча-ленинча адабиётшуносликнинг илк қадамлари	198
Қисқача хулосалар	203

УЧИНЧИ БОБ

Улуғ Ватан уруши даври ўзбек адабий танқиди (1941—1945)	205
Ватан муҳофазаси ва адабиёт	205
Адабий танқидда давр ва янги қаҳрамон образи	208
Адабий танқидда замонавийлик ва жанговарлик	226
Ўзбекистондаги рус танқидчилиги	252
Қисқача хулосалар	270

ТУРТИНЧИ БОБ

Улуғ Ватан урушидан кейинги давр ўзбек танқидчилиги (1945—1956)	272
Ириқ тадқиқотлар йўлидаги илк қадамлар	280
Диққат марказида — адабиётшунослик ва танқидчилик	

ривожи	285
Тақриз адабиётнинг ойнаси	291
Социалистик реализм эстетикаси масалалари ва танқид	309
Адабиётнинг замонавийлиги учун кураш	314
Танқидчиликда ғоявийлик ва баднийлик масалалари	319
Ижобий қаҳрамон проблемаси — диққат марказида	323
Танқидда бадний конфликт проблемаси	330
Адабий танқидда типиклик проблемаси	337
Қисқача хулосалар	344

ИСТОРИЯ УЗБЕКСКОЙ СОВЕТСКОЙ ЛИТЕРАТУРНОЙ КРИТИКИ

В 2-х томах

ТОМ I

На узбекском языке

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номидаги
Тил ва адабиёт институти илмий Совети, Ўз-
бекистон ССР ФА Тарих, тилишунослик ва
адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга
тасдиқланган*

Муҳаррир *М. Алиева*
Рассом *В. Зиновьев*
Техмуҳаррир *О. Мосина*
Корректор *М. Саидова*

ИБ № 3801

Теринишга берилди 14.04.87. Босишга рухсат этилди
26.06.87. P03097. Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қо-
ғози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли
босма л. 18,27. Ҳисоб-нашриёт л. 17,8. Тиражи 1488.
Заказ 106. Баҳоси 3 с.

ЎзССР «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь
кўчаси, 70.

ЎзССР «Фан» нашриётнинг босмахонаси: Тошкент.
М. Горький проспекти, 79.